


ИСЛОМ ТАСАВВУФИ МАНБАЛАРИ



Қуръони карим
Ҳадиси шариф
Туркий тафсир
Боязид Бистомий
Абу Али ибн Сино
Имом Ғаззолий
Юсуф Ҳамадоний
Хожа Аҳмад Яссавий
Абдуҳолиқ Ғиждувоний
Шайх Нажмиддин Кубро
Ғаридиддин Аттор
Мавлоно Жалолиддин Румий
Хожа Баҳроуддин Нақшбанд
Хожа Аҳрор Вали
Алишер Навқий
Ҳусайн Воиз Кошифий
Ғаҳруддин Али Сафий
Заҳириддин Муҳаммад Бобур
Сўфи Оллоҳёр
Бобораҳим Машраб
Исҳоқ Боғистоний

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети

ИСЛОМ ТАСАВВУФИ МАНБАЛАРИ
(ТАСАВВУФ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ)

Илмий мажмуа

Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи
филология фанлари доктори, профессор
Ҳамидулла Болтабоев

«O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2005

Миллий истиқлол туфайли университетларнинг таълим дастурига «Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари» фани киритилган бўлиб, унинг доирасида мумтоз адабиётимизнинг тасаввуфий асослари, тасаввуф назарияси ва тарихи масалалари ўқитилмоқда. Бироқ мазкур курс бўйича изчил дарслик ёки ўқув қўлланмасига эга эмаслигимиз сабабли ихтисослик фанини ўқитишда қатор муаммолар юз бермоқда. Ана шу ҳаётий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ушбу илмий мажмуа яратилди. Соҳага доир муқаддас китоблар, шарҳ алломалари илмий ишларидан намуналар бериш орқали миллий маънавиятимиз хазинаси дурдоналари билан таништириш мажмуа олдига қўйилган вазифалардан.

Мажмуада тавсия этилган рисола ва мақомотлардан берилган намуналар ўз табиатига кўра филологик таълим билан шуғулланувчи бакалавр ва магистр босқичи талабалари, аспирант ва тадқиқотчилар ҳамда маънавият масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессор
Нажмиддин Комилов

Тақризчилар:
филология фанлари доктори
Иброҳим Ҳаққулов,
филология фанлари номзоди
Султонмурод Олимов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2005 йил 30 апрель, 4 – сон баённома)

© «O'qituvchi» НМИУ, 2005
4306010400
ISBN 5-645-045270

Мумтоз адабиётнинг руҳий-маънавий асоси

Мустақиллик йилларида таълим тизимида қатор янгиликлар содир бўлди. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» (1997 йил 6 октябр), Таълим давлат стандарти (2002) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида мамлакат университетларида фундаментал тадқиқотлар билан шуғулланиш, бу ишга иқтидорли ёшларни жалб қилиш мақсадига ўз режа ва дастурларини замонавий асосда қайта тайёрланмоқда, уларга мос равишда янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилмоқда.

Истиқлол туфайли Ўзбек филологияси факультетларида «Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари» курси махсус фан сифатида ўқитила бошланди. Бундай хайрли иш бир неча йиллардан бери давом этиб келаётганига қарамасдан ушбу махсус фаннинг ўқув дастури ишлаб чиқилмаган эди. Университет таълим тизимидаги ана шу илмий-адабий эҳтиёж ҳисобга олинган ҳолда намунавий ўқув дастури тайёрланди. Махсус фан доирасида талабаларни миллий маънавиятимиз илгизлари ва ислом тасаввуфи асослари билан чуқурроқ таништириш мақсадига ушбу илмий мажмуа тартиб берилди. Бунинг кўмағида тасаввуф назарияси ва тарихи, тасаввуф ва бадиий ижод муаммолари, тасаввуфий адабиётнинг шаклланиши ва тараққиёти ҳамда тасаввуф эстетикаси масалаларини ўрганиш тавсия этилади. Ушбу тасаввуфий манбалар талабаларнинг «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи» фанидан олган билимлари асосига қурилган бўлиб, уни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш мақсадига Миллий университетга олиб борилаётган илмий-педагогик тажриба натижаларига суянилди. Талабалар учун қўлланма тарзида илк бора тақдим этилаётганлиги учун унда етишмовчиликлар ва талқинда методик оқсашлари бўлиши мумкин. Бу ҳақда билдирилган фикр ва мулоҳазалар, шубҳасиз, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизнинг ривожига кўмак бергусидир.

АВВАЛ ҚУРЪОНИ КАРИМ, СУННАТДА ТАСАВВУФ

Икки олам Яратувчиси бутун яралмишлар ичида «гуҳари шарифи» сифатида инсонни яратди. Унга дунёни билиш, ўзлигини англаш салоҳиятини инъом этди. Ҳақни таниш сифати билан зийнатлади. Моддий олам гўзалликларини кўриш учун кўз берди, очиқ кўз билан кўриб бўлмас жиҳатларни тушуниш учун қалб ато қилди. Яна шунда ҳам бандайи ожиз Ҳақ йўлидан тоймаслиги учун ўз элчиси Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам (с.а.в.) орқали Сўз (Қуръони карим) нозил қилди ва бу Сўз мутолаасида ҳам инсон ноқис қолмаслиги учун бир гуруҳ саҳобайи икром ва валийлар юбордики, улар Ҳақни таниш баробарида бани одамга иноят этсин, кўмак берсинлар. Зеро, «Сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтувчи Ҳақ сўзга) эргашадиган зотларга хабар беринг! Ана ўшалар Оллоҳ ҳидоят қилган зотлардир! Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидирлар!» дейилади Каломуллоҳда (39:18).

Аҳли тасаввуф орасида «Аввал Қуръони карим, суннатда тасаввуф» деган фикр тасодифий айтилган ёки дунёни руҳоний кўришнинг натижасигина эмас, балки тасаввуф илми ва амалиётида ҳам тасдиқланган ҳолдир. Чунки аввали илм Қуръони каримдир, амал пайғамбарнинг суннатларини давом эттирмак, ихлоснинг боши эса иймондир. Оллоҳнинг ягоналигига, биру борлигига иймон келтириш — калимаи шаҳодат ("Ла илаҳа илаллоҳу Муҳаммаду-р-расулуллоҳ", яъни «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг элчиси»)ни билиш ва англашдан бошланади.

Қуръони каримда Оллоҳнинг «олим» (ҳамма нарсани биладиган), «басир» (кўрувчи) ва «сомиъ» (эшитувчи) каби сифатлари айтилади. Оллоҳнинг зотига ва сифатига иймон келтирилиш билан Унинг барча улўф хислатлари тан олинади. Шундай экан, тасаввуфга даъват — ҳақиқатга даъват экани ойдинлашади. Қалб Оллоҳнинг, илоҳий ишқнинг ватани бўлса, уни зоҳиран оммага етказувчилар пайғамбарлардир. Ботинда Оллоҳ бўлса, зоҳирда пайғамбар. Тасаввуфдан мақсад комил инсон ахлоқи каби ахлоқланиш бўлса, дунёда тан олинган комил инсон тимсоли Одам сафийуллоҳдан тортиб Муҳаммад (с.а.в.)гача ўтган пайғамбарлардир. Шундан келиб чиқадики, суннати набавий ҳам тасаввуфни юзага чиқарувчи

омиллардандир. Шунингдек, тасаввуфда байъат — моҳир тарбиячи, улуғ устозга эргашиш эҳтиёжи туғилади. Тасаввуфда байъат Расулуллоҳнинг суннатларини маҳкам боғлаган ҳаким суҳбатида бўлиш, унинг тавсия ва насиҳатларини қабул қилиш ва ўз ҳаётига татбиқ этишдир. Бу ҳақда “Фақрнома”да айтилади: “Шундай пирга қўл берки, у шариатда орифи биллоҳ бўлса, тариқатда воқифи асрор бўлса, ҳақиқатда комилу мукаммал бўлса, маърифатда дарёи уммон бўлса... саодат бўлғай”¹.

Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарийнинг «Тасаввуф сирлари» асарида тасаввуф ҳақида шундай таъриф келган эди: «Инсоннинг маънавий оламини ислоҳ этадиган, бузилган қалбларнинг муолажаси учун энг таъсирли бўлган, инсонни ҳақиқатлар атрофига тўплайдиган ўта фойдали ва мустақил илмдир»². Демак, тасаввуф покланиш илми бўлса, уни иккига ажратиб ўрганиш мумкин: мақбул кўрилган тазкия ва рад этилган тазкия. Тасаввуф мақбул кўрилган *тазкия (айбдан оқлаш, оқланиш)* ва *тасвия (поклаш, тарбиялаш)*дир.

Зоҳирдаги амал ва феълларнинг бузилиши қалб фаолиятига боғлиқ экан, қалб қандай тузатилади, яъни ислоҳ қилинади, деган саволга «Оллоҳ зикри билан безаб сақлаш ва касаллигини даъволашдан бошқа нарса эмас» деган жавоб топамиз. Имом Жаъфар Содиқ (ваф. 762) айтган эканларки, «Мен Қуръон оятларини қалбимда акс-садо берса ҳам тақрорлашдан тоймайман». Шунга кўра Оллоҳ зикригина улуғ душманимиз бўлган нафс ва шайтондан қўриқлаши мумкин, бунда «тақво — иймон қўргони» каби хизмат қилади. Тасаввуф покланиш илми экан, унда бош амал *қалбни оқлаш, руҳни поклаш* ва *нафс тарбияси*дир. Бу ҳақда Қуръони каримнинг «Ваш-Шамс» сурасида айтилади: «Дарҳақиқат, уни (ўз нафсини — жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (жонни фисқ-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурод бўлди» (91:9—10). Ёки «Шуаро» сурасида «магар Оллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина фойда берур» (26:89) дейилган. ✓

¹ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат (нашрга тайёр. А. Абдушукуров). — Т.:1992. — Б. 8—9.

² Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. — Т.: Мовароуннаҳр, 2000. — Б.4.

Тасаввуфшунослик тарихида айрим ғарб олимлари билан ислом мутасаввифларининг қарашлари ўртасида зиддиятлар бор. Тасаввуф исломдан ташқарида деювчилар уни исломга қарши қўйиш йўлидан борадилар ва мустақил таълимот сифатида тушунтирмоқчи бўладилар. Мумтоз тасаввуфшунослик эса тасаввуф исломнинг ичида пайдо бўлган, унинг «ватани» Қуръони каримдир, чунки у зоҳирий илм (илми қол) эмас, балки илми ҳолдир деб тушунтиради. Шунинг учун унинг бош омили фарз амалларини талаб этувчи шариатнинг бош китоби Каломуллоҳдир. Мутасаввиф ўз ибодатига, Оллоҳга бўлган севгисига тескари келмаган дунёдан юз ўтирмайди. У ибодат пайти ибодатини адо этади, аврод (дуолар) пайти аврод ўқиш билан машғул бўлади, иш пайтида ишлайди. Ишлашдан мақсад шон-шуҳрат, мансаб, мавқе, бойлик эмас, балки инсонларга хизмат этиш, оммага фойда келтиришдир. Зеро, Ҳадиси шарифда айтилганидек, «Инсонларнинг яхшиси инсонларга нафъ келтирувчилардир». Чунки омма манфаатини ўйлаш ҳам ибодатга киради: «Дунёни кўр, сайр қил, ичига кир, аммо дунё сенинг ичингга кирмасин».

Ислом асоси — беш рукнадирки, Оллоҳ таоло Қуръони карим орқали, аввало, мана шу рукнларни бажармоқни талаб қилса, бу шариат талабигина эмас, балки тариқатга кириш йўли ҳамдир. Шариат зоҳирий илмгина эмас, балки инсон ички оламига ҳам дохилий илм бўлиб, шариатнинг зоҳири — илми фикҳ (илми қол), унинг ботини тасаввуф (илми ҳол)дир.

Иймондан сўнг намоз фарзини ҳам тасаввуф билан боғлаш учун Қуръони каримнинг «Тоҳа» сурасида айтилган: «Мени эслаш учун намоз ўқи!» (14-оят) сўзларидан асос топамиз. Зеро, Ҳадиси шарифдаги «Намоз мўминнинг меърожидир» сўзлари ҳам бунга далилдир. Намоздан кейинги фарз рўзадир: «Эй мўминлар, сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди» (2:183) ва яна айтилади: «Намозни тўқис адо қилинг ва закотни беринг...» (2:43). Демак, тасаввуф исломнинг беш асоси — рукни ва уни сидқ билан адо этишдан бошланади. Тасаввуфнинг «покланиш йўли» эканини эътироф қилган инглиз олими Ж. Тримингэм «Биз тасаввуфни

сўфийлар изидан бориб, "исломнинг ички таълимоти (доктринаси) ва унинг сирлари Қуръондадир деган мақсад билан кўриб чиқамиз"³ деган хулосага келган экан, биз ҳам тасаввуф таълимотини ўрганганда унинг исломий асосларини билиш ва тараққиёт омилларини англаш йўлидан боришимиз лозим.

Ислом дунёсида тасаввуф сингари мураккаб жараённинг вужудга келиш сабабларини тушуниш учун у туғилган жамият ҳолатини ўрганиш зарур. Хулафои рошидинлардан Абу Бакр, Умардан сўнг Усмон даврига келиб, халифалик табиати ўзгара бошлади. Халифа Усмон виждон, диёнат (хайаъ) рамзига айланган эди, бироқ унинг даврида ҳам зиддиятлар кучайди. Усмон ва Ҳазрат Алининг ўлдирилиши вазиятни кескин ўзгартирди ва ҳукумат тепасига умавий Муовия ибн Абу Суфён (661 йил, куз) келди. Бу даврдан халифалик динийгина эмас, таълимий характер касб эта бошлади. Айниқса, Ҳазрат Али ва унинг авлодларига бўлган шафқатсиз муносабат (Имом Ҳасан, Имом Ҳусайннинг ўлдирилиши ва бу воқеаларни акс эттирган Жаҳонотин Увайсий дostonларини эслаш мумкин) вазиятни яна ҳам кескинлаштирди.

Халифа Усмон давридаёқ саҳобалар томонидан Ҳадислар тўплана бошлади, чунки ҳадисларда ҳам тасаввуфий мазмун акс этган эди. Қуръони каримни ёзиб олишга ҳаракат бўлди, Каломуллоҳнинг кўфий ёзуви билан терига ёзилиши шундан келиб чиқди. Ҳофизлар (Қуръонни қироат билан — тажвидга амал қилган ҳолда ўқувчилар) ва қорилар (Қуръонни ёддан билувчилар)нинг камайиши воқеаларнинг тезлашишига сабаб бўлди. Иккинчидан, нафақат Халифа Али авлодлари, балки Пайғамбаримиз саҳобалари (у зот билан суҳбатда бўлган кишилар)нинг ҳам дунёдан ўтиши бу жараённи янада тезлаштирди. Ҳадисларнинг йиғилиши ва иснод йўли билан (ҳадиснинг ким томонидан айтилганига қараб, масалан, мадиналик Ибн Абу Яҳъё, ундан боғдоғлик ал-Вакидий, ундан хуросонлик Муқотил ибн Сулаймон, ундан суриялик Муҳаммад ибн Саид эшитган тарзида) уларнинг саҳиҳлигини аниқлаш

³ Тримингэм Ж. С. Суфийские ордены в Исламе (под ред., предисл. и примеч. О.Ф. Акимускина). — М.: Наука, 1989. — С. 16.

одат тусига кирди⁴. Ибн Халдуннинг ёзишича, "Абу Ҳанифа фақат 170 ҳадисни, Малик 300, Абу Абдуллоҳ Исмоил Бухорий 9200 ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал 50.000 ҳадисни саҳиҳ (тўғри) деб билганлар"⁵. Имом Бухорийнинг ўз сўзларига кўра, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билар экан. Унинг шогирдларидан Амр ибн Фаллос: "Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмасдир" деган. Устозларидан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий (780—855)нинг айтишича, "Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас". 20 ёшидаёқ бир неча китоблар муаллифи сифатида машҳур бўлган муҳаддис "Ал-адаб ал-муфрад" («Адаб дурдоналари»), "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ"дан ташқари яна йигирмага яқин китоблар муаллифидир, таассуфки, уларнинг кўплари бизгача етиб келмаган.

Жаҳон борлигининг сифати ва маъзи жамланган Қуръони каримнинг маъносини англаш осон кечмаган. Гарчи ҳадислар орқали бу машаққатли йўлни енгиллаштиришга ҳаракат қилинган бўлса-да, Оллоҳ сўзини изоҳ ва шарҳлашда, ундаги илоҳий маъно сирларидан бани одамни огоҳ қилишда минглаб уламо ва муфассирларнинг беназир хизматлари тайин. Ҳазрат Навоий қуйидаги муфассирлар ва уларнинг асарларини ҳурмат билан тилга олган: Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий «Жавоҳиру-л-Қуръон», Абул Қосим Маҳмуд бин Умар бин Муҳаммад Замахшарий (ваф. 1143—44) «Ал-кашшоф фи тафсир ал-Қуръон», Рўзбеҳон Бақлий (ваф. 1209—10) «Аройису-л-баён фи ҳақойиқи-л-Қуръон», Нажмуддин Розий (ваф. 1256) «Баҳру-л-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар денгизи»), Садриддин Қўनावий (ваф. 1274—75) «Эъжозу-л-баён» (Қуръони каримнинг «Фотиҳа» сураси тафсирига бағишлангани учун «Тафсири фотиҳа» деб ҳам аталади), Шайх Саъдиддин Ҳаммувий «Сажанжалу-л-арвоҳ ва нуқушу-л-алвоҳ» («Руҳлар кўзгуси ва лавҳалар нақши»), Абдирахмон Жомий «Тафсир» (тугалланмаган), Ҳусайн Воиз

⁴ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. — М.: Наука, 1965. — С.14-15.

⁵ Ибн Халдун. Шифа ас-саил ли таҳзиб ал-масаил (нашр. Муҳаммад б. Тавит ал-Танджт). — Анкара: 1958. — Б.369—371.

Кошифий (ваф. 1505) «Жавоҳиру-т-тафсир ат-туҳфату-л-амир»⁶ ва бошқалар.

Турк дунёси исломий удумларни қабул қилиш ва ўзига илоҳий йўл топиш баробарида юзлаб тафсирлар, шарҳлар ва луғатлар тузганлар, бу билан башар зотининг Оллоҳ сўзини англашдек масъулиятини енгиллаштиришга уринганлар. Турк олими Фуод Кўпрулунинг аниқланишича, Қуръони каримни турк тилида тафсир қилиш ҳижрий III (милодий X) асрлардан («шарҳ ва тафсирлар йиғиндиси сифатидаги наср диний туйғу ва фикрлар ифодаси бўлгани учун учқур шеъриятга нисбатан кенгроқ тарқала бошлади» деб ёзган) бошланган⁷. А. Эртўғон, А. Инон каби олимлар туркий тафсирчилик тарихи билан шуғулланганлар⁸. Турк дунёсида барча муфассир ва исломшунослар томонидан тан олинган дастлабки Тафсир ҳақида филология илми фаннинг бошқа соҳаларидан азвалроқ хабар берди. XII—XIII асрларда номаълум муаллиф томонидан амалга оширилган Қуръони каримнинг тафсири 1914 йилда Қаршида топилган ва Бухорога келтирилган. 1920 йили Бухорода шўролар ҳукумати ўрнатилгач, «Туркий тафсир» Санкт-Петербург шаҳрига олиб кетилган. Ҳозир Россия ФАШИ Санкт-Петербург бўлимида (197-рақам остида) сақланаётган бу Тафсирни, табиийки, дастлаб рус мусташриқлари томонидан ўрганилишига рухсат бўлган. В. В. Бартольд, С. Е. Малов, А. Н. Кононов, А.М.Шчербак унинг тил жиҳатларини ўрганган бўлса, А.К.Боровков⁹ Тафсирни махсус тадқиқ қилиб, унга луғат ҳам тузган. Проф. Қ. Маҳмудов «Туркий тафсир»нинг факсимиле нусхасини нашр қилдириш¹⁰ билан ушбу манбага илмий жамоатчилик эътиборини қайта қаратди. Демак, Ислом тасаввуфининг асоси ва тараққиёт манбалари сифатида Қуръони карим оятларини, Ҳадис ҳикматларини ва Тафсир сифатларини ўрганиш маълум маънода тасаввуф илми ҳам амалиётининг ривожланишига сабаб бўлади.

⁶ Навоий Алишер. Насойиму-л-муҳаббат. / Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. — Т.: Фан, 2001.

⁷ M. Fuad Koprulu. Turk Edebiyatı Tarihi. — Istanbul: Oteken, 1980. — S.106.

⁸ Erdogan A. Kuran Tercumelerinin bakimindan degerleri. — S.47-48.

⁹ Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тefsira XII-XIII вв. — М.: 1963.

¹⁰ Туркий Тафсир (Тузувчи Қ. Маҳмудов). — Т.: 2000.

Тасаввуф тарихида милодий VIII асрларга келиб, Саодат асрини қўмаш, пайғамбарлик сифатларини тарғиб қилиш, бора-бора зуҳд ва тақвони кучайтириш лозим кўрилди. Ҳали "сўфий" сўзи урф бўлмай туриб, зоҳид ва обидларда дастлабки сўфийлик белгилари зоҳир бўлди. "Обид" ибодат қилишга, тақвога зўр берган бўлса, зоҳид дунё лаззатларидан ўзини парҳез қилиши билан тасаввуф аҳлига яқин туради. Улардаги фарқ ҳалол ва ҳаромга муносабатда кўринади. Обид фикрича, Қуръонда ҳалолланган нарсаларгина ҳалол, зоҳид фикрига кўра, Қуръони каримда тилга олинган нарсалар билан бирга Пайғамбаримиз ўз ҳаётлари даврида ҳалол деб билган нарсалар ҳам ҳалолдир. Кейинроқ бунинг қаторига меҳнат туфайли яратилган ва эришилган нарсалар ҳалоллик белгиси сифатида қўшилган. Иброҳим Адҳам тарихи шуни кўрсатадики, саҳродаги ўтин ёки дарёдаги сув ҳеч кимники (ёлғиз Оллоҳга тегишли) эмас, уни олиб келиб бозорда сотса, ўз меҳнатинигина бозорда сотган саналади, бунинг эвазига келган таом ҳалолдир. Аҳмад ибн Ҳанбал зоҳиднинг уч мартабасини белгилайди: 1) авом зуҳди — ҳаромни тарк қилмоқ; 2) хаввос—хослар зуҳди: ҳалолдан бошқасини тарк қилмоқ; 3) сиддиқлар зуҳди — Оллоҳдан бошқа нарсаларнинг ҳаммасини тарк қилмоқ. Демак, зоҳид дунёни эмас, балки ҳаромни тарк қилувчи сифатида майдонга чиққан. Имом Ғаззолийнинг ёзишича, зуҳд мақоми ҳам илм, ҳам ҳол ва амалдан келур¹¹.

Ибодат мақоми ҳақида "Ибодати исломия" китобида, Муҳаммад Зоҳид Қутқунинг "Иймон қушининг икки қаноти" асарларида ҳам фикрлар бор. Қуръони каримда айтилишича, "Оллоҳ халқни севади ва уни ўз муҳаббати сари етаклайди". Ғарблик тасаввуфшунос олимлар бетаъма ибодат ҳақида сўз кетганда илк сўфийлардан Робиа ал-Адавия (713—718 орасида туғ., ваф. 801)нинг тафсилини талқин қиладилар. Унинг ягона тилаги Оллоҳ васлига восил бўлиш, зуҳду ибодат таъма учун эмас, балки қалбдан "фи сабилиллаҳ" (Оллоҳ йўлида) бўлишидир. Тасаввуфшунос олима Аннамария Шиммел китобида Робиа ҳақидаги машҳур ривоят тақроран келтирилади: Робияни бир қўлида ўт ва бир қўлида сув (идишда) билан кўрдилар, сабабини сўраганларида, сув билан

¹¹ Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. — Бухоро: 2000. — Б.39—40.

Дўзах ўтини ўчирмоққа қарор қилганини, олов билан жаннатга ўт қўймоқчи бўлганини айтди. Халқ уни эсдан оғган деб ўйлаб, тавба қилишликни ва бу ширқдан воз кечишликни талаб қилди. Робиа айтди: Токи инсонлар дўзах ўтидан қўрқиб ёки жаннатга таъма қилиб ибодат қилмасинлар, ибодат қалб зийнатига айлансин¹². Мумтоз адабиётдаги муножот (Оллоҳга илтижо) жанри ҳам Робиянинг илоҳий қўшиқларидан бошланган. У қалбида Оллоҳдан бошқага муҳаббат ўрин ололмаслигини кўйлайди. Оллоҳ васлига восил бўлиш умиди, ўз жисмини тарк қилиб, Тавҳид руҳи билан яшаш ҳақидаги фикрларни тасаввуфшунослар илк бор Робиа асарларида кўрадилар.

Ҳижрий II асрда мазҳаб айирмалари ҳақидаги қарашлар кучая бошлади. Шиъа ва сунний мазҳаби ўртасидаги нифоқлар ҳам шу даврда шиддатли кечган. Пайғамбаримизнинг куёвлари Ҳазрат Алининг издошлари "шиъа" тарафдорлари сифатида кўринди, дастлаб уларга қарши ўлароқ Умайн ибн Абу-с-Салта, яъни хаворижийлар (халифаликка ҳеч бир шахсни лозим билмаганлар) кузатилди. Улар гуноҳи кабир ҳақида қарашларини эълон қилдилар, азракитларнинг айтишича, гуноҳ қилган мўъмин мусулмон эмас. *Сифриййа* қарашидагилар гуноҳ қилганнинг авлоди эмас, балки фақат ўзи ўлимга маҳкум эканлигини айтадилар. *Ибодиййа* тарафдорлари гуноҳкор ибодат билан ўз гуноҳларидан фориғ бўлиши мумкинлигини эътироф этадилар. 670 – 770 йилларда *муржиййа* тарафдорлари Оллоҳнинг карами ва марҳаматига умид (*ражаъ*) билан яшашни талқин қилдилар. Шундай қилиб, мазҳабчилик кучайди. Бироқ тасаввуфий илм тарафдорлари мазҳаблараро курашлардан ҳам ўзини парҳез тутдилар. Хориждаги исломшунослар тан олиб ёзганидек, «Сунний уламолар тўрт имом (Абу Ҳанифа, Малик ибн Анас, аш-Шофийй ва Ибн Ҳанбал) нинг улуғворлигини тез орада тан олди ва ҳижрий учинчи асрнинг охирларидан сўнг бирор мактаб вакили бўлган уламоларнинг бошқа мактаб тамойилларига риоя этганини камдан-кам кўрамиз... Айнан ўша пайтда мактаблар ўртасидаги ўзаро бағрикенглик ва яхши фикр муносабатларини ҳамма

¹² Шиммел А. Жовон менинг жонимда. — Т.: 1999. — Б.12.

бирдай қабул қиладиган бўлди»¹³. Жалолиддин Румийнинг «мен 72 мазҳаб эгалари билан биргаман» деган сўзлари ҳам бунга далилдир. Демак, диндаги мазҳабчилик билан тасаввуфдаги тариқатланиш бир ҳодиса эмас. Чунки мазҳаблараро курашда маълум маънода сиёсий даъво — халифатга интилиш мавжуд, тасаввуфда эса таъма ва мансаб учун кураш ҳаром саналган.

Тариқат сўзи луғавий жиҳатдан йўл маъносини англатади. Истилоҳий жиҳатдан эса сўфийнинг ўзини поклаш ва Оллоҳга яқинлашиш учун танлаган йўли ҳисобланади. Тасаввуфда шариатсиз тариқатга кириб бўлмагани каби тариқатнинг бирор йўлини қабул қилмай ҳам ўз мақсадига эришиб бўлмайди. Шунинг учун тасаввуфда сулук *ат-тариқ* (йўлни ўташ) деган тушунча бор. Тариқат йўлини ўтаб, унинг манзилларига эришиб, мақомларини бажариш орқалигина тасаввуфда ҳақиқий покланишга эришиш мумкин. Муайян бир тариқатнинг ичида тоифа ва силсила муносабатлари шаклланган бўлиши мумкин. Оллоҳга бўлган буюк муҳаббат унинг биру борлигига иймон келтирган мўъминларнинг жамоалашув истагини туғдирди. Тариқат эса мана шу покиза илм ва ахлоқ йўлида бирликка интилишнинг натижаси ўлароқ вужудга келди. Демак, сўфийларнинг тариқатлашув жараёни айрим ғарбдаги мутахассислар айтганидек, ажралиш ёки бўлиниш истаги билан эмас, балки ахлоқий покланиш йўлида бирликка интилувнинг натижаси ўлароқ майдонга чиққан.

Тариқат истилоҳининг муқобили сифатида Ғарб олимлари "орден", "братство" атамаларини ўз асарларида қўллайдилар. Лекин бу тушунчалар тасаввуф тариқатлари моҳиятини тўла англатмайди. Айрим ҳолларда эса улар мазҳаб тушунчасига яқин келиши мумкин, холос.

Илк тасаввуф тариқатларидан *жабариййа* (улуғлик, Оллоҳнинг улуғлиги) тарафдорлари инсон эркини чеклаб, ҳамма нарса Оллоҳ томонидан берилган фикрини илгари сурди, *қадариййа* тариқати вакиллари эса инсон эркини ёқлади ва шу билан бирга у ўз гуноҳлари учун Оллоҳ олдида масъулдир, деган фикрда қолди. Шу даврда *ботиниййа*,

¹³ Уинтер Ж.Т. (Абдулҳаким Мурог) XXІ асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш (инглизчадан Фаҳриёр таржимаси). — Т.: «Шарқ» НМАК, 2005. — Б.346—347.

хаммариййа каби тариқатлар ҳам вужудга келган¹⁴.

Тариқат назарияси милодий XI асрдан бошлаб шаклланиш даврига кирган ва секин-аста тариқатланиш тамойиллари ишлаб чиқилган. Тасаввуф олимлари орасида нисбатан биринчи бўлиб тариқатланиш илми ва тамойилларига юзланган аллома Абул Ҳасан Хужвирий (ваф. 1074) бўлган. Унинг "Кашфу-л-махжуб" ("Покланиш йўлларининг кашфиёти") асари (1073)да мухосибийлик, кассарийлик — маломатийлик, тайфурийлик, жунайдийлик, нурийлик, сахлийлик, ҳакимийлик, харразийлик, хафифийлик, сайарийлик сингари ўн тариқат зикр қилинган¹⁵. Мардуд (рад қилинган) тариқатлар сифатида хулумийлик ва халложийлик келтирилган. Ал-Воситийнинг "Тирықу-л-муҳибин" ("Муҳиблар тариқатлари") асари (1320)да Хужвирийнинг таснифи, асосан, қабул қилиниши билан бирга қатор янги тариқатлар, яъни XI асрдан бошлаб шакллана бошлаган биллолийлик ва увайсийлик ҳақида маълумотлар бор. Муҳаммад Шерозийнинг "Таройиқу-л-ҳақойиқ" асари асосида тариқатланиш жараёнини ўрганган олим М. Ҳазратқулов китобида қуйидаги тасаввуф силсилалари — қодирийлик, мухосибийлик, маломатийлик, қаландарийлик, тайфурийлик, жунайдийлик, рафоиийлик, сахлийлик, сухравардийлик, мавлавийлик, сафавийлик, нақшбандийлик, неъматуллоҳийлик, кубравийлик, шозилийлик, бектошййлик, нурийлик, исавийлик ва б. кўрсатилган¹⁶.

Гарб олимлари тасаввуф тариқатларига муносабатда ҳудудий, миллий ва мазҳабий таснифларни илгари сурганлар. Инглиз олими Жорж Тремингэм кўпроқ ҳудудий таснифнинг ҳимоячиси сифатида кўринади. Унингча, тасаввуф тариқатланишида Боғдод мактаби — Ироқ (Месопотамия)ни алоҳида кўрсатади. Миср ва Мағриб (Андалузия) мактабларидан бири сифатида шазалийлик кўрсатилади. Ундан кейин эса, Эрон ва Ҳинд ҳамда Туркистон мактаблари тавсифи берилиб, уларнинг энг машҳурлари кубровийлик, яссавийлик, мавлавийлик, хожাগон—нақшбандийлик, чиштиийлик,

¹⁴ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. — М.: Наука, 1965. — С.20-21.

¹⁵ Абул Ҳасан Джуллаби Али ал-Худжвири. Кашф ал-махджуб. — Л.: 1926; Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. В кн.: Из истории суфизма: Источники и социальная практика. — Т.: Фан, 1991. — С.27-47.

¹⁶ Ҳазратқулов М. Тасаввуф. — Душанбе: Маориф, 1988. — С.86—100.

Ҳиндустон суҳравардийлиги деб талқин қилинади. Бундан ташқари олим «Исломдаги тасаввуф тариқатлари» китобида ҳосила тариқатлар сифатида *рўзбехонийлик*, *кизонийлик* ва бошқаларни тилга олади. Ж. Тримингэм талқинича, Месопотамиядаги тариқатлар орасида машҳурларидан бири *суҳравардийлик* бўлиб, Абу Нажиб Суҳравардий (1097 — 1168) номи билан боғланган, асосан, Кичик Осиё ва Хуросонда машҳур бўлган. Суҳравардийнинг "Адабу-л-муридин" номли асари хонақоҳ ва мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида қўлланилган. *Қодирийлик* айрим манбаларда илк тасаввуф тариқати сифатида қабул қилинади. Бу тариқат машҳур шайх Абдулқодир Гилоний (1077—1134) номи билан боғлиқ. Хуросон, Турк ва Ҳинд ҳудудларида вужудга келган тариқатлар эса Абу Ҳасан Ҳарақоний, Абу Язид Бистомий ва Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ экани айтилади. Ж.Тримингэм талқинида тасаввуф тариқатларининг ҳудудлараро таснифи билан бирга тариқат ва силсила муносабатлари фарқли тушунчалар сифатида англатилади¹⁷.

Айрим ғарб мутахассислари тасаввуф тараққиётини муътазила таълимоти билан боғлашади. *Муътазила* (кегиш, узоқлашиш) тарафдорлари (Восил ибн Аъта) жабарийликка муносабатда улардан ажралиб кетади ва шу воқеадан муътазилийлик зоҳир бўлади. Демак, Восил (700—749), унинг шогирди Амр ибн Убайд (ваф. 769) даврида бу қараш кучайган. Улар ҳокимиятдаги умавийлардан узоқлашганлар ва зоҳидлик машғули билан машҳурдирлар. Муътазилийлик Восилнинг "Фи-т-тавҳид ва-л-адл" ("Оллоҳнинг бирлиги ва адолат") китоби орқали ҳам тарқалган, бироқ бу асар бизгача етиб келмаган. Бу қараш басралик Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Саййар ан-Низом (ваф. 845) томонидан давом эттирилган. Бишр ал-Муътамир (ваф. 840), Абу Худайл ал-Алаф (ваф. 849) ушбу таълимот билан чекланмай, уни кенгайтирганлар. Айниқса, халифа Маъмун томонидан (824 йили) бу таълимотнинг давлат дини даражасида қабул қилиниши уни аббосийлар салтанатида кенг қўлланишига сабаб бўлган. Кейинроқ халифа

¹⁷ Тримингэм Ж. С. Суфийские ордены в Исламе (под ред., предисл. и примеч. О.Ф. Акимускина). — М.: Наука, 1989.

Мутаваккил (847–61) бу қарашлардан воз кечган¹⁸. Муътазилийлик даврида юнон манбаларига кўпроқ ўрин берилган, таржима адабиёти кучайган. Бу соҳада халифалик табиби Бихтйишу ва Хунайн оиласи кўп хизмат қилган. Бихтйишу Мансур (754–755) даврида, Жиржис ибн Бихтйишу ва унинг ўғли Бихтйишу II ибн Жиржис Хорун ар-Рашид (786–809) даврида фаолият кўрсатган. Иккинчи оила бошлиғи Хунайн ибн Исҳоқ ал-Ибоди (810 й. туғ.) халифа Маъмун томонидан бош мутаржим этиб тайинланган. X асрда Басрада беш олим фаолияти билан "Ихван ас-сафа" ("Мусаффо биродарлар") тўдаси машҳур бўлган ва улар ҳам юнонлар йўлидан юрганлар¹⁹. Айни шу даврда Оврўпа олимлари талқинича, неоплотинизм кучайган. Плотин (204 й. туғ.) "Энеида" ("Тўққизликлар") китобида дунёни беш босқич(асос)да тушунтиради: 1) бирлик; 2) руҳ; 3) қалб; 4) материя; 5) моддий дунё кўриниши. Инсоннинг мақсади руҳни жисмоний жасад (жон)дан озод қилиб, илоҳий ҳаётга йўллашдир. Сўфийликни неоплотинизмдан озикланган деювчилар ҳар икки таълимот ўртасидаги мана шу яқинликни назарда тутадилар²⁰.

Тасаввуф тарихида инсоннинг ўзи устидан назорати кучайди ва бу йўналишда Абу Абдуллоҳ Харис ал-Мухосибий (ваф. 857)нинг "Ар-риёя ли ҳуқуқ Оллоҳ" ("Оллоҳнинг ҳуқуқларига амал қилиш") китобида 61 боб орқали мухосаба (ўзини кузатиш) усуллари баён қилинган. Худди шу даврда мухосиблик таълимотини ёйганлардан бири Абул Фаил ибн Иброҳим Зуннун Мисрий (ваф. 860) бўлган. *Нийа* ва *рийа* (содиқлик ва мунофиқлик) ҳақида баҳс кучайган.

Тасаввуфнинг Хуросонда тарқалиши ва таълимот ҳолига келиши Иброҳим Адҳам (ваф. 776) номи билан боғлиқ. Унинг мажлислари самовий тус олган ва шогирди Шақиқ Балхий фаолиятида ҳам бу таълимот кенгайтирилган. IX асрга келиб Нишопурда маломатийлик ривожланган ва унинг Абу Хафс Умар ал-Хаддоқ (ваф. 881), Абу Усмон Саъид ал-Ҳирий (ваф. 910) каби вакиллари фаолиятда бўлганлар. Абул Қосим

¹⁸ *Eraydin Salcuk. Tasavvuf ve Tarikatlar.* – Istanbul: 1981; *Tarikatlar Ansiklopediyasi.* – Istanbul: 1991.

¹⁹ *Косим Фану. Тарихи тасаввуф дар ислом.* – Техрон: 1974.

²⁰ *Mehmet Ali Ayni. Islam Tasavvufi tarihi.* – Istanbul: 1985. – S.41-45.

ал-Жунайд ал-Хаззоз (ваф. 911)нинг "Саййид ат-тоифа" ("Ҳамма тоифалар ҳўжаси"), "Товус ал-фуқара" ("Фуқаролар товуси") китобларида тасаввуф мантиқан асосланган. Демак, тасаввуф исломнинг мантиқий давомидир деб таълим беради Жунайд *Боггодий*. Абу Язид (Боязид) Тайфур ал-Бистомий (ваф. 875) тасаввуфни мантиқангина эмас, балки илмий (Қуръоний) асослашга интилан. Фано ва тариқат тушунчалари илк бор Қуръони карим асосида Боязид Бистомий томонидан унга нисбат берилган «Шатхийят» (луғавий маъноси «соҳилга чиқиш») китобида шарҳланган. Асарда жазба ҳолатидаги нидо, муножот ва мулоқотлар жамланган бўлиб, «Илоҳий мулоқот» номи билан машҳур асари ҳам «Шатхийят» таркибига кирган, самовий мажлисларда эҳтирос билан ўқилган. Боязид Бистомийнинг покланиш йўли (тариқи) барча сўфийлар томонидан баравар маъқул деб қабул қилинмагани учун у тавҳид, яъни ягоналикка даъво қилишликда айбланган ва ҳукмдорлар томонидан «кофир» деб эълон қилинган.

Фано ва тавҳидга муносабатда Мансур Халлож (858 й. туғ.) таълимоти эътиборли. Абу-л-Мугис ал-Ҳусайн ибн Мансур ал-Халлож таълимотида *тажалли*, *азал* ва *сурат* ҳақидаги қарашлар ривожланган. Чунки азал сурати моддий дунёда тажалли топади. *Ҳува—ҳува* (У удир), *ҳулул* (инсоннинг қисман илоҳийлик касб этиши), *валий* (яъни муқаддаслашуви), *лоҳут* (илоҳий инсон) ҳақидаги қарашлар унинг номи билан боғланади. Халлож ўлдирилган ва унинг китоблари йўқотилган бўлса ҳам бизгача "Китобу-т-тавосин" асари етиб келган бўлиб, китобда 27 ривоят ва 400 насрий парча (зумра)лар орқали фикр баён қилинган²¹. Халложга нисбат берилган форсий шеърлар ҳам талайгина, улар асрлардан асрларга, оғиздан оғизга кўчиб юради.

Тасаввуф давомли суратда ривожланиб борди ва тасаввуф тарихида Ирфон босқичи (X—XIII аср) мумтоз давр сифатида қабул қилинди. Ибн Сино (980—1037) ва ирфоний ишқ фалсафаси ҳақида тасаввуфшунос олим Н. Комиловнинг асарларида изчил илмий талқинлар мавжуд²². Абу Али ибн

²¹ Али Мир Фитрус. Халлож. — Техрон: 1966.

²² Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. — Т.: 1999. —

Сино буюк табобат олими, файласуф, тилшунос бўлиш билан бирга забардаст тасаввуф олими ҳам эди. "Ал-ишорот ва-т-танбиҳот" («Кўрсатма ва танбеҳлар») асарида сўфийлик амалиётининг руҳоний асосларини очиб берди²³. «Тайр қиссаси», "Соломон ва Ибсол", "Юсуф" каби насрий асарлари X—XII асрларда нафақат тасаввуфий адабиётнинг, балки бадий насрнинг юксак намуналари сифатида тан олинди.

Мана шу даврдан тасаввуфнинг руҳий (руҳоний), илмий-таълимий ва амалий асослари шаклланган. Руҳоний назария бўйича *шариат, тариқат, маърифат* ва *ҳақиқат* босқичларига эришиш етти мақом: *тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, таваккул* ва *ридо* орқали юз беради. Сўфий қилган гуноҳлари учун *тавба* қилгандан сўнг, у *вараъ*, яъни ҳаром билан ҳалолни фарқлаши лозим. Кейин *зуҳд* ва *фақр* мақомига қадам қўяди. *Сабр* ва *таваккулдан* кейин *ридо*, яъни қалбнинг тозалангани ва унинг илоҳийлик касб этиши, Оллоҳга қўшилишга тайёрлиги айтилади. Тасаввуфда бу мақомлардан ташқари ҳол (*аҳвол*), яъни бир қанча ҳолатлар ҳам фарқланади: *қурб* (яқинлик), *маҳабба* (севги), *хавф* (хатар), *ражаъ* (умид), *шавқ* (эҳтирос), *унс* (дўстлик), *итмаъинна* (қалб осойишталиги), *мушоҳида* (идрок) ва *яқин* (ишонч)²⁴.

Таълимий жиҳатдан қараганда Оллоҳни билиш маърифати уч босқичда фарқланади: 1) илмул яқин; 2) айнул яқин; 3) ҳаққул яқин. Илмул яқинда энг ишончли кишилар, яъни пир—муршид воситасида Оллоҳнинг биру борлиги эшитиб билинади. Солик муршид раҳнамолигида илоҳий моҳиятни ўрганиб унга ишонади. Илмул яқинга шариат талабларини бажариш орқали эришилади²⁵. Иккинчи босқичда у фикрлаш орқали Ҳақиқат нурининг мавжудлигини англаб етади, яъни маърифатга эришади. Ҳаққул яқин сўнгги босқич бўлиб, унда эшитиб билиш, фикрлаб билишдан сўнгги билиш — кўриб билиш даражасига етилади. Демак, инсоннинг илоҳий руҳга яқинлашув ҳолати содир бўлади. Халлож таълимоти ана шунинг учун ҳам "Анал ҳақ", яъни инсон руҳининг илоҳиётга қовушиши тарзида кечади. Оллоҳни билишда юқоридаги уч

²³ Нарзыкулова Ф. Психологическая концепция Ибн Сино и практика суфизма // Филология масалалари. — 2004. 1—сон. — Б.88—90.

²⁴ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. — М.: 1965. — С.38.

²⁵ Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳлари луғати. — Т.: 2000. — Б.32—33.

маърифий босқич Имом Ғаззолий (1059—1111)нинг «Мукошафату-л-қулуб» асарида фарқлаб кўрсатилган²⁶ бўлса, «ҳужжату-л-ислом»нинг «Иҳйа ал-улум ад-дин» («Диний илмларни жонлантириш») асарида маданият тарихида илк бор диний ва дунёвий илмларнинг таснифи берилган. «Кимийи саодат» («Чаҳор китоб») асарининг зоҳирий таржимаси "Дил ҳақиқати" бўлиб, дил ва руҳ тушунчалари, уларнинг тасаввуфий талқинларига оид фикрлар баён қилинган: «Билгилки, ҳазрати Ҳақ субҳанаҳу ва таолони танимоқни(нг) калиди ўз нафсини танимоқдир. Ушбу маънида айтибдирларки, «Ман ғарофа нафсаҳу фа қод ғарофа роббаҳу», яъни ҳар киши ўз нафсини таниса, батаҳқиқ Парвардигорини танигайдир... Икки нимарсадин бири зоҳир бадандирки, ани тан атабдирлар, муни зоҳир кўз бирла кўргали бўлур. Яна бири маъний ботиндирки, ани *нафс* дерлар, *жон* атарлар ва *дил* ҳам дерлар. Бу маъний ботинни (яширин маънони) ботин (ички) кўз бирла танигани бўлур. Зоҳир кўз бирла кўргали бўлмас. Ва сенинг ҳақиқатинг — ушбу маъний ботиндир...²⁷».

Марказий Осиёда тасаввуфнинг тарқалиши ва тараққиётида Юсуф Ҳамадоний (1048—1141) барпо этган тасаввуф мактаби эътиборлидир. Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат»ида у зот «...имом, олим, орифи раббоний, гўзал ҳоллари, кўп эҳсонлари, юксак каромот ва мақомотлари бор эди» дея таърифланган. Шайх Юсуф Ҳамадоний хожাগон тариқатидаги «хуш дар дам», «назар бар қадам», «сафар дар ватан», «хилват дар анжуман» қоидаларини ишлаб чиққан. Унинг савол-жавоб тарзидаги «Рутбату-л-ҳаёт» асарида Шайхга берилган ўн тўрт савол ва уларнинг жавоблари акс этган бўлиб, «ҳалол ва ҳаром, моддийлик ва руҳоният, дунё ва охират, тубанлик ва юксаклик» қаби зидликлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида фикр юритилади. Замонасининг етук шайхлари Абдулқодир Гилоний (Ғавсу-л-аъзам), Шайх Ҳамидулдин Мултоний Имом Ғаззолий билан мулоқотда бўлганлар. Одамлар орасида юриб, уларни иршод қилиш, муридлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш йўлини

²⁶ *Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафату-л-қулуб* (Қалблар кашфиёти). — Т.: Адолат, 2002. — Б. 239—242.

²⁷ *Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимийи саодат*. — Т.: Камалак, 1995. — Б. 5,7.

танлагани учун Шайхнинг хонақоҳи «Хуросон каъбаси» номини олган. Шайх Ҳамадонийнинг тасаввуф тарихидаги улук хизматларидан бири Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Ҳасан Андоқий, Туркистон пири Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожаи жаҳон Абдулхолиқ Гиждувонийни тарбиялаб камолга етказганидир. Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 1166—67) *яссавийлик (жаҳрийлик)* тариқатининг асосчиси ва ilk турк мутасаввифи сифатида машҳурдир. Аҳмад Яссавий ибодат (*хонақоҳ*) адабиётининг бошловчиси сифатида ilk адабий мактабга асос солган²⁸. Яссавийликнинг асоси, йўналиши ва таъсири масалалари «Маслаку-л-орифин», «Ламаъот» («Шуълалар»), «Самарату-л-машойих», «Жавоҳиру-л-аброр» каби манқаб ва рисолаларда баён қилинган. «Девони ҳикмат»да илоҳий ишқ гоёси ва маърифий мазмун етакчилик қилади. Шу боисдан ҳам Яссавий ҳикматлари маъно ва моҳият эътибори билан Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларига чуқур боғланган. Яссавийлик тариқатининг асослари юқоридаги манбалардан ташқари «Фақрнома» номли рисолада (айрим мутахассислар уни Хожа Аҳмад Яссавийга нисбат беришади) ҳам акс этганки, Яссавий шайхлари учун бу мўътабар манба ахлоқий кодекс вазифасини ўтаган.

Хожаи жаҳон номи билан машҳур Ҳазрат Абдулхолиқ Гиждувоний (1103 й. туг.) манбаларда Юсуф Ҳамадонийнинг «тўртинчи халфаси» сифатида тилга олинади. Айрим тадқиқотчилар *хожагон* тариқати Юсуф Ҳамадонийдан бошланган (В. Бартольд) десалар, айримлари кейинчалик «нақшбандийлик» номи билан машҳур бўлган тариқатнинг яратувчиси (Ж. Тримингэм) сифатида тилга оладилар. Фитрат ҳали нақшбандийлик номи билан шаклланиб улгурмаган силсилани «абдулхолиқчилар» деб атаган²⁹. Бундай эҳтиромнинг сабаби тасаввуфдаги саккиз манзил бевосита Абдулхолиқ Гиждувоний номи билан боғланганлигидадир. Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт» асарида Шайх шахсига ихлос билан махсус мақола бағишланади. Хожа Муҳаммад Порсо «Фаслу-л-хитоб» асарида «Ҳазрати Хожа

²⁸ Ko'prulu M. F. Turk Edebiyatında ilk Mutasavviflar. — Ankara: 1991. — S. 112.

²⁹ Фитрат. Аҳмад Яссавий. // Маориф ва ўқитғучи. — 1927. 6-сон. — Б.29—35. Қайта нашри: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. — Т.: Маънавият, 2000. — Б.16—31.

Абдулхолиқнинг йўллари тариқатда ҳужжат ҳисобланади» деб ёзган эканлар³⁰. Эҳтимол, шунинг учун бу йўлни ҳужжат тутганлар кейинроқ *нақшбандийлик* номи билан мустақил тариқат сифатида шуҳрат топдилар.

Кубровийлик Хивада таваллуд топган Шайх Нажмиддин Кубро (1145—1221) номи билан боғлиқ. Мисрда Рўзбеҳон ал-Ваззонга ҳам мурид, ҳам куёв бўлган. Сўнгра Табризга бориб, Абу Мансур Хафддан «шарҳу-с-сунна»ни ўрганади, Исмоил Касрий қўлидан хирқа кияди. Мисрга қайтгач, Рўзбеҳоннинг тавсияси билан Хоразмга келиб, хонақоҳ қуради. *Кубровийлик* (ёки *заҳабийлик*) тариқатига асос солади. Ҳожи Халифанинг «Тухфату-л-фуқаро», Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий (Фаноий)нинг «Мажолису-л-ушшоқ», Лутф Алибек Озарнинг «Оташкада», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Риёзу-л-орифин», Азизиддин Насафийнинг «Зубдату-л-ҳақойиқ» асарларида улуғланган Шайх Кубро Туркистонда яратилган илк тафсирилардан бирининг ҳам муаллифидир, «Ал-усул ал-ашара», «Фавотиҳу-л-жамол» каби рисоалар, ўнлаб тасаввуфий рубоийлар яратган. Унинг рисоаларида тўрт мавжудлик ҳақиқати: Вужуд, Қалб, Руҳ ва Виждон тўғрисида баҳс юритилади³¹. Кубровий шайхлари Эрон, Хуросон, Кичик Осиёда кенг тарқалган. Маждиддин Боғдодий (Фаридиддин Атторнинг пири), Саъдиддин Ҳамавий, Бобо Камол Жандий, Сайфиддин Бохарзий, Нажмиддин Розий Доя, Жамолиддин Аҳмад Журфоний, ва б. машҳур шогирдлар етиштирган. Ж.Тримингэмнинг ёзишича, тасаввуф тарихида кейинчалик вужудга келган ўнлаб тариқатлар, жумладан, фирдавсийлик, рукнийлик, нурбахшийлик ва бошқа тариқатлар кубравийликдан «диз отган. Проф. Н. Комилов «Кубравиядан фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, игтишошия, нурбахшия каби тоифалар ўсиб чиққан»ини қайд этиб, «хоразмлик буюк шайхнинг тариқати бутун Шарққа тарқалди, унинг истеъдодли муридлари донишмандлик, ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғояларини турли миллат ва элатлар орасида ёйдилар, исломнинг шуҳратига шуҳрат қўшдилар» деб ёзганида

³⁰ Қаранг: Ҳасаний М., Раззоқова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. — Т.: 2003. — Б.13.

³¹ Ҳаққул И. Шайхлар ва шаҳидлар куброси / Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. — Т.: Моварауннаҳр, 2004. — Б.11.

тариқат куброси ҳақидаги айни ҳақиқатни баён қилган эди³².

Сўфийлар руҳнинг покланиши (дил ҳақиқатини англаш)да кўнгил, дил феноменига алоҳида эътибор берганлари каби бадий ижоднинг моҳиятида ҳам кўнгил ётиши айни ҳақиқатдир. Тасаввуф билан адабиётнинг ватани кўнгил экан, улар ўртасига зиддик белгиси қўйиб бўлмайди. Тасаввуф—адабиётининг шаклланишида Абу Сайид ибн Абулхайр (967—1049) ва унинг "самовий мажлислар"и алоҳида амалий аҳамиятга эга. Форс рубоийнавислигига тасаввуфий талқин олиб кирган шоир Бобо Кўҳий Шерозий (XI аср) ҳисобланади. Сўфий дostonчиликнинг шаклланишида Абдуллоҳ Ансорий (1006—1088) ва унинг "Табақоту-с-сўфия" ("Сўфийликнинг мақомлари"), "Анису-л-муридин" ("Муридлар дўсти") асарлари алоҳида эҳтиромга эга. «Табақоту-с-сўфия» ва араб тилида ёзилган «Манозилу-с-саъирин» номи асарларида тасаввуфга нафақат илм ва ахлоқий йўналиш, балки буюк бир маънавий қудрат, адабий қиммат берди. Қуръоний мазмундаги «Қиссаи Юсуф» сюжетини янгича талқин қилиб, «Анису-л-муридин» достонини яратди. «Мусаҷжат» номи билан машҳур қофияли наср — сажъда ёзилган асарида «Манозилу-с-саъирин»даги тасаввуфий талқинларни бадий тарзда оммага етиб борадиган мақбул шаклларда қайта ифодалади³³.

Жалолиддин Румийнинг тасаввуф адабиётидаги ўрнини белгилашда унинг тариқати ва фаолиятини Ҳаким Санойи ва Фаридиддин Атторнинг давомчиси сифатида тушуниш бор. Акад. Е. Э. Бертельс Мавлононинг

«Аттор руҳ буг ва Санойи ду чашми у,

Мо аз бе Санойи ва Аттор омадим»

(Аттор руҳ, Санойи унинг икки кўзи эди,

Биз Санойи ва Аттордан кейин келдик)

сўзларидан келиб чиқиб иш кўради³⁴. Ҳаким Санойи (ваф. 1141) нафақат Румий ҳазратларининг муршидларидан бири, балки форс тасаввуф адабиётида «Ҳадиқату-л-ҳақойиқ»,

³² Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Рисола. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. — Б.29.

³³ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. — С.69.

³⁴ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. — С.79—80.

«Сайру-л-ибод» ва б. (жами етти дoston) билан самовий дostonлар туркумига асос солган буюк мутасаввиф ҳамдир.

Асл исми Абу Ҳамид Муҳаммад бўлган Фаридиддин (диннинг яғонаси) Аттoр (1136—1229) Шайх Мажи́диддин Боғдодий, Шайх Рукниддин сингари сўфийлардан таълим олган. Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкирату-ш-шуаро" асарида Шайх Аттoр шеърӣ асарларининг ҳажми 250 минг байтга яқин деб кўрсатган. Асосий илмӣ-фалсафӣ ва тасаввуфӣ руҳдаги асарлари "Асрорнома", "Мусибатнома", "Ҳайдарнома", "Ҳайлож", "Мухторнома", "Уштурнома" ва бошқалардир. Булардан ташқари Аттoрнинг "Тазкирату-л-авлиё"сида 96 нафар сўфӣ ҳаёти ва ҳолати зикр қилинган. "Мазҳару-ла-ажойиб" («Мўъжизаларнинг кўриниши») номли асарида Ҳазрат Али тимсоли яратилган. «Илоҳийнома»да Руҳ ва ситтаи қувва (олти асос) талқини берилган. «Мантиқу-т-тайр»да Аттoр фалсафасидаги Тавҳид асрори (Н. Комилов) англатилган бўлса, Ваҳдати вужуд ва ваҳдати мавжуд талқинлари «Жавҳару-з-зот» асаридан ўрин олган.

Мавлоно Жалолиддин Румӣ (1207—1273) ҳазратлари тавсифида сўз кетаркан, Абдураҳмон Жомӣнинг аниқ ва қисқа таърифи ёдга келади:

*Ман чи гўям васфи он олийжаноб,
Нист пайғамбар вале дораг китоб
(Мен улуг жаноб васфида не дей,
Пайғамбар эмас, лекин китоби бор).*

Мавлоно Румӣнинг тасаввуф оламига кириб келиши Шайх Фаридиддин Аттoрнинг башорати билан бўлганини унинг илк тафсирчиларидан Ҳусомиддин Чалабийдан тортиб, Давлатшоҳ Самарқандийгача ўтган шориҳлар бир овоздан тасдиқлайдилар³⁵. Аҳмад Афлокийнинг «Маноқибу-л-орифин» асарида зикр қилинишича, Дамашқда шакланган Муҳйиддин ибн Арабий мактабининг давомчиси сифатида фаолиятда бўлган.

³⁵ Бағиъуззамон Фурӯзонфар. Рисола дар таҳқиқи аҳвол ва зиндаги Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад. — Техрон: 1315.

«Форсий тафсир» номи билан ҳам улуғланган «Маснавийи шариф» ўн йиллар чамаси мuddат оралиғида яратилиб, Мавлоно вафотидан тўрт йил аввал 1269 йилда ёзиб тамомланди. Араб-форс эпик дostonчилиғи усули бўлган маснавий шаклида ёзилган бу асарни олимлар дидактик дoston (Е. Э. Бертельс), ҳамосий (эпик) шеърлар мажмуаси (Т.Пурномдориён), ирфоний китоб (Р. Никольсон), тасаввуф қомуси (А. Шиммел) каби сифатлар билан атаб, унинг жанрий ўзига хослиғини белгиламоқчи бўлдилар. «Маснавий»нинг мушарриҳларидан бири Обиддин Пошо «бу китоб дин усуллари усулининг усули, Ҳақ таолога ва Ҳақиқатга етишиш сирларининг кашшоғи. Бу буюк фикр, Оллоҳ таоло динининг очиқ-ошкор далили, бурҳони ва тақво китобидир» деб баҳо берган³⁶.

Румийнинг илмий-адабий мероси орасида унинг шеърий асарлари "Девони кабир" («Улуғ девон»)га жамланган бўлиб, унда ғазал, рубоий ва маснавий шаклларида ёзилган уч мингдан ортиқ шеърлар бор. "Мактубот", "Фиҳи ма фиҳи" («Нимаики Ундадир Ундандир») каби асарлари ҳам сақланган. Ўзбек тилига туркча орқали "Ичиндағи ичиндадир» деб таржима қилинган "Фиҳи ма фиҳи" асарини "Муйиниддин Парвона китоби" ҳам дейишади. Чунки унинг номи бир неча марта тилга оlinиши билан бирга ушбу китоб, асосан, Мавлононинг муҳиблари Ҳисомиддин Чалабий, Соҳиб Фаҳриддин, Амир Бадриддин Гуҳартош, Отабек Султон Алоиддин, Тождин Мўътаз Хуросоний ва ўғли Султон Валад билан бўлган суҳбатларида айтилган фикрлардан иборатдир.

"Буюк жаҳонгир Амир Темурнинг пири ким бўлган» деган саволга жавобан «Темурнома»нинг муаллифи Мулла Салоҳиддин Тошкандийнинг ёзишича, «дерларким: аввал Амир Темур соҳибқиронни Шайху-л-аълам тарбият қилдилар, иккинчиси Шайх Шамсиддин Кулол тарбият қилдилар. Учинчи шайх Ҳасан Бахурзий тарбият қилдилар. Тўртинчи Нақшбанд пирим тарбият қилдилар. Оламдан интиқол қилгунларича тўрт валий тарбият қилур эрдилар»³⁷. Рўйхатнинг бошида келган Шайху-л-аълам нисбаси билан Абубакр Зайнуддин Тойибодий

³⁶ Mesnevi Mevlana. Çeviren Veled Izbudak. Gözden geçiren Abdülhakî Gölpinarlı. — İstanbul: 1995. — S. B-D.

³⁷ Мулла Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. — Т.: Чўлпон, 1990. — Б.95.

ҳазратлари назарда тутилгани мутахассисларга маълум. Буюк соҳибқирон номига нисбат берилган «Темур тузуклари» асарида: «Пирим Зайнулдин Абубакр Тойибодий менга ёзмишларким...» сўзлари билан бу улуг асарнинг бошланиши Амир Темур ҳаётида Абубакр Тойибодий пирлигининг ўрни ҳақида тасаввур уйғотади. «Мавлоно Абубакр Тойибодийнинг қисқа ҳаётномаси ва Тойибодда ўтган ҳамсуҳбатлари билан учрашувларининг зикри» номли рисолада (1347/1979) Шайх Зайнулдин ҳақида маълумот берувчи мўътабар манбалар сифатида «Нафаҳоту-л-унс...», «Ҳибибу-с-сийар», «Риёзу-л-сайёҳ», «Мунтаҳобу-т-таворих», «Равзату-л-жанон...», «Нафойиъу-л-ахбор» кабилар тилга олинган. Улар исломий уламолардан замона орифи Хожа Баҳоуддин Нақшбанд билан Бухорода, шоири замон Хожа Ҳофиз Шерозий билан Шерозда учрашганлар³⁸.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимотининг ривожини буюк соҳибқирон Амир Темурнинг пирларидан бири сифатида тилга олинган валийлардан бири Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) номи ва фаолияти билан боғлиқ. Алишер Навоийнинг далолатича, Баҳоуддиннинг камолга етишишида Хожа Али Ромитоний, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий ва Саййид Амир Кулолнинг таъсири бўлган. Баҳоуддин Марвда Юсуф Ҳамадонийнинг қабрини зиёрат қилароқ унинг таълимотини чуқурлаштирди. Юсуф Ҳамадонийнинг халфаларидан Абдухолиқ Гиждувоний кашф этган саккизта манзил (калиматини қудсия)га Хожа Баҳоуддин яна уч манзил қўшган: 1) вуқуфи замоний; 2) вуқуфи аъдодий; 3) вуқуфи қалбий. Нақшбанд таълимотининг ихчам ифодаси "Дил ба ёру даст ба кор" ҳикматида англатилган. Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг барча ваъзларини тўплаб, "Рисолаи қудсия" китобини таълиф этган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Мавлоно Яқуб Чархийнинг "Рисолаи унсия", Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг "Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд", Фахрулдин Али Сафийнинг "Рашаҳоту айни-л-ҳаёт" каби ўнлаб рисолалар мавжуд. Ушбу манбаларда Хожа Баҳоуддиннинг тарихий ва манқабавий ҳаёти, тариқати,

³⁸ Зиндагиномаи мухтасари Мавлоно Абубакр Тойибодий ва ошнои жамоли бозоҳгоҳи Тойибод. Чоп рисолат Тойибод, Масжидаи жомеаи Ахноф. Таълифи 1347. — 24 саҳ.

таълимоти, таъсири ва сулуки ҳақида маълумотлар келтирилган. «Рашаҳот...» асарида нақшбандийлик тариқатининг тарқалиши ва қарор топишида беназир хизматда бўлган шайхлар қаторида Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан кейин Хожа Муҳаммал Порсо, Мавлоно Муҳаммад Фағоназий, Мавлоно Якуб Чархий, Хожа Алоиддин Ғиждувоний, Шайх Сироҷиддин Кулол, Хожа Алоиддин Аттор, Мавлоно Ҳисомиддин Порсо Балхий, Саййид Шариф Журжоний, Мавлоно Низомиддин Хомуш, Мавлоно Саъдиддин Кошғарий, Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий, ва ниҳоят, Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий ва бошқалар келтирилади³⁹.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404–1490) Хожа Низомиддин Хомуш ва Саъдиддин Кошғарий билан бир тариқату илмда боғланганлар. 29 ёшида Яъқуб Чархийдан иршод олиб, муршиди комиллик мақоми билан Тошкентга қайтган аллома қатор диний-тасаввуфий асарлар муаллифидир. Унинг «Фикроти Аҳрория», «Рисолаи волидия», «Рисолаи ҳавория», «Рисолаи анфоси нафиса», «Руқаъот» асарлари шундай китоблар сирасига киради. Нуриддин Абдирахмон Жомий (1414–1491) ҳазратлари улуғ тасаввуф шайхларидан бўлиб, Ҳазрати Маҳдумнинг йигирмадан ортиқ рисола ва тазкиралари, мақомот ва манқабаларида нақшбандийликнинг тариқат усуллари баён қилинган. Бу ҳақда «Рашаҳот...»да қисқа қилиб «Тариқи хожагон аларни тез ўзига олди» деб маълумот берилади⁴⁰.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий (1441–1501) Ҳазрати Жомий воситаси билан нақшбанд тариқатига боғлангани маълум. Навоийнинг тасаввуфий қарашлари деярли барча асарларининг руҳига сингган бўлса-да, «Лисону-т-тайр» сўфийлик достони бўлиб, Шайх Фаридиддин Аттор анъаналари руҳида ёзилган. Асарда борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлар, инсон, табиат ва ҳаёт ҳақидаги фикрлари қушлар тили (қуш тасаввуфда қалб рамзи, қушлар нутқи эса қалб хитоби) ва саргузаштлари орқали баён қилинган. «Насойиму-л-муҳаббат» манқабаси Ҳазрат

³⁹ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айни-л-ҳаёт. / Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. (Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ) — Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. — Б.85–265.

⁴⁰ Юқоридаги асар. — Б.181.

Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс мин ҳазароти-л-қудс» тазкираси йўлида ёзилиб, Жомий илгари сўз юритган 618 та шайхлар ва сўфийлар сони 770 тага етказилган ва улар ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган «Тазкирату-л-авлиё»дир.

Тасаввуфий қарашлар «Назму-л-жавоҳир», «Арбаин», «Муножот», «Маҳбубу-л-қулуб» сингари асарларида ҳам акс этган⁴¹. Улуғ адиб ўзигача мавжуд барча илоҳий-илмий-адабий илмларни изчил ўрганиб, уларни ўз асарларида мукаммал бир суратда тартиблай олган. Алишер Навоий асарларидаги фикр теранлиги, озод руҳ, мустаҳкам иймон, туйғулар нафосати ва, ниҳоят, мукаррам ва улуғвор турк (ўзбек) сўзининг қудратини унинг тасаввуфий руҳдаги асарларида ҳам кўриш мумкин. Навоий даврига қадар ҳам, ундан кейин ҳам юзлаб "Тарихи Набавий"лар, минглаб "Қисасу-л-анбиё" ва "Каъбу-л-ахбор"лар яратилган. Лекин улар орасида Ҳазрат Навоий яратган «Тарихи анбиё...» номли пайғамбарлик тарихи нимаси билан эъзозли, ҳаммага кундай равшан бўлган тарихи Набавийнинг қайси сифатларини Ҳазрат устивор билиб таъриф қилган? деган саволга ҳам асарнинг мутолаасидан батафсил жавоб топамиз⁴².

Н. Комилов Ҳазрат Навоий талқинида "комил инсон — бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлақ руҳга туташ, файзу кароматдан сероб, сурату сийрати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, Навоий тили билан айтганда:

Фонийвашеки, ҳам сўзидир пок, ҳам ўзи,
 Хуш давлат ул кишигаки, тушгай анинг кўзи

дейдиларки, унда тўрт малак — Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроилнинг хислати, Хизирнинг пайғамбарлиги, офтобнинг саховати мавжуд. Унинг кўҳи жоми гетинамодай етти фалак, ўн саккиз минг оламни акс эттириб, ғайб асроридан хабар бериб туради. Уни яна Одил, Оқил, Фозил ва Фақр хазинаси...

⁴¹ «Муножот» талқинида проф. А. Аъзамовнинг «Муножотнома» (Наманган: 1997, Тошкент: 2001) рисоласи, «Маҳбубу-л-қулуб»даги сўфийлар ахлоқи талқини Н. Комиловнинг «Дарвеш ахлоқи таърифида» мақоласи (Филология масалалари, 2004, 1—сон, Б. 4—9)да акс этган.

⁴² Қайюмов А. Нодир саҳифалар. — Т.: Фан, 1991. — Б.40—92.

Комил инсон мутлақ илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас хилқат»⁴³ деб ёзган. Асарда инсони комилликнинг сифатлари ҳам айнаи ўша пайғамбарлар сифати ва ҳақимлар таърифи билан баробар баён қилинади.

Мусулмон шарқида тарих китобларининг аввали Одам алайҳиссалом ва пайғамбарлар тарихи, сўнгра салотин насаби ҳақида бўлганини "Тарихи Табарий", "Тарихи Банокатий", "Тарихи Дамаскатий" ёки Навоийдан кейин "Шажарайи турк"да кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам "Тарихи анбиё..."да Одам сафиуллоҳ, Шис а. с., Идрис а. с., Нуҳ Баҳиуллоҳ, Иброҳим халилуллоҳ, Исмоил а. с., Исҳоқ а. с., Яъқуб а. с., Юсуф а. с., Хизир а. с., Айюб а. с., Сабур а. с., Шуъайб а. с., Мусо а. с., Илёс а. с., Юнус а. с., Довуд бинни Ийшо а. с. (Довуд а. с. бобида малоика тилидан "Қазо ар-ражулу ало нафсиҳи" ояти каримаси келади, яъни Киши ўз нафси туфайли ҳалокатга учрайди), Сулаймон бинни Довуд а. с., Зикриё а. с., Яҳё а. с., Исо бинни Марям салавотуллоҳи алайҳи каби пайғамбарлар тарихи берилган. Асар шундай жумлалар билан якунланади: "...анбиё алайҳиссалом сўзи ва уббод ва ҳукамо тарихи алал ижмол мазкур бўлди". Сезиладики, Ҳазрат Навоий Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) тарихини ҳам алоҳида китобат қилишни ният қилган бўлишлари мумкин. Шунинг учун ҳам Ҳазрат Навоий асарида Одам сафиуллоҳдан бошланган пайғамбарлик тарихи Исо алайҳиссалом тарихи билан якунланади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ (1483–1530) тасаввуф талқинида қатор асарлар яратган, нақшбандийлик тариқати вакилларидаан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таълимотига яқин турган, замонининг уламоси Аҳмад Хожагий Косоний Маҳдуми Аъзам (ваф. 1542)⁴⁴ ҳазратларига қўл берган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг "Волидия" асарини шеърӣ таржима қилган, "Мубаййин" исмида диний-тасаввуфӣ асар яратган. "Мубаййин" исломнинг беш рукни ҳақида бўлиб, унинг бошланғичи «Эътиқодиййа» деб номланган. Асарда Ҳақ

⁴³ Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. — Т.: 1996. — Б.143.

⁴⁴ Ўзбек олимлари томонидан мероси деярли ўрганилмаган ушбу буюк шайхнинг 80 дан ортиқ асарининг қўлёзмаси ЎЗРФАШИ да сақланади. Қаранг: Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. — Т.: Моварауннаҳр, 1993. — Б. 45–59.

субҳанаҳунинг субутий сифатлари — ҳаёт, илм, иродат, қудрат, самъ ва басар (кўриш ва эшитиш), камол ва тақдир азалга ишорат қилинади. Пайғамбаримизнинг фазилатлари, саҳобаларнинг ғайратлари, охират куни, номаъи аъмол, мезон, аросат, мавоқитъ, шафоат, сирот ҳамда бош мавзу иймоннинг шароити ва натижаси ҳақида англатма берилади.

Марказий Осиёда темурийлар даврининг таназзулидан кейин янги сулола Муҳаммад Шайбоний (1451—1510) номи билан боғлиқ бўлиб, унинг давлат арбоби бўлишидан ташқари «ҳазрати имому-з-замон халифату-р-раҳмон» (замона имоми ва халифаси) унвони билан қадрлаганлар. Биноийнинг «Шайбонийнома», Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» асарлари соҳиби девон шоир бўлганидан гувоҳлик беради. «Инглиз олими А. Бодроғлигети 1982 йилда Шайбонийнинг «Баҳру-л-ҳидо» қасидасини чоп эттириш билан уни «тақводор, мусулмон ва дин ҳақида ғамхўрлик қилувчи» мутасаввиф сифатида кўрсатди»⁴⁵. Шайбонийхоннинг жияни Қул Убайдий (1702—1747) ҳам таниқли шоир, давлат арбоби бўлиши билан бирга тасаввуф адабиётининг намояндаси сифатида яссавия — жаҳрия тариқатига кирган. Яссавийга эргашиб ҳикматлар, Навоийга эргашиб ғазаллар ёзган. «Девон»идаги тасаввуфий руҳдаги шеърларидан ташқари «Ғайратнома», «Шавқнома», «Китобу-с-салот» («Намоз китоби») каби асарлари маълум⁴⁶.

Бухоро хонлигида тасаввуфнинг икки тариқати яссавийлик билан нақшбандийлик ўзаро рақобатда тараққий этгани АҚШ олими Девин Ди Уис томонидан қайд қилинган⁴⁷. Ушбу олимнинг талқинича, қайта қад ростлаган яссавийлик билан рақобатда нақшбандийлик тариқати XVII асрдан янгиланиш (муҷаддидийлик) даврига кирган ва муҷаддидийликнинг назарий манбаларидан бири сифатида Сўфи Оллоҳёрнинг «Маслаку-л-муттақин» («Тақводорлар

⁴⁵ Шарипова М. Муҳаммад Шайбонийхон. — Т.: Шарқ НМК, 2004. — Б.11.

⁴⁶ Қул Убайдий. Вафо қилсанг... — Т.: 1994 (нашрга тайёрл. А.Ҳайитметов). — Б.4.

⁴⁷ Девин Ди Уис. Маша'их-и турк и Х'аджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавайя и Накшбандийа. / Суфизм в Центральной Азии. — М.: Наука, 2002. — С. 211-224.

маслаги») асари кўрсатилган⁴⁸. Сўфи Оллоҳёр (1644–1721) тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси сифатида «Саботу-л-ожизин», «Муроду-л-орифин», «Сирожу-л-ожизин», «Нажоту-л-толибин» ва «Махзану-л-мутеъин» («Мутеълар хазинаси») асарларини ҳам ёзган. Унинг асарларига бир неча шарҳлар ёзилган. «Маслаку-л-муттақин»да сулук одоби, мурид ва муршид муносабатлари янгича талқинда баён қилинган. Ушбу асар ҳақида рисола ёзган С. Сайфуллоҳнинг қайд этишича, Оллоҳнинг саккиз субутий сифати: «ҳаёт», «илм», «қудрат», «басар», «самъ», «ирода», «калом», «таквин» ҳамда яна икки сифати: унинг якка-ягоналиги, яратувчи ва ризқ берувчилиги ҳамда барча айбу нуқсонлардан пок ва муназзаҳлиги тушунтирилади⁴⁹. Сўфи Оллоҳёр билан Қободиёнда учрашган Бобораҳим Машраб (1653–1711) тасаввуф адабиётининг етук намояндаси бўлиш билан бирга «Шоҳ Машраб» манқабасининг хабарига кўра Сўфи Оллоҳёр билан мунозарада келиша олмаган. Буни Исҳоқ Боғистоний «Тазкираи қаландарон» асарида тариқат айирмаллиги билан изоҳлайди. Демак, нақшбандийлик шайхларидан ҳисобланган Эшон Сўфининг қарашлари Туркистон қаландарларининг валийси томонидан хуш қабул қилинмаган.

Марказий Осиёдаги тариқатлар орасида алоҳида ўрин эгаллаган қаландарийлик ҳақидаги илк маълумотлар Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс» асарида учрайди. Бу тариқатнинг назарий асослари Абдураҳим Бухорийнинг «Рисолаи одоби тариқ» асарида, Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон», Мажзуб Намангонийнинг «Тазкирату-л-авлиё» ҳамда XIX асрга нисбат берилган номаълум муаллифнинг «Рисолаи қаландарий» асарларида акс этган. Машраб тўғрисида Малехо Самарқандийнинг «Музаккир ал-асҳоб» тазкирасида айрим маълумотлар бор. Шоир ҳақида мукамалроқ тасаввур ҳосил қилувчи манба «Қиссаи Машраб» («Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб» номлари билан юритилган)дир. «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари муаллифлиги борасида мунозара мавжуд. 1997 йили «Мабдаи

⁴⁸ D. De Weese. The Masha'ikh-i Turk and the Khojagan: Rethinking the Links Between the Yasavi and Naqshbandi Sufi traditions. Journal of Islamic Studies.vol.7 Number 2 July 1996. - P.187.

⁴⁹ Сайфуллоҳ С. Фатво ва тақво китоби. — Т.: Фан, 2005. — Б.16.

нур" Бобораҳим Машрабнинг асари сифатида чоп этилди⁵⁰. Бу асар Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий"си (олти дафтардан иборат)нинг дастлабки уч дафтарига шарҳ сифатида битилган.

Фарғона заминининг яна бир эътиборли уламоси ва шоири Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо (1704—1780) тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси бўлиб, бизгача шоирнинг етиб келган девони (унга ғазал, рубоий, тўртлик, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, маснавий каби шеърӣ жанрларда яратган асарлари киритилган) ва «Роҳати дил» достони унинг ижодида мутасаввифлик бош мавзу эканини тасдиқлайди. Илоҳӣй ва мажозӣй ишқ талқинида шоирнинг

Муҳаббатдан муҳаббат бўлди пайдо,
Муҳаббатсиз одамдан қоч, Ҳувайдо

байти эл орасида машҳур. «Роҳати дил» достони 30 бобдан ва «Йброҳим Адҳам қиссаси»дан иборат. «Роҳати дил»да ислом ва тасаввуф таълимотининг умуминсонӣй ғоялари ибратли ҳикоятлар воситасида баён этилади⁵¹.

Тасаввуф таълимоти ва тасаввуф адабиёти ўлкамизда шўролар тизимиға қадар давом этганини тасдиқловчи манбалар сифатида Сайқалий ёки Ҳазиний ижодини, Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Собирнинг «Ибрату-л-ғофилин» рисоласи ёки Азим Хожа Эшон ҳикматларини эсга олишнинг ўзи кифоя қилади. Бундай манба ва бадиият обидалари минглаб яратилганини қайд этишдан мақсад уларнинг мутолаасиға ўзбек зиёлиларини рағбат қилишдан иборатдир.

Қуйида тавсия этилаётган тасаввуфӣй манбалар нафақат тасаввуф аҳли ёки шу соҳа билан шуғулланувчилар учун, балки ҳар бир иймонли ўзбек учун маънавиятини бойитишға берилган имкониятлардан биридир. Бу ишни қай даражада уддалаш эса саъй-ҳаракатларимизға боғлиқ.

Ҳамидулла Болтабоев,
профессор

⁵⁰ Машраб. Мабдаи нур. — Т.: 1997.

⁵¹ Хўжаназар Ҳувайдо. Роҳати дил. — Т.: 1994.

«ҚУРЪОНИ КАРИМ»

Қуръони карим Оллоҳ Ҳақ субҳанаҳу ва таоло томонидан жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га юборилган ваҳийлар (гиний кўрсатмалар) тўпламидир. Қуръони карим самовий китобларнинг охиргисидир. Йигирма уч йил давомига нозил бўлган бу илоҳий китобда 114 сура жамъ бўлиб, ҳар бир сура уч ва ундан ортиқ оятлардан ташкил топган. Бу ояти карималарда Оллоҳ таоло оламдаги энг кичик зарралардан тортиб, бўлган ва бўлажак воқеалар ҳақида жаноб Пайғамбаримизга хабар беради. Қуръони каримда дунёдаги барча нарса ва мавжудотлар ҳақида фикр юритилгани каби СЎЗ хусусида фикр кетади. Қуръони карим оятларида «сўз» дейилганда, аввало, «Каломуллоҳ», яъни «Оллоҳнинг сўзи» назарда тутилади. Шунингдек, сўз — «Лавҳу-л-маҳфуз», яъни азал ва охираг китоби; сўз — «дунёнинг ибтидоси» маъноларида ҳам келади. Ушбу мажмуада сўз — «илми калом» ва юқоридagi маъноларда зоҳир бўлган ояти карималардан намуналар келтирилган. Шунингдек, Қуръони каримда «тасаввуф» истилоҳи ишлатилмаса-да, моҳиятан унинг табиатида гахлдор фикрлар ҳам борки, уларнинг мазмунини билиш тасаввуф назарияси ва эстетикасини ўрганиш учун калит вазифасини ўтайди.

"ҚУРЪОНИ КАРИМ" дан

<...> Меҳрибон ва раҳми Оллоҳ номи билан (бошлайман). Ҳамду сано бутун оламлар хожаси, меҳрибон ва раҳми, жазо (қиёмат) кунининг эгаси — подшоҳи бўлмиш Оллоҳ учундир. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз. Бизларни ғазабга дучор бўлмаган ва Ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш — Тўғри йўлга йўллагайсан (1:1—7).

<...> (Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб ғайбга ишонадиган, намозни тўқис адо этадиган ва биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиган тақволи кишилар учун раҳбар-йўлбошчидир... Машриқ ҳам, мағриб ҳам Оллоҳникидир. Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Оллоҳнинг тарафидир. Шубҳасиз, Оллоҳ (ҳамма томонни) қамраб олгувчи, билимдондир¹ (2 : 2—3,115).

<...> (У тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолойиқ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Оллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайдиган — ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Оллоҳгина мағфират қилур, — билган ҳолларда қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир² (3:135).

<...> Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир. Уларнинг юзларини на қаролик ва на хорлик қоплар. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда абадий қолурлар. Ёмон амаллар қилган кимсалар учун эса ўша ёмонликлари баробарида ёмон жазо бўлур ва уларни хорлик ўраб олур — улар учун Оллоҳ тарафидан бирон-бир (жазодан) сақловчи бўлмас. Уларнинг юзларига гўё қоронғу кечадан бир бўлаги қоплангандек. Ана ўшалар дўзах эгалари бўлиб, у жойда абадий қолурлар³ (10:26—27).

<...> Оллоҳ бир кеча Ўз бандаси (Муҳаммад)ни — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид ал-Ҳаромдан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган (Қуддусдаги) Масжид ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир. Дарҳақиқат, У эшитгувчи, кўргувчи зотдир⁴ (17:1).

<...> Биз (Қуръонни) ҳаққи-рост нозил қилдик ва у ҳақ (ҳукм-фармонларимиз) билан нозил бўлди. (Эй Муҳаммад), Биз сизни фақат (мўъминларга) хушхабар элтгувчи ва (кофирларни

дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи қилиб юбордик. Сиз Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришингиз учун Биз уни бўлақларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик⁵ (17:105—106).

<...> Албатта (бу Қуръон) барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир. (Эй Муҳаммад), сиз (охират азобидан) огоҳлантиргувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга уни (яъни Қуръонни) Руҳу-л-Амин — Жаброил очиқ-равшан арабий тил билан нозил қилди. Албатта (Қуръон ҳақидаги хабарлар) ўтганларнинг китобида ҳам бордир. Ахир (Қуръон ҳақида) Бани Исроил олимлари ҳам билишлари (Макка мушриклари) учун (Қуръон ҳақиқатан Оллоҳ томонидан нозил бўлганига) оят далил эмасми?! Агар Биз (Қуръонни) ажамлардан (яъни араб бўлмаган кишилардан) бирига нозил қилсак, бас, у (Қуръонни) уларга ўқиб берса унга ҳам иймон келтиргувчи бўлмас эдилар. (Пайғамбарларни ёлғончи қилишни) жиноятчи кимсаларнинг дилларига мана шундай йўллаб-киритиб қўйганмиз. Улар то аламли азобни кўрмагунларича (Қуръонга) иймон келтирмайдилар⁶ (26 : 192—201).

<...> (Қуръонни осмондан) жинлар олиб тушганлари йўқ. Улар учун бунинг имкони йўқ ва улар бунга қодир ҳам эмаслар. Чунки улар (ваҳийни ўғринча) эшитиб олишдан четлатилганлари аниқдир⁷. Бас (эй Муҳаммад), сиз Оллоҳ билан бирга бошқа бирон "илоҳ"га илтижо қилманг! Акс ҳолда азоблангувчи кимсалардан бўлиб қолурсиз. Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Оллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг⁸! (26 : 210—214).

Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дайдишларини (яъни ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа қоришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми⁹?! Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Оллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом зафар топгач) голиб бўлган кишилар (яъни шоирлар йўлдан оздиргувчи эмаслар). Золим кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар (26:224—227).

<...> Аниқки, Биз эслатма-ибрат олишлари учун уларга Сўзни — Қуръонни улаб (яъни пайдарпай) нозил қилдик. Биз (Қуръондан) илгари Китоб (яъни Таврот, Инжил) ато этган зотлар (яъни яҳудий ва насронийлар орасидаги мўъминлар) унга (яъни Қуръонга) иймон келтирурлар¹⁰ (28 : 51 — 52).

<...> Улар (яъни ўтган пайғамбарлар) Оллоҳнинг амру фармонларини (бандаларга) етказадиган, У зотдан қўрқадиган ва Оллоҳдан ўзга бировдан қўрқмайдиган зотлардир. Оллоҳниг ўзи етарли ҳисоб қилгувчидир. Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Оллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир. Оллоҳ барча нарсани билгувчи бўлган зотдир. Эй мўъминлар, Оллоҳни кўп зикр қилинглар! Ва эртаю кеч У зотни поклаб тасбеҳ айтинглар¹¹! (33:39 — 42)

<...> Ё, Син¹². (Эй Муҳаммад, ушбу) ҳикматли Қуръонга қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз сиз Тўғри йўл (яъни ҳақ дин) устидаги пайғамбарлардандирсиз. (Бу Қуръон) ота-боболари (бирон пайғамбар орқали охират азобидан) огоҳлантирмасдан, ғофил бўлиб қолган бир қавмни огоҳлантиришингиз учун қудратли ва меҳрибон зот томонидан нозил қилингандир. Аниқки, уларнинг кўпларига Сўз (яъни азоб ҳақидаги ҳукм) ҳақ бўлгандир. Бас, улар иймон келтирмаслар¹³ (36:1 — 7).

<...> Бас (эй Муҳаммад), менинг бандаларимга — Сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтгувчи рост Сўзга) эргашадиган зотларга хушхабар беринг! Ана ўшалар Оллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Ва ана ўшаларгина ақл эгаларидир¹⁴ (39:18)

<...> Оллоҳ энг гўзал Сўзни (оятлари фасоҳат ва балоғатда) бир-бирига ўхшаган, (ичидаги ҳукмлар) такрор-такрор келгувчи бир Китоб — Қуръон қилиб нозил қилдики, (ундаги Оллоҳнинг азоби ҳақидаги оятларни тиловат қилганларида) Парвардигорларидан қўрқадиган зотларнинг терилари титраб кетар, сўнгга терилари — баданлари ҳам, диллари ҳам Оллоҳнинг зикрига юмшар — мойил бўлур. Мана шу (Китоб) Оллоҳнинг ҳидоятидирки, унга ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Ва кимни Оллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирон ҳидоят қилгувчи бўлмас (39: 23).

<...> (Эй Муҳаммад), шундай қилиб (худди аввалги пайғамбарларга ваҳий қилганимиздек) Биз ўз амримиз билан

сизга Руҳни — Қуръонни ваҳий қилдик¹⁵ (42:52).

<...> Аввал ҳам, охир ҳам, зоҳир ҳам, ботин ҳам Унинг Ўзидир. У барча нарсани билгувчидир¹⁶. У осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра ўз аршига ўрнашган зотдир. У ерга кирадиган (ёмғир-қор суви, хазинаю дафина ва жасадлар каби) нарсаларни ҳам, ундан чиқадиган (ўт-ўлан, наботот ва булоқ сувлари каби) нарсаларни ҳам, самодан тушадиган (ризқу насиба, хайру барака каби) нарсаларни ҳам, унга (самога) кўтариладиган (яхши амал ва дуо-илтижо каби) нарсаларни ҳам билур. Сизлар қаерда бўлсангизлар, У сизлар билан биргадир. Оллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир (57 : 34).

<...> (Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ — яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У қудратли ва мағфиратлидир¹⁷ (67:2).

<...> Нун. Қалам ва (у билан фаришталар) битадиган битикларга қасамки, (эй Муҳаммад), сиз Парвардигорингизнинг марҳамати билан мажнун эмасдирсиз¹⁸. Албатта, сиз учун (кофирларнинг бундай озорларига сабр-тоқат қилганингиз сабабли) битмас-туганмас ажр мукофот бордир. Ҳали яқинда қайсиларингиз (яъни сизми ёки уларми) мафтун-мажнун эканликларингизни сиз ҳам кўражаксиз, улар ҳам кўражаклар. Албатта, Парвардигорингизнинг ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билгувчидир ва У ҳидоят топгувчиларни ҳам жуда яхши билгувчидир. Бас, (эй Муҳаммад), сизнинг ҳақ пайғамбарлигингизни ва Қуръонни "ёлгон" дегувчи кимсаларга итоат этманг! Улар сизнинг (ўзларига) кўнгилчанглик мурса қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам (сизга) кўнгилчанлик қилурлар (Лекин сиз уларнинг бу истакларига бўйинсунманг!) (68:1—3; 5—9).

<...> Балки уларнинг одиларида ғайб (яъни ғайба бўладиган барча ишлар битилган Лавҳу-л-Маҳфуз) мавжуд бўлиб, улар (айтаётган сўзларини ўшандан) ёзиб олаётгандирлар?! Бас, (эй Муҳаммад), сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига (яъни у Зот кофирларга муҳлат бериб қўйганича, Ислом дини тезроқ ғолиб бўлмаётганига) сабр қилинг ва наҳанг балиқ соҳиби (яъни Юнус пайғамбар) каби (бесабр) бўлманг! Эсланг, у ўзи бесабрлиги учун тушиб

қолган балиқ қорнида туриб ғамга тўлган ҳолда (Парвардигордан паноҳ тилаб) нидо қилган эди. Агар унга Парвардигори томонидан бўлган неъмат — марҳамат етмаганида, албатта, қуруқликка мазамматланган ҳолида улоқтирилган бўлур эди (лекин Парвардигори унга марҳамат кўрсатиб, балиқ қорнидан соғ-омон чиқарди). Сўнг Парвардигор уни (яна қайта пайғамбарликка) танлаб, солиҳ (пайғамбар)лардан қилди. Албатта, кофир бўлган кимсалар эслатма — Қуръонни эшитган вақтларида сизни кўзлари билан йиқитаёзурлар ва (Муҳаммад) шак-шубҳасиз мажнундир", дерлар. Ҳолбуки, у (Қуръон) барча оламлар учун фақат бир (буюк) эслатмадир! (68 : 47—52).

<...> Албатта, у (Қуръон) тақводор зотлар учун панд-насиҳатдир. Шак-шубҳасиз, Биз сизларнинг орангизда (Қуръонни) ёлғон дегувчилар ҳам бор эканини аниқ билурмиз. Албатта, у (Қуръон) кофирларга (улар қиёмат кунида Қуръонга иймон келтирган кишиларнинг савобга эга бўлганларини кўрган вақтларида) ҳасрат-надомат бўлур. Албатта, у (Қуръон) аниқ Ҳақиқатдир! Бас, улуғ Парвардигорингизнинг номини (мудом, барча айб-нуқсонлардан) пок тутинг!¹⁹ (69:48—52).

<...> Дарҳақиқат, уни (яъни ўз нафсини-жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (жонни фисқ-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурод бўлди²⁰. (91 : 9—10).

<...> (Эй Муҳаммад, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! У инсонни лахта қондан яратган (зотдир). Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни — хатни) ўргатган ўта қарамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди²¹ (96 : 1—5).

<...> (Эй Муҳаммад), айтинг: "У — Оллоҳ Бирдир (Яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир). Оллоҳ барча ҳожатлар билан) кўзлангувчидир (яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). У туғмаган ва туғилмагандир (яъни Оллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир). Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир"²² (112 : 1—4).

ИМОМ ИСМОИЛ ал-БУХОРИЙ (810—871)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Бухорода таваллуд топди. Отаси шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, бир оз тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган.

Имом Бухорий ёшлигида отадан етим қолди. 10 ёшларида араб тили ва Ҳадис илмини кунт билан ўрганишга киришди. Бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий (777—839), Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфий (вафоти 843)лардан Ҳадис илмини ўрганиб, кўп ҳадисларни ёд олди. 16 ёшида акаси Аҳмад ва онаси билан ҳаж сафарига бўлди. Зиёрат асносида Балх, Боғдоғ, Куфа, Басра, Дамашқ, Маккаю Мадина шаҳарларида ҳам бўлди.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, муҳофазаси ўтқир олим эди. Ривоят қилишларича, қайси бир китобни қўлга олиб, бир мартаба мутолаа қилсалар, ҳаммаси ёд бўлиб қолаверарди.

Имом Бухорийнинг ўз сўзига кўра, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) Ҳадисни ёд билар экан. Унинг шогирдларидан Амр ибн Фаллос: "Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган Ҳадис, албатта, ишончли Ҳадис эмастур" деган. Устозларидан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий (780—855)нинг айтишича, "бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас".

Ал-Бухорий 20 ёшидаёқ бир неча китоблар муаллифи сифатида машҳур бўлди. Алломанинг "Ал-агаб ал-муффағ" («Агаб дурдоналари»), "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ"дан ташқари яна йигирмага яқин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган.

Имом Бухорий ўз ватани Бухорога қайтгач, бир мунча вақт толиби илмларга ҳадисдан дарс берган. 871 йили вафот этгач, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида дафн этилган.

«АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ»

“ҚУРЪОН ТАФСИРИ КИТОБИ”дан

«Иброҳим» алайҳиссалоту ва саллам» сураси¹

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

3-боб. Оллоҳ таолонинг қавли: “Оллоҳ таоло мустаҳкам сўз (калимаи тавҳид) баракотидан мўминларни (бу дунёда ҳам, охиратда ҳам) барқарор сақлар (саодатга муяссар қилур)² (27-оят).

Барро ибн Озиб³ ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтдилар: “Мусулмон банда қабрда сўроқ қилинса, “Ла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан расулуллоҳи” деб шаҳодат айтади. Бул хусусда Оллоҳ таоло: “Оллоҳ таоло мустаҳкам сўз (калимаи тавҳид) баракотидан мўминларни (бу дунёда ҳам, охиратда ҳам) барқарор сақлар (саодатга муяссар қилур)” — дейди”.

“Ал-Алақ” сураси⁴

“Бир куни жаноб Расулуллоҳ Ҳироъ ғорида⁵ эрканликларида қошларига бир фаришта келиб: “Ўқингиз!” деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен ўқиёлмайман”, — дедилар. “Шунда, — дейдилар жаноб Расулуллоҳ, — фаришта мени ушлаб шундай қаттиқ қисдики, ҳатто мен ҳолсизланиб қолдим. Кейин мени бўшатиб, яна: “Ўқингиз!” — деди. Мен: “Ўқиёлмайман”, — дедим. У мени яна ушлаб, шундай қаттиқ қисдики, ҳатто мен ҳолсизланиб қолдим. Кейин мени яна бўшатиб: “Ўқингиз!” — деди. Мен яна “Ўқиёлмайман”, — дедим. У учинчи бор мени ушлаб, шундай қаттиқ қисдики, ҳатто мен ҳолсизланиб қолдим. Сўнг у мени бўшатиб: “Эй Муҳаммад, бутун мавжудотни яратган Парвардигорингиз номи билан ўқингиз! У инсонни лахта қондан яратди. Ўқингиз, Парвардигорингиз инсониятга қалам билан ёзишни ўргатган зотдир! Ул зот инсонга унинг билмаганини ўргатди” деган оятларни ўқиди”.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бул ҳодисадан қўрқиб, дағ-дағ титраган ҳолда ортларига қайтдилар-да, Хадича онамизнинг олдиларига кириб: “Мени ўрангизлар, мени ўрангизлар!” — дедилар. Жаноб Расулуллоҳни қўрқувлари босилгунча ўраб қўйишди. Кейин Хадичага⁶: “Эй Хадича! Менга не бўлаётир? Менга бир нарса бўлиб қолмасайди, деб

ўзимдан қўрқдим", — деб бўлган воқеани гапириб бердилар. Хадича: "Қўрқмангиз, аксинча, хурсанд бўлингиз, Худо ҳақи, Оллоҳ таоло сизни асло хор қилмагай, Худо ҳақи, сиз қариндошларингизга оқибат қилгайсиз, рост гапиргайсиз, бировларнинг оғирини енгил қилгайсиз, йўқсилларни тўйдиргайсиз, меҳмондўстлик қилгайсиз, эзгулик йўлида саъйу имдода айлагайсиз", — дедилар. Сўнг жаноб Расулуллоҳни амакиларининг ўғли Варақа ибн Навфалнинг ҳузурига олиб бордилар. Варақа жоҳилият замонида насроний динини қабул қилган эрди. У арабча хат ёзишни ҳам билар, Оллоҳ таоло муяссар этганича Инжилдан арабчага кўчириб ёзар эрди. Ўзи қари киши бўлиб, кўзи ожиз киши эрди. Хадича онамиз унга: "Эй амаки, биродарингиз ўғлининг сўзига қулоқ солингиз!" — дедилар. Варақа: "Эй жияним, неларни кўрдингиз?" — деб жаноб Расулуллоҳдан сўради. Пайғамбар алайҳиссалом кўрган нарсаларининг хабарини бердилар. Варақа: "Бу Номус (яъни, Ҳазрат Жаброил) бўлиб, Мусога ҳам ваҳий бирлан туширилган фариштадир. Кошкийди, шу пайтда менинг ёшлигим бўлса, кошкийди, мен ҳаёт бўлсам!" — деди. Кейин яна баъзи гапларни ҳам айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Қавмим мени ҳайдаб чиқаргайми?" — деб сўрадилар. Варақа: "Ҳа, шундай, аммо бирор киши сиз келтирган нарса бирлан (пайғамбарлик бирлан) келмаган, гар келса, қийноққа солинган бўлур эди. Агар сизнинг кунларингизда мен тирик бўлсам, сизга катта ёрдам берган бўлур эдим", — деди. Лекин кўп ўтмай Варақа вафот этди. Кейин бирмунча вақт жаноб Расулуллоҳга ваҳий келмай қўйди. Ул зот бундан ҳайиқа бошладилар"

Оллоҳ таолонинг қавли: "Оллоҳ инсонни лахта қондан яратди".

Оиша⁷ розияллоҳу анҳа айтадилар: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга биринчи бўлиб нозил бўлган ваҳий рост (чин) тушлар эди. Кейин ул зотнинг ҳузурларига фаришта келиб: "Сизни яратган парвардигорингизнинг номи бирлан ўқингиз, у инсонни лахта қондан яратган зотдир, ўқингиз, улуғ раббингиз инсонга қалам бирлан илм ўргатди", — деган оятни ваҳий қилди".

"ҚУРЪОН ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА"⁸ китобидан2-боб. Қуръоннинг Қурайш аҳли тилида⁹

араб тилида нозил қилинганлиги ҳақида

"Усмон¹⁰ розияллоҳу анҳу Зайд ибн Собит¹¹, Саъид ибн ал-Ос¹², Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр¹³ ва Абдурраҳмон ибн ал-Ҳарса¹⁴ Қуръон сураларини мусҳафларга кўчирмоқни амр қилдилар ва: "Агар сизлар Зайд ибн Собит бирлан Қуръоннинг бирор арабча сўзида ихтилоф қилиб қолсангизлар, (уни ўзгартирмай) қурайш аҳли тилида ёзаверингизлар, чунки Қуръон уларнинг тилида нозил қилинган", — дедилар. Улар шундай қилишди".

"Савфон ибн Яълонинг хабар беришларига қараганда, ул киши: "Кошкийди, мен Расулуллоҳга ваҳий нозил бўлаётганини кўрсам!" — деб орзу қилур эрканлар. Вақтиқи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жиърона деган жойда эрдилар, ул зотнинг тепаларига соя қилсин учун бир либос тўсиб қўйилган эрди, ёнларида саҳобалари ҳам бор эрдилар. Шул пайт ўзига хушбўйликлар сепиб олган бир одам келиб: "Ё Расулуллоҳ, бир одам чакмон кийиб, эҳром боғласая, кейин ўзига хушбўйликлар сепса, бўлурми?" — деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом бир соатча ваҳий келмоғини кутдилар, сўнг ул зотга ваҳий келди. Шунда Умар¹⁵ розияллоҳу анҳу Яълога: "Кел", — деб ишора қилдилар. Яъло келиб, бошларини жаноб Расулуллоҳга соя қилиб турган либос остига тикдилар-да, жаноб Расулуллоҳнинг юзлари қизариб кетганини кўрдилар. Ул зот яна бирмунча вақт хирилаган ҳолда ётдилар, сўнг ваҳийдан фориг бўлдилар-да: "Ҳозиргина менга умра тўғрисида савол берган киши қаерда?" — деб сўрадилар. Савол берган киши қидириб топиб келтирилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: "Ўзингга сепган хушбўйликни уч марта ювиб ташла, сўнг чакмонингни ечгил-да, ҳажингга қандай эҳром боғласанг, умрангга ҳам шундай эҳром боғлагил!" — дедилар".

"Бақара" сурасининг¹⁶ фазилати

24-боб. Қуръоннинг қанчаси ўқилса, кифоя қилур?

Оллоҳ таолонинг қавли: "Қуръондан Оллоҳ муяссар қилганча ўқингизлар!" Ибн Шибрима айтадилар: "Мен: "Киши намозда Қуръоннинг қанчасини ўқиса, кифоя қилгай?" — деб

фикр қилдим. Қуръон суралари ичидан уч оятли ("Ал-Кавсар") сурасидан кичигини топмадим. Шунда: "Демак, уч оятдан кам ўқиш мумкин эрмас", — дедим".

Алқама¹⁷ ривоят қилади: "Мен Абу Масъудни Байтуллоҳни тавоф қилаётганларида учратиб қолдим. Шунда ул киши жаноб Расулуллоҳнинг "Кимки кечаси "Бақара" сурасининг охириги икки оятини ўқиса, унга кифоя қилур" деган ҳадисларини зикр қилдилар".

Абдуллоҳ ибн Умар¹⁸ ривоят қилади: "Отам мени тагли-тахтли бир аёлга уйлаб қўйдилар. Кейин отам келиндан ҳол-аҳвол сўраб, менинг хусусимда ҳам суриштирибдилар. Шунда келин: "Эркаклар орасида жуда ажойиблар, лекин ҳануз менинг тўшагимда ётганлари йўқ, ҳатто мен бирлан таом ҳам емадиларки, ҳожатхонага чиқай десалар, мен келганимдан буён аҳвол шу!" — деб жавоб берибди. Отам келиннинг шикоятни кўпайиб кетгандан кейин бул ҳақда Пайғамбар алайҳи ва салламга зикр қилибдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳузуримга юборингиз!" — дебдилар. Мен жаноб Расулуллоҳга учрадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Рўзани қандай тутаетирсан?" — деб сўрадилар. Мен: "Ҳар кун" — дедим. Ул зот: "Қанчада хатм қилаётирсан?" — дедилар. Мен: "Ҳар кеча", — дедим. Ул зот: "Ҳар ой уч кун рўза тутгил, ҳар ой бир хатм қилгил!" — дедилар. Мен: "Эй Оллоҳнинг расули, мен бундан кўпроғига қодирман!" — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: "Ундай эрса, бир жумада (ҳафтасига) уч кун рўза тутгил!" — дедилар. Мен яна: "Бундан кўпроғига ҳам қодирман", — дедим. Жаноб Расулуллоҳ: "Бўлмаса, икки кун оғиз очиб, бир кун рўза тутгил!" — дедилар. Мен: "Бундан кўпроғига қодирман", — дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ундай эрса, рўзанинг афзалини — Довуд алайҳи ва салламнинг рўзаларини тутгил, яъни бир кун рўза тутгил, бир кун оғиз очгил, ҳар етти кунда бир хатм қилгил!" — дедилар. Кошкйдди, жаноб Расулуллоҳнинг насиҳатларини қабул қилган бўлсам! Мана, энди қаридим, қувватдан кетдим".

Айтишларича, Абдуллоҳ ҳар кун кундузи Қуръоннинг еттидан бир қисмини ўз аҳлларида бирига ўқиб берар эрканлар. Буни кечаси ўзларига осон бўлсин учун қилар эрканлар. Озгина қувватланиб олмоқни истасалар, бир неча кун рўза тутмас, кейин эрса рўза тутмаган кунларининг миқдорича яна рўза тутар эрканлар, чунки жаноб

Расулуллоҳнинг тавсияларига зид иш қилиб қўймоқдан қўрқар эрканлар. "Баъзилар уч кунда, баъзилар беш кунда, кўпчилик эрса, етти кунда хатм қилар эрди", — дейишади...

27—боб. Дилингизни (хаёлингизни) бир жойга
йиғиб Қуръон ўқингиз!

Жундуб ибн Абдуллоҳ ривоят қиладилар: "Пайғамбар алайҳиссалом: "Дилингизни жамлаб Қуръон ўқингиз, агар дилингиз фаромуш бўлса, туриб кетингиз!" — дедилар".

Абдуллоҳдан нақл қилинадиги, ул киши бир одамнинг қироатини эшитиб қолдилар. Абдуллоҳ ўшал одам қироат қилган сурани жаноб Расулуллоҳдан ўрганиб, бошқача услубда қироат қилур эрдилар. "Мен ўшал одамни қўлидан ушлаб жаноб Расулуллоҳнинг қошларига олиб бордим, — дейдилар Абдуллоҳ, — шунда ул зот: "Икковингиз ҳам чиройли ўқийтирсиз, шундай ўқийверинглар!" — дедилар. Агар янглишмасам, ул зот яна: "Сизлардан илгариги қавм ихтилоф қилган эрди, ихтилофлари уларни ҳалок қилди", — деб ҳам айтдилар.

ИЛОВА

("Чаҳор китоби туркий" асаридан¹⁹)

Агар сўрсаларки "Иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Иймон айна тасдиқдир дилга ва иқрор этмақдир тилга", чунончи, айтурларки, "Ал-Иймону иқрорун биллисони ва тасдийқун билқолби".

Агар сўрсаларки "Иймон нечадир?" Жавоб айғилки "Еттидир: аввал Худойи таолонинг бирлигин билмақдир ва ҳар пайғамбарики анга уммат бўлубдир, анга иймон келтирмақдир ва бу лафз бирла, масалан: "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ, ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳу ваашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу". Иккинчи — фаришталарга иймон келтурмак. Учинчи — Китобларга иймон келтурмак. Тўртинчи — пайғамбарларга иймон келтурмак. Бешинчи — қиёматга ва ҳашру нашрга ҳам иймон келтурмак. Олтинчи — ҳарне амрики, яхшию ёмонлиқдир, қазоу қадарга ҳавола қилиб тақдирдин билмак. Еттинчи — ўлгандин кейин яна гўрдин мисли аввал тирилмакни ҳақ билмақдирки, буни "Баъс баъдал мавт" дерлар".

Агар сўрсаларки "Иймони мужмал қайсидир?" Жавоб айғилки "Иймони мужмал будир: "Аманту биллаҳи кама ҳува би асмаиҳи ва сифатиҳи ва қобилту жамийъа аҳқамиҳи ва арканиҳи", яъни "Иймон келтирдим Оллоҳ таолога бу қабилдаки, Оллоҳ таоло бечун²⁰ ва бечугуна ва бешубҳа ва бенамуна ва жамиъи отлари бирлан ва жамиъи сифатлари бирлан. Ва қабул қилдим бажони дил анинг ҳама ҳукмларини ва рукнлариники, бизга Китоби мунзала²¹ бирла мубайяндир"²².

Агар сўрсаларки "Иймони муфассал қайсидир?" Жавоб айғилки "Иймони муфассал ушбудир: "Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи валиявмил-ахири валқодари хойриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таоло валбаъси баъда-л-мавт".

Агар сўрсаларки "Мункару · Накир²³ нимадин сўрарлар?" Жавоб айғилки "Динингдин ва Худойингдин ва пайғамбарингдин сўрарлар, чунончи, айтурларки "Дининг қайсидир ва Парвардигоринг кимдир ва пайғамбаринг кимдир?". Бас, агар мурда жавобин босавоб берса, алар анга ҳеч азоб бермаслар, балки меҳрибонлик бирла сўрарлар ва меҳрибонлик бирла кирарлар ва узр бирла ва неча башорат бирла кетарлар, андин кейин гўрнинг ҳар атрофи етмиш газдин васиъ²⁴ бўлур ва жаннатдин эшик очилур. Баъзи ривоятда бир ҳур келур қўлида бир олмай биҳишт бирла ва мурда ул олмани ихтиёр қилур ва ул ҳур олмани анга ташлар, мурда олур вақтда ҳурга келур ва ҳур олур бўлса, мурдага келур. Шу кайфиятда қиёмат бўлганин билмай қолур ва агар жавобин босавоб беролмаса, алар анга ҳадсиз ғайбат қилур, чунончи, ўзлари қаро, кўзлари кўк, пурғайбату пурсалобат бўлиб савол қилурлар ва гурзийи оташин бирла урарларки, мурда овозин жину инсдин ўзга ҳамма эшитур. Наъуузу биллаҳи мин залик! Қоланнабий алайҳиссалом: "Алқабру ровзатун мин риёзилжаннати ав ҳуфратун мин ҳуфратин нийрон", яъни Расул алайҳиссалом айдиларки: "Қабр бўстониёдир, биҳишт бўстонларидин (бу аҳли тоат ва аҳли ибодатлар ҳақинда) ва ё зиндонийдир дўзах зиндонларидин (ва бу мунофику кофиру осийлар ва гуноҳкорлар ҳақиндадир).

Агар сўрсаларки "Куфру иймон бир маконда жамъ бўлурми?" Жавоб айғилки "Фуқаҳойу уламои ислом иттифоқлари бирлан куфру иймон бир маконда жамъ бўлмас,

зероки, банда бир ҳолда ҳам мўъмин ва ҳам кофир бўлмас. Куфру иймон зиддони ло йажтамиъониدير".

Агар сўрсаларки "Бандаида иқрори тил бўлса ва тасдиқи дил бўлмаса, бас, ул банда ҳукми шаръи бирла нимадир?" Жавоб айғилки "Мунофиқдир, яъни халқ қошида мусулмон ва индаллоҳи кофирдир ва бу мунофиқ ўлса, бейймон ўлур ва дўзах тагида қолур. Қавлуҳу таоло: "Инналмунофикийна фиддаркил асфали минаннори", яъни "Мунофиқларнинг, албатта, қароргоҳи дўзахнинг тагидадир" ва мунофиқда уч аломат бордир. Расул алайҳиссалом айтдилар: "Мунофиқда уч аломат бордир, агар чандики рўза тутиб, намоз ўқиса ҳам ва заъм қилса ҳамки ман мусулмонман ва мусулмонзодаман, ҳар вақтики сўзласа ёлгон сўзлар ва агар ваъда қилса хилоф қилур ва агар омонат қўйилса хиёнат қилур ва бу мунофиқ кофирдин ёмондир, чунки кофирда куфр зоҳирдир, ихтиози²⁵ таъби муқаррар эмасдир. Бинобарин, мўъминларга махлутдир²⁶, бас, мўъминларга шарри²⁷ ва зарари кофирдин кўпроғдир. Анинг учун кофирдин ёмонроғдир".

Агар сўрсаларки "Агар тасдиғи дил бўлса, аммо иқрори тил бўлмаса, ани не дермиз?" Жавоб айғилки "Индаллоҳи мусулмон ва эл орасида кофирдир мутакаллимин наздида, аммо фуқаҳо ва мужтаҳидларнинг²⁸ қошларида иқрорсиз мўъмин бўлмас ва тасдиғи фойда бермас. "Ман кафара билисонихи тоиъан ва қолбуҳу мутмаъинун билиймони фаҳува кофирун ва ла йанфаъуҳу ма фи қолбиҳи!" Яъни, "Кишики кофир бўлса тили бирла ихтиёран, ваҳоланки, кўнгли иймон бирла барқарордир, бас, ул киши кофирдир ва фойда бермас кўнглидаги тасдиғи!".

Агар сўрсаларки "Бир кишида тасдиғи тил ва иқрори тил барқарордир ва лекин амали тан йўқдир, бас, ани аҳли шаръ на дерлар?" Жавоб айғилки "Ани фосиқ дерларки, бамиқдори маъсият тамуғда азоб тортар, ақалли бир соат ва аксари етти минг йилдир. Чунончи, ҳадиси набавий нотиқдурки, баъдаз он нури иймон сабабидин охир халос топар ва жаннатга дохил бўлур ва лекин бандада тасдиқу иқрор барқарор ва баркамол бўлса, нега амали солиҳдин қўл тортиб, нофармонлар²⁹ қаторида бўлғай? Чунки тасдиқу иқрор бандани ризойи Худо ва хушнуди пайғамбар алайҳи ва салламға тортар ва муҳолифати Иблисни хоҳлар, аммо фиску маъсият Худо ва Расулга муҳолифлик келтирур ва Иблис

алайҳиллағнаға мувофақат ҳосил этур ва яна маъсиятдин ҳижолатдир Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга, бас, мўъминга лойиқ эмасдирки, Худо ва Расул алайҳи ва салламга муҳолафатлик қилғай ва Иблис алайҳиллағнани шод қилғай ва ул шафийъул музнибин³⁰ ва хотимул мурсалинга³¹ аламу ҳижолат еткурғай ва кўнглини кудуратлик қилғай. Қолан набиййу алайҳиссалом: "Иннал абда изо азнаба занбан фақо ҳасала суудан фа ин тоба сайҳала ва ин зода ҳатто йасвадду қолбуҳу", яъни батаҳқиқ банда вақтики бир гуноҳ қилса, пайдо бўлар анинг дилида бир нуқта баробари қаролик, агар тавба қилса, ул қаролик кетар ва агар гуноҳни зиёда айласа, зиёда бўлур ул қаролик, ҳаттоки жамиъи кўнгли қаро бўлур, наъузу биллоҳи минҳо! Қолаллоҳу таоло: "Бал рона ало қулуубиҳим ма кануу йаксибууна", аммо кўнгли қаролигига аломат улдурки, гуноҳга надомат қилмас ва тоат қадри анга маълум бўлмас ва насиҳат анга фойда бермас, балки ҳаргиз қулоғига кирмас, бу ҳол бирла охирида кофир бўлур ва лекин ўзининг хабари бўлмас".

Агар сўрсаларки "Ҳар кишининг тасдиқи дили ва иқрори тили ва амали тани бўлса ва лекин суннати набавийни мутобаъати³² бирла қилмаса, ул кишини на дермиз?" Жавоб айғилки "Ани мубтадиъ³³ ва аҳли бидъат дермизки, мубтадиъ аҳли дўзахнинг итидир. Қолан набиййу алайҳиссалом: "Аҳлул бидъаи килобу аҳлин нори!", яъни "Мубтадиъ аҳли дўзахнинг итларидир!" Бас, камоли иймонки, сабаби ҳалосийи азоби дўзахдир ва василаи даражоти жаннатий ва вусули қурби раббонийдур, бу тўрт аслнинг истиҳкомиға мавғуфдирки, тасдиқ бадил ва иқрор базабон ва амали бадан ва мутобаъати суннат. Ҳар кимда бул тўрт тамоман йўқдир, кофири мутлақдир ва агар баъзиси бордир, мўъмини ноқисдир. Ани аҳволи илмуллоҳға муфавваздир!"³⁴.

Агар сўрсаларки, "Вожиботи иймон нечадир?" Жавоб айғилки "Ўн иккидур: Аввал — олимлар бирлан суҳбат қилмоқ, иккинчи — фосиху бенамоздин кечмоқ, учинчи — ташнаға сув бермоқ, тўртинчи — бемору касалларни сўрмоқ, агарчи тиш оғриғу кўз оғриғидир, бешинчи — етиму сағирларни бошиға дасти марҳамат сурмоқ, яъни алар кўнглин овламоқ, олтинчи — икки биродари мўъмин орасиға хусумату мунозаъат тушса, яраштирмоқ, агар чандики яраштирмоқ ёлгон бирла бўлса ҳам, еттинчи — қадхудои³⁵ дарвишға

шафқату марҳамат қилмоқ, яъни ўз бизоъатидин бир нимарса анга бермоқ, саккизинчи — мурдани ювмоқ, тўққизинчи — йўл узасидаги тошу кесаку бошқа ийзо бергувчини йўлдин узоқ қилмоқ, ўнинчи — йўлдаги нажосати одамнинг устига туфроқ сепмоқ, ўн биринчи — тавофи хонаи Каъба қилмоқ, ўн иккинчи — ўз аҳли аёлига қадари зарур *Шариат* илмидин ўргатмоқдир".

Агар сўрсаларки, "Мусулмонмисен?" Жавоб айғилки "Алҳамдулиллоҳ".

Агар сўрсаларки "Сенинг мусулмонлигинга менинг гумоним бор". Жавоб айғилки "Сенинг гумонинг бўлса, менинг шоҳидим ва гувоҳим бордирки, "Ашҳаду ан ла илаҳа илаллоҳ ваашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ!".

Агар сўрсаларки "Қачондан бери мусулмонсен?" Жавоб айғилки "Мисоқ³⁶ кунидан бери мусулмонмен".

Агар сўрсаларки "Маънойи Мисоқ нимадир?" Жавоб айғилки "Ал-Мисоқу ҳувал аҳдул мавсуҳу вал хитобу", яъни Мисоқ кунидирки, ул кунни аҳд кунни дерлар ва мавсуқ аҳд қилинган маънидадир ва хитоб улдурки, ўшал замоники ҳазрат Ҳақ субҳанаҳу ва таоло бизларнинг руҳларимизни ўз қудрати бирла пайдо этиб, хитоб айлаб дедик, "Аласту би роббикум?" яъни "Мен сизларнинг парвардигорингиз эмасманму?" Шунда руҳларимиз жавоб бердиким: "Бала!" Яъни, "Фақат бизларнинггина эмас, балки бутун жумлаи жаҳониённинг Парвардигори, Холиқи ва офаридагорисан!"³⁷ "Холиқу кулли шайъин ва розиҳу кулли ғаййин, йафъалуллоҳу ма йашаъ ва йаҳкуму ма йурийду!" Аммо оятда "Қолуу бала", яъни "қолуу" лафзи бирладир ва "қолуу" жавоби арвоҳдин ҳикоятдир, асли жавоб лафзи "бала"дир, чунки "Бала" ҳарфи ийжобдир³⁸, мазмуни саволнинг хилофига ва салбига мустаъмалдир бар хилофи "Наъам"ки, мазмуни саволнинг исботи учундир. Бас, руҳлар "Бала" деди, "Наъам" демади, агар "Наъам" деса, ҳама кофир бўлур эрди. Наъуузу биллаҳи мин золик!".

Агар сўрсаларки "Оллоҳ таоло иймонни неча нимарсадин офарида қилди?" Жавоб айғилки "Уч нимарсадин офарида қилди: Аввал — нури покидин, иккинчи — нури зотидин, учинчи — нури хокидин. Нури пок — Ҳақ таоло нуридир, нури зот — ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом нуридир ва нури хок — ҳазрат Одам алайҳиссалом нуридир".

Агар сўрсаларки "Ҳаловати иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Ҳаловати иймон — пок бўлмоқдир".

Агар сўрсаларки "Ҳукми иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Ҳукми иймон — хавфу ражонинг³⁹ ўртасида бўлмоқдир, яъни Худойи таоло ғазабидан ҳамиша қўрқмоқдир ва ҳам Худойи таоло раҳматидан умидвор бўлмоқдир".

Агар сўрсаларки "Бузурги иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Худойи таолонинг зикрин ёд қилмоқдир, чунончи, "Қовлуҳу таоло: "Ё аййўхаллазийна аману, узкуруллоҳа зикрон касийрон ва саббихуҳу букротан ва асийлан!", яъни "Эй иймон келтирганлар, Оллоҳ таолони ёд этинглар, кўп ёд этмак бирла ва тасбиҳ этинглар Ҳақ таолони кечаю кундуз!".

Агар сўрсаларки "Шариати иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Ҳаромдин қочиб, талаби рўзийни ҳалолдин нафақа этмоқдир. "Ли-қовлиҳи таоло: "Кулуу мимма фил арзи ҳалалан тоййибан!", яъни нафақа этинглар ер юзидаги ҳалол тоййибидин!"⁴⁰ ва ҳам ҳадиси шарифдадирки, "Кулуу-л-ҳалола ва-ястанибуу-л-ҳарома!" Яъни "енглар ҳалолни ва қочинглар ҳаромдин!".

Агар сўрсаларки "Пўсти иймон нимадир?". Жавоб айғилки "Шармдир". Ли қовлиҳи алайҳиссалом: "Алҳайу минал иймони", яъни "ҳаё ва шарм иймон жумласидандир".

Агар сўрсаларки "Меваи иймон нимадир". Жавоб айғилки "Рўза тутмоқдир". Ли қовлиҳи алайҳиссалом: "Ас совму нажотун минан нори", яъни "Рўза тутмоқ бирладир дўзах ўтидин нажот топмоқлик".

Агар сўрсаларки "Барги иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Тақводир". Ли қовлиҳи таоло: "Инна лилмуттақийна мафазан ҳадоиҳа ва аънабан ва қаваъиба атробан ва каъсан диҳоқан", яъни "Дарҳақиқат, парҳезкор ва муттақий бандаларга биҳиштда боғи ризвон абадий ораста ва узумлар ҳар ранг ва ҳар алвон ва аруслари⁴¹ норастонаки, алар суҳбатидан киши ҳаргиз тўймас, қўлларида қадаҳлари тўла шароби биҳиштийдан".

Агар сўрсаларки "Мағзи иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Мағзи иймон дуо қилмоқдир". Ли қовлиҳи алайҳиссалом: "Аддуоу муххул ибодати", яъни "Дуо қилмоқ мағзи ибодатдир".

Агар сўрсаларки "Тухми иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Илмдир ва илм ўрганганга ҳадсиз даража бордир".

Ли-қовлиҳи таоло: "Лиллазийна уутул илма дарожатин" ва яна нажоти банда икки дунёда ҳам даражоти иймону ислом бирладир ва мабнойи иймону ислом илмдир".

Агар сўрсаларки "Самараи иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Намоздир". Ли қовлиҳи алайҳиссалом: "Ассолоту имодуддийни ва ман ақомаҳа фа қод ақомаддийн ваман тароқаҳо фа қод ҳамдамаддийн", яъни Расул алайҳиссалом айтдиларки, "Намоз дин устунидир, бас, ҳар ким адо этибдир намозни, ул киши бунёд этибдир дини Муҳаммадийни ва ҳар ким тарк этибдир намозни, бас, вайрон этибдир дини Мустафони!"

Агар сўрсаларки "Беҳи иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Ихлосдир ва ихлос ҳосил бўлмайдир магар ният бирлаки, қолан набиййу алайҳиссалом: "Иннамал аъмалу бин ниййати", яъни Расул алайҳиссалом айтдиларки, "Савоби аъмол мавқуфдир ниятга".

Агар сўрсаларки "Ватани иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Дили бандаи мўъминдир. Ли-қовлиҳи таоло: "Қутиба фи қулубиҳим ал иймону", яъни Ҳақ субҳонаҳу айтди: "Битиб қўйилгандир дили мўъминларга иймон".

Агар сўрсаларки "Ғусли иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Тавбадир".

Агар сўрсаларки "Қалъаи иймон нимадир?" Жавоб айғилки "Бешдир: Аввал — фарз, иккинчи — вожиб, учинчи — суннат, тўртинчи — мустаҳаб ва бешинчи — адаб. Бас, ҳар кимда адаб йўқ — иймони шайтоннинг киссасидир!"

Агар сўрсаларки "Вақтики жон бандадин чиқса, иймон қайга борур? Агар десангки, ҳамроҳи тан бўлур, жон бейймон қолур ва агар десангки, ҳамроҳи жон бўлур, тан бейймон қолур ва агар десангки, баъзиси жон бирла ва баъзиси тан бирла бўлур, бас, бул вақт иймон тақсимпазир⁴² бўлур, ваҳоланки, иймон тақсимпазир эмас! Жавоб айғилки "Иймоннинг икки сифати бордирки, бирини "феъли иймон" ва бирини "ҳукми иймон" атарлар. Бас, феъли иймон жон бирла бўлур, чунки асл мукаллиф жондир ва ҳукми иймон тан бирла бўлур, чунки тан жон ҳукмидадир ва лекин иймон тобеъи жондир ва баъзилар бу саволда таваққуф қилдилар ва жавобин Худойи таолога тавфиз қилдилар. Оллоҳ барчадин яхшироқ билгай!"

Агар сўрсаларки "Кимнинг бандасисан ва кимнинг умматисан ва кимнинг дўстисан ва кимнинг миллатида ва кимнинг мазҳабидасан?" Жавоб айғулки "Худонинг бандасиман ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматиман ва чаҳорёри изомнинг⁴³ дўстиман ва ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг миллатидаман ва Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳининг мазҳабидаманки, отлари Нуъмон ибн Собитдир".

Агар сўрсаларки "Қандоқ худонинг бандасисан?" Жавоб айғулки "Худойи ўн саккиз минг оламнинг бандасиманки, сифати "Қул ҳуваллоҳу аҳадун"дир ва зоти илми бандадин ташқаридир".

ТУРКИЙ ТАФСИР

Жаҳон борлигининг сифати ва мағзи жамланган Қуръони каримнинг маънисини англаш осон кечмаган. Улуғ Оллоҳ сўзини изоҳ ва шарҳ қилишда, Ундаги илоҳий маъно сирларидан бани одамни огоҳ қилишда минглаб уламо ва муфассирларнинг беназир хизматлари тайин.

Ислом оламида Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Жавоҳиру-л-Қуръон», Абул Қосим Маҳмуд Замаҳшарийнинг «Ал-кашшоф фи тафсир ал-Қуръон», Рўзбеҳон Бақлийнинг «Аройису-л-баён фи ҳақойиқи-л-Қуръон», Нажмиддин Розийнинг «Баҳру-л-ҳақойиқ», Сағриддин Қўनावийнинг «Тафсири фотиҳа», Шайх Саъдиддин Ҳаммувийнинг «Сажанжалу-л-арвоҳ ва нуқушу-л-алвоҳ», «Тафсиру-л-Қози Байзовий», «Тафсиру-л-Жалолайн», «Тафсири Ибн Кассир», «Тафсиру-л-Қуртубий», «Ал-Мунтахаб фи тафсири-л-Қуръони карим», Абдуллоҳ Андалусийнинг «Ал-муҳаррар ал-важыйз», Саййид Қутбнинг «Фи зилал ал-Қуръон», Муҳаммад Махлуфнинг «Сафвату-л-баён лимаони-л-Қуръон», Муҳаммад Али Собунийнинг «Сафвату-т-тафосир», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Тафсири Ҳусайний» каби тафсирлари мавжуд. Турк олими Фуод Кўпрулуниинг аниқлашича, Қуръони каримни турк тилида Тафсир қилиш ҳижрий III (милодий X) асрлардан бошланган. А. Эртўғон, А. Инон каби олимлар туркий тафсирчилик тарихи билан шуғулланганлар.

Турк дунёси илмида барча муфассир ва исломшунослар томонидан тан олинган дастлабки Туркий тафсир XII–XIII асрларда номаълум муаллиф томонидан амалга оширилган. Унинг қўлёзма нусхаси 1914 йилда Қаршида топилган ва Бухорога келтирилган. 1920 йилдан Бухорода шўролар ҳукумати ўрнатилгач, Туркий тафсир Санкт-Петербург шаҳрига олиб кетилган. Ҳозир бу Тафсир Русия ФАШИИ Санкт-Петербург бўлимида 197-рақам остида сақланади.

Проф. Қ. Маҳмудовнинг изланишлари натижасида Туркий тафсирнинг факсимиле нусхаси унга лисоний очерк илова қилинган ҳолда нашр қилинди. Ушбу манба асосида Қуръони каримнинг «Каҳф» сураси тафсири табдил қилиб берилмоқда.

«ТУРКИЙ ТАФСИР»ган
БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ
18-СУРА¹

...Уларнинг улуғлари оғизларида сўз айтсалар ҳам у сўз — фақат гуноҳ ва ёлғондир².

Агар уларнинг онтларига кўра Қуръонга ишонмасалар, ўзингни шундай ҳалок қилувчи деб топасан: бу

сўз билан ер [ўзагини] юзини улардан қайсилари эзгуроқ эканлигини синамоқ учун безак этдик³.

Шубҳасиз, Биз сув тегмаган ер юзидаги бўш майдонларга айлантирувчи (қуп-қуруқ қилиб қўювчи — Ҳ. Б.), унинг устида уларнинг ҳар қайсисидан кўра эзгуроқ иш бажарувчимиз.

Аммо сизлар айтдингизлар: унгур⁴ эгалари кишилар китобга, ажойиб оятларга эга деб ўйлагандирсиз⁵.

Бизнинг ажойиб мўъжизаларимизга кўра, бир қанча (йўл) юриб унгурга ўрнашдилар,

улар ер, кўклар эгаси Парвардигоримиз бизга ҳузурингдан паноҳ бергин, ишимизни ўнглагин, дедилар.

Узоқ даврга қадар биз тўғри йўлга солдик, қулоқларига парда урдик, ухлатиб қўйдик.

Унгур ичидаги таналарни вужуди икки гуруҳдан қайсиси ҳақ эканлигини англатиш учун турғиздик,

унгурда ухлаган муддатини билдириш учун уйғотдик.

Уларнинг аҳволлари Яратган билан эканлигини ошкор қиламиз⁶.

... ишлар эдилар, Тангрисига боғландилар, уларнинг кўнгилларини Тангрига боғлаб, тўғри йўл яратиб бердик.

Анчадан сўнг турдилар. Тангримиз кўкларнинг ва ерларнинг эгасидир деб айтдилар, ундан ўзга Тангрига топинмасмиз.

Акс ҳолда, эй Тангрим, ортиқча сўз айтган бўламиз, элимиз бошқа Тангрига сиғиндилар.

Улар золимликда (кучда) машҳур эканлар, Тангри ҳақида ёлғон сўзласалар нега бирор далил келтира олмайдилар?

Қачон улардан (айрилиб) (у) томон кетсанглар, у топинадиган Тангрига сиғининглар,

сизларни унгурга йиғай, Тангрингиз ёрлиғига кўра, сизлар ишларингизда марҳаматлар кўргайсан (кўргайсиз),

қачон кун чиқса, унгурларнинг ўнг томонидан ел эсади,

(қачон) кун ботса, уларнинг сўл томонидан (ел эсади), уларга сўл томондан кенг (шароит) яратилган.

Шунингдек, у Тангрининг мўъжизаларига кўра, Тангри кимни йўлга солса, у (ҳақ йўлдан) боровчидир, у яна кимни йўлдан оздирса, унга (йўл) кўрсатувчи бир дўст топа олмайсан, улар(ни) уйқуда ухлаб ётувчилар деб ўйлайсан.

Уларни ўнг ва сўл томонга ағдариб турамиз, итлари эса эшик остида икки қарисини (қўлини — Ҳ. Б.) узатган (ҳолда) эди.

Агар уларга кўзинг тушса, улардан юз ўтирасан, улардан кўрқинч билан қочиб кетасан:

Шундай қилиб, улар (ўз)аро савол сўрашсин деб турғиздик. Сўровчиси улардан қанча (вақт) қолдингизлар, деб сўради.

Биз бир кун ёки бир куннинг бир қисмида тўхтадик (яшириндик) деб сўзладилар: қанча қолганингизни, ухлаганингизни Тангри билувчироқдир, дедилар.

Бирингизни пул билан бу шаҳарга юборинглар, қараб боқсин, қайси бир покиза

таом бўлса, олиб келсин, сизларга насиба (бўлсин), ундан (нафс) таскин топсин (дедилар), сизларни бир кимса билмасин.

Агар улар сизларга ҳукмрон бўлиб қолсалар, тошбўрон қилиб ўлдирадилар ёки сизларни ўз динларига киритадилар, ундай (ҳолда) абадий (гуноҳдан — Ҳ. Б.) қутилмайсизлар,

шу йўсинда Тангринга эргашиш ҳақ, қиёмат бўлиши шубҳасиз эканлигини билсин, деб уларни гўрларидан турғизамиз, бу масъалада уларнинг ишлари ҳақида анча тортишдилар,

уларнинг устига бино қилинлар деб айтдилар, уларнинг Тангриси буларни яхши билади, улар тортишувда (масъалада) ютиб чиққанлар, буларнинг устига бир масжид қурамиз деб айтдилар,

яна (улар) учта, тўртинчиси ит деб сўзладилар, яна бешта, олтинчиси, шубҳасиз, уларнинг итлари дедилар, яна еттита, шубҳасиз, саккизинчиси ит дедилар.

(Тахминан) яна еттита ёки саккизинчи (итларидир) дедилар, уларнинг саноғини Тангрим яхши билади деб айт.

Уларни фақат озгина (кишилардан бошқа) билмайди, уларнинг (сони) ҳақида тортишмагин, очиқ тортишув билан улар ҳақида жавоб кутма деб айт, деди.

Улардан бири: мен эртага бир нарсани қиламан деб айтмагин, деди.

Агар Тангри тиласа, Парвардигорингни ёд қил, қачон (Уни) унутсанг, Тангрим мени йўлга солади, деб сўзлагин.

Бундан ҳам яқинроқ тўғрилиқка ўргатди ёки унгури ичида уч юз йил турдилар. Яна тўққиз йил ортиқча ухладилар⁷,

у ерда (қанча) қолганликларини Тангри (яхши) билади деб айт: (у) ер ва кўклардаги яширин (нарсаларни) кўрувчи, эшитгувчидир: уларга Ундан ўзга бир дўст йўқ;

Унинг ҳукми, қудратига (ҳеч) бир кимса шерик эмас: уни чорлагин, ё Муҳаммад! Тангрингдан сенга бир Китоб, яъни Қуръон, ёрлиқ юборилди.

Унинг сўзларини текширувчи йўқ, ундан ўзга мулоҳаза топа олмайсан: ўзинг сабр қилгин.

Тонгда ва тунда Тангрига нидо қилиб, унинг хушнудлигини истовчилар билан (бирга бўл): дунё безакларини тилайдиган икки кўзингни улардан четга олишни (ўйла), (яъни бу дунёга кўнгли берма), унинг кўнглини ғафлатга солдик⁸.

Ўз тилагига кўра, бизнинг ёдимиздан нари кетди, унинг иши ҳаддидан ошгандир.

Ким истаса, меҳрибон Тангрингизга сизинсин, ким истаса, тонсин деб айт, биз зolimларга дўзах ўтини ҳозирладик;

уларнинг теварагини ўтли сарой қоплайди, фарёд қилиб (ичимлик) сўрасалар, бир сув кўргандек бақирадилар ва (у сувдан) юзларининг териси шилинади;

юзлари териси (шилинган) яна ярамас ичимлик, ярамас макон! Улар ишондилар, эзгуликлар қилдилар.

Эзгуликлар (амали солиҳ) қилганларнинг савобини зоъйи қилмаймиз, уларга макон (бор), унинг остида (оқар) ариқлар

бор, унинг ичида олтин билакузуклар билан безанадилар, яшил парчалардан (иборат) кийимлар, тўнлар киядилар;

унинг ичида тахтлар устида яна эзгу (жавоб) муомила, яна кўркли маконлар (бор); уларга икки киши (ҳақида) ривоят қилди:

(ҳар) иккисидан бирига тевараги узумли икки боғ яратди, у иккисини (боғларни) хурмо дарахти билан қопладик, уларнинг (ҳар) иккиси орасида донлар (экинлар) ўстирдик;

емишни камитмайди, ундан нарса (сув) оқиздик:

уларнинг (ҳар) иккиси орасида ариқлар (бор) эди; эгасига: У унинг билан суҳбатлашмоқда, деб айтди;

у мен сеникидан кўп чорвага, молга эгаман, сенга (нисбатан) менинг кўп гуруҳим (бор), (у) ўзига жафо қилувчи боғига кирди:

(у) абадий йўқ бўлиб кетса (мумкин), шубҳаланмайман, деб айтди: яна қиёматда оёққа турғизилишига ҳам шубҳаланмайман: агар

Тангрим ҳузурига юборилсам, мен у ерда эзгуроқ (бўламан), қайтишга розимисан, ундан эгаси сўради, яъни унинг билан улуғи суҳбатлашар эди:

(у) сени тупроқдан, томчи сувдан яратган. Яна сени бир одам сифатида камолга еткизган Тангридан тондингми, деди:

У Тангри бор, (ўзгаси) йўқ: яратувчи Тангримга бир кимсани шерик қилмасман; анчадан (сўнг) боғингга кирдинг, нега (бу ҳақда) сўзлашмадинг;

Тангри тиласа истаган нарса бўлур, куч Оллоҳ билан (бирга) десанг, бойлик, ўғил, қиз жиҳатидан сендан кам деб ўйласанг (топсанг),

Тангрим менга сенинг боғингдан кўра яхшироғини беради: унинг томонига бир азобни, яъни кўкдан ўт юборади, (у) яланг тупроқ бўлади ёки унинг суви сингиб кетади;

уни истаб тополмайсан, унинг меваси тевааракни қоплади, эрта турди, унинг устида икки кафтини айлантлар, унинг ичидаги тиргаклари, ёпиқлари тарқаб кетган, кошки мен Тангримга бир кимсани шерик қилмасам эди⁹:

ўзига кўмак берувчи бир гуруҳ топмади: унга Тангридан бошқа ёрдамчи йўқ эди;

Тангри ҳар нарсага қодир зот, у ярақлидир, яхши ишга эзгу жавоб (қайтарувчидир); уларга тирикликка оид (нарсалар ҳақида) масъала келтир: кўкдан сув (ёмғир) ёғдирдик;

ердан унга ўтлар унда қоришди; яна қуриди, уни еллар совуради; Тангри ҳар нарсага қодир:

нарса, қудрат, бойликлар, фарзандлар тирикликнинг энг яқин беағидир;

Тангри ҳузурида эзгу ишлар, яхшиликлар; яхши умидлар жавоби қолғусидир; у кун тоғларни юргизамиз, ерни яланғоч ҳолда кўради, уларни йиғамиз, улардан бирини қўймаймиз;

Саф (тортиб) Тангрига арз қилади: аввал сизларни қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда ҳузуримизга

келдингизлар;

балки (Қиёмат кунини) қилмагандир деб ўйлагандирсизлар. Сизларга у пайтда (сур) чалинади, номаи аъмол берилади, унинг ичида қўрқувчи гуноҳкорларни кўрасан; бизга қийинчилик деб айтадилар, у қандай нома экан;

катта-кичик гуноҳларни ҳам қолдирмайди, аммо уни санайди, нима қилган бўлса, (уни аниқлайдилар), Тангринг (ҳеч) бир кимсага жабр қилмайди,

қачон Тангримиз фаришталарга, буғдой тусли одамга юкининглар дегач, юкиндилар,

аммо раҳматдан ноумид жин-парилар (насли) шайтон эди, Тангри буйруғига риоя қилмади: бундан илгари сизларга ёв бўлган (уларнинг) ўғил-қизлари сизларни қўллайдими?

У золимлар учун ёвузлик, тансиқ (нарсалар) ҳозирламадим: уларни шаҳодатли қилмадим: кўкларни, ерни яратди ва яна жонликларни (шерикликда) яратмади; аммо йўлдан оздирувчиларга ёрдам бермасман;

у кун тасдиқловчи ўртоқларимни чақиринглар деб айтасизлар, уларни чорлайдилар, жавоб бермайдилар.

Уларга жавоб бермайдилар, улар орасида ҳалокат (кишисизлик) яратдик: гуноҳкорлар кўргайлар, шубҳасиз ёнадилар;

улар дўзахга тушишларини ўйлайдилар, ундан нажот тополмайдилар,

бу ўқийдигани ичида (Қуръонда) ҳар масалдан бердик: киши кўп нарсаларда баҳслашувчилардир, қачон уларга ҳақ йўл келганда, иймон келтиришда кишиларга тўсқинлик қилмади;

Тангридан мағфират сўрасалар, агар уларга аввалгиларнинг йўл-йўриғи келса ёки уларга азоб келса,

(у) севинтирувчи, мурсал¹⁰ Пайғамбарни кенгашиб юбормадик; қўрқувчилар эса баҳслашар эдилар:

улар ботил нарсалар билан тондилар, унинг билан ҳақиқатни йўққа чиқарса; улар оятларимга масҳара қилдилар;

унга кулганлар қўрқитилдилар, ўта золимларга у нарсадан панд берилди; Тангри оятларидан юз ўтгирди;

илгари қилмишларини икки қўллари билан унутдилар: чиндан ҳам кўнгилларида пардалар яратдик,

агар ўргансалар деб қулоқларини оғир қилдик; агар сен

уларни чақирсанг, шундай бўлса Ҳақ йўлга абадий юборилурлар: сенинг Тангринг кўп гуноҳни кечирувчи шафқатлидир.

Агар қилмишларига кўра уларни тутиб олса, уларни азобга солган бўлар эди, бироқ бу берилган муҳлатдир;

ундан бошқа тадбир (паноҳ) топа олмайдилар, улуслар зулм қилсалар йўқ қилдик;

ерда юқори (ҳалокат ёқасида) туришларини аниқ қилдик; Мусо Пайғамбар (хизматкор) йигитига

икки денгиз қўшилишига етгинча тебранмайман деган пайтини эслангиз¹¹: балки саксон (узоқ) йиллар ўтказарман, қачон

сувнинг қўшилишига етганда, балиқни унутдилар, у (балиқ) дарёга тушди.

Қачон бир уйни (сувни) кечиб ўтганда, Юшоъ (хизматкор)га тонгдаги ошимизни, яъни балиқни бергин деди: сафаримизда

бу қийинчиликни кўрдик, нима кўрмоқдасан деб сўради; қачон қоя тошга жойлашганимизда мен балиқни унутдим;

(У) унутдирмади, аммо шайтон, яъни иблис уни эсламасин (деб унутдирди);

денгиз ичида йўлга тушди: бу (биз) истаган нарса эди деди, уни излаб орқаларига қайтиб кетдилар.

Қулларимиздан бир қулни (яъни, Хизир пайғамбарни) топдилар: ҳузуримиздан унга марҳаматлар ато қилдик, унга илм ўргатдик,

Мусо Пайғамбар унга, яъни Хизирга: эй, сен бир инжудек ажойиб (нарса) юзасидан ўргатилдинг, сен менга ҳам ундан ҳақ учун ўргатсанг, деди.

Хизир Мусога: сен мен билан уйғунлаша олмайсан, сабр қилолмайсан деди: билдирилган хабарга риоя қилмадинг, қандай унга шубҳаланасан (сабр қиласан), мени (шундай) сезасан, менимча,

Тангри истаса сенга шубҳаланиб бир иш қилмайман деди: Хизир Пайғамбар: сен менинг билан борсанг, нарса ҳақида янги сўз сенга айтмагунча мендан сўрама деди; шунга кўра, аҳдлашиб бордилар:

қачон кема ичига кирганларидан сўнг Хизир пайғамбар ўтирди, кемани ўйди: Мусо пайғамбар: ўтирдингми? Уни сувга чўктирасан, одамларини (ҳалокатга) келтирдинг-ку, офир иш

(бўлди) деди.

Хизир: Айтмадимми? Сен Мусо мен билан сабр қилиб юра-олмайсан деди; Мусо:

Мени айблама, уни унутдим, менга, менинг ишимга қайсарлик билан дашном берма. Юришда давом этдилар, қачон Хизир Пайғамбар бир ўғил болани кўргач,

уни ўлдирди: Мусо бир жонли покиза зотни ўлдирдингми, истамаган нарсани қилдинг деб айтди. Хизир: сенга айтмадимми?

ё Мусо, мен билан сабр қилиб юролмайсан, деди. Мусо: агар мен сенга айтсам, бундан кейин менга қотишма, (яъни мен билан йўлдош бўлмагин), менинг ҳузуримдан бир узр этдинг-ку! Яна юришда (давом) этдилар.

Қачон бир улусга етганларида, таом сўрадилар, унинг аҳли уларни меҳмон қилишга кўнмадилар;

унинг ичида бир том (девор) топдилар, (уни) йиқитса ва тиклашни хоҳладилар: (у) агар сен тиласанг эди, унинг учун ҳақ олсанг бўлар эди, деди.

Хизир: менга сен билан айрилишга тўғри келди: ё Мусо, унинг йўриғини уқтирайинми? Унга сабр қилиб тушунмадинг. У кема бир фақир заифники эди,

дарё ичида хизмат қилар эди, уни шикастли қилсам деб истаган эдим: уларнинг қаршисида кейиндан бир олғир малик зўрлик билан ҳар бир кемани босиб олар эди; ўғил болаларнинг ота-онаси иймонли эдилар;

(у) улғайса, солиҳ кишиларга зўрлик, зулм, куфр келтирувчи бўлади деб қўрқдик, уларга Тангриси ижобат қилса, ундан ҳам покиза, яхшироғини, шафқатлироғини, меҳрибонини берса деб тиладик;

у том (девор) эса, икки отасиз ўғил боланики бўлиб, шаҳар ичида эди, унинг остида бир ганж бўлиб, у икковига қарашли эди;

оталари эзгу киши эди, Тангринг улар кучга тўлсалар, яъни улғайиб (хазинани) Парвардигор марҳамати билан чиқариб олсалар деб истади;

уни ўз фармоним билан қилмадим: бу ишга сабр қилиб, унинг сабабини англамадинг¹²,

ё Муҳаммад сендан икки қутб ҳукмрони (Зулқарнайн¹³) ҳақида сўрайдилар:

унинг ҳақида сизларга сўзлаб (ўқиб) бераман деб яна

айтгин: биз уни ер юзида ҳукмрон қилдик;

унга ҳар нарсадан бердик; бу сабабига кўра йўл юрди, йўл сабаби анчага қадар (узоққа) кунботишга етгач,

унинг (қуёшнинг) бир булоққа ботаётганини кўрди, яна унинг теварагида бир қавмни учратди: Эй Зулқарнайн, ё азоб берасанми ёки улар орасида эзгулик қиласанми деб сўрадик: яна ким зулм қилса, уни қайта қийнаймиз, яна Тангрисига жўнатилади;

қаттиқ азоб билан қийнайди: яна ким инонса, эзгулик қилса, унга яхшилик (кўрклик бўлади); яна ишимизда ўнғайлик (бўлсин деб);

яна йўл яроғини кўриб жўнади; қачон кунчиқишга етганда, уни (қуёшни) халқ устида чиқаётганини кўрди, уларга кундан сақланадиган бошқа парда қилмадик, шундай қилиб,

унинг ҳузурида инонганини ва хабардорлигини билдик, яна йўл яроғига (сабабга) кўра кетди. Қачон икки тоғ орасига етганда, улар иккисидан бошқа бир қавм учратдилар;

уқмаслар, тушунмаслар: эй икки гуруҳ ҳукмрони Яъжуж-Маъжуж ер юзида чиндан ҳам фасод қилувчидирлар, биз сенга ҳаражат қилиб берсак, биз ва улар орасига сад (тўсиқ) қилсанг (дедилар):

у Парвардигорим бу ишга қувват берса яхшироқдир деб айтди; куч-қудратда менга кўмак беринглар сизлар. Улар орасига бир девор (сад) қилайин, қачон икки тоғ ораси текисланса, менга темир бўлақларини келтиринглар,

қачон ўтга айланса дам уринг деди: менга эриган мис келтиринг, унинг устига қуяй деди: улар у (темир бўлақлари)ни (теша олмадилар) унга еллар билдирди, яна унга қарши тура олмадилар;

бу раҳмат Парвардигоримдан, қачон келса, Тангрим ўзи ваъда берди, у (тўсиқ)ни майда-майда қилиб ташлайди;

Тангримнинг ваъда бериши ҳақ эди; у куни баъзиси билан қоришадилар деб қолдирдик: сур чалинади, уларни йиғамиз, у куни дўзахни кўрсатиб кўрамиз;

уларнинг кўзлари пардали бўлганидан мени кўра олмас эдилар, шунга кўра, тонганларга (дўзахни) кўрсатмоқ (керак эди);

(улар) эшитишдан маҳрум эдилар; тонганлар мендан ўзга қулларимизга дўстлашиб сиғинганларида ўйлаб кўрмадилар,

биз кофирлар учун дўзахни макон қилиб ҳозирладик;
қилмишларига кўра хўрланишлари ҳақида сизларга
уқтирайликми деб айтгин: улар дунёвий ҳаётларида қилмиш
ишлари учун оздилар, йитдилар; улар эзгу ишлар қилмоқдамиз
деб ўйлайдиган кимсалардир.

Улар Тангри оятларидан тондилар, унга учрашиш
бўлмади дедилар,

уларнинг амалларини бекор қилиб, оёққа турғизмаймиз,
инобатга олмаймиз, турадиган куни уларнинг (тарозида)
жавоби дўзахдир;

Пайғамбаримдан кулиб, оятларимга ишонмадилар, (уни)
масхара қилдилар.

Чиндан ҳам иймон келтирганлар, эзгулик қилганларга
неъматли ҳар турли ўринлар бор, (улар) жаннатларда
(бўладилар),

унинг ичида мангу қоладилар, ундан кўчишни
истамаслар; агар дарё сиёҳ бўлса, Тангрим сўзлари тугамасдан
олдин денгиз суви битади;

Тангрим сўзларини қанча келтирсак ҳам унинг давоми
чексиздир; чиндан ҳам мен сизларга ўхшаш бир одамман деб
айтгин;

Тангрингиз биргина Тангри эканлиги ҳақида менга ваҳий
юборилур: яна кимда-ким Тангрига учрашишни умид қилса,

эзгу ишлар қилсин, Тангрисига қулик қилишда,
сигинишда (ҳеч кимни Унга) шерик қилмасин¹⁴.

Тангрининг дийдорини кўриш (инсонларга) муяссар
бўлади, яъни Тангри таоло у кун (қиёматда) дийдоримни
одамларга кўрсатаман, барча жаннат аҳли мўъминлар
дийдоримни кўрадилар, яна Пайғамбарлар юзини кўрадилар,
дўстлар бир-бирини кўрадилар: (буёғини) Тангри билади.

Бу сура Асҳабул Каҳф қиссаси, Зулқарнайн ва Базиргон
қиссаси ҳақида сўзлайди, шунингдек, Мусо Пайғамбар, Юшоъ
билан Хизир Пайғамбар тўғрисидаги қиссадир, иншааллоҳ,
Асҳабул Каҳф қиссаси тўла сўзланади: Юнон элида бир халқ
бор эди, бу элнинг номи

Ақсус эди, унинг малиги бўлиб, номи Дақенус эди, у
Зулқарнайндан кейин яшаб ўтган эди, Асҳобул Каҳф
кишилари Ақсус кенти (шаҳри)да Тангрига сигинар эди ва
ўзлари мусулмон эдилар, Тангри таоло уларни олийжаноб,
олийҳиммат деб атади, шундай ёрлиқашни буюрди¹⁵:

Буларнинг мусулмонлиги ҳақида шу элнинг маликига хабар бердилар, У (мамлакатнинг) подшоҳи ва халқи бутга чўқинар эдилар.

Дақёнус уларни ўз ҳузурига чақирди, сизлар кимга сифинасизлар, қандай динга ишонасизлар деб сўради, Тангри таоло уларнинг

кўнгилларига (бир фикр) солди, оёққа турдилар, ўз динларини сўзлаб бердилар, бизнинг динимиз мусулмонлик динидир, деб айтдилар;

барча нарсаларни яратган Тангрига сифинамиз, бошқа Худони билмаймиз, деб айтдилар; Тангри таоло шундай ёрлиқади:

улар мусулмонликларига иқрор бўлгач, Дақёнус малик уларни ўлдириш учун қасд қилди, қаттиқ қийноққа солишни истади,

у элнинг қозиси яширин мусулмон бўлган эди, у Дақёнус малиқдан улар ўлмасалар деб сўраб олди, булар мирзазодалардир,

уларнинг ота, онаси, ўғил, қизлари бор, буларни бу соатда ўлдириб бўлмайди, деб айтди, улар бу сўзларни тушунмовчиликдан гапирдилар,

бир неча кун буларга фурсат бериш керак, улар ўзларига келиб, бу сўзларидан яна қайтадилар, агар айтган сўзларидан қайтмасалар,

ундан кейин қийноққа солиш ихтиёри малиқдадир деб айтди.

Дақёнус малик Ҳаким сўзини инобатга олди, уларга уч кун муҳлат берди, улар олти кишидан иборат эдилар, бу олти киши тўпланиб қочиш (ҳақида) кенгашдилар.

У элдан қочиб, тоққа томон кетдилар, бир қўйчининг олдига бордилар, қўйчи улардан сизлар кимсизлар, қаерга борасизлар, деб сўради,

улар бизнинг динимиз бошқа деб айтдилар, бу элнинг динига сифинмаймиз, биз еру кўкни яратувчи Тангрига топинамиз; бутга, бутхонага бормаймиз,

энди Тангрининг хушнудлиги йўлида бормоқдамиз деб айтдилар, қўйчи менга нима маслаҳат берасизлар деб сўради, мен сизлар билан борсам,

сизларни (у) ерга бошлаб бораман, у ерни ҳеч ким билмайди, деб айтди: бу тоғ ичида бир унгур бор, унга ҳеч ким

кира олмайди, бизга бўрилар ҳужум қилса, қўйларни у ерда яширамиз деб айтди, улар маъқул деб айтдилар,

у қўйчи улар билан борди: у қўйчининг ити ҳам бор эди; ит ҳам бора бошлади, улар қўйчига бу итни қайтариб юбор деб айтдилар; қаерда бўлмасин, ит ҳуради, бизни топиб олишлари мумкин, деб айтдилар;

у итни қайтариш учун қанча ҳайдасалар ҳам, урсалар ҳам, у ит қайтмади, сўнг бир ёғочга боғлаб урдилар;

Тангри таоло қудрати билан у ит ажойиб тил билан сўзга кирди; (ит) сизлар иймон келтирган Тангрига мен ҳам ишонаман деб айтди, мени бу ерда қолдирманглар, элиб боринглар деб, ширин сўз билан айтди.

Сўнг (улар) ажабландилар, итни боғидан бўшатиб юбордилар; у ерга эргаштириб бордилар, (улар) унгурга томон юзланиб бордилар:

Тангри таоло уларни жўмард (олийжаноб) деб айтган эди, яна бир ерда уларни Асҳобул Каҳф деб аталди, Тангри шундай ёрлиқади... ..

Тангри таоло Иброҳим Пайғамбарни (жўмард деб) ёрлиқаган эди, иккинчи мард Асҳобул Каҳфни қайта ёд қилиб, (жўмард деб) ёрлиқади ...

Бу жўмардлар горга юзландилар, (улар) етти кишидан иборат эдилар, бундан ташқари бир ит булар билан бирга эди; (улардан) улуғларининг оти Маскина, иккинчисининг номи Махлиса, учинчисининг номи Шалиха эди,

тўртинчисининг Бат(а)рус, бешинчиси Йамлиҳа, олтинчиси Қорабош, еттинчиси Саро эди;

У итнинг оти Қитмир эди. Уламолар қайси ерда ўт тушса ёки Самарқандда, Бухорода ҳамда Мовароуннаҳрда ўт тушган бўлса, ўтни ўчира олмасалар, ожиз бўлсалар

Асҳобул Каҳф одамларининг номларини мансурий¹⁶ қоғозига ёзиб ўтга ташласалар,

Тангри қудрати билан ўт ўчади деб айтганлар, бу номларни ёзиб ўтга ташланиши, кейин эзгу ишлар қилишлари битилган, Асҳобул Каҳф одамлари унгурга бориб унга кирдилар, у (ит) ҳам кирди.

Улар ўтирдилар, ит ётиб, олдинги оёғини йиғди, бошини оёғига (қўлига) қўйди.

Тангри итлар одатига кўра, у итнинг ётиш сифатини акс эттириб ёрлиқади, уларнинг қочганлигини малик Дақёнус

эртаси билди: қочганларни қидирдилар, аммо топмадилар, улар унгур ичида ётиб ухладилар,

Тангри таоло уларнинг жонини келтиришни буюрди: улар роса уч юз йил унгур ичида қолдилар, Тангри таоло ҳар куни бир фариштани

уларни кузатиш учун юборди, уларни бир ёндан иккинчи ёнига ағдарар эди; яна Тангри таоло шундай буюрди: ...

Ҳар куни қуёш чиққанида у унгурга ўнг томондаги тешиқдан кун (ёғдуси) тушар эди, кун ботганда сўл томондаги тешиқдан (ёриқлик) тушар эди; Тангри таоло шундай ёрлиқади:

Тангри қудрати билан уч юз йил шу йўсинда ... у унгурда қолдилар: Дақёнус кофир бўлди: у мамлакатнинг (хукмронлиги) юнонлилардан румлиларнинг қўлига ўтган эди:

Рум тарсоларидан бир тарсо келиб ерда мамлакатга подшоҳлик қилди; Тангри таоло уларнинг жонларини қайтариб ёрлиқади, қайта тирилдилар,

бир кун бу унгур ичида яшаб турмоқдамиз деб ўйладилар; Тангри таоло шундай ёрлиқади, улар Дақёнусдан қўрқар эдилар, қоринлари очган эди,

биздан бир киши пул билан бориб ейдиган озиқ-овқат олиб келсин дедилар, бу ишга Йамлиҳани танладилар:

уни юбордилар ва (унга), Эй Йамлиҳа, сен ҳушёр бўлиб боргин, кофирлар сени билиб қолмасинлар, деб айтдилар;

Тангри таоло шундай ёрлиқади агар билиб қолсалар, сени тош билан уриб ўлдирадилар ёки сени улар ўзлари каби кофирликка қайтарадилар,

Иккиланчи, сира улардан қутила олмассизлар деб айтдилар, улар Йамлиҳага оқча бериб уни ёлғиз Ақсус шаҳрига юбордилар; у қанча йўл юрса ҳам таниш-билиш учрамади, у (юртнинг) одамлари бутунлай бошқача бўлиб қолганлар.

Бу элнинг уйлари, ҳовлилари турли-туман бўлиб қолган, Йамлиҳа Дақёнус малиқдан қўрқар эди, у элнинг беги бошқа киши бўлган эди, Дақёнус эса ўлган эди,

у шаҳар қопқасидан киргач, илгариги кишиларни кўрмади, ўтмакчи (нонвой) дўконига борди (оқчани) нонвойга берди: ўтмакчи у пулга қаради ва оқчада Дақёнус оти ёзилганлигини кўрди, нонвой Йамлиҳани ушлади,

сен (қандай) кишисан, кимнинг ўғлисан, қаерлик бўласан

деб сўради, бу пулни қаердан топдинг, сен хазина топиб олгансан, деб сўради. Йамлиҳа бир қанча кишилармиз, бу элдан чиқиб кетганмиз деб айтди, ўтмакчи (нонвой) бу Дақёнус малик ёрмоғидир, унинг ўтганига икки, уч юз йил(дан) ортиқроқ бўлгандир деб айтди,

Йамлиҳа бу кунга қадар ётган ва ухлаган эдик деб айтди, эл-халқ тўпланди, Йамлиҳа хабарини у подшоҳга олиб бордилар, у элнинг беги эди, бир киши бизга келиб шундай-шундай гапларни сўзлади, деб айтдилар,

Йамлиҳани келтиришга буюрди, уларнинг қиссаси сўзланди: Йамлиҳа биз етти киши эдик, Дақёнусдан қочдик, бир кеча-кундуз унгурда ётдик, ухладик, бугун турганимизда шерикларим ош-нон олиб келишга юбордилар,

бу пулни олиб келган эдик деб айтди: малик бу юртда уйингни биласанми, деб сўради, у биламан, деб жавоб берди; менинг у ерда хотиним, ўғлим, қизим бор деб айтди,

малик уч-тўрт кишини у билан бирга унинг уйига олиб боринглар деб айтди, Йамлиҳа уйига етказ, эшикни қоқди, у уйнинг эгаси чиқди,

Йамлиҳа унга отинг ва отангнинг оти нима деб сўради, уй эгаси тўртинчи улуғ отам оти Йамлиҳа эди, деб жавоб ерди, Йамлиҳа:

улуғ отанг Йамлиҳа мен бўламан деб айтди, одамлар ажабланиб, ҳайрон бўлдилар, у вақтда бу мамлакатнинг барча халқи Исо Пайғамбар динида эдилар, Асҳабул Қаҳф қиссасини Инжилда ўқиган эдилар ва

Асҳабул Қаҳф кишилари дунёга чиқиб, тезликда яна йўқ бўладилар, деб айтилган, у пайтдаги малик китобхон эди, малик Инжилда зикр этилган Асҳабул Қаҳф (кишилари) булар эканлигини билди:

малик қўзғалиб, анча одамлари билан Йамлиҳани бошлаб, уларни кўриш учун унгурга бордилар, унгурга яқин борганларида, Йамлиҳа: сизлар шундай йиғилиб бормоқдасизлар, менинг ўртоқларим

Дақёнус келди, деб ўйлашади, қўрқишлари мумкин деб айтди. Сизлар менинг орқамдан секинроқ юриб боринглар, мен ёлғиз бориб, бу қиссаларни уларга айтайин, ундан кейин сизлар боринглар деб айтди, улар қўрқмасин деб малик кишилари билан кейинда қолдилар.

Йамлиҳа уларнинг олдига бориб ётибмиз, биз бу ерда уч юз йил ортиқроқ, бу ерда Дақёнус ўлибди, ундан кейин бошқа киши ўрнашган, султон ҳам бошқа бўлган.

Барча (нарсалар) ўзгача бўлган, биз кўрган кишилардан бирор кимса қолмаган, барча ўлган: уч-тўрт орқа (авлод) ўғил, қизлар қолган, элнинг барчаси орқамдан келдилар, сизларни кўргани келдилар деб айтди: улар қайғуга тушдилар,

кўзларини кўкка тикдилар, Тангрига ёлбордилар: ҳар ишга қодирсан, бизнинг жонимизни олдинг, қайта тирилтирдинг, уч юз йилдан сўнг жонимизни қайтариб бердинг,

энди фазлинг, раҳматинг билан жонимизни ол, бизни расво қилмагин, деб ўтиндилар, Тангри таоло ул соатда уларнинг жонини олди, у малик анча ғазабланиб, у унгурнинг эшигига (оғзига) етдилар,

киришга йўл топа олмадилар, йироқдан боқар эдилар, уларни кўрар эдилар, барча тешиқлардан назар ташлар эдилар.

У бир ёриқдан боқувчиларга ит билан учта кўринди, учтадир бири ит, тўртинчидир,

деб айтдилар, бир қанчалари беш (киши) ва олтинчиси ит деб айтдилар, баъзилари еттита, итлари саккизинчи деб айтдилар:

ихтилоф чиқди. Тангри таоло шундай ёрлиқади....

У ғор оғзига келган кишилар икки гуруҳ эдилар, бири Исо ялавоч¹⁷ дини бўйича мусулмон эдилар, яна бир гуруҳи кофир эдилар, Дақёнус кишилари эди, Асҳабул Қаҳф кишиларини ўлганини билдилар.

У унгур оғзини сувадилар, у юнонлилар гуруҳи кофир эдилар, булар бизнинг одамларимиз, биздан

қочдилар, у гуруҳлар Исо Пайғамбар динида эдилар, булар бизнинг динимиз бўйича Тангрига сиғинувчи эдилар деб айтдилар;

бу икки гуруҳ сўзларида тортишиб қолдилар, масъала урушишга олиб келди, урушдилар, кўп кишилар ўлди, кўп қонлар тўкилди.

Исо ялавоч динидаги кишилар енгиб чиқдилар, унгур оғзини улар беркитдилар, у ерда бир ибодатхона қурдилар, сарой (меҳмонхона) қурдилар;

бир кимсанинг ҳожати бўлса, у ерга бориб, ибодат қилур эдилар, ҳожат сўрар эдилар, ўша соатда кишиларнинг

хожатлари раво бўлур эди, бир қанча (кишилар): булар Исо ялавоч тарафдорларига содиқ (мухлис) эдилар.

Бир киши у ерга тушиб, бир қанча яшаган, у ердаги кишилар ундан ажойиб (нарсаларни) кўрганлар, бу олти киши улуғ одамлар эди.

Исо ялавоч йўлидан юрганлар, мусулмон бўлганлар, Инжил ўқиганлар, Тангри таолога иймон келтирганлар, ундан кейин Дақёнус малиқдан қочганлар,

унгурга кирганлар, у ерда қолганлар, қиёматгача чиқмайдилар деб айтилган, Асҳабул Каҳф қиссасини зикр қилдик¹⁸.

Тангри таоло ялавочига ёрлиқ келди... Мусо қиссасида Хизир Пайғамбар саловатуллаҳу алайҳум «Мусо Пайғамбар Юшоъга мен у ерга: икки дарё (денгиз) қўшилишига етмагунча, қанча кўп вақт кетса ҳам қайтмасман» деди:

бу оятнинг маънисини ҳақида Тангри таоло ёд қилиб ёрлиқади...

У вақтда Тангри таоло Мусо ялавочни Тур тоғига қақриб, бевосита буйруқ қилди (ёрлиқади): Мусо Пайғамбар кечирим сўради, ёлворди,

Илоҳа ер юзидан мендан олимроқ бир кимсанг борми деб сўради: ё Мусо менинг бир қулим бор, Хизир номлидир, сендан олимроқдир, деб жавоб берди:

(Мусо) мени унинг ҳузурига элтгин деб ўтинди: ёрлиқ келди: ё Мусо унинг турадиган ери икки дарё (денгиз) орасидадир деб айтди;

Мусо ялавоч: мен у икки дарё (денгиз) орасига етмагунча қайтмайман деб айтди, ундан илм ўрганайин деб Хизир Пайғамбар ҳузурига бораин деди.

Бу иш содир бўлган пайтда барча Бани Исроил қавми Мисрда ўрнашган эдилар, Мусо Пайғамбар Хизир Пайғамбар олдига боришни қасд қилди;

Хизир ялавоч у ерда: икки дарё (денгиз) ўртасида туришини Тангри таоло буюрган эди, Хизирнинг пайғамбарлиги ҳақида ихтилоф бор,

баъзилар Хизир Пайғамбар деб айтганлар, айримлар Хизир Пайғамбар эмас деб айтганлар, Тангри таоло шундай ёрлиқади: ...

бу раҳматдан тилак (умидворлик)дир, Тангри таоло ёрлигини кўрмадингми деб ёрлиқади,

Зухруф сурасида ёрлиқади¹⁹. ... Бу яна раҳматдан тилак, пайғамбарлиқдир: баъзилар Пайғамбар эмас эди, лекин яхши (киши)лардан эди деб айтганлар; унга илм берган эди, деб айтганлар.

Шунинг учун Хизир аталди, қуруқ тош устида ўтирса, унинг жуда кучли бўлгани учун қуруқ тош устида кўк ўт яшнар эди, баъзилар у Пайғамбар эди,

унинг оти Алайасаъ эди, деб айтганлар; Тангри таоло ёрлиқади ва Исмоил ва Алайасаъ бу Хизир ялавочдир, деб айтди.

Тангри таолонинг икки яхши қули бор: бирининг оти Хизир, яна бирининг номи Илёсдир; Тангри таоло уларга қиёматга қадар яшашни насиб қилгандир.

Исрофил бурғуни (сурни) чалганда, дунё халқининг барчаси ўлади, у вақтда улар ҳам ўлади; Тангри таоло дарёларга (денгизларга) мутасадди қилди;

кимда ким дарёларда ғарқ бўлиб, ажали — кун битмаган бўлса, Хизир ўзини кўрсатиб, ғарқ бўлган (чўккан) кишини қутқаради,

ободонликка чиқаради; йўловчиларнинг ажали етган бўлса, сувда чўкиб ўлса, Хизир уни ювиб, жаноза намозини ўқиб, қаерга бўлмасин кўмади.

Тангри таоло Илёсни биёбонларга мутасадди қилди; кимса биёбонда йўлдан озса (адашса) уни йўлга солади, агар кимса биёбонда ўлса, Илёс уни ювар,

унга жаноза намозини ўқийди ва уни кўмади, агар кимсани топмасалар бу иккиси яшаб турадилар, булар қиёматга қадар тирик яшайдилар, ҳар йили ҳаж пайти бўлса бориб, ҳаж қиладилар,

Каъба хонасини тавоф қиладилар: ҳеч ким уларни билмайди, ҳеч кимга ўзларини кўрсатмайди; кўнгиллари тортган кишиларга ўзларини кўрсатади, ҳар иккиси энг эзгу ва покизалардан бўлиб,

кеча-кундуз мўъминлар ҳақиға дуо қиладилар, муслмонлар (гуноҳини) Тангри таолодан тиладилар: бундан ташқари яна иккиси яна Пайғамбардир ва ҳар иккиси мурсал — тирик, ўлмайдилар,

яна кеча-кундуз мўъминларга яхши дуолар қиладилар, мўъминларнинг гуноҳини Тангри таолодан ёлвориб кечиришини тилайдилар, бири жуҳудлар ўлдиришга қасд

қилган Исо бинни Марямдир²⁰:

Тангри таоло Исо ялавочнинг қулини жуҳудларнинг улуғига берди, Исога ўхшаш эди, Исони кўкга чиқарди, жуҳудлар Исонинг қулини Исо деб ўйлаб,

дор тикиб дорга осдилар, Исо Пайғамбар шу кунларда тўртинчи қават кўкдадир. Қачон замони охир бўлса, Исо ялавоч ерга туширилади,

бу дунёни босувчи Яъжуж-Маъжужни ва Дажжолни бу дунёдан ҳайдайди, бу дунё халқларини уларнинг балосидан қутқаради;

иккинчи Идрис пайғамбар тирик бўлиб, у эса жаннатдадир. Идрис ялавоч овозидан барча халойиқнинг тоати кўкка қанча юқориласа,

Идрис Пайғамбарнинг ўзи шунчалик юқорилар эди. Идрис Пайғамбар янада Тангрига ортиқроқ тоат-ибодат қилганлигидан унга кўкдаги фаришталарнинг раҳми келар эди: Малакул мавт Идрис Пайғамбар билан дўст бўлгиси келди,

бирор-бирорда, Малакул мавт (Азроил) Идрис ялавочга ҳожатинг бор бўлса сўрагил, уни мен бажарай деб айтар эди.

Идрис Малакул мавтга сен кўкка кўтарилганинда, мени ҳам элтиб борсанг, кўкдаги ажойиботларни кўрсам деб айтди, Азроил ўзи билан Идрисни кўкка олиб чиққан,

у кўкдаги кун, ой, юлдуз ва бошқа юрар, юрмас нарсаларнинг барчасини кўрди ва билди: ерга тушганда, нужум илмини одамларга ўргатди,

юлдуз илмини кишилар ундан ўрганди, Нуҳ ялавоч даврида тўфон юз бергач, юлдуз илмини билувчи кишилар ва уларнинг китоблари сувга ғарқ бўлди,

у давр кишиларидан, китобларидан ҳеч нарса қолмади, шу кунларда одамлар қўлидаги юлдузлар илми ҳақидаги китоблар тўғри эмас, бироз вақт ўтгач,

Идрис ялавоч Малакул мавтдан ҳожатини чиқаришни сўради, менга жаннат ва дўзахни кўрсатсанг, деб илтимос қилди, Малакул мавт раво бўлади, деб жавоб берди.

Азроил Тангридан руҳсат сўрайин деб айтди ва ижозат олгач, Идрис ялавочни кўкка чиқарди, олдин тамуғга олиб борибди, дўзахни барча азоб-қийноқларини унга кўрсатди, ундан кейин учмохга элтиб борди:

Азроил Идрис билан бирга жаннатга кирдилар, айланиб

кўрдилар; Идрис учмохнинг ўртасига боргач, ўтирди: Азроил тургин, (жаннатдан) чиққин деб неча бор айтса,

сен ҳеч кимсани учмохга кириб қайтиб чиққанини кўрдингми деб жавоб берди;

жаннат ваъдаси мангуликдир, Идрис учмохда касал бўлгани ҳақида Ризвонга хабар берилди, Ризвон Идрис ялавочни жаннатдан чиқаришга уринди;

Ризвон (Идрисни) қолдир, унга аралашма, учмох ичида қолсин деган ваҳий келди: (Идрис) учмох ичида қолди: Тангри таоло ёрлиғи билан бу оятни ёрлиқади:

Мусо ялавоч билан Хизир ялавоч тўғрисида зикр этдик²¹; Мусо ялавоч Юшоъ²²га озиқ олиб келгин, Мажмаъул баҳрайн²³га борамиз деб айтди,

Тангри таолонинг яхши қулини топамиз, ундан илм ўрганамиз, Юшоъ бир замбил келтирди, бир улкан балиқ келтирди ва уни қовурди, занбилга солди,

иккаласи бора бошлади, Мажмаъул баҳраинга етдилар, у ерда икки дарё оқар эди, бири Арун томондан, яна бири Фаластин томондан (оқиб келар эди),

бу икки дарё у ерда бирга қўшилиб оқар эди, дарё қўшилишига етганда, жуда чарчадилар, ўтирдилар.

Мусо ялавоч уйқуга тушди, у қовурилган балиқни чиқариб, дарё қирғоғига қўйдилар, у ер ҳаёт йўли эди, деб айтадилар.

Бир томчи сув қовурилган балиққа томди, Тангри таоло қудрати билан у балиқ тирилди, дарёга тушиб кетди, дарё суви у томондан тўпланди, балиқ сув ичида кета бошлади.

Иккаласи унинг орқасидан бора бошладилар, сўнгра чарчаганликларидан балиқни унутдилар, Тангри таоло шундай ёрлиқади:

яна бир қанча ерга бордилар, сўнг дарё қирғоғига етганда, Мусо ялавочнинг қорни очқади, Юшоъга эрталабки ошимизни келтиргин, чарчадик, очқадик, таом ейлик деб айтди: Юшоъ жавоб берди:

Юшоъ Мусо ялавоч овқат сўрагач, балиқ воқеасини анчадан кейин айтишни эслади ва, ё Мусо,

Худонинг сўзи ҳаққи, кўрдингизми, у тошга етганимизда, у балиқ у ерда тирилди, сув ўртасига кириб кетди, мен сизга айтишни унутибман деб айтди:

у вақтда Мусо ялавоч Хизирга (учраши) ҳақидаги

мурожаат сўзи эсига тушгач, Мусо ялавоч Тангрига илоҳо, мени Хизир ҳузурига бошлагин деб ёлворди,

Тангри таоло ёрлиқади, сенинг ейдиган ошинг сени Хизир ҳузурига бошлаб боради деб ёрлиқади: Юшоъ балиқ тирилганини айтгач,

Мусо ялавочга (Тангрининг) ёрлиғи эсига тушди, у тошга қайтиб келди, у ёрлиқ маъниси: Тангри таоло сенинг ейдиган ошинг сени Хизир ҳузурига элтиб боради деб айтган ёрлиғидир.

У Юшоъга бизнинг тилагимиз ўша эди, яна келган йўлларига қайтдилар;

сўзлашиб у ухлаган тош ёнига етдилар, у тош устида ўт кўкарган эди, сабаби: Хизир ялавоч у тош устида намоз ўқиган эди, ҳеч кимсани топмадилар,

дарё ичида у балиқни кўрдилар, дарё ичида балиқ изидан қуруқ йўл белгисини кўрдилар, Мусо ялавоч, Юшоъ балиқ орқасидан дарё (ичига) кирдилар,

у балиқ қанча ерга борган бўлса, унинг орқасидан қуруқ йўл пайдо бўла борди, Мусо ялавоч Юшоъ билан бирга (балиқ) изидан қуруқ ерда бордилар,

бир оролга келдилар, Хизир ялавочни кўрдилар, оёғида тикка турган экан, намоз ўқимоқда экан, намозни тутатгач, Мусо ялавоч салом берди,

ассалому алайка ё абдуллаҳус солиҳ. Хизир ялавоч эса алайкум ассалом тафсир ё набиййу бани Исроилнинг ялавочи²⁴ деб айтди, Мусо: Мен Исроилнинг ялавочи эканимни сенга ким айтди деб сўради,

Хизир ялавоч сени менга йўллаган деди; Мусо Хизирга мен сенинг орқангдан борайин, сенга шогирд бўлайин, сенга берган илмдан менга ҳам ўргатгин, деб сўзлади,

Хизир ялавоч Мусога айтди, Хизир Мусога сен мен билан юра олмайсан, мен нима иш қилсам, сен уни билмайсан, сўнг сабр қила олмайсан деб айтди:

Мусо ялавоч Хизирга сен мени сабр қилганлардан ҳисоблагин, (у) агар Тангри истамаса, сенга ҳеч қандай ишни кўрсата олмайман. Хизир билан бирга бордилар,

Юшоъ Мусо билан учаласи бирга эди, Мусога ҳужжат (далил) кўрсатди; бирга бормоқда эдилар, бир кема қарши келди, улар кемага муҳтож эмас эдилар,

Мусони синаш учун учаласи кема олдига келдилар, биз

гариблармиз, бизни кемага киритинглар деб айтдилар, (кемага) кирдилар, кема янги эди,

Хизир ўтирган ўриннинг икки еридан кемани тешди, ўтирди, бу оят маънисидир, ёрлиқади, Хизир у кемани тешди, кемага сув кирди,

Хизир у кемани қайта ямади, тешигини беркитди, Мусо бу кемани тешдинг, одамлари чўкиб кетади, ёмон иш қилдинг деб айтди, Хизир ё Мусо, айтдим-ку,

сен мен билан сабр қила олмайсан деб айтди, яна Мусо ялавоч: ё Хизир мен унутдим, кечиргин деб айтди. Яна бир қанча йўл юрдилар, бир улусга етиб келдилар,

у юртнинг кираверишида тўхтадилар, у улуснинг ўғлонлари шаҳар ташқарисига чиққан эдилар, ўйнар эдилар,

Хизир ўғил болалар олдига борди, бу ўғлонлар орасидан бир ўғил болани ушлаб тош билан бошига урди, у бола ўлди, Мусо ялавоч Хизирга ёзиқсиз норасида²⁵ни ўлдирдинг,

ёмон иш қилдинг деб айтди, Хизир Мусога айтди: айтмадимми, сен менинг билан сабр қилиб юра олмайсан деб айтди,

Мусо Хизирга бундан кейин бир нарса айтсам, сен ўзингга шерик қилмагин, менинг учун кечиримли бўласан.

Яна анча ерга бордилар, дарё қирғоғи бўйлаб бир улусга бордилар, у ерлик кишиларидан таом сўрадилар,

у кишилар нарса бермадилар, у улусдан қайтиб чиқдилар, у ташқарисида бир том бор эди, йиқилгудек эгилиб турар эди, Хизир ялавоч у томни ёнига келди, у томни тузатди,

Мусо ялавоч Хизирга бу ердаги кишилар бизга нарса бермадилар, сен уларнинг томини тузатдинг, агар том тузатганинг учун улардан ҳақ сўрасанг, (нарса) олар эдинг деб айтди.

Бу оятнинг маънисидир: (Тангри) ёрлиқади, Хизир ялавоч Мусо ялавочга: мен ва сен айрилишимиз керак деб айтди, энди сенга айтиб берайин,

сен менинг қилган ишларимга индамасдан сабр қилиб турмадинг ва айтиб беринг деб қўймадинг.

Хизир ялавоч айтди: у кемага ўтиришимнинг сабаби: у кема камбағалларга қарашли эди, улар дарё ичида тирикчилик қилар эдилар, ўзларини боқар эдилар.

Бир малик бор эди, кемаларни зўрлик билан босиб олар эди, мен кеманинг камчилиги бўлса, у султон кемани тортиб

олишдан қайтади деб, ўйлаб қилдим.

Хизир пайғамбар Мусо пайғамбарга у норасидани ўлдиргани сабаби:

У улғайса ўғри, бузуқ, безорилик, ярамас ишлар билан шуғулланади; ота-онаси яхши кишилардан эди, (улар) дуо қилар эди,

Тангри таоло уларнинг дуосини мустажоб қилди, мен шунинг учун уни ўлдирдим, Тангри таоло уларга яхши ўғил бергай, деб айтди,

Хизир ялавоч Мусога айтди: у том икки норасида ўғлонга қарашли; у том остида уларнинг қизланчу (ганжлари) бор эди,

Тангри таоло у хазинани уларга етказишимни, улар ўз қўллари билан қизланчунини олсинлар деб талаб қилди, оталари яхши кишилар эди,

деб Хизир жавоб берди, у ишларнинг сабаби бу эди, сен сабр қила билмадинг деб айтди, Хизир ялавоч дарҳол Мусо ялавоч кўзидин ғойиб бўлди.

Мусо ялавоч қанча уринмасин (Хизирни) топа олмади²⁶...

Абу Язид (Боязид) Бистомий
(ваф. 875)

Тўла номи Абу Язид Тайфур ибн Исо ибн Сурушман ал-Бистомий Акбар бўлиб, тасаввуфнинг илмий (Қуръоний) асосланишида, Фано ва тариқат тушунчалари талқинида унинг таълимоти эътиборли.

Боязид Бистомий номи билан «Шатхийят» (луғавий маъноси «соҳилга чиқиш») китоби боғланади, унда жазба ҳолатидаги ниго, муножот ва мулоқотлар жамланган. Боязид Бистомийнинг покланиш йўли (тариқи) барча сўфийлар томонидан баравар маъқул деб қабул қилинмаган, шунинг учун уни тавҳид, яъни ягоналикка даъво қилишликда айблашган ва «кофир» деб эълон қилишган.

«Илоҳий мулоқот» номи билан машҳур асари «Шатхийят» таркибига кирган бўлиб, самовий мажлисларда эҳтирос билан ўқилган. Тавсия қилинаётган матн турк олими Эрол Гунгўрнинг «Ислом тасаввуфи масалалари» китобига илова қилинган (Истанбул, 1993). Ўзбек тилида илк бора эълон қилинган.

«ИЛОҲИЙ МУЛОҚОТ»дан

Тангрига жуда яқиндан назар ташладим, кейин мени Ўзидан бошқа ҳар нарсадан қайтарди ва мени нури билан ойдинлатди. Ўзи сирларидан менга фавқулодда нарсаларни кўрсатди. Менга Ўз борлигини ҳам намойиш этди ва мен ўзимни Унинг борлиғи-ла бўлган айният¹ига назар ташладим. Менинг нурымни Ўз нури ичида йўқотди; менинг шон-шуҳратим Унинг шон-шуҳрати ичида, менинг қудратим Унинг қудрати ичида эриб кетди². Ўзимни Унинг ўзлиги билан ўхшаш эканлигимни, шон-шуҳратимнинг У ила бир бўлганлигини, юксаклигимнинг Унинг юксаклиғи-ла айнанлигини кўрдим. Кейин Унга илоҳий назар ташладим ва «Бу кимдир?» дедим. «Бу на Менман, на Мендан бошқаси; Мендан бошқа Илоҳ йўқ», — деди. Сўнгра менинг ўзлигимни У Ўзлигига айлантирди; менга ўз шахсиятимни унинг Ўзлиги ичида йўқоттирди, ўз шахсиятини менга ягона ҳолда кўрсатди. Сўнгра Унга Унинг ўзлиғи-ла назар ташладим. Ҳаққа Ҳақ ила боққан вақтимда Ҳақни Ҳақ-ла кўрдим ва ўшанда Ҳақда Ҳақ билан бирга бўлдим.

На нафас, на тил, на қулоқ, на бошқа бир нарса бор эди. Ўша онда Тангри ўз билимидан менга илм ва ўз лутфидан менга тил, ўз нуридан менга кўз берди. Ўша замон Унга Унинг нури-ла боқдим ҳамда Уни ўз илми билан кўрдим, унинг лутфининг тили-ла Ўзи ила кўришдим. «Сенинг-ла менинг ҳолим қандайдир?» дедим. Менга «Мен сенинг-ла сенман. Сендан бошқа Оллоҳ йўқ», деди. «Мени мен-ла йўлдан чиқарма, мен Сенсиз Сенинг ўрнингга ўзимни истамайман: мендан бошқа Сенинг ўрнингга Сени истамайман», дедим. Ўша вақт менга менинг ўрнимга Уни берди ва У билан ўз ўрнимга У воситаси ила кўришдим. Дедимки, «Эй менинг муродим, Сенинг қўлингга Сендан келган нима бор?» Менга деди: «Амримга ва таъқиқимга мос бўл!» Дедим: «Сенинг амр ва таъқиқингга нима бор?» Деди: «Амримга ва таъқиқимга ҳурматинг сабабли мақтовим, менинг амримдан бажарганларинг учун сенга ташаққурум, менинг таъқиқимдан қочганинг учун севгим бор». Дедим: «Агар муташаққир бўлсанг, бу ташаққурингни ўзингга айт, аммо агар айбласанг, эй менинг муродим, эй изтиробимдаги умидим, қашшоқликдаги иложим, сени айблашга лойиқ эмас.

Амр берган Сенсан, амр берилган ҳам Сен. Сендан бошқа Тангри йўқ».

Сўнгра менга қарши жим турди: билдимки, бу жимлиги Унинг мамнуниятига ишора эди. Деди: «Сенга ким билдирди?» Дедим: «Сўраган сўрамагандан жуда яхши билар. Жавоб берган Сенсан, Савол сўраган ҳам Сен. Сендан бошқа Тангри йўқ».

Тангрининг менга Ўзи билан қилган исботи бунда тугади ва мен Ундан У билан жуда хушнуд бўлдим. У ҳам мендан Ўзи билан мамнун қолди; чунки мен Унинг-ла бор эдим. У — У эди ва Ундан бошқа Тангри йўқ эди. Сўнгра мени зотининг нури ила ойдинлатди ва мен Унга илоҳий файз ва барокат назари ила боқдим. Менга дедики: «Менинг саховатимдан нима истасанг, сенга берайин». Дедим: «Сен файзингдан ҳам файзлисан. Сен сахийлигингдан ҳам сахийроқсан. Мен Сенда Сен-ла хушнудман ва сўнгида Сенга келдим. Менга Сендан бошқасини берма ва мени Сендан узоқлаштирма. Мени лутф ва караминг-ла, сахийлигинг-ла алдама. Зеро, карам фақат Сендандир ва яна Сенга қайтар. Қайтарган Сенсан, қайтарилган ҳам Сен. Излаган Сенсан, изланган-да Сен. Орзу Сендан тутагандир, талаб Сенинг-ла Сенда тутагандир».

Сўнгра бир он менга жавоб бермади. Аммо ниҳоят гапирди ва шундай деди: «Ҳақдир гапирганинг, Ҳақдир эшитганинг, Ҳақдир кўрганинг, Ҳақдир тасдиқ этганинг». Дедим: «Ҳа, шундай, Сен Ҳақсан ва Ҳақ Ҳақ-ла кўрингандир; Сен Ҳақсан, Ҳақ Ҳақ-ла тасдиқ этилгандир. Сен эшитгансан, эшитмоқни берган ҳам Сен. Сен Ҳақсан, Ҳақни амалга оширувчи ҳам Сен. Сендан бошқа Тангри йўқ». Деди: «Сен Ҳақдан бошқа бир нарса эмассан, сўйлаганинг-да Ҳақдир». Дедим: «Амалнинг тўғриси, Сен Ҳақсан ва Сенинг сўйлаганларинг Ҳақдир ва Сенинг-ла Ҳақ Ҳақдир. Сен Сенсан, Сендан бошқа Тангри йўқ». Кейин менга деди: «Сен нимасан?» Дедики: «Мен Ҳақман». Дедим: «Мен Сенинг биланман». Деди: «Агар сен менинг-ла бўлсанг, у ҳолда Мен сенман, сен-да Менсан». Дедим: «Мени Сенинг ўрнингга... Сен билан Сендаман. Йўқ, йўқ. Албатта, Сен Сенсан. Сендан бошқа Тангри йўқ».

Ва мен Ҳаққа етишганим ва Ҳақ-ла Ҳақнинг ёнида турган вақтимда менга шараф қанотини берди. Қанотим-ла учдим, аммо Унинг мушарраф ва буюклигининг охирига бора олмадим. Унга товуш чиқардим ва Унга қарши Унинг ёрдамига ёлвордим, чунки унга қарши Ундан бошқа бир кучим йўқ эди. Мени зийнатлар-ла беади, бошимнинг устига ўз сахийлигининг тожини қўндириб мени тожлантирди. Мени Ўз ягоналигида ягона, Ўз бирлигида бир қилди. Мени ўз сифатларим билан хослантирдики, ҳеч кимса у сифатларга ошно эмас. Кейин шундай деди: «Менинг тоқлигимда тоқ, ягоналигимда ягона бўл. Менинг сахийлигимда тожланган бошингни юқори кўтар ва менинг инончим-ла инончли, менинг буюклигим ила юксак бўл. Яратганларимизга менинг сифатларим-ла боқки, сенинг ўзлигингда Ўз шахсиятимни кўра билайин. Ким сени кўрса Мени кўради, ким сени изласа Мени излайди, эй менинг ер юзидаги нуриим, кўк юзидаги зийнатим...» Аммо мен унга шундай дедим: «Сен менинг кўзимда менинг нигоҳим, менинг жаҳлимда менинг илмимсан. Ўз нуриинг бўлки, Ўзинг-ла кўрина билгин. Сендан бошқа Тангри йўқ».

Сўнгра хушнудлик тили-ла менга жавоб берди, дедим: «Қандай яхши биласан-а, эй қулим». Дедим: «Билган Сенсан, билинган-да Сен. Тоқ қилган Сенсан, тоқ бўлган Сен. Тоқлигингда тоқ бўл, ягоналигингда ягона. Сени ташлаб, Сен била машғул этма мени».

Тангрининг менга Ўзи тоқлигида Ўзини билдириши ва ягоналиги-ла ягоналигини кўрсатиши шундай тугади. Ўзимни ёлғизлашни Уни тоқлигида кузатдим, шу йўсин Уни Ўзи ила менинг сифатларим унинг сифатлари ичида эриб кетди.

Исмим Унинг исмида йўқолди, аввалим Унинг аввалида, охирим Унинг охирида йўқ бўлди.

Сўнгра Унга Унинг зоти-ла назар ташладим, у Зотни тавсифчилар кўрмас, билимдонлар билмас, ўқимишлилар англай олмас. У ҳам менга Ўз зотининг кўзи ила боқди ва ўртада на қадам қолди, на сифатларим; на олдиним, на кейиним, на тасвирим.

Сўнгра менга Ўз Ўзлиги билан хитоб этди: «Эй Сен». Тангрининг менга Ўзини Ўз зоти-ла кўрсатилиши ҳам шундай тўхтади. Мени қайси исми-ла чақирган бўлса, мен Уни У исм-

ла қақирдим, мени қайси сифати ила хослатган бўлса, мен Уни ўша нарса орқали сифатладим. Ва шундай қилиб, ҳар нарсадан У билан ажралдим ва бир пайт на руҳ, на бадан, бир ўлик каби қолдим. Сўнг мени ҳаётим билан жонлантирди, ундан сўнг ўлдирди ва «Бугуннинг эгаси ким?» деди. Мени жонлантирган вақт «Тангридир, бир ва қодир Тангридир» дея жавоб бердим. «Ном кимникидир?» деди. «Тангрининг, бир ва қодир Тангрининг...» дедим. «Ҳозир ижобат бўлган кимнинг ҳукми?» деди. «Тангрининг, бир ва қодир бўлганнинг...» дедим. «Ким афзал?» деди. Дедим: «Раббимдир, ҳамма нарсага ҳукм берувчи Раббим». Деди: «Сени Менинг ҳаётим билан жонлантирдим. Менинг ўлкамга султон қилдим, сени Менинг номим ила номладим, Менинг афзаллигимни сенга англатдим». Дедим: «Сенинг нима истаётганингни билмаяпман. Мен ўзимга оид эдим, аммо Сен буни маъқул кўрмадинг». Дедик: «На ўзингга оид бўл, на Менга. Сен йўқлигингда Мен сен эдим, сен ҳам сен йўқ экан Менинг ила бўл: мавжудлигингда ўзингники бўл ва бор эканлигингда Менинг бўл». Дедим: «Сен бўлмасанг буни (ёлғиз ўзим) қандай қила оламан?» Сўнг менга қудрат назари ила боқди. Ўз борлиги ила мени қийматсиз (йўқ) қилиб қўйди ва Ўз зоти ила менда тажалли этди. Мен У ила бор бўлдим, бирлашиш шу йўл билан ниҳояланди ва дунё бир бўлди. Ҳамма нарса Ҳамма нарса воситасида Бир бўлди.

Сўнг менга шундай деди: «Эй Сен». Мен ҳам У ила дедим: «Эй Мен». Шунда менга: «Сен Танҳосан» — деди. Мен ҳам: «Мен Танҳоман» — дедим. Менга: «Сен Сенсан» — деди, мен ҳам «Мен Менман. Агар мен бўлиб Мен бўлган бўлсам Сен Сен бўл» — дедим. «Мен Менман» — деди. Менинг Унинг моҳиятидан баҳс этишим худди ваҳдат³ ҳолида Унинг «Менлигидан» баҳс этишим каби эди. Ва менинг сифатларим Тангриликнинг сифатлари бўлди, тилим ваҳдатнинг тили эди ва менинг сифатларим «У Удир, Ундан бошқа Тангри йўқдир» эди. Нима бўлган бўлса Унинг борлиги ила бўлганди ва нима бўлар бўлса Унинг борлиги ила бўларди. Менинг сифатларим Тангриликнинг сифатлари, менинг сўзларим азал ва абаднинг сўзлари, менинг тилим ваҳдат тили эди...

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980—1037)

Абу Али ибн Сино Бухоро вилоятининг Афшона қишлоғида туғилган. Иси Хусайн, отасининг исми Абдуллоҳ эди. Хусайннинг ёшлиги ва йигитлик даври сомониylар ҳукмронлигининг сўнгги даврига, хусусан, Нух II ибн Мансур Сомоний ҳукмронлиги даври (976—997)га тўғри келади. Абу Абдуллоҳ Нотилийдан фалсафани, Ҳасан ибн Нух ал-Қумрийдан табиийёт илмини таҳсил олди. 16—17 ёшларида Ибн Сино машҳур табиб бўлиб танилди. Бухорони қорахонийлар забт этгач, 1000 йилда Бухородан чиқиб Хоразмга борди ва Хоразм ҳокими саройида Маъмун академиясига қабул қилинди. Лекин Маҳмуд Ғазнавийнинг таъқибидан қочиб, Эрондаги турли шаҳарларда яшади. Журжонга келгач, Ибн Сино Ҳоким Қобус ибн Вашмгур саройида табиб сифатида шўҳрат қозонди. 1019—21 йилларда Ҳамадонда вазир лавозимида хизмат қилди. Баъзи сабабларга кўра бу ердан қочиб, Исфаҳонга боради ва бутун умрини илм-фанга бағишлади.

Абу Али ибн Сино буюк табобат олими, файласуф, тилшунос бўлиш билан бирга, тасаввуф олими ва забардаст адиб ҳам эди. Унинг "Тайр қиссаси", "Саломон ва Ибсол", «Ҳайй ибн Яқзон», "Юсуф" каби насрий асарлари X—XII асрларда Ўрта Осиёдаги бадиий насрнинг юксак намуналаридир. Ибн Сино бу асарларида тасаввуф таълимотида ирфоний ишқ фалсафасини илгари сурган.

Ибн Синонинг мавзуга дахлдор араб тилида ёзилган «Тайр қиссаси» намуна сифатида келтирилди.

ТАЙР ҚИССАСИ

Дилимдаги қайғуларимнинг бир озини эшитадиган биродар топилармикан?! У меҳрибонлик қилиб, ҳасратимни тингласа, оғиримни енгиллаштирган, дардимга малҳам топган бўларди...

Агар дўстлик савдо-сотиққа ўхшаб, эҳтиёжга қараб ахтарилса, зарурат туғилмаган чоғда дўстни назарга илмай ташлаб кетилса, бу қандай дўстлик бўлди энди!

Дўстинг бошинга мушкул тушгандагина ҳолингдан хабар олгани келиб, бошқа вақтда бегонадай юрса, зарурат туғилгандагина эслаб, бошқа маҳалда сира эсламаса, ўйлаб кўр, шу ҳам дўстлик бўладими, ахир!

Ахир, Худонинг Ўзи яқинлаштирган меҳр-шафқатли дўстлар ҳам бор-ку! Улар ҳақиқатга мулоҳаза билан қарайдилар; дилларида шак-шубҳа ғубори бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси бир-бирига холисаниллоҳ дўст, аҳил, уларни шундай олийжаноб дўстлик бирлаштирган.

Эй, биродарлар! Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўлдан юринглар. Бир-бирингиздан билим ўрганиб, камол топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглар.

Эй, биродарлар! Кирпилар бошини ичига тортгани каби сиз ҳам бошингизни ичингизга тортинг. Ботинингизни юзага чиқаринг, зоҳирингизни эса, ичингизга олинг. Худо ҳаққи, ботинингиз равшан кўриниб турибдию, лекин зоҳирингиз яширин¹.

Эй, биродарлар! Илонга ўхшаб пўст ташлаб, қуртлар сингари судралиб юринглар. Қуроли думида бўлган чаёндек

ҳушёр бўлиб туринглар, чунки шайтон одамни орқадан келиб алдай олмаса, ҳеч бир (кимса) алдай олмайди.

Ажал заҳрини ютинглар, яшаяжаксиз, ўлимни севинглар, тирик бўлажаксиз². Қўнадиган уя тутмай учиб юринглар, чунки қушларнинг овланадиган жойлари уялардир. Агар қанот йўқлиги учишингизга монеълик қилса, қанотли бўлинглар, мақсадга етасиз. Энг катта фазилат учишга моҳир бўлишдир.

Қизитилган тошларни ютадиган туяқуш бўлинглар, катта-кичик суякларни ютиб юборадиган илондек, олов ичида дадил юрадиган самандардек, кундузи ёруғликка чиқмайдиган кўршапалакдек бўлинглар. Паррандаларнинг энг яхшиси кўршапалаклардир.

Эй, биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.

Биродарлар! Фаришта ёмонлик билан машғул бўлса ёки ҳайвонлар хунук иш қилса, бунга ажабланиш керак эмас. Балки инсон вужуди ақл билан мунаввар бўла туриб, шаҳватга берилсаю, инсонлигини йўқотиб, виждондан кечса, бунга ажабланиш керак бўлади. Қасамёд қилиб айтаманки, одамнинг фариштаси шаҳватни даф қилишда шак-шубҳасиз собит қадамдир. Унинг оёқлари жимо³га юрмайди. Агар кишидаги инсонийлик, ёмонлик оҳанрабоси бўлмиш шаҳватни қайтаришга ожизлик қилса, ундай одам ҳайвондан ҳам паст туради.

Энди сўз бошига қайтаман. (Буни) мен айтяпман:

Бир гуруҳ овчилар тузоқлар қўйиб, тўрлар ёйдилар. Кейин дон сепиб, ўзлари кўкатлар орасига яшириндилар. Бу вақтда мен паррандалар галаси орасида эдим. Шунда овчилар бизни кўриб, қушларга ўхшаб сайраб чақирдилар. Бундай қарасак, у ерда жуда кўп дон ва ўзимизга ўхшаш қушлар бор экан. Буни кўрганда кўнглимизда ҳеч қандай шубҳа туғилмади.

Апил-тапил шу қушлар томонга боришга шошилдик ва боришимиз билан ҳаммамиз тузоққа илиндик. Шу пайтда бўйнимизни ҳалқа бўғди, қанотларимизни тўрлар ўради, оёқларимизга эса тузоқ тушди. Қутулишга қанча уринмайлик, ҳаракатимиз зое кетди, қайтага тўрга баттарроқ ўралиб, ҳалок бўлишимизга кўзимиз етди.

Ҳаммамиз ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб, биродарларимизга мадад беришгина эмас, уларга қайрилиб қарашни ҳам унутибмиз. Кейин ҳаммамиз қутулиш чорасини топиш ҳақида бош қотирдик. Шу қадар ўйга чўмиб кетибмизки, ҳатто тузоққа илинганимиз ҳам ёдимиздан кўтарилибди. Шу алфозда бир оз кўникиб, тўр қафас ичида қолиб кетдик.

Бир маҳал қарасам, бир гала қушлар кўринди. Улар бошу қанотларини тўрдан халос қилиб, учиб келишар, аммо оёқларида эса ҳамон тузоқ осилиб турар эди. Бу тузоқ учиб қочишга ҳалал бермас, шунга қарамай, учиб қутулиш осон ҳам эмасди, осуда ҳаёт кечириш ҳам мушкул эди. Ана шу ҳол унутган нарсамни ёдимга туширди. Шу билан бирга кўникиб қолган нарсанинг ёмонлигини ҳам кўз олдимда намоён қилдим. Тузоқдан бўшайман, деб уринавериб тавбамга таяндим, ҳатто ҳасрат-надоматдан куйиб ўлаёздим.

Кейин, зора, ўша қушлар менга яқинроқ келиб, бу фалокатдан халос бўлиш йўлини кўрсатсалар, деган умидда тўрқафас ичида туриб, уларни чақирдим.

Улар овчиларнинг хийлаларини билишиб, яқин келишга ботинмай қочдилар. Кейин мен уларга қадимги дўстлигимиз ва ҳаммамиз бир гуруҳданлигимизни айтиб ёлвордим; бир маҳалги аҳду паймонимизни эслатдим. Шундан кейингина улар менинг олдимга келишди.

Улардан ҳол-аҳвол сўрадим. Улар ҳам мен дучор бўлган фалокатга гирифтор бўлганликларини, кейин қутулишдан умид узиб, шу азоб-уқубатга кўникиб қолганликларини гапириб беришди. Кейин улар менга ёрдам кўрсатдилар; бўйнимдан тузоқ, қанотларимдан тўр олиниб, қафас эшиги ланг очилди.

Шунда улар менга:

— Қани, қочиб қол, — дейишди.

Мен бошу қанотимни қутқариб, сўнг улардан оёқларимдан тузоқни олиб ташлашларини илтимос қилдим. Улар: "Агар биз шундай ишга қодир бўлганимизда, аввал, ўз оёғимиздаги тузоқни олиб ташлаган бўлардик, касал табиб касални даволай олармиди!" — дейишди.

Мен оёғимдаги тузоқ билан учмоқчи бўлдим. Улар менга шунда дейишди:

— Олдингда жуда кўп буқъалар⁴ бор. Агар биз улардан тез-тез учиб ўтмасак, балойи азимдан қутулолмаймиз. Бизнинг кетимиздан уч, сени қутқарамиз ва сенга тўғри йўлни кўрсатиб юборамиз.

Серўт, серҳосил водий, йўғе, аксинча, қурғоқ, хароб водийдаги юксак тоғ оралиғидан учдик. Водий орқамизда қолиб, ҳалиги тоғ чўққисига етдик. Бирдан олдинга қарасак, яна саккизта баланд тоғ намоён бўлди, уларнинг чўққиларини кўз илғамас эди...

Шунда орамиздагилардан бири: "Бу тоғлардан жадал ўтиб олмасак балога гирифторм бўламиз", — деди.

Шундан кейин биз тез учиб, олти чўққидан ўтиб, еттинчисига етдик. Бу тоғ чегарасидан ўтгач, баъзи қушлар: "Эвоҳ, ҳеч тоқат қилиб бўлмаяпти, дам оласизларми, йўқми?! Учавериб тинка-мадоримиз қуриди. Душман олисда қолиб кетди: бир оз дам олсак, яхши бўларди. Ахир тўхтовсиз учгандан кўра дам олиб учсак, тезроқ нажот топамиз-ку", — дейишди.

Шундай қилиб, ўша тоғ чўққисига бориб қўндик. Бундай қарасак, кўз олдимизда ям-яшил мевазор, сувга сероб обод боғлар турибди. Қулоқларимизга ашула, мунгли нағмалар эшитилди; мушку анбардан кўра хушбўйроқ ислар димоғимизга урилди.

Биз боғнинг меваларидан едик, сувларидан ичдик ва то дармонга киргунимизча шу ерда қолдик. Шунда бир қуш деди: "Жадаллаб қолайлик, чунки хотиржамлик ғафлатда қолдирса, эҳтиёткорлик халос этади. Ундан сўнг, мен сизларга айтсам, шубҳадек мустаҳкам қўрғон йўқ. Ғафлат босиб, бу жойда узоқ туриб қолдик.

Душманимиз орқамиздан ахтариб келяпти. Гарчи бу жойда туриш биз учун қулай бўлса-да, лекин саломат қолишимиз мушкул. Шунинг учун, келинглар, бу буқъани ташлаб, тезроқ кетайлик".

Шундай қилиб, ҳаммамиз учишга чоғландик. У ердан учиб, саккизинчи тоққа етиб бордик. Бундай қарасам, чўққиси осмон бағрини ёриб кирган баланд тоғ, унинг теварагида қушлар учиб юрибди. Мен умримда бундай хушнаво, гўзал, дилкаш қушларни учратмаган эдим.

Уларнинг ёнига қўнганимиздан кейин биз илгари ҳеч қаерда кўрмаган ва ҳатто эшитмаган лутф-эҳсон ва меҳрибончиликни кўрдик, улар бизга самимий ёрдам кўрсатишди. Биз умр бўйи уринсак ҳам, борингки, умримизга неча бор қўшиб берилган тақдирда ҳам, улар бизга қилган ёрдамининг кичик бир улушини эплай олмасдик. Улар билан танишгач, бошимизга тушган фалокатларни сўзлаб бердик. Улардан бири деди:

— Мана шу тоғнинг орқасида бир шаҳар бор. Ўша ерда буюк подшоҳ истиқомат қилади. Ҳар бир зулмдийда Унга сифинса, муножот қилса, Унинг қудрат ва мадади билан мушқули осон бўлади, дарду фалокатлардан қутулади.

Биз буюк подшоҳ шахрига йўл олдик. Ниҳоят, қаср олдида етиб, ижозатиға мунтазир бўлиб турдик. Киришга рухсат берилди. Бизни саройға олиб кирдилар.

Биз кирган саройнинг кенглигию гўзаллигини тавсифлаб бериш қийин. У саройдан ўтганимиздан кейин кенг ва яраклаган бир сарой дарвозаси очилди. Бунга кўзимиз тушганида оддинги кўрган саройимиз анча тор, кичкина туюлди. Ниҳоят, подшоҳ ҳузурига етдик. Парда кўтарилиб, подшоҳ жамолини кўриб, ҳаммамиз беҳуш бўлиб қолдик. Ҳайтовур, Унинг ўзи дардимиздан огоҳ бўлиб, ўз лутфи билан ҳушимизга келтирди. Ниҳоят, У билан гаплашишга журъат этдик, ўз саргузаштимизни гапириб бердик. Саргузаштимизни тинглагач, У деди:

— Оёқларингиздаги тузоқни уни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким еча олмайди. Мен унга бир элчи юбораман. Элчи сизларни тузоқдан қутқаришни овчидан илтимос қилади. Гап тамом, хотиржам бўлиб қайтаверинглар.

Ана шундан сўнг биз элчи билан бирга йўлга тушдик. Биродарларимиз подшоҳнинг ҳусну жамоли ва Унинг даргоҳи ҳақида ҳикоя қилиб беришимни талаб қилдилар. Мен унинг жамолини қисқача таърифлаб бераман: У шундай бир подшоҳки, қачон сен қўнглингга заволсиз жамолни, нуқсонсиз камолни келтирсанг, Унинг жамолу камолни кўрган бўласан. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир камолот Унда зоҳир, ҳар бир нуқсон, ҳатто мажозий маънода бўлса ҳам, Ундан йироқ. Кимки Унга хизмат қилса, у энг олий бахтга эга бўлади. Кимки Ундан узоқлашса, дунё ва охиратда зиён кўради.

Ҳикоямни эшитиб биродарларим менга шундай дедилар:

— Сен ақлдан озиб қолибсан. Худо ҳаққи, сен эмас, балки ақлинг ҳам учган экан, сен овланмаган, ақлу ҳушинг овланган экан. Кишилар қачон учгану қуш қачон гапирган! Худди мижозингда саффо галаба қилганга ўхшайди⁵. Энди девпечакни қайнатиб ич, тез-тез сучук сувли ҳаммомга тушиб тур, нилуфар ёғини ҳидла. Кейин лазиз таомлар егин, жинсий алоқа ҳамда уйқусизликдан сақлан, камроқ фикр юрит. Илгари оқиллигингни кўрганмиз, ақл-идрок ва заковатинга қойил бўлганмиз. Энди бу аҳволингни кўриб, биз сендан ранжидик. Сенинг аҳволингга нуқсон етганини кўриб, кўнглимиз паршон бўлди.

Уларнинг гаплари қанча кўп бўлса, фойдаси шунча оз эди. Сўзнинг энг ёмони амалга ошмай, зое кетганидир. Тангридан мадад, одамлардан узр сўрайман. Золимлар келгусида қандай жазога учрашлари маълум.

ЗАЙНИДДИН МУҲАММАД ҒАЗЗОЛИЙ (1058 — 1111)

Зайниддин Муҳаммад Абу Ҳамид бинни Муҳаммад Аҳмад ал-Ғаззолий ат-Тусий мусулмон оламида "Ҳужжату-л-ислом" унвони билан машҳур. У Хуросоннинг Тус шаҳрида туғилган, болалиги Ғаззола қишлоғида кечган. Тусда Аҳмад Родугонийдан, Нишопурда Жувайнийдан таълим олган. Боғдогда тўрт йил мударрислик қилган, Сурия, Искандария, Мағриб сингари мусулмон ўлкаларида яшаган, умрининг охирида ўз қишлоғида хонақоҳ ташкил қилиб, ўша ерда вафот этган.

Имом Ғаззолийнинг қуйидаги асарлари "Қомусу-л-аълам"да зикр қилинган: "Ал-Басит" («Жавҳар»), "Ал-Васит" («Ўрталиқ»), "Ал-Ваъжиз" («Қисқа»), "Ал-Хулоса", "Ал-Мустафо" («Сайланган»), "Ал-Мунҳал" («Ниҳоллик»), "Ал-Мунтаҳал" («Ниҳоя»), "Тахофуту-л-фалосифа" («Файласуфларнинг ихтилофлари»), "Маҳаку-н-назар" («Қарашларни аниқлаш»), "Меъёру-л-илм" («Илм меъёрлари»), "Ал-Мақосид" («Мақсадлар»), "Ҳақиқату-л-қавлайн" («Икки сўз ҳақиқати»), "Иҳйа ал-улум ад-дин" («Диний илмларни жонлантириш»), "Маъкулот" («Тушунчалар»), "Ажибу-л-қулуб" («Ажойиб қалблар») ва бошқалар.

Улуғ алломанинг "Кимиёи саодат" асарининг зоҳирий таржимаси "Дил ҳақиқати" бўлиб, бу асар мусулмонлик унвонининг пайдо бўлишидан бошлаб то тасаввуфнинг нозик тушунча ва ишоратлари шарҳига бағишланган. Ушбу асарнинг дил ва руҳ тушунчалари, уларнинг тасаввуфий талқинларига оид ва бошқа умуминсоний фикрлар сайланган ҳолда ушбу мажмуага киритилди.

«КИМИЁИ САОДАТ»дан

ФАСЛ: Дилингни билсанг ўзингни танигайсен

<...> Билгилким, сени ким халқ қилибдир? Икки нимарсадин бири зоҳир бадандирки, ани тан атабдирлар, муни зоҳир кўз бирла кўргали бўлур. Яна бири маънии ботиндирки, ани *нафс*¹ дерлар, *жон* атарлар ва *дил* ҳам дерлар. Бу маънии ботинни (яширин маънони) ботин (ички) кўз бирла танигани бўлур. Зоҳир кўз бирла кўргали бўлмас. Ва сенинг ҳақиқатинг — ушбу маънии ботиндир.

Ва ҳар нимарсаки, бу маънии ботиндин ўзгадир — ҳамма анинг тобеи ва лашкаридир. Ва хизматкоридирлар. Ва ул маънии ботинга *дил* от қўйибдирлар. Ва дилнинг хосиятларин ва хислатларин баён қилгумдир. Ва дилдин мурод — ҳақиқати одамийдирким, ани гоҳи *руҳ* атарлар. Ва гоҳи *нафс* дерлар. Дил деб гўшт порани айтмасмизким, сийна, яъни кўкракнинг чап тарафида қўйибдирлар. Анинг ҳеч қадри ва эътибори йўқдир. Ул гўшт пора ҳайвонда ва ўликларда ҳам бордир. Ани зоҳир кўзи бирла кўргали бўлур. Ҳар нимарсаки зоҳир кўзи-ла кўринур, ушбу оламдиндирки, ани олами шаҳодат дерлар. Ва дилнинг ҳақиқати ушбу оламдин эрмасдир ва оламда ғариб ва мусофирдир.

Дил бу олам кўҳна роботидин охират дорул *нажоти*²га ёнмоқға (қайтмоққа) келибдир. Ул гўшт пора (юрак) подшоҳ дилнинг маркаби³ ва асбоби суфраидир. Ва ҳамма азои бадан анинг лашкаридир. Ва жумлаи таннинг подшоҳи дилдир.

Ф А С Л : Дил ҳақиқати

Билгилки, дилнинг ҳақиқатини танимоқ то дилнинг вужудин билмагунча ҳосил бўлмас. Аввал дилнинг вужудин билгайсен. Андин кейин дил ҳақиқатини танимоқни талаб қилгайсенким, ул нечук нимарсадир?

Аммо дилнинг вужуди зоҳир билан бирла эрмасдирким, бадан ўлукларда ҳам бордир. Аммо (уларда) жон йўқдир. Бизлар дил деб ҳақиқати *руҳни* айтурмиз. Вақтики *руҳ* бўлмаса тан мурдордирки, анинг ҳеч эътибори йўқдир. Агар киши ботин кўзини очиб, зоҳир баданни ва осмону заминни ва ҳар нимарсаки, ани зоҳир кўзи бирла кўрса бўладир, ҳаммасини фаромуш қилса, ўз вужудини ночор танигай. Гарчандки, зоҳир бадан осмону замин, ўзга мавжудотлардин беҳабардир, аммо ўзлигинин бохабар бўлғусидир.

Вақтики, инсон бу ишларда яхши *тааммул*³ қилса, охират ҳақиқатидин андек таниганидир. Ва билгилки, бир пайт келурки, сендин бу зоҳир баданни олурлар ва сени андоғ ерга элтурларким, на сен фоний ва на ул макон.

Ф А С Л : *Руҳ ҳақиқати*

Аммо ҳақиқати руҳ нимадир ва онинг хос сифатлари нечуқдир, буларни баён қилмоқға шариат руҳсат бермайдир. Ушбу важҳдандирки, ҳазрати Расули алайҳиссалом шарҳ қилмабдирлар. Чунончи, Ҳақ таоло айтибдирким: «Эй Муҳаммад, сендин руҳ ҳақида сўрайдилар, айтгил, руҳ Парвардигори олам амридандир». Бас, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Руҳ корҳои илоҳий жумласидин ва хожаи олам амригидир*»⁵ демақдин зиёда руҳсат топмабдирлар.

Ҳар нимарсаки, андоза ва миқдор анга йўл топса, ани олами ҳалқ атарларким, ҳалқ асли луғатда миқдор ва андоза маънисададир. Дил жавҳарининг миқдори, моҳияти йўқдир.

Ф А С Л : *Ҳавоси панжгона (Беш сезги)*

Билгил, бадан подшоҳ дилнинг мамлакатидир. Ушбу мамлакатда подшоҳ дилнинг турлук анвоъи лашкарлари бордир: Парвардигорнинг лашкарларини ўзидин ўзга киши билмас. Бас, (Оллоҳ) дилни ҳалқ қилибдир (яратибдир) охират учун ва дилнинг кори — абадий саодат талаб қилмоқликдир. Ва анинг саодати — Ҳақ таолони танимоқлиғ, унинг яратиш қудратини ва яратган нарсаларини билмак бирла ҳосил бўлғусидир. Бу маснуъоти олам⁶ жумласидан, Дил олами ажойибларидир.

Ф А С Л : *Илми зоҳир тасаввуф йўлида ҳижобдир*

Бу мазкур бўлган *тақрирдин*⁷ дил одамининг шарофати маълум бўлди. Ва тасаввуф йўлидин ҳам хабардор бўлдинг. Бас, буларни англадинг, бўлғайким, айтибдирлар: *илми зоҳир тасаввуф йўлида ҳижобдир*. Бу сўзга инкор қилмағилки, бу сўз ҳақдир. Бу важҳ бирлаким, ҳислар йўли бирла машғул ва *мустағрақ*⁸ бўлсанг, албатта *ҳижоб бўлғусидир*⁹. Бас, дил мисоли ҳавзга ўхшашдир ва ҳавоси панжгона мисоли беш ариқға ўхшашдирким, бу ариқлар бирла кўнгилга сув кирар. Агар хоҳласангки, бу кўлни тагидин оби соф чиқсин десанг,

тадбири улки, бу кўлга сув кирадирган ариқларни маҳкам банд қилгил. Ва ҳавз ичидаги сувни тамом чиқариб, тагини чандон қовлагилки, оби соф чиқгай.

Бас, бунга ўхшаш, ул илмлар ойнаи дилга ҳавоси панжгона йўли бирла ҳосил бўлибдир, анга машғул бўлса мумкин эмасдирким, дилни тагидин маърифат чашмаси кушода бўлгай. Токи ойнаи дилни ҳавос йўли бирла ҳосил бўлган маълумотидин ҳоли этиб, ҳавзи дилнинг тагини риёзат тешаси бирла қазиса, албатта, маърифат чашмаси очилиб, ойнаи жаҳоннамо бўлғусидир.

Бас, илми зоҳир ҳижоб бўлмоғининг сабаби шулки, вақтики киши аҳли суннат ва жамоатнинг эътиқодларини тамом билса... бундин ўзга илм йўқдир. Ва агар кўнгилга ҳақиқат тарафидин *шамим*¹⁰, яъни озгина миқдор бўй, яъни баҳра, айтурким, бу мен билган илм ақидага мухолифдирким, бу навъ ишлар ботилдир. Бас, бу навъ кишига ҳақиқат ҳаргиз маълум бўлмас. Ва аҳли суннат ва жамоатнинг ақидалари оммаи халқни ақидаларидирким, ҳақиқатнинг қолибидир. Айни ҳақиқат эрмас. Ва маърифат тамом улдирким, ҳақиқат ушбу қолибдин намоён бўлғусидир. Чунончи, пўст ичидаги мағз мисолидадир.

Ф А С Л : Ҳақ субҳанаҳу ва таолони танимоқ баёнида

Ўтган анбиёлар китобларида бу қавл¹¹ мастур¹² дирки, «Аъриф нафсака, таъриф роббака¹³». Ахбор ва осорларда келибдирки: «Ман арафа нафсаҳу, фа қод арафа роббаҳу»¹⁴. Ҳикмат. Аввалги арабийнинг таржимаси улки: танигил ўз нафсингни, танурсен Парвардигорни. Иккинчи Ҳадиснинг таржимаси улки: кишиким, танибдир ўз нафсини, батаҳқиқ танибдир Парвардигорини. Бу қалималар далилдир мунгаки, нафси одабий ойнага ўхшашдирким, кишики ул ойнага боқибдир, Ҳақ таолони кўрар. Бисёр халқдирким, нафслари ойнасига қарарлар, Ҳақ таолонинг жамолини кўрмаслар. Бас, Ҳақ таолони кўрадирган тариқа бирла бу ойнага қарамоғни билгайсенки, икки важҳ бирла ҳосил бўлур. Аввалги важҳ мушкул ва пўшидароқ¹⁵ дирким, кўпчилик кишилар ул важҳни фаҳм қилолмаслар. Бас, киши фаҳмига сиғмаган сўзни қилмоқ савоб эрмас. Чунончи, қалам сиёҳни пароканда қилур ва жамъ қилур, токи "Бисмиллоҳ" сурати қоғозда нақш боғлағай.

Мунга ўхшаш фариштаи муаккаллар¹⁶ ҳарорат ва бурудат¹⁷, аносири арбаъ¹⁸ни жунбушга келтирур. Қоғоз сиёҳни қилганга ўхшаш, аносири арбаъанинг рутубати шаклни қабул қилгусидир. Убусат, яъни қуруқлуғ ул шаклни сақлағувчидир. Чароки, агар рутубат бўлмаса шакл пайдо бўлмас. Агар убусат бўлмаса шакл тўхтамас. Чунончи, қалам ангуштар¹⁹ мададидин ҳаракатга келиб, ўз ишини тамом айлаб, "Бисмиллоҳ" сурати хазонаи хаёл²⁰даги нақшга мувофиқ ҳавослар муованати²¹ бирла қоғозда сурат боғлади. Мунга ўхшаш аносири арбаъдин ҳарорат ва бурудат ҳаракатга келиб, фариштаи муаккаллар муованати бирла ҳаёт ва наботот, балки тамомий мавжудот сурати Лавҳул маҳфуздаги суратга мувофиқ жаҳон майдонида жилвага келур. Чунончи, банданинг қилур ишлари аввал дилда пайдо бўлур. Чунончи, одам кори дилни ораста қилса, бадан мамлакати тадбирини ҳўблиқ бирла қилур.

ФАСЛ : Одамийнинг саодати бандаликда эрканининг баёнига

Ҳазрати Ҳақ субҳанаҳу ва таоло маърифатининг шарҳи дароздирким, бу китоби мухтасарга сиғмас. Мунчалик шарҳ кифоятдирким, толибга тамоми маърифатга завқ-иштиёқ пайдо қилмоқға. Одамийни тамоми саодати Ҳақ таолонинг маърифатини қилмоқ ва анга ибодат ва бандалик қилмоқдир. Сабаби улким, вақтиқи, одам вафот этса Ҳақ таолодин ўзга анга ҳолрас қолмас²².

«Илайҳи-л-маржиъу вал масийру». Яъни, қайтиб борадирган ер Ҳақ таолонинг даргоҳидир. Ҳар кишининг қароргоҳи ўз дўсти ва маҳбуби ҳузуридадирким, дўстлиги қанча зиёдадир, саодати андин зиёдароқ бўлғусидир. Бас, Ҳақ таолонинг маърифатини ҳосил қилмагунча ва анинг зикрини тўла этмагунча, Ҳақ таолонинг муҳаббати анинг дилига жо бўлмас...

«МУКОШАФАТУ-Л-ҚУЛУБ»дан

Нафс тарбияси

Эй инсон, билиб қўйки, доим ёмонликни хоҳлаб турадиган НАФС сенга шайтондан ҳам душманроқдир. Шайтон, нафсингнинг ҳою ҳаваси билан бўйнингга миниб олиб, сени Оллоҳнинг йўлидан чиқариши мумкин. Нафсинг эса сени беҳуда амаллар ва қуруқ хаёллар билан алдаб қўюр! Чунки *нафс*, табиатан тинчлик-осудаликни, лоқайдлик, рафлат ва бепарволикни ёқтиради ва умрни танбаллик билан ўтказишни истайди. У доимо беҳуда ва ботил нарсаларга ўралашади. Беҳуда кибрга берилади. Агар нафсингдан мамнун бўлиб, унинг хоҳишларига юрсанг, манзилинг фалокатдир, ўлимдир. Янглиш ҳисоблар ва хом хаёлларингдан хабардор бўлмасанг, охири чўкишинг муқаррардир. Агар *нафс*га «тўхта!» дейишга ожизлик қилсанг, у сени ёнғинга олиб боради. У ҳолда асло яхшиликка қайтиш умиди йўқдир. Нафс балоларнинг боши, разолатларнинг манбаидир. Шайтон учун гуноҳ хазинаси бўлган нафсни таниган одам Яратганни таний олмайди...

<...> Оллоҳ жонлиларни уч тоифада яратган:

1—*малаklar*: Оллоҳ малаklarга фақат ақл берган, доимо ҳою ҳавасга майл қилинадиган нафс бермаган. Демак, малаklarда гуноҳ қилишга мойиллик йўқ.

2—*ҳайвонлар*: Оллоҳ ҳайвонларга биз тушунган маънода ақл бермаган, фақатгина нафс берган.

3—*инсонлар*: Оллоҳ инсонларга ҳам ақл, ҳам нафс берган. Шундай бўлгач, инсон зоти учун энг катта хатар медадан ва ейиш-ичиш ҳирсидан келади. Одам ила Ҳаво — уларга Оллоҳнинг саломи бўлсин — меданинг ҳирси туфайли жаннатдан қувилиб, хорлик ва йўқлик майдонига отилгандилар. Чунки Оллоҳ уларга мева ейишни таъқиқлаганди.

1. Кимнингки нафси ақлдан ғолиб келса ва шу нафсининг ҳавойи истакларига кўра ҳаёт кечирса, у ҳайвондан ҳам тубанроқ, яъни ҳайвонлар ундан яхшироқдирлар.

2. Кимнингки ақли нафсидан ғолиб келса ва ҳаётини Оллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асослари доирасида ўтказса, у малаklarдан ҳам устундир.

Нафснинг ҳавойи истакларига бўйсунган одам, агар у ҳукмдор бўлса, қул аҳволига тушади. Нафснинг ҳавойи ҳавасларига қарши бориб, сабр қилган одам эса, қул бўлса ҳукмдор бўлади...

<...> Нафс билан кураш борасида Оллоҳ буюради: «Биз Оллоҳ йўлида курашувчи кишиларга албатта ўз йўлларимизни кўрсатамиз. Шубҳасизки, Оллоҳ ҳар қайда яхшилиқ килувчилар билан биргадир»¹.

Бир куни Пайғамбаримиз марҳамат қилдилар: «Энг фазилатли жиҳод нафс тарбияси учун қилинадиган жиҳоддир».

Жанглардан қайтган саҳобалар, ҳаммаларидан Оллоҳ рози бўлсин, дер эдилар: «Биз кичик жиҳоддан қайтдик, катта жиҳодга келдик!» Улар шу пайтгача олиб борган барча курашларини *кичик жиҳод*, нафс тарбияси учун курашни *гўзал* ва ахлоқли бўлиш учун олиб борган *катта жиҳод* дер эдилар.

Нафс инсонни ҳар доим тўғри йўлдан оздириши мумкин, шу боис у билан тинимсиз курашиш керақдир. Нафс ва уни васвасага солувчи шайтон эса кўзга кўринмайди. Кўриниб турган душман билан олишиш кўринмаётган душман билан олишишга қараганда осонроқки, бунини айтиб ўтиришнинг ҳоҷати йўқ. Яна васвасачи шайтон инсонда ўзига ёрдамчи топади. Бу нафснинг ҳавойи орзуларидир.

Агар шайтон ва нафс, инсонни йўлдан оздирса, у киши Оллоҳнинг азобига дучор бўлади. Айнан бу борада бир ҳикматли сўз бор, айтадиларки: «Қай жангчининг оти жанггоҳдан қочса, душманнинг қўлига тушади. Вале, кимнинг иймони ўзидан қочса, Оллоҳнинг азобига учрайди. Иймонни қочирмаслик учун Оллоҳга сиғинамиз. Душманга асир тушганининг балки қўли боғланмас, оёғига кишан урилмас, оч-яланғоч қолмас. Лекин ким иймонини қочирган бўлса, Оллоҳнинг ғазабига учрайди, юзи қораяди, қўли бўйнига боғланади, оёғига оловдан кишан урилади, ейдигани, ичадигани ва киядигани оловдан бўлади».

ИЛМУЛ ЯҚИН, АЙНУЛ ЯҚИН

<...> Савол: Илмул яқин билан айнул яқин орасидаги фарқ нима?

Жавоб: Бу саволга бир неча тарзда жавоб қайтариш мумкин:

1. Илмул яқин, пайғамбарликлари сабабли пайғамбарга оиддир. Айнул яқин эса фаришталарга оиддир. Чунки улар Жаннатни, Жаҳаннамни, Лавҳул Махфузни, Қаламни, Аршни ва Курсини айнан кўрадилар ва мушоҳада этадилар.

2. Илмул яқин, тириклар учун, айнул яқин эса ўликлар учундир. Чунки тириклар инсонларнинг ўлганини ва ўликларнинг ҳам қабрларда эканликларини биладилар. Лекин қабрда нима аҳволда эканликларини билмайдилар. Ҳолбуки, ўликлар қабрларни айнан биладилар ва мушоҳада этадилар: қабрлар, ё жаннат боғларидан бир боғ, ё жаҳаннам чуқурларидан бир чуқурдир.

3. Илмул яқин қиёматни билмоқдир. Айнул яқин эса қиёматни ва қиёматнинг даҳшатини айнан кўрмоқ ва мушоҳада этмоқдир.

4. Илмул яқин жаннатни ва жаҳаннамни билмақдир. Айнул яқин эса буларни айнан кўрмак ва мушоҳада этмақдир...

ТАВАККУЛНИНГ ФАЗИЛАТИ

Таваккулнинг фазилатини билдирувчи оятлардан бири:

— Албатта, Оллоҳ ўзига суяниб (иш қилувчиларни) севади. Бу қандай мақом, бу қандай даражадирки, унга эга бўлганларга Оллоҳнинг муҳаббати борлиги билдирилмоқда, Оллоҳнинг қониқишини ўз ичига олгани (Оллоҳнинг қониқишига сазовор бўлиши) маълум этилмоқда, у ҳолда бундан каттароқ бирор мақом бўлиши мумкинми? Билиб қўйинг, бу мақом *таваккул* мақомидир. Кимки, Оллоҳ унинг учун етарли эканлигини, Оллоҳ уни севишини ва ўз паноҳида асрашини айтиб юрса, албатта, катта бир нажотга эришгани ҳақдир. Зеро, севилган киши жазоланмайди, сургун қилинмайди, қамоққа олинмайди...

<...> Таваккул ва асбобга тавассул² мавзуида жуда муҳим нуқта бор: У эса шундан иборат: Ризқ таъминоти учун ишланади ва асбобга тавассул этилади. Лекин баҳоналар деганда ҳар нарса тушунилавермайди. Ризққа баҳонаи сабаб бўлган нарсаларга асло эътибор берилмайди, уларга боғланилмайди ва уларнинг тепасида туриб олинмайди. Ризқни тақдир этган Оллоҳдир. Шундай бўлгач, кишининг кўз тиккан жойи, ризқ сўраладиган илоҳи фақат Оллоҳ бўлмоғи керак...

"ИХЙА АЛ-УЛУМ АД-ДИН"дан

Илмда сўфийлар ва сўфий бўлмаганларнинг фарқига доир

Сўфийларнинг йўли назарий уламоларнинг йўлига зиддир. Сўфийлар ҳақиқатдан илм таҳсили ишига киришмайдилар. Олимларнинг борлиқ ҳақиқатларига доир қилган ишларини ўрганиш ёки бу масъалаларни тадқиқ этишга ҳам мутлақо аралашмайдилар. Улар(нинг) фикрига кўра, тариқ зид, ёмон, ўртамиёна нарсалардан қутулиш, дунёга алоқадор барча ришталарни узиб, фақат Оллоҳга боғланиш билан «ички кураш»га аҳамият беришдир. Шу нуқтага етиб ўзини бир қолипга солган инсонга Оллоҳнинг раҳмати сочилади, малаклар сири очилиб, ҳақиқатлар зоҳир бўлади. Толиб қиладиган иш нафсни поклаш, фақат руҳга йўналиш, самимий ирода билан ҳаракат қилиш, сувсизликдан қийналиш билан Оллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлишдир. Жаноби Ҳақ унга нуруни туширади. Валий ва Пайғамбарларга илоҳий сирлар очилади: уларнинг руҳлари эришган қудрат билан камолот воситасида саодат топадилар. Бу амал илм таҳсили билан эмас, фақат зуҳд фид-дуня¹ бўлиб, унга алоқадор барча ришталарни узиш ва бутун хаёлни Жаноби Ҳаққа йўналтириш билан бўлади. Ҳақиқатдан, ўзини Тангрига берганга Тангри ҳам Ўзини беради.

Мен бу йўлга киришга самимий истак ҳис қилганимда, аввал сўфийлардан бири билан маслаҳат қилишга қарор қилдим ва унга давомли тарзда Қуръон ўқиш хусусидаги фикрини сўрадим. Устоз бунга қаршилиқ билдириб шундай дедилар: Ягона восита бутун дунёвий алоқаларни узишдир: шундай бўлсинки ота-она, фарзанд, мансаб, ватан, илм, обрў ҳеч бири қалбингни машғул қилмасин. Яна шундай ҳолга тушасанки, айтиб ўтганларимизнинг ҳаммаси борми, йўқми фарқсиз бўлиб қолади. Сўнг бир хилватга чекиниб, тамоман ўзингни ибодат ва дин хизматига берасан. У ерда қалбинг ҳамма нарсадан фориг бўлиб, бутун диққатинг Жаноби Ҳақ зикри ила машғул бўлади. Аввалида тилинг доимий Оллоҳ номини зикр қилиш билан банд бўлади: уйғоқ шуур ва онг билан «Оллоҳ, Оллоҳ» дейишдан тўхтамайсан. Сўнг шундай бир ҳолга келасанки, тилинг тўхтамаса ҳам яна такрорланиб

кетаверади. Ортиқ тилнинг ҳар бир аҳамияти қолмагунга қадар бу ишда давом этасан, ниҳоят, тилинг айланмаса ҳам руҳинг ва қалбинг зикрда давом этади. Қалбингда шу сўз маъносидан бошқа ҳеч нарса қолмагунга қадар мунтазам зикр этасан: сўзнинг ҳарфлари ва шакли тамоман қалбингдан ўчиб кетади, фақат соф маъниси бенуқсон ва акс ҳолда қолади. Сенинг хоҳишинг шу ергача бўлади: у ёғига ўтиш фақат сени беҳузур қиладиган тушунчалардан воз кечиш орқалигина мумкиндир. Шундан сўнг ихтиёринг қўлдан кетади, фақат зуҳур бўладиган фатҳларни кутишгина қолади. Бу фатҳлар авлиёларга келиш билан бирга пайғамбарларга зоҳир бўлувчиларнинг бир қисми ҳамдир. Бу гўё шамолдек елади ва тўхтамайди. Кечиқиши мумкин, аммо яна келади ва ёки қолиши ҳам мумкин ёки кўриниб қочади. Агар қолса, бу узоққа чўзилиши мумкин. Ва бундай фатҳлар бирма-бир зуҳур бўла бошлайди. Булар бир хил бўлмайди. Бунга алоқадор тарзда бутун яралмишлар ва уларнинг сифатлари бир-биридан фарқли бўлиб, Оллоҳ валийларининг мартабалари ҳам чексиздир. Мана шу сўфийлар йўлидир.

Инсонларнинг қарашларига кўра, бу гўзал бир поклик, софлик ва жило, кейин эса ҳозирлик ва кутишдир.

Дунёвий олимлар бу йўлнинг мавжудлигини, унинг ғояларини, авлиё ва анбиёларнинг бу юксак даражаларини мутлақо инкор қила олишмайди. Аммо улар бу йўлни ғоят мушкул ва мақсадга узоқ деб билишади. Ва дунёвий ришталарни бу даражада узишни ҳам имконсиз деб ўйлашади, шундай бўлса ҳам давоми ғоят йироқ бир эҳтимол деб билишади. Уларнинг фикри билан ҳам ишни чалкаштиришинг мумкин. Бу хулосага кўра, инсоннинг мижози ўзгарувчандир, ақли ҳам заифлашиши мумкин, танаси ҳам хасталанади ва тушқунликка ҳам тушиши мумкин. Инсон аниқ далилларга таянувчи билимлардан хабардор бўлмаса, ақлига келган хаёлларини ҳақиқат деб ўйлайди.

Қанчалаб сўфийлар узоқ йиллар ўзларини қутқара олмасдан шундай хаёлларга асир бўлиб қолган. Агар илмда соғлом билимларга эга бўлмасалар эди, албатта, бундан қутулишарди. Шу ҳолда энг тўғри йўл уларнинг мезонларини тафсилотли далиллар билан ўрганишдир. Бу иш инсоннинг

мақсадига нафсни поклаш йўлидан-да ишончлироқ тарзда етказиши мумкин.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) муҳаққақ ҳеч бир ғайрат сарф қилмасдан тарбия қилинган бир нафсга эга эдилар. Аммо фақат риёзат йўли билан шундай даражага эришиш беҳудадир. Шу ҳолда мумкин бўлган бутун кучни сарф қилиш қиёслаш ва тадқиқ қилиш йўли билан ҳақиқий илмларни ўрганиши керак.

Аввало, ўрганилиши керак бўлгани эса аждодлар томонидан ўрганилган билимлардир. Кейин эса илоҳият соҳасидаги олимларнинг тадқиқотлари билан ўрганилмаган ҳақиқатларга интилишда ҳеч бир тўсиқ бўлмайди. Зеро, ҳануз инсонлар учун номаълум бўлган нарсалар кўп. Иккала томон ўртасидаги фарқ ҳам мана шудир.

Шу ерда бир мисол келтириб ўтмоқчиман, бу ҳикоя ақлий ҳақиқатларни эгаллаш учун аниқ нарсаларга эҳтиёж сезувчи ожиз ақллиларнинг тушунишини қулайлаштиради ва икки тарафни ажратиб турган фарқнинг моҳиятини юзага чиқаради.

Ҳикоя қиладиларки, хитойлилар билан юнонлилар мусаввирлик санъатида қирол ҳузурида баҳслашиб қолишибди. Қирол уларга тасвирлаш учун бир оролни берибдики, бунинг бир томонини хитойлилар, бир томонини юнонлилар чизишсин ва бир-бирларига қарамасликлари учун ўртага парда ҳам тутишибди.

Иш битгач, парда олинади ва иккала томондан қай бири устунлиги кўрилади. Шундай қилинибди, юнонлилар ўз жойларига жимжимадор безак ва ажойиб нақшлар чизишибди.

Хитойлилар ҳам парданинг у томонида туриб, умуман, ранглардан фойдаланмасдан деворни силлиқлаб жило беришибди. Атрофдагилар хитойлиларнинг мутлақо ранглардан фойдаланмаганликлари учун ҳайратланиб туришарди. Юнонлилар ишларини битиргач, хитойлилар «биз ҳам битирдик» дедилар. Томоша қилаётганлар: «Қўлингизда бўёқлар йўқ эди-ку, бирор нарса чизмадинглар ҳам, қандай қилиб битирдик деяпсизлар?» дейишди. Хитойлилар: «Ажабланманглар» дея жавоб беришди. Пардани кўтаринг даъвоимиз тўғри эканлигини кўрасизлар. Пардалар кўтарилди ва кўрилдики, хитойлилар деворида юнонлилар чизган барча суратлар аксланиб турибди. Зеро, хитойлилар девор юзини

шунақанги тозалаб ишлов беришгандики, гўё ойнадек. Девор юзи шунақанги биллур шаффоф ҳолга келгандики, юнонлиларнинг машаққатлар билан чизишган суратлари худди шу шаклда аксланиб турарди.

Фараз қилингики, нафъи илоҳий илмлар тасвирланувчи бир жой бўлсин. Бунини қуйидагича тушуниш мумкин. Биринчидан, юнонлилар чизгандек айнан тасвирлаш орқали, иккинчидан эса, четдан сурат оладиган даражада тайёрлаш. Бу ерда ташқари «Лавҳу Маҳфуз» ва нафслар ҳам фаришталарнинг нафсидир.

Зеро, булар ҳақиқий илмлар тасвирини тўғридан-тўғри ва доимий кўрмоқдалар: гўё Қуръони каримни тамоман ёд олган тақдирингизда, қалбингизда кўз билан кўриладиган, қўл билан тутиладиган шакллар бўлмаса ҳам зеҳнингизга нақшланса, айтиш шу ҳол юз беради.

Нафсини қўл билан тутиладиган нарсаларга банди қилиб, ўзларини қутқара олмаган заиф кимсаларга бизнинг бу фикрларимиз маъқул келмасликлари мумкин...

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ (1048–1141)

Хуросондаги Ҳамадон шаҳрининг Бузанжирг (ёки Бузинажирг) қишлоғида таваллуд топди. Бомиеън шаҳрида вафот этган, унинг васиятига кўра жасади муридлари томонидан Марв шаҳрига келтирилиб, у ерга кўмилган.

Юсуф Ҳамадоний қадим Туркистон маънавиятида ўзига хос дунёқараш, тасаввуф тизимини барпо этган, ривожлантирган олим ва ориф бир зотдир.

Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний», Фаридуддин Атторнинг «Тазкирату-л-авлиё», Абдирахмон Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс», Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» тазкираларида маълумот берилган. Замонасининг етук шайхлари Абдулқодир Гилоний (Ғавсу-л-аъзам), Шайх Ҳамидуддин Мултоний, Имом Ғаззолий билан мулоқотда бўлган. Одамлар орасида юриб, уларни иршоғ қилиш, муридлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш йўлини танлади. Шунинг учун унинг хонақоҳи «Хуросон Каъбаси» номини олган.

Шайх Ҳамадонийнинг Туркистон пири Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожаи жаҳон Абдулҳолиқ Ғиждувонийни тарбиялаб камолга етказган. Шайх Юсуф Ҳамадоний хожагон—нақшбандия тариқатидаги «хуш дар дам», «назар бар қадам», «сафар дар ватан», «хилват дар анжуман» қоидаларини ишлаб чиққан.

Шайх Ҳамадонийнинг қўйидаги асарлари маълум: «Рутбату-л-ҳаёт» («Ҳаёт мартабаси»), «Кашф», «Рисола дар одоби тариқат» («Тариқат одоби ҳақида рисола»), «Рисола фи анна-л-кавна мусаххарун лил инсон» («Яратгanning ҳукмидаги борлиқ ва Инсон менлиги ҳақида рисола»), «Рисола дар ахлоқ ва муножот» («Ахлоқ ва илтижо ҳақида рисола»).

«Рутбату-л-ҳаёт» рисоласи савол-жавоб тарзида ёзилган. Шайхга ўн тўрт савол берилган, ва уларнинг жавоблари асосида рисола тартиб қилинган. Асарда «ҳалол ва ҳаром, моддийлик ва руҳоният, дунё ва охира, тубанлик ва юксаклик» кабилар ва уларнинг оқибатлари ҳақида фикр юритилган.

«РУТБАТУ-Л-ҲАЁТ»дан

Фақат Ундан ёрдам сўраймиз. Ҳамд Оллоҳ таолога хосдир. Азалий ҳамдининг буюклиги билан *Ҳомид*¹, илк улғворлик ҳамди билан *Мажид*², доимий тавҳидининг карами билан *Шоҳид*, абадий бирлигининг мушоҳадаси билан *Воҳид*³, зоҳирий қаҳрининг азамати билан *Жаббор*⁴, ботиний азаматининг қаҳри билан *Қаҳҳор*⁵, юксак ҳокимиятининг улғлиги билан *Малик*⁶, қайюмий иззатининг мулки билан *Мутақаббир*⁷, олий марҳаматининг гўзаллиги билан *Восеъ*⁸ ва шафқатли раҳматининг кенглиги билан *Муҳсин*⁹ бўлган У (Оллоҳ таоло)дир. Махлуқотининг энг олий, закий ва хайрлиси бўлган Расулига, унинг асҳоби, ақрабо ва умматига салоту саломлар бўлсин.

Оллоҳ таоло сени ўзи севган ва рози бўлган ишларда муваффақ қилсин, «тирик (жонли) ким ва тириклик (ҳаёт) нима?» деб сўрадинг.

Жавоб: Тавфиқ Оллоҳдан. Билгилки, басират ва *яқин аҳли*¹⁰ қошида, тирик — бу тинч-осуда кишидир. «Тириклик» эса тинчлик, хотиржамликдир. Етти қават осмон ва ернинг махлуқоти, тинчлик ва хотиржамликнинг моҳияти ҳақида ҳамфикрдирларки, ҳар бир киши бир нарса билан осуда, тинч ва сокиндир. Аммо тасалли ва хотиржамлик жойлари турличадир... Ҳамманинг ўз мавқе-мақоми ва аҳволига кўра бир тасалли макони мавжуд. Инсон унинг мавжудлиги билан ҳузур-ҳаловат, роҳат ва таскин топади. Уни йўқотганида эса саросима ва изтиробга тушади. У билан роҳатланиб, тасалли топгач, кўнгиллар хотиржам бўлади. Ҳақ йўлининг йўлчилари бўлган пайғамбарлар айтадиларки: «Фалон киши фалон нарса билан тириkdir». Бу тирик ва тирикликни танишда умумий қоидадир.

Аммо тирик билан тирикликни сўфий тоифасининг таърифига кўра батафсил билмоқчи бўлсанг, билгилки, дунё безаклари билан тасалли топиб овунган кишининг саодати — бу алданиш саройи бўлмиш дунёнинг арзимас молини жамлаш,

манъ қилиш, олиш ва беришдир. Бу киши дунё билан умр кечирмоқда. Демак, дунё билан тирикдир. Бу ҳолат Одам боласининг ҳаёт мартабаси ва манзилидаги энг қадрсиз ва тубан даражадир. Чунки дунё матоси билан хотиржам бўлиб овунган киши ҳайвонлар, ҳашаротлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари, қуш ва балиқлар билан баробар ва улар билан шерикдир. Чунки улар бу алдов дунёнинг лаззатлари билан тирик ва ҳаётдирлар...

<...> Дунёнинг ортиқча ишларидан йироқлашиш ва сақланишда инсон мавжуд вазият ва эҳтиёжига кўра машаққат тортиши керак... Ҳаловат ва ором топишнинг ҳосил бўлишида икки йўл мавжуд: *Биринчиси*, Оллоҳнинг фазлу карами туфайли бандага заҳмату машаққатсиз келадиган ҳаловат бўлиб, у бандани дунё ҳаётининг қаъридан дин дунёсининг кўкларига чиқаради. Аммо бу ноёб ҳодиса бўлиб, «*ноёбнинг ҳукми йўқдир*» демишлар... *Иккинчиси*, риёзату қийинчиликлар чекиш орқали эришиладиган ҳузур-ҳаловат бўлиб, у олдинги ва ҳозирги солиқларнинг мужоҳага¹¹ йўлидир. Ҳақ таоло фармон қилурки: «*Бизнинг (йўлимиз)да жиҳод қилган — курашган зотларни, албатта, Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Оллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан биргадир*»¹² (*Қуръон*, 29:69). Ва яна дедилар: «*Ким мужоҳада орқали ўзининг зоҳирини (феълу атворини) безаса, Оллоҳ таоло мушоҳада (қалб кўзи билан Ҳақни сайр этиш) орқали унинг ботинини гўзаллаштиради*». Яна дейилдики: «*Зоҳирий ҳаракатлар ботиний баракотларга сабаб бўлади*». «*Кимгаки, нафси дўст ва карамли бўлса, у кишининг диний ишлари осонлашади*»¹³. «Дунё оромгоҳи ва ундаги ортиқча нарсаларни хароб қилишга сарфланган ҳаракат миқдорида Ҳақ зикри тасаллигоҳининг иморати маъмур бўлиб бораверади». «Ким сенга дунёни озайтирса, дардингни озайтирган бўлади. Кимки, дунёни кўпайтирса, дардингни кўпайтирган бўлади... Ҳақ йўлида юрган солиқларнинг бу мавзудаги сўзу иборалари фарқлидир:

Сўфий шундай дейди: «Кимки дунё кудуратидан (ғашлигидан) пок бўлса, *Мавло*¹⁴ зикрининг софлиги билан ҳаловат топади.

Дарвиш дейди: Алданиш дунёсида фақрлашди, сурур ва саодат оламида бой бўлди.

*Муваҳҳид*¹⁵ дейди: ширк ва шерикликдан қутулди, танҳо ва ёлғиз бўлди.

Муқарраб¹⁶ дейди: ўлимнинг дастидан халос бўлди ва абадий ҳаётга боғланди.

Солик дейди: хароб уйдан чиқди ва обод манзилга жойлашди.

Ориф дейди: шайтон ва девларнинг уясидан қутулиб, илоҳий ризо боғчаси бирла ҳузур топди.

Аҳли кашф¹⁷ дейди: нафс зиндонидан кўнгил тахтига чиқди.

Барча бу сўзлар тўғри ва ҳақдир. Қачонки, инсон бу дунёнинг оромгоҳини охиратнинг оромгоҳига алмаштирса, бу барча таърифланган сифатлар унинг либоси бўлади. Ҳам дарвиш бўлур, ҳам сўфий, ҳам муваҳҳид, ҳам аҳли кашф, ҳам ориф, ҳам солик, ҳам маънавий мақом соҳиби ҳамда йўлнинг ҳақиқатига эришган инсонга айланади.

<...> Агар бири шундай савол билан мурожаат қилса: бу масъалада мазҳаб олимлари турли фикрлар билдиришган, баъзиси иймон ва ислом бир нарсадир дейишган бўлса, баъзилари иймон бошқа, ислом бошқа дейишган. Қайси фикр тўғрилигини изоҳлаб беринг. Ушбу икки хил фикрдан қайси бирини қалбингиз тасдиқлайди? Агар иймон ва ислом бир нарса бўлса, уларни иккига ажратиш дируст эмас. Агар иймон бошқаю, ислом бошқа бўлса, бу фарқиликнинг далили нима?

Жавоб: Оллоҳ муваффақ айласин.

Эй басират ва яқин денгизида инжу изловчи киши! Билгилки, бу масъалада мурид кўнгилни тақлид зангидан поклаб, изланиш уйининг эшигини шубҳа тиканларидан тозалашни даркор. Бундан ташқари мурид Ҳақ таолонинг улуввор йўлидан насибасини олган валийлар билан яқинлик ва дўстлик ҳосил қилиши керак. Ҳиммат эгалари боғлаган камар билан улар ҳам белларини боғлашлари шарт. Токи «Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз» (Қуръон, 16:97)¹⁸ сўзларининг оҳанглари ва бу оҳангларнинг сўзлари унинг қулоғига етгач, ҳарф, сўз ва оҳанглар бўғзидан жой олишидан олдин ҳарф маъноси унинг қалбида ўрнашган бўлади.

Агар мурид бу даражага эриша олмаган бўлса, унинг тасарруфи ақлу заковат тасарруфига айланади. Бунинг учун эса у англаб идрок этган ҳар бир нарсага зикр, дуо, шукр ва ҳамд билан муносабат билдириши, мавзуларни идрок этолмагач, гўллигини сўзловчининг сўз ва илмига эмас, балки ўз фаҳмининг ноқислигидан деб билиши (лозим)...

<...> Қалбий тафаккур ва ботиний мушоҳада банданинг ғайрати билан ҳосил бўладими? Ёки Ҳақ таолонинг инъоми ва туҳфасими?

«Фикр (тафаккур)нинг йўллари ва чегаралари қанча, қандай ва қаерда? Қандай бир зикр тафаккурдан устун ва қайси тафаккур зикрдан афзалдир? Пайғамбарлар ва авлиёлар зикр билан сифатланганлар. Гарчи уларнинг кўнгиллари ботинни кўриш ва ғайбни мушоҳада қилиш хазинасидир».

Жавоб: «Зикр ва фикр (тафаккур) банданинг ғайрати ва ҳаракати билан ҳосил бўладими ёки Ҳақ таолонинг инъоми-лутфи билан юзага келадими?» — деб сўраяпсан.

Билгилки, шундай фикрки, мўминнинг унс мақоми, сукунат ва ором маҳали, кўнглининг ҳаёт ва тириклиги бўлса ва бу фикр зикрдан туғилган бўлса, банданинг ҳаракатисиз бандада зоҳир бўлади. Солиқ Ҳақ йўлидаги зикрида охириги нуқтага етиб бормагунича, унинг зикри бир суратга кирмайди. Шу боис бундай ҳолатдаги солиқнинг тафаккури Ҳақнинг инояти *мавҳибаи илоҳия*¹⁹сидир. Илоҳий қонун ва одат шу тарзда жараён этади.

Солиқнинг зикрда охириги нуқтасига етиши бу тили билан бирга етти аъзосининг, ҳатто туклари ва тирноқларининг ҳам зикрда иштирок этишидир. Қалб аъзоларнинг зикрини эшитади ва кўради, ҳароратга келади, натижада қувват топиб, у ҳам зикрга қўшилади.

Қалб зикрининг ниҳояси қирқ кундир. Бу муддат охирига етганда нурлар жамланиб, қалбни шуълалантиради, ҳис аъзоларининг тешикларидан ташқарига чиқади.

Хилват аҳлида пайдо бўлган бу ҳолларни ҳеч бир фақиҳ, муфассир ёки муҳаддис билолмайди²⁰. Эй, Ҳақ йўлининг йўлчиси! Сен ҳам бир кун бу мартабага етсанг, ўз кўзинг билан кўрасан. Бу маънавий ҳолу мушоҳадалар баъзан бир йил, баъзан ўн йил давом этади. Ҳолларнинг муддати зикр муддати қадардир. Бу воқеа пайдо бўлгунга қадар (қалб кўзи очилгунга қадар) инсон зоҳирий кўзи билан кўриб туради. Қалб кўзи билан кўриш, яъни мушоҳададан кейин зикрга гал келади ва ҳокимият қалбий зикр қўлига ўтади. Қалб ҳарорат билан зикр қилган вақт мобайнида тил шодмон бўлиб, интизорлик билан кутиб туради. Қалб зикри тўхтагач, тилга навбат келади ва у зикрга киришади. Муриднинг насибаси меҳрибон бир пирга кўнгил боғлашидир. Мурид ўзи ёлғиз ўн

йилда боса олмайдиган йўлни пир раҳбарлигида бир йилда босиб ўтади. Мурид бир ҳол ва мушоҳадага боғланиб, у мартабада ўн йил қолиши мумкин. Оқибатда бир пир келиб, унинг йўлини очади ва муридни у аҳволдан қутқаради.

Воқеалар (мушоҳада)нинг вақти ва навбати ўтгач, қалбдаги зикр иқлимидан барча тафаккур эшиклари тамоман очилади. Тафаккур ортгач, мурид янада жонланади, натижада ҳузур макони янада обод бўлиб, Ҳақ таолонинг муҳофазасига эришади.

<...> Энди сўзимизнинг асл мақсадига ўтайлик: баъзиларда ҳою ҳавас ғазаби, баъзиларда диний ҳақлар ғолиб келади ва унинг сўз ва ишлари одатдаги табиий ҳолати чегарасидан чиқиб кетади. Шундай экан, бир инсоннинг меҳр-муҳаббати бошқа инсонга ғолиб келса, унинг сўзу ҳаракатлари одатдаги тартибдан чиқса, ажабланмаслик керак. Нафсоний, шайтоний ва шаҳвоний ишқ ҳоким бўлган ошиқлар орасида бундай ҳолат очиқ-ойдин кўринади. Шак-шубҳасиз, улар шундай бир фазилатга эришадиларки, сўзлари, хатти-ҳаракат ва йўналишлари олдинги ҳолларига асло ўхшамайди. Шундай экан, Оллоҳ дўстларига ва Ҳақ ошиқларига нега ишониш мумкин эмас? Ҳолбуки, *Оллоҳ севгиси*²¹ махлуқот севгисидан кўра жўшқин, шиддатли ва қудратлироқдир.

Нафсоний ва шайтоний севги билан раҳмоний севги орасидаги фарқ шундай: махлуқот севгисида ўзидан кетиш ва девоналик юзага келади. Ҳақ таолони севишда эса кўнгилда фаросат, ҳикмат ва маърифат ҳосил бўлади. Чунки шайтоннинг йўлида тикан ва хас-хашак учраса, Ҳақ таолонинг йўлида фақат наргису лола рўпара келади.

<...> Савол берувчи «Қайси зикр фикрдан (тафаккурдан), қайси тафаккур зикрдан афзалроқ?» деб сўраган эди.

Бу ҳақда фикримиз шундай: Молий ҳуқуқлар ва баданий вазифалар каби ислом қуббалари ва таянчлари²²ни муҳофаза қилувчи, ҳаёт истехкомини соғломлаштириб, унс уйи иморатини бунёд этувчи зикр — фикрдан афзалроқдир. Чунки бу зикр кўнгил оламида эмас, аъзолар оламида жараён этади. Аъзолардаги зикр шакл ва кўринишга киради. Зикр тил билан ижро этилади, тил эса бир аъзодир. Бу ерда фикрга урғу берилмаяпти, чунки у қалб ишидир ва бу зикр кўнгил оламида

етишмаган. Бу зикрнинг устунлиги қуйидаги сабабларга кўради: бу мартабада фикр (тушунча, тафаккур) мажбурланмайди. Чунки бу шахснинг кўнгли иймон оламини мушоҳада этиш нурлари билан ойдинлашмаган. Банда нафс ва шахват қўллигидан қутулмаган. Дунё, мақом ва ҳаёт севгиси пардаси билан дунёда боқийлик орзуси унинг кўнгил кўзида собитдир. Бу ҳолдаги шахснинг тафаккури қоронғу ва ёмғирли бир кечада йўл билмайдиган кишининг юришига ўхшайди. Ҳар қанча юргани билан манзилга етолмайди. Тўғри ва мустаҳкам йўлдан юриши ноёб бир ҳодиса бўлгани билан «нодирнинг ҳукми йўқдир...»

Бундан ташқари унинг тафаккури кўнгилни очмайди. Чунки у мартаба ва мақомга ҳануз етишмаган. Шу боис ҳануз етишмаган ҳолда бўлгани учун зикр тафаккурдан афзалдир. Зеро, зикр қалбни юмшатади ва кўнгил кўзини мунаввар қилади. Қалб тафаккурини очувчи калит зикрдир. Шу боис Ҳақ таоло «Уйларга эшикларидан киринглар!» (*Қуръони карим*, 2:189)²³ деган. Ва бу ўз ўрнида амалга ошади.

Қалб билан зикр дарахт билан сувга ўхшайди. Қалб билан тафаккур эса дарахт билан мевага менгзайди. Дарахтни суғормасдан, унинг гуллаб барг чиқаришини кутмасдан ва у ҳали гунчаю новда очмасдан туриб, ундан мева талаб қилиш хатодир. Чунки ҳануз мева ҳосил бериш вақти етмаган. Балки дарахтни вояга етказиш вақтидир. Уни суғориш, атрофидаги бегона ўт-ўлан ва зараркунандалардан тозалаш, офтоб ҳароратидан баҳраманд бўлишини кутиш керак. Токи дарахт кўкаради, яшнайди ва ям-яшил барглarga бурканади. Шундан кейингина унинг шохларидан мева таъма қилиш тўғри ва ўринли бўлади. Ҳақ таолонинг қуйидаги ояти каримаси мазкур нуқтани тасдиқлайди: «Бизнинг (йўлимиз)да жиҳод қилган — курашган зотларни албатта ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Оллоҳ чиройли амал қилувчи зотлар билан биргадир»²⁴ (*Қуръони карим*, 29:69). Тилнинг зикри — мужоҳададир. Кўнгилдаги тафаккур эшигини очиш — ҳидоят йўлларини кўрсатишдир.

Ҳар бир нарса бу оятга мувофиқ фоний бўлади, йўқликка айланади. Илк сўзловчи киши бу жинслар орасидаги фарқни шарҳлаганидек, оят ва ҳадисларда келган — хоҳ баданий бўлсин, хоҳ руҳий бўлсин — сифатлар, туғма

хусусиятлар, ахлоқ ва фикрий идроклар бу дунёга тегишли ва ўткинчидир...

Бу сўзнинг изоҳи қуйидагича: жазо, мукофот, тақдирлаш ва даража кун и бўлган охиратда гўзаллик ва хунуклик, заифлик ва куч-қувват, ҳушёрлик ва ғафлат, тавозеъ ва шухрат, сўзамоллик ва дудуқлик, фақрлик ва бойлик, қуллик ва қироллик, хасталик ва саломатлик сингари дунёвий хусусиятлар бирон кишига савоб, даража, жазо ва мукофот бермайди. Бу нарсалар савоб тарозусига қўйилмайди. Булар сабабли инсонга жазо ҳам, азоб ҳам берилмайди. Бу нарсалар билан дунё ҳаётида Ҳақ таолонинг даргоҳига яқинлашиш учун васила ва яқинлик қилмайдилар. Булар билан охират йўлининг манзилларини кеча олмайдилар. Авлиёulloҳнинг мартабаларига ҳам эриша олмайдилар.

Дин йўлининг улуғларидан бирига савол беришибди: «Бу йўлда бало кўпми ёки неъматми?» У зот шундай жавоб берибдилар: «Бу йўлда на неъмат бор, на бало, на хасталик, на саломатлик, на фақрлик, на бойлик, на яхшилик ва на ёмонлик». Бу сўзни менга савол сўраган одамнинг ўзи айтди. Тўғриси Оллоҳ таоло яхши билгучидир.

ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ (ваф. 1166—67)

XI асрнинг сўнгига Туркистоннинг Ясси (айрим манбаларда Сайрам) қишлоғига Шайх Иброҳим оиласига туғилган. Отасининг вафотидан сўнг машҳур Арслонбободан таълим олган. Арслонбобо тириклигига уни Бухорога бориб, таҳсилни давом эттиришга даъват этган. Бухорода Юсуф Ҳамадонийга учинчи халифа бўлган. Бироз вақт ўтгач, шайхликни Ҳамадонийнинг тўртинчи халифаси Абдулҳолиқ Ғиждувонийга топшириб, Яссига қайтган. У ерда хонақоҳ очиб шайхлик қилган. Пайғамбар ёши(63)да чиллахона қаздириб, «буюк турк пири оламдан этакни силккан» (Алишер Навоий).

Хожа Аҳмад яссавийлик (жаҳрийлик) тариқатининг асосчиси ва илк турк мутасаввифи сифатида ҳам машҳур. Аҳмад Яссавий ибодат (хонақоҳ) адабиётининг бошловчиси бўлиб илк адабий мактабга асос солган. Бу тариқат ҳозирга қадар яшаб келган сулук йўлидир. Бу тариқатнинг асоси, йўналиши ва таъсири масалалари «Маслаку-л-орифин», «Ламаъот», «Самароту-л-машойих», «Жавоҳиру-л-аброр» каби манқаб ва рисоаларда баён қилинган.

“Девони ҳикмат” номи билан бизгача етиб келган китоб, асосан, шогирдлари томонидан тартиб берилган. “Девони ҳикмат”да илоҳий ишқ ғояси ва маърифий мазмун етакчилик қилади. Шу боисдан ҳам Яссавий ҳикматлари маъно ва моҳият эътибори билан Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларига чуқур боғланган. Асар қўлёзмаларидан энг қадимгиси XVII асрга тегишли. «Девони ҳикмат»дан яссавийлик мактабига мансуб бошқа шоирларнинг ҳам асарлари ўрин олган.

Яссавийлик тариқатининг асослари «Фақрнома»да акс этгани учун (айрим мутахассислар уни Яссавийга нисбат беришади) ушбу рисола баёни берилади.

«ФАҚРНОМА»дан

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Алҳамдулиллаҳи роббил аламин вал ақибату лил муттақин вассолату вассаламу ала росулиҳи Муҳаммадин ва алиҳи ва асҳабиҳи ажмаъин¹.

Аммо, билгилким, қутбул ақтоб² ва сарвари машойих, султонул авлиё ва бурҳонул атқиё³, фарзандхонди ҳазрати Султонул анбиё (Муҳаммад) соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавий андоқ айтибтурларким: "Биздин сўнгра охирул замон ёгин бўлганда, андоқ машойихлар пайдо бўлғайким, иблис алайҳиллаъна алардин сабақ олғай ва ҳамма халқ аларга муҳиб бўлғай ва муридларини бошқара олмағайлар. Ул шайхларким, муридларидин таъма қилғай ва жонини қуфру залолатдин айирмағай ва аҳли бидъатни яхши кўргай ва аҳли суннатни ёмон кўргай ва илми шариат бирлан амал қилмағай ва номаҳрамларга кўз солғайлар ва ёмонлиқ пеша қилиб, Оллоҳ таолонинг раҳматидин умид тутғай ва машойихлар ишини хор кўргай, муридлари рад бўлғай, ўзлари муртад бўлғай ва яна хорлиқ-зорлиқ бирла муридларининг эшигида юругайлар. Ул ҳолда муридлардин ниёз олғайлар. Агар муридлари назру ниёз бермаса, урушғайлар. Айтқайлар, мен безормен, Худо безор, дегайлар.

Шайх улдурким, ниёз олса, мустақиҳ⁴ларга, ғариб, бечорага бергайлар. Агар олиб ўзи еса, мурдор эт емишидек бўлғай. Агар тўн қилиб кийса, ул тўн тўзгунча, Ҳақ таоло намоз, рўзасини қабул қилмағай ва агар олган ниёзидин нон қилиб еса, Ҳақ таоло ани дўзахда турлук азобга гирифтор қилғай. Ва агар андоқ шайхга ҳар киши эътиқод қилса, кофир бўлғай. Андоқ шайхлар, малъун турур. Анинг фитнаси дажжол⁵дин бадтар, шариатда, тариқатда, ҳақиқатда, маърифатда муртад турур.

Эй толиб, агар ҳақни талаб қилиб, тобай десанг, андоқ пирга қўл бергилким, шариатда орифи биллоҳ⁶ бўлса, тариқатда воқифи асрор бўлса, ҳақиқатда комилу мукаммал бўлса, маърифатда дарёи уммон бўлса, андоқ пирга қўл бергилким, саодат бўлғай. Агар мурид шариат илмини билмаса,

шариат илмини анга ўргатгай. Агар тариқатда ҳоли воқеъа пайдо бўлса, тариқат илми бирлан йўлга солгай ва ҳақиқат сиридин муридга йўл кўрсатгай. Маърифатда жазбаи Ҳақ⁷ пайдо қилгай.

Шайх Зуннун Мисрий⁸ роҳматуллоҳи алайҳи андоқ айтибтурларким, мурид қирқ йил хизмат қилмагунча, шайхлик ва фақирлик ва дарвиш ўрни анга таъйин бўлмас ва хирқа киймоғ анга раво эрмас.

Ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавий андоқ айтибдурларким, ҳар ким пирлик ва шайхлик даъвосин қилур бўлса, қирқ йил то пирнинг хизматида юрмагунча, шайх ўрни анга раво эрмас. Агар мурид олса, рад турур. Ҳар ким дарвишлик даъвосин қилса, аввал Ҳақ амрина бўйунсунуб, шариат амри бирла бўлгай. Ва ботил ишлардин ва бидъат ишлардин парҳез қилгай. Кеча қиём бўлмагунча, кундуз хизмат қилмагунча, шайхлик даъвосин қилса, ботил турур. Агар тавба қилмай, дунёдин борса, Ҳақ таоло тамуғда турлук азобга гирифтор қилгай.

Эй дарвиш, агар зоҳид бўлса, риёи обид бўлса, савдойи сўфи(й) бўлса, гадойи дарвиш бўлса, ҳар жой сўфи(й)ликлари мурдор, ишлари фасод, муридлари муртад, сўфи(й)лиқлари худруйлик⁹, дарвишлиқлари таъмалиқ, ниятлари фитналиқ, тариқалари ибоҳат¹⁰, суннатлари бидъат, феъллари қабоҳат, натижалари шаҳоват, сирлари хиёнат ва ғусслари жанобат¹¹; сўфиларда риёзат йўқ, фақирларда қаноат йўқ, ғанийларда¹² саховат йўқ, дарвишларда ваҳми қиёмат йўқ. Эй дарвиш, аҳволимиз нечук бўлгай.

Эй дарвиш, билгил ва огоҳ бўлғилким, аввал — калимаи шариат, иккинчи — калимаи тариқат, учинчи — калимаи маърифат, тўртинчи — калимаи ҳақиқатни билмак керак. Агар сўфи(й) бўлиб, бу калималарни билмаса, сўфий эрмас.

Калимаи шариат бу турур: ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ¹³.

Калимаи тариқат бу турур: ла илаҳа иллаллоҳу саффан саффо Муҳаммадун расулуллоҳ¹⁴.

Калимаи маърифат бу турур: ла илаҳа иллаллоҳу азаматиҳи, Муҳаммадун расулуллоҳ хилқатуҳу¹⁵.

Калимаи ҳақиқат бу турур: ла илаҳа иллаллоҳу би қудратиҳи Муҳаммадун расулуллоҳ би рисолатиҳи¹⁶.

Эй дарвиш, машойих мотақаддамнинг фақирлигини қабул қилиб, сўзларига пайравлиқ қилиб, аҳкому арконларини билиб, ҳаво ва ҳавасни тарк қилиб, нафсни мужоҳада ёйи бирлан синдириб, ўзига мутеъ қилиб ва қаноатни пеша қилиб, қазосина рози бўлиб, балосига сабр қилиб, неъматига шукр қилиб, айтган рисолаға амал қилиб, Худойи таолонинг амрини бажо келтурса, *дарвишлик* оти анга мусаллам¹⁷ бўлур. Йўқ эрса, буларни билмай, шайхлиқ даъвосин қилса, қиёмат кунини қаро юзлик бўлиб, шарманда бўлғай. *Наъузубиллаҳи мин залика*¹⁸. Фақрлик мартабаси мақоми аъло турур, ҳар кимга муяссар бўлмас!..

<...> Алқисса, бу мақом анбиёлар ва орифлар ва ошиқларнинг мақоми турур. Хусусан, ҳазрат Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мақоми турур, яъни *"Ал-фақру фаҳри"*¹⁹ дедилар ва фақирни яхши кўрмак иймондин турур, фақирни хор тутмоқ куфр турур. Нечукким, Ҳазрати Набино соллаллоҳу алайҳи ва саллам айдилар: *"Хуббул фуқароу минал ийман ва буғзул фуқароу минал куфру"*²⁰.

Аммо фақрлик мартабаси ва ҳурмати етти қат осмондин ва етти қат ердин улуғроқ турур. Нечукким, ҳазрати Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айдилар: *"Ҳурматул фуқароул мўъминина аъзаму индаллоҳи мин сабъис самовоти ва сабъил арзица"*²¹.

Эй дарвиш, ҳар ким ғанийларни икром қилса дунёси учун абадул абад Худойи таолонинг лаънатиға гирифтор бўлур ва агар фақирни ҳақир кўрса ва иқонат қилса, Худойи таоло чандон азобға гирифтор қилғай. Бул феъл мўъминларда бўлмас, магар мунофиқларда бўлғай.

Ҳазрати Али разияллоҳу таоло анҳу²² ривоят қилурларким, дарвишлик мақоми 40 турур. Агар билиб амал қилса, дарвишлиғи пок турур ва агар билмаса ва ўрганмаса, дарвишлик мақоми анга ҳаром турур ва жоҳил турур. Ва ул қирқ мақомдин ўн мақом шариятда турур ва ўн мақом тариқатда турур ва ўн мақом маърифатда турур ва ўн мақом ҳақиқатда турур.

Ул ўн мақом *шариатда* турур: аввал — иймон келтурмак Ҳақ таолонинг бирлигига ва борлигига ва сифатига ва зотига. Иккинчи — намоз ўқумақ турур. Учинчи — рўза турур. Тўртинчи — закот бермак турур. Бешинчи — ҳаж тавоф қилмоқ турур. Олтинчи — мулоийм сўзламак турур.

Еттинчи — илм ўрганмак турур. Саккизинчи — ҳазрати Расул соллаллоҳу таоло алайҳи ва салламнинг суннатларини бажо келтурмак турур. Тўққизинчи — амри маъруфни бажо келтурмак турур. Ўнинчи — *наҳи мункар*²³ қилмоқ турур.

Ўн мақом *тариқатга* турур: аввал — *тавба*²⁴ турур, иккинчи — пирга қўл бермак турур. Учинчи — хавф ва *рижо*²⁵ турур, яъни Ҳақ таолонинг ғазабиндин қўрқуб, раҳматидин умидвор бўлмоқ турур. Тўртинчи — *вирг-авродни*²⁶ бажо келтурмак турур. Бешинчи — лаззат ва шаҳватни тарк қилмоқ турур. Олтинчи — пирни(нг) хизматида бўлмоқ турур. Еттинчи — пирни(нг) ижозати билан сўзламак турур. Саккизинчи — насиҳат эшитмак турур. Тўққизинчи — *тажриг*²⁷ бўлмоқ турур. Ўнинчи — *тафриг*²⁸ бўлмоқ турур.

Ўн мақом *маърифатга* турур: аввал — *фано*²⁹ бўлмоқ турур. Иккинчи — дарвишликни қабул қилмоқ турур. Учинчи — ҳар ишга *таҳаммул*³⁰ қилмоқ турур. Тўртинчи — ҳалоли *таййиб*³¹ талаб қилмоқ турур. Бешинчи — маърифат қилмоқ турур. Олтинчи — шариатни ва тариқатни барпо тутмоқ турур. Еттинчи — дунёни тарк қилмоқ турур. Саккизинчи — охиратни ихтиёр қилмоқ турур. Тўққизинчи — вужуд мақомини билмоқ турур. Ўнинчи — *ҳақиқат асрорини*³² билмоқ турур.

Ўн мақом *ҳақиқатда* турур: аввал — *хокроҳ*³³ бўлмоқ турур. Иккинчи — яхши-ёмонни танимоқ турур ва бурун луқмага қўл солмамоқ, балки *фазлага*³⁴ қаноат қилмоқдир. Ўзини(нг) луқмасини *сабили роҳ*³⁵ қилмоқ ва кишини озор бермағай ва фақрлиққа мункар бўлмағай ва сайри сулук қилмоқ, ҳар кимдин сирни сақламоқ ва шариат ва тариқат ва ҳақиқат мақомини билмак ва амал қилмоқ.

*Шайх Ҳасан Басрий*³⁶ роҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилурлар ҳазрати Расул соллаллоҳу алайҳи васалламдинки, Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу айдилар: "Меърож кечаси Ҳақ таоло фармони билан ҳазрати Жаброил алайҳиссалом Буроқ келтурди, етти қат осмондин ошурди. Тангри *азза ва жалл*³⁷ қудрати билан ажойибларни кўрди. Ҳазрат Раббул олам салом қилди. Ҳақ таоло ҳабиби жавоби салом олди. Раббул арбобдин нидо келди: "*Ё саййид ал-мурсалин*³⁸ юқорига назар қил!" Ҳазрати расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам назар қилди эрса, ажойиб суратларни кўрурларки, анинг

шарҳи еру кўкка сифмас. Анда ҳайрон бўлдилар ва беҳуш бўлдилар. Яна ҳушлариға келдилар, айдилар: "Ё Раб! Ул на сурат эрдик, кўрдим, ақлу ҳушимдин кеттим?" Ҳазрати Раббул иззатдин нидо келдики, ул сурат фақрлиқ сурати турур. Эй Муҳаммад, агар мени тиласанг, фақр бўл. Тажрид ва тафрид бўлғил ва агар дийдор тиласанг, риёзат тортқил. То манинг жамолимға мушарраф бўлғайсан ва ҳар ким дийдор тиласа, ғайри ҳақ анга ҳаром турур.

Фақрлиқ сурати кўкда эрди, кўкдин ерга инди. Саҳобалар фақрлиқ суратини кўрдилар, аммо машойихлар ул суратни баёнида мухталиф сўзлаб турурлар.

Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу айдилар: "Ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ул кеча Меърождайн ёниб келдилар. Муборак юзларида нуре кўрдим, ўн саккиз минг олам ул нурдин менга аён бўлди. Анда айдим: "Ё Расулаллоҳ, бу кун юзунгизда нур кўрдим, кундагидин зиёда".

Ҳазрат Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам айдилар: "Бул кеча Меърожда Раббул оламин ҳазратида фақрлиқ суратини кўрдим, ишқ шаробидин бир журъа нўш қилдим", дедилар.

Ҳазрати Али разияллоҳу анҳу айдилар: "Бу ҳолда мен ҳам орзу қилдим". Ҳазрати Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам ишқ шаробидин бир журъа менга ҳам бердилар. Ичдим, беҳол бўлдим ва беҳуш бўлдим, яна ҳушимға келдим. Ҳар на ҳазратға муояна³⁹ ва мушоҳада эрди. Менга ҳам шундоқ муояна ва мушоҳада бўлди.

Ҳазрати Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айдилар: "Ё Али, фақрлиқда ўн мақом бор турур ва ўн нур бор турур ва ўн йўл бор турур ва ўн ўрин бор турур ва бул қирқ мартаба турур.

Ул ўн мақом бор турурким: Аввал — мақоми қаноат турур, чунончи, ҳазрати Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам айдилар: "Ал-қаноату канзул лойафни", яъни қаноат ганжидурким, ҳаргиз туганмас ва молнинг фойдаси йўқдир. Ўлим вақтида мунқатиъ⁴⁰ бўлур. Иккинчи мақом — балоға таҳаммул қилмоқдир. Учинчи мақом — гирифторлиқ турур бандалиққа. Тўртинчи мақом — азоб турур. Айюб пайғамбардек⁴¹ бўлмиш турур. Бешинчи мақом — ҳайрат турур. Олтинчи мақом — риёзат турур. Еттинчи мақом —

очлиқ турур. Саккизинчи мақом — ҳалокат турур. Тўққизинчи мақом — дил хаста бўлмоқдир. Ўнинчи мақом — ҳазрати Раббул изза лиқоси турур.

Ва ўн нури фақр: Аввал — нури сидқ, иккинчи — нури сабр, ҳазрати Расул соллаллоҳу алайҳи васаллам айдилар: "Ас-сабру канзун мин кунузил жаннати", яъни сабр беҳиштнинг ганжларидин турур. Учинчи — нури шукр турур. Тўртинчи — нури фикр турур. Бешинчи — нури зикр турур. Олтинчи — нури намоз турур. Еттинчи — нури рўза турур. Саккизинчи — нури иймон турур. Тўққизинчи — нури садақа турур. Ўнинчи — нури жони пок турур.

Ва ўн йўли фақр: Аввал — тавба турур. Иккинчи — ёзуқлардин қайтмоқ турур. Учинчи — пушаймонлиқ турур ёмон ишлардин. Тўртинчи — ҳайрат турур. Бешинчи — хорлиқ ва зорлиқ турур. Олтинчи — Ҳақ таолодин ёри тиламак турур. Еттинчи — ёмон йўллардин ёнмоқ турур. Саккизинчи — Худойи таолонинг зикри бирлан бўлмоқ турур. Тўққизинчи — тафаккур турур. Ўнинчи — фано бўлмоқ турур.

Ва ўн ўрин бор турур: Фақр турур, ҳикмат турур, адл турур, эҳсон турур, сатторлиғ турур, амонат турур, таслим турур...

<...> Эй дарвиш, фақрнинг олти одоби бор турур. Ул — яхши-ёмон сўзга сукут қилмоқ ва пир олдида хомуш бўлмоқ ва беижозати пир сўзламамак ва киши бирлан аччиқсиз бўлмоқ ва хос олимнинг хизматини қилмоқ ва нафсини ўлтурмак ва ҳаво ва ҳавасни тарк қилмак. Фақирдин покиза нарсас бўлмас.

Фақир гурбат турур, оч бўлмоқ турур ва агар оч бўлса, анинг таҳорати ва зикри кўнглидин кетмас. Ва агар тўқ бўлса, фасодлар пайдо бўлур.

Фақр мақоми саккиз турур, аввал — тавба турур, ибодат турур, муҳаббат турур, сабр турур, шукр турур, ризо турур, зуҳд турур, орифлиқ турур. Аввали ҳазрати *Одам алайҳиссаломдин*⁴² қолди. Обидлиқ — ҳазрати *Идрис алайҳиссаломдин*⁴³ қолди. Шукр ва муҳаббат — ҳазрати *Иброҳим алайҳиссаломдин*⁴⁴ қолди. Сабрлиқ — ҳазрат *Айюб алайҳиссаломдин* қолди. Розилиқ — ҳазрат *Мусо алайҳиссаломдин*⁴⁵ қолди. Зоҳидлиқ — ҳазрати *Исо алайҳиссаломдин*⁴⁶ қолди. Орифлиқ — ҳазрати *Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламдин* қолди.

Фақр мартабаси *етти* турур: Жувонмардлик турур, сипоҳийлик турур, хирқа турур, сабр турур, қаноат турур, шукр турур, таваккул турур. Жавонмардлик Ҳазрат Алидин қолди. Сипоҳийлик ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломдин⁴⁷ қолди. Ғурбатлик Яҳё алайҳиссаломдин⁴⁸ қолди. Сабрлик ва ризолик ҳазрати Айюб алайҳиссаломдин қолди. Қаноатлик ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламдин қолди.

Ҳар дарвишки, бул етти мақом дарвишликни билмаса, ё билиб амал қилмаса, шайхлик ва мурид олмоқ анга ҳаром турур.

Эй дарвиш, бул "Фақрнома"да ҳар васиятки битилди, каломи раббоний ва ҳадиси набавийдин ва ижмоъи уммат⁴⁹дин битилди. Ҳар толибки, бул васиятларға амал қилиб, истиқомат қилса, дунё ва уқбо анга муяссар бўлғай ва агар амал қилмаса, охир дамда жойини кўриб пушаймон қилғай ва шармандаи охират бўлғай. Ҳар дарвиш бул қирқ мақомни билмаса ва амал қилмаса, анинг шайхлиғи шайтоний турур.

Аввал — мақоми малакут⁵⁰, иккинчи — мақоми лоҳут⁵¹, учинчи — мақоми носут⁵², тўртинчи — мақоми жабарут⁵³.

Мақоми жабарут — шарият турур.

Мақоми малакут — тариқат турур.

Мақоми лоҳут — маърифат турур.

Мақоми носут — ҳақиқат турур.

Валлоҳу аълам би-с-савоб⁵⁴.

АБДУЛХОЛИҚ ГИЖДУВОНИЙ (1103—1179)

Хожаи жаҳон номи билан машҳур Ҳазрат Абдулхолиқ Гиждувоний китобларда Юсуф Ҳамадонийнинг «тўртинчи халфаси» сифатида тилга олинади. Айрим тадқиқотчилар Хожагон тариқати Юсуф Ҳамадонийдан бошланган (В.Бартольд) десалар, айримлар кейинчалик «нақшбандийлик» номи билан машҳур бўлган тариқатнинг яратувчиси (Ж.Тримингэм) сифатида Абдулхолиқ Гиждувонийни тилга олади. Фитрат ҳам ҳали нақшбандийлик номи билан шаклланиб улгурмаган силсилани «Абдулхолиқчилар» деб атаган. Бундай эҳтиромнинг сабаби тасаввуфдаги саккиз манзил бевосита Абдулхолиқ Гиждувоний номи билан боғланганлигидадир. «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Васиятнома» каби асарлар муаллифи.

Тасаввуф тарихида «Саккиз рашҳа» («Оби ҳаёт томчилари»)нинг муаллиф — сифатида (унинг дастлабки тўрттаси Юсуф Ҳамадоний томонидан қабул қилинган) ном қолдиргани учун Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт» асаридан намуналар берилди.

ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ
«РАШАХОТУ АЙНИ-Л-ҲАЁТ»дан

Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний
(қуддиса сирруҳу¹)

<...> Алар Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳунинг хулафои арбаъларидин² тўртланчи халифа(лари) турурлар, сардафтари табақаи хожагон³ турурлар. Бу азизлар — қоддасаллоҳу арвоҳаҳум ва равваҳа ашбаҳаҳум⁴ — силсилаларининг сарҳалқаси турурлар. Ва мавлид ва мадфанлари⁵ Бухоро вилоятида Ғиждувон даҳаси турур. Ва ул шаҳардек бир улғ даҳадир, Бухородин олти фарсах ерда. Волиди шарифларининг оди Абдулжамил турур ва Абдулжамил Имом деган тасмия била маъруфдирлар. Имоми Молик авлодидин турурлар. Ва муқтадойи вақт ва улуми зоҳир ва ботинға олим. Ва Малотойи Румда⁶ сокин эрдилар.

Ҳазрати Хожа (Абдулхолиқ)нинг волидалари Рум подшоҳларининг авлодидин турур ва айтурлар Абдулжамил имом Хизир алайҳиссаломнинг суҳбатдоши эрди. Хизир алайҳиссалом они Ҳазрати Хожа (Абдулхолиқ)нинг вужудига башорат бериб эрди ва Абдулхолиқ деб от қўюб эрдилар. Ва андин сўнг Абдулжамил Имом ҳаводиси айём сабабидин мутааллиқ⁷лари билан Рум вилоятидин Мовароуннаҳр вилоятига келиб, Ғиждувонда сокин бўлдилар. Ҳазрати Хожа (Абдулхолиқ) ул ерда мутаваллид бўлдилар ва Ғиждувонда нашъу намо топдилар. Ва мабодийи ҳолда Бухоро шаҳрига келиб, таҳсили улумға машғул бўлибдирлар.

Бир кун кор-бор⁸ аросида устозлари имом Садриддин деган бузурге эрди, кибори уламои замондин, анинг ёнларида тафсир ўқуб ўлгуруб эрдилар, бу оятға етушдиларким: «Удъу Роббакум тазарруъан ва хуфйатан, иннаҳу ла йуҳиббул муътадийн»⁹.

Устоздин сўрдиларким, бу хуфянинг ҳақиқати ва анинг тариқи не турур? Агар зокир баланд ўқиса ёки зикр вақтида аъзоси била ҳаракат қилса, гайре онга иттилоъ¹⁰ топар ва агар ул дил бирла айтур бўлса, шайтон бу ҳадис ҳукми билаким: «Аш-шайтону яжри мин ибни Одама мажр ад-дами»¹¹ онга воқиф бўлур». Устоз айдилар: «Бу илми ладуний турур, агар Ҳақ субҳанаҳу хоҳлагон бўлса, аҳлуллоҳ¹²дин бир киши сенга етишур ва сенга таълим берур».

Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ мунтазир эрдилар, то вактеким, Ҳазрати Хожа Хизир алайҳиссалом аларга етишдилар ва вуқуфи ададий¹³ни аларга талқин этдилар. «Фаслу-л-хитоб»¹⁴ деган китобда мазкурдирким, Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқнинг равишлари тариқатда ҳужжат турур. Ва барча фирқага мақбул эрдилар, аладдавом сидку сафо йўлида Мустафо солаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариат ва суннатларига бидъат ва ҳавонинг муносабат ва муҳолафати¹⁵га кўшиш этиб эрдилар ва равиши покларини ағёрнинг назаридин пинҳон тутуб эрдилар. Аларга «зикри дил» сабақи ёшлиқда Ҳазрати Хожа Хизир алайҳиссаломдин эрди ва ул сабоқга мувозабат¹⁶ этдилар. Ва Ҳазрати Хожа Хизир алайҳиссалом аларни фарзандликка қабул этиб эрдилар ва буюриб эрдиларким, ҳавзга тушгил ва чўмилгил ва кўнгил бирла айтгил: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадир Расулulloҳ». Хожа андоғ қилдилар ва бу сабоқни тутдилар ва ишга машғул бўлдилар ва қушодликлар топдилар ва рўзгорлари аввали ҳолдин то ахийри ҳолғача барча халқнинг наздида мақбул ва маҳбуб эрди.

Андин сўнг Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳу Бухорога келдилар. Хожа Абдулҳолиқ аларни(нг) суҳбатларини топдилар ва маълум этдиларким, аларга зикри дил бор экан, суҳбатларида бўлдилар то муддатеким Хожа Юсуф Бухорода эрдилар. Айтиб турурларким, Хожа Хизир пири сабоқлари турур ва Хожа Юсуф қуддиса сирруҳу пири суҳбатлари. Агарчандиким, Хожа Юсуф ва аларнинг машойихлари қоддасаллоҳу таоло арвоҳаҳумнинг тариқлари «зикри алония»¹⁷ эрди, лекин вақтеким, ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ қуддиса сирруҳу ҳазрати Хожа Хизир алайҳиссаломдин «зикри хуфя»ни(нг) талқинини олиб эрдилар ва онга маъмур бўлдилар ва Хожа Юсуф они тағйир¹⁸ бермадилар ва айдилар: «Бар важҳеким алардин маъмур бўлибсиз, машғул бўлингизлар».

Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ қуддиса сирруҳунинг баъзи таҳриротларида мазкурдирким, айтибдилар: «Йигирма икки ёшда эрдимким, хожаи зинда дилон ҳазрати Хожа Хизир алайҳиссалом мани Ҳазрати шайхи бузурги раббоний Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирруҳута топширдилар ва манинг тарбиятимга васият этдилар ва то алар Мовароуннаҳрда эрди,

ман хизмат ва мулозаматларида бўлдим ва алардин истифода ва истифоза этдим (файз олдим)».

Хожа Юсуф Хуросонга кетганларидин сўнг Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ риёзатга машғул бўлдилар, ҳолларини пинҳон тутар эрдилар ва валоятлари ул даражада бўлдиким, бир намознинг вақтида Каъбага бориб келур эрдилар ва Шом вилоятида аларга кўб мурид пайдо бўлди ва хонақоҳ ва остона бино топди ва неча муддатлар иршод мақомида ва халқни даъват этмақда мутамаккин¹⁹ эрдилар ва толиби содиқларни тариқи Ҳақга далолат этдилар ва аларга одоби тариқатда васиятномаи турурким, фарзанди маънавийлари Хожа Авлиёи Кабир²⁰ қуддиса сирруҳу учун ёзиб эрдилар, муштамил бўлган фавоиди жазаъила ва авойили жалила²¹ғаким, ҳамма соликларга андин гузир²² йўқ турур. Ул васаёларнинг жумласидин турур бу неча фуқарайи жомияъаким, таяммун ва табаррук расми била ирод топар.

Раишҳа. Айтубдирларким, васият қилурман сени, эй фарзандим, илму адабга ва тақвога жамияъи аҳволда ва лозим бўлсин сенгаким, осори салафни татаббуъ этмак, суннат ва жамоатга мулозим бўл, фикҳ ва ҳадис ўргангил ва жоҳил сўфийлардин парҳиз этгил, ҳамиша намозни жамоат бирла ўқуғил бу шарт билаким, имом ва муаззин бўлмағайсан, ҳаргиз талаби шуҳрат этмаким, офат турур, мансабе бирла муқайяд бўлма, доимо гумном²³ бўлғил, қибола²⁴ларда отингни ёзмағил, маҳкамаи қазога ҳозир бўлма, ҳеч бир одамга кафил бўлма ва ҳеч бир киши васаёсиға дохил бўлма, мулук ва абнои мулук била суҳбат тутмағил ва хонақоҳ бино қилмағил ва хонақоҳда ўлтурмағил, самоъ²⁵ни кўб этмағилким, самоъ этмоқдин нифоқ пайдо бўлур кўп вақт, ул вақтларда самоъ дилни ўлдурур ва самоъга инкор этмаким, самоъга асҳоби самоъ кўб турурлар. Оз сўзлагил ва оз егил ва оз уйқулагин. Ва халқдин қочғил, андоғким шердин қочарлар. Ва ўз хилватингга мулозим бўлғил ва амрад²⁶лар ва хотинлар ва мубтадиъ²⁷лар ва бойлар ва омилар бирлан суҳбат тутмағил. Ҳалол егил ва шубҳадан парҳиз этгил ва то қўлингдин келиб сақлансанг, хотин олмағилким, толиби дунё бўлурсан ва дунё талабида дин(ни) барбод берурсан. Кўб кулмағил ва қаҳқаҳа уриб кулмоқдин ижтиноб этгилким, кўб кулмак кўнгилни ўлтирур ва керакким, барча кишига шафқат кўзи била қарағайсан ва ҳеч фардени ҳақир санамағил. Зоҳирингга оро бермағилким, зоҳирнинг

ороиши ботиннинг ҳароблиғидин турур. Халқға мужодала этмагил ва кишидин нимарса талаб этмагил ва кишига хизмат буюрмагил ва машойихға мол била ва тану жон била хизмат қилғил ва аларнинг афъолиға инкор этмагилким, аларнинг мункири ҳаргиз растакорлик топмас. Бас, дунёға ва аҳли дунёға мағрур бўлма, керакким, кўнглинг ҳамиша андуҳлиқ бўлсин ва баданинг бемор ва кўзунг гирён ва амалинг холис бўлсин. Ва тазарруъ била дуо қилғил ва либосинг кўҳна ва рафиқинг дарвиш ва дастмоя санга илми фикҳ ва уйинг масжид ва мунисинг Ҳақ субҳанаҳу ва таоло бўлсин.

Рашҳа. Ва яна Ҳазрати Хожа (Абдулҳолиқ)нинг калимоти қудсияларидин турур ва бу саккиз иборатким, хожагон қоддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқаларининг биноси онга турур: *хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёдқарг, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт*. Буларнинг ғайри барча *пиндошт*, яъни ушбу ғурур турур.

Махфий қолмасинким, бу тоифаи алийя мусталаҳоти жумласидин яна уч калима турур: аввал — вуқуфи замоний, вуқуфи ададий ва вуқуфи қалбидирким, жумласи ўн бир калима бўлур.

Вақтеким, Ҳазрати Хожа (Абдулҳолиқ) сархалқай силсилаи хожагон турурлар, ложарам, бу мақомда аларнинг алфози мусталаҳ²⁸лариким, бу азизларнинг тариқларини билмак онга мавқуф турур, бу тоифанинг ибрати шарифалари била ўн бир рашҳанинг зимнида шарҳе топар, байнул ижмол ват тафсил. Валлоҳу яқулул ҳақ ва ҳува яҳдиссабил²⁹.

Рашҳа 1. «Хуш дар дам» ул турурким, ҳар нафасеким, ичкаридин келур, керакдирким, ҳузур ва огоҳлик юзидин бўлса ва ғафлат онга йўл топмаса. Ҳазрати Мавлоно Саъдиддин Кошғарий қоддасаллоҳу руҳаҳу айтибдирларким, «хуш дар дам, яъни бир нафасдин интиқол этмак яна бир нафасга, керакки, ғофиллиқ юзидин бўлмай, ҳузур важҳидин бўлсин ва ҳар нафасеким урар Ҳақ субҳанаҳудин холи ва ғофил бўлмасин». Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) айтубдирларким, «бу тариқда риояти ҳифзи нафасини муҳим тутибдирлар, яъни керак жамияти анфос ҳузур ва огоҳлик наътиға масруф бўлсин ва агар киши муҳофазати нафас қилмаса, айтурларким, фалон киши нафас гум қилибдир, яъни тариқ ва равишни йўқ қилиб турур». Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиси сирруҳу айдиларким, «бинойи корни бу йўлда нафасга

қўймоқ керак, андоқким, замони ҳолнинг муҳимроқ вазифасига машғул бўлмоқни тазаккури мозийдин ва мустақбал³⁰да фикр этмоқдин фориг айлантирсин ва нафасни қўймасинким, зое ўткай. Ва нафасининг хуружи ва духулида ва мобайн ун-нафасайнни³¹ ҳифз этмақда саъе қилсинким, гафлат бирла кириб чиқмасин».

Рубоий:

*Эй монда з-баҳри илм бар соҳили айн,
Дар баҳр фароғат асту бар соҳил шайн.
Бардор сарфи назар з-мавжи кавнайн,
Огоҳ; ба баҳр бош байн ан-нафасайн.*

*(Эй илм денгизига кирмай, булоқ лабига қолган киши,
Денгизда фароғат бор, соҳилда эса бахтсизлик.
Дунёнинг мавжланишига хуш назар ила боқма,
Ҳар икки нафас ўртасига денгиздан огоҳ бўл).*

Ҳазрати Маҳдумий Мавлоно Нуруддин Абдураҳмон Жомий қуддиси сирруҳуссомий³² «Шарҳи рубоийёт»ни охирида келтирибдирларким, Шайх Абулжаноб Нажм ул-Кубаро қоддасаллоҳу таоло руҳаҳу «Фавотиҳу-л-жамол» деган рисоласида айтубдирларким, зикреким жорий турур нуфуси ҳайвонотға аларнинг зарурий нафаслари турур ва анинг учунким, нафаснинг кирмагида ва чиқмоғида. Ҳарфи «ҳо»ким Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг ғайби ҳувийятига³³ ишорат турур, они айтилур. Агар хоҳласинларким, агар хоҳламасинларким, муборак «Оллоҳ»дағи ҳарфи «ҳо» шул ҳарф турур ва «алиф»-«лом» таъриф учундир ва ташдиди «лом»³⁴ ул таърифиди муболаға учун турур. Бас, керақдирким, толиби хушманда Ҳақ субҳанаҳу ва таоло анинг малҳузи бўлсин, нафаснинг хуруж ва духулида воқиф бўлсинким, нисбати ҳузури маъаллоҳ³⁵да футур воқеъ бўлмасин, то етишур ул жойгаким, ул нигоҳдоштда такаллуф била айта билмаским, бу нисбатни ўзидин узоқ қилса.

Рубоий:

*«Ҳо» ғайб ҳувийят омад, эй ҳарфшунос,
Ва анфоси тўро бувад бар он ҳарф асос.*

*Бош огоҳ аз он ҳарф дар уммеғу ҳарос,
Ҳарфе ғўфтам шуграф агар дори пос*

*(«Ҳо» Оллоҳнинг борлиқ моҳият ҳарфи, эй тадқиқотчи,
Сенинг олаётган нафасинг шу ҳарф асосидагир.
Умид ва қўрқинчда сен шу ҳарфдан огоҳ бўлгил,
Агар диққат қилсанг, ногир сўзни айтдим).*

Махфий қолмасунким, ғайби ҳувийятким, Ҳазрати Маҳдумий (Абдурахмон Жомий) бу рубоийда айтибдирлар, таҳқиқнинг истилоҳида иборатдир зоти Ҳақ субҳанаҳудин ло таъйин эътибори била, яъни итлоқи³⁶ ҳақиқий шарти бирлаким, лафзи итлоқ била ҳам муқайяд эрмасдир ва мумкин эрмасдирким, бу мартабада ҳеч илме ва идрок асло онга тааллуқ топғай ва бу ҳайсийятдин мажҳули мутлақ турур.

Раҳша 2. «Назар бар қадам» улдирки, соликка юрганда ва келганда шаҳару саҳрода ва барча ерда назари пушти пойида бўлсин, токим анинг назари пароканда бўлмасин ва дуруст эрмас жойга тушмасин. Ва лойиқдирким, назар бар қадам ишорати бўлса солик сайрининг суръатиға ҳастий³⁷ликнинг масофатларини қатъ этмақда ва худпарастликнинг уқболарини тай қилмоқда, яъни назари ҳар ерда мунтаҳи бўлса, филҳол анга қадам қўяр, ул нимарсаким, Абу Муҳаммад Рувайм қуддиса сирруҳу айтибдирларким: «Адабул мусофири ан ла йужавиза ҳиммата қаддамаҳ», яъни солики мусофирнинг адаби буким, ҳиммат қадамиға тажовуз этмаслиқдир, бу маъноға ишорат турур. Ва Ҳазрати Маҳдумий китоби «Тухфату-л-аҳрор»да Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳунинг манқабатларида бу мазмунни назмға бу янглиғ келтириб турурлар.

Маснавий:

*Кам зада беҳамдамийи куш дам,
Дар нағзашта назараш аз қадам.
Баски зи худ карда бе суръат сафар,
Боз намонда қадамаш аз назар*

*(Ҳушёрликсиз бирор нафас ҳам олмаган,
Назари қадамидин ўзга ерда бўлмаган.*

У ўзлигидин суръат билан сафарга, яъни узоққа кетган,
 Ҳар бир қадами назардан ҳоли бўлмаган).

Рашҳа 3. «Сафар дар ватан» ул турурким, солик табиати башарийда сафар қилур, яъни сифати башарийдин сифати малакийга ва сафати замима³⁸дин сифати ҳамидага интиқол этар. Ҳазрати Мавлоно Саъдудин (Кошғарий) қуддиса сирруҳу айтиб турурларким, шахси хабис³⁹ ҳар ерга интиқол қилса, хабосат андин зойил бўлмас, то сифати хабасадин интиқол этмагунча ва пушида⁴⁰ эрмастурким, машойихи тариқат қоддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг ҳоллари сафар ва иқоматда мухталиф⁴¹ тушибдир. Алардин баъзилари ибтидода сафар қилурлар ва ниҳоятда муқим бўлурлар. Ва баъзилари бидоятда муқим бўлурлар ва ниҳоятда сафар қилурлар. Ва баъзилари бидояту ниҳоятда муқим бўлурлар ва сафар қилмаслар. Ва баъзи бидояту ниҳоятда сафар қилурлар, муқим бўлмаслар. Ва бу тўрт фирқадан ҳар тойифага сафар этмак ва иқомат қилмоқда нияти содиқ ва ғарази саҳиҳ бор турур, андоғким, таржимаи «Авориш»⁴²да машҳур турур. Аммо Ҳожагон қоддасаллоҳу таоло асрораҳум тариқалари сафар ва иқоматда ул турурким, бидояти ҳолда ул чоғлиқ сафар қилурларким, ўзларини бир азизнинг мулозаматиға еткурурлар. Бас, анинг хизматида муқим бўлурлар ва агар ўз вилоятларида ҳам бу тоифадин киши топсалар, тарки сафар қилиб, анинг мулозаматида бўлурлар ва огоҳлиқ малакасининг таҳсилида саъйе жамил⁴³ тақдимға етурлар.

Сифати малака ҳосил бўлгандин сўнг сафар ва иқомат баробар турур.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор) айтурларким, мубтадийға сафарда паришонлиқдин бошқа ҳеч ҳосил йўқтур, вақтеким, толиби азизенинг суҳбатига етушди, онга ўлтурмак керак ва сифати тамкинни ҳосил этмак керак ва Ҳожагон қоддасаллоҳу арвоҳаҳум нисбатлари малакасини қўлга келтурмак керак, андин сўнг ҳар ергаким борур ҳеч монеч йўқтур.

Рубоий:

Ё Раб, чи хуш аст бе даҳон хандиган,
 Бевоситаи чашм жаҳонро диган,

Биншин, сафар кун, ки бағоят хўб аст,
Безаҳмати по гирди жаҳон гардидан.

(Эй парвардигор, оғиз бўлиб туриб, оғизсиз кулмоқ,
Кўзсиз бутун жаҳонни кўриб турмоқ қандай соз.
Бир жойда ўтириб, сафар қилиб, жаҳон атрофини,
Оёққа заҳмат етказмай сайр этиш нақадар яхши).

Ҳазрати Маҳдумий (Абдурахмон Жомий) қуддиса
сирруҳу «Ашиъату-л-ламаъот»да бу байтнинг шарҳидаким:

Ойнаи сурад аз сафар дур аст,
Кон пазирои сурад аз нур аст
(Ўзи сурадни қабул қилувчи ойна,
Сурад каби сафар қилишдан узоқдур,
негаки унинг сурадини қабул қилиши нур туфайлидур).

Шундоғ айтибдирларким, яъни ойнаи суварийким, иборат ондан маскул⁴⁴ бўлган темир турур, онда нозирнинг суради интибоҳи⁴⁵ учун ҳожат онга йўқтурким, сураднинг тарафига сафар қилса ва ҳаракат кўргузса, анинг учунким, қабули сурад этмаги нурийят жиҳатидин ўз ваҷҳи турур, ҳар нимарса анинг ваҷҳи муқобаласида бўлса онда кўринур ва анинг суради онда мунтабиъ⁴⁶ бўлур ва сурад тарафига анинг ҳаракати бўлмас. Бу янглиғ, вақтиким, кўнгилнинг ойнаи маънавийси сувари кавнийя хушуноти⁴⁷дин халос топди, сафо ва нуронийлиқ била мавсуф бўлди ва табиий хостлар зулумоти андин зойил бўлди, тажаллиёти зот ва сифати илоҳияни қабул этмақда сайру сулукка ҳожат йўқтур, анинг учунким, анинг сайри сулуки, ваҷҳи қалбнинг тасқили ва тасфияси⁴⁸дин иборатдир, вақтеким, ул мартабайи сафо ва сиқолатга етишди, сафар этмак ва сайри сулук этмақдин мустағний бўлди.

Рашҳа 4. «Хилват дар анжуман». Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қоддасаллоҳу таоло арвоҳаҳумдин сўрдиларким, «сизнинг тариқангизнинг биноси не нимарсага турур?» Айдиларким, «хилват дар анжуман, базохир боҳалқ ва баботин боҳақ»⁴⁹.

*Аз гарун шав ошинову в-аз берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш ком мебувад ангар жаҳон
(Ичдан Ҳақ билан ошно бўл, таш(қари)дан бегонадек
тут, Жаҳонда бундай чиройли йўл кам бўлади).*

Ончаким, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло буюрибдирким: «Рижолун ла талҳиҳим тажоратун вала байъун ан зикриллаҳи»⁵⁰ бу мақомга ишорат турур, ва айдиларким, нисбати ботиний бу тариқада андоғ тушибдирким, дилнинг жамъияти малода ва сурати тафриқа кўброқ андин турурким хилватда. Ва айдиларким, бизнинг тариқимиз суҳбат турур ва хилватда шуҳрат ва шуҳратда офат, хийрият жамъиятда турур ва жамъият суҳбатда бу шарт билаким, бир-бирларида нафъий бўлсалар.

Ва Хожа Авлиёи Кабир қуддиса сирруҳу айдиларким, зикрда мустағрағлиқ⁵¹ ва машғуллиқ мартабасига етишурким, ҳақиқати дилга зикрнинг ғалабасидин, агар бозорга кирса ҳеч сўз ва овоз эшитмас.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳи Аҳрор) айдиларким, жидду эҳтимом юзидин зикрга машғул бўлган сабабли беш-олти кунда бу мартабага егуширларким, одамларнинг ҳамма овози ва ҳикоятлари зикр кўринур, ўз сўзини ҳам зикр эшитур, саъйи эҳтимом этмай бўлмас.

Раиҳа 5. Ёдқард — ул иборатдир зикри лисоний⁵² ё зикри қалбий⁵³дин.

Мавлоно Саъдудин Кошғарий⁵⁴ қуддиса сирруҳу айтибдирларким, зикри таълимийнинг тариқи улдирким, аввал шайх дил бирла айтур «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадир расулуллоҳ», мурид кўнглини ҳозир қилур ва шайхнинг кўнгли муқобаласида тутар ва кўзини очиб ва оғзини маҳкам тутиб, тилини оғзида ёпиштириб ва тишларини ҳам маҳкам тутиб, нафасини олмай, таъзим ва қуввати тамом бирла зикрга шуруъ этар. Шайхга мувофиқ бўлиб ва кўнгли била айтур ва тили била ва ҳибси нафас этмақда сабр қилсин, бир нафасда уч маротаба айтсин, андоғким, зикрнинг ҳаловати асари кўнгилга етишсин.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳи Аҳрор) ўз «Калимоти қудсия»ларининг баъзисида ёзибдирларким, зикрдин мақсад улдирким, кўнгил ҳамиша муҳаббат ва таъзим вазъи

била Ҳақ субҳанаҳу ва таолога огоҳ бўлсин. Агар арбоби жамъиятнинг суҳбатида бу огоҳлиқ ҳосил бўлса, ҳулосайи зикр ҳосил бўлиб турур. Мағзи ва руҳи зикр ул турурким, кўнгил Ҳақ субҳанаға огоҳ бўлса ва гар суҳбатда бу огоҳлиқ ҳосил бўлмаса тариқ ул турурким айтилуру. Ва тариқиким анинг нигоҳдошти осонроқ бўлуру, бу турурким, дами зери ноф⁵⁵да ҳибс этиб, лабини лабига ёпиштириб ва тилини оғизда бар важҳе тутсинким, нафас ичкарида кўб танг бўлмасин. Ва ҳақиқати дилким, иборат турур ул мудрики даррок⁵⁶динким, ҳар тарафға боруру, дунё ва мусолаҳаи дунёнинг андишасининг ҳамма(сини) ул қилуру ва турфату-л-айнда⁵⁷ анга осмонга бормоқ ва тамоми оламни сайр этмак муяссардир (унинг) ҳамма андишалардин безор этсин. Ва они гўшти пораеким, сановбарнинг сураида туруру, онга мутаважжиҳ қилсин ва они зикр айтмоқға машғул этсин, бу тариқадаким, калимаи «ло»ни тарафи болоға тортсин ва калимаи «илоҳа»ни ўнг қўл тарафиға ҳаракат берсин ва калимаи «иллоҳ»ни дили сановбарға қаттиғ урсин, андоғким, осори ҳарорати тамоми аъзосига етишсин. Ва тарафи нафъийда жамийи муҳаддисотнинг вужудини назари фано ва ноҳостанлиқ била мутолаа этмак керак ва тарафи исботда вужуди Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг назари бақо ва мақсудлиқ била мулоҳаза қилмоқ керак ва жамийи авқотини бу зикрга мустағрақ айлантисун ва ҳеч бир шуғл сабабли андин кейин қолмасин, то бу калима тақрори воситаси била сураи тавҳид кўнглида қарор тутар ва зикри кўнгилнинг сифати лозими айлануру.

Рашҳа 6. «Бозгашт»⁵⁸ улдирким, ҳар мартабаеким, зокир тили ва кўнгли бирла «калимаи таййиба»ни айтур анинг изида шул тил била айтсин: «Худовандо, манинг мақсудим сентурурсан, сенинг ризонг туруру», анинг учунким, бу калимаи бозгашт нафъи этгучидир ҳар хавотирениким, яхши ва ямондан келуру, то анинг зикри холис бўлсин ва анинг сирри мосуводин фориг айлануру. Ва агар мубтадий бидояти зикри калимаи бозгаштда ўзидин сидқ мавжуд топмаса, керакким, они тарк этмасин, анинг учунким, даража-бадаража сидқнинг асарлари зоҳир бўлуру.

Хизмати Мавлоно Алоуддин алайҳирроҳмаким, Ҳазрати Мавлоно Саъдудин (Кошгарий) қуддиса сирруҳунинг ажиллайи асҳобларидин эрди, айтибдирларким, мабодийи

аҳволдаким, Ҳазрати Маҳдумдин таълими зикр олиб эрдим, зикри бозгаштга маъмур бўлдим, вақтеким айтур эрдим: «Худовандо, менинг мақсудим сентурурсан ва сенинг ризонг турур»; манга бу зикрни айтмоқдин шарм келур эрди, анинг учунким, бу қавлда содиқ эрмас эрдим, сариҳ билур эрдимким, ёлгон айтурман. Бир кун бу хаёлга тушиб, аларнинг ёнларига бордим, айдиларким, Шайх (Умар) Баҳоуддиннинг ёнларига борурмиз. Мулозаматларига бордим, вақтеким, ўлтурдим, Шайх айдилар: «Ҳазрати Шайх Рукнуддин Алоуддавла қуддиса сирруҳу айтиб турурларким, солиқ ҳар неча ўзидин талабда сидқ топмаса, лекин айтмоқ керакким: «Худое, мақсадим сентурурсан», то вақтеким ҳақиқати сидқ зоҳир бўлур». Вақтеким Ҳазрати Шайхнинг ёнларидан ташқари чиқдик, Ҳазрати Маҳдум айдилар: «Шайх аҳли жазба турурлар ва истилоҳ билмаслар». Бу сўз маъноси манга пўшида қолди, то неча муддатдин сўнг зоҳир бўлдимким, аларнинг ғаразлари ул сўздин бу эрдиким. Шайх тариқи жазба бирла тарбият топибдирлар на сулук тариқи билан. Ва тариқи иршодни билмай турурлар, анинг учунким, ҳануз ул маҳал йўқ эрдиким, Шайх они фақирга зоҳир этсалар, ул жиҳатдинким, то Шайхдин эшитганим йўқ эрди, бозгаштда ул калимани сўзу ниёз юзидин айтур эрдим ва ул айтмоқда мунфаил ва хижил эрдим. Вактеким, Шайхдин эшитдим ул сўзу ниёз ва инфиол ва хижолат қолмади.

Рашҳа 7. «Нигоҳдошт»⁵⁹ — ул иборатдир мулоқабайи хавотирдин, андоқким, бир дамда неча мартаба «калимаи таййиба»ни айтурким, хавотири ғайрига ташқари кетмас.

Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин (Кошғарий) қуддиса сирруҳу бу калиманинг маъносида айтиб турурларким, бир соат ва икки соат ва икки соатдин зиёда, у миқдорким муяссар бўлур, хавотирни сақласин, андин сўнг ғайри анинг хавотирига ўтқай.

Хизмати Мавлоно Қосим алайҳир роҳмаким, Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳи Аҳрор)нинг асҳоби махсусларининг улуғларидин эрди, бир кун тақрибан айдиларким, нигоҳдоштда малака ул даражага етишибдирким, тулуъи фажр⁶⁰ вақтиндин то улуғ чоштвоҳгача кўнгилни ағёрнинг хутуридин сақлаб бўлур, бар важҳеким, шул миқдор замонда қуввати мутаҳаййила ўз амалидан маъзул бўлур.

Пушида қолмасунким, қуввати мутахаййиланинг тамоми амалидин маъзул бўлгани, агарчандиким ярим соат ҳам бўлса, аҳли таҳқиқнинг наздида бағоят амри азим турур ва ул наводирлардин турур ва куммали авлиёуллоҳ⁶¹га аҳёнан бу маъни даст берур. Андоғким, Ҳазрати Шайх Муҳйиддини Арабий қуддиса сирруҳу «Футуҳоти Маккий»да ул жойдаким сужуди қалбни баён этибдирлар ва Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий қуддиса сирруҳунинг саволлари ва жавобларида бу баҳснинг таҳқиқини этибдирлар, анинг тафсили бу мақомга лойиқ эрмас турур.

Рашҳа 8. «Ёддошт⁶²ким, мақсуд андин ҳама ул турур Ҳақ субҳанаҳу ва таолоға батариқайи завқ доимо огоҳ бўлмоқдин иборатдир ва баъзи бу иборат бирла айтибдирларким, ҳузури беғайбат турур. Ва аҳли таҳқиқининг наздида мушоҳадаеким, кўнгилга шухуди Ҳақ субҳана ҳубби зотининг тавассути⁶³ била истило топар ҳусули ёддоштин киноя турур.

Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳи Аҳрор)дан бу тўрт калимаким, мазкур бўлди, анинг шарҳида бу иборатларни айтибдирларким, ёддошт иборатдир зикрда такаллуф этмақдин; ва бозгашт иборатдир Ҳақ субҳанаҳу ва таоло(ға) ружуъ этмақдин ул важҳ билаким, ҳар мартаба калимаи таййибани айтур, анинг изидин кўнгилда андиша қилур: «Худовандо, мақсудим сентурурсан» ва нигоҳдошт тил била айтмай, бу ружуънинг муҳофазатидин иборатдир ва ёддошт иборатдир нигоҳдошда росух⁶⁴ бўлмақдин.

Рашҳа 9. «Вуқуфи замоний». Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу айтиб турурлар, вуқуфи замонийким, йўл юргувчиларнинг коргузорандаси⁶⁵ турур, ул турурким, банда ўз аҳволига воқиф бўлсинким, ҳар замонда анинг сифати ва ҳоли не турур: мужиби шукр турурму ё мужиби узр?

Ва Ҳазрати Мавлоно Яъқуб Чархий қуддиса сирруҳу айтиб турурларким, Ҳазрати Хожаи Бузург, яъни Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу қабзи ҳолатда мени истигфорға амр этдилар ва баста ҳолатда шукр этмаққа буюрдилар ва айдилар: «Бу икки ҳолнинг риояси вуқуфи замоний турур».

Ва яна Ҳазрати Хожаи Бузург айдиларким, бинойи кори солиқни вуқуфи замонийда соатға кўйиб турурлар, то нафасни топгунча бўлсинким, ҳузур била ўтарми ё ғафлат била? Агар нафсға бино этсалар, бу икки сифатни топгучи

бўлмас. Вуқуфи замоний суфия қоддасаллоҳу арвоҳаҳум наздида муҳосабадин иборат турур. Ва Ҳазрати Хожа Бузург айтиб турурлар: «Муҳосаба улдирким, ҳар соатдин унча бизларга ўтиб турур гафлат била(н)ми ўтибдир ва ҳузур била(н)ми ўтибдурур кўрармиз, барча нуқсон турур, бозгашт этармиз ва амални янги бошдин тутармиз».

Раиҳа 10. «Вуқуфи ададий» ва ул зикрда ададни риоя этмақдин иборатдир.

Ҳазрати Хожаи бузург Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу айдилар: «Зикри қалба ададни риоя этмак пароканда бўлган хавотирларни жамъ этмак учун турур». Ва улчаким Хожагон қоддасаллоҳу арвоҳаҳум каломларида воқедирким, фалоний фалонийни вуқуфи ададийга амр қилибдир, мақсуд (андин) зикри қалб турур риояи адад била ва мужаррад риояи адад эрмастур зикри қалбийда. Ва зокир керакким бир нафасда уч мартаба ё беш мартаба ё етти мартаба ё йигирма бир мартабага айтсин ва ададни тоқ қилмоқни лозим санасин.

Ҳазрати Хожа Алоуддин Аттор қоддасаллоҳу таоло руҳаҳу айтибдирларким: «Кўб айтмоқ шарт эрмас, керакким, ҳар неча айтсин вуқуф ва ҳузур юзидин бўлсин, то онга фойда мутараттиб айланур. Вақтеким, зикри қалбийда адад йигирма бирдин ўтса ва асар зоҳир бўлмаса, ул амалнинг беҳосилилигига далил бўлур ва асари зикр ул бўлурким, замони нафъийда вужуди башарият манфий бўлур ва замони исботда тасарруфоти жазаботи улўҳийятнинг асарларидин асарени мутолаа этилур. Ва ул нимарсаким, Ҳазрати Хожаи бузург айтибдирлар вуқуфи ададий илми ладунийнинг аввал мартабаси турур. Эҳтимоли бордирким, аҳли бидоятга нисбат аввали мартабаи илми ладуний бу тасарруфоти жазаботи улўҳийят асарларини мутолаа этмак бўлурким, Ҳазрати Хожа Алоуддин айтибдирлар. Анинг учунким, кайфияте ва ҳолатедирким, мувассил турур мартабаи қурбга ва илми ладуний ул мартабада макшуф бўлур. Ва аҳли ниҳоятга нисбат вуқуфи ададийким, илми ладунийнинг аввалги мартабаси турур, ул бўлурким, зокир воҳиди ҳақиқийнинг эъдоди кавний⁶⁶ мартабаларида сараёнийнинг сиррига воқиф бўлур, андоқким, эъдод ҳисоби мартабаларида воҳиди адади сараёнийга воқиф турур.

Байт:

Эъдоги кавн сурати касрат намойишист,
Фал-қулли воҳидун йатажалла би кулли шаън
(Дунёдаги нарсалар кўплик шаклида кўрилади,
Барчаси биттадир, кўп нарсада жило қилади).

Муҳаққиқларнинг акобирларидин бирлари бу
мазмунни шундоғ айтибдир.

Байт:

Касрат чу нек нигари айни ваҳдат аст.
Моро шаке намонг гар тўро шакист
(Кўп нарсага яхшилаб қарасанг, аслида биттадир,
Сенда шубҳа бўлса ҳам, бироқ бизда шубҳа
қолмади).

Ва «Шарҳи рубоиёт»да айтибдирлар.

Рубоий:

Дар мазҳаби аҳли кашфу арбоби хирад,
Сорист аҳаг дар ҳама афроди агад.
Зероки агад гарчи берун аст зи ҳаг,
Ҳам сурату гам моддааш ҳаёт аҳаг

(Авлиё аҳли ва ақл арбоблари мазҳабида,
Битта нарса барча нарсада зоҳирдир.
Кўплик гарчи саноқдан ташқари бўлса ҳам,
Аслида кўриниши ва моддаси ягонадир).

Ҳақиқатдан бу вуқуф турурким, илми ладунийнинг
аввал мартабаси турур. Валлоҳу таоло аълам. Пушида
қолмасинким, илми ладуний илме турурким, аҳли қурбға
таълими илоҳий ва тафҳими раббоний била маълум ва мафҳум
бўлур, далоили ақлий ва шовоҳиди нақлий била эрмас.
Андоғким, каломи қадим Хизир алайҳиссалом ҳақида буюриб
турур: «Ва алламнаҳу мин ладунна илман». Илмул яқин ва
илми ладуний аросида фарқ бу турурким, илмул яқин
иборат турур нури зотни ва сифати илоҳийни идрок
этмақдин. Ва илми ладуний идроки маъонийдин ва Ҳақ

субҳанаҳу ва таолодин илҳом тариқи била калималарини фаҳм этмақдин киноя турур.

Рашҳа 11. «Вуқуфи қалбий» ул турурким, ул икки маънига маҳмуддир. Бири улким, зокирнинг кўнгли воқиф ва огоҳ бўлур Ҳақ субҳанаҳо ва таоло(дин) ул ёддошт мақула⁶⁷сидин турур. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳи Аҳрор) ўз «Калимоти қудсия»ларининг баъзисида ёзибдирларким, вуқуфи қалбий иборат турур кўнгилнинг жаноби Ҳақ субҳанаҳу ва таолоға огоҳ ва ҳозир бўлмагидин, бар важҳеки, кўнгилда Ҳақ субҳанаҳу ва таолодин бошқа ҳеч бойисти ва хости бўлмасин. Ва яна бир жойда айтибдирларким, мундоғ зикрда мазкурга иртибот ва огоҳлиқ шарт турур ва бу огоҳлиқға шуҳуду вусул ва вужуду вуқуфи қалбий деб айтурлар. Ва давомнинг маъниси ул турурким, зокир кўнгилдин воқиф бўлсин, яъни аснои зикрда бу қитъаи лаҳми санавбар аш-шаклга мутаважжих бўлсинким, они мажозон кўнгил дерлар ва чап тарафда чап пистоннинг баробарида воқеъ турур. Ва они зикрга машғул ва гўё айлантисин ва қўймасинким, зикрдин ва зикрнинг мафҳумидин ғофил ва зоҳил айлансин.

Ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қоддасаллоҳу таоло сирраҳу зикрда ҳибси нафас ва риояти ададни лозим санамас эрдилар, аммо вуқуфи қалбийни ҳар икки маънигаким, айтилиб эрди, муҳим тутар эрдилар, анинг учунким, ҳулосаи зикрдин улча улдир вуқуфи қалбийда турур.

Байт:

Монанди мурғи бош ҳон бар байзаи дил посбон,

К-аз байзайи дил зоядат мастиу завқу қаҳқаҳа.

(Дил тухуми устуда товуқ каби посбон бўл,

Дил тухумидан мастлик, завқ ва қаҳқаҳа туғилади.)

Вақтеким, Хожа Абдулҳолиқ қоддасаллоҳу таоло сирраҳуға вафоти яқин етишди асҳобларидин тўрт кишиниким, мазкур бўлур, мақоми даъват ва иршодда мустафид⁶⁸ топдилар ва Ҳазрати Хожанинг нақлидин сўнг бу тўрт бузургнинг ҳар бирлари иршод амрига қиём кўргиздилар ва халқларни Ҳақға даъват қилдилар. Ва Ҳазрати Хожанинг вафотларида сана олти юз ўн еттида (1220) эркан ва

сармозорлари дағи иморатнинг хошиясиға бу қитға
ёзилибдирким, вафотларининг таърихида айтибдирлар.

Байт:

Бандаи мухлис басуи холиқи ҳуд шуд равон,
Чун садои «иржиъи» бишнид шуд таълими ў.
Ў чу дар рӯзи азал тақсими карда ҳарчи ҳаст,
То абад таърихи фавти Хожа шуд тақсими ў
(«Қайт» сагосини эшитгач,
Мухлис банда ўз яратувчиси сари равона бўлди,
Рӯзи азалда ҳар бир нарсa тақсими қилинган,
Хожанинг вафот йили ҳам «тақсими у» сўзи бўлди).

Шайх Нажмиддин Кубро (1145—1221)

Тўла исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Абулжанноб Нажмиддин ал-Хивақий ал-Хоразмийдир. Шайх Нажмиддин (гин юлдузи), Шайхи валитарош (валоятга етишадиганларни тарбияловчи), Абулжанноб (Оллоҳдан қўрқувчилар отаси), Шайх Кубро (улуғ шайх) унвонлари билан ҳам юритилади.

Хивада таваллуд топган. Ёшликдан ўз пирини излаб Мисрга боради ва Рўзбеҳон ал-Ваззон Мисрийга ҳам мурид, ҳам куёв бўлади. Сўнгра Табризга бориб, Абу Мансур Хафддан «шарҳу-с-сунна»ни ўрганади, Исмоил Касрий қўлидан хирқа кияди. Мисрга қайтгач, Рўзбеҳоннинг тавсияси билан Хоразмга келиб, хонақоҳ қуради. Кубровийлик ёки заҳабийлик тариқатига асос солган.

Кубровий шайхлари Мажидиддин Богдодий (Фаридиддин Атторнинг пири), Саъдиддин Ҳамавий, Бобо Камол Жандий, Сайфиддин Бохарзий, Нажмиддин Розий ва б. машҳур шогирдлар етиштирган.

Ҳожи Халифанинг «Тухфату-л-фуқаро», «Сафинату-лавлиё», «Хазинату-л-асфиё», Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс», Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий (Фаноий)нинг «Мажолису-лушшоқ», «Таройиқу-л-ҳақойиқ», «Мажолису-л-мўъминин», Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат», Лутф Алибек Озарнинг «Оташкада», «Тарихи гузида», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Риёзу-л-орифин», Азизиддин Насафийнинг «Зубдату-л-ҳақойиқ» асарларида улуғланган.

«Усули ашара», «Рисола илал ҳоим», «Фавотиҳу-л-жамол» в.б. асарлар ёзган. Бизгача етиб келмаган «Тафсир» муаллифи ҳамдир. Форс тилида ўнлаб тасаввуфий рубоийлар (Жамол Камол, Матназар Абдулҳаким, Эргаш Очил таржималари) яратган.

Кубровийлик тариқатининг излари акс этган бағийй адабиёт намуналари сифатида Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари ва Оғаҳийнинг айрим ғазаллари тилга олинади.

**«УСУЛИ АШАРА»
(Ўн усул ва шарҳи)**

**1. Оллоҳга элтувчи йўлларнинг агади махлуқотнинг
нафаслари қадар беҳисоб¹.**

Мазкур калима арбоби тасаввуфнинг энг машҳур сўзларидан бўлиб², унинг хилма-хил шарҳлари мавжуд.

1. Бундаги нафас инсоннинг оғиз ва бурнидан кириб-чиқадиган ҳаво бўлиб, унинг бир кунлик миқдори йигирма тўрт мингга яқиндир. Шу боис ҳар ким умр бўйи олган нафасича Ҳаққа борувчи йўл имкониятига соҳибдир.

Йўлчи қадам ба қадам илгариларидек, бу йўлда сабот кўрсатганлар ҳам ҳар нафасда Оллоҳга тобора яқинлашиб борурлар. Аслида йўл ягонадир. Аммо ҳар одим манзил ниҳоясига олиб борувчи восита бўлганлигидан ҳам ҳар қадам олдинга юриш ва илгарилаш ҳисобланган. Шунинг учун «Ҳар бир инсон нафасини ва вақтини муҳофаза қилиши керак» дейилгандир. Зеро, нафас ва вақт беҳуда сарфланаркан, кун, кунни қадрламаслик билан ой, ой билан эса йил, ва ниҳоят, шу тариқа бутун бир умр зое кетади.

Бу ҳақда Санойи (ваф. 526/1131) бир байтида шундай дейди: «Чин сўфий Оллоҳ мушоҳадаси завқи билан маст бўлганлигидан ҳар нафасда икки байрамни нишонлар: бири — нафас олишда, иккинчиси эса нафас чиқаришда. Бу байрам сайри жамолдан шодланиш ва кўнгилдан кечириладиган ботиний ҳолдан сурур топмоқдир. Сўфийлар бундай байрам билан машғул эканлар, зоҳидларга ўхшаш ўргимчаклар, пашшаларни кабоб қилиб ейдилар».

Яъни зоҳидлар бундай байрамнинг нелигини билмайдилар. қурбон байрамида халқ қурбонлик гўштини чайнаш билан овора экан, аҳли ҳақиқат эзгу иш ва амаллар билан машғул бўлиш учун рағбат кўрсатадилар. Бу билан дунёнинг эмас, балки жаннат ва охират неъматларини кўзлайдилар. Аслида жамоли илоҳийга муяссар бўлиш барча неъматлардан устунроқ ва юксакроқдир. Бироқ «Ман лам язуқ лам яъриф» завқини тотмаган буни қаердан билсин? Ахир таъмни фарқлай билмаган кимсага нима ҳам дейиш мумкин?!»

Савол: Ҳеч бир нафасни зое этмасдан, ҳар нафасда ўша байрам ҳолини яшамок, мумкинми?

Жавоб: Албатта, мумкин. Чунки Ҳазрати Пайғамбар: «Жаннатда бир тоифа борки, Оллоҳ билан улар орасида бир лаҳза бўлсин ҳеч қандай парда бўлмайди», дея марҳамат қилганлар. Улар доимо Ҳақ мушоҳадаси билан машғулдирлар. Бошқа бир ҳадисда эса: «Ё Раб, Сендан Сенинг вазҳу карамингни доимо томоша айлаш лаззатини лутф қилишингни сўрайман» дея дуо қилганлари ривоят қилинади.

Маълум бўлмоқдаки, пайғамбарлар, муқарраблар ва сиддиқлар дея танилган буюк валийлар доимо Унга боқишдан туғилган ҳузуру завқ билан тўлиб тошгандирлар. Чунки улар «Қоба қавсайн»⁴да жамъ ва фарқ⁵, сакр ва сахв⁶ ҳолларини айна бир пайтда яшайдилар. Улар хилма-хил шакллар ва турфа-турфа ҳоллар ила ҳамиша мушоҳада ичида кун кечирадилар. Мақсад-муддаолари эса тажаллийи Мутлақдир. Бунда Ҳақнинг тажаллиси умумий ва таъсири кенг қамровли эмаслигини яхши билмоқ керак. Инсонда шундай қобилият ва қувватлар борки, у халқ билан жисман муносабатларини давом эттираркан, айна вақтда кўнгли ва мушоҳада жазбаси ила истиғроқ ҳолини яшамоғи мумкиндир. Шунинг учун орифнинг нафаси тасбеҳ, уйқуси ибодат эрур. Унинг учун ғафлат йўқдир. У ҳар доим бедор, басирати ҳар лаҳза очиқдир. Мана бу оятларда ҳам шунга ишорат бор: «Унинг оятларидан (яна бири) — кечаси ва кундузи ухлашларингиз ҳамда (кундузлари) Унинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) исташларингиздир. Албатта, бунда англайдиган қавм учун оят—ибратлар бордир»⁷. Бир ҳадисда ҳам: «Инсонлар уйқу ҳолидадирлар. Ўлгачгина уйғонадилар» дейилмиш. Ушбу ҳадисда назарда тутилган инсонлар оддий халқ табақасидирки, улар Ҳаққа томон умумий ва мутлақ ягона бир йўлдан боришни истайдилар. Ҳолбуки, асосий мақсад хусусий ва муқайяд⁸ бир йўл билан Оллоҳга етишмоқдир. Буни пухта англагин!

2. Асмои ҳусно⁹да ҳар бирининг бир қули бор ва бу исм қулни тарбиялаб камолга етказди. Аслида исмлар-ла номланувчи, яъни соҳиби ном ягона Борлиқдир. Исмларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги исм соҳибининг ҳам кўп, турлитуманлигини талаб қилмайди. Аммо маълум бир исмнинг маҳкуми ўша исм йўналиши ва ўша исм шарофатидан Ҳаққа

етади, ўзга томонга чалғимайди. Бу Ҳаққа сулук давриясидир, шунчаки тўғри интилиш эмасдир. Ҳар ким бора-бора «Унга қайтарилгувчисиз» (Бақара 2:28) хабарига мувофиқ Уни орзу қилар ва Унга қайтар, Унга восил бўлар. Бу чизилган бир доира кабидир: унинг интиҳо нуқтаси ибтидо нуқтаси билан бирлашади. Доиранинг марказидаги нуқтага унинг ҳар тарафи кўриниб туради. Ҳар тараф унинг учун доира эрур. Бу гўё Байтуллоҳ атрофидаги қуббаларнинг унга юзланиб туришига ўхшайди...

<...> 3. Дунёда қанча мавжудот бор бўлса, Ҳаққа элтадиган йўл ҳам ўшанчадир. Ва қанчалик гўзал феъл ва ахлоқ бор бўлса, уларнинг ҳар бири Унга етказувчидир, шунинг учун ҳам «Оллоҳнинг ахлоқи билан ахлоқланингиз» ҳадисидан ташқари яна шундай ривоят ҳам бор: «Оллоҳнинг 360 та гўзал ахлоқи бор. Иймон келтирган кимса улардан қайси бири билан бўлмасин, Унинг дийдорига восил бўлса, жаннат аҳлидандир» дейилганида, Ҳазрати Абу Бакр:

— Эй Оллоҳнинг Расули, менда бу ахлоқлардан лоақал бирортаси бормикан? дея сўрадилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.):

— Эй Абу Бакр, сенда буларнинг нафақат биттаси, балки ҳаммаси мавжуд ва уларнинг ичида Ҳақ таолога энг суюкли бўлгани жўмардликдир» дея жавоб бердилар. Бундан маълум бўлмоқдаки, Ҳазрати Абу Бакр жаннатнинг саккиз эшигидан бир йўла кирадилар. Чунки у зот самовий эшиклардан ўтишнинг сабабларини ўзида мужассам қилган ва ҳар ахлоқнинг жазбаси ила Уни топгандир.

Мўъминлар бу ахлоқлар билан Оллоҳга етишадилар, аммо улар орасида ҳам тафовутлар бўлади. Аввал қайд этилганидек, жўмардлик билан етишган қул бошқаларига нисбатан Оллоҳга янада яқинроқдир. Шунингдек, Оллоҳни таниган олимнинг ҳам бошқалардан устунлиги беқиёс даражада муҳаққақдир. Чунки илм илоҳий ва шарафли сифат бўлиб, мавзуимизга бевосита алоқадор шундай фикр ҳам бор: «Оллоҳ билан қул орасида энг гўзал ахлоқ — ризо ва таслимият¹⁰ бўлса, қул билан қул орасидаги энг гўзал хулқ жўмардликдир».

4. Оллоҳга етиштирувчи йўлларнинг кўп бўлиши инсонлардаги санъат ва касб-кор кўплигига ҳам ишорат этади. Чунки султонлик, вазирлик, муфтилик, мударрислик мансабларининг ҳар бири Оллоҳга боргувчи йўлдир. Шу боис

ҳам буюклардан бири шундай деган эди: «Агар Иброҳим бинни Адҳам (ваф. 161 / 777) менинг замонимда яшаганида эди, уни тахтидаёқ иршод қилган бўлардим». Чунки салтанат ва унинг мартабалари ҳам илоҳий исмлардандир. Сўфий ҳам Оллоҳга етишмоқ учун ниҳояти Унинг бошқа бир исмига таянмоқда. Мақсад эса айни даргоҳга йўналтиради. Фақат шуни билиш керакки, бундай маслак арбоби ҳам Оллоҳга етишади, аммо умумий ҳидоят чегаралари ичида қолади. Хусусий ҳидоятга қовушмоқ учун эса муршиди комил шарт. Шу боис санъат ва илмда қарама-қаршилиқ ҳамда ҳар хилликлар ўзига хос раҳмат ҳисобланган. Уларнинг ҳар бири инсонларни Унга восил айлайди. Фақат бу унсият кашф соҳиби бўлган кишилардан ташқаридагилар учун сезилмаганлиги боис ҳам йўлларнинг кўплиги бу ҳаётга янги қадам қўйганлар йўлини тўсиши, мосиво қилиши-да мумкин. Илоҳий тажаллилардан бўлган Ҳақ ва йўл шу тариқа айни нарсада тажассум топади.

Қисқаси, бу йўлларнинг қайсиси билан бўлса-да Ҳаққа таважжуҳ¹¹ этилса, вуслат¹²нинг мумкин ва муяссар эканлигига шу оят ҳам ишорат қилмоқда: «Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжид ал-ҳарам томонга буринг!...¹³ » (Бақара, 2:150). Яъни, томонларнинг кўплиги танланган исм ва борлиқнинг касратини талаб этмайди. Каъбатуллоҳнинг қайси ёнида бўлманг, ўша жойдан яна Унга йўналурсиз. Ҳақ толибининг вуслат эшигига етишмоғи шак-шубҳасиз. Чунки бутун ашё ва борлиққа илоҳий исмлар тазаҳхур айлар. Шу боис санъат ва ашё ҳам Оллоҳга қовуштириш қувватига эга, йўл кўрсатишга қодир. Масалан, ҳаво Ҳай исмининг мазҳари, ҳаракат ҳолини акс эттиради. Сув эса Муҳйи исмининг мазҳаридирки, ҳалок ва фаноликни ўртадан кўтаради. Шунингдек, новвой Нофий исмига, нон Қайюм исмига мазҳардир. Атторлик иши ўлчов ва тарозига дахлдорлиги туфайли Оллоҳнинг Ада исмига боғлиқдир.

«Фотиҳа» сурасидаги «Оллоҳим, бизларни Тўғри йўлга йўллагайсан» маъносидаги оятда келган тўғрилиқ ҳам худди шу маънони англатади. Яна хушбўй ҳидли нарсалар Унинг Жалол исмига, аччиқ бўлганлари эса «Ҳар аччиқ шифодир» дея таъкидланганидек, Нофий исмига тегишли. Заҳардек зарарли нарсалар эса Жалол исмининг мазҳаридир. Шунингдек, салтанат исми Аъзам билан, вазорат Вакил билан, муфтилик

Илм билан, таълим ва тарбия эса: «Ва У Зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди...»¹⁴ (Бақара, 2:31) сири билан, қозилик ва адлия ташкилоти эса «...Албатта, Парвардигоринг қиёмат кунда талашиб-тортишган нарсалари ҳақида уларнинг ўртасида ўзи ҳакамлик қилур» (Юнус, 10:93) ҳақиқати билан узвий муносабатдадир. Чунки исм Мусаммони, яъни соҳибини кўрсатади, унга ишорат қилади. Муаззинлик «Оллоҳ тинчлик диёри — Жаннатга даъват қилур ва ўзи хоҳлаган зотларни тўғри йўлга ҳидоят қилур» (Юнус, 10:25) оятига, имомлик эса «қулининг лисони билан Оллоҳ ўзига ҳамд айтувчининг ҳамдини эшитди» маъносига ишоратдир. Мурид—муршидлик «...Оллоҳ ўзи хоҳлаган зотларни поклагувчидир...»¹⁵ (Нисо, 4:49) маъносига, харидор ва сотувчи эса «Албатта, Оллоҳ мўъминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди...» оятлари билан алоқадордир (Тавба, 9:111).

Бу исмлар омонатдир. Пайғамбарнинг сифати амин ва сиддиқдир. Ундан кейин келган унинг уммати ҳам Унинг мазҳаридир. Омонатга хиёнат қилган эса амин сифатига мазҳар бўла олмайди. Уй ва дўкон вазифасини бажараётган вужудимиз Оллоҳнинг Мужид, Сониъ, Холик, Мусаввир ва бошқа исмларининг ҳосиласидир. Ҳидоятга эришганлар Ҳодий, залолат аҳли эса Музил исми доирасига тааллуқлидир...

Биз изоҳламоқчи бўлган йўл эса бу йўлларнинг энг ойдини ва энг мукаммалидир.

Бу йўл Ҳаққа етказувчи йўлларнинг энг яқинидир. Бошқа йўллар бу йўлга нисбатан янада яқин ёки жуда йироқ бўлиши ҳам мумкин. Аммо бу йўл жуда аниқ ва очиқ, яъни «Моҳжайи байзо» (ойдин кўча)дир. Йўлларнинг энг мукаммали бўлган бу йўл солиқни бошқа жойга эмас, балки аниқ манзилга асос йўлдан айирмасдан, қийинчиликсиз улаштиради.

Юқорида айтилганидек, бу йўллар кўп бўлса-да, уларнинг ҳаммасини уч асосий гуруҳга бирлаштира оламиз.

Энг яқин, энг равшан ва энг мукаммал йўллар яратикларнинг нафаслари ададича бўлса ҳамки, уларнинг ҳаммаси бу гуруҳларнинг биронтасига мансуб бўлади.

1. Тариқи ахёр: ибодат ва амали солиҳ соҳибларининг йўли. Бу йўлга кирувчи солиқлар рўза,

намоз, Қуръон қироати, ҳаж қилиш ва шунга ўхшаш зоҳирий ибодатлар билан кўпроқ машғул бўладилар.

Бу тушунча тобеъин ва табаи тобеъин¹⁶ даврида ҳоким бўлган тушунчадир. Макка ва Мадинада, Шом, Миср, *Богдог*, Басра ёхуд Кўфада бўлсин, тариқи ахёр мансубларини учратиш мумкин эди.

Уларнинг орасида шундайлари ҳам бор эдики, улар бутун йил бўйи фақатгина байрамларда, яъни рўза ҳаром бўлган кунлардагина рўза тутмасдилар. Бошқа ҳеч вақт рўзани қилмасдилар. Шу боис уларга «соимуд-давр» (бутун вақтини рўзадор ўтказувчи) дея ном берилганди. Яна бир гуруҳлари эса саҳаргача намоз ва тиловати Қуръон билан машғул бўлсалар, бошқа бир тоифаси Абдуллоҳ бин Муборақдек розийлик билан шуҳрат таратган, яна бошқалари эса кўпроқ ҳаж иштиёқи ва орзуси билан нафас олардилар.

Бу йўл тариқи ахёр дея аталади. Бундай йўл ва усул билан узоқ вақтдан кейин руҳни камол топтириб, Ҳаққа етишганлар бағоят оздир.

Яъни бу йўл энг хайрлиларнинг йўли демакдир. Бу йўл соликлари хайрли, эзгу иш ва амаллар билан машғулдилар. Амали хайр соҳиблари эса инсонлар орасида энг хайрлиларидирлар. Шу боис ҳам улар шундай номга мушарраф бўлганлар. Узоқ вақт мобайнида ушбу усул билан Унга етишганлар жуда оздир. Бу йўлнинг бошқа бир номи «тариқи зуҳд»дир. Унга етишиш кўп вақт талаб қилади. Ошиқ уч йилда эгаллаган мақому манзилни зоҳидлар ўттиз йилда ҳам қатъ эта олмайдилар. Шундай бўлса-да, бу йўлга беписанд қараб бўлмайди, чунки унга етиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Бу йўлга қадам қўйган кўпчиликнинг мақсадга етмасдан умри тугаб, ора йўлда қолади...

2. Тариқи аброр: мужоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли. Бу йўл соликлари эса гўзал феъл-атворга эга бўлиш, кўнгилни тазкия, қалбни тасфия¹⁷, яъни кўнгилни мусаффолаштириш ва ботинини обод қилиш, маъмур этиш учун ғайрат кўрсатувчи кишилардир.

Мазкур йўл мужоҳада ва риёзат соҳибларининг йўли бўлиб, унга қадам қўйганлар нафси амморанинг тарбияси билан машғул бўладилар. Бир томондан, улар ўзни кўз-кўз қилиш, бесабрлик, худбинлик, молу мартаба ҳирси,

баджаҳллик каби ёмон феълларига барҳам бериш билан шуғулланарканлар, иккинчи томондан, тавҳид нурию Оллоҳ билан бирга бўлишнинг ҳузури ва Ундан бошқа бутун борлиқлар билан алоқани узиш каби мужоҳадалар ила қалбларини поклайдилар. Чунки қалб бамисоли ойна, у тоза ва порлоқ бўлмагунча илоҳий тажаллиларни зуҳурлантирмайди. Ойинанинг кирланиши ва қорайишига сабаб Оллоҳдан бошқа борлиқлар билан яқиндан боғланишимиздир. Илоҳий маърифат эса қалб ойинасини жилолантиради. Бу маърифат, албатта, тақво, амали солиҳ, сайри сулукдан туғилган ирфон бўлиши лозим. Ушбу йўллардан айри равишда қўлга киритилган маърифат шайтоний бўлиб, номақбулдир. У фосиқ ва истидрож¹⁸ соҳиби бўлмаган кишиларнинг маърифати кабидир. Улар нопокликлар ичида сузишаркан, подшоҳликни даъво қиладилар. Маърифатдан бонг урадилар...

Тариқи аброр дея маълум бўлган мазкур йўл билан Ҳаққа қовушганлар аввалги йўлга қараганда кўпроқ бўлса ҳамки нодир ҳисобланади.

Бу йўлдагилар ички ва ташқи тақвога амал қилганликлари учун «аброр» дея номланишга ҳақли бўлиб, уларнинг орасида Оллоҳга етишганлар аввалги гуруҳга нисбатан кўпроқдир. Шундай бўлса-да, натижа эътибори билан улар оз ҳисобланади. Силсилавийлик қонуниятида аҳвол худди шундай, яъни ўзидан юқоридагиларга нисбатан кам, ўзидан пастдагиларга қараганда эса кўпдир. Масалан, дунёдаги ҳайвонлар жонсизларга нисбатан оз, аммо инсонларга қараганда кўп эрур...

3. Тариқи шуттор: бу ишқ, жазба ва муҳаббат соҳибларининг йўли. Ва у улуғ Мавлога сайру саёҳат қилувчиларнинг тариқатидир.

Бундаги сайр бир ҳукмдан бошқа бир ҳукмга, бир ҳолдан иккинчи бир ҳолга кечиш бўлиб, у маънавий босқич, маънавий саёҳат эрур. Соликнинг ҳам илк кундан охириги лаҳзасига қадар қиладиган иши мана шу сайр калимасида яшириндир. У муттасил маъшуқасига қараб интилади. Бу эса Каъба томон йўл олган кишининг ҳаракатига ўхшайди, чунки у Каъбага етгачгина ҳаракатдан тўхтайди. Аммо тасаввуф тушунчасидаги интиҳо «сайр илаллоҳ» (Оллоҳга томон сайр)дир. «Сайр филоҳ» (Оллоҳда сайр)да эса бундай ҳолат

йўқ. Каъбага етишганнинг сафари тугайди, аммо у бино ва у жойнинг сирлари тугамайди. Илоҳий сир ва ҳикматлар ниҳоясиздир.

Эй мўмин, ҳақиқий комиллик юзага келгунга қадар бир ғайрат ва ҳиммат билан сайри сулук қилиш лозим. Бу йўл паришонлик, ялқовлик ва танбалликни кўтармайди, зоҳир, бирлик ва бутунликни талаб қилади. Сойирларга яхшилаб қара, паришон ва сустлашганлар йўлда илгариларга олмайдилар. Бу йўл муҳаббат аҳлидан ғайратли, елиб-югурувчи ва узлуксиз ҳаракатда бўлганларнинг равишидир. Улар қариялар, хасталар ёхуд танбаларга ўхшаб ўтроқ бўлмайдилар. Ва бу муҳаббат зухднинг муқобилидир. У Ҳаққа бўлган жазбани ифодалайди. Муҳаббатнинг шиддатию қуввати ортиши билан ишқ майдонга келади. Муҳаббат нурдир, ишқ эса нор (оташ)дир. Бу оташ Оллоҳдан ўзга борлиқларни ва уларга бўлган майлларни ёқиб, йўқ қилади. Аслида норда ҳам, нурда ҳам ёруғлик бор. Ошиқлар орасида шундай гап юради: «Икки ёруғлик бор. Бири Оллоҳдан бошқа бутун борлиқлардан юз ўтиртирса, иккинчиси, Унга юз қаратади. Бу икковининг орасига «нор ишқ» кирса, хас-хашакка ўхшаб қолган инсоннинг дунё билан бўлган боғ(ланиш)ларини ёқиб кул қилади. Демак, ошиқ қисқа фурсатда манзили мақсадига етишади. Зеро, ишқ унинг-ла баробар тезликда илгариларга ва нафс маркабини ҳам ўзи билан бирга судрайди.

Бу йўлга сулук қилганларнинг йўл бошидаёқ эришган мартабаси бошқаларнинг сулук ҳаётлари сўнгида эришган мартабасидан кўп карра юксакдир.

Яъни бошқаларнинг сўнги ҳолларига нисбатан буларнинг бошланғич ҳоллари янада устунроқ. Улар сайри сулукнинг ниҳоясида топганларига булар ибтидодаёқ эришадилар. Жазба ва олий қобилиятлари ила гўё нурдан ясалган бир нарвон билан самога юксаладилар, минг одимни бир қадамдаёқ қатъ этадилар.

Бир манзилни уч манзил қилувчи қайдаю, уч манзилни бир манзилга бирлаштирувчи қайда?! Мана шундай борлиғу унсурлардан аста-секин йироқлашганлар мақсадга кеч етишадилар. Бироқ қобилиятли шайх ва муршиди комил паноҳида бўлганлар бундан мустаснодирлар.

Аҳли жазба эса дафъи сулук айлайдилар. Мўътабари мана шу кашфдир, билъакс, дунёда чарх урмоқ эмас, чунки дунёнинг тўхташга мажбур қиладиган манзили макони кўп. Шундан келиб чиқилса, кашф ҳам оддий бир кашфдир. Кўпгина сўфийлар мана шу таҳликага тушганлар ва оралиқда қолиб кетганлар. Бундан Оллоҳ асрасин!

Бу мумтоз йўл иродага боғлиқ бир ўлимга асослангандир. Зеро, Ҳазрати Пайғамбар: «Ўлмасдан авал ўлинг» дея марҳамат қилган эдилар.

Бу йўлга «мумтоз» сифати олдин англатилган икки йўлга нисбатан тез суръатли ва аниқ бир натижага эга сулук бўлганлиги учун берилган...

<...> Ихтиёрий ўлим борлиқ ва дунё билан боғлиқ ишлардан бутунлай фоний (фанои куллий) бўлмоқдир. Бу ҳолни бошидан кечирган киши ўз вужудининг мавжудлигини ҳам ҳис этмайди. Чунки табиий ўлим ҳоли ҳам бундан асло фарқ қилмайди...

<...> Ўлим ҳам бир неча хилдир: Мавти аҳмар (қирмизи — қизил ўлим). Бу нафснинг хоҳиш ва истакларига қарши туриш эрур. Мавти абъаз (оқ ўлим). Бу очлик билан қорин талабларини ўлдириш. Мавти аҳдар (яшил ўлим). Бу арзон мато парчаларидан ямоқли кийим кийишдир. Чунки янги кийим дунё билан боғлиқ орзу ҳисобланади. Мавти асвад (қора ўлим). Бу халқнинг жабру жафосига таҳаммул этмоқ эрур. Бунга «фано филлоҳ» ҳам дейилади, яъни бутун феъ ва ҳаракатларни маъшуқанинг феълида фоний қилмоқдир...

<...> Бу йўлнинг тамал-қоидаларини эса ўн асосда жамлаш мумкин.

Оллоҳ сари сайру саёҳат қилувчиларнинг йўли ўн асосга қурилгандир. Бу ўн асос йўлнинг тамаллари бўлса, бошқа асослар бино устига қурилган бинога ўхшайди. Аслида ҳар нарсанинг асоси ва тамали мавжуд. Агар у бўлмаса, мақсадга етиб бўлмайди. Мавзуга дахлдор шундай сўз бор: «Усулни йўқотган вусулдан маҳрум қолади». Тилимиздаги «Ишнинг ўзини билгунча кўзини бил» мақоли ҳам худди шу фикрни равшанлаштиради. Ушбу сўзлардан мана бу ҳақиқат англашилади: ҳар нарсанинг негизи ва парчалари, тафарруоти¹⁹ бор. Асослар мустаҳкам бўлганидан кейингина тафарруот унга тобеъ бўлади. Динда ҳам худди шундай. Фарз

аслдир, мустаҳаб фуруъдир, тафарруотдир. Биринчисини тарк қилиб, иккинчисини адо этиш қулга ҳеч қандай муваффақият олиб келмайди.

1. Тавба

Худди марҳум «Эй хотиржам – сокин жон, Сен (Оллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Оллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (ҳузури)га қайт» амрига бўйин эгиб ўз ихтиёрисиз Унга қайтганидек, тавба ҳам қулнинг ўз истак-иродаси ила Оллоҳга қайтишидир.

Оятдаги «Раббингга қайт» буйруғи ўлимга ишорат қилмоқда ва унинг мажбурийлигини, тавба янглиғ инсон иродасига боғлиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Аслида ўлим орзу қилинмайдиган бир нарсадир. Бу ҳақда пайғамбарлардан ривоятлар бордир. Ҳазрати Мусонинг тош билан ажал фариштасининг кўзини чиқаргани, Ҳазрати Иброҳим эса: «Ё Раб, қайси дўст ўз дўстининг жонини олади?» дея иккилангани, ва ниҳоят, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сўнгги вақтларда ўз-ўзига: «Эй нафс, сенга не бўлдики, саждагоҳга илтижо қилиб, ўзингга чора ахтармоқдасан?» деганлари ривоят қилинган. Аслини олганда, пайғамбарларнинг бу сўзлари ўлимдан чўчиганликларидан эмас, балки умматларини ўлимга ҳушёр қарашга ундаганликлари учундир. Моҳият эътибори билан эса, ҳадисда хабар берилганидек, ўлим мўъмин учун бир ҳадя ва армуғондир.

«Сен рози бўлган, рози бўлинган ҳолда» ифодаси эса тасаввуфдаги нафси розийя ва нафси марзийя²⁰га ишоратдир. Нафси мутмаинна²¹ эса ўлимни ҳеч қачон ёмон кўрмайди.

Инсоннинг ўлимни севмаслиги ризо ва таслимиятга зид туйғу эмас, балки фитрий хусусиятларидан эрур.

Тавба истакка боғлиқ бўлмоғи керак. Мажбурий тавба охир нафасида иймон келтирган кишининг иқрорига менгзайди ва мақбулу мўътабар саналмайди. Бошқа ибодатлар ҳам худди шундай. Зеро, пайғамбарлар ҳам инсонларни зўрлик билан эмас, балки бир қанча мўъжизалари билан иймонга чорлагандирлар.

Гуноҳ эса хоҳ дунёвий бўлсин, хоҳ ухровий²² бўлсин, қул ва Оллоҳ орасида бир парда ва тўсиқдир.

Инсон учун наинки дунё билан боғлиқ, балки охират билан боғлиқ мартабаю даражалар ҳам бир ҳижоб эрур. Ҳақиқатда эса жаннат даражалари қулларнинг амал ва хатти-ҳаракатларига кўра тақсимланади. Бунинг учун қул яхши амалларни адо этади, аммо уларга ишониб, ортиқча баҳо ҳам бермайди. Дунёга дахлдор мартабаю мақомларда ҳам худди шундай...

2. Зуҳд

Зуҳ-хоҳ оз, хоҳ кўп бўлсин-дунё моли, кўнгилга манзур нарсаларию мақомларидан ўлик каби йироқлашмоқдир.

Зуҳд қўлда мавжуд ва мавжудлиги маҳзур саналмаган мол-ашёдан кечмоқдир. Акс ҳолда келажақда қўлга киритилувчи молу мансаб зуҳдга асос бўлмайди. Бунинг тескарисини иддао қилувчилар ҳам бўлишган. Бундан ташқари қўлда мавжудлиги гуноҳ ҳисобланган нарсаларни тарк этмоқ зуҳд ҳисобланмаганидек, инсоннинг жуфти билан жинсий муносабатни тарк қилмоғи ҳам зуҳд эмасдир. Ҳазрат Али саҳобалар ичида энг зоҳиди бўлса-да, уч-тўрт оилалари бор эди. Иброҳим Хаввос ҳам бу ҳақда шундай дейди: «Жинсий муносабатни одатга айлантирган кишидан хайр чиқмайди». Шу билан бирга жинсий алоқадан тийилиб, уни назорат остига олиш кўпроқ сулук асносида ва хилват вақтида бўлади. Мен ҳам сайри сулукни бошлаган чоғларимда (олами маънода) Шайхи Акбар Муҳйиддин бинни Арабий (ваф. 638/1240) уч нарсадан ҳимояланишимни тавсия қилди:

1. Ранго-ранг либослар киймоқ. Ваҳдат орзуси ва талабидаги киши кийимида ҳам ваҳдату бирлик бўлмоғи лозим. Шу боис валийлар наздида ҳам сурат ила маъно ўзаро уйғун бўлиши шарт.

2. Асога суянмоқ. Бу мосивога, эътимод ва ишончга ишоратдир. Ҳолбуки, бир ёғоч синиғига ҳам инонмаслик лозим. Нарсага эмас, балки Оллоҳга эътимод қилиш керак.

3. Учинчиси эса меъёрсиз жинсий муносабатдан сақланиш эди. Шу боис тариқатимиз (жалватия²³) пирларидан Уфтода Ҳазратлари (ваф. 978/1570) сулук даврида муриди

Азиз Маҳмуд Худойига (ваф. 1038/1628) ҳафтада бир маротаба хотини билан кўришишга рухсат берарди.

Таърифдаги «мақом» сўзи инсонлар наздидаги иззат ва ҳусни қабулни англатади. Бу ўринда, албатта, моддий бир мақом ва мавқеъ соҳиби бўлишга ҳожат йўқ. Халқ орасида шуҳрат таратиш ва инсонлар-ла муносабат ҳам ана шунга дахлдордир...

<...> **Зуҳднинг ҳақиқати дунёда ҳам, охиратда ҳам зоҳидликдир. Инчунин, ҳадисда «Дунё охират аҳлига, охират эса дунё аҳлига ҳаром бўлса, валийларга ҳар иккаласи ҳам ҳаромдир» дея марҳамат қилингандир.**

Юқорида зикр қилинган зуҳд дунёни тамоман тарк этмоқдир. Бунга «тарки дунё» дейилур. Аммо ҳақиқий зуҳд охират борасида ҳам зоҳидона ҳаракат қилмоқликни талаб этади. Зоҳид ҳеч бир аснода жаннат неъматларию мартабаларига қизиқмаслиги ва боғланмаслиги шарт...

3. Оллоҳга таваккул

Таваккул худди ўлик янглиғ Оллоҳга ишониб, барча сабабу тадбирлардан йироқ бўлмоқликдир. Чунки Оллоҳу таоло «...Ким Оллоҳга таваккул қилса, бас, (Оллоҳнинг) ўзи унга етарлидир» (Талоқ, 65:3)²⁴ дея марҳамат қилгандир.

Табиий ўлимда руҳ бадандан айрилгач, бошқа у билан боғлиқликда фаолият кўрсата олмайди. Фақат қабрда Савол-жавоб учунгина унга имконият берилади. Ихтиёрий ва шуурли равишда ўлган киши ҳам боғу боғча, ҳунару касб билан моддий-маънавий бутун алоқаю қизиқишларини узмоғи, бутун ишларини Оллоҳга ҳавола этмоғи лозим. Айнан шу тарзда ўртадан ўзини йўқ қилган ҳақиқий мутаваккилнигина Оллоҳ асрайди, меҳнат-машаққат билан қўлга киритадиган нарсаларини ҳам унга бошқа йўللار билан насиб айлайди. Зеро, Оллоҳ дунёга: «Эй дунё, менинг йўлимда юриб, менга хизмат қилганга хизматчи бўл!» дея хитоб қилгандир.

Иброҳим бинни Адҳам ва унингдек буюк сўфийлар чўлу саҳроларда кезарканлар, уларга ноз-неъмат тўла дастурхон ёзилганлиги ривоят қилинади. Бошқа бир дарвишга эса ҳар овқатланиш пайтида иссиқ бир бурда нон бериларкан, уни ким келтирганлигини сўрашганида: «Аллақандай бир кампир келтиряпти» дея жавоб берган экан. Бу кампир эса

дунё эмиш. Дунё аслида маккор бўлса-да, Оллоҳ дўстларига хизмат қилади. Ҳатто шайтон ҳам бир дарвишнинг чироғини қирқ йил жомеъ масжидига кўтариб борган экан. Зеро, Қуръони каримда ҳам шайтоннинг ҳақиқий ихлос соҳибларини йўлдан адаштиролмаслиги таъкидлангандир (Ҳижр, 15:40)²⁵...

4. Қаноат

Қаноат яшаш учун зарур бўлган эҳтиёжлардан ташқари барча нафсий орзу ва ҳайвоний истаклардан худди жонсиз вужуддек йироқлашув, ейиш-ичиш ва уй-жой хусусида исрофга йўл қўймаслик, хусусан, қилъати таомга риоя этмоқ демакдир.

Исроф қилинмаслиги керак бўлган бу уч нарсани иккига тушириш ҳам мумкин. Чунки уйи бўлмаган одам горга ўхшаш жойларда ҳам яшай олади. Бунда исрофга ўрин қолмайди. Кийинишда ҳам зарурий бўлган талаб — вужудни иссиқ-совуқдан асраш, ёпилиш лозим бўлган жойларни ёпишдирки, бундан ортиғи исрофдир. Исроф билан табзир орасидаги фарқ қуйидагичадир: табзир — у ёки бу нарсани кераксиз жойларга сарф этмоқ бўлса, исроф керакли жойларга лозим бўлганидан ортиқча харжлаш демакдир. Шу билан бирга хайрли, мақбул ишларга кўплаб сарфланса исроф эмас, балки савобдир. Чунки амалу ҳаракатларнинг ниятга боғлиқлиги ҳақида ҳам фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

Валийлардан бири зиёфат берганида мингта шам ёқибди. Меҳмонлар бунинг исрофлигини айтишганида, мезбон: «Ундай бўлса, ўчиринг» дейди. Йиғилганлар шамларни ўчирингга харчанд уринмасинлар, уларни ўчира олмабдилар. Буни кўрган хонадон соҳиби: «Шамларни ўзимиз учун эмас, Ҳақ учун ёққан эдик. Бу исроф эмаслиги учун ҳам уларни ўчира олмадингиз. Зеро, Ҳақнинг чироғини ва нурини ҳеч кимса сўндиролмас» дея: «Улар Оллоҳнинг нурини оғизлари (яъни беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлулар. Оллоҳ эса гарчи кофирлар истамасалар-да, Ўз нурини (яъни динини) тўла (яъни ҳар тарафга) ёйгувчидир» (Саф, 61:8) оятини ўқимиш.

Бу йўлдаги солиқ кунига бир марта овқатланади. Оддий инсонлар эса «...У жойда улар учун эртаю кеч ризқлари ҳозирдир» (Марям, 19:62) оятига биноан кунда икки маротаба емак ейдилар. Бир кунда уч карра овқат ейиш эса исроф

саналади. Куч-қуввати жойида бўлган киши эса савм²⁶ висол тутиши яхшироқдир. Зеро, Ҳазрати Идрис ўн олти йил емай-ичмай, бедорлик билангина вуслатга етмиш...

5. Узлат

Узлат – бамисоли ўлиқдек халқ билан бирга яшашдан инзиво²⁷ ва хилват, ёлғизланиш йўли билан юз ўтирмоқ демак.

Солиқнинг ғайбул ғуюб²⁸ бўлган Оллоҳга йўналишидир. Шунинг учун у дунёга кўз тикмаслиги, Ҳақдан бошқа ҳеч ким билан олди-берди қилмаслиги шарт. Зеро, Боязид Бистомий (ваф. 261 / 875): «Ўттиз йилдан буён Ҳақ билан суҳбатдаман, халқ эса мени ўзлари билан суҳбатдош дея ўйлайдилар» деган эди. Бистомий халқнинг ботин ҳақиқатига, халқ эса Боязиднинг зоҳирий ва ташқи кўринишига эътибор қиларди.

Узлат сукутдек буюк фазилатни ҳам ўз ичига олади. Чунки узлат ҳаётини яшаган одам суҳбатдош тополмайди, шу боис сукут сақлайди. Сукут эса сулук шартларидандир. Юқорида зикр қилинган узлат муридларнинг, сулук ҳаётига эндигина одим қўйганларнинг узлатидир. У вужуд-ла адо этилади. Муҳаққиқларнинг узлати эса вужудга, қалбга асосланади. Чунки уларнинг қалбларида Ҳақдан ва илоҳий илмдан ўзга ҳеч нима йўқдир.

Узлатнинг сабаби иккидир: мурид ё халқнинг шарридан қочади ёки уларга зарар етказмаслик учун ўзини четга тортади. Иккинчи йўл яна-да яхшидир. Чунки инсоннинг ўз нафси учун суи зан²⁹ қилмоғи бошқалар ҳақида суи зан қилишдан кўп қарра мақбул.

Муриднинг унга маънавий тарбия берган шайх ва муршидига қилган хизматлари ҳам узлатга киради, асло халқ билан бўлган муносабат ҳисобланмайди.

Айни пайтда шайх зиммасига ҳам бир қанча талаблар юкланади:

1. Шайх Ҳаққа восил бўлган зот комил, мурид тарбиясига қодир бўлиши шарт. Акс ҳолда сулук ниҳоясига етмайди. Бу ҳолатда мурид ора йўлда қолган йўловчига ўхшайди.

2. Шайх муридига шахсан раҳнамолик қилиши керак. Мурид узлат ҳаёти давомида дуч келадиган қийинчиликларни

енгиб ўтиши учун шайхидан ажралмаслиги лозим. Буюк сўфийлар сайри сулукнинг икки жиҳати борлигини таъкидлайдилар: бири муриднинг мол ва вужуд билан хизмат кўрсатиши бўлса, иккинчиси, шайхнинг мурид қобилиятига яраша руҳ ва файз бахш этмоғидир.

Бу маълумотлардан кейин шундай дейиш мумкин: икки хил шайх бор. Бири муриднинг ўзи бош эгиб борган шайхидирки, бундан сўнгра тарбият учун ўша муршиддан бошқа муршид ёки шайх изламоғи ва интисоб қилмоғи унга раво эмас. Бу ҳол шайхи оламдан ўтгунча давом этиши керак. Иккинчи хил шайх эса муриднинг ўз шайхи бўлмаса-да, эҳтиром юзасидан зиёрат этилган ва дуоли олинган зот бўлиб, муридга хизмат мажбуриятини юкламайди. Баъзан номи шайх бўлса ҳам замонамизда тубан ва нораво ишлари билан шуҳрат тошган, тасаввуфий ҳоллардан мутлоқ бенаиб инсонлар ҳам мавжудки, улар ҳатто зиёрат этишга-да арзимади. Агар шайх иршод салоҳиятига соҳиб бўлмаса, хизматидан айрилмасдан тариқат ва хонақоҳдаги бошқа ихвон ва дўстлардан фойдаланиш керак. Аммо бундай шайх, албатта, қобилиятли ва шафқатли бўлмоғи лозим. Жумладан, шафқат ёнига келган муридни ҳаргиз рақиб деб билмаслик, билъакс, унинг маънавий мартабаларда таҳликага тушиб қолишидан хавотир олиш маъноларини англатади ва бунга «ихвони филлоҳ» дейилади. Замонамизда эса бундай хислатли ва хосиятли инсонлар камёбдир.

Шайх ғассол³⁰га ўхшайди. Шу боис муриднинг шайхи ҳузуридаги ҳолати ғассол олдида турган ва исталган томонга айлантириладиган жонсиз вужудга менгзайди.

Ушбу эътироф муриднинг эътирозни тарк этмоғини англатади. Таслимияти том бўлмагунча шайх ва устоздан баҳраманд бўлиш мумкин эмас. Файз олиш учун қалб робитаси ва алоқаси асосдир. Акс ҳолда, ички дунёси туманли, хизмати нуқсонли, ҳаракатлари ноқис кимса ҳеч вақт кўзланган мақомга кўтарила олмайди.

Шайх валийлик суви ила мурид вужудидаги кирларни ва унга кейинроқ илашадиган чиркинликларни поклайди.

Валийлик сувидан мақсад илоҳий файздирки, инсон бу доира ичига кирмагунча ўша файзни кўнглидан ўтказа

олмайди. Бунда назарда тутилган нараса валояти омма эмас, балки валоят ва валояти хоссадир. Вужуддаги кирлар эса Ҳақдан узоқлашув касофати бўлиб, жунубликдек ёқимсиз бир нарасадир. Қуръони каримни фақат покиза бўлганлар қўлга ола билганидек (Воқеа, 56:79), маънан нопоклар ҳам илоҳий сирларга ҳаргиз яқинлаша олмайдилар. Жунублик инсонни масжиддан қандай йироқлаштиради, дунёга боғлайдиган ришталар ҳам инсонни худди шундай Ҳақдан йироқлаштиради. Намоз ўқиш учун таҳорат ва ғусл нечоғлик лозим бўлса, тасаввуфий ҳаётда ҳам ботиний софлик ва дунёдан қўл силташ шу даражада зарурдир. Мана шу маънавий поклик учун валийлик суви лозим. Шайхнинг муридга қалбий илмларни ўргатмоғи эса ана шундай кирлардан софланишига сабаб бўлади.

Инсонга илашган чиркинликлар дейилар экан, кенг маънода дунё назарда тутилмоқда. Бундаги «ҳадас»³¹ сўзи интиҳосию ибтидоси йўқ маъносини англатувчи «қадим» сўзининг аксидир. Солик дунё билан боғлиқ сайру сулук изида эмас, аксинча, қадим бўлган буюк борлиқ томон сайру саёҳат ичидадир. Пок бўлмаганлар эса юксак мақомларга ҳаргиз қадам қўя олмайдилар.

Эй ориф! Кўриб турганингдек, тасаввуфнинг аввали нафсий васф ва сифатлардан, охири эса ғайриятдан қутулмоқдир. Бу сифатлардан фориғ бўлмагунча Ҳаққа элтувчи ҳеч қандай йўл топилмайди. Бу ишларнинг сир-асрорини идрок этмай, бу завқни тотмай туриб, бизнинг сўзларимиз маънисини англаш анча мушкулдир...

6. Доимий зикр

Оллоҳдан бошқа ҳар нарсани унутиб, фақат Уни зикр этмоққа давомли зикр дейилади. Зеро, Оллоҳ таоло: «...Унутиб қолдирган вақтингизда Парвардигорингизни зикр қилинг...»³² дея марҳамат қилгандир. Жумладаги унутиш бир ўлик мисоли Ундан бошқа бутун борлиқларни ва нарсаларни унутмоқни англатади.

Чунки икки зикр асло бир жойда мужассам бўлмайди. Ҳам дунё ила боғлиқ ишларни, ҳам Оллоҳни зикр этиш имконсиздир. Агар бундай ҳолат юз берса, зикри муттасил (бир-бири билан бирлашган ва доимий зикр) эмас, балки зикри

мунтақий (узуқ-юлуқ ва кесик масофали зикр) қилган бўламиз ва қуллгимизнинг даражаси ҳам шу нисбат-ла кемтик ва қусурли бўлади. Шу боис ҳам Хазрати Оиша Расулуллоҳ ҳолини сўраганларга: «Ул зот ҳар доим зикр қилардилар» дея жавоб берганлар. Пайгамбарларнинг ва буюк валийларнинг оддий муносабатлари ҳам зикр ҳисобланади. Чунки улар барча муомала ва амалларида Ҳақ биландирлар.

Зикрдан мақсад эса асло тил ҳаракати эмас, балки қалб ҳузур-ҳаловатидир. Бундаги давомли зикрдан мақсад ҳам хилват аҳлининг тилдаги доимий зикридир. Муддао эса қалбий зикрнинг бардавомлигини таъминлашдир. Тил зикрининг овоз (зикри жаҳрий) чиқарилиб қилинишида буюк таъсирлар бор. Овозли зикрдан мақсад уни Оллоҳга эмас, билъакс, кўру кар, нафсга эшиттиришдир. Чунки Оллоҳ учун зикрнинг садоли ва садосиз, узоқ ва яқинлиги аҳамиятсиздир. Зеро, барча ашёда тажалли қилгувчи Удир. Зикри жаҳрийга қарши бўлиб, уни ёқтирмаганлар тасаввуфий мақомларнинг ҳолларини англай олмаганлар ва беҳабарлардир...

7. Таважжуҳ

Оллоҳга йўналиш (таважжуҳи том) ўлик мисоли Ундан ўзга ҳар қандай борлиққа даъват қилувчи ҳар қандай нарсадан юз ўгирмоқ демакдир. Бу ўринда сўфий учун Оллоҳдан бошқа ҳеч қандай матлуб, маҳбуб ва мақсад йўқ.

Ҳақиқатан Оллоҳга йўналган сўфийда Ундан бошқа изланган ва исталган ҳеч нарса бўлмаслиги шарт. Агар бу орзу Байтуллоҳни зиёрат қилиш бўлса ҳам талаб ўз кучини йўқотмайди. Қалбни бундай ҳису ришталар билан машғул қилмаслик лозим. Акс ҳолда, инсон бутун куч-қуввати ва тафаккури билан Унга йўнала олмайди.

Бу ҳолга етишган сўфийга барча наби ва пайгамбарларнинг мақомлари арз ва таклиф этилади, аммо у бир лаҳза бўлса-да, уларнинг ҳеч бирига илтифот кўрсатиб боғланмаслиги керак.

Чунки мақом ишқи ва муҳаббати бу йўлни тўсадиган ҳисдир. Шу боис солиқ Ҳақ нақшларидан ўзга нақшни кўзламаслиги зарур. Ҳатто, Ҳақни ҳам «орзу қилмаслиги» шарт. Зеро, У: «...Оллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур...»³³ дея буюрмиш. Чунки бирон нарсани иштада

иккилик — истаган ва исталган мавжуд. Ваҳдат аҳли эса бу иккиликни қабул қилмайдилар. Мана шу ҳассосу нозик нуқтада жуда кўп соликлар чалғиб мақсадга ета олмадилар.

Бу хусусда Жунайд Боғдодий шундай дейди: «Бир сиддиқ бир неча минг йил Оллоҳга йўналиб таважжуж қилсаю, бир он учун Ундан юз ўтирса, йўқотгани топганидан буюқдир».

Бунда сиддиқ ориф маъносини англатмиш. Ушбу мақомга эришган киши Оллоҳдан юз ўтириши мумкин эмас. Шу боис ҳам фикр фаразан баён этилгандир...

<...> Ақли аввалдан инсонга етган барча мартабаларда ҳам ана шундай ўхшашлик мавжуд. Дастлабки мартабага қараганда кейингисида янада кўпроқ нарсалар бордир. Умуман, инсон барча мартабаларнинг хулосасидир. Ҳазрати Пайғамбар ҳам энг охириги пайғамбар ва бошқа барча пайғамбарлардан устундир. Ҳарфларда худди шундай аҳвол мавжуд: «Ҳу» икки ҳарфдан иборат. Биринчи ҳарф «Ҳ» махорижи ҳуруф (ҳарфларнинг талаффуз ўрни)нинг илк нуқтасида, иккинчи ҳарф бўлган «в» эса сўнгги нуқта бўлмиш лаб билан талаффуз қилинади. Шу боисдан ҳам «Ҳу» барча ҳарфларни ўз ичига олади. Сўфийлар шунинг учун ҳам унинг-ла вирд ва зикр қиладилар. Баъзи тасаввуфий маъноларни инкор ва рад қилмоқчи бўлган бидимдонлар нечоғлик «Ҳу» бор-йўғи бир олмош, олмош билан эса зикр қилиб бўлмайди, дея даъво қилсалар-да, моҳият асло уларнинг назаридаги олмош билан чегараланмайди.

Келгин, сен бу сирни англа! Акс ҳолда, йўлда тўхтаб қоласан ва ўсиб-унмассан.

8. Сабр

Сабр мисли маййит нафсга ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган нарсаларга мужоҳада билан барҳам бермоқдир.

Юқоридаги «мужоҳада» калимаси вазифанинг мушкуллигига ишорат қилади. Бу эса нафс истамайдиган нарсаларни унга етказиш билан амалга оширилади. Масалан, нафс ваҳдатни, ёлғизликни хоҳламайди. Касратни, анжуманни улфат ва дўст билади. Ҳавою нафс бандаларида қўним бўлмаслиги шундандир. Улар қишин-ёзин умрларини

номашруъ суҳбату йиғинларга бағишлайдилар, ёмон нарсалар тилларидан тушмайди, шеърхонликни шайтонга ўхшаб ўзларининг қуръонларига айлантириб олганлар. Инчунин, ҳадисда: «Жаннатнинг атрофи машаққат ва мушкулотлар билан, жаҳаннамники эса орзуто ҳаловатлар билан ўралгандир» дея айтилгандир.

Эй мўмин! Ана шу нуқтада адашма! Қалбинг қайси томонга майл этгани ва йўналаётганини яхши бил! Қара, инсонлар қандай қилиб бир ақчани Жаннатдан қизғанадилар, аммо минг ақчани Жаҳаннамдан аямайдилар.

Шу тариқа нафс улфатлик қилган ва истаган нарсаларини унга бермасдан намунали, чиройли йўл устида тўппа-тўғри юришни таъминлашда сабот кўрсатиш керак. Зеро, Оллоҳ таоло: «Улар (ўз динлари йўлидаги бало-кулфатларга) сабр-тоқат қилишгач, Биз улардан (одамларни) ҳидоят қиладиган пешволарни чиқардик. Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонар эдилар» (Сажда, 32:24) дея марҳамат қилмоқда.

Тариқатдаги асл муддао интисоб қилиш эмас. Тариқат воситадир. Бу йўлда юриб, манзилу мақомга етишмоқ лозим. Ундаги «истиқомат» тариқатдан кўп муҳимдир. Оллоҳ таоло бир оятида: «Албатта, «Парвардигоримиз Оллоҳдир» деб, сўнгра (ёлғиз Оллоҳга тоат-ибодат қилишда) тўғри — устивор бўлган зотлар...»³⁴ (Фуссилат, 41:30) дея буюрмоқда. Демак, бу икки фазилатни бирлаштириш зарур. Аслида истиқомат ҳам тариқатлардаги муҳим унсурдир. Шунинг учун мазкур оятда сабр ва унинг натижаси ҳақида хабар берилмоқда. Шу боис хоҳ мурид, хоҳ муршид бўлсин, сабр қилиш асосдир. Сабрсизлар муршид ҳам, раҳбар ҳам бўла олмаслар.

9. Муроқаба

Муроқаба қулнинг худди жонсиз кишидек барча куч-қувват ва ҳаракатлардан ажралмоғидир.

Бундаги ҳавл (ҳаракат) бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтмоқ бўлиб, бу Оллоҳнинг лутфидир. Шу боис дуоларда: «Эй ҳолу ҳаракатларни ўзгартирувчи Оллоҳ...» деган жумла ишлатилади. Ҳақнинг муҳаввил (ўзгартирувчи) эканлигини муроқаба қилиш Уни шу сифат билан мушоҳада этиш демақдир. Куч-қувват ҳам

Ундадир. Зеро, Оллоҳнинг гўзал исларидан бири ҳам Қавий³⁵ эрур.

Диққат билан назар қилсанг, улкан ва оғир тегирмон тошини сувнинг қуввати айлантиради. Тошнинг айланувчилик қобилияти ҳам бор, аммо асосий ҳаракатлантирувчи куч барибир сувдир.

Бу мақомдаги солиқ итоат ва амали солиҳ ила Унинг лутфини орзу қилади, илоҳий армуғонларини кутади. Ундан бошқа бутун борлиқлардан юз ўгириб, Унинг ишқи дарёсига чўмади, Унга қовушиш иштиёқини ҳис қилади, ва ниҳоят, Унинг ҳузурида шавққа тўлиб йиғлайди. Фақат Унга суянади ва фақат Ундан мадад истайди.

Илоҳий армуғонлар важд, илм, файз каби ҳоллардир. Шубҳасиз, булар ҳар кимнинг мартабасига ярашади. Унинг лутфи эса амали солиҳ орқали сўралади. Бу ҳадиснинг маъноси қуйидагичадир: «Ё Раб! Авфу мағфиратга йўл очадиган амали солиҳда муваффақият насиб этгайсан...»

<...> Маънавий мақомларга кўтарувчи нарвоннинг пояси амали солиҳдир. Поясиз нарвон билан ҳеч жойга чиқиб бўлмаганидек, амалсиз ҳам ҳеч бир мартабага эришиш мумкин эмас. Чунки амали солиҳ илоҳий амрдир. Унинг амрига итоат қилмаган Унга етолмайди. Бу мавзу тасаввуфда ўта муҳим мавзулардан бўлиб, бир қанча муридлар шу боис ора йўлда қолиб кетишган. Амалу ибодатга аҳамият бермаганлар бир алоқа ва риштадан ўзини халос этса-да, яна мингтасига рўбарў бўлади. Шунинг учун ҳам «Молини севган мафтун, болачақасини севган мағбун (алданган) ва ҳолини севган мажнун бўлу» дейишади...

Ниҳоят, Оллоҳ таоло Ўзининг буюк нури билан солиқ учун ҳеч ким беркита олмайдиган раҳмат эшикларини очади ва ҳеч ким очолмайдиган азоб эшикларини ёпади.

Бундаги «раҳмат»дан «раҳмати хосса», яъни хос раҳмат назарда тутилган бўлиб, қурб ва вуслатнинг тимсолидир. «Азоб» ҳам хос маънода Ундан узоқ ва айро қолмоқликни англатади. Шундан ҳам равшанлашмоқдаки, вуслатдан сўнг ҳижрону айрилиқ йўқдир. Абу Сулаймон Дороний (ваф. 215 / 830) «Вусулдан ортга қайтмоқ йўқ», демишлар. Мана бу сўз ҳам мавзуимизга оид: «Фано мартабасига етишган киши яна олдинги васфларга қайтмайди» (Калабозий, «Ат-таарруф»). Бу

худди пайвандланган дарахт эски ҳолига қайтолмаслиги ва олтиннинг мис бўлмаслигига менгзанади.

Нафси аммора мушоҳада ва риёзат йўли ила ўттиз йилда йўқотилиб бўлмаса-да, мана шу мартабада тез йўқолади. «Ахёр» дея ном олган бундай сўфийлар: «Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс – агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса – албатта, барча ёмонликларга буюрувчидир. Дарҳақиқат, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир» (Юсуф, 12:53) дея ишорат қилган зотлардир.

Бу жамоанинг нафси нафси марҳума³⁶дирки, улар жаноби Ҳақнинг хос раҳмати ила шарафлангандирлар, узоқ чўзиладиган мушоҳада ва риёзатга эҳтиёжлари йўқ. Чунки бу усул ишқ, муҳаббат ва жазбага асосланган усул ва сулук шаклидир...

Қуръони каримда ҳам таъкидланганидек (Фурқон, 25:70), Оллоҳ уларнинг ёмонликларини яхшиликларга айлантиради ва бундай кишилар «аброр» дея ном оладилар³⁷.

Аброр ҳолига мақоми мағфират дейилади. Авф ва мағфират орасида тафовут бор. Авф ёмонликларни бутунлай чиқариб ташламоқ, мағфират эса яширмоқдир. Оллоҳ учун бунинг ҳеч қандай мушкуллиги йўқ...

<...> Ва «аброр» дея ном олган бу гуруҳнинг яхшиликлари «муқаррабин»нинг ёмонликларига ўхшайди. Оллоҳ таоло: «Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордин³⁸...» (Юнус, 10:26) дея буюрмиш.

Мана шу кенглик ва кўплик Оллоҳ лутфларининг шарофати демак. Уларнинг энг буюғи эса руъят, яъни илоҳий жамол мушоҳадасидир. «Оллоҳ истаганига бергувчидир» ҳукми эса муқаррабинлар тоифаси ҳақида...

10. Ризо

Ризо – бир марҳумнинг таслимияти мисоли нафс розилигидан айрилиб, ҳеч бир азалий ҳукмига эътироз қилмай, муноқаша қилмасдан барча ишларини Унинг абадий тадбирларига ҳавола қилмоқ ва шу тариқа Унинг ризосига эришмоқ демакдир.

Инсон ва қул орасидаги энг гўзал ахлоқ ризо ва таслимият бўлиб, Ҳазрати Иброҳим ҳамда ўғли Исмоил ўртасидаги воқеа тилларда дostonдир³⁹ (Саффот, 37:99 — 110).

Баъзи сўфийлар шундай дейдилар: «Жамъи ишларимга севгилимни вакил қилдим, истаса ҳаёт бағишлайди, истаса ўлдирadi».

Ризо аҳлига кўра, лутф ва қаҳр айна бир нарса. Иккиси ҳам маҳбубдан келади. Ўртадаги тўсиғу пардалар кўтарилиши билан ҳар иккаловининг ҳам бир нарса эканлигини кўриш мумкин.

Кимки, бу дунёнинг пардаларидан, қоронғу васфларидан қутулса ва ихтиёрий равишда нафсини ўлдирса, Оллоҳ уни инояту ёрдами билан қайтадан тирилтиради. Зеро, Қуръони каримда ҳам: «Аввал ўлик (кофир) бўлган, сўнгра биз уни (динга ҳидоят қилиш билан) тирилтириб, унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни (иймонни) бериб қўйганимиз бир киши — зулматларда қолиб кетган ва ундан ҳеч чиқувчи бўлмаган кимсага ўхшайдими?!...»⁴⁰ (Анъом, 6:122) дейилмишдир.

Шуурли ўлимдан кейинги бу ҳаётга «ҳаёти ҳаққонийя» деб ном берилган. Бунда фоний нечоғлик эриб оқиб кетса, боқий шунчалик устуворлашади. Ва бундан кейин боқийнинг ҳукми вожиб бўлади.

Яъни тошдек қаттиқ ва мустаҳкам бўлган «Ана — Мен»нинг қоронғуликларидан халос айлаб, раббоний васфларимиз ила унга ҳаёт бағишлаймиз.

Ушбу пардаларнинг очилишидан кейинги ҳол пайванди дарахт мевасининг аввалги ҳосилга ўхшамаслиги кабидир.

Сўнгра унга жамолимиздан бир нур улашамизки, энди сўфий инсонлар орасида фаросат ила уларнинг ҳолларини мушоҳада қилади.

Басирати очик бўлганлиги боис ориф халқ ҳолларини англайди, аммо халқ бундан беҳабар қолади. Фаросат руҳнинг илоҳий бир қувват ила мулоҳазаю тафаккурсиз ғайбий маъноларни англамоғидирки, бунга фаросати ақлийя, кашфийя ва илоҳийя ҳам дейилади.

Солик моддадан маънога интиқол этади ва ушбу фаросат уни асло адаштирмайди. Бундан бошқа фаросати табиийя ҳам борки, унинг адаштириши эҳтимолдан холи эмас. Фаросат

соҳибларининг мартабаларини эса тўрт асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Иймон. Кенг маънода барча мўминларнинг ҳолидир ва дарахт гулига ўхшайди.

2. Валоят. Хос мўминларнинг сифатидир. Бу мартаба эҳсс мартабаси деб ҳам номланади. Дарахтнинг мевасига ўхшайди, чунки иймон, илм ва амали солиҳдан мақсад мушоҳада мақомига юксалмоқдир. Зотан, дарахт ҳам меваси учун экилади.

3. Нубувват. Ахосул хаввос — хосларнинг хоси мартабаси. У меванинг ўзи кабидир.

4. Рисолат. Бу эса ўзнинг ўзи кабидир. Биринчи ва иккинчи мартаба касбий, яъни мужоҳада ва ғайрат билан қўлга киритилади. Кейинги икkitаси эса ваҳбий, Оллоҳнинг лутфидир.

Ҳар валий ҳам бир жиҳатдан ўзнинг ўзидир. Аммо Пайғамбарга нисбатан сирт ва пўст ҳисобланади. Энг юксак мартаба эса Ҳазрати Муҳаммадга оиддир...

Оллоҳга ҳамд бўлсин, бу шарҳ Шайх Исмоил Ҳаққи⁴¹ тарафидан 1137 (1724) йилда Бурсадаги Ломейи Муҳаммадий масжидига туташ кутубхонада ниҳоясига етказилди⁴². Ушбу дастурхондан маънавий насиба олганларга офият ва бу шарбатдан ичганларга соғ-саломатлик тилайман.

Аҳли ҳидоят муҳибларига эса саломлар бўлсин.

"РИСОЛА ИЛАЛ ҲОИМ" ган

Мадад бергил, мушқулимни осон айла, Оллоҳим!
Буюклигига ҳамма нарса бош эгган Оллоҳга ҳамд бўлсин! Қудрати қошида ҳар кимса заиф бўлган Оллоҳга ҳамд бўлсин! Куч-қуввати қаршисида ҳамма нарса таслим қолган Оллоҳга ҳамд бўлсин! Ва салтанатига ҳар кимса бўйинсунган Оллоҳга ҳамд бўлсин!

Унинг Бирлигига, Ундан бошқа илоҳ йўқлигига, мислсизлигига, Муҳаммад (с.а.в.) Унинг қулию пайғамбари эканлигига, кофир ва мушриклар истамаса-да, бошқа динлардан устун келиш учун Уни ҳидоят ва ҳақ дин билан юборганлигига шаҳодат¹ берурмиз. Унга аввалгиларнинг ва кейингиларнинг орзумандлик этганликлари қадар салот ва салом бўлғай.

Энди шунини баён этурмизки, мазкур рисола ушбу кайфиятдаги кишилар учундир: улар ҳайратланурлар, маломат қилгувчиларнинг таънаю маломатидан қўрқурлар, қалби ила толиб бўлгани ҳолда қолипи ва вужуди билан (бу ишдан, сўфийлик йўлидан) қочурлар. Аммо Оллоҳ таолонинг каломидagi ваъдаларни эшитиш, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннاتини англаш, саҳобалар ва уларга чиройли тарзда итоат қилган тобеъинлардан келган хабарларни ўзлаштириш, шайхларнинг ҳол, мақом ва манқабаларини ўрганиш кабилар билан қалбларидаги нур узлуксиз равишда кўпайиб борур.

Шубҳасизки, Оллоҳ таолонинг арзу самосидаги Ҳақ аскарлари (жундуллоҳ) валийлардир. Оллоҳ қуларини Унга мана шу зотлар даъват қиладилар. Хусусиятлари зикр қилинган кишини Оллоҳ таолонинг нури ҳақиқат йўлига киришга ундайди. Бироқ биродарлари ва дўстларининг маломати унинг тўғри йўлга киришига монъелик кўрсатади. Шубҳа уйғотувчи нафс билан йўлдан озган шайтон уни васвасага солади. Шу тариқа уни мақсадидан воз кечишга даъват қилади. Уни ўз ақли салими² ва бурҳони³ ила ёлғиз қўймадилар. Мана шу мискинга баъзан яқин куёши⁴ тажалли қилади, у эса ана шу (тажалли) нури ила илғарилайди. Баъзан шак ва шубҳа қоронғуликлари пардага айланиб, бирор иш қилишга имкон қўймайди. Ҳайронлик ичра қолади. Гўё бир чўлки, зимистоналарга тўла...

<...> Эй содиқ, ихлосли толиб ва мурид, сурату сийратингни покла! Кир ва ифлосликларни тозаламагунча қудсий ва раббоний ҳузурга юксалиб бўлмас. Ички ва ташқи покизаликка эса ўн асос (усули ашара) ва қуйидаги шартлар адо этилмасдан эришиб бўлмайди.

1. Вужуд покизалиги

Вужуд покизалиги гусл талаби ва аъзолардаги ҳадасу кирларни тозалашдир. Пайғамбар (с.а.в.): «Таҳорат мўминнинг аслаҳасидир. Таҳоратли ҳолда такрор таҳорат олиш эса нур устига нур. Чунки қудсий руҳ тупроқ ила қоришган ва кирлангандир», дея марҳамат қилмишлар. Оллоҳ таоло ҳам: «Дарҳақиқат, уни (яъни, ўз нафсини — жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (жонни фисқ-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурад бўлди»⁵ (Ваш-Шамс, 91:9—10) дея буюрмиш.

Руҳнинг тупроқ-ла кирланиши завқ учун ейилган луқмаларидан ҳосил бўлгандир. Сув эса тупроқ ва балчиқни тозалаш учун яратилган. Одатий ва тўла таҳоратда ишлатиладиган сув мана шу қудсий руҳ юзидаги тупроқ изларини тозалайди. Тупроқ билан боғлиқ юкларни аритиб, уни енгиллаштиради. Бу тозалик узлуксиз равишда адо этилсагина раббоний нурлар барқ ура бошлайди. Хаёл кўзгусига монанд бу нурлар фақат басират билан кўрилуру.

2. Хилват

Хилват қуёш шуълалари ва кундуз ёруғлиги кирмайдиган қоронғу бир ерда турли хил машғулотлардан йироқлашиб ибодат қилмоқдир. Хилватга кирган киши туйғу-аъзоларини жиловлайди, фаолиятдан тўхтатади. Бу эса қалбнинг очилиш шартларидандир.

Диққат билан мушоҳада қил! Бедорлигингда кўрмаган қанчадан-қанча нарсаларни уйқуда кўра оласан. Шунингдек, хилват усули билан уйғоқлигингдаёқ туйғу аъзоларини жиловласанг, сен учун қалбий туйғуларинг эшиги очилади. Шу боис Расулulloҳ ҳали пайғамбарлик келмасидан аввал хилват ҳаётини севган эдилар. Ўша йилларда Оллоҳнинг суюкли қули ўлароқ ул зот маълум бир куну тунларда Ҳиро тоғига чиқар ва

ибодат қиларди, нубувватдан ўн беш йил аввал Оллоҳнинг нурини кўришга мушарраф бўлган эди.

Хилват нима учун керак? Нафс ўйин-кулгу ва халқ билан унсият қуради. Инсон хилват усули билан нафсини инсонлардан йироқлаштиради, уни ҳибсга олади ва ножоиз нарсалардан тийиш билан уни (истаклари амалга оширилмаганлиги боис) заифлаштиради, далилу бурҳонларини йўққа чиқаради. Уларнинг фарқ бўлиши ва қўпорилиши билан (қарама-қарши равишда) қалб бурҳони зуҳур топади ва ғайб нури билан ёришади.

3. Давомли сукут

Азизу жалил бўлган Оллоҳнинг зикридан ташқари мудом сукут сақлаш керак. Пайғамбаримиз: «...Инсонларни юзтубан ҳолда оташга судраган нарса ўз тиллари экиб-ундирган нарсалардан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?» демишлар. Инсонлар мунофиқлик ва ёлгончиликдан сукут билан қутуладилар. Зеро, Оллоҳ таоло ҳам: «...Улар тилларида, дилларида бўлмаган нарсани ёлгонни айтурлар...»⁶ (Фатҳ, 48:11) дея марҳамат қилмишдир. Алалхусус, Закариё пайғамбар Яҳёни сўраган пайтида ҳид билиш билан кифояланиб, сукут сақлашга буюрилган эди. Оллоҳ унинг сукутини истаганди: «...Сенга белги шуки, соппа-соғ бўлган ҳолингга уч кунгача одамларга гапира олмайсан. Бас, (Закариё) меҳробдан қавмининг олдига чиқиб, уларга эртаю кеч (Оллоҳни) поклаб, ибодат этишни ишора қилди»⁷ (Марям, 19:10—11).

Шундай қилиб, сукут Яҳё пайғамбар ва ҳаётининг ҳам ахлоқи, ҳам ишорати бўлди. Ҳазрати Яҳёнинг гўдаклигида сўзлашининг сири ана шунда эди.

4. Давомий рўза тутиш

Оллоҳ қудсий бир ҳадисида: «Рўза мен учундир. Мукофотини ҳам ўзим бераман» дея марҳамат қилади. Яна «Рўза (ёмонликларга қарши) қалқондир» дея буюрилгандир. Нафс ва шайтон билан мужодала қилган киши учун бу қалқон жуда зарурдир. Фақат унинг воситасидагина шайтон ўқларидан қутулиш мумкин.

Рўза вужуддаги сув ва тупроққа оид нарсаларнинг камайишига таъсир этади, қалбни ғубор, кир ва

мубҳамликлардан поклайди. Зеро, Расулуллоҳ: «Баъзан қалбимда бир ғубор ва кўланкали ҳолни сезаман ва дарҳол Оллоҳга етмиш марта (бир ривоятда юз марта) тавбаю истиғфор қиламан» дея марҳамат қилганлар. Қалбнинг тубан (раин) ҳоли кофирлар учун хосдир. Жумладан, бир оятда: «Йўқ, (ундоқ эмас)! Балки уларнинг дилларини ўзлари касб қилувчи бўлган гуноҳлари қоплаб олгандир» (Мутаффифун, 83:14), дейилади. Қалбнинг булутли (ғайм) бўлиши эса мўминларга даҳлдор. Усайд бинни Ҳудайр Пайғамбаримизга келиб:

— Ё Расулуллоҳ, бу кеча «Каҳф» сурасини ўқиётган эдим, тўсатдан бошим устида қандил янглиғ булутларни кўрдим, улар нима эди, дея сўраганида, Оллоҳнинг Расули:

— Улар сакинатдир (бошқа бир ривоятда малаклардир). Ўқиётган Қуръони каримни эшитиш учун келган эдилар» дея жавоб бердилар.

Қалбнинг мубҳамлиги (ғайн) эса пайғамбарларга хосдир. Бу юқоридаги ҳадисдан ҳам англашилиб турибди.

5. Узлуксиз зикр

Зикр қалб ҳузури ичида, зўр қувват билан овозни кўп кўтармасдан, тил билан томир ва шохтомирларга таъсир қиладиган тарзда Оллоҳ таолони хотирлаш эрур. Шайтон зикри жаҳрий қаршисида ортга чекинади ва ўз қалқонини ишга солади. Энг фазилатли зикр эса «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасидир. Чунки нафс қалбни истило этгач, ҳукмронлик ва улуҳиятни даъво қилур. Ҳою ҳаво, шаҳват ва шайтон эса нафс лашкарини майдонга келтиради.

Қул «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) деганида, зеро, бу ифода нафъий ва исботдан, рад ва қабулдан иборатдир — рубубият иддио этган, нафсу ҳаво ҳамда шаҳват туфайли улуҳият талаб қиладиган илоҳларнинг рад ва инкори назарда тутилади. Чунки Оллоҳ таоло: «...Ким ҳавою нафсларини илоҳ қилиб олган бўлса...»⁸ (Фурқон, 25:43); «...нафс, албатта, барча ёмонликларга буюргувчидир...»⁹ (Юсуф, 12:53). «Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз, у ўз фирқасини (яъни ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгалари бўлишлари учун даъват қилур» (Фотир, 35:6) дея марҳамат қилгандир.

Зокир кул «Ла илаҳа» ифодасидаги нафъий бўлими билан ўз душманларининг орзу салтанатларига барҳам беради. Исботни ифодаловчи «иллаллоҳ» қисми эса Ҳақ ва Унинг аскарлари даражасида бўлган қалб, илм, Куръон, суннат ва илҳом ҳокимиятини пайдо қилади. Ҳақ аскарларининг ҳокимияти майдонга чиққач, қалб табиат чоҳидан Ҳақнинг яқинлик фазосига юксалади. «Ҳеч бир кўз кўрмаганни кўриб, ҳеч бир қулоқ эшитмаганни эшитади»...

<...> Зикр нурдир. У қалбни ишғол этиб ўз ҳукмига олганда қалбни ҳам, қалб кўзини ҳам нурлантиради. Шу тарзда олдин кўришига тўсқинлик қилган қоронғу ерларда ҳам нарсаларни худди мана шу қалб кўзи билан кўришга етишади. Зеро, ўлим тўшагида ётган киши ҳам ёнида ҳозир бўлган кимсалар кўрмаган нарсаларни кўра олади. Бу ҳақда Ҳақ таоло: «...Бас, Биз сендан пардангни очиб юбордик. Энди бу кун сенинг кўзинг жуда ўткирдир»¹⁰ (Қоф, 50:22) дея буюради...

6. Таслимият

Бу калима ризо ва тафвиз¹¹ билан бир қаторда таваккулнинг илк саҳфасини ҳам ўз ичига олган. Оллоҳ: «Эсланг: Парвардигори унга: «Бўйинсун!» деганида: «Бутун оламлар эгасига бўйинсундим» — деди» (Бақара, 2:131), дея буюради. Аҳзобни мақтар экан, шундай марҳамат қилади: «Мўъминлар у фирқаларни кўрган вақтларида: «Бу Оллоҳ ва Пайғамбари бизларга ваъда қилган нарсадир (яъни имтиҳондир). Оллоҳ ва Пайғамбарининг сўзи ростдир» дедилар ва (устларига бостириб келаётган фирқаларнинг сон-саноксизлиги) уларнинг (Оллоҳга бўлган) иймон ва итоатларини янада зиёда қилди, холос» (Аҳзоб, 33:22), «Ким чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Оллоҳга топширса, бас, у мустаҳкам ҳалқани ушлабди...»¹² (Луқмон, 31:22), «Ҳақиқий мусулмон бўлган ҳолида ўзини Оллоҳга топширган ва Ҳақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?!» (Нисо, 4:125) дея марҳамат қилгандир.

Оллоҳнинг муқаддар қадарига ва муборак қазосига розилик таслимият талабларидандир. Қуйида келтирилганлар ҳам таслимиятга дахлдордир. Булар: фақр¹³-ғино, ҳузун¹⁴-хафв, қабз-баст¹⁵, унс¹⁶-ҳайбат, маърифат, муҳаббат, маҳв¹⁷-исбот,

ҳузур-иҳзор¹⁸, шуҳуд¹⁹-ишҳод, буъд²⁰-ибад, қурб²¹-тақарруб, саҳв²²-сакр, сабр²³-шукр, маҳвули асар²⁴, маҳвули айн²⁵, маҳвули эйн²⁶, мужоҳада²⁷-мушоҳада, ҳумуд²⁸-жумуд ўргимчаклар уя тўқиган манзилларнинг зуҳур қилиши, мунодама-муноҳаса²⁹, муножот-муҳовара³⁰, мукошафа-муҳодаса³¹. Шулар туфайли қалбим менга Раббимдан хабар берди. Таҳалли — ладуний илмлар нақшланган лавҳларнинг тажалли этмоғи бўлса, тоҳоли³² убудият³³ — ҳурриятдир, ўтмишдан ва келажақдан андиша этмоқдир. Азалий иноят ва абадий қиёфатга келсак, ғайб оламида бўлган қалб³⁴ қуёшининг (у муқаддиму-л-ғайб, шайху-л-ғайб, мезону-л-ғайб, шамсу-л-қалб ва шамсу-л-иқон, шамсу-л-ирфон, шамсу-р-руҳония ҳам дейилади) туғилишидир. Бунга нафси нотиқа ва қалб даҳлизи ҳам дейилади. Барча жамолий ва жалолий сифатларнинг шоҳидлари, азамат, аҳадият, қаҳр, ғалаба, иззат, камол ва латиф сифатлар мана шу қалб даҳлизида таваллуд топади...

7. Хотирани поклаш

Бу (нафси хавотир) мужоҳада йўлидагилар учун бағоят қийин бир ишдир. Оллоҳ: «Тақво қилгувчи зотларни қачон шайтон томонидан бирон васваса ушласа, (Оллоҳни) эслайдилар, бас, (тўғри йўлни) кўра бошлайдилар. Уларнинг (шайтонларнинг) дўстлари эса йўлдан оздиришда уларга (шайтонларга) ёрдам берадилар, сўнг (бу ифволарини) тўхтатмайдилар» (Аъроф, 8:201–202) дея буюрмишдир.

Шунингдек, «Шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз камбағал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фаҳш ишларга буюради. Оллоҳ сизларга ўз тарафидан мағфират ва фазлу карам (бойлик) ваъда қилади» (Бақара, 2:268); «Албатта, ўзларига ҳидоят (йўли) аниқ-равшан бўлганидан кейин яна ортларига (куфрга) қайтиб кетган кимсаларга (бу ишларини) шайтон чиройли қилиб кўрсатди ва улар учун (пуч орзу-хаёлларни) узун қилиб қўяди» (Муҳаммад, 47:25); Ҳазрати Яъқуб: «...Йўқ! Сизларга ҳавойи нафсларинг бирон (ёмон) ишни чиройли қилиб кўрсатган...»³⁵ (Юсуф, 12:18); Ҳазрати Юсуф: «...Мен нафсимни оқламайман...»³⁶ (Юсуф, 12:53); «Мен қиёмат кунига қасам ичурман ва мен маломатгўй нафсга қасам ичурман» (Қиёмат, 75:1–2); «Қачонки, иш

тугагач (яъни, жаннат аҳли жаннатга сазовор бўлиб, дўзахийлар дўзахга ҳукм қилинган), шайтон деди: «Албатта, Оллоҳ сизларга Ҳақ ваъда қилган эди. Мен эса (ёлғон) ваъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло, мен сизларни (куфр йўлига) чақириш биланоқ ўзингиз менга итоат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз...»³⁷ (Иброҳим, 14:22); «Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг Тўғри йўлинг устида уларни (Одам болаларини) кутиб ўтирурман»³⁸ (Аъроф, 7:16); «...Албатта, шайтонлар ўз дўстларини сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага солурлар...»³⁹ (Анъом, 6:121); «Шунингдек, ҳар бир пайғамбар учун инсу жин(дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик.. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал (ялтироқ) сўзлар билан васваса қиладилар...»⁴⁰ (Анъом, 6:112); «Эй мўъминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни, уларга сифиниш) ва чўплар (яъни, чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир» (Моида, 5:90) каби кўпгина оятлар нафс ҳисларини ва шайтон васвасаларини очиқ-ойдин кўрсатмоқдадир. Бу ҳақда Пайғамбар (с.а.в.)дан келган «Шайтон инсон фарзандининг қон томирларида қонга ўхшаб айланади, сизга бирон нарса отишидан андиша этдим» ёки «Шайтон одам фарзандига қон томирларидан нуфуз қилади» каби саҳиҳ ҳадислар ҳам шундан далолат беради...

<...> Биз англатмоқчи бўлган хавотир олти эмас, беш қисмдир.

1. Хавотири Ҳақ. Бу илк хотир ҳеч қандай ташқи сабаб ва ҳукмга боғлиқ бўлмасдан қалбда вуқуъ бўлган хотир маъносини беради. Ҳақ таолонинг хотири шудир. Бу ҳам икки турли: бири яқозо⁴¹ ҳолида хавотирга муҳолиф бўлади. Лекин уни титратмайди, сиқмайди, азобламайди, ҳайдамайди. Аксинча, қалбда абадиян мутмаин⁴² бўлиб қолади. Иккинчиси эса илҳом дея номланган бўлиб, Ҳақдир, Ҳақ хотиридир. Оллоҳ таоло: «Жонга ва уни расо қилиб яратиб, унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб ўргатиб қўйган зотга қасамки, дарҳақиқат, уни (яъни ўз нафсини-жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (жонни фисқ —

фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номуроод бўлди» (Шамс, 91:7–10) дея марҳамат қилгандир...

2. **Хавотири қалб.** Қалб хотирининг табарруклиги учун қуйидаги шартларни бажо келтириш лозимдир:

- а) қалбнинг шайтон ҳукмларига таслим бўлмаслиги;
- б) нафснинг ҳавожизидан солимлиқ;
- в) жамол ва жалолнинг мушоҳадаси ила зийнатланиш;

г) чиркинлашувга сабаб бўлган гуноҳлардан, қўпол ва ёмон хулқлардан йироқлашув. Чунки бу гуноҳлар кофирларнинг қалбларини бузганидек, мўъминларникини ҳам кирлатади. Ушбу оят ҳам ана шу мавзуга алоқадордир: «Йўқ, (ундай эмас)! Балки уларнинг дилларини ўзлари касб қилгувчи бўлган гуноҳлари қоплаб олгандир!» (Мутаффифун, 83:4)...

3. **Хавотири малак.** Бу сакинат⁴³дир. Оллоҳ таоло шундай буюрмишдир: «У (Оллоҳ) ўз иймон-ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўъминларнинг дилларига сакинат — ором туширган зотдир...»⁴⁴ (Фатҳ; 48:4). Дейдиларки, сакинат — ёмғири тўкилган булутдир. Яна айтишларича, сакинат мушук бошли бир нарсга эмиш. Яна эса малакларнинг бир тоифасига ҳам ушбу ном берилган экан.

Ушбу хотир асос эътибори билан хотири қалбга ўхшаса-да, ораларида нозик тафовут мавжуд. Бунини шариат аниқлаган. Саҳобалардан ибн Аббос шундай демиш: «Расулуллоҳ (с.а.в.) хайру ҳасанот борасида инсонларнинг энг жўмарди, саҳоватлиси эдилар. Ва энг жўмард бўлган пайтлари рамазон ойи эди. Жаброил ҳар кеча унинг қошига келар, Қуръонни музокара қиларди. Шу боис ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) хайру ҳасанотда жўмардлиги асло тўсиққа учрамайдиган бир рўзгор (шамол)га ўхшардилар».

4. **Хавотири шайтон.** Бу хотир қулни залолату тубанликка бошлайди. Мужоҳада соҳибини ҳам гуноҳга ундайди, агар у бу даъватдан юз ўтгирса, бошқа бир гуноҳга бошлайди. Хавотири шайтоннинг ажойиб лутфлари ва ғаройиб ўйинлари бор. У ҳар инсонни унга хос бир хийлаю ўйин билан йўлдан чалғитади. Жоҳилларни жаҳолатлари билан, олим узоқидларни эса яна бошқа бир тарзда йўлдан уради. Масалан, олим илмига мувофиқ амал этишни истаса, унга яқин келиб: «Барча илмларни эгаллаб бўлганмидингки, амал билан машғул бўлмоқчисан?» дея шивирлайди. Пайғамбарнинг (с.а.в.) шу

сўзларига амал қилсанг-чи: «Бир фақиҳ шайтонга минг обиддан кўра даҳшатлироқдир»...

<...> Мужоҳадаю риёзат билан машғул бўлган кишига хавотир катта Эрам селидек ёпирилиб келар (Сабаъ, 34:16). Ундан талаб қилинадиган нарса буларнинг ҳеч бирига илтифот кўрсатмаслик ва барчасини унутмоқдир. Сўнгги камолот даврида эса ҳақ бўлган хавотир билан ҳақ бўлмаганини бир-биридан фарқлаб, лозимига амал қилишдир.

5. Хавотири нафс. Бу хотир ақл-фаросатсиз гўдакка ўхшайди. Масалан, тенгдошлари билан ошиқу ёнғоқ ўйнамоқчи бўлган гўдакка минглаб тилла (ва чиройли нарсалар) берсангиз ҳамки, уни мамнун қила олмайсиз.

Муридларга келадиган энг кучли ва шиддатли хавотир мана шудир. Чунки нафс инсон ички оламининг султониға ўхшайди. Унинг лашкарини эса шаҳват, ҳаво, ҳавас, башарий ва ҳайвоний руҳ ташкил этади. Мурид бу пайтда сўқир бўлиб, таҳликаларни кўрмайди ва яхшию ёмонни бир-биридан фарқолмайди. Бу ҳолат Оллоҳнинг инжа ҳикмати, гўзал муомаласи ва кенг раҳмати билан басирати нурлангунга қадар давом этади. Ана шундан кейингина мурид дўсту душманни ажратади. Нафс мана шу вақтда инсоний қолипда тўнғиз ҳирси, кўппак душманлиги, йўлбарс важоҳати, бўри фитнаси, тулки хийласи, маймун эҳтироси, эшак шаҳвати, ҳўкиз орзуси, шайтон макри ва ҳасад оташи билан тўлиб тошади. У бу пайтда шу ҳолатга сабр қилиб ўтиргани ва уларга омонлик бергани учун ўзини маломат қилади. Ҳамда уларни ўз вужудидан йўқотиш учун тузоқлар қўяди, улар ёрдамида бадан уйини тозалайди. Сўнгга разиллик асоратларидан ҳам поклайди. Шу тариқа иймоннинг олтмишдан (бир ривоятга кўра эса етмишдан) ортиқ шўъбаси билан зийнатланади.

Нафс ана шундагина гўзаллашади ва рози бўлади. Зеро, Оллоҳ ҳам: «Эй хотиржам — сокин жон, сен (Оллоҳ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва Оллоҳ таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (ҳузури)га қайт!» (Фажр, 89:27—28) дея буюргандир. Ушбу оятда зикр қилинган нафс қалбдан бошқа нарса эмас.

Нафснинг уч ҳоли бордир:

1. Нафс ёмонликка амр қилади (нафси аммора).
2. Нафс маломат қилади (нафси лаввома).

3. Тамкин ва истиқомат ҳолига эришади (нафси мутмаинна). Шундай қилиб, яқин қуёши порлайди ва нафс «қалб» дея ном олади.

Биз бошланғич ҳолдаги муридга барча хавотирдан фориг бўлишни буюрган эдик. Ахир у тариқатга эндигина қадам қўйган ва маълумоти етарли эмас. Нима тўғрию нима нотўғрилигини узил-кесил фарқлолмайди. Нажот топиш учун эса ҳар иккаловини тарк қилиш зарур. Агар хотир малак ва қалбга оид бўлса, собит қолади, муриднинг қатъияти ҳам уни кетказа олмайди.

Агар у нафс ва шайтонга оид хавотир бўлса, йўқолади. Оллоҳ таоло ҳам: «Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Оллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас...»⁴⁵ (Раъд, 13:11) дея амр этмишдир.

8. Робитаи шайх

Шайх тариқат ва йўл биродаридир. Оллоҳ: «Эй мўъминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!» (Тавба, 9:119) дея марҳамат қилмоқда.

Ҳазрати Пайғамбар эса: «Асҳобим юлдузларга ўхшайдилар. Қайси бирига эргашишингиздан қатъий назар, тўғри йўлни топасиз», «Мендан кейин иккита кишининг йўлидан юринг: Улар Абу Бакр ва Умар (р.а.)дирлар», «Юлдузлар аҳли сано кафолатидир. Улар ғойиб бўлишлари билан таҳдид қилинган нарсалар ердагиларнинг бошига келади» дея буюрмишлар.

Оллоҳ таоло пайғамбари Ҳазрати Мусо билан валийси Ҳазрати Хизир орасидаги суҳбатни нақл қиларкан, шундай дейди: «Мусо унга: «Сенга билдирилган билимдан менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?» деди. У (Хизир) айтди: «Аниқки, сен мен билан бирга (илм машаққатларига) сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас» (Каҳф, 18:66 — 67).

Шайх Ҳақ йўлга сулук этган, бу йўлнинг зарарли, қўрқинч ва таҳликали томонларини яхши билган, вақт, манзил, ҳолу мақомлардан муридга таълим бериш билан иршод қилувчи, фойдалию зарарли нарсаларни танитувчи зотдир. Суҳбати солиҳларнинг суҳбатидан ҳам оз фойда берадиган киши эса шайх бўлолмайди. Зеро, бир ҳадиси шарифда:

«Солиҳларнинг мажлиси хушбўй атрлар сотиладиган аттор дўконига ўхшайди. Сотиб ололмасанг ҳамки, бўйдан баҳраманд бўласан. Ёмонларнинг мажлиси эса темирчининг ўчоғи кабидир. Ёнмасанг ҳам тутунию ҳидининг офатидан қутулмассан», дейилгандир.

9. Фақат мажбурият ҳолида ухлаш

Зарур пайтда ухлашнинг ўлчови уйқусизлик асносида зикрни бир-бири билан қориштирмасликдир. Мурид худди шу аҳволда истироҳат қилади. Нима дейишни билгунига қадар ухлайди, сўнгра (такрор туриб) зикрни давом эттиради.

Чунончи, тақводор зотлар ҳақида Оллоҳ таоло: «Улар кечадан озгина (фурсатгина) кўз юмар эдилар. Ва саҳарларда улар (қилган саҳву хатолари учун) Парвардигордан мағфират сўрар эдилар» (Зориёт, 51:17—18); «...Кечаси (бедор бўлиб, намозда) туринг! Фақат озгина — унинг (кечанинг) ярмида (ухлаб ором олинг) ёки (уйқуни кечанинг) ярмидан ҳам бир оз камайтиринг, ёхуд унга (бир оз) зиёда қилинг (яъни кечанинг ярмидан кўпроғида ухлаб, истироҳат қилинг) ва Қуръонни тартил билан (яъни, дона-дона қилиб) тиловат қилинг!»⁴⁶ (Муззаммил, 73:2—4); «Яна кечанинг бир қисмида ҳам У зотга сажда қилинг ва тунда узоқ (бедор бўлиб), у Зотга тасбеҳ айтинг!» (Инсон, 76: 26); «(Оллоҳ) бир кеча Ўз бандаси (Муҳаммад)ни унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид ал-Ҳаромдан (қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид ал-Аҳсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир...»⁴⁷ (Ал-Исро, 17:1); «Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорининг (унинг учун белгиланган) вақти комил қирқ кеча бўлди...»⁴⁸ (Аъроф, 7:142), дея марҳамат қилгандир.

Ушбу оятларда зикр қилишнинг кундузи эмас, айнан кечада амалга оширилиши уйқу билан боғлиқлиги туфайлидир. Чунки ваъда қилинган нарсани кутаётган кимса бедор кутади. Оллоҳ таоло бунга бошқа бир оятида ҳам: «Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар...)»⁴⁹ (Сажда, 32:16), дея ишорат қилмоқда.

Бир ҳадиси шарифда ҳам: «Инсонлар ухлаётганда кечаси туриб намоз ўқишга диққат қилинг» дейилмиш. Чунки мужоҳада ва риёзат вужудни толиқтиради, уйқу эса, аксинча, роҳат беради. Шунга биноан уйқу ва риёзат ўзаро зиддир. Аслида уйқунинг ҳақиқати қалбдаги туйғу аъзолари очилсин, деб зоҳирий ва ташқи туйғуларни беркитмоқ, яъни зоҳирдаги туйғу узвларининг ёпилиши туфайли қалбдаги туйғу узвларининг очилиши эрур.

Уйқудаги ҳикматни эса шундай изоҳлаймиз: Руҳи қудсий, нафси нотиқа ва раббоний латифа сифлий вужуд⁵⁰имизда ғариб бир ҳолдадир. У вужудимизни ислоҳ қилиш, фойдалисини эгаллаш, зарарлиларни эса даф қилиш учун ғайрат кўрсатади. Киши уйғоқ экан, руҳ баданда ҳибсланади. Инсон ухлаши билан қудсий руҳ ҳам аслий ватани — ладуний ва илоҳий манбага парвоз қилади. Гайб ва маъно оламини танишдан, руҳлар ила мулоқот бахш этган ҳузурдан яйрайди. Малакут оламига етганда эса уни шаҳодат оламида мисоллари ила кўрур. Туш таъбирининг сири ҳам худди ана шундадир.

Мужоҳада аҳлидан бўлган зот истироҳат ва уйқуни тарк этаркан, тупроқ, сув, олов ва ҳаводан иборат тўрт унсурнинг ҳокимияти эриб битади, йўқ бўлади. Қалб бу пардалардан сидирилиб соф ҳолга келиши билан мужоҳада ақли бўлган кимса басират кўзлари ила малакут оламини томоша айлайди ва Раббига иштиёқ сезади.

10. Ейиш-ичишда ўрта йўлни танлаш

Бу йўл ҳаддан ортиқ оч қолмаслик, аммо тўйиш даражасидан ортиқ ҳам емасликдир. Инчунин, Оллоҳ таоло: «...еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар»⁵¹ (Аъроф, 7:31); «Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (балки эҳсонлари) ана ўша (хасислик билан исрофнинг) ўртасида — мўътадил бўлур» (Фурқон, 25:67), дея буюрмиш. Ҳадисда ҳам: «Ишларнинг энг яхшиси васат бўлганидир», дейилмишдир. Ўртанинг икки тарафи ҳам (ифрот ва тафрит) ёмондир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Мўъмин бир меъда билан, кофир эса етти меъдаси билан ейди», «Меъданинг учдан бири

таом, учдан бири сув, қолган қисми эса нафас олиш учун бўш қолиши керак», дея буюрганлар.

Оллоҳ таоло кўп ейиш ила орттириладиган куч-қувватни «Озгина вақт еб, фойдаланиб қолинглар! Албатта, сизлар жиноятчидирсизлар!» (Мурсалот, 77:46) дея маломат қилгандир.

Яна Ҳазратимиз (с.а.в.): «Бир кун тўқ бўлсам, бир кун очман» демишлар. Мавзуга тегишли шундай ривоят ҳам бор: Шиблий (р.а.)дан «Яқин недир?» дея сўрамишлар. У бунга: «Очлик, очлик, очлик» дея жавоб бермиш. Яна сўфийлардан бири: «Руҳий офат ва балоларнинг ҳаммаси тўйишу тўқ бўлишда мужассам. Хайру баракот эса оч қориндадир» демиш. Пайғамбаримизнинг «Инсон фарзанди тўлдирган энг ёмон қоп бу қориндир» ҳадислари ҳам юқоридаги сўзларнинг тўғрилигидан далолат беради.

Айтишларича, сурувини боқаётган чўпондан бир йўловчи сув сўради. Суви йўқлигини айтганида, йўловчи: «Ҳеч бўлмаса сут бер» деди. Подачи дарров бир қўйнинг сутини идишга соғиб, мусофирнинг чанқоғини қондирди. Аммо озгина сут ортиб қолди. Йўловчи чўпондан «Сен ичмайсанми?» дея сўраганида, у: «Мен рўза тутганман» дея жавоб берди. Шундай жазирама ёз кунда қандай қилиб рўза тутяпсан?» дея ҳайратланганида, чўпон: «Қарасам, кунларим беҳуда ўтиб кетмоқда. Уларни шу тарзда қадрламоқчи бўлдим. Оллоҳ сизларга ҳам нофиз⁵² ва ўткир басират насиб этсин. Унга итоат бобида ҳам муваффақиятлар эҳсон айласин. Ҳаммамиз Унинг раҳматига муҳтожмиз» дея жавоб берди...

ФАРИДИДДИН АТТОР (1136—1250)

Асл исми Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Абубакр Иброҳим бўлиб, "Фаридуддин" (Диннинг ягонаси) унга берилган тавсифий унвондир. Нишопур яқинидаги Шодяҳ қишлоғида туғилган. Шайх Мажидуддин Боғдоий, Шайх Рукнуддин сингари сўфийлардан таълим олган. Ҳаж сафарини ўтаган, Миср, Ироқ, Шом мамлакатларининг турли шаҳарларида саёҳатларга бўлган.

Кўплаб шеърий асарлар, манзума ва дostonлар битган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкирату-ш-шуаро" асарида унинг шеърий асарларининг ҳажми 250 минг байтга яқин деб кўрсатилган. Асосий илмий — фалсафий ва тасаввуфий руҳдаги асарлари "Илоҳийнома", "Асрорнома", "Мушибатнома", "Ҳайдарнома", "Мазҳару-л-ажойиб" («Мўъжизаларнинг кўриниши»), "Жавҳару-з-зот", "Ҳайлож", "Мухторнома", "Уштурнома" ва бошқалардир. Булардан ташқари Аттoрнинг тўқсон олти нафар машҳур сўфийлар ҳаёти ва ҳолати зикр қилинган "Тазкирату-л-авлиё" номли асари мусулмон шарқида энг кўп тарқалган китобларидан ҳисобланади.

Фаридуддин Аттoрнинг машҳур тасаввуфий асари "Илоҳийнома"нинг дебочасидан ва дostonнинг бошланиш қисмидаги "Руҳга мурожаат..." каби бўлими ҳамда «Жавҳару-з-зот» асаридаги айрим лавҳалардан намуналар сайлаб олинди.

«ИЛОҲИЙНОМА»дан

Ҳамгу беҳад¹

Тангри таоло номи-ла бошладим "Илоҳийнома"ни, барча номалар маъноси Унинг номи-ла безанур. У шундай улуг зотки, мулки завола билмас. У ҳақда сўзлагувчининг ақли хираланиб, тили лол бўлур. Унинг номи номларни шарафлаб, диларга шодлик бағишлар, *девонлар мундарижасининг боши*² ҳам шу ном. Бу номдан жонларнинг оғзи шарбатга тўлар, Уни ёдга олувчининг тили дурру гавҳар сочар. Унинг номисиз бирор нарса йўқ, барча мўъжизалар, хушбўй ҳидлар, рангин манзаралар, қудрат ва сифатлар, шаъну шараф, ору номус шу номдандир.

У шундай қудратли олий Тангрики, барча борлиқ Унинг олдида пастдир, Унинг зоти илму донишимиз, таъриф-тавсифларимизга сифмас, бас, қандай қилиб Унинг шарҳу таърифини келтирай! Сунъ қудрати қўли билан тупроқ маркази бўлмиш Ерни коптокчадай (гўй) қилиб фалак чавғони айланасига солиб қўйибди. Ҳеч кимнинг ақли ундан юқори эмас, нечунким, ҳеч ким Унинг ғайби асрорини билувчи эмас. Дунёдаги барча ҳодисалар, ашёлар, кўплик ва озлик, салбий ва ижобийлик, раддия ва тасдиқлар Унинг мавжудлигини исботлашга хизмат қилади. Бутун олам муназзаҳ ва зоти сифатларига мисолдир. Сифатлари Унинг зотидир. Агар синчиклаб қарасанг, барча (сифатлар) зотдир. Бутун борлиқнинг вужуди Унинг ҳазратининг сояси, Унинг қудратининг изи — асари, ижоди, санъати. Сўзни келиштириб айтувчи бир одам Унинг зоти таърифида бундай ажойиб нуқта демиш: «Ат тавҳид-исқотул изофат», яъни тавҳид ҳар қандай ортиқчаликни инкор этади. Зеро, тавҳид бутун оламнинг ягоналиги, Унинг зотидан иборатлигидир.

Ҳа, Унинг зоти билан мавжуд бўлган олам шундай мустаҳкам вобасталик, ўзаро боғлиқликка эгаки, сувдаги балиқдан фалакдаги ойгача жами нарсалар бир — бири билан узвий алоқадор, лекин кўриниб турган бу дунё Унинг чексиз олами олдида қилнинг қора рангичалик кичик бир нарса. У шундай бир улугворлики, ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ, беҳисоб ақл ва жонлар Унинг олдида бош ўйнаб таслимдадирлар. У шундай қудратли ҳаракатки, агар жонга кирса, ҳар ҳужайрасидан (заррасидан) минг тўфон қўзғалади. Шундай ажойиб ваҳдат — ягоналики, орага қил ҳам сиймайди. Оҳ, агар Унинг ҳузурида қилчалик қадрим бўлсайди кошки!

Унинг марҳамати шундай улўғки, агар иблис ундан бир қатра баҳра олганида, барча нобакорликларни тарк этган бўларди. У шундай ғайратки, агар оламга таралса, бутун борлиқни бир лаҳзада барҳам эта олади. У шундай ҳайбатки, қуёш унинг соясида йўқолур, балки зарра мисоли кичраюр. У шундай улўғ даргоҳки, хизматига ошиққанлар ҳузурига йўл тополмас. У шундайин безавол мулк-салтанатки, абадул абад йўқолмас, эскирмас, вайрон бўлмас, камаймас ва ё зиддиятлардан емирилмас. Воқеан, Унда зиддият, келишмовчилик йўқдир.

Агар гуноҳкор ва булғанган хулқларни бу улўғ дарёга солиб ювсанг, дарё заррача кирланмас, хираланмас, лекин бу дарё нуридан жаҳон ёруғлик топади. Исмат дарёсидан бир қатра халққа тақсим этган билан камаярмиди у? Ҳақдан ҳомийлик ва бандадан тоату ибодат, унс (меҳр) ва муҳаббат бўлса қандай яхши! Ҳақ ва бандаси орасида робита-муомала бўлса қандай яхши!

Бутун оламда сенинг Ундан ўзга ёринг йўқ, нега бошқа ишларни бўйнинингга оласан, ўзгалардан мадад сўрайсан? Агар ўйингда юзта ошно-дўстинг бўлса ҳам, мард дарвиш бўлсанг, барини бегона ҳисобла. Чунки чин дўст Унинг ўзидир. Агар сенда тоғнинг сабрию денгизнинг сафо ва софлиги бўлса, Дўстга етишиш йўлидаги андуҳ-ғамлар осонликча барҳам топажак. Агар ажалдан олдин бир дам ўлсанг, яъни нафсингни ўлдиролсанг — оламни эгаллайсан. У сенга яқин, аммо сен Ундан узоқсан. Огоҳ бўлиб англагил, эй айрилиқдаги эран, сен Яқиндан шунча узоқлашдинг, ҳасратдан қалбинг доғ,

шармандалик бошини тизза устига эгасан. Агар Худо йўлига лойиқ бўлсанг, ҳою ҳавас йўлини тарк эт. Ҳою ҳаваснинг кўзи кўр бўлгач, илоҳий кўзинг Ҳақ сари очилади. Ҳайратнинг охири кўринмайди, сен ҳайрат олами ичра ғарқсан, игнани дарё ичидан топишга интиласан, талпинасан, тўлғанасан. Сен жаҳонни икки эшикли робот деб бил — бу эшигидан кириб, у эшигидан чиқиб кетасан. Сен ғафлат уйқусидасан ва ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Хоҳласанг хоҳламасанг, қисмат қўлидасан. Агар гадо ёки подшоҳ бўлсанг ҳам, икки газ бўз ва тўққизта гиштдир охирги «муллинг» — дунёдан орттирган матойинг. Сен токи фалак остидасан, озод эмассан. Бахт ва бахтсизлик ҳақидаги тушунчаларинг бўш ва бемаъни, ташла бу хаёлларни! Агар мулку бойлигинг еру кўкдан иборат бўлса ҳам, оқибат гадойсан, Худо меҳрининг гадойи. Фоний дунё бамисоли Искандар. Бу фоний дунёдан кетарда Искандардай қудратли шоҳ бўлсанг-да, агар кафан насиб этилса, комронсан.

Эй азиз! Сен шоҳлик хазинасини тиларсан, аммо У раъй қилса беради, истаса тортиб олади ёки умуман бермайди. Сен эса бу бойликни У нега берди ва яна нега қайтариб олганини билишинг керак. Бевафо дунёнинг абадий хурсандчилиги йўқ, нури ҳам зулматдир. Ундаги тўю томоша мотам ва ғамсиз эмас. Агар кумуш ҳада этса, тошга айланади, берган оти чўлоқ, бахт қушининг қаноти қайрилган. Фироқсиз висол инсон қисмати эмас, гул тикансиз, шакар эса чивинсиз бўлмайди. Бу оламда мен беғам кишини кўрмадим, шундай одамни кўрганимда эди, этагини ушлаб, тавоф этардим.

Боргил, танингни улуг юкгами остига қўй (илоҳгами билан шуғуллан), жон чеккил, агар жон истасалар, жонингни бергил. Гўрга кирмасдан бурун чархи фалак бўйлаб, югуришга қобил мардлик қобилиятини кўрмоқчиман сенда. Одам Ато олти юз йил ғамдан озод эди, (аммо) буғдой донаси сабаб ерга тушдию қон тўқди. Буғдой донасида юз балолар мавжуд. Шу боис сенинг луқманг ғамсиз раво эмас. Мен билан сенинг фойдамиз зиёнга айланди. Туғилганимиз, борлигимиздан минг аттанг, минг афғон! Эй дунё, сенинг жабрингдан бирор шод олам борми? Сенинг давру давронинг, жабру жафойинг ҳам ел кабидир, елдай бебақодир. Жаҳл сени деб ғам емайди-ку, нега уни деб ғам чекасан, хўш? Жаҳоннинг сен каби куёвлари кўп бўлган, байрамлари, келинлик тўйлари беҳисоб бўлиб ўтган, лекин ҳеч бирига вафо қилмади...

Мен эса бир умр ҳамдам маҳрам топиб розлашайин деб талпинаман. Аммо бирорта ҳамроз, мувофиқ ҳамдам тополмайман. Бу мунофиқ улфатлар дастидан дод! Онадан тупроқ учун туғилдинг, бу тупроқ тепанинг устида қасру айвон қуришинг нима тағин! Жонинг тупроққа қоришиб, уқаланиб кетар экан, айвон пештоқинг(ни) фалак пештоқиға етказишдан маъно борми? Агар олтин-кумушдан хазина тўплаган бўлсанг ҳам, бир нафас ранжу уқубатсиз қултум сувни ичолмайсан. Сенинг ғаминг билан бошқаларнинг иши йўқ, сен ўз ғамингни е, нима дейин сенга, ҳамдамгина эмас, «ҳам»нинг ўзи ҳам йўқ бу дунёда.

Агарчи оқибат сенинг жойинг тупроқ остидадир, лекин пок жонинг тупроқдан покдир (руҳинг муқаддасдир). Сенинг гавҳаринг — руҳинг фаришталар саждагоҳи эканини унутма. Бошингда халифалик тожи бор, халифа фарзандисан, яъни Оллоҳнинг ердаги ўринбосарисан. Жаннатдан тушгансан, ўша гулшан — жаннат сари интилгин. Агар Мисрга сафар қилсанг, шоҳлик сеники, нега Юсуф каби қудуқ тубидасан ахир! Сулаймон ўрнида дев ўтиргани учун ўз мулкингда гапинг ўтмайди. Охирда ҳам, аввалда ҳам сен шоҳсан, аммо кўзинг буни кўриб фаҳмламайди. Гилайларга ўхшаб, бир сенга икки бўлиб кўринади, юзни икки юз дейсан. Биттами, юзта, аммо унинг ёри юзта, битта кўнгил билан юзта ишни қандай амалга оширасан.

Тўн билан нон ғамини ейишинг қачонгача, ном-шухрат учун, ор-номус учун қайғуришинг қачонгача? Аслида ажойиб хилқатинг бор, беҳуда фикрлар билан хилқатингни хароб этма, одамийлик ва илоҳийлик сифатларидан узоқлашма, сенинг атлас тўнинг одамийлик сифатингдир.

Эй хаста! Агар донишманд бўлсанг, ўзингга ўзинг эшикни ёп! Одам фарзандининг ҳирси мунча кўп бўлмаса, мунча ҳам оламда ҳайрону саргардон! Эй ҳирслар билан қалб кўзи кўр бўлган киши, ҳирс орқасидан гўргача борасан, то ўлгунингча ҳирсинг камаймас, чунки ҳирсинг ярасига фақат ўлим даво бўла олади. Дунё молини фаровон татиб кўрдинг, бунча йиғиб нима қиласан, хўш? Ахир сен йўловчисан, йўловчи учун мунча юк на ҳожат. Худо ҳаққи, йўловчи кўзига дунёнинг барча матоҳи бир дона арпага арзимади! Бу пашшахўр ўргимчаклардан дод! Барчаси бўри галаси каби

ўлакса устида талашадилар. Чумоли табиатли гийбатчилардан тўйдим, худди чумоли каби на раҳбарлари бор, на ўзлари йўлни кўра оладилар. Бошларида ҳирсдан юган, ҳирс уларни оғизларидан кўпик кўпиртириб югуртиради, маст туядай бўзлатади. Дарҳақиқат, туянинг югани арқондан, одамники — ҳирсдан. Бир ҳовуч суяксан, аммо ҳирссан. Кўринишда одамга ўхшайдилар, аслида ит табиатлидилар.

Эй кеча-кундуз ғам чекувчи, ҳирс йўлида ночор киши, сен Раззоққа суян, иймон-эътиқодда мустаҳкам бўлиб ишонгил Унга, сабр қилиб тинчлан биров. Фақр йўлини танла, чунки фақрлик расули акрамдан мерос. Агар сен Оллоҳнинг фақр нурига йўғрилсанг, банда бўлсанг ҳам, Сулаймон қадар шараф топасан. Расули акрам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳа ва саллам хокисорлик, тавозуъ ва камтаринликда бемисл эдилар. Ўзлари уй супурар, ўтин ёрар, сув келтирардилар. Туя устида ухлаб олардилар, ҳамма ишни қилардилар, ҳеч нарсадан ор этмас эрдилар. Ойша билан бирга хушчақчақ югурардилар. Масжид қурилишида гишт ташиб, лой қорардилар. Кафшларини ўзлари тикардилар, гоҳи эса болалар билан қўшилиб ўйнардилар ҳам. Жанозадан қолмасдилар, касал кўришни улкан савоб ҳисоблардилар. Ҳалимлик ва ҳаё кони эдилар...

Бу бизга ибрат эмасми, ахир?

Руҳга мурожаат қилиб дегани...³

Эй Чиннинг мушқин оҳуси — руҳи қудсий, мушқу анбар ҳидини сочган, сен халифалик даргоҳининг ўринбосарисан. Сендадир Раббоний руҳнинг амри. Руҳоний мамлакатнинг асоси сенсан. Икки жаҳон бир ҳовуч тупроқ, фақат дорул мулк фазоси — илоҳий олам покдир. Бутун оламлар жами сен билан яшнар, сен билан мунтазам, осмону ер сенга вобаста. Сен ҳаммани қамраб олгансану, лекин биздан йироқсан, кўзга кўринмайсану, бироқ кўзнинг ўзидасан. Жаннат, дўзах, қиёмат куни буларнинг барчаси номинг ўрнида келадиган омонат сўз, белги, ташбеҳ, холос. Агар сен порласанг, бамисоли минг қуёш бирдан ёнгандай бўлади, йўқ-йўқки, бу порлашнинг ҳар бир зарраси юз қуёшга тенг. Офтобининг нури ортиқдан ортиқдир, шу нурдан бир шуъла — Улуғ арш. Хос ҳамдамсан, роздону⁴ сирдош, олий ва

мададқорсан, абад тириксан. Нима дейки, ҳамиша маълумсан, ҳар ерда борсан.

Ажойиб бир қушсанки, қанақа эканлигини билиб бўлмас, бизнинг тушунча-тасаввуримиз, исботу тасдиғимиз, инкору раддиямиздан ташқарисан. На ердасан, на осмонда, балки Раббул оламин — Тангри таоло ҳузуридасан. Ҳамма нарсасансан, аммо ҳеч — йўқлик ҳам ўзингсан. Кўзга кўринмасан, аммо кўзларнинг нурисан. Кўнгилдан ихлос билан мушкли нафас чиқаргин, чунки арш сенинг нафасингдан хос мижмарга — хушбўйлар тарқатувчи кўрага айланди. Сен ҳам шоҳсан ва ҳам халифа, безаволсан ва боқийсан. Сенинг асосингда олти белги бор, аммо уларнинг ҳар бири бир жаҳон — алоҳида бир олам. Ҳар бири — бир соҳибқирон, бир қудрат.

Бири *нафс* бўлиб, унинг жойи сезги аъзоларидир.

Бири *нафси аммора* (шайтоний нафс) бўлиб зиддиятлар, нифоқ, шундан.

Бири *ақл*дир, у мувофиқликни, мантиқни бошқаради.

Бири *илм*дир, маълумот, билим тўплаш билан банд.

Бири *фақр*дир, фано-йўқлик истар ҳамиша.

Бири *тавҳид*дир, Ягона зот истар ва Унга интилар доим.

Ушбу олти қувваи асос Руҳ фармонидадир, Руҳ *мутлақиятнинг*⁵ азалий ва абадий халифаси ва ҳамроҳидир. Олам Руҳ туфайли обод ва файзли.

Руҳ одамнинг ичидадир, шунинг учун сен ўз ичинга сафар қилмоғинг керак. Хизир каби мардлар йўлига қадам қўйгин, токи айланувчан чархи фалак атрофингда гиргиттон бўлсин. Эй Руҳ, маконинг *Нух кемаси*⁶, замонинг эса "Ва-з-зуҳо валлайлатул қадр" ("Қуёш нурларига ва қадр кечасига қасам") оятидир. Сулаймон қудрати сенда, Юсуф жамоли ҳам сенда. Шунга муносиб бўл, шунга яраша амал кўрсат. Иброҳим каби содиқ ва собит бўлгин, Исодай ишқда дамсозу Мусодай мўъжизакор бўлгин. *Симруғ*⁷ сингари қанотларингни ёз, қанотларингни Симруғ соясида (Тангри соясида) ёзиб парвоз эт! Сеҳргар ҳам, яратувчи, мўъжизакор ҳам ўзингсан. Агар ҳар ишга жаҳд этсанг Мустафо бўлур мададқор сенга! Ўз кўзинг билан боқ ўзингга, сўзга ўралгин⁸. Дунё одамлардан эмас ҳоли. Икки оламнинг асоси Сўздир, чунки Сўз Ҳақдан

мужда бўлиб келди. Ахир арши аълода битилган "Лавҳул махфуз" ҳам Сўздир. Ҳамма нарса Сўздан ижод этилган ва Сўзга қайтади...

Хотимату-л-китоб

Аттор сўзини тингла, Аттор шеърини ўқи. Менинг шеъримнинг денгизи қирғоқларга урилиб, тошиб чиқди, ундан чашмалар отилиб чиқди. Бу чашмалардан нур базмлари яралмишдир, бу ишқ ва маърифат нури бўлиб, қиёматга қадар ушбу шеър чашмалари оқиб туради. Аттор «Илоҳийнома»сини кўкда малаклар, жаннатда руҳлар муталаа қилади. Чунки менинг шеърим барчаси пок тавҳиддир. Шунинг учун уни аҳли тавҳид ўқир экар, ажабланма. Илоҳий хазина эшигини очиб, «Илоҳийнома»ни бунёд этдим. Ахир мен гайбдан бонасибман, нега энди бечоралар, ожизлар каби бандга гирифтор бўлай?

Эй Аттор, сўзинг одамлар қалбига гулгула солсин, ғофилларни огоҳ этсин, мудроқларни бедор қилсин, шарафлиларга шараф бағишласин!

«ЖАВҲАРУ-3-ЗОТ»ган

Ба номи, он, ки нури жисму жон аст,

Худои ошкороу ниҳон аст.

(Жисм ва жоннинг нури бўлган зот номи билан, ошкора ва яширин бўлган Худо номи билан бошлайман).

<...> Агар сен тавҳид хилватхонасига маҳрам бўлсанг, оламнинг тожи, Одам фарзандларининг фахри бўлиб қоласан. Агар хуршид, яъни Тангри ошкор бўлса, сен соя бўлгин, чунки соя каби қуёш нурида йўқолиб, маҳрам бўласан унга...

Сенинг ичингда жавҳар¹ — Мутлақ руҳнинг сири бор, аммо бу ерда сенга йўл кўрсатувчи йўқ. Охирда йўқотган нарсанг сенинг ўзингдадир, бу зоҳирий сирлар бандига гирифтор бўлгансан. Сен Холиқнинг зоти ва сифатлари жавҳарига эгасан, аммо зотининг дийдоридан узоқсан. Сенинг жавҳаринг барчаникидан афзалдир. Ажабки, фалак ва юлдузлар сенинг кўзларинг — дийдангдир, уйнинг ичидасану эшикдан ташқарисан, ҳам кўринасан, ҳам йўқсан...

<...> Нега *сурат*² дардига мубталоъсан, агар сен суратни ташласанг, кул³, яъни Худосан. Сен сурат ҳамроҳлигидан қутулсанг, Худонинг маъносидан хабардор бўласан. Сурат сенинг ҳеч бир ишингга ярамайди, Худо дийдорини жонда (жонингда) кўрсатади. Агар суратни синдирсанг, шак-шубҳасиз, сен Ҳақсан, иккилик йўқолади ва кул бўлиб, чиндан Ҳақ таолога айланасан. Нима балоларни кўрган бўлсам, сурат туфайли кўрдим, кудират-ғам ва зулматларим ҳам ўшандадир...

<...> «Аналҳақ» — «мен ҳақман» деган бошни кесди, энди бу дoston оғизларда юрибди. Эй дўстим, «аналҳақ» деган одам Ҳақ бўлди, чунки куллиятни истаб ягоналик кўрсатиб, Ҳақ дўсти бўлди.

«Аналҳақ» деди ва буни ошкора қилди, натижада ўзини пора-пора қилди. «Аналҳақ» деб бирлик — ваҳдатдан сўз очди, дарҳақиқат, у Ҳақ эди ва ҳеч шубҳага бормай деди: «Аналҳақ» дея дунёдан ўтди, бунда унинг номи абадий қолди!..

<...> Мен бу ерга келган гапирувчи Ҳақдирман, шунинг учун ҳар сўзимда *аналҳақ*⁴ дейман. Ҳақиқатда мен Ҳақман бунда, куллият зарраларига тавфиқ — мувофиқлик, тараққиёт бағишлаш учун келдим. Бунда яширин равишда келган Ҳақман, жаҳон халқлари олдида инсоний хилқат —

суратда кўринмоқдаман. Мен сирни кўрсатишга келган Ҳақман, шунинг учун ўз сиримни айтмоқчиман...

<...> Жумла оламнинг жони Оллоҳ мандирман, ишонгин, бунда йўқман, аммо борман. Ҳақ мендирман — Мутлақ руҳ, барчанинг орасида мутлақ огоҳман. Ҳамманинг вужудида нишонасиз кўринмас вужуддирман, гўё олам ичида равшан қуёшман...

<...> Жузь⁵ ва кулл ичида порлаган қуёшдай, ўзини сифатлар ичра шундай сингиб, йўқолиб кетгандай кўрдик, пайдо бўлганда ҳақиқатдан айнаи зотнинг ўзи эди. Ўзини аввалу охир, яъни узлуксизлик ҳолатида кўрдик, бир шаклга айланганлигини сизди. Жон бирликда шундай кўриндики, сурат — хилқати жон ичида кўрина бошлади. Яратилишида ўзини шундай ҳолатда кўрдик, барча дийдаларда, кўзларда у бор эди. Ўзини шундай завола билмас зот сифатида кўрдик, юзи барча ашёда турли ҳолатларда кўринарди. Ўзини мана шундай кўрдию, барчани ўзида кўрди, чунки сурати йўқолди ва барчани бир — аҳаг⁶ кўрди ...

<...> Жонон⁷ — Худо тавҳидида бирликдамиз. Кулл — умумият жавҳарининг ягоналиги шаксиз. Тавҳидда ягоналик — бирликдан ўзга нарсани кўрмадим. Ваҳдат — ягоналикни ягоналикдан ягона деб танладим...

Ҳақиқат нима? Жонон — Худони кўриш бунда, сену менликни тарк этсанг, унда бир бўлаксан, Ҳақиқат нимадир? — тезда бир бўлмоқ фақат, дур каби вобасталик денгизида ягона — бир бўлмоқдир...

Ҳақиқат нима? Аттор каби бўлиш. Ҳамиша сирлардан огоҳ бўлиш. Ҳақиқат нима? Эй дўст, жондан кеч, бу дам Атторни кўрдингми, кулл — ўша...

<...> Баракалла Аттор, илоҳий сирдан кўзга аёнлик кўргаздинг, шу боис сен шоҳсан. Маънолар сирига интилиб, густоҳлик (беадаблик) қилишинг ҳам яхши, сен Ҳақни маънолар изҳорини кўришинг муқаррар. Жаҳонда сен васлга етганларнинг тимсоли, гавдаланган шаклисан, шунинг учун ҳам бундай сирни аён қила олдинг...

Сен шубҳасиз кавну⁸ макондан ортиқсан, айни⁹дан воз кечсанг, аъёнда¹⁰ аёнсан...

Васлга етгандан кейин парда узоқлашади, маънида у Мансур суратига айланади.

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ (1207—1273)

Асли ўртаосиёлик бўлган шайх Мавлоно Жалолиддин Румий Балх шаҳрида Муҳаммад Баҳоуддин Валад хонадонига туғилган. Жалолиддин ёшлик чоғидаёқ отаси билан мўғул итилоси туфайли Кўниёга кетиб қолишга мажбур бўлган. Умрининг охирига қадар шу шаҳарда мударрислик қилган, Кичик Осиёни ватан тутгани учун Румий тахаллусини олган.

Румийнинг илмий-адабий мероси форс тилида ёзилган бўлиб, унинг шеърӣ асарлари, асосан, "Девони кабир" («Улуғ девон»)га жамланган. Девонда ғазал, рубоӣй ва маснавий шаклларида ёзилган уч мингдан ортиқ шеърлар бор.

Илмий-фалсафӣй мероси олти дафтардан иборат "Маснавийи маънавий" асаридан ўрин олган, ушбу исломий-тасаввуфӣй мажмуани "Форсий Қуръон" деб ҳам аташган. Бу асар қарӣб 10 йил давомида ёзилган бўлиб, 27 минг байтдан иборат. Булардан ташқари Румийнинг "Мактубот", "Фиҳи ма фиҳи" каби асарлари ҳам сақланган. Унинг асарлари, асосан, шогирдлари, ўғли ва бошқа мухлислари томонидан жамлангани учун уларнинг ҳаммасини Румийга тегишли деб бўлмайди.

Жалолиддин Румий номи билан мавлавийлик тариқатига асос солинган бўлиб, унинг ўғли Султон Валад отаси номидан (вафотидан сўнг) тариқат эълон қилган.

"Фиҳи ма фиҳи" ("Ичиндаги ичиндагир») асарини "Муӣиниддин Парвона китоби" ҳам дейишади. Чунки унинг номи бир неча марта тилга олинishi билан бирга ушбу китоб, асосан, Мавлононинг муҳиблари Ҳисомиддин Чалабий, Соҳиб Фахруддин, Амир Бадриддин Гуҳартош, Отабек Султон Алоиддин, Тождин Мўътаз Хуросонӣй ва ўғли Султон Валад билан бўлган суҳбатларида айтилган фикрлардир.

«МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ»дан

Дебеча

Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардин шикоят айлагай.

Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нола чексам, эл ҳама оҳ урдилар...

Чок-чок этсин шу кўксимни фиरोқ,
Сўйлагаймен шарҳи дарди иштиёқ.

Ким йироқ тушса, йўқотса аслини,
Ул яна излар ҳаёти, васлини.

Даврлар кўрдим неча нолон бўлиб,
Жуфти бадҳолону хушҳолон бўлиб.

Ҳар кишиким бўлди бир дам ёр менга,
Билмади ёрдир нечук асрор менга.

Сиррим эрмас нола-оҳимдан йироқ,
Гарчи нур кўзу қароғимдан йироқ.

Танга жону жонга тан мастур эмас,
Жон кўринмас кимсага, дастур эмас.

Ўт эрур найнинг навоси, ел эмас,
Кимда ўт йўқдир, йўқолсин, эл эмас.

Найни ёндирган ўшал ишқ оташи,
Майни ёндирган ўшал ишқ оташи.

Ёрдин айрилганга най ёрдир, не бок,
Пардаси пардамни этмиш чок-чок...

Най каби бир захру таёқ қайда бор?
Най каби дамсозу муштоқ қайда бор?

Қонли йўллардин ҳикоят айлағай,
Не эмиш савдойи Мажнун сўйлағай,

Бўйла ҳушдир, маҳрами беҳуш, бас,
Муштари унга қулоқдин бошқамас...

Кунларим тун қаърига жо бўлдилар,
Ўртанишлар менга ҳамроҳ бўлдилар.

Ўша кунлар, гўга, майли, бок йўқ,
Сен омон бўл, эйки, сендек пок йўқ.

Ким балиқ эрмас у қонгай сувга, чун,
Кимга кун йўқ, кунлари йилдек узун.

Пухтанинг ҳолини ҳеч билгайму хос?
Мухтасар этгин сўзингни, вассалом¹.

Бандни ечгил, ечгил озода, эй ўғил,
Гарчи бандинг сийму зардир, қўймагил.

Кўзига жо бўлғуси денгиз, бале,
Бир кунинг ул кўзага сиғмас вале.

Кимки очкўз, кўзаси нур бўлмағай,
Тўлмагунча то садаф дур бўлмағай.

Ишқ ила кимнинг яқоси чок эрур,
Ҳирсдин озоду айбдин пок эрур.

Эй, омон бўл, ишқ — ажиб савдоимиз,
Эй, табиби ҳозиқу доноимиз.

Ҳар даъвои зоҳиру ботин ўзинг,
Бизга Жонилус ва Афлотун ўзинг.

Ишқ ила тан сойири афлок эмиш,
Рақс этиб тоғлар, кўринг чолок эмиш.

Ишқ — Тур тоғига жондир, ошиқо,
Тур масту харро Мусо соиқо...²

Лабларига етсам ул дамсозни,
Най каби мен сочгай эрдим розни.

Кимки бўлгай ҳамзабонидин жудо,
Безабондир, гарчи дилда юз наво.

Чунки гул кетса, гулистон қолмагай,
Сўнгра булбул бирла достон қолмагай.

Жумла маъшуқ эрмиш, ошиқ пардалик,
Зинда маъшуқ эрмишу ошиқ — ўлик.

Кимда йўқдир ишққа бир парво магар,
Ул қанотсиз қуш эрур, беболу пар.

Хуш нечук бўлгай, қарорим бўлмаса,
Қўллагувчи нури ёрим бўлмаса.

Иш истарки, бу сўзни зикр этай,
Ойинам ғамбози йўқ эрса, нетай.

Ойинанг бордир, нечун ғаммоз йўқ?
Анда занг бўлса, руҳи мумтоз йўқ.

Тинглангиз, дўстлар, мен айтай достон,
Филҳақиқат ҳолимиз бўлгай аён.

Баққол ва унинг тўтиси ҳақида ҳикоят

Бор эди баққол, унинг бир тўтиси,
Сабзаранг ҳам сўзга моҳир тўтиси.

Ул дўкон ичра ниғаҳбони дўкон,
Сўз қотарди савдогарларга равон.

Сўз қотаркан, ўйлаким, нотиқ эди,
Тўтилар ичра ажиб ҳозик эди.

Боқмайн учганда сўлу соғини,
Тўқди бир гал ағдариб гул ёғини.

Қайтди бир пайт уйга кетган хўжаси,
Хўжаваш ўлтирди бир дам хўжаси.

Кўрди ул, ёғ эрди чун ҳар ён тугал,
Урди тўти бошига, ул бўлди кал.

Неча кундир сўзламоқни қилди бас,
Хўжаси чекди надоматлиқ нафас.

Ул соқол юлқиб, деди: эвоҳ, дариг,
Неъматимни мен увол этдим аниқ.

Хушзабоним бошига ургунча то,
Қўлларим синсайди, эрмасми раво.

Ёрдами теккайми деб бул ишга,
Ҳадялар берди неча дарвишга.

Кечди уч кун, ул эса ҳайрону зор,
Ўлтирар эрди дўконда интизор.

Турфа-турфа нарсаларни кўрсатиб,
Аврар эрди қушни, сўз қотгайми деб.

Ўтди бир дарвешки, ул жавлаққа³ хос,
Бошида йўқ эрди бир тук, худди тос.

Тилга кирди қуш уни кўрган замон,
Кўз солиб дарвишга деди: эй фалон.

Не гуноҳ қилдингки, бошинг бўлди кал,
Ёки сен ҳам ёғни тўккансен магар?

Эшитиб, кулди халойиқ, эй, на хуш,
Жавлақийни ўзига ўхшатди қуш.

Сен азизларни ўзингдек билмагин,
Гарчи ўхшашдир ёзувда "шер"у "шир".

Жумла олам шул сабаб гумроҳ эрур,
Кам киши Ҳақ аҳлидин огоҳ эрур.

Баъзилар ўзни набийман, дер холос,
Авлиёни ўзига айлар қиёс.

Дер: улар эрса башар, биз ҳам башар,
Биз-да нон ермиз, улар-да нон ошар...

Ваҳ, улар кўрдирки, кўрмас ҳеч қачон,
Ўртада бордир тафовут ончунон...

Арилар ҳам турфадирким, ҳар маҳал,
Қай бири оҳу, бири йиғқай асал.

Икки оҳу бир гиёҳ ер, сарҳисоб,
Биттасидин — гўнг, биридин — мушки ноб.

Ул қамишлар бир ариқдин сув ичар,
Биттаси — бўм-бўш, бириси — найшакар.

Боғки, ўхшаш жону жонзотдир базе,
Ўртада фарқу тафовутдир базе.

Ул еса, ундан нажосатдир жудо,
Бул еса, бундан нуқул нури Худо.

Ул еса, келгай фақат бухлу⁴ ҳасада,
Бу еса, бўлгай фақат ишқи Аҳад.

Бул замин аъло, ану шўрдир сўник,
Бул фаришта, ул эса девдир хунук.

Икки сув боққанда бир сувратлидир,
Бул шириндир, ул эса — аччиқ, тахир.

Тотли сув, шўр сув деярлар отини,
Соҳиби завқлар билурлар тотини.

Жодуни мўъжизага айлаб қиёс,
Ҳам уларга хийлани англаб асос.

Сеҳргарларгаким, асо олгач Мусо,
Қўлларига олдилар бир-бир асо.

Ул асодин бу асонинг фарқи бор,
Ул амалдин бул амалдир устувор.

Ул амалдин лаънатуллоҳу жафо,
Бул амалдин роҳматуллоҳу вафо.

Аҳли кофир таъбидир маймун таъби,
Қилса бир иш, айлағай маймун каби.

Ҳар не мардум айлағай, ул ҳам қилур,
Қилганин мардум ишига тенг билур.

Бошқалар қилганни қилдим, дейди у,
Фарқини билмас вале истезар ўқ.

Сидқ эмас, кўз-кўз учундир қилгани,
Бошига тупроқ сочингиз бўйлани.

Гар мунофиқ бош эгиб, этгай намоз,
Хийладир ул этгани, эрмас ниёз.

Ул мунофиқ рўзаву ҳажу закот
Бобида айлар магар мўъминни мот.

Аҳли мўъмин оқибатда шод эрур,
Ул мунофиқ охиратда мот эрур.

Иккиси-да бир ўйин ўйнар, бироқ
Марву Ройдек бир-биридин кўп йироқ.

Ҳар бири боргай мақоми сўйига,
Ўз мақоми, балки номи сўйига.

Ул бири "мўъмин" дейилса, хуш эрур,
Бул "мунофиқ" сўзидин оташ эрур.

Ул бирининг исми маҳбуб зотидин,
Бул бирининг номи паст бедодидин.

Миму вов, мим, нунда гар ташриф йўқ⁵,
Лафзи мўъминдек вале таъриф йўқ.

Чун "мунофиқ" сўзи айтилган замон,
Санчилур кўнгилга, чаққандай чаён.

Гар десанг, ул дўзахимас, оти бор,
Бас, нечун унда жаҳаннам тоти бор.

Ном агар ўксук эса, ҳарфдин эмас,
Сув агар аччиқ эса, зарфдин⁶ эмас.

Ҳарф — идиш, маъно — идишда сув ҳамон,
Баҳри маъно ҳам китоб ичра ниҳон.

Баҳри талх, баҳри ширин ҳам мавжланур,
Лек қўшилмас, бир-биридан ажралур.

Лекин уларнинг асли бирдир, аслига,
Иккисин топшир-да, тушма қасдига.

Ул асл олтинмидир ё сохтакор,
Бемаҳал бўлгайми сенга ошкор?

Тангри ҳар жон ичра қўймиш бир маҳак,
То яқинни билгай ул бешубҳа-шак.

Гар киши оғзига ногоҳ кирса хас,
То у хасни олмагунча тинчимас.

Мингта луқма ичра бир чўп тушса гар,
Одабий ул чўпни дарҳол ҳис этар.

Ҳисси дунё шул жаҳонга нарвон,
Ҳисси диний осмонга нарвон.

Ул бирига дору дармону табиб,
Бул бирига дору дармондир ҳабиб.

Соғ эрур ул ҳис, танинг бўстон бўлиб,
Соғ бўлур бул ҳис, танинг вайрон бўлиб.

Жон йўли жисмингни гар барбод этар,
Сўнгра ул вайронни ҳам обод этар.

Ганжу зар деб уйни бузгайлар, бироқ
Ганж сарфлаб, уй қурурлар яхшироқ.

Сувни боғларлар ариқ қазган замон,
Чун ариқ шай бўлса, сув оққай равон.

Терини шилдинг магар, олдинг тикан,
Ул ярога тери келгай янгидан.

Қалъа вайрондир қамалга келса дуч,
Ёв қувилгач, тикланур девору бурж.

Ҳақ ишидир бул, нечун деб ким сўрар,
Бул сўзким ҳам бир заруратдин магар.

Гоҳ чунон кўрсатгай ул, гоҳ инчунин,
Баски, ҳайрондир боқиб бу ишга дин.

Дўст юзин бурганга ҳайрон эрмас ул,
Дўстга ҳайрон, дўсти бирлан маст ул.

Ул бирининг дўстга ўтирилмиш юзи,
Бул бирида дўсту маҳбуб орази.

Сен разм сол икки юзга, эт қиёс,
Балки бўлгайсен бу ишда рўшинос.

Жумла иблислар-да одам юзли, бас,
Ҳар кишига қўл бериш ҳам яхшимас.

Овчи чорлар қушчани ҳуштак чалиб,
Қушча келгай бул товушга алданиб.

Ўхшатар ҳуштакни қушнинг бонгига,
Шул йўсин тушгай у сайёд домига.

Яхшилардин сўз ўқирлар марди дун⁷,
Ўзгага ўз молидек сотмоқ учун.

Мард иши равшанлигу мардоналик,
Ҳийладир номард иши, бегоналик.

Ёпинур шер терисини тулкилар,
Бу Мусаллам отини Аҳмад қўяр.

Бул Мусаллам номи гар каззоб эрур,
Ул Муҳаммад улувал албоб⁸ эрур.

Ҳақ шароби қуйқасидир мушкиноб,
Боданинг ости тахир, ичмоқ азоб...

«ФИҲИ МА ФИҲИ»
(«ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДИР»)дан¹

<...> Сўз ҳақиқатининг сояси² ва парчасидир. Модомики соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Сўз баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарсa сўз эмас, балки икковида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир. Агар бир инсон юз минг мўъжиза ва каромат кўрса, аммо унда валий ва набийга уйғун бир бўлак бўлмаса, бирлашмайдилар ва бунинг фойдаси ҳам йўқ. Унинг валий ва набийга боғланган, улар севгисини кўнглида орттирган нарсa ўша омухта — ўртоқ парчадир.

Агар бир жисм таркибида оҳанрабо билан муштарак бўлган бир парча бўлмаса, у жисм ҳеч қачон оҳанрабо тарафга кетмайди, яъни тортилмайди. Улар орасидаги бир хиллик *гизли*³ бир нарсадир, кўзга кўринмайди.

Инсон хаёлидаги нарсa уни ўз орқасидан етаклайди. Масалан, боғ хаёли боққа, дўкон хаёли дўконга олиб боради. Фақат бу хаёллар ҳақиқатни яширади. Чунончи, бир нарсанинг хаёли сени ўзига тартади ва сен у томонга кетмоқдасан. Чунки хаёл сенга у нарсани гўзал қилиб кўрсатган. Бироқ келгач, пушаймон бўласан ва ўзингга ўзинг: "Бун и яхши деб ўйлабман, аслида ундай эмас экан" дейсан. Шунинг учун ҳам хаёллар — ичига кимдир яширинган чодирларга ўхшайди. Қачонки, хаёллар йўқолиб ҳақиқат юз кўрсатса, пушаймонлик ҳисси ҳам сени тарк этади: сени (ўзига) тортган ҳақиқат сени жазб этган ҳақиқатдан бошқа нарсa эмасдир. "У кун яширин нарсалар ошкор бўлади" (Қуръон каримдан). Аслида жазб этган нарсa биттадир. Фақат кўп кўринади...

"Уларнинг ҳисобини (сонини) кофирлар учун азоб ва машаққат айладик" (Қуръон каримдан) дея буюрилгани каби бу инсонлар қарашига ҳисобдек оғир бир иш чиқади. Масалан, бунга "бир", наригиларига эса "юз" дейдилар, яъни валий учун "бир" ва халқ учун "юз минг" дейдилар. Бу катта гуноҳдир. Валийни *бир*, бошқаларни кўп кўрмоқ кўриш ва англаш йўлини йўқотмоқдир, улкан фитнадир. Чунки сиз уларни кўп, валийни эса бир кўрмоқдасиз.

<...> «Юзингни қай тарафга бурсанг, Оллоҳ у ердадир» (Қуръон карим, 2:109). У ҳамма жойда мавжуд. Чехраси

доимийдир, ўлмасдир. Ошиқлар ушбу чехрага ўзларини фидо қилиб, эвазига ҳеч нарса истамаслар...

Зоҳид охарни (бошқасини, ғайрни — тарж.) кўрган кишидир, дунё аҳли бўлса охирни (сўнгни) кўради. Фақат Оллоҳнинг хос қуллари ва орифлар на охарни, на охирни кўрарлар. Улар назарлари аввалга тушади ва ҳар ишнинг аввалини биладилар...

Дард доимо инсонга йўл очади. Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас ва дард бўлиши лозим. Акс ҳолда, инсон бу ишни қилмас. Дардсиз ва заҳматсиз иш ҳам унга муяссар бўлмас. Дунё ва охират, тижорат ва шоҳлик, илм ва бошқа ишларда бўлсин, барчасида аҳвол шундоқ...

<...> Сўз — идрок қилишда сўзга муҳтож бўлганлар учундир. Сўзсиз идрок этганнинг сўзга қандай эҳтиёжи қолади? Идрок эта билган учун кўкларнинг, ернинг ҳаммаси сўздир. Ҳафиф бир сасни эшитганга бақириб-чақиришнинг нима ҳожати бор? Дунё ҳам Қуръондаги "Бўл!" (Унинг амри «Бўл!» демак эди. У ҳамон бўлди", Қуръони карим, 36:82) сўзидан бино бўлгандир.

Ҳикоя: Арабча гаплашадиган бир шоир бир турк подшоҳи ҳузурига келди. Ҳумқдор форс тилини ҳам билмасди. Шоир унинг шаънига жуда гўзал бир шеър ёзиб келтирганди. Шоҳ тахтда, қолган амиру вазирлар ўз ўринларида ўтирар эдилар. Шоир қўзғалди ва шеърини ўқиб берди. Шунда ҳукмдор шеър мазмунига уйғун равишда ҳаракатлар қилиб турди. У ердагилар "Шоҳимиз шунча йилдир, биздан арабча билганини яширган экан, агар ўтган давр мобайнида оғзимиздан арабча ёмон гап чиққан бўлса, ҳолимизга вой!" дедилар. Кейин ҳукмдорнинг хос қулларидан бирига "Шоҳ арабча биладими, йўқми? Билмаса, нечун муносиб бўлган ўринларда мувофиқ ҳаракатлар қилди? Бизга хабарини бер" — деб, унга қимматли нарсалардан бердилар.

Кунлардан бир кун хос қул бу масъалани ечиш фурсатини топди. Ов пайтида шоҳ жуда мамнун эди. Шундан фойдаланиб, ҳукмдордан ётиғи билан сўраган эди, подшоҳ шундай деди: "Худо ҳаққи, мен арабча билмайман. Аммо унинг бу шеърни ёзиш мақсадини билганим учун, шоир мени мақтамоқчи бўлганини, шеър бир восита эканини англаганим учун илтифот кўрсатдим. Мақсад бўлмаганда шеър ҳам ёзилмасди". Шунинг учун мақсадга қарайдиган бўлса,

иккиликка⁴ ўрин қолмайди. Иккилик тафарруотда (бўлинганлик, айрилганликда — тарж.). Асос бирдир.

<...> "Олим" калимасининг маъноси луғатда орифдан устун ва маъноли демақдир. Чунки Тангрига олим дейилади. Бироқ ориф демоқ жоиз эмас. Ориф деганда олдин билмай, кейин ўрганган деган маъно тушунилади ва шунинг учун бу Оллоҳга нисбатан айтилмаслиги керак. Шунга қарамай, урф-одат нуқтаи назаридан (сўзнинг) ишлатилишига кўра маъноси кўпдир. Чунки ориф урф-одат кўкрагида оламни далилсиз ҳолда кўзи билан кўрган ва кузатгандир. Олимнинг (эса) юз зоҳиддан афзал эканини гапиришади. Чунки зоҳид илм билан зоҳид бўлган. Илмсиз зуҳд⁵ бўлмайди.

Зуҳд нимадир? Дунёдан юз ўтгирмоқ, тоат ва охиратга таважжуҳ (юзланиш — тарж.). Бунинг учун инсон дунёни, унинг чиркинлигини, вафосизлигини ва охират гўзаллигини, унинг доимий ва боқий эканлигини билиши керак. Чунончи, "Нима қилай, қандай тоат билан машғул бўлай?" дея жаҳд этиш ҳам бошдан оёқ илмдир. Шундай экан, илмсиз зуҳд бўлмайди. Шу эътибор-ла, зоҳид ҳам олим, ҳам зоҳиддир. Ва "Бир олим юз зоҳиддан афзалдир" фикри айна ҳақиқатдир.

Бу илм ва зуҳддан бошқа яна бир илм бордирки, Тангрининг зотига тегишлидир. Мазкур иккинчи илм зуҳд ва илмнинг самарасидир. Бунга соҳиб бўлган олим юз зоҳиддан эмас, балки юз минг зоҳиддан ҳам устундир. Оллоҳ бунинг истаганига (бандасига — тарж.) беради. Бу шунга ўхшайди: масалан, бир одам битта кўчат ўтқазди ва у катта бўлиб мева берди. Шу мевали ёлғиз дарахт мева бермаган юзта дарахтдан яхшироқдир. Яна бир мисол: Каъбага етган бир ҳожини Каъба сари отланган, бироқ ҳали етиб келмаган ва йўлларда ҳаракатланаётган, Каъбага муяссар бўлишлари гумон бўлган ҳожилардан афзалроқдир. Чунки Каъба жамолига мушарраф бўлишлик ҳақиқатан ҳам ўша биргина ҳожига насиб этмиш. Бир ҳақиқат юз донна шубҳадан авлогир⁶.

<...> Ҳар бир нарсанинг асли — сўз. Сенинг сўздан хабаринг йўқ ва уни менсимайсан. Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан туғилади. Улуғ Тангри оламни сўз билан яратди ва «Бўл!» дейиши билан у ҳам бўла қолди" (Қуръондан).

Иймон қалбадир. Бироқ уни сўз билан ифода қилмасанг, фойдаси бўлмайди. Намоз ҳам феъл (амал)дир. Агар Қуръон ўқимасанг ўқиган намозинг саҳиҳ (тўғри — тарж.) бўлмайди. Сен ҳозир "Сўзнинг аҳамияти йўқ" дейишинг билан ўз-ўзингни инкор этипсан. Чунки сен шу фикрни ҳам сўз билан ифода қилмоқдасан...

"Инсон гапирувчи ҳайвондир"⁷. Унинг хусусияти ҳайвонликдан ва гапиришдан иборат. Ҳайвонлик унда доимийдир, айрилмасдир. Сўз ҳам шундоқ. Инсон кўринишидан ҳеч нарса демаса ҳам, ичида ҳамиша гапиради. Бу ҳол гўё лой қоришган сув тошқинига ўхшайди. Тошқиннинг тоза суви инсоннинг сўзи (нутқи), балчиғи эса ҳайвонлигидир. Бироқ балчиқ унда ўткинчи бўлиб, вақт келиб улардан асар ҳам қолмайди. Яхши ёки ёмон бўлишига қарамай, сўзлар, ҳикоялар ва билимлар қолади. Кўнгул аҳли бир бутундир⁸. Сен уни кўришинг билан ҳаммасини кўрган бўласан. Чунки "Овнинг бори ёбон эшагининг ичидадир" дейишади. Дунёдаги жамики ҳилқатлар унинг жузвларидир ва (У) кулладир.

Байт:

(Барча яхши ва ёмон нарсалар дарвишнинг
жузвларидир.
Агар бундай бўлмаса, у дарвиш эмасдир).

Кулли (шубҳасиз равишда) кўрганинг учун бутун оламини ва кейинроқ, ҳар кимни кўрасан. Уларнинг сўзи шу куллни ичида ва бу сўзларни эшитганинг сабабли энди эшитадиган ҳар бир сўзинг такрордан иборат.

Байт:

(Ким уни бир ерга кўрган бўлса,
гўё ҳар инсонни ва ҳар ерни кўрган бўлади).

Шеър:

(Эй, Танграм китобининг нусхаси бўлган сен
ва эй Шоҳлик Жамолининг ойнаси бўлган сен!
Оламда сендан холи бўлган нарса йўқдир.
Ҳар истагингни ўзингдан иста (изла), чунки
ҳамма нарса сенсан).

<...> *Битмаси*: Улуғ Оллоҳ "Мен Ерда (Одамни) халифа (ёрдамчи) қилмоқчиман" (Қуръони карим, 2:30) — дея амр этади. Фаришталар: "Ерда бузгунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз (Қуръони карим, 2:30) — дедилар. (Улар) Одам ҳали келмасдан (яратилмасдан — тарж.) олдин унинг фасодчи ва қон тўкувчи эканлигини қандай билдилар? — дея сўради. Мавлоно буюрдики: Бу ерда иккита нарса бор. *Бир* — *нақлий*, *иккинчиси* — *ақлий*⁹. Нақлийда: фаришталар Лавҳул маҳфузда (ривоятга кўра: Оллоҳ оламларни яратишдан аввал бир лавҳа ва бир қалам бор этди. Сўнгра қалам билан лавҳага ёзди — тарж.) бир қавм майдонга чиқади, уларнинг бунақа сифатлари бор, дея ўқидилар ҳамда бохабар бўлдилар. Ақлий: Фаришталар ақллари орқали (яратилаётган — тарж.) қавмнинг ердан (тупроқдан — тарж.) бўлишини англадилар. Демак, улар (одамлар) шубҳасиз, ҳайвон бўлади, ва албатта, (у) каби ҳаракат этади. Ҳатто улардаги маъно ва нутқдан қатъий назар, ҳайвонликлари туфайли чор-ночор фасод чиқарадилар, қон тўкадилар. Чунки бу инсоннинг заруридир. Ўзга бир қавм ҳам бу борада дейдики: Малаклар нуқул оқил ва хайрлидир. Уларнинг ҳеч қандай ишда ихтиёрлари йўқ. Худди инсон уйқуда экан, куфр ёки тавҳидга муносабат билдира олмаганидек, уйғоқ экан, фаришталар шундайдилар. Инсонларнинг эса ихтиёрлари бор. Улар нарсаларни истай оладилар. Ва ҳаммасини ўзлариники бўлиши учун қон тўкадилар. Бу ҳайвон васфидир. Шунга кўра, уларнинг (малакларнинг — тарж.) ҳоли инсонлар ҳолига зиддир. Демак, ўртада тил бўлмаса-да, "Улар шундай дедилар" дея хабар бердилар. Чунки, масалан, шоир ёзадики, "Ҳовуз: мен тўлдим, деди". Аслида, ҳовуз гапирмайди. Лекин унинг тили бўлсайди, шу ҳолда экан (сув тўлганда — тарж.) "Мен тўлдим!" дерди.

Ҳар маслакда бир лавҳа¹⁰ бордир. Фаришта дунёнинг ҳолини ва нима бўлажагини ўша лавҳадан ўқиб баҳоли қудрат билади. Ўқиган амалга ошиши билан Улуғ Оллоҳга бўлган инончи, ишқи ва Унда кечиши (мастлиги) яна-да ортади. Оллоҳ ғайбининг билувчилиги ва буюклигига ҳайратланади. Ҳайрат эса сўзсиз ва жумласиз равишда Унинг зикри, тасбеҳи бўлади.

<...> Бизнинг кўнглимиз доим маънан сизнинг ҳимматингиз ёнида бўлиши билан барабар суратан ҳам шарафланмоқ истадик. Чунки бу суратнинг ҳам улуғ бир эътибори бордир. Эътибор не демак? У ҳатто ўзлик ва маъно билан тенг. Миясиз калланинг иши ҳеч нарсага ярамагани каби қобиқ¹¹ сиз мева ҳам етилмайди. Чунончи, бир данакни қобиқсиз ҳолда ерга эксанг, кўкармас. Қобиғи билан экканинг вақтда унади ва улкан бир дарахтга айланади. Шу нуқтаи назардан вужуднинг ҳам буюк бир асли, хизмати бордир. Бундай бўлиши табиийдир. Худди шу асл маънодир. Аммо бу — ўзи ҳам маъноли, маънони ҳам билган, англаган кишилар учун шундоқдир.

"Икки ракаат намоз дунё ва ундаги нарсалардан хайрлидир". Бу сўз ҳамма учун эмас. Бу шундай кишилар учунки, уларга дунё моли қўлида бўлса ҳам икки ракаат намозни ўқимаслик ўша молни қўлидан чиқаргандан оғирроқ туюлади.

Бир дарвишга подшоҳ: "Эй зоҳид!"¹² — деди. У эса: "Зоҳид сенсан" деб жавоб қайтарди. Шоҳ: Мен қандай зоҳид бўлайин. Бутун дунё, охират ва жамики мол-мулклар меникидир. Оламни мен олдим. Сен эса фақатгина бир луқма ва бир хирқа билан қаноат этдинг", — деди. Дарвиш: "Юзингни қай тарафга бурсанг, Оллоҳ у ердадир"¹³ — деди. У ҳамма жойда мавжуд. Чехрадир, доимийдир, ўлмасдир. Ошиқлар ушбу чехрага ўзларини фидо қилиб, эвазига ҳеч нарса истамаслар. Бошқалар эса ҳайвон сингаридирлар.

<...> Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрлидир. Бизнинг сўзимиз сувга ўхшайди. Сувни мироб оқизади. Сув ўзини мироб қайси чўлга ҳайдаганини қаердан билсин... «Оллоҳ ўз ҳикматларини эшитганларнинг ҳимматлари ўлчовида воизлар тилига қуяди».

Рубоий:

(Ўйламаки, Оллоҳ йўлига тушган эрлар йўқ деб.

Комил сифатлилар нишонсиз ҳам эмаслар.

Сен сирларнинг маҳрами бўлмаганинг учун

Ўзгаларни ҳам ўзинг қатори ҳисоблаясанми?..

<...> Авлиё ва анбиё ҳеч қачон мужоҳададан чекинган эмаслар ва уларнинг илк курашлари нафс, орзу ва

шаҳватларини тарк этмақдир. Бу ўта буюк жанг ҳисобланади. Восил бўлиб, барқарорлик (амният) мақомига етишилгандан кейин эгри ва тўғрининг сирлари кашф этилади. Ва тўғрини эгри билан кўрадилар ва шундай биладилар. Мужоҳада ичида қоладилар. Чунки бу халқнинг бутун ишлари эгри ва янглишдир. Набий ва валийлар буларни кўрадилар, уларга таҳаммул этадилар. Агар бундай қилмай уларнинг эгри ишларини очиқ айтсалар, ҳамма улардан қочади ва мусулмонлик саломини ҳам қизғанади...

<...> Сурат (юз) ишқ¹⁴ нуридир. Чунки ишқсиз у ҳам қийматдан маҳрум. Нур — аслсиз номавжуд нарсa. Шунга кўра, Тангрига сурат дейилмаганидек, нур ҳам дейилмайди. Чунки сурат нурдир. Бири: "Ишқ суратсиз бўлмаганига, рўёбга чиқмаганига кўра, суратнинг нури бўлиши керак", — деди. Биз: "Ишқ суратсиз нечун тасаввур этилмасин?" — деймиз. Ҳатто суратни ишқ майдонга келтиради ва ундан юз минглаб сурат ҳосил бўлади. Булар айнаи замонда, рўёбга чиққан, шаклу шамойил олган суратлардир. Рассомсиз расм бўлмаганидек, аслсиз эса расм бўлмайди. Гўё бармоқнинг ҳаракати билан узукнинг ҳаракати янглиғ.

Юрагида уй қуриш ишқи бўлмаса, меъмор унинг тарҳини чизмайди. Буғдой бир йил олтин баҳосида, бошқа йил тупроқ қийматида сотилиши мумкин. Ҳар икки йилда ҳам унинг сурати ўшади — буғдойдир. Бироқ унинг қадри унга бўлган ишқ (эҳтиёж — тарж.) туфайли майдонга келмоқда. Худди шундай, сенинг санъатинг ҳам фақат сен учун азиздир. Унга рағбат кўрсатиб, уни севиб ўрганувчи (ишқ) топилмагунча, у яна шу ҳолда қолаверади.

«Ишқ» — нимагадир муҳтожлик. У ҳолда, эҳтиёж — асл, муҳтож(ни) эса «нур» дейишади. Биз деймизки: Сен эҳтиёжинг бўлгани учун шундай деяпсан. Демак, эҳтиёжинг олдин майдонга келади, сўз эса ундан туғилади. У ҳолда, сўз бўлмаса ҳам эҳтиёж мавжуд. Шунга кўра, ишқ ва эҳтиёж унинг (сўзнинг — тарж.) нури бўлолмайди. У: "Эҳтиёждан мақсад сўз эмасмиди? У ҳолда мақсад қандай қилиб нур бўла олади?" — деди. Биз "мақсад ҳар доим нурдир. Чунки дарахтнинг илдизидан мақсад унинг нури, яъни гавдасидир, шохлари ва ҳоказоларидир" — дедик.

<...> Бир дедик: "Бизни ҳиммат билан эсла! Асл бўлган нарсa ҳимматдир. У сўзсиз ҳам мавжуд, чунки ҳиммат

— нур". Мавлоно буюрадики: ҳиммат жисмлар оламидан аввал руҳлар оламида ҳам бор эди. Демак, бизни жисмлар оламига қуруқ келтирмадилар. Бунга имкон, йўқ. Шундай экан, сўзнинг ҳам муайян ўрни бўлиши керак. Ахир данакнинг фақат мағзини ажратиб эксанг, кўкармайди. Ҳолбуки, қобиғи билан ерга ташласанг, ўсиб чиқади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, суратнинг ҳам аҳамияти борлиги аён бўлмоқда.

"Қалб ҳузурисиз қилинган намоз намоз бўлмайди" (Ҳадисдан) — дея буюрилганидек, намоз ҳам ичдадир. Бироқ сен уни шаклларга ўрайсан. Кўринишда руку (эгилмоқ) ва сажда билан намозга сурат бериш лозим. Буларни бажариб, ундан ўз насибангни олурсан, муродингга етурсан.

"Улар намозларида доим барқарор бўлгувчи зотлардир"¹⁵ деган оятдаги намоз руҳлар намозидир. Суратан, шаклан қилинган намоз муваққатдир, доимий эмас. Чунки руҳ денгиз оламидир. Сўнгсиздир. Шунга кўра, ҳамишалик намоз руҳнингдир. Руҳ ҳам руку ва саждалардан ҳоли эмас. Бироқ буларни очиқ шакллар билан кўрсатмоқ керак. Чунки маънонинг сурат билан боғлиқлиги бор. Иккаласи бирлашмагунча фойда ҳам бўлмайди. Сурат маъно нуридир. Сурат — фуқаро, кўнгил подшоҳ деганингда, бу исмлар изофадир. "Бу унинг нуридир" дегинг. Нури бўлмаса, у қандай қилиб асл бўлиши мумкин? Модомики, "Аёл" дер экансан, иложсиз "Эркак" ҳам дейишинг керак ёки "Оллоҳ" дегандан кейин "Қул"ни ҳам эсдан чиқармаслик зарур.

*Фасл (Инсон майли ўз чегарасидан чиққанда,
дўстлик душманликка дўнади).*

Байтнинг маъносини сўрадилар. Мавлоно буюрдики: душманлик олами дўстлик оламига нисбатан тор. Чунки одамлар дўстлик оламига етмоқ учун душманлик оламидан қочадилар. Ўз навбатида дўстлик олами ҳам дўстлик ва душманликни вужудга келтирган оламга қиёсан тор. Дўстлик ва душманлик, инкор ва иймон иккиликка сабабдир. Чунки куфр — инкор. Инкорчи учун инкор қилиниши керак бўлган киши лозим бўлганидек, қабул этувчига ҳам қабул этилиши шарт бўлган бир зот зарур. Шундан ҳам кўринадики, бирлик ва бегоналик иккилиги мавжуд. У одам эса куфр ва иймоннинг, дўстлик ва душманликнинг ташқарисидир. Модомики, дўстлик иккиликни пайдо қилар экан, демак,

иккиликсиз, фақат бирликдан иборат бўлган олам бордир. Инсон унга эришиши билан дўстлик ва душманликдан чиқади. Чунки бу сифатлар у оламга сифмайди. Демак, у ерга етишган инсон иккиликдан халос бўлган зотдир. Иккилик — ишқ ва дўстлик мавжуд бўлган дастлабки олам мазкур олам қаршисида ғарибу бечорадир. Шунинг учун ҳам энди (иккиликли олам) исталмайди. Энди киши қийматсиз оламни ўзига душман деб ҳисоблайди. Чунончи, Мансур ўз-ўзига душман бўлди ва ўзини йўқ қилди. Чунки унда Ҳақнинг дўстлиги ҳаддидан ошганди. Мансур «Анал Ҳақ» деди, яъни мен фано топдим, йўқ бўлдим. Ёлғиз қолган Зот Ҳақдир, демоқчи бўлди. Бу камтаринлиқдир. Бандаликнинг охирги нуқтасидир...

<...> "Оллоҳ инсонни ўз сурати асосида яратди" (Ҳадисдан). Инсонлар доимо мазҳар (ўзини кўрсатувчи нарса — тарж.) қидирадилар. Баъзи аёллар ўрангандир ва ўзларини қанчалик қидирилганини (исталганини — тарж.) синамоқ учун юзларини очадилар. Худди устарани синаганинг каби. Ошиқ севгилисига: "Мен ухламадим, овқат емадим, сенсиз ёндим, куйдим" дейди. Бунинг маъноси шудир: Сен бир мазҳар излаяпсан ва у менман. Сен мазҳарга маъшуқлик сотяпсан. Олимлар ва санъаткорлар ҳам ҳамиша мазҳар қидирадилар. "Мен яширин хазина эдим, билинмоқ истадим" (Ҳадисдан). Унинг ҳукмлари барча одамларда зуҳур этди. Чунки уларнинг ҳаммаси Оллоҳнинг соясидир ва бу соя соҳибига ўхшайди. Агар беш бармоқ очилса, сояси ҳам очилади, эгилса-чи, у ҳам эгилади. Шунга кўра, Ҳақни қидирган бир исталган ва севилганни хоҳлайдики, ҳамма унинг дўсти, севгилиси ва итоаткори бўлишни орзу этади. Ҳамда душманларига душман, авлиёларига дўст бўлишни ҳам унутмайди. Ниҳоят, буларнинг ҳаммаси Оллоҳ кўрсатган ҳукмлар сифатларидир. Соямизнинг биздан хабари йўқ бўлишига қарамай, биз улардан воқифдирмиз. Лекин Оллоҳ билимининг қаршисида бизнинг хабаримиз хабарсизлик демақдир. Шахснинг ҳамма қирралари унинг соясида акс этмайди. Худди шундай Оллоҳнинг барча сифатлари ҳам бизда тўла-тўқис намоён бўлмайди. Фақат айримларигина кўринадики, "Айтинг: Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир"¹⁶ дея буюрилган.

Фасл. Буюрдики, инсон нафсида шундай бир нарса борки, ҳайвонларда йўқдир, дейишади. Аммо бу инсон улардан ёмон, дегани эмас. Балки шундайдир: инсондаги ёмон феъли-ҳўй, нафс ва бахтсизлик мавжуд бўлган яширин жавҳардандир. Фақат феъллар, бахтсизликлар ва ёмонликлар жавҳарнинг пардаларига айланган. Жавҳар қанча гўзал ва буюк бўлса, парда ҳам шунга ярашадир. Барча ёмонликлар жавҳар пардасининг воситаси ва парданинг кўтарилиши — имконсиз. Шунга қарамасдан, улкан мужоҳадалар сўнгида мумкиндир. Мужоҳидлар ҳар хил. Мужоҳаданинг энг буюғи — бу дунёдан юз ўтириб, Оллоҳга йўналган ёронга қўшилмоқ ва аралашмоқдир. Мужоҳада яхши ва тўғри бир дўст билан юзма-юз ўтиришдан мушкулроқ эмас. Чунки уларни кўрмак нафсининг эриб йўқ бўлишидир. Шунинг учун ҳам илон қирқ йил инсонни кўрмаса, аждарҳога айланади, дейишади. Қаергаки, катта бир қулф оссалар, билгилки, у ерда нафис ва қимматли нарса бордир. Жумладан, қаердаки, парда қалин ва мустаҳкам бўлса, ўша ердаги жавҳар яхшироқдир. Чунончи, хазина устида илон ётади. Бироқ сен унинг хунуқлигига эмас, дафинадаги нафис нарсаларга боқ!

ҲАЗРАТИ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД (1318 — 1389)

Тўла номи Саййиг Муҳаммад Баҳоуддин ибн Саййиг Жалолуддин Нақшбанд Қасри Ҳиндувон қишлоғида Биби Орифа хонадонига туғилган, кейинроқ унинг қишлоғи Қасри Орифон номи билан шуҳрат топди. Алишер Навоийнинг далолатича, Баҳоуддиннинг камолга етишишида Хожа Али Ромитоний, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий ва Саййиг Амир Кулолнинг таъсири бўлган. Абу Муҳсин Муҳаммад Алининг "Сийрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддуса сирруҳу" асарига ёзишча, "Хожа Баҳоуддин 17 ёшида рўзғор қилган, бироқ оилавий турмуш фароғатини тотиб улгурмади, тушларида Хизир алайҳиссаломнинг чин сўфий бўламан десанг хотинингга рағбат қилмагил" амри маъруфи аён бўлгач, бутун умрини дарвишликка, маърифат йўлига бағишлаган.

Нақшбанд таълимоти ўзининг ихчам ифодасини "Дил ба ёру даст ба кор" ҳикматида англатган. Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг барча ваъзларини тўплаб, "Рисолаи Қудсия" китобини таълиф этган. Жаҳрийлик тариқати кўпроқ зикр (жаҳр) мажлисларини қуриб, ошкора ва тантанали ибодатга берилган бўлса, нақшбандийликнинг асосий йўланиши ботиний ибодатга йўналтирилган эди. Баҳоуддин Марвда Юсуф Ҳамадонийнинг қабрини зиёрат қилароқ, унинг таълимотини чуқурлаштирди. Юсуф Ҳамадонийнинг халфаларидан Абдулхалиқ Ғиждувоний кашф этган саккизта манзил (калимати қудсия)га Хожа Баҳоуддин яна уч манзил қўшган: 1) вуқуфи замоний; 2) вуқуфи аъдодий; 3) вуқуфи қалбий.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Мавлоно Яқуб Чархийнинг "Рисолаи унсия", Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг "Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд", Фахруддин Али Сафийнинг "Рашаҳоту айни-л-ҳаёт" каби рисоалари мавжуд. Ушбу манбаларда Хожа Баҳоуддиннинг тарихий ва манқабавий ҳаёти, тариқати, таълимоти, таъсири ва сулуки ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Ҳазрат Хожанинг айтган ҳикматлари, нақл ва каломлари жамланган манбалардан "Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд" асаридан намуналар келтирилди.

АБУЛ МУҲСИН МУҲАММАД БОҚИР «МАҚОМОТИ ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД»

*Ҳазрати хоҷамизнинг сулук йўли, дарвишлик сифати,
аҳвол ва ахлоқлари баёнида ҳамда шариф мажлис(лар)га
уларнинг муборак оғизларидан чиққан нозик сўзлар ва
мўъжаз каломлар зикрида*

АДОУДДИН АТТОР *аттараллоҳу марқадаҳу*¹нинг нақл қилишларича, Хоҷамизнинг тариқ (йўл)лари фақр, алойиқдан кечиш, тўлиқ ёлғизлик, *мосиво*²нинг инкоридан иборат эди. Уларнинг муқаддас сўзлари фақрнинг исботи ва фуқаронинг муҳаббати ҳақида эди. Азиз суҳбатларининг таъсири барчада маълум ва ҳаммада ошкор эди. Ҳазрати Эшоннинг қадамлари суннатга тобе бўлишликда мустаҳкам эди. Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочишни, айниқса, ҳалол луқмани таъкидлаб гапирардилар. Суҳбатларида доимо "ал ибодату ашарата ажзоин тисъату минҳо талабу-л-ҳалоли ва жузъун воҳидун минҳо соиру-л-ибодоти" («Ибодат ўн қисм, ўндан тўққиз қисми ҳалолликни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатлар») ҳадиси ўтар эди. Уларнинг барча ёронларида шу сифат акс этган ва унинг амали ошкор эди. Бу амалнинг натижаларини улардан ҳар бири ўзларида мушоҳада қилардилар...

Онҳазратнинг анфойи қудсиялари³

Айтар эдилар: "Илоҳий ниятлар билан биз қилган амал ва чеккан риёзатларни тортишга сизларнинг тоқатингиз етмайди. Сизларга чора шуки, беихтиёр бўлинглар, ризо талаби йўлида қалбларни эҳтиёт қилинглар".

Айтар эдилар: "Бу йўлдан юрувчиларга илтижо (ниёз), ўзини хор тутиш (масканат) ва олий ҳиммат керак, у одамни мана шу эшиқдан киритадилар, биз нимаки топган бўлсак, шундан топдик".

Байт:

(Бозорда беқасамлар ва бошқалар бўлса ҳам,
Бу ерда фақат сарғайган юз ва жанда либослар
сотиб олинади).

<...> Айтар эдилар: "Мусулмонлик — бу иложи бори ча ҳукмларга бўйсуниб, тақвога риоя қилиш, амални бажаришга интилиш ва бекорликдан узоқлик бўлиб, буларнинг ҳаммаси нури сафо⁴ ва раҳмат⁵ ҳамда валоят⁶ даражасига етишиш воситасидир. Авлиёларнинг азиз манзили ва мақомларига мана шу сифат парвариши орқали етилади".

Айтар эдилар: "Бизнинг назаримизда вужудни инкор қилиш йўлларнинг энг яқинроғидир, лекин бу ихтиёрдан ва ортиқча амаллардан кечишсиз ҳосил бўлмайди".

Айтар эдилар. "Бу тоифа уч қисмга бўлинади: "муқаллид, комил ва мукаммалга. Муқаллид (тақлидчи) эшитганига амал қилади. Комил ўз вужудидан чиқиб кетолмайди, комил мукаммалнинг тарбиятисиз мукаммал бўла олмайди".

Айтар эдилар: "Ирода, таслим ва ихтиёрсизлик бу улуг ишдир. Бизнинг ихтиёр қилганимиз "ал-иродату тарку-л-иродати фи-л-иродати" деган сўздир, мурид ўз хоҳишини ташлаб, ўз муқтадоси (пири)нинг хоҳиш ичига бутунлай қўмилиб кетиши керак".

Байт:

(Биз ўз хоҳишимизни қўлдан бой берганмиз,
Дўстнинг ҳар бир хоҳиши бизнинг хоҳишимиздир)

Айтар эдилар: "Ихтиёр бизда, хоҳласак толибга жазба орқали таъсир қиламиз, агар хоҳласак сулук орқали таъсир қиламиз. Муршид (пир) бу — ҳозик табиб муриднинг ҳолига мувофиқ бўлган давони қилади. Саҳиҳ (тўғри) ҳадисда келтирилишича, Ҳазрати Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ўз бандасига ўзини етук ҳикмати орқали муомала қилади, бирини фақрлик ва оғирликда тутати, бошқасини бойлик ва давлат устида тутати".

Айтар эдилар: "Бизнинг тариқамиз жаҳрия зикрию рақс эмас, бизнинг тариқамиз анжуманда хилват (хилват дар анжуман), ватанда сафар (сафар дар ватан)дир. Хилватда

шуҳрат бор, шуҳрат эса офатдир. Жамиятда хайрият бўлади, жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-бировлари билан ҳамсуҳбат бўлсалар, бу суҳбатда хайру барака кўп бўлади. Умид борки, бу ишга доимо амал қилинса, охири ҳақиқий иймон билан яқунланади.

Айтар эдилар: "Бизнинг тариқамиз урватул вусқо⁷нинг нодир кўринишларидандир, яъни панжани Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) суннатини тобелик этагига уришдир ҳамда улуғ саҳобалар, уларнинг барчасидан Оллоҳ таоло рози бўлсин, изларидан юришдир. Бу йўлда бизни фазл эшигидан киритганлар. Биз бошдан то охиригача ўз амалимизни эмас, унинг фазлини мушоҳада қиламиз. Бу тариқада гарчи озгина амалда бўлса ҳам файзу футуҳ кўпдир, аммо суннатга роия қилиш улуғ ишдир".

Байт:

(Кўнгулда доимо у билан ошно, аммо ташқи
кўринишида бегона каби бўл,
Бундан чиройли йўл жаҳонда камдан кам бўлади)

Сўрадилар: "Сизнинг тариқангизни қандай топиш мумкин?"

Айтдилар: "Шариатни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларига тўлиқ амал қилиш билан"...

Айтар эдилар: "Бу солиқ ўз йўлига парда тўсилмаслиги учун ўзининг қайси мақомида эканини билмаслиги керак. Ман розийа бимақомиҳи ҳажаба ан амомиҳи" («Кимки ўз мақомига рози бўлса, олдиндаги нарсалар унга тўсилган»).

<...> Айтар эдилар: "Толиб амал қилиши зарур бўлган шароитлардан бири шуки, у Ҳақ таоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур. Суҳбат замони ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, нуқсондан комил сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида, мулозаматда бўлишини ўзи учун фарзи айн⁸ ҳисобласин"...

Айтар эдилар: "Бу йўл талабида бўлганларга қуйидагиларга амал қилиш шарт: "Ат-тариқату куллуҳа адабун, бикулли ҳолин адабун, ва бикулли мақомин адабун, фа ман лазама-л-адаба балаға мубалаға-р-рижал" («Тариқат йўли

одобдан иборатдир, ҳар бир ҳол ва ҳар бир мақомнинг одоблари бор, кимки одобни ушласа, уни балоғат аҳлининг балоғатига етказади»). Адаб бу — хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. Ва айтадилар: "Адабу-л-хидмату аъаззу мин ал-жидди, аломатуҳу қобулул амали, ва-л-убудийату мулозаматул адаби, ва-т-турғону суъул адаби" («Хизмат адаби улуғ бахтдан яхшироқ, унинг белгиси — амалнинг қабули, турғон эса адабнинг бузуқлигидир. Адабни сақлаш — муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир»).

Айтар эдилар: "Бир адаб бор, у Ҳақ субҳанаҳу ва таолога нисбатан бўлади; бир адаб бор, у Пайғамбар (с.а.в.)га нисбатан бўлади, яна бир адаб бор, у машойихларга нисбатан бўлади. Ҳақ субҳанаҳу ва таолога нисбатан бўладиган адаб шундаки, унинг фармонларини зоҳирда ва ботинда тўлиқ бандалик билан адо қилинади ва ундан бошқа ҳар қандай нарсадан юз ўтирилади. Пайғамбар (с.а.в.)га нисбатан бўлган адаб шундайки, ўзни "фаттабиъуни" (менга итоат қилинлар) мақомига тўлиқ олиб киради ва барча ҳолатда унга нисбатан ҳурмат қондасини тўлиқ сақлайди, мавжудотнинг ҳал қилинувчи мушкуллари Ҳазрати Ҳақ субҳанаҳу иродаси орқали у билан эканини англаши ва ҳар ким ҳамда ҳар бир нарса унинг иззат оstonасига бош қўйганини билиши керак. Шайх (пир)га нисбатан адабнинг вожиб ва лозимлигининг сабаби шуки, улар (машойихлар) суннатга тўлиқ амал қилиш орқали Ҳақ субҳанаҳу ва таолога етишганлар".

<...> Айтар эдилар: "Фано икки хил бўлади: бири зулумоний ва табиий вужуддан фоний бўлиш, бошқаси эса нуруний ва руҳоний вужуддан фоний бўлиш, чунончи, пайғамбар ҳадиси шу ҳақда гапиради: "Инналлоҳа таоло сабъийна алфа ҳижабун мин нурун ва зулматин" (Оллоҳ таолонинг нур ва зулматдан етмиш минг ҳижоби (пардаси) бор)...

Айтар эдилар: "Бу тоифанинг ҳар ким билан қилган муомаласи ўша одамнинг қобилияти даражасига мос бўлади. Агар толиб бошловчилардан бўлса, унинг юкини тенг кўрадилар ва унинг хизматини қиладилар, чунончи, (Қуръони каримда) айтилади: "Ё Довуд, иза раайта ли толибан факун лаҳу ходиман" («Эй Довуд, агар менга толиб кишини кўрсанг,

унинг хизматини қил»). Толибда бу йўлнинг қобилияти пайдо бўлгунча унга жуда кўп ўргатиш ва тушунтириш лозим.

Байт:

(Сен жамолини кўрмагунингча ишқинг камолга етмайди,

Сен ёр васфин эшитсанг, унинг тўғриси эшит.

Айттар эдилар: "Соликнинг барча ишлари яқин (ишонч) асосига қурилган бўлиши зарурки, то натижа яқин орқали зуҳурга келсин". "Маърифати тафсилий" (тўлиқ билим) солиҳ ва толиблар мақсадининг сўнгги поғонаси бўлиб, бу поғона мазкур сифат орқали ҳосил бўлади. Толибда аҳдуллоҳ (авлиёлар) ҳақиқатига нисбатан бўлган ҳусни ақида (чиройли эътиқод) яқинсиз ҳосил бўлмайди, эътиқод эса арзимаган нарса билан ўзгаришга учрайди". Ҳазрати Хожамиздан сўрадилар: "Сайри сулукдан мақсад нима?"

Айтдилар: "То маърифати ижмолий тафсилий⁹га айлансин учун, яъни солик, хабарчидан қисқагина қабул қилинган нарсани тафсил (тўлиқлик) йўли орқали таниб олсин ва далилу ҳужжат мартабаси орқали кашф ва аёнлик мартабасига етолсин".

Айттар эдилар: "Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман".

Айттар эдилар: "Талқини зикр" бировнинг қўлига чақмоқтош бериш билан баробардир. Рўшнолик ҳосил бўлиши учун уни амалда ишга солиш толибга боғлиқ.

Айттар эдилар: "Ҳазрати Азизондан икки хил зикр нақл қилинади, унга Оллоҳнинг раҳмати ва розилиги бўлсин, бири — жаҳр ва бири — хуфя. Хуфя зикри кучли ва авло¹⁰ бўлгани учун биз уни ихтиёр қилдик".

<...> Айттар эдилар: "Вукуфи *agaguy*"¹¹ илми ладунийнинг бошланғич поғонасидир.

Донишманд соликка "вукуфи ададий"ни таълим беришдан аввал ўз силсилаларини баён қилдилар ва уни Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадонийга етказдилар, Оллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин, шунда дедилар: "Бир куни Хожаи Бузург, яъни Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Оллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин ва баракотидан бизларга насиб этсин,

ўз устозларига тафсир ўқир эдилар. Шунда: "Удъу ила роббикум тазарруъан ва хуфйатан иннаҳу ла йуҳиббу-л-муътадийн" ("Раббингизга зорланиб ва хуфя ҳолда тилак тилангиз, чунки у ҳаддан ўтказувчиларни ёқтирмайди") деган оятга етдилар. Устозлари Мавлоно Имом Садриддиндан: "Ҳақ субҳанаҳу буюрган хуфя қайси ва қай тариқа бўлади? Агар зикр айтувчи овоз чиқариб айтса ёки зикр айтаётганда бирорта аъзосини қимирлатса, бошқалар ундан хабар топиб қолади ва хуфя ошкор бўлади". Агар дилида айтса: "Аш-шайтону йажри фи ибни Одама мажра-д-дамми" ("Шайтон Одам фарзандлари ичида қон билан оқиб юради") ҳадисининг ҳукми бўйича шайтон воқиф бўлади" деб сўрадилар.

Устоз дедилар. "Бу *илми лагуний*¹²дир, мана бу: "Ва алламнаҳу мин ладунно илман" ("Ва биз унга ўз ҳузуримиздаги илмдан ўргатдик") ояти каримаси шунга ишорадир. Агар Ҳақ субҳанаҳу ва таоло хоҳласа, авлиёлардан бирортасини сенга етказди ва у сенга таълим беради". Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ мана шу иноятга доимо мунтазир эдилар.

Байт:

*(Ҳар вақт диққатингни бўлмагил зинҳор,
Нигоҳинг Ҳамиша бўлсин интизор)*

Охири оламлар имоми, орифи раббоний, шайхул машойих Хожа Юсуф Ҳамадоний келиб, унга «вуқуфи ададий»ни таълим бердилар...

Айтар эдилар: «*Вуқуфи замоний*»¹³ бу йўлда юрувчи учун шундай нарсаси, толиб доимо ўз аҳволдан хабардор бўлиши, ҳар бир замонда ўзининг ҳоли ва сифати қандай, шукр пайтими, узр пайтими, буни билиш керак. Нафасни ютмаган ҳолда бўлса ҳам ойна (яъни қалб)нинг дастаси, ёни ё орқасига эмас, балки юзига сайқал бериши лозим. Чақмоқтош қўлингизга берилган, фақат ҳаракат қилиш керак, токи натижа ҳосил бўлсин. Бунда мақсад зикрни кўп айтиш эмас, бир нафасда уч марта айтиш керак. Ҳисоб йигирма бирдан ўтса ҳам натижа ҳосил бўлмаса, ишни яна бошдан бошлаш зарур. Нафас олмаслик шартлардан биридир. "Ла илаҳа илаллоҳ"ни ўнг томонидан бошлайди, дилгача етказди ва чап томонидан чиқариб юборади. Бу қаттиқ урунишсиз ҳосил бўлмайди.

Субҳдан аввал, шомдан сўнг хилватда ва халқдан узоқда машғул бўлинади".

Байт:

(Ундан бир қатра нишон топишим учун,
Юракдан юз минглаб қатра қон томди).

Айтар эдилар: "Вуқуфи қалбий"¹⁴ жазба таъсирини ўзида ҳис қилиш ва бу таъсирнинг қалбдан ўрин олиши учундир. Зикрда ададга риоя қилиш диққатни жамлаш учундир, чунки назар паришондир. Бунинг бошқа тафсири шундайки, нафъи (инкор) пайтида башарият вужуди унутилади, исбот пайтида эса, Илоҳият жазбасидан ҳосил бўлган тасарруфлар таъсири ёрқин ҳис этилади".

<...> Айтар эдилар: "Ориф кишилар топа оладиган ва бошқалар топа олмайдиган йўл уч қисмга — муроқаба, мушоҳада ва мусоҳабага бўлинади. *Муроқаба*¹⁵ "нисёну рубъата-л-махлуқа би давоми-н-назари ила-л-холиқи" ("Яратувчига доимий назар қилиш билан одамларни унутиш")дир. Ёки айтамыз "давому-н-назари ила-л-холиқи би-нисёни рубъати-л-махлуқи" ("одамларни кўришни унутиш билан Яратувчига доимий назар қилиш"), яъни бу йўлда юрувчи доимо Тангри жамолига нозир (назар қилувчи) бўлиши керак. Унутиш, йўқлик ва фано рақамини барча махлуқотларнинг пешонасига чекиши лозим. Муроқабанинг давомийлиги нодир ҳодир. Биз бунинг ҳосилини топганмизки, бу нафсга қаршилиқдир.

*Мушоҳада*¹⁶ бу ғайбий ҳолатларнинг кўнгилга киришидир. Замон ўтувчидир, тўхтаб туролмайди ва бу вориёт (кирувчи ҳолат)ни идрок қилолмаймиз. Бизнинг ҳолимизда мавжуд бўлган сифат туфайли қабз (сиқилиш) ва баст (шодлик)дан уни била оламиз. Қабз ҳолатида жалол¹⁷ сифатини мушоҳада қиламиз, баст ҳолатида жамол сифатини мушоҳада қиламиз.

*Мусоҳаба*¹⁸ — ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонимиз ҳузур билан ўтдими ёки нуқсон биланми? Агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса, қайтамыз ва амални аввал бошдан бошлаймиз. Ҳазрати Азизон алайҳи-р-роҳма ва-р-

ризвондан қуйидагиларни нақл қилинади: Амал қилмоқ керак, қилинмагани ҳақида фикрлаш, ўзни нуқсонли билиш ва амални бошидан бошлаш лозим. Йўл мана шу уч тариқада экан, бу учтадан бошқа йўлни қидирган киши уни тополмайди.

Байт:

(Ёр иноятининг кўмагисиз
Мақсадага етиб бўлмайди).

<...> Айтар эдилар: "Ла йажтамиёу уммати ала-з-залолати" ("Менинг умматларим тубанлик учун йиғилмайдилар") ҳадисидан мурод тобелик кўрсатувчи умматлардир".

Ҳазрати Хожамиздан савол қилдилар: "Агар Ҳақ субҳанаҳу бирорта дарвишдан ҳол (илми)ни олиб қўйса, у нима қилиши керак?" Айтдилар: "Агар дарвишнинг жони томоғида қолган бўлса ҳам, у Оллоҳдан зору тазарру қилиб, қайта сўраши, Ваҳҳоб (Ато қилувчи) даргоҳига ялиниб — ёлвориб бориши зарур. Агар унда ҳолдан бир томчи қолган бўлса, демак, у Оллоҳдан сабр ва ризо тилаган бўлади".

Ҳазрати Хожадан сўрадилар: "Дарвишлар ҳузур (лаззат)дан бутунлай кечганлар, нега улар яна "Оллоҳум мағфирли" («Эй Худавондо, мени кечиргил») дуосини ўқийдилар?" Айтдилар: "Улар ўзларининг вужудларини поклаш билан ўзгаларнинг вужудларини поклашни истайдилар..."

Сўрадилар: "Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш дарвишларда қаердан пайдо бўлади?" Айтдилар: "Кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, Ҳақ субҳанаҳу уни дарвишларга ато қиладики, "фа иннаҳу йанзуру би нуриллаҳи" ("Чунки, у Оллоҳ нури орқали боқади")...

Айтар эдилар: "Тавҳид¹⁹ поғонасига тездагина етса бўлади, аммо маърифат поғонасига етиш қийин. Бир дарвишнинг оёғига тикан қадалса, унинг қаердан эканини билмоқ керак"...

Айтар эдилар: "Ҳар ким ўзини Ҳазрати Вожибул вужуд (Оллоҳ)га бутунлай топширган бўлади, унинг Оллоҳдан ўзгага илтижо қилиши ширқдир. Ширк умум (оддий) халқдан кечиримлидир, аммо хусус (хос бандалар)дан кечиримли эмас".

<...> Айтар эдилар: "Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғуда бўл".

Айтар эдилар: "Дарвишлик нима?" Дарвишлик ташдан беранг ва ичдан бежанг бўлишдир".

Байт:

(Биз шундай суратмизки,
Ҳеч кимдан ранжимаймиз ва ҳеч кимни
ранжитмаймиз).

Дин улуғларидан бири: "Дарвишлик нимадир?" деб савол берди. Айтдилар: "Забунлик".

Айтар эдилар: «Бу йўлнинг боши калимаи тавҳиддир ва охири ҳам. Калимаи тавҳид биринчи ва охирги сабоқдир ва саодат калитидир. Ҳеч қандай эшик унингсиз очилмайди. Ҳазрати султонул орифиндан нақл қилишича, охирги вақтда пўстин кийган эдилар ва айтардилар: «Илоҳо, шуни билингки, мен туркман ва Туркистондан Тангри дея келганман, бугун эса саодатга етганман...»

Айтар эдилар: "Одам ўзини бир хил сифат (кўринишда, феълда) олиб юриши лозим, токи одамларда унга тасарруф (таъсир қилиш) таъмаси пайдо бўлмасин".

Айтар эдилар: "Назар қилишдан кўнглида пайдо бўладиган нарса ва яқиннинг заифлигидан, у ваҳм (хаёл)дан ўзга нарса эмас, бу фикрни даф этмоқ керакки, уни албатта даф қилса бўлади. Гарчи ҳикмат олами бўйича бу ишга рухсат бўлса-да, бироқ ботинда таваккул²⁰ мақомидан жой олади".

Айтар эдилар: "Амти-л-аза ани-т-тариқи" ("Азият берадиган нарсаларни йўдан йўқотинг")дан мурод шуки, нафсингизни Ҳақ йўлида йўқотинг.

Байт:

(Тананг девори остида гавҳар хазинаси бор,
Ўртадан туриб кетсак хазинанг зоҳир бўлар).

Айтар эдилар: "Бу йўл солики (юрувчиси)ни икки сифат — жалол ва жамол сифати билан парвариш қилади. Жалол (қудрат) унга жамол (гўзаллик) бўлади, жамол эса унинг учун жалол бўлади. Хавф истило қилганда умид қилади, умид ғалаба қилганда хавф пайдо бўлади".

Айтар эдилар: "Халқнинг узоқда қолишига сабаб шуки, улар ўзларини ўзлари узоқлаштирадилар ва ўз ихтиёрлари билан ўз юklarини ўзлари оғирлаштирадилар, ваҳоланки, илоҳий файз келишда ҳеч қандай нуқсон йўқ..."

<...> Айтар эдилар: "Агар толиб муқтадо (пир)га етишиш ичида қийинчиликка дуч келса, то бунинг сири очилгунча, сабру тоқати етгунча чидасин. Агар у мубтади (сулукни бошлаган) бўлса баъзан савол қилсин. Баъзи машойихлар: «Ас-суфий ғайру махлуқ» («Сўфий ғайри махлуқдир») дедилар. Бу иборанинг маъноси шуки, баъзи вақтда сўфийда бир сифат ва ҳолат бўладики, у мазкур ҳолатда ўзида бўлмайди. Бу сўз ўша ҳолатга нисбатан айтилган, ваҳоланки, сўфий аслида махлуқдир".

Ҳазрати Хожамиздан савол қиладиларки, "Саййиду-т-тоифа Жунайд қуддиса сирруҳу: "Иқтаи-л-қориййана ва авсили-с-суфиййана" ("Қорилардан кеч, сўфийларга етиш") деганларининг маъноси нима?" Айтдилар: "Қори исм билан машғул бўлади, сўфий исм эгаси билан..."

Айтар эдилар: "Бу йўлнинг ҳақиқати икки сифатда: "вужудни инкор қилишда ва борини нисор этишда".

Айтар эдилар: "Камолот ва нисор аҳлининг йўли шундай: Бу йўлнинг чақалоғини тариқат бешигига белайдилар ва тарбият кўкрагидан сут эмизадилар, шундай қилиб, висол чегарасига етказадилар, сўнг бирор усул билан ўзликдан қайтарадилар, аҳадият (ваҳдат) сарпардасига маҳрам қиладилар. Шундай қилиб, йўловчининг воситасисиз Оллоҳдан файз олади ва висолга етувчи абадий умр топиб, бунинг шукрини адо қилмоқчи бўлса ҳам адо қилолмайди.

Байт:

*(Сенинг шукрингни тўхтатмай айтсам ҳам,
Умрим ўтади, аммо уни тамом қилолмайман).*

Айтар эдилар: "Дил гўё (гапирувчи) бўлиши учун жидду жаҳд қилмоқ керак, дуо гўё бўлгач, у ҳеч ўлмайдиган ҳаётга етган бўлади.

Байт:

(Дили ишқ билан тирик бўлган киши ҳеч қачон ўлмайди,
Олам рўзномасига бизнинг доимий ишқимиз
шундай деб ёзилган).

Дил зикр билан гўё бўлганда ҳам тил билан зикр
айтишдан ҳам қолмаслик керак..."

Бу фикр бу адриснинг асосий ақида ва ҳақиқати бўлади. Чунки, Ҳазрати Парвардигорга нисбатан ҳақиқат янада шундайки, ҳатто Парвардигорнинг кўмагини ҳаёв қилган бўлса, бу кўмак таъсир туфайли у (санаб) таъзияни сохт деб билади. Чунки бу таъзия ҳам "Бу наъиди тўғри" дегунча³ ҳукми бўлибди ва Ҳазрат (таъи ота)га тегинади.

Бу муҳтасар (рисола)да маърифатнинг ҳосил бўлишига қараб бўладиган нарсалар зикр қилинди. Бу муҳтасар (рисола)га назар сгулувчилардан натижа шуки, муаллифни ўртада кўрмасинлар ва қалам котибнинг қўлида бўлгандек, уни ҳам Ҳақ таолонинг тасарруфи қўлади деб билсинлар. Ушбу рисола кўмасалар, уларнинг бир-бирига қаторда кўрадиганлиги, бу тоифанинг мамлари Ҳақ таолодан бегосита ҳосил бўлган

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ (1404 — 1490)

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ибн Хожа Маҳмуд Боғистон (ҳозирги Бўстонлиқ ҳудудига) қишлоғида таваллуд топган. Кейинроқ Самарқандга кўчиб, Қутбиддин Садр мадрасасида таҳсил олган. Хожа Низомиддин Хомуш ва Саъдиддин Кошғарий билан бир тариқат ва илмда боғланганлар. 29 ёшида Яъқуб Чархийдан иршод олиб, муршиди комиллик мақоми билан Тошкентга қайтган. Абу Саид Мирзо даврида давлат ва жамоат ишларида қатнашган, катта мулкдор сифатида ҳам шуҳрат топган.

Қатор диний-тасаввуфий асарлар муаллифидир. Унинг «Фикроти Аҳрория», "Рисолаи волидия", «Рисолаи ҳавория», «Рисолаи анфоси нафиса», «Руқъаот» асарлари шундай китоблар сирасига киради.

Хожа Аҳрор Валий ҳақида маълумот берувчи ишончли манбалар қаторида Мир Абдулаввал Нишопурийнинг "Масмуъот", Фаҳруддин Али Сафийнинг "Рашаҳоту айни-л-ҳаёт.", Муҳаммад Қозининг "Силсилату-л-орифин", номаълум муаллифнинг "Маноқиби Хожа Аҳрор", «Насабномаи Хожа Убайдуллоҳи Аҳрор» асарларини келтириш мумкин.

Қуйида «Рисолаи волидия» ҳамда Фаҳруддин Али Сафийнинг "Рашаҳоту айни-л-ҳаёт" асарларидан Ҳазрати Хожага бағишланган фасллар келтирилади.

«РИСОЛАИ ВОЛИДИЯ»

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Ўзининг зоти ва улугворлиги билан ягона бўлган ҳамда сифатлари ва ислари билан танҳо бўлган Оллоҳга ҳамдлар бўлсин. Ва салавотлар бўлсин шундай Зот, яъни Муҳаммад алайҳиссаломгаким, уни фанога еткизгандан сўнг барча сифатлари билан унга тажалли қилди ва умматнинг барча тоифаларини мукаммал ва барча халойиқни ҳикмат билан ораста бўлиши учун унга мукаммал ҳикматларни ато қилди. Яна унинг оиласи ва дўстларига ҳам саловотлар бўлсинки, улар Унинг боқий жамоли чеҳрасидан пардаларни кўтардилар.

Шундан сўнг (маълум бўлсинки), бу мухтасар (рисола)нинг ёзилиш сабаби шу эдики, бу фақир (яъни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг отаси, Оллоҳ унинг ва бизнинг амалларимизни қабул қилсин, менга нисбатан бўлган ишончи туфайли бу фақирга амр қилиб: "Бизга авлиёларнинг сўзларидан бир нарсa ёзиб бергинки, унга амал қилиш, ўқиш ва далиллар билан ҳосил бўлмайдиган улуг мақомотларга етишиш ва ҳақиқий илмларни ҳосил қилишга сабаб бўлсин. Чунончи, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: "Ман амила бима алима варасаҳуллоҳу илма ма лам йаълам"¹.

Бу фақир бу амрга бўйсунитишни ўзига вожиб деб билди. Чунки Ҳазрати Парвардигорга нисбатан бўлган адаб шундайки, кимки Парвардигорнинг кўмагини қабул қилган бўлса, бу кўмак таъсири туфайли у (ота)нинг таъзимини вожиб деб билади. Чунки бу таъзим ҳам: "Ва илайҳи туржаъу-л-умур"² ҳукми бўйича ул Ҳазрат (яъни ота)га тегишлидир.

Бу мухтасар (рисола)да маърифатнинг ҳосил бўлишига сабаб бўладиган нарсалар зикр қилинди. Бу мухтасар (рисола)га назар қилувчилардан илтимос шуки, муаллифни ўртада кўрмасинлар ва қалам котибнинг қўлида бўлганидек, уни ҳам Ҳақ таолонинг тасарруф қўлида деб билсинлар. Уни орада кўрмасалар, ўзларини бир тоифа қаторида кўрадиларки, бу тоифанинг илмлари Ҳақ таолодан бевосита ҳосил бўлган

бўлади. Чунки мажозий вужуд улар учун йўқ ҳукмидадир. Чунончи, баъзи орифлар илм аҳли бўлган доноларга хитобан айтадилар: "Сизлар расмий (диний ва дунёвий) ўлик илмларингизни ўликлардан олгансизлар. Биз эса илмларимизни ўлмайдиган доимо тирик Зот, яъни Оллоҳдан олганмиз. Кимки илмни Ундан ўзгадан олган бўлса, унинг ҳукми бизнинг назаримизда ҳеч нарса ҳукмидадир. Ориф учун албатта, Оллоҳдан ўзга кўмакдош йўқ. Оллоҳдан кўмак тилайман ва унга таваккал қиламан. Оллоҳдан ўзга куч ва қудрат йўқ".

Оллоҳ таоло айтади: "Ва ма холақтул жинна ва инса илла лийаъбудун"³. Муфассирларнинг⁴ айтишларича, оятдаги ибодатдан мурод маърифатдир, чунки ибодат зоҳирий амалларга тааллуқлидир. Аммо уни зоҳирга таъйин қилинса тўғри бўлмайди, чунки хилқат (яратиш)дан мурод фақат зоҳир амаллар эмас, балки зоҳирий амаллар маърифатга тобеъдир ва мақсуд аслида шудир. Баъзи сўфийлар "Лийаъбудун"⁵ (сўзи)ни ўз асл маъносида қолдирганлар, чунки уларнинг назарларида ибодат зоҳир амаллар ва ботин амалларни ўз ичига олувчидир. Маърифат эса фақат ботиний амал бўлиб, бундай таъвилга муҳтож эмас.

Барча ҳақиқатни таҳқиқ қилувчилар шундай фикрда яқдилдирларки, маърифат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъликсиз ҳосил бўлмайди ва тобеъ бўлиш эса тобеъ бўлиш зарур бўлган нарсани билишга боғлиқдир. Бас, Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзи, феъли ва ҳоли бор. Унинг сўзи тилга боғлиқ, феъли зоҳирга боғлиқ, ҳоли эса ботинга боғлиқ.

Сўзда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлиш шундайки, сўзда Унинг шариатига хилоф нима нарса бўлса, уни айтмайди, масалан, ғийбат, ёлғон ҳамда бирорта мусулмонга азият берувчи сўз ва бошқалар. Бордию, бирор сўз айтса, бу сўз унинг қалбини нурли қиладиган бўлсин, масалан, Қуръон ўқиш, ҳазрати Рисолат соллаллоҳу алайҳи ва саллам тайин қилган маъсура дуолар⁶, Оллоҳ бандаларини Унинг шариатига тобеъ қилиш учун айтилган тағриб сўзлари. Қуръон ва дуоларни ўқишда шундай йўл тутсинки, унинг тили дилидаги нарсани изҳор қилсин, бордию шундай бўлмаса, бу ёлғон гувоҳлиқдир. Агар Қуръон ўқишда саводи йўқ бўлса,

кўнглида бу Оллоҳ азза ва жалланинг каломи деб эътиқод қилсин ва тўлиқ таъзим билан ўқишга киришсин.

Феълда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеълик шундайки, зоҳирини шариат билан музайян қилсин, суннат ва одобларини тарк этмасин, уни қанчалик тарк этса, шунча нуқсон пайдо бўлади. Қўли ва бошқа аъзолари билан мўъмин биродарлари нимага муҳтож бўлса, шу соҳада ёрдам беришнинг барчаси, хусусан, таважжуҳи Жаноби Ҳақ таоло⁷га бўлган тоифага ёрдам бериш нур ва сафодир. Чунки Ҳазрати Ҳақ уларни ўз муҳаббати учун яратгандир. Ва уларни дўст тутсинки, уларнинг диққати ҳамиша жаноби Ҳаққа қаратилгандир. Чунки уларнинг қалблари унинг жамолини кўрсатувчи ойнадир. Башариатлик сабабли уларда ейиш, ичиш, манзил ва либосга диққатлари жалб бўлса, бу пайтда шу нарсаларга боғлиқлик миқдорига қараб уларнинг дил ойиналарида ғубор пайдо бўлади ва ғуборнинг миқдорига мувофиқ ўшал жамолни мушоҳадасидан узоққа тушадилар. Ҳар бир соҳиби давлатга Ҳақ субҳанаҳу ва таоло тавфиқ бериб, уларнинг эҳтиёжларини қондирса, уларга бу зотларнинг маънавий олаmidан насибалар етади. Чунки улар муҳтож бўлган нарса қўлларига етса, уларнинг диллари яна ўз ҳолига қайтади. Шундай қилиб, гўё у киши бу зотларнинг диққатини яна Ҳаққа қайтарган бўлади. Бу сўзнинг янада яхшироқ таърифи шуки, муҳтож бўлган бундай зотнинг ҳожатини чиқарган киши Оллоҳнинг ал-Кофий исми таъсирига етишган бўлади. Бироқ шарти шуки, бу сифатнинг содир бўлиши учун шукр қилувчи бўлиши керак, чунки шукр бу ҳолда ўзини ўртада кўрмаганликка далилдир. Ҳадисда ҳам келганки, ҳар ким илоҳий хулқлардан бири билан хулқланган бўлса, дўзах оловининг у киши билан иши йўқ.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ботинида нафс, дил, сир ва бошқа мартабалар бўлиб, бу мартабалардан ҳар бир мартабага Ҳазрати Ҳақ бир камол ато қилгандир. Шу мартабага етишишда ва Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлишда, модомики, қайси нарсага тобеъ бўлиш кераклигини билмаса, бу мартабалар ҳосил бўлмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маънавий мартабаларини тўлиқ билишга анбиёлар ва авлиёлардан ҳеч бири қодир бўлмаса-да, бироқ ҳар бир кишида тобеълик миқдорига

мувофиқ Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам камолотидан насиба бордир.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам нафс мартабасига тобеълик — ҳавойи нафсга қаршилиқ қилиш ва шариатга хилоф нарсаларга майл қилишдан ўзини тийишдир. Агар бу ишда давом этса, тобеъ бўлган нафс Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нафсига муносабат ҳосил қилади. Ва муносабат миқдорига мувофиқ тобе нафс Унинг нафс сифатларини ўзи томон тортади, чунончи, пилик дуд (куя)га эга бўлади, дуд орқали эса оташга муносабат ҳосил қилади ва бу муносабат туфайли оловни ўзига тортади. Унинг сифатларидан ўзига қанча миқдор тортса, шунча миқдор тақлид даражасидан тараққий топади. Шу қиёсда ҳар бир мартабага тобеъ бўлса, тобеълик миқдорича ўша мартабага муносабат ҳосил бўлаверади. Ва шу мартабага нисбатан бўлган муносабати миқдорига қараб шу мартабанинг камолотидан унга насиба етишади. Агар тобеълик камолга етса: "Қул ин кунтум туҳиббуналлоҳа фаттабиъуний йуҳибкумуллоҳу"⁸ оятининг ҳукми бўйича Ҳазрати Ҳақ уни дўст тутади ва ўз сирларига маҳрам қилади. Дарҳақиқат, бу дўстлик Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга оиддир, чунки Ҳақ таолонинг бу бандани дўст тутиши шу банданинг Набий сифатлари билан безаниши туфайлидир. Унинг сифатлари билан безаниши эса, Оллоҳнинг фазлу карами туфайли бўлиб, агар сен яхшилаб қарасанг, Ҳазрати Ҳақ жалла ва ало бу мартабаларининг ҳар бир мартабасида Ўзидан ўзгани дўст тутмагандир.

Йуҳиббуҳум ва йуҳиббунаҳу чи иқрор аст,

Ба зери парда магар хешро харидор аст.

("У уларни севади ва улар Уни севади" калимаси

қандай иқрордир?

Парда остида наҳотки Ўзига харидор бўлса!)

Чунки соҳибжамол кишининг ойинани дўст тутиши ойина бўлгани учун эмас, балки унда ўзини мушоҳада қилгани учундир. Демак, аслида У ўзини дўст тутганидир.

Ҳазрати Ҳақ таоло анбиё ва авлиёларнинг вужуд ойиналарида уларнинг истеъдодларининг миқдорича зоти ва сифати билан тажалли қилгандир. Тажаллиёт асарларининг

зухур қилиши ҳар бир ойинанинг истеъдодига мувофиқ кўпроқ бўлади. Шу сабабли баъзи анбиёдан баъзисининг фазилати ортиқ бўлади. "Ва лақод фаззална баъза-н-набиййина ала баъзин"¹⁰ ояти мана шу фазилатга ишорадир. Муҳаммад Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг истеъдод ойнаси барча набийлардан мукаммал бўлгани учун Зот, исмлар ва сифатларнинг тажаллиёт асарларининг зуҳури барча набийларникидан мукаммалроқ зоҳир бўлди. Набийнинг умматлари учун тобеълик туфайли бошқа умматларга нисбатан ортиқроқ насиба бўлиб, "Кунтум хайра умматин"¹¹ хилъатини уларга кийдирганлар. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрдилар: "Ва лақод таманна исна ашара набиййан аннаҳум кану мин умматий"¹². Чунки бу набийлар Унинг, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг барчадан комилроқ экани ва бошқаларда йўқ камол унда мавжудлигини билган эдилар. Ва яна бу камолнинг ҳосил бўлиши Унга тобеъ бўлишда эканини билган эдилар. Уларнинг улуғ ҳимматлари бундай камол уларда ҳам бўлишини тақозо қилди.

Демак, маълум бўлдики, Ҳазрати Рисолат соллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлмай, улуғ мартабалардан бирорта мартабага етиб бўлмайди. Бас, билмоқ керакки, Унга мукаммал тобеъ бўлиш дилни Ҳақдан ўзгага боғлиқ бўлмаслигидадир. Алойиқ ва авойиқдан¹³ бутунлай узилиш муҳаббатсиз ҳосил бўлмайди. Гарчи муҳаббат Оллоҳнинг атоси бўлса-да, бироқ бу атонинг зоҳир бўлиши даражама-даража шароитга қараб ҳосил бўлади. Бунинг сармояси эса дилни Ундан бошқа нарсалардан холи қилишдир. Бунинг эса йўли бор ва у, шундайки, аввало маҳбубнинг номи тилга олинади ва дилда бу Унинг номи экани ҳақида фикр қилади. Бу шундай бўлиши керакки, ҳеч вақт бу ҳолдан ғофил бўлмаслиги лозим. Охири шу ҳолга етсинки, унинг дилида нафс ҳадиси (сўзлари) ўрнига шу фикр ҳоким бўлсин. Агар бу ҳолга етса, буни асло тарк қилмасин ва бунга доимий машғул бўлсин, охири шу ҳолга етадики, бу фикрдан қалбида лаззат ҳосил бўлади. Унинг дили бошқа барча лаззатлардан кесилиб, то шу лаззат қолмагунча бу ишга доимийлик кўрсатсин. Шунда дилнинг боғлиқлиги Ундан ўзга нарсага бўлмайди ва ҳамма вақт дили Унга машғул бўлади. Чунончи, кўнглини мажбуран бошқа нарсанинг муҳаббатига қаратмоқчи бўлса, бунинг уддасидан чиқмайди. Шу пайтда

унга муколама (ўзаро сўзлашув) ва муножот (сирлашув) муяссар бўлади. Чунончи, агар сўзласа, У билан сўзлашади, ҳар бир нарсага назар солса, гўё Уни кўради. Назм:

*Аз баски ду дуйда дар хаёлот дорам,
Дар ҳар чи назар кунам ту метиндорам
(Икки кўзим Сенинг хаёлингга бўлгани учун,
Нумага қарасам, уни Сен деб ўйлайман).*

Бу мартабада унинг учун ғойиб бўлмайдиган ҳузур ҳосил бўлади ва унинг дил кўзига Унинг жамолидан то жамолини кўра олсин учун нур ато бўлади. Уни эшита олиш учун бир қулоқ ато қилади, сирлашиш учун бир тил ато қилади. Шу ҳолга етганда зоҳирий машғулотларга маънавий алоқалар тўсқинлик қилмайди. Чунки ботинда Ҳақ субҳанаҳуга етишиб, мушоҳада ва муножотда у билан, зоҳирда эса халқ билан бўлади. Ва солиқнинг балоғати шунга ишоратки, чунончи, Робиа разияллоҳу анҳа айтади:

*Инний жаъалатука фи-л-фуводи муҳаддасий,
Ва абаҳту жисмий ли ман арода жулусий.
Фа-л-жисму минний ли-л-жалиси мувонисун,
Ва ҳабибу қалбий фи-л-фуводи анисий*

*(Сени юрагимга суҳбатдошимга айлантирдим,
Жисмимни эса мен билан суҳбатдош бўлишни
хоҳловчига қўйдим.*

*Демак, жисмим суҳбатдош учун улфат,
Қалбим маҳбуби эса дилимга улфатдир).*

*Аз дарун шав ошинову в-аз дарун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад ангар жаҳон
(Ичдан дўст бўл, ташдан бегона,
Бундай ўл жаҳонда кам бўлади).*

Ҳар бир соҳиб давлат учун Ҳақ субҳанаҳуга бундай алоқа ҳосил бўлиб, руҳи баданидан жудо бўлгач, ҳеч бир монеъликсиз иттисол (етишиш) ҳосил бўлади, чунки дил доимий тирикка айланади. Гарчи унга висол ҳосил бўлса-да,

бирок башарият тақозоси бўйича, гоҳ-гоҳ бир нозик парда унинг дилида пайдо бўлади. Руҳ бадандан ажралгач, башарият сабабли юз берган парда йўқ бўлади. Бунинг учун бир мисол бор ва у шундайки, агар бирорта кишини бир соҳибжамолга ошиқ қилмоқчи бўлсалар, бунинг йўли шуки, унга: "Фалон шаҳарда ёки фалон маҳаллада ундоғу бундоғ соҳибжамол бор, уни севишинг керак, чунки у билан дўстликда кўп лаззатлар мавжуд" дейдилар.

Бу сўзни эшитиши биланоқ унда севишга майл пайдо бўлади. Чунки одам лаззат мавжуд бўлган бирор нарсани севишга мажбурдир. Бирок у ўша нарсани қандай севиш йўлини билмайди. Бунинг йўли шундай, унга айтилади: "Дўстлашиш қуйидагича бўлади: унинг номини кўп такрорлайсан, дилни ундан ўзга нарсага машғул қилмайсан". Агар шундай қилса, унга нисбатан майл ҳосил бўлади. Шу сифатда давом эттурса, унинг майли янада зиёда бўлади ва бу майлдан лаззат ҳосил бўлади. Лаззат ҳосил бўлганда эса унинг майли янада ошади. Агар бу алоқани қўлдан бермаса, инон-ихтиёри қўлдан кетади, хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, уни севишга мажбур бўлади. Шу ерга етгач, шундай ҳол пайдо бўладикки, дили тўлиғича уни дўст тутати ва ўзга нарсанинг фикри асло қолмайди. Маҳбубга машғулликнинг ҳаддан ташқарилиги сабабли энди маҳбубининг номини ҳам унутати. Бу пайтда муҳаббат салтанати уни бутунлай истило қилади. Муҳиб (севувчи) ва маҳбуб (севилган)нинг ҳар иккови ҳақиқий ваҳдат рангида зоҳир бўлади.

Муҳаббат Унинг номини такрорлашдан ҳосил бўлар экан, энди билгинки, зикрларнинг афзали "Ла илаҳа иллаллоҳ"дир. Чунки бу калима нафий (инкор) ва исботдан иборатдир. Бандада ҳосил бўлган ҳижоб олам сураатларининг дилда нақш топиши сабаблидир ва бу нақшда ғайрининг исботи ва Ҳақнинг инкори мавжуд. Демак, ҳижобни йўқ қилмай туриб (Оллоҳ)га яқинлик ҳосил бўлмайди. Бу шундайки, Ҳақда исбот ва ғайрини инкор қиласан, бу эса, айтилгандек, зикр қилишдир.

Демак, агар бошловчи киши бунга машғул бўлишни хоҳласа, ҳою ҳавасларни қисқартириши ва ўз ҳаётини охирги нафасда деб билиши керак. Ўзининг охирги нафаси бўлган шу нафасда "Ла илаҳа иллаллоҳ" зикрига қуйидагича машғул бўлади: "ла илаҳа"да ғайри Ҳақ бўлган ҳар қандай нарсани

дилидан чиқаради ва "иллаллоҳ" да Ҳақ азда ва жаллани маъбуд ва маъбуб сифатида мулоҳаза қилади. Чунончи, ҳар мартаба "Ла илаҳа иллаллоҳ" деганда қалбида: "Нест ҳеч маъбуде магар Ҳақ" («Ҳақдан ўзга ҳеч маъбуд йўқ») дейди. Бунга шундай машғул бўлсинки, асло тарк қилмасин ва барча ҳолатда шунга машғул бўлсин. Бордию агар ғофил бўлган бўлса, чунончи, бир одам қимматбаҳо дуруни йўқотиб қўйиб, ногоҳ ёдига тушса, қандай ҳолатга тушганидек, унда ҳам шундай ҳолат бўлсин. Шундай ҳолга тушиши унинг дили зикрдан таъсир олаётганига далил бўлади.

Агар бунӣ давом эттираверса, шу даражага етадики, ўзи тарк қилса ҳам, дили давом эттираверади. Бунга мағрурланмаслик керак ва Ҳақ ёди бошқа барча нарсалардан ғолиб бўладиган даражага етгунча давом этавериш керак. Шундай давом этаверса, шу даражага етадики, дили тўлиқ Ҳақ субҳанаҳуға машғул бўлади. Шундай вақт бўладики, муҳаббат султони унинг дилини истило қилиб, дили бошқа нарсанинг муҳаббатидан холи қилади. Бу пайтда унинг дилида бошқа нарсага боғлиқлик қолмайди ва фақат Ҳаққа боғлиқ бўлиб қолади. Сўз айтса, У билан айтишади, нимага назар қилса, У деб ўйлайди. Зероки, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло дили шундай яратганки, у ҳеч қачон бирор нарсага боғлиқсиз турмайди. Унинг бошқа нарсага боғлиқлиги тамом бўлгач, энди унинг боғлиқлиги Ҳаққа бўлади. Хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам унинг дили доим сўзловчи, эшитувчи ва кўрувчи бўлади. Унинг сўзлаши, эшитиши ва кўриши бошқа нарсалардан узилади. Ҳар доим У билан сўзлашади, Ундан эшитади, Унда кўради, оҳиста Ҳақ билан муножот мартабасига етади. Бу мартабада зикр дилнинг асл сифатига айланади. Ҳарф ва овоздан озод бўлган зикр ҳақиқати дил жавҳари билан бирлик ҳосил қилади ва дилнинг ҳаммасини дўст эгаллайди.

«Дилнинг ҳаммасини дўст эгаллайди» билан «дилни дўстнинг ёди эгаллайди» дейишнинг орасидаги фарқ шуки, дилнинг ҳаммасини дўст эгалласа, муҳаббат натижаси ҳаддан ортиқ бўлади ва бунӣ ишқ деб атайдилар. Шу жойдан аста тараққий қила борадики, зокирнинг мавҳум борлиги мазкур (зикр этилаётган)нинг ҳақиқий борлиги ичида йўқ бўлади. Шу жойда зикр айтувчи зикр этилаётганнинг айни ўзига айланади ва зокирият (зикр айтишлик) мазкурият (зикр айтилишлик)га ўзгаради. Ва "ла йазкуруллоҳа иллаллоҳ"

(«Оллоҳни Оллоҳсиз зикр этмайди») калимасининг асл ҳақиқати ошкор бўлади.

Ўзининг мавҳум борлигини йўқ кўргач, барча ашёларни ҳам йўқ ҳолда кўради. Шу ерда "Куллу шайъин холиқун илла важҳаҳу"нинг¹⁴ сири аён бўлади ва "ли мани-л-мулку-л-явма лиллаҳил Ваҳиди-л-Қоҳҳар"¹⁵ жамоли чехрадан ниқоб кўтаради.

Тобеълик бу улугъ мартабанинг ҳосил бўлиш сабаби экани маълум бўлгач, демак, бошловчи бундай саодат унга тез ёр бўлишини хоҳласа, суҳбатдошликни шундай тоифа билан қилмоқ керакки, уларнинг зоҳири Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатига мувофиқ ва ботинлари тобеълик туфайли айтиб ўтилган мартабаларда камолотга етишган бўлиши лозим. Чунки Ҳақ жалла жалалуху дилни шундай яратганки, одам ким билан суҳбатдош бўлса, ўша одамнинг суҳбатидан таъсир олади. Бу нарса барча одамга маълумки, агар киши мотамзада одамнинг олдида ўтирса, у ҳам ғамгин бўлади. Агар шодлиги ғолиб одамнинг олдида ўтирса, унда ҳам шодликнинг ғолиб сифати юз беради. Агар шу икки сифатли одамларнинг ҳар бири билан ўтиришни давом эттирса, унда ҳам шу икки ғолиб сифат пайдо бўлади ва бу дилнинг комиллик қобилияти туфайлидир. Агар унда бу қобилият бўлмаганда эди, камолотларни ҳосил қилиш мумкин бўлмас эди.

Демак, шунга ўхшаш, ҳар қандай киши бундай тоифа билан суҳбатдошлик қилса, уларнинг ботинидан унинг ботини таъсирланади ва унда Ҳаққа тамойиллик пайдо бўлади. Мойиллигига яраша мосиво (ўзга нарса)дан узилиш юз беради. Узилишга яраша унинг майли зиёда бўлади. Узилиш олдида майлнинг ошиши ва майл олдида узилишнинг кўпайиши билан шу даражага етадики, унда (ўзга нарсага) ҳеч қандай алоқа қолмайди. Шунда тўлиғича Ҳақ субҳанаҳута юз тутган бўлади. Шундай кишилар ҳам бўладикки, бу тоифанинг битта суҳбатида, балки бир лаҳзанинг ўзида уларнинг ботини ғайридан бутунлай узилиш ҳосил қилади. Унинг ботини ғайридан бутунлай узилганда эса тўлиғича Ҳаққа юзланади. Мартабалардан бўлган бир мартабада Ҳаққа етишишга мана бу байт ишоратдир:

Он ки ба Табриз диг назари Шамси дин,
Таъна занад бар даҳа, сухра кунад бар чилла.
(Табризда Шамсуддиннинг бир назарини топган одам,
Даҳа¹⁶га таъна уради, чиллани масҳара қилади)

Бироқ бу ишда сабот ва чидамга эга бўлиш мушкул ишдир. Баъзи машойихларнинг айтишича, Ҳаққа етишиш осон, бироқ чидаш қийин. Чунки одам қачонки ботинини ўзга нарсалардан холи қилсагина Ҳаққа етишиш ҳосил бўлади. Чунончи, айтиб ўтилганидек, дил бирор нарсага боғлиқсиз туролмайди. Гоҳида бу ҳолда кучли диққатнинг камлиги ҳамда истеъдоднинг заифлигидан висолга етишиш юз бермайди. Гоҳида истеъдод қуввати ва сабот туфайли етишиш юз беради. Бунга тааллуқли нарса эса зоҳирда ва ботинда пир билан доимий суҳбатда бўлиш ва пирга нисбатан одоб сақлашдир. Агар одоблардан бўлган бир одобни тарк этса, бу сабабли пирнинг кўнглидан узоқ тушади ва унда (авлиёлик) ҳоли қолмайди. Чунки бу ҳол унинг дилига робита (қалбий алоқа) орқали пир дилидан оқиб кирган эди. Робита қолмагач, ҳол ҳам қолмайди. Кўп кишиларга бу тоифанинг суҳбатидан завқ ҳосил бўлган эди, бу завқнинг қолмаганига сабаб шу эди.

Беинояти Ҳаққу хосони Ҳақ,
Гар малак бошад сиёҳаташ varaқ
(Ҳақнинг ва хос бандаларнинг марҳаматисиз,
Гарчи у фаришта бўлса ҳам ҳаёт саҳифаси қора
бўлади).

Валлоҳу аълам ва лиллаҳи-л-ҳамд ва-л-минна¹⁷.

ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ **«РАШАҲОТУ АЙНИ-Л-ҲАЁТ»дан**

АВВАЛҒИ МАҚСАД (БОБ)

Ва ул Ҳазратнинг сабо айёмларидағи аҳволларидин ва ахлоқу атвор ва шамойилларидин шаммае¹ зикр этмак ва ибтидои сафарлари ва машойихи замоннинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда кўрганларининг баёнидаким, ул мақсад (боб) уч фаслға муштамил турур.

Аввалғи фасл — Ҳазрати Эшоннинг обову аждод ва ақраболари зикрида.

Иккиланчи фасл — Ҳазрати Эшоннинг валодатлари тарихида ва сабо айёмидағи аҳволлари ва ул Ҳазратнинг ахлоқу атвор ва шамойилларидин шаммае зикр этмакнинг баёнида.

Учланчи фасл — Ҳазрати Эшоннинг ибтидои сафарлари ва машойихи замонни кўрганларининг баёнида.

Аввалғи фасл **Ҳазрати Эшоннинг обову аждод ва** **ақраболарининг зикрида.**

Махфий қолмасинким, Ҳазрати Эшоннинг ота ва она тарафдорларидан аксари обову аждод ва ақраболари ҳаммаси арбобу илми ирфон ва асҳоби завқу виждон эрдилар. Ва бу авроқда аларнинг баъзи аҳволларидин ва асҳоб ва хулафоларидин ижмол таърихи била мазкур бўлур². Хожа Муҳаммад Номий, Шайх Умар Боғистоний, Шайх Хованди Таҳур, Хожа Довуд, Бобойи Обрез, Шайх Бурҳонуддин Обрез, Шайх Абу Саъид Обрез, Шайх Бахшиш, Мавлоно Тожиддин Дарғамий, Мавлоно Муҳаммад Бушонарий, Хожа Иброҳим Шомий, Хожа Имодул Мулк, Хожа Шаҳобуддин Шоший, Хожа Муҳаммад Шоший, Хожа Маҳмуд Шоший...

ИККИЛАНЧИ МАҚСАД

Баъзи ҳақойиқу маориф ва дақойиқу латойиф
ва ҳикоятлар ва амсолларким, ҳазрати Эшондин ҳилоли
аҳволда бевосита эшитилуб эрди,
уч фаслға маштамил турур

Аввалғи фасл — зикрида турур маориф ва латойифким, ояту аҳодис ва каломи авлиёнинг маънисида айтиб эрдилар.

Иккиланчи фасл — ҳақойиқу дақойиқ ва ҳикоятлариким, баён қилинур машойихи мутақаддимин ва мутааххирин шайхлар қоддасаллоҳу арвоҳаҳумдин нақл этдилар.

Учланчи фасл — хосса сўзларнинг баёнидаким, Ҳазрати Эшоннинг муборак тилларига ўтиб эрди ва мухотабот сўзлариким, ул Ҳазратдин бидоят ва ниҳоят нисбатан суҳбатда содир бўлиб эрди.

Аввалғи фасл зикрида турур маориф ва латойификим, оят ва аҳодис ва каломи авлиё маънисида айтиб эрдилар

Аммо улчаким, баъзи оятнинг маъносида айтиб эрдилар, ўн олти рашҳанинг зимнида ирод топар.

Аввалғи рашҳа. «Ал-ҳамду лиллаҳи роббил-лаоамийн» ояти каримасида айдиларким: «Ҳамдга бидоят ва ниҳоят бор турур. Ҳамднинг бидояти ул турурким, неъматиким, бандага бериб турур, онинг муқобаласида банда ҳамд айтур, онинг учунким, банда билурким, ҳамд айтмоқ неъматни зиёда қилур. Ҳамднинг ниҳояти ул турурким, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло, масалан, онга қуввате бериб турурким, ул қувват била убудиятнинг ҳаққиға қиём кўргузур, мисли намозу рўза, закоту ҳаж ва буларға ўхшаш нарсалардин. Шундоғ неъматнинг муқобаласидаким, Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг қурби ва ризосиға сабаб бўлибдир, ҳамд айтур, балким ниҳояти ҳамд ул турурким, билсинким, мазҳарида ҳомид³ Ҳақ таолонинг ғайри эмасдир. Банданинг камоли андин бошқада эрмастурким, билсинким, ул маъдумий⁴ турурким онга на зот бордир ва на сифат ва на феъл. Бу андиша била ўзини масрур этсинким, они ўз сифатиға мазҳар қилибдир».

Иккиланчи рашҳа. «Ва қолилун мин ибодиййа-шшакур»⁵ оятида айтур эрдиларким: «Ҳақиқатда шукр ул турурким, мунъимни неъматда мушоҳада қилур». Ва айдиларким: «Имом Ғаззолий қуддиса сирруҳу айтибдирларким, агар неъматдин муталаззиз бўлса шукрга мунофий бўлмас, агар онинг талаззузи бу жиҳатдин бўлсаким, Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг вусулиға сабаб бўлур».

Учланчи рашха. «Фаъриз ёан мин тавалла ёан зикрино»⁶ ояти каримасининг маъносида ай(т)дилар: «Бу оят икки маънога мутановил турур. Бири улким, зоҳири оятдин мафҳум бўлурким, эъроз⁷ этгил тоифадинким, алар бизнинг зикримиздин эъроз этибдирларким, аҳли жуҳуд ва ғафлатдир. Яна бири улким, тоифае бордирларким, мазкурнинг шуҳудида камоли истиғроқ ва истиҳлоки⁸дин васфи зикр алардин муртафий⁹ бўлиб турур. Агар фаразан аларни зикрга таклиф этсалар, зикр аларга мазкурнинг шуҳудидан монев бўлур. Бас, Расул соллаллоҳу алайҳи ва саллам маъмур бўлдилар онгаким, эъроз этсин шундоғ тоифаданким, эъроз этибдирлар зикр этмақдин. Ва мазкурнинг шуҳудида мастағрақ бўлиб турурлар, ул маънидаким, аларни зикр айтмоқга таклиф этмасинлар».

Тўртланчи рашха. Ояти: «Куну маъа-с-содиқийна»¹⁰ маъносида айдилар: «Маъассодиқийннинг кайнунатига¹¹ икки маъно бор турур. Бир кайнунат *сурат* юзидин. Ул кайнунат ул турурким, аҳли сидқа мужоласат ва мусобаҳатни ўз вақтига лозим тутсин, то аларнинг давоми суҳбати сабабидин онинг ботини аларнинг сифатлари ва ахлоқларининг анворидин мунаввар бўлур. Яна бири маъни юзидин кайнунати «маъа-с-содиқийн» ул турурким, ботиннинг раҳгузаридин робитани варзиш¹² этсин тоифага нисбатким, воситалиқга истиҳқоқи¹³ бор бўлса. Ва суҳбатни ҳамиша кўз била нозир бўлмоқда ҳаср этмасин, балким шундоғ этсинким, суҳбат доимий бўлсин, *суратидин* маънига убур этсин, то ҳамиша восита назарда бўлсин. Вақтиким, бу маънога бар сабили давом¹⁴ риоя этса, онинг сиррига ул тоифанинг сирри била муносабат ва иттиҳоди ҳосил бўлур. Бу восита била, ўлчаким, мақсуди аслий турур онинг ҳақиқатига восил бўлур».

Бешланчи рашха. Шул оятнинг маъносида айдиларким: «Ўлчаким, бу амри вожибул имтисол¹⁵дин мафҳум бўлур бу турурким, керакким, кўнгли содиқларнинг бирлариға муртабит бўлсин. Содиқлар ул тоифа турурларким, бир нимарсаким, масаммо¹⁶ турур ғайр била, аларнинг басиратлари олдин муртафий турур. «Румҳи садук» деб ул найзани айтурларким, улчаким, найзага керақдир ва муносибдир ростлиқдин ҳунари ҳам бўлса. Ва улчаким, ҳақиқати инсонийга керақдирким, онинг била мутаҳалли бўлса, то ўзининг даражаи камолига етишган бўлса рост таважжуҳдин бошқа ҳеч нимарса эмасдир».

Олтиланчи рашҳа.

Яна шул оятнинг маънисида айдилар.

Байт:

Бо ошиқон нишину ҳама ошиқи гузин,
Бо ҳар ки нест ошиқи бо у машав қарин
(Ошиқлар билан ўтир, ошиқлик танла,
Ҳар кимда ошиқлик бўлмаса, унга яқинлашма).

«Маснавий»и Мавлавий(дин):

Пеши устоди, ки у наҳвий бувад,
Жони шогирдаш аз он наҳвий шавад
(Наҳвшунос бўлган устоднинг олдида,
Шогирднинг жони ҳам, вужуди ҳам шунга мос бўлагу).

Одамейга, ул жиҳатидинким, ҳамнишинлардин таъсири томға истеъдод ҳосилдир, бу амрға маъмур бўлиб турур. Қайси амал бу тоифанинг суҳбати баракоти била Ҳақ субҳанаҳу ва таолодин воқеъ бўлғандир кашшиға муқовамат эта билур? «Жазабатун мин жазаботи-л Ҳаққи тавозий амала-с-сақалайн»¹⁷ бу маънининг муаййиди турур».

Еттиланчи рашҳа. Калимаи «ла илаҳа илаллоҳ»нинг маъносида айдиларким: «Ақобирларнинг баъзилари ла илаҳа илаллоҳ зикрини» зикри омм¹⁸ деб турурлар ва зикри Оллоҳни зикри хос ва зикри «Ҳу»ни зикру хоссул хосс деб турурлар. Ваҳоланки, зикри ла илаҳа илаллоҳ» хоссул хосс бўлса бўлур, онинг учунким, Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг тажаллиётига ниҳоят йўқ турур ва ул сураатда такрор ҳаргиз мутасаввар¹⁹ эрмастур. Бас, ҳар бир онда нафъий сифати этиб, исбот сифати этар. Бас абадул абад нафъйу исботдин холи бўлмас».

Саккизланчи рашҳа. Айтур эрдиларким: «Ла илаҳа илаллоҳ»нинг маъниси баъзининг наздида Оллоҳ исмли зот турур, мин ҳайсу ҳийа ул бўлса бўлурким, «ла илаҳа», яъни йўқдир Илоҳким, иборатдир мартабаи улуҳиятдин, яъни зот маъассифотдин, илаллоҳ магар зот баҳт муарро ани-л-қулли, бу маънини ўзидин узоқ тутмасун, онинг учунким, кўнгил

ағёрдин холи бўлган замонда сирнинг машҳуди зоти муқаддасдин бошқа ҳеч нимарса эрмас. Ва Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ қуддиса сирруҳунинг силсилаларидаги мубтадийларга нисбатан муяссардир. Фаҳима ман фаҳима — ким тушунувчи бўлса тушунади.

Мисра:

Бонги ду кардам агар дар даҳ кас аст

(Ўн киши бўлса ҳам икки мартагина бонг урдим).

Бу маънида айдибларким: «Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳунинг тариқлари мубтадийларга аввалги қадамда ҳувийяти ғайбдин чошний ҳосил турур».

Тўққузланчи рашҳа. «Қуллilloҳу сумма зарҳум»²⁰ маънисида айдилар: «Мурод ул турурким, нафси зотға мутаважжиҳ бўлгил, на сифатға».

Ўнланчи рашҳа. Ояти каримаи: «Ё аййуҳаллазина аману аминун»²¹ маъносида айтур эрдиларким: «Такрор уҳудга ишора турур, яъни иймонким, бу тоифанинг наздида «ақди қалб»дин иборат турур Ҳақ субҳанаҳу ва таолога, яъни амр этди Ҳақ субҳанаҳу таолоким, бу ақдни такрор этинглар, яъни саъй қилинглар ва билингларким, бу сизларнинг васфингиз эрмастур».

Ўн бирланчи рашҳа. Ояти каримаи: «Фа минҳум золимун ли нафсиҳи ва минҳум муқтасидун ва минҳум собиқун билҳайроти»²² нинг маънисида айдиларким: «Фа минҳум золимун ли нафсиҳи» лойиқдир ишорат бўлса, тоифаким, ўз нафслариға зулм этиб эрдилар, ул маънидаким, ҳар нимарса нафснинг муроди турур лаззат ва шаҳоватдин, они маҳрум этиб турурлар. Ва жамъи аҳволда онинг мухолафатини лозим тутибдирлар то қабули мавоҳибға мустаъид бўлсинлар. Бу таҳқиқға назар этганда, бу гуруҳ жамоаи муқтасидои собиқони ҳайратдин муқаддам бўлсалар».

Ўн иккиланчи рашҳа. Ояти: «Ва саваун алайҳима анзартаҳум амлам тунзирҳум ла йўъмимунун»²³ маънисида айдиларким, шоядким, ишорат бўлса, бани Одамдин тоифаегаким, муҳайминин²⁴ларнинг қалбларида воқия бўлиб турурларким, алар малоикадин тоифаедирларким, машҳуди зотида ғояти истиғроқларидин Ҳақ субҳанаҳунинг зотидин бошқа ҳеч мавжуднинг борлиқиға ҳеч огоҳликлари йўқ турур.

Вақтеким, ул тоифа ҳеч нимарсадин огоҳ бўлмаслар заруратан ҳеч нимарсага иймонлари бўлмас. Ложарам «ло йуъминуна» ул бузургворларнинг васфлари бўлди.

Ўн учланчи рашҳа. Ояти: «Ли мани-л мулки-л-явма лиллаҳи-л-Ваҳиди-л-Қоҳҳар»²⁵нинг маъносида айтур эрдиларким: «Шояд мулкдин солиқнинг кўнгли мурод бўлса, яъни вақтиким, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло кўнгилга воҳидият қаҳри била тажалли этса ул кўнгилда ўзидин ғайрға нишон қўймас. Бас, ул кўнгилда «ли мани-л-мулки-л-явм» садосини солур. Вақтеким, ул мамлакатда ўзидин бошқани кўрмаса яна ҳам ўзи жавоб берурким, «Лиллаҳи-л-Ваҳиди-л-Қоҳҳар». «Субҳоний маъзаму шаъний ва ана-л-Ҳаққу ва ҳал фи-д-дорайни ғайрий» ва бу сўзларнинг амсолларининг садоси ва бу мақомдин турур».

Ўн тўртланчи рашҳа. «Ё аййуҳан-носу антуму-л-фуқароу иллаллоҳи»²⁶ ояти каримасининг маънисид айдиларким: «Одакийлар Ҳақ субҳанаҳуға муҳтож турурлар. Вақтеким, Оллоҳ таоло ўз илми қадими била билур эрдиким, одакий башарият муқтазоси андозаси била нону сув ва асбоби дунёвийға муҳтож бўлғусидир. Ложарам ўзининг жамоли қайюмийяти²⁷ни мазоҳири ашёдин зоҳир қилди, то одакий ҳар нимарсаға муҳтож бўлса, дарҳақиқат Ҳақ субҳанаҳуға муҳтож бўлур онинг қайюмийяти важҳидин».

Ўн бешланчи рашҳа. Бир кун мажлисининг ҳозирларидин баъзилариға сиёсат этиб ва маломат айтиб, сўзлар айтур эрдилар, ул аснода кўчада айланиб юринглар. Бир иш этингларким одамлар сизлардин манфаат олсинлар. Ҳар вақт ул важҳким, эта билсангизлар ўзларингизни кам этинглар, саъй қилингким, шуҳуди аҳадият даркасрат ҳосил бўлсин. Баъзилар: «Инна аътойнака-л-кавсар»²⁸ маънисини шундоғ тафсир этибдирларким: «Бердим сенга кавсарни, яъни аҳадиятни касратда мушоҳада этмакни бердим...»

Ўн олтиланчи рашҳа. «Кулла явмин ҳува фи шаън» оятида сўзлар айдилар. Ул аснода тақриб била айдиларким: «Бақоун баъд-ал-фано»ға икки маъно бор турур. Бири улким, солиқ шуҳуди зотий била муттасиф ва мутаҳаққиқ бўлиб, онда русуҳи тамом топиб ва истиғроқу ғайбатдин шуъур ва ҳузурға қайтиб келгандин сўнг асмой феълининг тажаллиётиға мазҳар бўлур. Асмой кавниянинг асарларини ўзида топар. Ул

асмонинг ҳар бирининг аросида имтиёз этар ва ҳар исмданким, ҳаззи хос олур. Ва яна бир маъноси улким, ҳар бир онда ва замоннинг ажзоларидин жузъи ло ятахаййарида асмой зотиянинг осоридинким, онда ва онга хорижда мазохир йўқ турур, ўзида асаре топар. Ва бу осори мутанаввиъа ва муталлаввинани²⁹ онан фа-онан ўз ботинида идрок этар ва асарларининг ихтилофи эътибори била ҳар бирининг аросида замонларнинг аксар замонида имтиёз этар ва бу бағоят нодиру олий турур. Арбоби валояти хоссадин афроди инсонийнинг акмалига бул маъни бар сабили надра³⁰ ҳосил бўлур.

Ва ояти каримаи: «Кулла явмин ҳува фи шаън» бу маънининг мубаййини турур.

Байт:

*Ҳар дам аз ин боғ бари мерасад,
Тозатар аз тозатари мерасад
(Бу боғдан ҳар нафас мева етишади,
Тоза мевалардин ҳам тозароғи етишади).*

Аммо улчаким, баъзи аҳодиснинг маъносида айдилар, саккиз рашҳанинг заминида ирод топар.

Аввалги рашҳа. «Ал-қаноату канзун ла яфна»³¹ ҳадисининг маънисида айтур эрдиларким: «Қаноат бизларнинг наздимизда ул турурким, вақтиким, бир киши элак урилмаган арпа унидин нон топса, арпанинг майда унидин бўлган нонни орзу этмас. Они ҳам ул миқдоригаким, қўли ва оёқиға намоз ўқуғидек ҳаракат пайдо бўлсин».

Ва айтур эрдилар: «Бар важҳе бўлмоқ керакким, ҳамиша муяссар бўлса, емаку ичмак ва киймакда қаноат этсин, нимарсаегаким, андин адно³²роқ бўлмаса». Бас, муборак қўлларини очдилар ва айдилар: «Ҳар қачон киши оч бўлса, бир қисм биринж ё ун онга кифоя қилур, ҳар ким шундоғ этди, осуда бўлди».

Ва айтур эрдиларким: «Агар киши, масалан, биёбонға тушсаким онда сув ва ободонлиқ ҳеч мамарр³³дин таом умиди бўлмаса, онга таом учун ҳеч дағдаға бўлмас ва ботинида ҳам ҳеч онинг тазарруъи бўлмас. Деса бўлурким, бу одамнинг ҳақиқатинда қаноат ҳосил бўлур».

Иккиланчи рашҳа. Хабарда келиб турурким: «Ат-такаббуру маъа-л-мутакаббири садақатун»³⁴. Айдиларким: «Такаббур икки навъ турур: мазмум ва маҳмуд. Мазмум бўлган такаббур Худонинг бандалариға ўзини улуг тутмоқ ва ҳақорат кўзи била қарамоқ ва ўзини алардин зиёдаю яхши кўрмак. Ва маҳмуд бўлган такаббур ўзини модун»³⁵ Ҳақ таолоға илтифот этмаслик турур. Ва Ҳақ субҳанаҳудин ғайриға ўзини улуг тутмоқ ул маънидаким, ҳар нимарсаким, Ҳақ субҳанаҳудининг ғайри турур ва андин алоқа ва илтифоти мунқатиъ бўлур. Бу такаббур асл турур ва фано мартабасиға мувассил турур».

Учланчи рашҳа. Айтув эрдиларким: «Ҳадисда ворид бўлибдирким: «Шайъабатний сурата Ҳудин»³⁶, ул важҳданким, сураи Ҳудда истиқоматға амр воқиъ бўлибдир. Кама қола субҳанаҳу: «Фастақим кама умирта»³⁷. Ва истиқомат амре турур бағоят саъб, онинг учунким, истиқомат — мажмуъи афъолу ақвол ва ахлоқу аҳволнинг ҳадди васатида истиқрор этмак турур, бар важҳиким, мажмуъи афъолда улчаким, зарурий турур андин тажовуз содир бўлмас ва ифроту тафрит тарафиндин маҳфуз бўлур. Ва бу ердаким, айтиб турурлар, иш истиқоматда турур, каромат ва ҳавориқи одатға эътибор йўқ турур».

Тўртланчи рашҳа. «Ал-явма тасудду куллу фуржатин»³⁸ ҳадисининг маънисида айдилар: «Масжидики, Ҳазрати Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқир эрдилар, онинг неча эшиклари бор эрди. Ул Ҳазрат соллаллоҳу алайҳи ва саллам марази охирларида буюрдилар то ул фуржаларнинг аксарини банд этдилар. Ва ул фуржаким, Сиддиқи Акбар (Абу Бакр Сиддиқ) разияллоҳу анҳунинг тарафларида эрди, они қўйдилар. Бас, айдилар: «Ал-явма тасудду куллу фуржатин илла фуржата Аби Бакрин», яъни бугун банд этилди ҳама фуржаларни, магар Абу Бакр (разияллоҳу анҳу)нинг фуржалари банд бўлмади. Арбоби таҳқиқнинг бу бобда сўзлари бор турур. Ва ул сўз ул турурким, Ҳазрати Сиддиқ (разияллоҳу анҳу)нинг Ҳазрати Расул соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан ҳуббилари бор эрди. Ва ул Ҳазрат соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақида ишорат топдилар ул маънигаким, нисбати ҳуббийдан бошқа эрмастур. Нисбати ҳуббийнинг жинсининг баробарида тамоми нисбатлари масдуд ва тариқлар ҳам масдуд турур. Ва робита бу

нисбати ҳуббийдан иборат турур. Ва соҳибадавлатгаким, воситалиқ эътиқодиға лойиқ ва хожагон қоддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқлариким, Ҳазрати Сидиқи Акбар разияллоҳу анҳуга мансуб турур бу нисбати ҳуббийнинг ҳайсиятидин турур.

Ва бу азизларнинг тариқлари ҳақиқатда бу нисбати ҳуббийнинг нигоҳдошти турур».

Яна бир вақтда бу нисбати ҳуббийнинг таҳсили баёнида бу абётларни ўқидилар.

Байт:

*Ҳин гарича сўйи Юсуф боз кун,
В-аз шигофаш фуржаи оғоз кун.
Ишқибози он гарича кардан аст,
К-аз жамоли дўст гийда равшан аст*

*(Кел, Юсуф томонга гарича оч,
Ва бу гаричадан роҳат ол.
Ошиқлик бу шундай гарича очишдир,
Кўзни дўст гийдоридан равшан қилишдир).*

Бешланчи рашҳа. Айтур эрдиларким: «Тариқат кубаролари қоддасаллоҳу арвоҳаҳумнинг баъзилари ҳадиси: «Ли маъаллоҳи вақтун»нинг маънисида айтиб турурлар: «Ай вақтун мустамаррун шомилун ли-жимиъи авқотиҳи», яъни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сирларига иттисол ва иртибот бар сабили давом ва Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг жанобиға ҳам бар сабили давом иттисол ва иртибот ҳосил эрдиким, онда ҳеч нарсага ганжойиш йўқ эрди. Аммо қуввати мудрикадаким³⁹, мусаммо бо қалб турур ҳамма нарсага ганжойиш бор эрди, мусолиҳ ва муҳорабаи аъдо, азвожи тоҳирот⁴⁰ға мубошарат этмақдин ва булардин ҳам бошқа ишлардин.

Баъзи айтиб турурлар: «Ли маъаллоҳ вақтун», ай вақтун нодирун азизун». Ва айдиларким: «Хожа Ғиждувоний алайҳир-роҳма қавли сонийға табдил этибдирлар. Ва айтур эрдиларким, комилларга бар сабили надрат⁴¹ бу ҳол воқиб бўлур».

Олтиланчи рашҳа. Айтур эрдиларким: «Меърож кечасининг ҳадисида воқиъдирким, вақтиким, Ҳазрати Жаброил Расул соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамроҳ бўлмоқдин қолди ва айди: «Лав данавту анамлатан лаҳтарақту» аҳли таҳқиқ ул сўзнинг маъносида айтиб турурлар: «Агар ўз мақомимданким, шуҳуди зот маъа-с-сифот турур, бир бармоқнинг учи миқдори яқин борсам, ҳар оина ёнармен, яъни мен қолмасмен, бошқа бир нимарса бўлурмен».

Еттиланчи рашҳа. «Аддабаний раббий фа-аҳсана таъдибий» ҳадиси шарифининг маънисидида айдилар: «Ай би-ан аътоний ал-маҳаббата-л-жомиъата ли-жамиъи-л-ҳасойиси-н-нубути-л-марзиййати ва-л-ҳисоли-л-ҳамидати-л-латий яқтазий лима йулойиму Ҳазрата-л-маҳбуби», яъни бу тариқаким, ато қилди менга Раббим сифати марзиянинг тамоми хасойисга жомия бўлган муҳаббатни ва яна ато қилди яхши хислатларниким, муқтазий эрди ул хислатлар маҳбубнинг Ҳазратиға муносиб бўлган нимарсаларга. Муҳаббатеким, доираи тавҳиднинг қутби турур онинг салтанати сутувватида нимарса турур? Ул нимарсалардинким, маҳбубнинг Ҳазратиға марзий ва мулойим эрмасдирким, мақхур ва муртафий бўлмаса. Ва нанимарса қолур ҳисоли ҳамида ва ахлоқи марзиядинким ҳосил бўлмаса. Муҳаббатнинг ҳусулидин сўнг муҳибби паноҳ Ҳазрати Маҳбубнинг мақсуди муродотининг жамиъи дақойиғига мутталиъ бўлиб, ўзини маҳбубнинг Ҳазратиға мулойим ва марзий бўлган нимарсалардин бошқа нимарсага сарф этмас».

Байт:

*Устоду ту ишқ астқи онжо бораси,
У хуҷ базабони ҳол гўяд чи кун
(Сенинг устозинг ишқдирки, у ерга борсанг,
Нима иш қилишингни ҳол тили билан айтади).*

Сақкизланчи рашҳа. Айтур эрдиларким: «Ҳазрати амиру-л-мўъминин Али розийаллоҳу анҳу айтиб турурларким: «Лав кушифа-л-ғитоу лима азиддат яқинан». Маънисиким, ҳарфи «лав»нинг истеъмолиға муносиб турурким, ул калима турурким, онинг маъниси имтиноъи соний турур. Аввалнинг имтиноъи сабабидин ҳеч кишининг хотириға келмагандир. Ва

ул маъни ул турурким, яқин ҳамиша зиёда бўлмоқда турур, анинг учунким, қошифи ғитоъ ҳаргиз зоҳир мумкин эрмастур. Ва бу арбоби таҳқиқ олдида муқаррар бўлибдирким, «зотун мин ҳайсу ҳийа», ҳаргиз зоҳир бўлмас, магар сифатнинг пардасидин. Вақтеким, ул Ҳақиқат мукаввин⁴² ва иститорнинг ҳижобида бўлса кашфи ғитоъ ҳаргиз мумкин бўлмасдир. Бас, бу яқин ҳамиша тазойидда бўлуру...

ИККИЛАНЧИ ФАСЛ

*Ҳақойиқу дақойиқ ва ҳикоятлар зикрида турурким,
машойиҳи мутаққаддимин ва мутааххирин
қодғасаллоҳу арвоҳаҳумдин нақл этиб эрдилар ва
ул эллик икки рашҳа заминда ирод топар*

Рашҳа 1. Айтур эрдиларким, «Аҳли иродат бағоят орзу турурлар». Бу тақрибда айдиларким: «Бир Шайх акобирлардин бирининг ёниға юбордиким, агар муриди содиқ топған бўлсангиз, бизнинг учун юборинг. Ул бузург жавобда айтиб юбордиким, бу жойда мурид камроқ турур, аммо ҳар нечоғлиқ Шайх талаб этсангиз, сизнинг учун бериб юборурмиз».

Рашҳа 2. Айтур эрдиларким: «Мавлоно Рукнуддин Хавофий алайҳир роҳманинг қўб фазойил ва камолотлари бор эрди, мутабаҳҳир ва донишмандлардин эрдилар ва тоифаға рост иродати бор эрди, ул айтур эрди: «Менинг ўз ишимдин ҳеч умидим йўқ турур, магар бир ишдинким, бағоят умидвор турурмен ва ул иш ул турурким, бир кун саҳрода Ҳазрати Шайх Зайнуддин Али Кулолким, Шерознинг улӯф машойихларидан турур, таҳоратға машғул эрдилар ва мен аларнинг истинжо (қиладиган) кесакларини юзимга суртдим, то онинг била истинжо этдилар».

Рашҳа 3. Яна ҳам андин нақл этдиларким, айтиб турурлар: «Дарвишининг суратини деворға нақш этсалар, ул деворнинг тагидин адаб била ўтмак керақдир».

Рашҳа 4. Айтур эрдилар: «Вақтеким, Шиблийға бу йўлнинг иродати пайдо бўлди ва онинг отаси ул фурсатда Воситға ҳоким эрди ва Муҳаммад Хайрким, вақт машойихларидин эрди, анинг қўлида инобат келтириб, тавба этди. Муҳаммад Хайр ани Жунайдининг ёниға юборди. Соҳиби «Кашфу-л-маҳжуб» айтиб турурким, бу юбормак ул жиҳатдин эрмас эрдиким, Шиблийнинг тарбиятидин ожиз келган бўлса,

лекин Жунайднинг адабини сақлади ва Шиблий ҳам Жунайднинг қариндошларидин эрди. Жунайд анга етти йил касб буюрди ва айди: «Андин пайдо бўлган нимарсаларни радди мазолимғаким, айёми ҳукуматда сендин содир бўлиб турур, анга қайтиб бергил». Андин сўнг ани яна етти йил халожой ва таҳоратхонанинг хизматида сақлади, то истинжо кесакларини ва асҳобларнинг таҳорат суйини муҳайё қилур эрди. Ва ўн тўрт йилдан сўнг анга тариқа айтиб, риёзатға амр этдилар».

Рашҳа 5. Айтур эрдилар: «Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий қуддиса сирруҳу муддати мадид риёзат шоққа тортди ва давоми зикрга иштиғол кўргизди, бамартабаеким, бир кун димоғидин қон равон бўлди, ҳар қатраеким ерга томди лафзи муборағи «Оллоҳ»нинг нақшида бўлди. Бу тариқа машкулликлар эткандин сўнг они пири ёддоштликка амр этди».

Рашҳа 6. Ҳазрати Эшондин икки мартаба эшитилдиким, айдилар: «Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ қуддиса сирруҳунинг сўзлари турурким: «Шайхлиқ эшигини боғлағил, ёрлиқ эшигин очғил, хилватнинг эшигини боғлағил, суҳбатнинг эшигин очғил». Иккиланчи мартаба «Маснавий»дин бу байтни ўқидилар.

Байт:

*Ҳирфа меҳоҳи тариқаш феълист,
Илм омузи тариҳаш қавлист.*

*Фақир хоҳи он ба суҳбат қойим аст,
Не забонат кор меояд на гаст*

*(Ҳунар тиласанг, бунинг йўли феъл,
Илм ўргансанг бунинг йўли сўзгир.*

*Фақр керак бўлса, у суҳбат орқали топилади,
Тил билан ҳам, қўл билан ҳам эмас).*

Рашҳа 7. Айтур эрдилар: «Баъзи акобири дин ризвонуллоҳи таоло алайҳим айтибдирларким, намози дигардин сўнг соатедирким, керақдир ул соатда аъмолнинг яхшироғига машғул бўлсинлар. Баъзилар айтибдирларким,

аъмолнинг яхшиси муҳосаба турур ва муҳосаба улдирким, кеча ва кундузнинг соатида авқотларини ҳисоб этурлар, нечаси андин тоатга сарф бўлиб турур ва нечаси маъсиятга ва улчаким тоат била ўтибдир анга шукр этурлар ва улчаким маъсият бирлан ўтибдир, анга истигфор айтурлар. Баъзилар айтибдирлар, аъмолнинг яхшиси ул турурким, ўзини бир кишининг суҳбатига етурурким, анинг суҳбатида ҳар нимарсаким Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг ғайри турур андин малул⁴³ бўлур ва Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг жанобиға мойил ва мунжазб бўлур. Аҳли таҳқиқ айтиб турурларким, аъмолнинг яхшироғи ул турурким, анга иштиғол кўргизган восита била Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг ғайридин малул бўлиб, Ҳақ субҳанаҳу ва таолоға мойил бўлур.

Раиҳа 8. Бу маънодаким, ажнабийнинг суҳбати нисбатнинг футуриға сабаб ва мужиб бўлур, айтиб эрдиларким: «Бир кун Шайх Абу Язид қуддиса сирруҳунинг вақтиға футур йўл топди. Айди: «Охтарингларким, бизнинг мажлисимизда бегонае бор турурким, бу футур ул сабабдиндир». Кўб жустужў этганларидин сўнг айдилар: «Бегона йўқ турур». Айдилар: «Асо хонани талаб этинглар». Талаб этдилар. Бегонаенинг асосини топдилар ва узоққа отиб ташладилар. Дарҳол ўз вақтларига вожид бўлдилар ва ул тафриқа жамъиятқа мубаддал бўлди.

Ва айдиларким, Хожа Аҳмад Яссавий қуддиса сирруҳунинг суҳбатларида ҳам бир кун футур бўлди. Айдилар: «Бу суҳбатда бегона бор турурким, онинг воситаси била нисбатнинг сарриштаси йўқ бўлди». Ва кўб тафаҳхус⁴⁴ этгандин сўнг саффи ниғолдин бир бегона кишининг кафшини топиб чиқариб ташладилар. Дарҳол жамъият ва сафойи вақт ҳосил бўлди ва ул тафриқа ва кудурат муртафий бўлди.

Ходимлардин баъзилар айдиларким, асҳобларнинг бирлари бир бегонанинг жомасини кийиб, саҳардаким, вақти инъиқоди суҳбат эрди, Ҳазрати Эшоннинг мажлисларига келди. Бир лаҳзадин сўнг ул Ҳазрат айдиларким: «Бу мажлисда бегонасининг исин топармен». Бас, ул азизга айдиларким: «Бу ис сендин келур, магар бегонаенинг либосин кийибсен» дедилар. Ул азиз турди ва мажлисдин ташқари чиқиб, ул жомани эғнидин чиқариб узоқға ташлади. Дарҳол яна келиб ўлтирди.

Раҳша 9. Айтур эрдиларким: «Жамодотга одамлар аъмоли ва ахлоқларининг таъсири арбоби таҳқиқларнинг наздида амри муқаррар турур.

Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий қуддиса сирруҳунинг бу бобда таҳқиқотлари кўб турур. Ва жамодот таъсири то ғоятеғадирким, агар киши афзали ибодатниким намоз турур, мавзеидаким, адо этса, ул мавзе жамоатининг нописандида аъмолларидин ва ахлоқларидин мутаассир бўлган бўлса, бу амалнинг баҳо ва жамоли ул амалга баробар эмастурким, мавзеида адо этсаким, арбоби жамғиятнинг жамғиятидин мутаассир бўлган бўлса. Шул важҳдиндирким, Маккаи муборақнийи ҳарамида икки ракаат намоз ул мавзенинг ғайри (бошқа ерида) етмиш ракаат намозга баробар турур.

Раишҳа 10. Айтур эрдиларким: «Бу нисбатни талаб этгучи кишига Ҳазрати азизонга мансуб бўлган бу рубоийда амал этмак лавозимнинг жумласидин турур.

Рубоий:

*Бо ҳарки нишастию нашуд жамъ гилат,
В-аз ту парамид заҳмати обу гилат,
Аз суҳбати вай агар табарро накуни,
Ҳаргиз накунад руҳи Азизон биҳилат*

*(Ҳар ким билан суҳбатдош бўлсангу хотиржам
бўлмасанг,*

*Сендан одамийлик заҳмати узоққа кетмаса,
Агар унинг суҳбатидин қўл ювмасанг,
Азизоннинг руҳи сени ҳаргиз кечирмайду).*

Раишҳа 11. Айтур эрдиларким: «Шайх Абу Толиб Маккий қуддиса сирруҳу айтиб турурларким, жаҳд этгилким, сенга Ҳақ субҳанаҳу ва таолодин сўнг ҳеч орзу ва бойист⁴⁵ қолмасин, вақтеким, шундоғ бўлдинг, сенинг ишинг тамом бўлди, энди агар аҳвол ва мавожид ва кароматдин ҳеч нимарса зоҳир бўлмаса ғам йўқ турур».

Раишҳа 12. Айтур эрдиларким: «Тавҳид бу рўзғорда ул бўлиб турурким, одамлар бозорлар(га) борурлар ва бесоқол йигитларга қарарларким, бизлар Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг

хусну жамолини мушоҳада этармиз (дея). Наузан биллаҳ бу мушоҳададин».

Бас, айдилар: «Ҳазрати Саййид Қосим Табризий қуддиса сирруҳу бу вилоятга келиб эрдилар. Аларнинг муридларидин жамъи бозорларда сайр этиб, амрад йигитларни топиб, аларга тааллуқ варзиш қилиб айтур эрдиларким: «Бизлар суvari Жамила⁴⁶ Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг жамолини мушоҳада этармиз».

Гоҳи Ҳазрати Саййид қуддиса сирруҳу айтур эрдиларким: «Бизнинг бу ҳўк⁴⁷лар не ерга кетиб турурлар?» Бу сўздин шундоғ маълум бўлурким, ул тоифа Ҳазрати Саййиднинг басират назарларида ҳўк суратида кўринур эрдилар.

Раиҳа 13. Айтур эрдиларким: «Машойихи тариқат қоддасаллоҳу арвоҳаҳум ўз истилоҳотларида «шоҳид» ва «мафтун биш-шоҳид» лафзини келтирибдирлар. Баъзилар анга пуч маънийи зоҳирий берибдирларким, мурод шоҳиддин шоҳиди суварий турур ва мафтун биш-шоҳиддин мурод ул тоифадирларким, мазоҳири жамилаларга ишқу муҳаббат робитасини варзиш этарлар».

Бас, айдилар: «Бу нисбате турур бағоят мазмун ва хатарнок ва нафсга анда мудхил бор турур. Ақобирлардин бирлари айтиб турур: «Фараз этдикким, нафсга шоҳиди суварийнинг мушоҳадасида ҳеч даҳл ва ҳазз қолмаса ҳам охир руҳоний ҳазз боқий турур ва они инкор этиб бўлмас. Ва андоғким, соликка лаззати нафсонийдинким, ҳижоби зулумоний турур, андин ўтмак вожиб турур, ҳузузи руҳонийким, ҳижоби нуронийдир, андин ҳам ўтмак лозим турур».

Раиҳа 14. Айтур эрдиларким: «Ақобири тариқат қоддасаллоҳу арвоҳаҳум айтибдирлар: «Ҳар мазаммат ва дашномким, бир кишидин сенга нисбатан воқе бўлса, керакким, билгайсенки, сен ул турурсен. Агар сени ҳўк ва сак⁴⁸ ва буларни амсоли бўлган лафзлари десалар, яқин этгилким, сенда ул сифатлардин ҳиссае бор турур. Нечунким, одаме нусхаи жомиъа турур, андоғким, малакий сифатлари бор турур ва сабъий ва баҳимий⁴⁹ сифатлардан ҳам холи эрмастур».

Акобирларнинг бирлари сайид ут-тоифа Жунайд қуддиса сирруҳу ёнларида ўлтириб эрди. Шиблий кириб келди. Ул бузург они Жунайднинг ёнида кўб ситойиш этди. Онинг сўзи тамом бўлгандин сўнг Жунайд айди: «Бу ҳўкни мунча таъриф этдинг». Ул бузург кўб мунфаъил бўлдиким, онинг таъриф ва воситаси била Шайх Жунайд Шиблийни «ҳўк» деди. Аммо Шиблийнинг зоҳирида ва ботинида ҳечгуна кароҳият пайдо бўлмади ва анга ҳеч тағйир йўл топмади».

Рашха 15. Айтур эрдиларким: «Дарвишлик ул турурким, пири Ҳирот қуддиса сирруҳу айтуб турурларким, туфроқе турур соф этилган ва бир оз сув анга солинган, на пўшти поға андин гарде ва на кафши поға дарде. Ва дарвишликнинг хулосаси ул турурким, ҳама кишидин юк тортур ва ҳеч кишига юк қўймас, на сурат юзидин ва на маъни юзидин».

Рашха 16. Айтур эрдиларким: «Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг балолариға собир, балким шокир бўлмоқ керақдир онинг учунким, субҳанаҳу ва таолонинг бир-биридан саъброқ балолари кўброқ турур».

Бас, айдиларким: «Хизмати Мавлоно Низомиддин алайҳир роҳма айтур эрдилар: «Икки биродар бир қориндин тавъомон бўлдилар. Орқалари бир-бирига ёпишиб эрди. Вақтеким улуғ бўлдилар доимо тиллари шукри илоҳийға жорий эрди. Бир киши алардин сўрдиким: «Бовужуд шундоғ болоким, сизларга воқе турур бу шукр этмоқ жойи эрмастур». Алар айдилар: «Бизлар билурмизким, Ҳақ субҳанаҳу ва таолоға мундин ҳам саъброқ балолар кўб турур, бу болоға шукр этармиз мабодо мундин ҳам улуғроқ болоға мубтало бўлмағаймиз».

Ногоҳ ул иккисининг бири ўлди, яна бири айдиким: «Яна мушкулроқ боло пайдо бўлди, эмди агар бу мурдани қать этсалар мен ҳам ўлармен, агар қать этмасалар менга мурдакашлик этмак керақдир, то вақтиғачаким, онинг бадани фарсуда бўлиб тўкилур».

Рашха 17. Айтур эрдиларким: «Шайх Абу Язид қуддиса сирруҳу айтибдирларким: «Ўттиз йил Ҳақ субҳанаҳу ва таолоға сўз айдим ва Ҳақ субҳанаҳу ва таолодин сўз эшитдим. Ва халқ гумон этдиларким, аларға сўз айтурмен ва алардин сўз

эшитурмен». Бу сўзнинг маъноси ул турурким, улчаким мазҳар турур мазҳардин эрматур».

Рашҳа 18. Айтур эрдиларким: «Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу айдилар: «Мен Маккаи муборака зодаҳумуллоҳу таоло шарафан ва кароматандин икки киши кўрдим: бири кўб баланд ҳиммат ва бири кўб паст ҳиммат. Ҳиммати паст ул эрдиким, бир кишини тавофда кўрдимки, қўлини хонаи Каъбанинг халқасига урибдир, шундоғ шариф ва шундоғ азиз вақтда Ҳақ субҳанаҳу ва таолодин ғайри Ҳақ субҳанаҳу ва таолони талаб қилур эрди. Ҳиммати баланд ул киши эрдиким, Минонинг бозорида бир йигитни кўрдимким, эллик минг тилло камо-беш олмоқ ва сотмоқ савдо этдиким, ул фурсатда бир лаҳза кўнгли Ҳақ субҳанаҳу ва таолодин гофил бўлмади, ул йигитнинг ғайратидин менинг ичимдин қон кетди».

Рашҳа 19. Айтур эрдиларким: «Ҳазрати Абу Язид қуддиса сирруҳу йўлда борур эрдилар, сувга ботган бир ит олдиларидан чиқди. Алар этакларин тортдилар. Ит фасих тил била алар билан суҳбатлашди ва айди: «Агар этагинг менга тушса, сув била покиза бўлур эрди, аммо мендин этагингни тортдинг ва ўзингни мендин покizarоқ кўрдинг, қайси сув била ювиб покиза бўлур?»

Рашҳа 20. Бир киши Ҳазрати Эшоннинг мажлисларида аҳли муроқабадан бўйин каж қилиб, ўзини муроқиб ва машғул кўрсатур эрди. Ҳазрати Эшон тунд бўлиб айдилар: «Бир киши Мавлоно Низомиддин (Хомуш) алайҳир роҳманинг суҳбатларида бошин ошоқға солиб ўлтириб эрди. Айдилар: «Бошингни юқори кўтарким, кўрармен, сендин дуд чиқар ва сенга муроқабага на нисбат бор турур, неча йиллар сенга истинжо кесагини муҳайё этмак керак ва мабразлардин нажосатларни олиб ташламоғинг керак то анга шойиста бўлурсенким, бу тариқдин сенга сўз айтилса, муроқаба ҳануз на ерда турур?»

Рашҳа 21. Вақтеким, Ҳазрати Эшон фақирға Хуросонға қайтмоқ ижозатин бердилар, айдиларким: «Вақтеким, мен Хожа Алоуддин Ғиждувоний алайҳир роҳманинг хизматларидин жудо бўлдим, айдилар: «Ўзингга қарор бергилки, фалон мавзегга ўз нисбатимдин гофил бўлмасмен, вақтеким, ул ерга етсанг, яна бир мавзеъни нишона қил ва то ул жойгача ўзингни нисбатга рост тутғил ва шундоғ мавзе

бамавзе ва манзил баманзил бу нисбатни варзиш этгил, то вақтигаким, бу нисбатга малака ҳосил бўлурсун».

Рашҳа 22. Айтур эрдиларким: «Саййид ут-тоифа Жунайд қуддиса сирруҳудин манқул турурким, айтиб турур: «Муриди содиқ ул турурким, йигирма йил муддатиға қариб котиби шимол бир нимарса топмаским, онинг зарариға борса». Бу сўзнинг маъноси ул эрмастурким, мурид маъсум бўлсинким, бу муддатларда ҳечгуна жарима андин содир бўлмасин, балким бу ул маънода турурким, котиби шимол бир нимарса ёзмасдин аввал анинг тадорикига машғул бўлсин ва они ўзидин вужуҳлардин важҳа била дафъ этсин».

Рашҳа 23. Айтур эрдиларким: «Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний қуддиса сирруҳу айтибдирларким, халқдин оғирлиқ кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб била, «даст ба кор, дил ба ёр» деган сўз хожагон қоддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум тариқларида амри муқаррар турур».

Рашҳа 24. Айтур эрдиларким: «Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизий қуддиса сирруҳу айтибдирларким: «Дилнинг тириклигига даражот бордир. Дилнинг тириклиги иқтизодин бошқа нимарса била ҳосил бўлмас ва иқтизо зикр турур уйқуда ва уйғоқлиқда. Ва уйқудаги зикр ул турурким, уйқусида кўрарким, зикр айтур, бу зикрниким уйқуда бўлур Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий қуддиса сирруҳу ва машойихи тариқат қоддасаллоҳу асрораҳумдин ҳам баъзилари тараққийнинг мужиби демаслар. Анинг учунким, тараққий амале била турурким, илмдин ноший бўлса. Улчаким, уйқуда кўрилуруким, зикрға машғул турур, бу қабилдин эрмастур».

Рашҳа 25. Айтур эрдиларким: «Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу айдилар: «Зикриға мудовамат этмак бир жойга етурким, зикрнинг ҳақиқати дилнинг жавҳари била бўлур». Бу сўзнинг маъноси мумкиндин ул бўлсаким, вақтиким, зикрнинг ҳақиқати амре турур ҳарфу савтдин муназзаҳ⁵⁰ ва жавҳари дилким, иборат турур латифаи мудрикадин, ул ҳам муназзаҳ турур шойибаи каму кайфдин, бас, бу латифанинг ул ҳуруфи савтдин муназзаҳ бўлган амрға камоли шуғли воситасидин аларнинг ўртасида иттиҳод пайдо бўлур ва ягоналик васфи юз кўргузур. Ул ҳолда зокир мазкурнинг истилоси сабабидин дил била ҳақиқати зикр

аросида ҳеч тафриқа ва тамиз эта билмас, нечунким, анинг дилининг мазкурға иртиботи бар важҳе бўлибтурким, анинг дилида мазкурдин бошқа нимарсага ганжойиш йўқ турур».

Раиҳа 26. Айтур эрдиларким: «Бир кун Низомуддин (Хомуш) алайҳирроҳманинг хизматлариға бордим ва алар маволидин жамъи била мубоҳаса илмиға машғул эрканлар ва мен хомуш эрдим, то фориг бўлдилар. Ва Мавлоно фақирға қараб айдилар: «Сукут ва ором яхши турурми ё ҳадис ва ё калом?» Яна ўзлари жавоб бериб айдилар: «Кўрамиз, агар ул киши ўзликнинг қутулган бўлса, ҳар нимарса этса, монеъ йўқ турур ва агар ўзлигига гирифтор турур ҳар нимарса этса, анга товон турур».

Ҳазрати Эшон айдиларким: «Биз Мавлоно Низомуддиннинг хизматларидин мундин яхшироқ сўз эшитганимиз йўқ турур».

Раиҳа 27. Айтур эрдиларким: «Хизмати Мавлоно Низомуддин (Хомуш) алайҳирроҳма айдиларким: «Шариат ва тариқат ва ҳақиқатни ҳамма нимарсада баён этса бўлур. Масалан, ёлғон сўзламакким, андин наҳий воқеъ бўлиб турур. Агар киши ани саъйу мужоҳада билаким, истиқомат тариқа била бўлса, тилидин узоқ этсаким, хоҳ ихтиёр била ва хоҳ беихтиёр тилидин содир бўлмаса бу шариат турур.

Лекин бовужуди мунинг била ҳам имкони бордирким, ботинида ёлғон сўзламак дояси боқий бўлса, саъйу мужоҳада ондаким, ботинидин ёлғон сўзламак дояси узоқ бўлса бу тариқат турур.

Ва шундоғ бўлмоқким, хоҳ ихтиёр била ва хоҳ беихтиёр андин ёлғон айтмоқни келмаса не тилидин ва не кўнглидин бу ҳақиқат турур».

Ҳазрати Эшон бу сўзни хизмати Мавлоно Низомуддиндин кўб айтиб, истеҳсон⁵¹ этар эрдилар.

Раиҳа 28. Айтур эрдиларким: «Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу айдиларким: «Жазбанинг бидоятда менга айдилар: «Бу йўлга на тариқа кирарсен?» Айдим: «Бу шарт билаким, ҳар нимарсани мен десам ва хоҳласам ул бўлсин». Хитоб келдиким: «Ҳар нимарсани биз айтурмиз ва хоҳармиз ул бўлур». Айдим: «Мен анга тоқат эта билмасмен». Ўн беш кеча-кундуз муддати мени менинг ўзим била қўйдилар, аҳволим хароб бўлди ва тамом хўшк бўлдим.

Вақтеким ноумидлик сарҳадиға етди хитоб келдиким: «Ҳоло ҳар нимарса сен хоҳларсен, «шундоғ бўл» дегил».

Ҳазрати Эшон айдиларким: «Ҳазрати Хожа мақомот»ларида шул қадар ёзибдирларким, аммо хизмати Мавлоно Яъқуби Чархий алайҳирроҳма Ҳазрати Хожадин нақл этиларким, вақтиким, хитоб етушдиким, ҳоло ҳар нимарса сен хоҳларсен, «шундоғ бўл» дегил. Мен тариқае ихтиёр этдимким, албатта мувассил бўлсин».

Рашҳа 29. Бир кун Ҳазрати Эшон асҳобдан жамъига тунд бўлиб айдиларким: «Сизлар бу тариқнинг юкини торта билмассизлар, бу тариқ ғоят дақиқ турур. Ўз муродидин ўтмак ва бошқа бир кишининг муродинча иш этмак кўб улуг иш турур, сизлардин бу иш келмас. Агар мен ҳоло айтсамким, боринглар, хўкбонлик⁵² қилинлар ва бутга тобунинглар, дарҳол менга рақами куфрни тортарсизлар. Сизлар не ердаю, тариқ не ерда?»

Бас, айдиларким: «Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу меҳмонхоналарида маволидин икки кишиким, аларнинг хизматларида бўлур эрдилар, мабҳаси иймондин баҳс этибдирлар ва қилу қоллари узоқға тортибдир. Ва Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) бу гўфтугўйларни эшитиб, охир ул икки азизнинг ёнлариға келиб айдиларким: «Агар менинг суҳбатимни хоҳларсизлар, сизларга иймондан ўтмак керақдир».

Алар бағоят музтариб бўлдилар ва неча муддатлар ул изтиробда эрдилар, то охир ул сўзнинг маъниси аларға зоҳир бўлди».

Рашҳа 30. Бир кун Ҳазрати Эшон бир кишини мухотаб этиб айдиларким: «Агар Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳу суҳбатларида сенга бир нисбате ҳосил бўлса, андин сўнг яна бир бузургнинг суҳбатиға борсанг ва андин шул нисбатни топсанг не иш этурсен? Ҳазрати Хожа Баҳоуддинни қўюб кетармусен ё қўймасмисен?» Бас, айдилар: «Бошқа ҳар ердинким, ул нисбатни топсанг, керакким, они ҳам Хожа Баҳоуддиндин билсанг».

Ва айдиларким: «Қутбиддин Ҳайдарнинг муридларидан бир мурид Шайх Шаҳобиддин Сухравардийнинг хонақоғига борди. Кўб оч эрди. Ўз пири даҳасининг тарафига қаради ва айди: «Шайъан лиллоҳ Қутбиддин Ҳайдар». Шайх Шаҳобиддин анинг ҳолидин огоҳ бўлди, ходимиға буюрди то онинг олдиға

таом олиб борди. Вақтеким, дарвиш таомдин фориг бўлди яна ўз пирининг даҳасига қараб айди: «Шайъан лиялоҳ Қутбиддин Ҳайдарким, мени ҳеч жойда муаттал қўймадинг». Вақтиким, ходим Шайхнинг ёнига борди. Шайх андин сўрадиким: «Ул дарвишни не тариқа кўрдинг?» Айди: «Саҳл киши эркан, сизнинг таомингизни еди ва Қутбуддин Ҳайдарға шукр айтди». Шайх айди: «Муридликни андин ўрганмак керакким, ҳар ерда бир фойда топса, ўз шайхининг баракотидин билур, хоҳ зоҳирда, хоҳ ботинда».

Рашҳа 31. Ул тақриб била айтур эрдилар: «Вақтеким, муриди содиқ ўз шайхидин акмал бир шайхни топса, онга жоиз турурким, комилни қўйиб, акмални мулозаматиға борса».

Ва айдиларким: «Шайх Абу Усмон Ҳирий қуддиса сирруҳу айтибдирким, ибтидои ҳолдин доимо хотирда бор эрдиким, бу тоифанинг мавождлари ва азвоқларидин баҳраманд бўлсам. Иттифоқан, Шайх Яҳё ибн Маъози Розийнинг мажлиси ваъзиға бордим. Кўнглим ул ерда ором топди. Онинг мулозими бўлдим. Андин сўнг Шоҳ Шужоъ Кирмонийнинг суҳбатиға бордим. Вақтеким, аларнинг ёнлариға кирдим, мени мажлисларидин чиқариб юбордилар ва айдиларким: «Ул ражопарвар турур, андин иш келмас». Ўзимға айдим: «Бошим бу остонада бўлсин». Неча муддатлардин сўнг ўз суҳбатлариға йўл бердилар ва неча вақтлар аларнинг мулозаматларида бўлдим ва аларға Шайх Абу Ҳафси Ҳаддод қуддиса сирруҳу зиёратларининг мулозаматларида бордим. Ва вақтеким, Шайх Абу Ҳафснинг суҳбатлариға етишдим. Мен батамом у ерда бўлурмен, деб айта билмас эрдим. Вақтеким, кетмак вақти бўлди. Шайх Абу Ҳафс Шоҳ Шужоъға айдилар: «Бизни бу ҳирий йигит била ҳушимиз бор турур, ани бу жойда қўйиб кетинг». Мени қўйиб кетдилар ва менинг ишим Абу Ҳафси Ҳаддоднинг суҳбатида тамом бўлди».

Рашҳа 32. Айтур эрдиларким: «Акобири диндин бирлари бир масжиднинг эшигига келди. Шайтонни кўрдиким, саросимавор масжиддин ташқари чиқиб қочди. Ул бузург назар этди. Кўрдиким, масжидда бир киши намоз ўқир ва яна бир киши онинг яқинида така этиб, уйқулаб ётиб турур. Андин сўрди: «Эй малъун, бу масжидға не ишга келиб эрдинг?» Шайтон айди: «Хоҳладимким, васваса била бу кишининг намозини фосиқ айлантурсам, аммо ул ётган кишининг

ҳайбати ва маҳобати мени қўймади, андин қўрқиб ташқари чиқиб қочдим».

Рашҳа 33. Айтур эрдиларким: «Ҳазрати Саййид Қосим Табризий қуддиса сирруҳу айдилар: «Бир кун Мавлоно Зайнуддин Абу Бакр Тойободийнинг мажлисларида ўлтириб эрдим. Машойихи вақтнинг муридларидин бирлари ул мажлисда ҳозир эрди. Ҳазрати Мавлоно андин сўрдиларким: «Ўз шайхингни кўпроқ дўст тутармусен ё Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Кўфийними?» Ул киши айди: «Ўз шайхимизни».

Ҳазрати Мавлоно ул сўздин қўб ғазабнок бўлдилар, бу мартабаиким, ул кишини «ит» деб айдилар ва турдилар, уйлариға кирдилар. Мен ҳам ул жойда ўлтуруб эрдим. Бир лаҳзадин сўнг Ҳазрати Мавлоно ташқари чиқдилар ва менға айдилар: «Ул кишиға ғазаб қилдик ва қаттиғ сўз айдик, кел, то бориб анга узрхоҳлиқ қилайлик».

Ҳазрати Мавлоно била ҳамроҳ бўлиб бўлдик. Ул киши йўлда олдимиздин чиқди ва айди: «Мен узрхоҳлиққа келур эрдим ва хоҳлардимки, сизнинг хизматингизға арз этсамким, неча йиллар турурким, Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳунинг мазҳабларида бўлдим ва менинг нохуш сифатларимдин ҳеч бири кам бўлмади ва неча кунким бу азизнинг мулозаматида бўлдим, ҳамма нохушликлардин узоқ бўлдим. Агар шундоғ кишики, Ҳазрати Имоми Аъзамдин дўстроқ кўрсам не монев турур. Агар китобларда ёзган бўлсаларким, бу дўстлик мазмум турур ва наҳий этган бўлсалар, бу сўзимдин қайтайин».

Мавлоно анга қўб узрхоҳлиқ қилдилар ва истиҳсон қилдилар».

Рашҳа 34. Айтур эрдиларким: «Мавлоно Саъдудин Кошғарий била ҳамроҳ Шайх Баҳриддин Умар қуддиса сирруҳунинг мулозаматлариға борур эрдик. Йўлда хизмати Мавлоно Саъдиддин айдилар: «Қўтбе хоҳларменким, менинг ботинимға тасарруф этиб, мени халос этса».

Бу сўзларнинг амсоли ўтди. Вақтеким, Ҳазрати Шайхнинг мулозаматлариға бордик. Шайх Мавлоно Саъдудин Кошғарийға қараб айдилар: «Қутбнинг тасарруф этмагидин на қилурсиз, бу тоифанинг тасарруфи андин зиёд эмастурким, баъзи ҳужжат ва мавоневким, кишининг истеъдодиға ориз бўлиб турур, аларнинг таъсири воситаси била муртафиъ бўлур. Ва ул истеъдоди монев муртафиъ бўлғандин сўнг қабули

мавҳибат этар ва солик ўз истеъдодидин амреким, онинг мақсуди турур, топар».

Ҳазрати Эшон айдиларким: «Шайх Баҳриддин Умар Мавлоно Саъдиддиннинг муродларини топмадилар, аларнинг мақсудлари бошқа нимарса эрди. Хожагон қоддасаллоҳу арвоҳаҳум тариқларида тасарруфе бўлур бу тариқаким, кўнгли била толибнинг ботинига мутаважжиҳ бўлурлар ва ул таважжуҳ раҳгузоридин толибнинг ботини била аларнинг кўнглига иртибот ва иттисол ҳосил бўлур ва ул иртибот ва иттисолнинг воситаси била аларнинг кўнгли ул толибнинг ботини орасида иттиҳод воқеъ бўлур ва инъикос тариқа била аларнинг кўнглидин толибнинг ботинига партав⁵³ тушар. Бу сифате турурким, аларнинг истеъдодидин ноший бўлиб, ул толиб истеъдодининг ойнасида батариқи инъикос зоҳир бўлибтурур. Бу янглиғ амрни ўз истеъдодидин талаб этиб бўлмас. Лекин агар бу иртибот муттасил бўлса, улчаким, инъикос тариқасида ҳосил бўлиб эрди доимийлиқ сифатин қабул этар.

Хизмати Мавлоно Саъдиддин бу янглиғ амрни талаб этиб эрдиларким, ўз истеъдодларининг хорижидин ҳосил этсалар. Ул эрмас эрдиким, улча аларнинг истеъдодларида турур, зоҳир бўлса».

Рашҳа 35. Бу ҳуруфнинг роқими айтурким, муҳаққиқдин баъзилари шундоғ деб турурким, аъёни собитанинг ҳар бириким, мавжуди хорижи айланиб турур, хусусан, фаришталар⁵⁴, исми хоснинг мазҳари бўлурлар ва уларнинг ҳузур ва лаззатлари ул исмдин эрди ва ҳаргиз ул исмдин яна бир бошқа исмга тажовуз этмадилар. Ва ояти карима: «Ва ма минна илла лаҳу мақомун маълум» бу маънидин хабар берур ба хилофи инсонийким, вақтеким, онда зolimлик ва жуҳулнинг тийралиғи бор эрди, ўз инсониятининг ва шахсиятнинг хусусиятидин қочиб тааййун ва хусусиятнинг варосида бошқа амрға таважжуҳи том этди. Ул жиҳатдин истеъдоди башарий ва тааййуни инсонийнинг доирасидин хориж бор ҳақиқатға ҳомил келиб ва амри бениҳоятни топғучи бўлди».

Рашҳа 36. Айтур эрдиларким: «Соҳиби «Баҳру-л-ҳақойиқ» Шайх Нажмиддин Доя алайҳирроҳма айтув турурлар: «Дариғоким, ҳеч киши авлиёларнинг суҳбатлари қадрин билмади ва билмаслар».

Рашҳа 37. Айтур эрдиларким: «Шайх Абулқосим Гургоний қуддиса сирруҳу айтибдирлар: «Бир киши била ўлтурким, сенинг ҳар на боринг ул бўлсин ё онинг ҳар на бори сен бўлғил, ё иккинғиз ҳам Ҳақ субҳанаҳуда йўқ бўлинг, на сен қолғил ва на ул қолсин».

Рашҳа 38. Ҳазрати Эшоннинг мажолисларида бир кишининг хотирига келибдирким: «На бўлурким ул Ҳазратнинг ботинида тасарруфе этсалар». Ва Ҳазрати Эшон онинг ботиниға мушарраф бўлиб айтибдирларким: «Камоли тасарруф вақтида бўлурким, мен сен бўлсам ё сен мен бўлсанг». Бас, Пири Ҳирот қоддасоллоҳу сирруҳунинг ул сўзларини муборак тиллариға олдиларким:

*Абдуллоҳ марғи биёбоний,
Талаб этмакка кетди оби зиндагоний.
Ногоҳ Ҳарақонийға етишди,
Ул жойда ҳаёт чашмаси суйин тоғди.
Шул чоғлиғ ичдиким, на ул қолди, на Ҳарақоний.*

Рашҳа 39. Айтур эрдиларким: «Шайх Абу Сайд ибн Абулхайр қуддиса сирруҳудин манқул турур, айтибдирларким: «Машойихи тариқат қоддасаллоҳу таоло арвоҳаҳумдин етти юз тан тасаввуфнинг моҳиятида сўз айтиб турурлар. Ул сўзларнинг ҳаммасининг тамомроғи ва яхшироғи бу турурким: «Ал-тасаввуфу сарф ул-вақти бима ҳува авла биҳи», яъни тасаввуф сарфи вақт турур вақтиға лойиқ ва муносиб бўлган нимарсагаким, муқтазойи вақт эрди».

Рашҳа 40. Айтур эрдиларким: «Шайх Абул Суъуд роҳматуллоҳ асҳоблариға айтур эрканларким: «Менинг ёнимға кўҳна гўшт била келманглар, тоза гўшт била келинглар».

Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий қуддиса сирруҳу айтибдирларким: «Шайх Абул Суъуднинг мақсуди бу сўздин асҳоблариға ҳиммат ўргатмак эрди, яъни одамларнинг асрор ва маорифлари била менинг ёнимға келманглар, балким бир нимарса била келингларким, ул сизларнинг хоссанғиз бўлсин ва кўнгилларинғизнинг пешгоҳидан бош чиқарган бўлсин».

Рашҳа 41. Айтур эрдиларким: «Саййид ут-тоифа Жунайд қуддиса сирруҳу сўзни сарфа била айтур эрди. Бир

кун аларнинг маъорифлари беихтиёр баланд бўлди. Кўрдиларким, аҳли мажлисининг ул маъорифларни идрок этмакка истеъдодлари йўқ турур. Айдилар: «Тафаҳхус этинглар, шоядким, бу яқинда бир киши бўлсаким, онинг истеъдоди ва қобилияти бу ҳақойиқни жазб этиб турур». Кўб тафаҳхус этканларидин сўнг Ҳусайн Мансурни топдиларким, бир гўшада бошини яқосига тортиб ўлтуруб турур. Ва Шайх анинг ёнида ҳаргиз баланд сўзларни айтмас эрди, нечунким, аларга зоҳир эрдиким, ул бир кун бу сирни ифшо этса керақдир. Буюрди, то они ул мажлисдин ихрож этдилар».

Рашҳа 42. Айтур эрдиларким: «Хизмати Мавлоно Низомуддин алайҳирроҳма айдилар: «Шайхлиқ ул турурким, киши ўзини муридларнинг назарида жамол била мутажаммил бўлмоқни эта билғай. Онинг учунким, то жамол бўлмаса муридларнинг муродға робитаси ва сифати муҳаббат билаким, мужиби жазб ва тасарруф ул турур, маҳкам бўлмас. Ва биз муни тадбири ақл била билур эрдик. Лекин бизга ул фурсат йўқтурким, ҳамиша такаллуф этсак ва ўзимизни жамол била кўргизсак то одамларнинг эътиқодлари футурега сабаб бўлмасин. Шул ваҳҳдин турурким соқол тарамоқ ва дасторни яхши боғламоқ ва булардин ҳам бошқа нимарсаларким, тартиби зоҳирға тааллуғи бор турур, суннат бўлди».

Рашҳа 43. Айтур эрдиларким: «Мавлоно Яъқуб Чархий алайҳирроҳма айдиларким: «Термизда бир шайхнинг суҳбатига бордимким, муболагаи азим қилур эрди ондаким, муриднинг иши бешайх ҳеч ерға бормас. Анга айдимким: «Ояти каримаи ал-явма акмалту лакум дийнакум ва атмамту алайкум неъматий»⁵⁵ мазмунидин шундоғ маълум бўлурким, китоб ва суннатнинг мужибига амал этмақда иш кифоя турур. Ва лозим эрматурким, кишига зоҳир юзидин пиру муқтадо бўлса». Ул Шайх ҳаср бўлди. Бу сўзни Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳуға арз этдим. Ҳазрати Хожа истеҳсон этдилар ва қабул била талаққий кўргуздилар».

Рашҳа 44. Бир кун тақриб била содотнинг таъзими ва тавқирита дейдиларким: «Бир диёрда содот бўлсалар, мен хоҳламасменким, ул диёрда бўлсам, онинг учунким, аларнинг улуғлиқлари ва шарофатлар кўб турур. Мен аларнинг таъзими ҳақиға қиём кўргиза билмасмен». Бас, айдиларким: «Имоми Аъзам разияллоҳу анҳу бир кун мажлис дарсларида неча мартаба ўринларидин турурдилар ва киши онинг боисини

билмади. Охир имомнинг шогирдларидин бирлари онинг сабабин сўрди. Айдиларким: «Мадрасанинг саҳнида содоти алавиййадин (саййидлардин) бир тифл⁵⁶ атфолнинг аросида ўйнар. Ҳар мартабаким, бу дарснинг тарафиға етишса, менинг назарим анга тушар, анинг таъзими учун ўрнимдин турурмен».

Рашҳа 45. Айтур эрдиларким: «Самарқанд ақобирларидин бириға айдим: «Агар киши уйқусида кўрсаким, Ҳақ субҳанаҳу ўлуб турур, бу тушнинг таъбири не бўлур?» Ул айдиким: «Ақобирлар айтиб турурларким, агар киши уйқусида кўрсаким, пайғамбар солаллоҳу алайҳи ва саллам ўлиб турур, таъбири ул турурким, бу туш соҳибининг, шариатида қусури ва футуре бўлиб турур ва у шариат суратининг ўлмаки турур. Бу тушнинг ҳам анингдек ранги бор турур». Ҳазрати Эшон айдиларким: «Эҳтимол бордирким, кишига ҳузури маъааллоҳ бўлган бўлса, ногоҳ ул ҳузур қолмаса, ул ўлмакнинг таъбири бул турур, яъни анинг нисбати ҳузури ва шўҳуди йўқ бўлиб турур».

Бу ҳуруфнинг роқими айтурким: «Мавлоно Нуруддин Жомий қуддиса сирруҳу-с-сомий бу сўзни бошқа тариқа таъвил этдилар ва айдилар: «Эҳтимоли бордирким, ояти каримаи «афароайта маниттаҳаза илоҳаҳу ҳаваҳу»⁵⁷нинг ҳукми била ҳаволарнинг бириниким, соҳиби воқеа ўзиға Худой тутиб эрди, онинг кўнглидин рахтин кўтариб, нобуд бўлса. Ул Худойнинг ўлмаги бу ҳавонинг нобуд бўлмоғидин иборат турур. Бас, бу туш ул ҳузурнинг зиёда бўлуриға далил бўлур».

Рашҳа 46. Айтур эрдиларким: «Кашфи қубур»⁵⁸ ул турурким, соҳиби қабрнинг руҳи суvari мисолийдин муносиб бир суратға мутамассил бўлур ва соҳиби кашф они ул суратда дийдаи басират била мушоҳада қилур. Аммо вақтеким, шаётин ва муташаккилға сувару ашқоли мухталифа⁵⁹ била мутамассил бўлмоқға қуввати бор эрди, ул жиҳатдин Хожагон қоддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум бу кашфни эътибор этмай турурлар. Ва аларнинг тариқалари асҳоби қубурни зиёрат этмақда ул турурким, бир азизнинг бошиға борсалар ўзларини ҳамма нисбатлардин ва кайфиятлардин холи қилурлар ва мунтазир ўлтурурлар, то ҳар на нисбат зоҳир бўлса, ул нисбатдин соҳиби қабрнинг ҳолини маълум этурлар. Ва аларнинг тариқлари бегона одамларнинг ҳам суҳбатида шул ваҳҳ била турурким, ҳар киши аларнинг ёнлариға келиб ўлтурса, ўз ботинлариға назар этурлар. Ҳар нимарса ул киши

келгандин сўнг зоҳир бўлса билурларким, ул нисбат андин турур ва аларнинг анда дахли йўқ турур. Ул нисбат андозасида анинг билан лутф юзидин ё қаҳр юзидин зиндагонлик қилурлар.

Ва Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий қуддиса сирруҳу мун «тажаллийи муқобала» деб турур.

Бу маънонинг зуҳури камоли жило ва сафонинг воситаси била турурким, аларнинг ботини мунавварлариға ҳосилдир ва ҳақиқатларининг оинаси нуқуши кавнийядин⁶⁰ пок ва соф бўлиб турур. Ва ул зоти бекаму кайфга камоли муҳозоти сабабидин тажаллийи зотидин бошқа анда ҳеч нимарса қилган йўқ турур. Ва ҳар қачонким, они ўз таъбиға қўйсалар ул амри бекайфдин бошқа ҳеч нимарса онда зоҳир бўлмас. Бас, ҳар нимарса ул ойнада зоҳир ва пайдо бўлса, андин эрматур, балким шахсдин бўлурким, тақобулнинг воситаси била анда мунакс бўлиб эрди. Ва бу сўзнинг муаййидиға айдиларким: «Бир кун хизмати Мавлоно Низомиддин (Хомуш) алайҳирроҳма бу фақирға айдиларким: «Бугун Шош вилоятининг мазоратлари тавофиға борурмиз». Аларнинг мулозаматлариға бордим. Хизмати Мавлоно бир қабрнинг бошида кўб ўлтурдилар. Андин сўнг кайфияти тамом била ўринларидин турдилар. Айдиларким: «Бу қабрнинг соҳибиға нисбати жазба ғолиб эркан». Ва ул Хожа Иброҳим Кимёгарнинг қабри эрдиким, замонининг мажзубларидан эркан. Ва андин сўнг яна бир қабрнинг бошиға бордилар ва лаҳзае таваққуф этдилар ва андин сўнг чиқдилар. Ва айдиларким: «Бу қабрнинг соҳибиға нисбати илмия ғолиб эркан». Ва ул Шайх Зайнуддин Кўйи Орифоннинг қабрлари эрдиким, уламоий раббонийдин эрканлар».

Рашҳа 47. Айтур эрдиларким: «Арбоби таҳқиқларининг наздида муқаррар бўлибтурким, мавтдин сўнг ҳам тараққий воқеъ турур. Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий қуддиса сирруҳунинг сўзлари бу тақрирға нозир турур. Алар айдиларким: «Тажаллиётдан бир тажаллийда Абул Ҳасан Нурий била жамъ бўлдим ва мени тақбил этди ва мендин сероб бўлди. Айдиким: «Сиз айтмадингизмики, тавҳиднинг ташнаси ғайрдин сероб бўлмастур?» Хижил бўлди. Айдим: «Вақтиким дун олийдин аҳз⁶¹ этса, ғайрдин аҳз этган бўлмастур».

Ва арбоби таҳқиқнинг мундин бошқа сўзлари кўб турурким, тараққий баъд ал-мавтға далолат қилур.

Бу ҳуруфнинг роқими айтурким: «Ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий қуддиса сирруҳу «Футуҳот...»нинг баъзи мавзеида айтибдирларким: «Тараққий баъд ал-мавтни нафъий этканларнинг бири Шайх Абул Ҳасан Нурий разияллоҳу анҳу турур. Бас, мундин сўнг онинг ҳоли икки муроддин ташқари эрмастур: ё илмул яқин била билиб турурким, тараққий воқеъ турур, ё воқеъ эрмастур. Агар билган бўлсаким, воқеъдир ё воқеъ эрмастур сабтул муддао. Агар билган бўлсаким, воқеъ эрмастур, бу бошқа турурким, онга мавтдин сўнг ҳосил бўлиб турур. Ҳар ҳолда тараққий баъд ал-мавт воқеъдир».

Рашҳа 48. Айтур эрдиларким: «Бир кун фақирнинг сифатида айдиларким, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло Ҳазрати Саййид Фавсул Аъзамға бу хитобни айтдиким: «Ё Фавсул Аъзам, кул ли-асҳабик би-ихтияр ил фақри, сумма-л-фақру ан-ил-фақри, фаиза тамма фақруҳум фалаҳум илла ана», яъни ё Фавсул Аъзам, асҳобларингга фақр ихтиёр этмакларин айғил ва фақрдин ҳам фақр бўлмоқ ихтиёрин айғил, бас, ҳар қачон аларнинг фақрлари тамом бўлса, бас, алар эрмас турурлар, магар мен».

Рашҳа 49. Айтур эрдиларким: «Баъзи акобири тариқат қоддасаллоҳу арвоҳаҳум айтиб турурларким, жаҳд этғил то амалингни гўрга элтмағайсен. Бу сўзнинг маъноси гўё ул турурким, керақдир билгайсенким, ҳеч амал сенга мустамид⁶² эрмасдир, Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг тавфиқи била қойим турур».

Рашҳа 50. Айтур эрдиларким: «Баъзи акобирнинг сўзлари турурким, Ҳақ субҳанаҳу мартабаи воҳидиятда агар хоҳласа ўзини танур. Бу сўзнинг маъноси ул турурким, Ҳақойиқи мужаррада инсония(т)нинг мартабасидаким, баъзиларнинг истилоҳида воҳидият мартабаси андин иборат турур, агар хоҳласа илми хос ва истеъдоди хос ўз наздидин каромат қилурким, ул илм ва истеъдоди хос била инсон ани танур. Вақтеким, анинг илмидин бошқа нимарса била ани таниб бўлмас, бас, анинг шиносоти⁶³ анинг ғайри эрмастур».

Рашҳа 51. Айтур эрдиларким: «Бир кеча Хожа Боқийнинг алами бор эрди, уйқуға бора билмади. Мен ҳам

анинг аламинин уйқуламадим. Айдилар: «Касиф шундоғ киши турурким, бир кишига алоқаси бўлса ва аниг аламинин мутаассир бўлмаса. Балким, керакдир шундоғ бўлсинким, ҳар нимарсага алам тушса, андин мутаассир бўлсин. Бир мартаба маркабига таёқ урдиларким, паҳлуси⁶⁴дин қон оқди. Абу Язид Бистомий қуддиса сирруҳунинг ҳам муборақ паҳлуларидин қон оқди.

Бу сўздаким, Ҳазрати Эшон айдилар, мақоми жамъ била мутаҳаққиқ бўлганлариға ишорат турур.

Бу мақомнинг баёни ҳазрати ҳақойиқ паноҳий Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий қуддиса сирруҳу-с-сомийнинг зикрларида, ул жойдаким, аларнинг Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Асад била мулоқотлари мазкур бўлди, рашҳанинг зимнида ирод топиб эрди.

Рашҳа 52. Айтур эрдиларким: «Шайх Баҳоуддин Умар қуддиса сирруҳунинг мажлисларида эрдиким, бир киши алардин сўрдиким, баъзи муҳаққиқлар авоида ҳолда айтибдирларким, балким вожиби айн мумкин турур, мунинг жиҳате на турур? Ҳазрати Шайх ул кишининг жавобида айдиким, аввалги(си) ул сўзни адами истиқомат ҳолида айтибдирлар. Иккиланчи(си) бу сўзни истиқомат ҳолида. Ҳазрати Эшон ҳуззори мажнунға хитоб этдиларким, бу икки сўзнинг ўртасида фарқ на турур? Ҳеч киши густоҳлик этмади ва бир нимарса ҳам демади. Ва Ҳазрати Эшон ҳам ул восита билаким, умарои тархонийдин⁶⁵ жамъе келиб эрдилар, ҳеч нарсa демадилар»...

АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441—1501)

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий асарларида адабий-назарий муаммолар кўплаб ўз аксини топган. Навоийнинг адабиётшунослик масалалари акс этган "Мажолису-н-нафоис" тазкираси, "Мезону-л-авзон" исми назарий рисоласи кенг китобхонлар томонидан асрлар оша ўрганиб келинмоқда. Бундан ташқари "Муффаот", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер", "Хамсату-л-мутаҳаййирин" каби асарларида ҳам адабиёт, шоир ва шеърят масалаларига бағишланган мулоҳазалар акс этган.

Навоийнинг тасаввуфий қарашлари деярли барча асарларининг руҳига сингган бўлса-да, махсус «Лисону-т-тайр» достони» (1499)да, «Насойиму-л-муҳаббат» манқабаси (1495—96)да, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (1485—86), «Арбаин», «Муножот» сингари асарлари бу соҳага бағишлангандир.

Ҳазрат Навоий тасаввуф олими ҳамдир. Унинг «Лисону-т-тайр» асари сўфийлик достони бўлиб, Шайх Фаридуддин Аттор анъаналари руҳига ёзилган. «Лисону-т-тайр»да борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларини, инсон, табиат ва ҳаёт ҳақидаги фикрларини қушлар тили ва саргузаштлари орқали баён қилган. «Насойиму-л-муҳаббат» Ҳазрат Жомийнинг «Нафаҳоту-л-унс...» йўлида етти юздан ортиқ шайх ва сўфийлар ҳақидаги маълумотларни ўзига жамлаган «Тазкирату-л-авлиё»дир. Мана шу асардан ва форс тилида битилган «Ситтаи зарурия» номли қасидалар тўпламидан айрим намуналар берилди.

**"НАСОЙИМУ-Л-МУҲАББАТ"дан
БИСМИЛЛАҲИР РОҶМАНИР РАҶИМ**

(Муҳаббат ва тавфиқ¹ боғчаларининг шаббодаларидан валийлар қалбини очган, ҳақиқат ва футувват боғларининг хушбўйликлари билан дўстлари кўнглини шод этган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Ирфон² ва фақрлик шарофати билан фахрланган Муҳаммад алайҳиссаломга салоту саломлар йўллаймизки, у зот туфайли замон аҳлига иймон шарофати етишди. У зот (Муҳаммад алайҳиссалом) одатдан ташқари ишларнинг манбаи, мўъжиза, каромат ва илҳомнинг маъданидир. Ва у зотнинг маъсум аҳлу аёлларига, пок саҳобаларига ҳам салоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд мундоқ арз қилур жаҳл водийсининг марҳалапаймойи³ Алишер мулаққаб⁴ Навоий (Оллоҳ унинг юзини залолат водийсидан ҳидоят йўлига бурсин саккиз юз саксон бирга⁵ бу сармоясиз, нотавон Ҳазрат устозим, саййидим, ҳужжатим, маҳдумим ва шайхулисломим Мавлоно, миллат ва дин нури — Абдурраҳмон Жомий — унга Оллоҳнинг раҳмати, мағфирати, саломи ва ризози бўлсин) хидматларида «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс»⁶ китоби жамъу тартибининг боиси бўлдум. Андоқки, ул шариф китобнинг фихристида⁷ ул Ҳазрат нуввира марқадуҳу⁸ анинг кайфиятини шарҳ била зикр қилубдурлар. Ўқуғанлар кўрмиш бўлғайлар ва ўқумағанлар ўқусалар, кўргайлар. Ул китоб халойиқ орасида машҳур ва ўқумоқ ва битимаги шойиъ⁹ бўлди.

Ул маърифат кунжининг валоятосор ҳолоти¹⁰ зикридин ва фойизул анвор¹¹ мақолоти фикридин аҳли арбобларга нафълар ва шавқу иродат аҳлига файзлар етишди.

Доим ошуфта хотирга келур эрди ва паришон хаёлга эврулур эрдиким, ул китоб алфози форсийдир, арабийга пайваста ва иборати ишорат аҳли тилига вобаста ва ул тиллар вуқуфидин¹² баҳраварлар ва ул иборату ишоратдин беҳабарлар ул алфоздин ўз қобилиятлари хургуга¹³ ва иштиғоллари муқобаласига¹⁴ нафълар топарлар ва файз элтурлар.

Аммо турк улусидин баъзики, кўнгил сидқу сафосига баҳраманддурлар, бу кимийе асар сўзлар таъсирига Тенгри иноятидин аржуманд, ул алфозга вуқуф қилатидин¹⁵ ул файзлардин маҳрум ва бу ҳақойиқнинг дақойиқи¹⁶ уларга номаълум. Хотирга кечмишким, агар саъй қилсам, бу китобни турк тилига таржима қила олғаймуман ва ул дақойиқу мушкilotни равшанроқ алфоз ва очукроқ адо била ўтқара олғаймуман? — деб мутааммил¹⁷ эрдим ва не ишнинг азимлиғи ва душворлиғи жиҳатидин шуруъ¹⁸ қила олур эрдим...

Бу тоифа сулукида муқаддима тамҳиди¹⁹

(Оллоҳ таборака ва таоло айтди: биз одам болаларини азизу мукаррам яратдик, қуруқлик (от-улов) ва денгизга (кемаларга) чиқариб қўйдик. Яна Оллоҳ таоло айтадики, албатта, бу омонатни (шариати исломни) осмонга, ерга ва тоғу тошларга тавсия қилган эдик, улар масъулиятдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса, уни ўз зиммасига олди.

Бу тақдир била андоқ таҳқиқ бўлдиким, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло махлуқотда бани одамдин шарифроқ ва бийикроқ халқ қилмайдир, невчунки, маърифатуллоҳ ганжининг амини ва маҳрами уддир.

Ва дедиким, (мен бир махфий хазина эдим, ўзимни билдириш, танитиш учун барча оламни яратдим). Ва чун махлуқнинг зотида башариятни дохил қилди. Башарият муқтазоси²⁰ била алардин нописанд ишлар вужуд тутти. Мунинг ислоҳи учун баъзи бир гузида²¹ бандалар бошига нубувват тожин қўюб, белига ҳидоят камарин боғлаб, бу махлуқнинг амру наҳйига ўз оллидин маҳкум ва буларга ҳоким қилди. Ва Калому аҳкам²² алар учун нозил қилди, то ул маърифатга аларни далолат қилдилар. Чун бу махлуқлар анинг асмон²³ ва сифатининг мазохури²⁴ эрдилар ва сифатга муттасиф²⁵ эрдилар. Ҳар қайси ўз қобилиятига кўра ул сифатга муносибки, анга мазҳар эрди, тараққий ва тафовут зоҳир қилдилар ва зотларида башарият ғолиб эркан жиҳатидин мухталиф ағён²⁶ ва милал ароға тушди. Ул замонғачаким, халқнинг ашағду²⁷ ва ағлази аъроб²⁸ эрдилар, балки алар орасида Қурайшки, аларнинг ҳидояти учун Ҳазрат Рисолат (с.а.в.)ники муроди офаринишдин ул ҳазратнинг шарифу пок эрди, ҳабиблиғига мутассиф қилиб, ул гумроҳлар ҳидоятига

йиборди ва аҳкомин ул Ҳазратға нозил қилди. Чун анбиёнинг ашрафи эрди, қавм-ақвомнинг ашадди. Ҳар ойинаким, нозил бўлган қалом қонуни била шариат аҳкомин андоқки шарти эрди тузди ва ботил милални орадин чиқарди ва қобил халқни ул маърифатға мушарраф қилди.

Андоқки, киром асҳобидинки, бу давлату саодатға фоиз эрдилар, бири ўз ҳолидин хабар берурки, (агар парда кўтарилмаса, ишонч ортмайдими?)

Ва чун ул Ҳазрат (с.а.в.) анбиёнинг хотими эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди. Ҳар ойинаким, ноқислар такмилиға умматининг комилу олимларини номвар эттики, бурунғи анбиё ўрниға уҳда²⁹ қилғайлар ва йўлдин чиққанларға йўл кўргузғайларки (умматим уламеси Бани Исроил олимлари кабидир. Ва яна уламо пайғамбарлар ворисидир), аҳодиси андин хабар берур ва ул Ҳазратдин сўнгра бузургвор асҳоби ризвонулоҳи таоло алайҳим ажмаъин³⁰ халойиққа бу раҳнамойлиғни бажо келтурдилар ва Ҳақ субҳанаҳу ва таолоға йўл кўргуздилар ва ул соҳиб давлатлардин сўнгра бу умматнинг машойихи ва авлиёуллоҳ қ.т.а.³¹ бу иршод³²ға иштиғол кўргуздилар ва ваъда будирким, олам инқирозигаҷақим, миллат ва шариат сийрати мустақим бўлғусидир. Бу тоифақим, валояту каромат аҳлидирлар ва халойиққа иршоду уҳда қилурлар, муборақ зотларининг баракоти бу миллат аҳли бошидин кам бўлмағай.

**Бу тоифанинг аъмолу афъол³³ ва муомилату
риёзотидин баъзини зикр қилмоқ**

Буларнинг аввал ишлари тавбадирким, Ҳақ с.т.³⁴ барча манҳий ишлардин аларға ижтиноб каромат қилғай ва андин сўнгра луқма ҳилмияти³⁵ким, ул бобда улча мумкиндир саъй қилурлар. Ҳар ойина (қосиб Оллоҳнинг севган бандасидир) мазмуни била кибор машойих баъзи санъатларға иштиғол қилибдилар.

Ондин сўнгра шариат риоятидирки, ул жода³⁶да истиқомат бўлғай ва улча мумкиндир ондин қадам тажовуз қилмағай.

Шайху-л-ислом қ. р.а.³⁷ дебдиларки, ҳар нимадин бир миқдорни олсалар, бир миқдори қолур, шариатдин ўзгаки — бир миқдори ондин кам бўлса, ҳеч нима қолмас. Бу тоифанинг

шариат риояти ва суннат мубоабатидин³⁸ улуғроқ ишлари йўқдир...

Яна бовужуди шариат риояти ва тариқат одобидирки, бу тоифа маръий³⁹ тутарлар. Ул адабдирки, яхшию ёмонга ва улуғу кичикка бажо келтурурлар. Андоқки, барча халойиқдин ўзларин кичик ва камроқ тутарлар ва барчага хизмат ҳузурида бўлурлар. Ҳаттоки ўз фарзандлариға ва ходиму мамуллариғаки⁴⁰, ҳар неча алардин беқоидалиғ кўрсалар, хушунат⁴¹ бирла аларға сўз демаслар, балки насиҳатни юмшоғ ва чучук тил била қилурлар, ҳаттоки ўғриғача...

Яна ҳилм⁴² ва бурдборлиғдирки⁴³, бу тоифаға ҳар кимдин ҳар шиддат етишса, алар лутфу мадуро била ўтқарурлар ва муқобалада миннатдорлиғ била узр қиларлар...

Яна ризодирки⁴⁴, ҳар не Ҳақдин келса ва ҳар ким сабаб бўлса, мусаббибдин⁴⁵ ўзга кишини орада кўрмагайлар. Ва ризо изҳоридин ўзга алар тили ва кўнглига кирмагай...

Яна сабрдирким⁴⁶, ҳар не ҳақдин юзланса, таҳаммул⁴⁷ пеша қилғай ва ҳар бало келса, сабр қилғай...

Яна сидқдирки⁴⁸, ғайри воқеъ сўз тилга мутлақо жорий бўлмағай.

Ва яна азим риёзатларки, шариат ани мутаайин қилмайдир. Ҳам тоифадин мутанаввиъ⁴⁹ воқеъ бўлибдирки, онинг ҳам шарҳининг тули⁵⁰ бор. Ул жумладаин, бири ният била бир ойда бир ифтор қилмоқ ва бир ойда бир вузуъ⁵¹ била намоз қилмоқки, баъзи машойих р.а.а.⁵²дин воқеъ бўлибдир...

Авлиёуллоҳға воқеъ бўлган хавориқи одоту⁵³ каромот баёни

Ва ул кўпдир авлиёуллоҳнинг маротибидек.

Ул жумладин бир нечаси булардирлар: маъдум ижоди⁵⁴ ва мавжуд иъдоми⁵⁵ ва мастур⁵⁶ амр изҳори ва зоҳир амр истори ва дуо истижобати ва оз муддатда баъида масофат қатъи⁵⁷ ва ҳисдин ғойиб ишларга иттилоъ⁵⁸ ва андин хабар этмоқ ва воҳид замонда мутаъаддиг⁵⁹ ва мухталиф маконга ҳозир бўлмоқ ва мавто иҳёси⁶⁰ ва иҳё имотаси⁶¹ ва жамоdot ва набодот ва ҳайвонот каломининг самоъи ва маонийсиға вуқуф топмоқ, тасбеҳдан ва ғайридин ва атъимаю ашриба⁶² изҳори ҳожат вақти бесабаб зоҳир бўлмоқ ва сув устида юрумоқдек ва ҳавода сайр қилмоқдек ва емак ул ниманики,

одатан ул ғизо бўлмағай ва ҳайвонот *масхирин*⁶³ ва баданда муфрит қувват изҳори андоқки, дарахтни туоидин қўнғармоқ самоъ вақтида. Ва деворин бармоқ ишорати билан *шақ*⁶⁴ қилмоқ ва илик ишорати бирла муҳалифнинг бошин учурмоқ ва дарёларда ғарқ бўладирған кемани тутуб, қироққа чиқармоқ ва олам ҳаюлосида⁶⁵ ҳар не навъ тасарруфики, ҳар не тиласа қилмоқ, мисли ёмғур ёғдирмоқ ва ел эстурмоқ ва сел келтурмоқ ва дафъ қилмоқ ва чувуртка офатини дафъ қилмоқ ва ҳар сурат била *мутамассил*⁶⁶ бўлмоқ. Биебонда саргашта ва овора бўлғанларға раҳнамоийлик қилмоқ ва *дастгир*⁶⁷ бўлмоқ.

Ва Ҳақ *с.т.* ға андоқ муқарраб бандалар ва дўстлар ҳам борки, бу борча мазкур бўлған ҳолатдин *ижтиноб*⁶⁸ қилурлар, балки ор қилурлар, невчунки, бир турфатулайин Ҳақ *с.т.* *шуҳуду истиғроқидин*⁶⁹ ғофил бўла олмаслар. То ул саодатдин ғофил бўлмағунча бу нималарға майлу илтифот қилса бўлмас. Ҳар ойинаки, ул мақсуди аслийдин ҳар амрки, бу бузургворларни бир лаҳза ғофил қилғай агар барча беҳишти жовидондирки, аларға дўзахча бор, андин ижтиноб ё ор қилсалар, муҳиқ⁷⁰ бўлғайлар. Умид улдирки, бу залолат водийсида гумроҳдек маҳрумлар бу ҳидоят оламида раҳнамоиларнинг оёғи туфроғи билан тийра бўлған ботин кўзларин ёрутмоққа баҳраманд бўлғайлар. Ва хокисор бошин ул аёғларға туфроқ қилмоқ била сарбаланд...

«СИТТАИ ЗАРУРИЯ»дан

Дебача

*Байтул қасидаи ҳама хайли суҳанварон,
Шоҳбайти жинси назми ҳама мадҳгустарон.
Ҳамду санои подшоҳе дон, ки аз раҳаш,
Як пора санг шуд гуҳари олиафсарон*

(Барча сўз усталарининг қасида байтлари, жумла мадҳ этувчилар назмининг шоҳбайти (энг сара) намуналари шундай подшоҳнинг ҳамду саносига хосдурки, йўлида учраган бир парча тош шарафли тожларга гавҳар бўлди).

Унинг улуғлиги мутафаккирлари идрокидан муқаддас ва унинг неъматлари мутакаллимлар ҳисобидан муназзаҳ¹дир. «Огоҳ бўл, яратиш ва амр этиш унга тегишлидир». Оламларни тарбият қилувчи Оллоҳ таборак²дир.

Назм:

*Ҳусни каломи қофиясанжони сеҳри фан,
Лутфи адои нуктаварони шакаршикан,
Наъти шаҳе сазад, ки батаъиди зулминан,
Бинмуда моҳи мўъжизаш аз маъдаи суҳан*

(Қофия тузувчи сеҳрли фан (шеър)нинг энг гўзал сўзлари, ширинкалом, чиройли гапирувчиларнинг лутфу ифодалари шундай шоҳ (Муҳаммад алайҳиссалом) наътига лойиқдурки, у эҳсон эгаси (Оллоҳ)нинг кўмагида сўзининг матлаъи билан мўъжизалари ой кўрсатди).

У нубувват девонининг эгаси ва мурувват арконининг тартибга солувчи (расул алайҳиссалом) ва унинг хонадон аҳлига салоту саломлар бўлсин.

Аммо (ҳамду санодан) сўнг: тўғрилиқка йўналтирилган фикрнинг арз этилиши, хирад³ арбоблари, донишманд, оқил ва зукколар ёруғ фикрининг қадр топганлиги (шу боисданки), улар олам боғининг очилган гуллари, балки одам фарзандлари дарахтининг самарасидир.

Бу камина фақир иродатининг холис ипи ва итоаткорлигининг мустаҳкам сиртмоғи ҳаблул матин⁴ билан ҳазрат ҳидоятмартаба ва валоятхислатнинг тасарруф ва иқтидоридадурким,

Байт:

*Дурри яктои баҳри некноми,
Имоми зумраи ақтоб Жомий
(Яхши ном чиқариш денгизининг ягона дурри,
Қутблар тоифасининг имоми Жомий).*

Аллоҳ руҳларини муқаддас қилсин, (тасарруфимга) муттасил (боғлиқ, масъул) эдилар. Ва (менинг) шикаста хотирим у жанобнинг амру наҳйи (буюрган ва таъқиқлаганлари)га итоаткорлик қилишда воситалар ахтарарди. Доимо у ҳазратнинг фармонини ёйишни лозим ва амрларига бўйсунитишни вожиб билганимдан бу каминаи камтаринга гоҳида сўз жиловини туркий водийдан форсий томонга ўзгартиришни ва назм тизгинини туркона баёндан форс тилига буришни амр қилардилар.

Агарчи у кишининг амрларига итоат қилиш бош устига лозим ва буйруқларига тобеъ бўлиш жону дил билан зарур эди. Аммо: «Ҳар бир иш ўз вақти билан гаровланган» мазмунига кўра, у ҳазратнинг баракотли тириклик (вақт)ларида тақдир тақозоси билан у амрларни адо этишга киришилмади. Ва бу бесамар кунлар барор ҳолатда ёрдам бермадилар...

Оқибат, султоннишонли ҳазрати султон — жин ва одамларнинг паноҳи, мағриб ва машриқ гори⁵нинг карам баёнли тилидан (у амр ифода топди).

Назм:

*Сояи Ҳақ, меҳри Скандар жаноб,
К—омада ҳам сояву ҳам офтоб.
Бозуи миллат қавӣ аз жаҳду ӯ,
Дин олам афроста дар аҳду ӯ*

(Ҳақ сояси — Искандармартаба, қуёш — у ҳам офтоб, ҳам соядир. Унинг ҳаракатидан миллатнинг билаги кучли, унинг замониди дин байроғи порлади).

Султон ўғли султон, салтанат ва хилофатни эъзоз қилувчи — Абулғози султон Ҳусайн Баҳодурхон Оллоҳ таоло унинг байроғини Сурайёда абадий айласин, мағриб ва машриқда унинг буйруқ ва ҳукмларини нуфузли (таъсирли) қилсин.

Қуллик сиртмоғи ва хизматкорлик алоқасининг борлиги боис бу камина у олий шаън ҳазратнинг мерос ва касб жиҳатидан юкини кўтаришга ҳақлироқдир. Ва у ҳазратнинг сўз қадрини билиш табиати ва ақлларни дол қиладиган зеҳнига нисбатан шеър санъати ва назм услубида ўқувчилик ва шогирдлик муносабатим борлиги ҳақиқатдир, шунинг учун (у ҳазрат томонидан) мазкур ишни бажаришга амр этилдим.

Ва (Оллоҳнинг) ёрдаму тавфиқи ва саодатли кўмагидан кейин 902 ҳижрий йил⁶ бир неча қасидаларнинг қораламасини ёздим. Бундай назмларнинг юзага келиши мазкур услуб (қасидагўйлик)ка лойиқ ва сатрларининг ёзилиши бу услуб тамойилларига муносиб эди. Сон жиҳатидан улар олти тарафга⁷ мувофиқ келди.

Биринчи қасидада айтилган сўзлар ҳазрати Бори таоло ҳамдига тааллуқли бўлгани учун «Руху-л-қудс»⁸ («Муқаддас руҳ») деб номланди. Иккинчисида пайғамбар наъти зилолидан қатралар ва Мустафо мадҳи сарчашмасидан файзлар томчилар эди (номи) «Айну-л-ҳаёт» («Ҳаёт булоғи»)⁹ деб белгиланди. Ва учинчиси, Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Баҳру-л-аброр»и¹⁰ равишида ва инсоният қутби ҳазрати Маҳдумий (Жомий)нинг «Тухфаи нисор»¹¹ услубини ўзида қамраб олган эди, фикр тилидан «Тухфату-л-афкор» («Фикрлар тухфаси») деб от қўйилди. Ва тўртинчисининг фойдали ўғитлари ва кўнгилга ўтирувчи насиҳатлари аҳли дил (солик)ларга фатҳу зафар сармояси ва риёзат аҳлига руҳий озуқа эди «Қуту-л-қулуб» («Қалблар озуқаси»)¹² деб аталди. Ва бешинчиси, ҳазрат шаҳриёрни мадҳ этиш шарафига бағишланган бўлиб, неъматига шукр этиш — абадий саодатни лозим қилади ва давлатини дуо қилиш — абадий нажотга сабаб бўлади. Шунинг учун у қасида «Тухфату-н-нажот» («Нажот тухфаси») номи билан зийнатланди¹³. Ва олтинчиси, фазлу ато боғининг шабадаси ёрдами ила «Миръоту-с-сафо»¹⁴ қасидасига татаббуълик шарафига эга бўлган эди, «Насиму-л-хулд» («Жаннат шабадаси») деб унга хитоб этилди ва қасидаларнинг мажмуаси «Ситтаи зарурия» номи билан машҳур бўлди.

Ишончли умидим ва содиқ кишилар бордурки, агар бир неча кунлар ажал амал саҳифаларини чигаллаштирмаса (ажал етмаса) ва йўқлик шамоли борлиқ кулбасининг чироғини ўчирмаса, бу усулда ҳар қандай сочилган қораламаларим бор

бўлса, қайд этилади ва шикаста хотирим уларни жамлашга ошиқади. Улуғларнинг яхши одатларидан ва одамларнинг гўзал ахлоқларидандурки, агар (қасидаларда) бирор нуқсон кўрсалар уни ислоҳ қилишга киришсинлар ва камчилигини саҳву хато билиб, номаъқул сўзлар ва нодонлик ҳисобламасинлар.

Тўғри йўлга эргашганларга салом бўлсин!

«НАСИМУ-Л-ХУДД» («ЖАННАТ ШАБАДАСИ»)

Муаллим ишқу, унинг мактабининг талабаси ақл пиридир. Фалакни унга адаб ўргатиш учун айланиб турувчи чарх деб бил.

Маъни ўргатувчи муаллимнинг мактабини кўргинки, сув, ҳаво, оташ ва тупроқ унинг тўрт девори. Айланувчи чарх эса унинг гумбазидир.

Мактабдаги бола сўзларни чиройли ва тўғри айтиб кетолмаётганлигидан устоз диққат. Одам умри бўйи ҳар бир сабоқни осонлик билан ўрганиб кетолмайди-да.

Бундан ҳам ажабланарлиси, (толиб) умри ўтиб бўлган соатда (ҳали ҳеч нарса) билмаганлигини билиб, хотир лавҳида сақлаб қолганларини ҳам фаромушхотирлик ёшлари билан бутунлай ювиб ташлайди.

Бу борада бола у ёқда турсин, ўзини билафон деб ҳисоблайдиган сўзнинг пири донолик даъвосини қиёмига етказиб турса ҳам дарду шавқ аҳли буни нодон деб ҳисоблайдилар.

Уларнинг бирлари ёруғлик манбаи нур, иккинчиси (яъни) ақл зулмат бўлгач ва асло бир-бири билан қўшилиб кетмагач, бундай устозу шогирддан қандай натижа бўлар эди?

Бу муаллимнинг таълимини агар бошдан-оёқ фаҳм этсанг, жаҳл нуқсонларидан эмин бўлиб, Оллоҳ билимларидан баҳра олиш билан комиллик касб этишга ишонч ҳосил қиласан.

У шундай бир гулшан томонга йўл кўрсатадики, унинг бу дилкаш жойининг дарахтлари тубо ҳурларининг қадди-қоматига ўхшайди, кавсар жаннатий лаълардай товланиб туради.

Уларни жаннат дарахтлари демагин, у чаманнинг

сарвларини бирма-бир иймон борида жилвагар бўлган алифлар деб билгил.

Унинг гўзаллигию тароватидан Оллоҳнинг пок каломидаги «жаннату тажрий тахтиҳ ал-анҳор»¹⁵ни унинг шаънига айтилганлигини кўрасан.

Хизир чашмасининг суви унинг ҳавзидан олинган бир идиш сифимичадир. Осмондаги Қуёш бу жаннат гулистонининг бир гули саҳифасичадир.

У ерда Исо нафасидек хушбўй шабада эсиб туради. Қушларининг ёқимли овози Довуднинг «Забур»ни ўқиган вақтдаги оҳангни эслатади.

У ердаги ариқнинг жавҳарсимон майда тошларининг қимматидан Бадахшоннинг лаълисию уммонларнинг дурлари юз йўл хижолат чекади.

Марямнинг ўғли Исо ўзининг ўликларни тирилтирувчи нафаси билан ўша ернинг хас-чўпларини супуриб юради. Имроннинг ўғли Мусо қўлидаги ҳассаси билан ўша боғ эшигида соқчилик қилади.

Эй кўнгил, (юқорида таърифланган) гулшан маърифат боғининг ўзгинаси. Яратганнинг қудрати шундайки, уни ўзи комил инсонлар учун ораста қилиб қўйган.

Ўша мактабдаги ўша муаллимдан комиллик топганнинг ташқи дунёси кўриниб турган вайрона тан мулки ва яшириб қўйилган хазинаси ҳам бахтиёрликдир.

Ўша вайронадан бойўғли Хумо — бахт қушидек шундай парвозга келадики, унинг соясида подшоҳлар давлатни идора қилиш қуввасини топадилар.

Бу Каёний¹⁶ хазинасидаги ҳар бир гавҳар шу даражада қимматга лойиқки, агар у йўқолса Жамшиду¹⁷ Кайхусрав¹⁸ мулки харж қилинганда ҳам қоплаб бўлмайди.

Қандай яхшики, хотиржам ботин жамоаси (фонийлашган соликлар) бундай хазинани сақлаш билан ташқи оламда кўриниб турганларини пора қилади.

Комиллик касб этган ўша соликнинг ўша ганжни сақлаш учун бадан шаҳрининг вайрон бўлиши қандай яхши (дил мулкининг маъмурлиги учун уни сақлашга азм қилган тан шаҳрининг вайрон бўлиши қандай яхши).

(Солик йўлда экан) зоҳирда унинг оёғига тиканлар санчилади. Маънан эса, унинг оёғига кирган ўша тиканларни

жаннат ҳурлари киприклари билан чиқариб оладилар.

Солик доимий ботиний зикрадир. Бироқ унинг кийган кийими юз поради. Бу поралар Қуръон оятларидан иборат бўлган жаннатнинг гулларига ўхшайди.

Солик бошдан-оёғигача маломатда, лекин унинг дилида яккаю ягона Оллоҳнинг зикри «маломат» сўзи ичидаги алифга ўхшаб дил уйини ёритиб туради.

Ўзини топмоқ йўлини босиб ўтишда кўз ёшлари кўкрагига тушиб, қуйига қараб равона бўлади. Бу тўкилган ёшлар раҳмат булутидан томган файз денгизининг дурларидекдир.

Ботинда (висол) дарёсига ғарқ бўлиб, зоҳирда эса ҳунарманд қўллари билан уммондаги кемасини ҳаракатга келтиради.

Сўфий кўз юмуб очгунча Машриқдан Мағрибгача бўлган йўлни босиб ўтади. Осмондаги қуёшга ўхшаб ер юзини секинлик билан бир кунда айланмайди.

Уларнинг ҳимматларининг юксаклигию нафсоний ҳузур-ҳаловатларнинг тарк этишидаги мардлигига фалак ва Зуҳал юлдузининг икки холи гувоҳдир.

Сўфиёна завқу шавқ лаҳзаларида эғнидан тушиб кетган эски кийими фалакнинг этагича, унинг ёқаси эса осмоннинг айланасичадир.

Сўфийларнинг ўзлигини йўқотиб руҳий завқ-шавқ пайтларида айланувчи чарх кичик бир нуқтадек майдонга ўхшаб қолади. Чархнинг айлана этаги ҳам зикрга туша бошлайди.

Шунда агар ваҳдат дастурхони ёйилса, малоикалар унинг атрофида ҳар томондан келган пашшалардай ғавғо кўтариб, меҳмон бўла бошлайдилар.

Масих (Исо) азал субҳида унинг муҳофиз нафасидан файз топган. Хизир эса, зулмат кечасида унинг тириклик сувидан ичган.

Осмонда ҳодисалар тўфонининг бош тортиб келишидан нима парво. Арши аъло атрофида яшовчи (фаришталар — қудсийлар)нинг Нуҳ тўфонидан нима ташвишлари бўлиши мумкин?

Эй кўнгил, сен бундай комил соликларнинг равишини истамоқчи бўлсанг, билгинки, улар аласт куни¹⁹да Ҳақ билан

аҳду паймон қилганлар.

Сен агар ундан йўл-йўриқ ўрганмоқчи бўлсангу бу насиб этмаса. Сен шунда ҳам умидсиз бўлма ва Оллоҳнинг иноятидан баҳраманд бўлиш ниятидан қайтма.

Чунки ёмонликни ўзига касб қилиб олганлар агарда яхшиларнинг йўлига рағбат қилсалар, бу ҳам Оллоҳнинг инояти аломатидир.

Сен агарда йўлга чиққан мард, яъни солик эсанг нопок нафсингдан кеч ва шу маҳалнинг ўзида ҳалол кишилар юрган тўғри йўлни чоғла.

Бу йўлга кираётганингда аввал тавба-тазарру ёшлари билан бутун баданингни покла. Яхши томони шундаки, Яратган (ўз ишидан) пушаймон бўлганларни пушаймон қилдириб қўймайди (ўтган ишнинг доғига ташлаб қўймайди).

Ундан кейин агар уддасидан чиқсанг етук бир йўл кўрсатувчи (муршид) топ. Чунки йўл йироқ, ҳатарли, унинг биёбони мусофирларни қатл этувчидир.

Бу йўлнинг қандайлигини билсанг, ундаги тиканли дарахтлар йўл юрувчининг оёғини ерга бутунлай ёпиштириб қўяди. Ҳар қадамда дарахтларнинг тиканлари мақсадга етишиш йўлида монеълик қилади.

У ердаги тиканли дарахтлар шох ва баргларидаги ўргимчак ини тузоғига фалакнинг қушга ўхшаш жуфт юлдузлари пашшадек илиниб ётадилар.

Баҳорида ҳар томонда узоқдан кўзга жимирлаб кўринадиган селлар оқади. Иссиқ шамолида ранг-баранг гуллар турлича бўлиб кўринади.

Унинг кенг майдонларида ҳар қадамда ҳаммани ҳалок қилувчи юзлаб офатлар учраб туради. Йўлни кесиб ўтишда ҳатто аждаҳо ҳам кўрқувда жонини ҳовучлаб юради.

Йўлни кесиб ўтишда икки юз бало тоғи қон тўкувчи қилични қайраб тургандай (ўша) бало тоғи этагига тош тўлдириб, ҳар томондан чоғланиб туради.

Минглаб офат денгизининг гирдобларига юзлаб дунёлар ғарқ бўлган, унинг на соҳилини ва на ниҳоясини ақл англаб етиши мушкулдир.

Катта балигига ерни елкасида кўтариб турган балиқ каби ҳар куни икки ютум керак бўлади. Лекин унинг меъдаси (ошқозони) яна тўймай, очликдан қизиб туради.

Сўз бораётган манзилда мингларча ўрмонлар учрайди. (Бу ўрмонларда баҳайбат) дарахтларнинг ҳар бир япроғида ўзларининг ердан сув тортиб оладиган томирлари билан маҳрумлик, умидсизлик ҳарфлари ёзиб қўйилганлигини кўриш мумкин.

Бироқ бу ўрмонларни (одамнинг жонини ўртовчи) алангалар қоплаб олган. Улар мовий осмон гумбазича шуъла сочиб турадилар.

Бу (даштнинг) баланду пасти кетгунича гўё ер қаъри юқориға кўтарилиб, Сурайё юлдузи пастга ингандайдир.

Бундай таҳликали ва душвор йўл устидан чиқиб қолган йўловчи учун йўл бошловчи (пир)сиз, аниққи, илгарилаб кетиши мушкул бўлади.

Йўл бошловчи (ўз навбатида) маънавияти билан комил муршид (пир) бўлмоғи лозим. Шунда юқорида айтиб ўтилган йўлни босиб ўтиш хатарлардан холи бўлади.

Аввало, у дин йўлида ҳар неки буюрса, қабул қил ва сидқидилдан адо эт.

Сенга биринчи фарз — кофир нафсингни ўзингга бўйсундириб оласан. Ундан кейин кўнгил подшоҳининг олдида уни мусулмон қиласан.

Нафсингга турли риёзатлар буюрмасдан туриб, у кофир нафсинг юмшайди, унинг илатлари устидан ҳукмрон бўлишинг мумкин эмас.

Ҳиндистоннинг зўр филини ҳам чангакнинг зарби чумолига ўхшаб бечора, ожиз қилиб қўяди (сен ҳам нафсингни шундай қилиб қўй).

Шер эгаси қаттиқ чўпу қават-қават занжир билан йиртқич ҳайвонни занжирбанд қилмаса, у йиртқич қандай қилиб итоаткор бўлиб қолади.

Бу (нафс) шер эмас, тулкини ўйнатовчи айиқ ҳам эмас, балки айиққа ўхшаган айёр тулкидир. Чунки унинг макру найранглари олдида жаҳон шерлари ер тишлаб қолганлар.

(Солиқнинг) офатли йўлида бу каби нафс ҳамроҳи бор экан, йўлдан уришда юзлаб деу шайтонлар унга шогирддай бўлиб қолдилар.

Бу водийда юзлаб биёбон девларини ўзига ром қилиб олган нафснинг сенга ҳамроҳлик қилиши мақбул эмас.

Қўлагининг ичида заҳарли илон бўлгандан кейин қандай қилиб бу йўл бехатар бўлсин. У илонларнинг ҳар бири

ҳар бир тук тагига тишини тираб, сени ўлдириш учун чоғланиб турибди.

Бу заҳарли илонгина эмас, шундай шум қуртки, у (кишини) ҳалок қилувчи бўлиб, мақсадга етишга монеълик қилиб туради. У Кирмон шоҳини (қуртлар шоҳини) ўлдирмагунча мақсадимга етдим демайди.

У ҳамма малоикалар сажда қилган одамга душман бўлиб, уни бир дона буғдой туфайли жаннатдан қувдирган иблисдекдир.

Нафс шундай отани мағлуб қилди. Мағлублик одам авлодига мерос бўлиб қолди. Шундан буён нафс танамизга жабр-ситам тошини отиб, юракка наштарини санчиб келади.

Агар одам шундай душманни (шайтоний нафсни) енгиб ўтса, баҳодирликда Рустамгина эмас, балки жанг майдонининг асл мардидир, деб айтиш мумкин.

Агар сен муршид — йўл бошловчининг буюрганларидан ташқари чиқмасанг (уларни сўзсиз бажарсанг), нафс сенинг олдинда ожизланади, сенга қарши туриш қуввати сусаяди.

Айтайлик, нафсинг сенга бўйсунди, лекин бу ҳали қийинчилик, машаққатлар бутунлай чекинди дегани эмас (сен ниманики мушкул деб билган бўлсанг бундан ҳам ортиқ мушкулликлар бор).

(Сенга йўл бошловчи бўлган комил) айтади: нафснинг макру ҳийлаларидан қутулдинг. Энди (хотиржамлигинг) тожингнинг осойиши учун (ҳушёрликни қўлдан бермаслик, огоҳлик учун) унинг азобда бўлишини мақбул бил.

Агар офатлар билан тўлиб-тошган бу селдан борлиқ мамлакати (яъни вужудинг)нинг вайрон бўлишини истасанг доимий покланиб, шариат буюрганларини адо этишни кўнглингга туккин.

Оллоҳ ишқига фарқ бўлиш ва нурга чўмишни тунда ўқиладиган намозу йиғи, муножотлардан деб бил. Шамъ шундай қилганлиги ва қуёшдай порлаганлиги учун унга юксақдан жой бердилар.

Дил денгизида кетма-кет келадиган тўфонлар хатари борлигидан билгилки, агар сен ҳам зарарли туғёнларга берилсанг, кўнгил кемаси фарқ бўлиши мумкин.

Мана шундай хатарли мавжлардан бошпана топиш

иложини шамол ҳукми остида бўлган Сулаймондек қудрат эгаси топа олиш мумкин.

Дилингда маҳкам туриб «ла илаҳа»ни «иллаллоҳ»га келтириб боғлашни билгин. Муршидинг нафйи исботни қандай буюрган бўлса, ша туриқа адо эт.

Сенинг «ла илаҳа» дейишингдан мақсад кўнглингдан «мосиваллоҳ»²⁰ни чиқариб ташлаш бўлиши керак. Нафй зикридан мақсад бошқа илоҳларни рад этиб, Оллоҳнинг ягоналигини исботлашдир.

«Иллаллоҳ» дейишингдан мақсад ҳақиқий маъбуд (Оллоҳ) бўлиши лозим. «Қул ҳуваллоҳу аҳад»²¹ оятининг ҳукми унинг шаънига шоҳид бўлади.

Лекин бу зикрни шундай хотирага олиш керакки, ўша зикр қилувчининг бундан бошқа огоҳлиги ва далили бўлмасин.

(«Ла илаҳа иллаллоҳ»даги) алифлар дилингда тикиб қуйилгандай, михлангандай мустаҳкамлансин. Уни исбот ва рад қилишдан ақлга йўл қолмасин.

Маънавиятингда Ҳаққа восилликни муқаррар қилгач, зоҳирда шариат қоидаларига амал қилишни зарур деб бил.

Беш вақт намоз ислом панжасининг қуввати бўлди. Унинг одобу арконларига риоя қилиб, адо этгин.

Закот йигирмадан бир деб олинди. Унинг қолган йигирмасидан ҳам ҳақ бериш дил ҳукмидир. Балли, шукронани бериш мардларнинг қарзидир.

Рўзанг вужудингни шариат томонидан таъқиқланганлардан сақлайди. Дилнинг рўзаси Раҳмонни ёдлаб туришингнинг йўлини тўсиб турувчилардан ҳимоя қилади.

Ундан кейин ҳажнинг шартларини адо қилмоқчи бўлсанг, бунинг учун унга қодир бўлмоқлигу, йўл хавфсизлиги керак. Унинг биёбонига зоҳир юзасидан қадам ташлаб бўлмайди.

Бироқ йўлга чиққанлар бош-оёқ яланг юрадилар. Қуёшга ўхшаб кийим-бошга эътибор қилмайдилар. Ўзи йўлдаю оёғлари айланувчи чархнинг тўртинчи қуватида бўлади.

Юришда оёқ остидаги чумолига ўхшаб озурда бўлсалар-да, мақсадга (висолга) етишиш ҳаракати рашкидан чумолиларнинг ҳар бири аждар келбатига эга бўлади.

Соликни ўзининг ориқ елкасига жундан тайёрланган кийим ташлаб олиши бежиз эмас. У ҳаддидан ошадиган

нафсининг эговидир.

Сўфийнинг танида риёзат тошидан минглаб доғлар пайдо бўлган. Бироқ буларнинг бари бир томону айрилиқнинг доғи бир томондир.

(Оллоҳ кечирувчидир) Гуноҳнинг қиёмат тарозусида Қоф тоғига тенг бўлса ҳам пушаймонлик (тавба) оҳи билан уни учириб юборишинг мумкин (тавба гуноҳни ювиб кетади).

Сен тоат-ибодатни юз карра ўрнига қўйсангу, унга риё юққан бўлса, уни тоат денгизи эмас, гуноҳ денгизи деб бил.

Зим-зиё ичинг дирамларнинг (танга пулларнинг) нақшлари билан хира тортиб кетган. Ташқаридан эса у танга тўлдирилган ҳамёнга ўхшайди.

Агар юзта жонингни гаровга қўйиб, фақрлик тариқининг қўлини тутсанг, Худо сенга арзон қилибди. Арзонга сотиб олибсан.

Душман сенинг жонингга қасд қилган тақдирда унга (зарба беришга) қодир бўлсанг ҳам буни Худодан (тақдирдан) деб бил, унинг кўнглини ранжитишни кўзлама.

(Ҳожатмандлик туфайли) нокасдан ҳеч қачон нон сўрама, унинг кул остидаги нони ой кулчаси бўлганда ҳам.

Нимаики сўрайдиган бўлсанг Ҳақдан сўра, балки Ҳақдан ҳам сўрашга ҳожат йўқ, зеро йўл юрувчига аталган (ризқ-рўз) аввалдан тайин этилган.

Ҳақдан бало етса, унинг неъматидеб бил. Бу неъмат шукрини қилмасанг куфрдир.

Риёзат қудуғини қазиб, кўнглинг равшанлик тортганда англаб биласанки, у сени оқибатда иззат билан Канъонли ой (яъни Юсуф каби) Миср тахтига ўтқазади.

Ҳийлагар шайх ҳийла-найрангини тарк этса ҳам бу нуқсондан бошқа нарса эмас. Дўкони ёпиқ бўлган бозордан ким ҳам наф кўради.

Сен Ҳақнинг сирини яширин тутсанг, бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Бутга сифинувчи ҳам ўз бути сирини юраги қатида яширин сайлайди.

Мажозий маҳбубинг бўлсаю, сен уни яширин тутсанг, бундай сир ҳақиқий маҳбублик йўлига олиб боради.

Дўст ризосини қидирсанг, олдинга нимаки келса (бошингга нимаки тушса) буни г фойдасига ҳам зиёнига ҳам рози бўл, ҳаммасини тақдирдан деб бил.

Гофил воиз насиҳатларига қулоқ солма ва ундан йироқ бўлки, у гафлатдаги одамнинг уйқусидаги афсоналардир.

Ҳарақонийдек шайх сени оз фурсатда ер юзини кездириб, ажойиботларини кўрсатса ҳам, бу (тариқат) водийсининг кароматларига маҳлиё бўлма.

Билгинки, комил дарвишларнинг тутган йўли доимо шундайдир. Агар замона шоҳлари ҳам бу йўриқни тутсалар зийнат устига зийнат шу эди.

Замона шоҳларидан дарвишликни шоҳликдан юқори қўйган бир кишигина бу мартабага лойиқдир. Орифлигига кўра дарвишлиги шоҳлигидан устундир.

Султон Ҳусайн Бойқаро дарвишваш шоҳ, фақрликни одатга айлантирган султондир. Шоҳлик тахтининг юксаклиги, дарвишлигу фақрлик Ҳақ таоло томонидан унинг шаънига лойиқ кўрилгандир.

Султон Ҳусайн Бойқаро салтанат осмонининг Абулғозийси бўлиб келди. Одам Ато давридан бошлаб аждодида султонлик насаби давом этиб келади.

Уни султон дема, оламнинг султонлари унга мулозимдирлар. Шунинг учун ҳам унга хон ибн хон лақаби нисбат бўлди.

Мулкни бошқаришда Доро ва унга ўхшаганлар унга қулдирлар. Мамлакатни тартиб билан бошқаришда Сосон²² ва Сомонлар²³ унга хизматчидир.

Дунёнинг гулшани унинг мулкдорлик боғининг оромгоҳидир. Э эн ва Турон унинг базм қурадиган иккита мавзеидир.

Мамлакатни идора этишда Жамшиднинг бошқарув тартиблари унга нописанд. Мол-мулк бағишлаш, яъни саховатпешаликда Сулаймоннинг мулки арзимас бўлиб қолади.

Даргоҳи остонаси шу даражада баландки, унинг дарвозабони қўлидан бир чўп тушиб кетса, у юз асрдан сўн Кайвон (Зуҳал) устида ётган бўлади.

Унинг хитоби — амри шундай таъсирлики, агар тоққа тегадиган бўлса, тоғнинг аъзоси титраб, йўқлик даштининг кукунига айланиб кетади.

Кударз бинни Кашвод унинг камтар сарой хизматчиларидан биридир. Сомнинг ўғли Наримон²⁴ унинг лашкарларига бир хизматкордай.

Унинг яхши хулқи ўликни тирилтиради. Унинг райҳону гулларидан жон бағишловчи шабада эсиб туради.

Унинг саховати ҳавосидан баҳорда осмон юлдузларга тўлгандай баҳорий булутидан юзларча садафлар дурга тўлади.

Халқни қабул қилиб, шоҳона зиёфат берадиган кунда фалак қаватлари каби минглаб дастурхонлар ёйилади.

Байрам кунлари ёзилган дастурхоннинг нон ушоқларидан икки юзта Ҳотаму Бармак²⁵ка ўхшаган(лар) юз йил ризқ топадилар.

Хисрав (подшоҳ)лар юзида даргоҳи тупроғига сажда қилганликнинг нури бор, қайсарлар (подшоҳлар) орқасида унинг пойлоқчиси қўлидаги чўпи (урган вақтдаги) изини кўради.

Ёмғир қатралари ҳавони қандай тешиб ўтсалар, унинг камонининг ўқи тошларни шундай тешиб ўтади.

Уруш чоғларида шоҳнинг яланғоч танаси қизил қон билан қоплангандай, қиличи ҳам қизил кийим кийган жаллодга айланади.

Ёмғирли булут чақмоғи билан тошни ёриб кирганда шоҳ йиғлаган пайтларида тошбағирлар юрагини пора қилиб ташлайди.

Эй шоҳ, сенинг мақтовингга бағишланган бу шеъримни кимки ўқиса, хоқонлик даражасидаги Хоқоний шеърига эътибор қилмай қўяди.

(Хоқонийдан) кейин ҳинд сеҳргари (Хусрав Деҳлавий) бу назми қаламга олди. Унинг табъи назми билан «Миръоту-с-сафо» («Ёруғлик ойинаси») номли (асари) пайдо бўлди.

Яна бир орифи Жом — Абдураҳмон Жомийнинг «Жилоу-р-руҳ» қасидасида олий даражадаги зот ишга қаттиқ киришиб, ушбу Аднон авлодининг фаҳри бўлган Муҳаммад алайҳиссалом наътини яратишга эришди.

Мен шоҳ мадҳидаги (ўз шеъримни) «Насиму-л-хулд» деб атадим. Чунки унинг ҳар байти танга жаннат шабадасидек баҳра бериб туради.

Шу иккала (устоз) руҳидан Ҳақ йўлида мадад сўрадим. Дилим яратгандан нима тиласа, шундай файз етди.

Жомийга унинг қасидаси юзасидан даъвом йўқ. Бу (гапим) шу маънодаки, бу (зот) менинг устозим ва унинг қасидаси девонига зийнатдир.

Хусрав (Деҳлавӣ)га даъво қилишимнинг ҳожати йўқ. Чунки ўқувчи (қасидаларнинг) ҳар иккисини ҳам назардан кечирган.

Агар жавҳар сотувчилар савдо иши билан бу туҳфани (менинг асаримни) Ҳиндистонга олиб борсалар ёки дарёдан кечиби ўтувчи савдогарлар Ширвонга олиб ўтсалар,

Хусрав (Деҳлавӣ)нинг руҳидан менга икки юз инсоф билан айтиладиган (гапу), юз таҳсин муқаррардир. Хоқонийга эса келадиган малолликларни тушунтириб беролмайман.

Ҳамиша оламнинг дилкаш дашти (яйловларида) раият — галаю, одил шоҳ чўпондир.

Ушбу майдонда юз минг, ундан ҳам ортиқ фуқаро бўлсин. Уларнинг ҳар бирига минглаб хонлару, шоҳлар хизматда бўлиб қолсинлар.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ (ваф. 1505)

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёт саналари аниқ эмас, бироқ унинг Ҳиротда яшагани, Алишер Навоий билан яқин мулоқотда бўлгани ва "Мажолису-н-нафоис" асарига унга юқори баҳо берилгани маълум. Кошифийнинг эл орасидаги энг машҳур асарлари ислом асосларига бағишлангандир. Айниқса, унинг "Тафсири Ҳусайний" номи билан машҳур бўлган Қуръони каримнинг тафсири деярли барча мадрасаларда ўқитилган таълимий китоблардан эди. Алломанинг ахлоқий-эстетик қарашлари "Ахлоқи Муҳсиний" китобида, фалсафий қарашлари эса, "Анвори Суҳайлий" номли китобларида акс этган.

Воиз Кошифийнинг "Рисолаи Хотамия", "Лавомеъу-л-қамар" («Ой шуълалари»), "Лубби лубоби маснавий", "Бағоъеу-л-афкор фи саноеъу-ш-шеър" («Шеър санъатларида фикр гўзалликлари») сингари асарларида адабий-назарий қарашлари ўзига хос тарзда ифодаланган. Муаллиф ўзининг "Жавоҳиру-т-тафсир" асарига "Қуръони каримнинг Бақара сурасини шарҳлаб берган бўлса, "Футувватномаи султоний" («Жувонмардлик тариқати») асари мусулмон ўлкаларида кенг тарқалган Жувонмардлик, унинг тасаввуф илмидаги ўрни ва бошқа тариқатларга муносабати масалаларини қамраб олган. Кўплаб бағийй асарларнинг қатига сингган тасаввуфий маъноларни аниқлашда, илми ҳол, қол, феъл ва бошқа руҳий манзиларни ўрганишда Ҳусайн Воиз Кошифий асарининг ўрни беназирдир.

«ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ»дан

БИРИНЧИ ФАСЛ: Ушбу илмнинг шарафи ҳақида

Билгилким, футувват илми шариф-мўътабар илмлардандир ва тасаввуф билан тавҳид илми¹нинг бир бўлагидир. Ва оламнинг улуг зотлари бу илмда кўп китоблар битибдирлар ва унинг таърифи, камоли ҳақида кўп саҳифаларни қоралаганлар... Чунончи, "Қавоъиду-л-футувват"(ни) Фаридиддин Атторга нисбат берибдирлар. Ва яна "Одобу-л-футувват" ("Футувват одоби"), "Орифу-л-масриф" ("Орифлар фойдаси"), "Мирсоду-л-аъбод" ("Бандаларнинг мушоҳада қиладиган жойи"), "Ҳадиқату-л-ҳақиқат" ("Ҳақиқат боғчалари") номли рисолалар, шунингдек, Жомийнинг "Рисолаи сайр", Зариа Исфаҳонийнинг "Зоду-ла-аҳира" ("Охират озуқаси"), Шайх Атторнинг "Тазкирату-лавлиё" каби китоблари мавжуд бўлиб, уларда бу шариф илм — футувватнинг зикри ва бу сифатга мушарраф кишиларнинг таърифи берилган...

Билгилким, "футувват" сўзининг луғавий маъноси ёшлик демак, ёш йигитни "фатий" дерлар. Баъзилар бу сўзга изоҳ бериб, футувватни жувонмардлик (жўмардлик) деганлар. Истилоҳ сифатида футувват деб омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машҳур бўлишни айтадилар, шу важҳданким, бундай одам ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида мумтоз² бўлади...

Футувватнинг уч мартабаси бор: аввал саховат, яъни бор нарсани ҳеч кимдан қизғанмаслик. Иккинчиси сафо, яъни қалбни кибру ҳаво, гина-кудурат, қасд-ғазабдан покиза, пок тутиш. Учинчиси вафо, яъни ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш...

ИКИНЧИ ФАСЛ: Тариқатнинг маъноси ва унга тегишли нарсалар ҳақида

Агар тариқатнинг маъноси нима, деб сўрасалар, дегилким, тариқат деб луғатларда тўғри йўлни айтадилар. Истилоҳ (термин) сифатида эса, сулук манзиллари (яъни маънавий-

ахлоқий покланиш босқичлари)ни босиб ўтиш ва бу мақомотда (даража-мартабаларда) тараққий этиш хислати, йўл-йўриғини билдиради. Агар тариқатнинг асли нечта (белгидан иборат) деб сўрасалар, учта (белги) деб айт, яъни: дам (нафас), қадам ва карам. Агар буларнинг ҳар қайсиси нима маънони билдиради, деб сўрасалар, жавоб бериб айтки: дам (нафас) айтилиши лозим бўлмаган нарсалар ҳақида дам урмаслик (яъни сўзламаслик); қадам — қилиниши манъ этилган ишларга қадам урмаслик, карам — иш билан шуғулланиш ва керакли ишни қилиш ҳам иш пайтида қалб тоатини қанда қилмаслик. Кимки бу уч асл (талаб)дан бирортасини бажармаса ёки билмаса, у тариқатдан баҳраманда эмасдир...

Агар тариқатнинг иймони нима, деб сўрасалар, руҳнинг (шахснинг) иродада оғишмай мустаҳкам туриши, яъни пир ва устоз амрини устивор туриб адо этишидир, деб айт: аввал — зикр, иккинчи — шукр, учинчи — хизмат, тўртинчи — тоат, бешинчи — мурувват, олтинчи — қаноат, еттинчи — муҳаббат, саккизинчи — таслим (итоат), тўққизинчи — таваккул³, ўнинчи — тавҳид.

Агар тариқатнинг тақбири⁴ нима деб сўрасалар, тўғри ва мақбул сўз айтиш дегин. Агар тариқатнинг рукни — устунни нима деб сўрасалар, хос сўзни жойида хос кишиларга айтиш, деб айт. Агар тариқатнинг сужуди (саждалари) нима деб сўрасалар, чуқур маъноли, ҳаммага маъқул сўзларни гапириш ва жувонмардлар билан дўстлашиш, деб айтгин. Агар шариат, тариқат ва ҳақиқат орасида нима фарқ бор, деб сўрасалар (бу тушунчаларнинг) ҳар учаласи ўзаро вобаста, деб жавоб бер.

Шариат равшан билган нарсалардир, нишондир, ҳурматдир. Тариқат қидириладиган нарсадир, интилишдир, баёндир, хизматдир. Ҳақиқат кўриш учун курашиш, кўриладиган нарса, яъни аёндир, ҳикматдир. Агар булардан ҳар бирининг самараси нима, деб сўрасалар, дегил: шариатнинг самараси — аҳдга вафо, тариқатнинг самараси — фикр, яъни ўзидан воз кечмоқ, ҳақиқатнинг самараси бақо, яъни ботилдан умидни узиб, ҳақ суйган ишларга боғланиш. Агар тариқатнинг обрўи нима, деб сўрасалар, бу (нарса) икки асосдан иборатдир, деб жавоб бер: Аввал шуки, дарвишлар олдига қуруқ қўл билан бормасин, иккинчидан, ҳамиша таҳоратли, пок бўлсин.

Агар шариат, тариқат ва ҳақиқат сўзларининг ҳарфлари нимага ишора этади, деб сўрасалар, жавоб бергилким, "*шариат*" беш ҳарфдир (араб ёзувидаги шакли назарда тутилади) ва уларнинг маънолари қуйидагича: "Ш" — ибодат шартини бажо келтириш, "Р" — мумкин нарсани мумкин эмас, нарсадан ажратиш, "Й" — яқдил бўлиш, "Ба" — илм ўрганиш, "Т" — талаб қилиш. "*Тариқат*" сўзи ҳам беш ҳарфдан иборат: "Т" — талаб қилмоқ, "Р" — бўлиш, "Й" — ишонч ҳосил қилиш (яқин), "Т" — таважжуҳли бўлиш. "*Ҳақиқат*" (сўзи) ҳарфлари ҳам маънолидир: "Ҳ" — ҳузурланиш, дил ҳузури, "Қ" — тажрид (ёлғизланиш) саҳросига қадам қўйиш, "Й" — тафрид (дунё таалуқларидан қутулиш мартабасида бирлашиш), "Қ" — мажозий борлиқ, яъни вужуд борлиги қайдидан қадамни кўтаришким, солиқнинг назари ашё ҳақиқатини идрок эта олади, "Т" — тавҳид. Ушбу ўн беш сифат мавжуд бўлган эр комил ва мукаммал инсондир ва у тариқатнинг пешволигига лойиқ бўла олади ва шайхлик жойнамози устига чиқишга сазовордир.

УЧИНЧИ ФАСЛ: Тасаввуфнинг маъноси, унинг одоби ва руқнлари ҳақида

Билгилким, тасаввуф тариқат мақомотидан биридир. Ва бу номнинг (яъни "*тасаввуф*") сўзининг эски ёки янгилиги, келиб чиқиши ҳақида (олимлар орасида) ихтилоф бор. Баъзилар бу сўз ислом пайдо бўлгандан кейин келиб чиққан дейдилар... Аммо маълум бўлишича, "*тасаввуф*" сўзи исломдан олдинги замонда ҳам бўлган экан. "*Унс-у-сўфия*"⁵ китобида биринчи бўлиб "*сўфий*" деган номни олган Одам ато фарзандларидан бири — Шиш эди деб нақл қилинади... Унинг либослари яшил суфдан (суф — жун мато) экан ва Шишдан кейин жун матодан кийим кийиб юрувчиларни "*сўфий*" дейдиган бўлдилар. Ўзини шу тоифага мансуб деб биладиганларни тасаввуф аҳли, деб юритадилар. Бас, соҳиб камол сўфийлар аҳволига талабгор бўлиб, астойдил интиланларни мутасуфия дейдиган бўлдилар. Агар тасаввуф нимадир, деб сўрасалар, айтингки, бу саволга берилган жавоблар бир қанча.

Биринчидан, тасаввуфни *таҳлия*⁶, яъни холи бўлмоқ, қалбни бўшатмоқ ва яхши, мақталган ахлоқдир, дейдилар. Иккинчидан, тасаввуфни тасфия, яъни руҳни ағёр — бегонадан тозалашдир, деб айтадилар. Учинчидан, тасаввуф

ҳузуъ, яъни нафси жиловлаш, ҳоксорлик ва жонсипорлик намунасини кўрсатишдир дейдилар. Тўртинчидан, тасаввуф даъвони тарк этиш ва маъноларни халқдан яширишдир, дегувчилар бор. Яъни киши то даъводан воз кечмаса, маънога етмас ва то ўз маъноларини яширин тутмаса, тасаввуфдан баҳра топмайди. Бешинчидан, тасаввуфни (яна) ибодат ҳуснига ишорат, деб таърифлайдилар. Олтинчидан, тасаввуф нафси хор тутиш ва амрни азиз тутишдир дейдилар. Еттинчидан, тасаввуф барча адабдир ва кимки фақр (дарвишлик) одобидан бирига ўзини вобаста этмаса, тасаввуфдан фақат номгина билади, халос дейдилар (Ушбу таърифларнинг барчаси тасаввуф учун хосдир).

Агар ўзларига тасаввуф номини олган мазкур тоифа неча гуруҳга бўлинади, деб сўрасалар, уч гуруҳга деб айт: биринчиси — мустасуф. У қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган ва мансаб — жойга восита бўлган мол-дунё учун ўзини дарвишларга ўхшатиб юрадиган кишидир ва унинг ҳеч бир мартабаси йўқ, бундайлар тўғрисида яхши демишлар:

*Сигку сафо йўлини юрмай дағдаға бунча,
Сўфию шайх номини сотиб валвала бунча!*

Иккинчиси — мутассуф. Бу мақсаднинг илк манзилига етган одамдир. Учинчиси — сўфий. У ўзидан фоний бўлиб, Ҳаққа боқий бўлган, яъни ўзидан кечиб, Ҳаққа етган одамдир...

Агар сўфийнинг маъноси нима, деб сўрасалар, бу тушунчанинг талқини кўп деб айтгин, биз эса шулардан бештаси ҳақида фикр юритамиз. Биринчидан, сўфий зоҳирда қул, ботинда (маънода) эса озод бўлган киши, яъни ўз зоҳирини тоат-ибодат хизматига боғлаб, ботинини барча дунёвий алоқалардан узган шахсдир. Иккинчидан, сўфий ҳеч нарса бандига гирифтор эмас ва ҳеч нарса унинг бандига гирифтор эмас. Бу (гап) қуйидаги икки тушунчага ишорадир: бири ихлос, яъни банданинг башарий сифатлар, интилишлардан мутлақо қутулгани, фоний бўлиши. Иккинчиси ҳуррият, яъни солиқнинг ўз азалий фақридан қутулиб, аслий (зотий) бойлигига етишиши. Учинчидан, сўфий сири (қалби) мусаффо, ақли муалло⁷, фазли дарё, кўнгли муҳаббат аҳди

билан тўлган одамдир. Тўртинчидан, сўфий зоҳири малоиклар кудуратидан (ғам, кулфатидан) узоқлашган, ботини эса тафаккурга мойил одамдир, унинг ҳиммат кўзи олдида олтин билан тупроқ тенг бўлмоғи даркор. Бешинчидан, сўфий дам (нафас) билан топган нарсасига қадам билан юриб эришган, яъни илмул яқин рубтасидан айнул яқин⁸ рубтасига (қараб) тараққий эта олган одамдир.

Агар мазкур тоифани нега "сўфий" деб атайдилар, деб сўрасалар, бунинг ҳам жавоби бешта деб айт: "Аввал шуки, сўфийлар биринчи сафдадирлар, яъни барча солиҳлар олдинги сафида турувчилардирлар. Иккинчидан, улар асҳоби суффага тавалло қилган зотлардирлар. Асҳоби суффа эса, дунё ишларидан юз ўгириб, охиратни иқбол деб билган кишилар эдилар, уларнинг юзи ғамдан сарғайиб, саҳардан шомгача худога нола қилиб, зикр тушганлар. Демак, асҳоби суффа каби барча алоқалар, орзулардан кўнгил узиб, ҳар нафаси ибодатга уланган кишини сўфий дейиш мумкин, гарчи бу араблар урфига тўғри келмаса ҳам. Учинчидан, мазкур сўзнинг келиб чиқиши сафо сўзи билан боғлиқ, яъни бу тоифа кишиларининг кўнгли сафога тўлиқ бўлгани учун уларни сўфий деб атаганлар. Тўртинчидан, сўфий сўзи суфуҳ сўзидан пайдо бўлган дегувчилар ҳам бор. Суфуҳ бирор бир нарсанинг хулосасидир. Бас, бу жамоани шунинг учун сўфий дейдиларки, улар халқнинг хулосаси (қаймоғи)дирлар.

*Ишқ қарами хилватида ўлтуруб,
Кибру риё чангини дилдин суруб,*

*Фақру фано тахтида кўнгиллари,
Йўққи, ағам даштида манзиллари.*

Бешинчидан, уларни сўфий дейишларига сабаб шуки, "суф" (сўфий) деб луғатда жунни айтадилар ва улар аксар жун чакмон кийиб юрганлари учун сўфий дейилган. Ушбу сўз (яъни суф) араб лисонига мувофиқдир, чунки "суф" сўзидан сўфий сўзи ҳосил бўлиши мумкин.

Агар тасаввуфнинг биноси нечта асосга қурилган, деб сўрасалар, ўнта асосга деб айт. Биринчи — илм, иккинчи — ҳилм, учинчи — тақво, тўртинчи — саҳо⁹, бешинчи — шукр,

олтинчи — сидқ, еттинчи — вафо, саккизинчи — ризо, тўққизинчи — сафо, ўнинчи — ишқ.

Агар тасаввуф рукнари (устунлари) нечта, деб сўрасалар, тўртта деб айт. Биринчиси — ҳол, иккинчиси — сирр (кўнғил), учинчиси — хотир (фикр), тўрттинчиси — ишорат. Агар тасаввуф сўзининг ҳарфлари нима маъно билдиради деб сўрасалар, қуйидаги маъноларни билдиради деб айт: Т — тажрид, яъни зоҳирда тааллуқларни тарк этмоқ, С — сидқу сафо, яъни ботин ички оламини равшан этмоқ, В — вафо, яъни аҳдга ва муҳаббатга вафо қилмоқ, Ф — фано бўлмоқ, яъни ўзини илоҳий жамол денгизига ғарқ ҳисоблаб, мушоҳада юргизмоқ.

Агар тасаввуф нечта нарса билан ниҳоясига етади, деб сўрасалар, учта нарса билан деб айтгин. Биринчи — тажрид, иккинчи — тафрид, учинчи — тавҳид...

Агар сўфий сўзининг ҳарфлари нимани билдиради, деб сўрасалар, айтгил: С — кўнғил хилватхонасини омон сақлаш, яъни кўнғил розидан фақат дўст огоҳ бўлсин. У — сирнинг муҳофазаси, яъни ўз сирини шундай сақласинки, шайтоннинг ғоратгор қўли унга етмасин. Бу мартабадан мақсад ихлосдир. Ф — файз олмоқ ва файз етказмай, яъни маърифатда ўзидан афзал кишилардан баҳра олмоқ ва ўзидан ноқис кишиларга бу маърифатни етказмоқ; улуғлардан баҳрамандлик ва ноқисларга фойда етказиш — таҳсил оламининг ҳам хатм этувчиси ва ҳам қабул қилувчиси бўлмоқнинг шарти шу. Ва, ниҳоят, Й — яқин, яъни шаксиз ишонч-эътиқодга эришиш.

УЧИНЧИ ҚИСМ: Қиссахонлар ва афсона айтувчилар ҳақида

Шуни билки, қисса ўқиш ва қисса эшитишнинг фойдаси катта. Биринчидан, киши ўтган аجدодларининг иши ва аҳволидан хабардор бўлади. Иккинчидан, одам ғаройиб ва ажойиб воқеа, саргузаштларни эшитса, фикри ва кўзи очилади. Учинчидан, ўтганларнинг заҳмату уқубатларидан хабардор бўлса, ҳеч ким бу дунёда ташвиш-ғамдан озод эмаслигини англаб, кўнгли таскин топади, тасалли бўлади. Тўрттинчидан, ўтган подшоҳ давлати ва мулкининг заволини эшитса, дунё молига меҳри сусаяди, бойлик кишига вафо қилмаслигини билиб олади. Бешинчидан, қисса эшитган

беҳад кўп ибрат олади, тажриба орттиради. Бас, маълум бўлдимки, ўтмиш аждодларнинг қиссаларида фойда кўп, агар бўлиб ўтган воқеалар бўлса, айтувчи ва ўқувчи билан бирга эшитувчи ҳам ундан нафъ топади ва агар ғайри воқеъ (тўқима) бўлса, айтувчи учун гуноҳ ҳисобланса-да, аммо эшитувчи учун фойдали ва савобдир...

Агар қиссахонлик неча хил бўлади, деб сўрасалар, икки хил бўлади деб айтгил: биринчиси — ҳикоят айтиш (ўқиш), иккинчиси — шеърхонлик. Ҳикоя айтишнинг эса, саккизта қойдаси бор. Аввал шуки, қиссахонлик бошланганда, агар киши қиссани бошловчи бўлса, у устоз таълимини олган, устоз ҳузурда ўтқарган киши бўлиши керак. Ва агар қиссани тугатувчи бўлса, ўзи мустақил такрорлаган бўлсин, токи эсидан чиқиб, тутилиб қолмасин. Иккинчидан, чапдастлик билан дадил сўзга киришсин, хомлик ва ланжлик кўрсатмасин. Учинчидан, маърака қандай асарни қабул қилишини англасин ва эл рағбати кўпроқ бўлган асарларни танласин. Аммо меъёрни сақласин. Тўртинчидан, ҳикоя давомида насрни гоҳи-гоҳида назм билан қўшиб олиб борсин, лекин бу эшитувчиларга малол келмайдиган даражада бўлсин. Улуғ устозлар: назм қиссахонликда бамисоли таомга солинадиган туздир — агар кам бўлса, таом таъмсиз бўлади ва агар кўпайса, шўр бўлади деганлар. Бас, меъёрни сақлаш лозим. Бешинчидан, ёлгон ва ишонарсиз сўзларни гапирмасин, токи элнинг назаридан қолмасин. Олтинчидан, кинояли, тушунмайдиган сўзларни айтмасин, чунки бу эшитувчиларни ранжитади. Еттинчидан, тамаъ билан одамлар жонига тегмасин, гадойлик қилмасин. Саккизинчидан, қиссахонликни тез тугатмасин ва ҳаддан зиёд чўзмасин ҳам ўрталикини сақласин.

Агар шеърхонлик одоби нечта деб сўрасалар, олтига деб айтгил: биринчидан, шеърни оҳанг билан ўқисин, иккинчидан, сўзни одамлар қалбига жойлай олсин. Учинчидан, агар бирор мушкул (тушунилиши оғир) байт пайдо бўлса, йиғилганларга уни шарҳлаб, мазмунини изоҳлаб берсин. Тўртинчидан, эшитувчига малол келадиган иш қилмасин. Бешинчидан, гадойлик қилмасин, муболағали қасамлар ичмасин. Олтинчидан, ўқиган шеърнинг муаллифини маърака охири ёки бошида тилга олиб, дуо қилсин...

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР (1483—1530)

Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх мирзо Бобуришох Андижонда туғилган. Ўн икки ёшида Фарғона тахтига ўтирган ва умрининг асосий қисми от устида (жангу жадалларда) ўтган. 1508 йили подшоҳ деб эълон қилинган, 1526 йили эса Ҳиндистонда буюк империя қурган. 1530 йили Аграда вафот этган, васиятига кўра, қабри 1533 йили Қобулдаги "Боғи Бобур"га кўчирилган.

Бобуришох катта адабий-илмий мерос яратган бўлиб, унинг шеърлар мажмуаси, "Бобурнома" номли тарихий-қомусий асари машҳурдир. "Аруз рисоласи", "Илми мусиқий", "Ҳарб иши" номли рисоалар ва "Хатти Бобурий" номида янги алифбо тартиб берган. Бобурнинг адабиёт илмига доир қарашлари, асосан, "Аруз рисоласи"да ва "Бобурнома"да акс этган.

Бобуришох тасаввуф талқинида қатор асарлар яратган, нақшбандийлик тариқати валийларидан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таълимотига яқин турган, замонининг уламиси Имом Аъзам Даҳбедий Косоний ҳазратларига қўл берган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг "Волидия" асарини шеърый таржима қилган, "Мубаййин" исмида диний-тасаввуфий асар яратган.

"Мубаййин" исломнинг беш руки ҳақида бўлиб, унинг бошланғичи «Эътиқодиййа» деб номланган. Унда Ҳақ субҳанаҳунинг субутий сифатлари — ҳаёт, илм, иродат, қудрат, самъ ва басар (кўриш ва эшитиш), камол ва тақдири азалга ишорат қилинади. Пайғамбаримизнинг фазилатлари, саҳобаларнинг ғайратлари, охират кун, номаъи аъмол, мезон, аросат, мавоқиъ, шафоат, сирот ҳамда бош мавзу иймоннинг шароити ва натижаси ҳақида англатма берилади. "Мубаййин"нинг «Эътиқодиййа» руки тавсия қилинди.

«МУБАЙЙИН»дан

ЭЪТИҚОДИЙЯ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Ҳаққа ҳамду сано адо қилдим,
Ҳақ оти бирла ибтидо қилдим.

Ибтидо қилғулиқ не ким бордур,
Қилмасанг оти бирла абтардур¹.

Қодиру баркамол Тенгридур,
Қоҳир², зулжалол³ Тенгридур.

Ҳар неким қилса ул қилур бешак,
Ҳар неким қилса ул билур бешак.

Мунтазир раҳматиға гумроҳлар:
Муфтахир⁴, қуллуғи била шоҳлар.

Ямону яхшиға умид андин,
Қўрқмоқ андину навид⁵ андин.

Жисмида ҳар нечаки қил бўлса,
Қил сени эл танида тил бўлса⁶,

Ҳамдиға зокир ўлса ул тиллар,
Деса ҳамдини ойлару йиллар.

Ул барининг каломи бир бўлғай,
Бори ўз ажзиға муқаррир ўлғай⁷.

**Саййидул мурсалиннинг⁸ наъшларига
соллаллоҳи алайҳи ва саллам**

Вожиб ўлди бориға шукри Худой,
Мустафо⁹ бўлди бизга раҳнамой,

Йўлчисиз йўлда ким бора олғай,
Борса аввал қадамда ўқ қолғай.

Кимки Аҳмад кибики бадрақадур¹⁰,
Йўлда юз хавф бўлса не боқадур.

Бўйига чуст халъати давлоқ¹¹,
Лот¹² оғзига илгидин тун чок.

Улдурур анбиё сарафрози¹³,
Қоба қавсайн¹⁴ маҳрами рози¹⁵.

Менга қилғил шафоъатинг ҳамроҳ,
Не дей ўзга алайка соллаллоҳ¹⁶.

КИТОБ НАЗМИНИНГ САБАБИ

Билгасен эй хўжастае фарзанд,
Жигарим бирла жонима пайванд.

Масъалаларки, ул зарур эрди,
Билмасанг динингга қусур эрди.

Етди кўнглумғаким, йиғиштурсам,
Назм тартибида сифиштурсам.

То ани забт қилгасен осон,
Ул масойилни билгасен яксон¹⁷.

Тонглалиқ кундаким, ҳисоб ўлғай,
Менга ажру¹⁸ сенга савоб ўлғай.

Ушбу ниятки, мен қилиптурсам,
Ул масойилки, мен билиптурсам.

Жамжамъида саъю ихтимом қилай,
Сенинг отингга мен тамом қилай.

Бебақо дунё иши саҳлдурур¹⁹,
Дин ишин қилғай улки, аҳлдурур.

Дину донишда ҳар кун афзун²⁰ бўл,
Давлату бахт ила Ҳумоюн²¹ бўл.

Комрон²² бўл жаҳонда, давлат кўр,
Юз туман обрўю иззат кўр.

БЕШ ФАРЗНИНГ ТАЪДОДИ²³

Уламо аксари деди бу мақол,
Чиҳл²⁴ фарз ўлди мубтади²⁵ аъмол²⁶.

Илми фарз элга мисли қарздурур,
Талаби барча элга фарздурур.

Кимки аввал бўлса болиғу²⁷ оқил,
Анга беш фарздур муни билгил.

Бири иймондиру икинчи салот²⁸,
Бу икидин кейин учунчи закот²⁹.

Рамазон рўзасию ҳаж ўтамак,
Фарзи айн ўлди ушбу беш бешак.

Элдин ўлди бориға тоат шарт,
Лек икида бор иститоъат³⁰ шарт.

Ул ики, ҳажнию закотни дер,
Бўлса гар иститоъатинг бор бер.

Эмди бир-бир қилай борин таҳқир³¹,
Ҳақ таолодан ўлса гар тақдир.

АВВАЛҒИ ФАРЗНИНГ БАЁНИ

Бобур, аввалғи фарз қил таъриф,
Ким бор инсонға аввал ул таклиф.

Будур иймон мен айтайин, эшитинг,
Ҳар не дермен ани кўнгулга битинг.

Муъманун бихқаим³² бўлур таҳқиқ³³,
Қилғай иқрор тил, кўнгул тасдиқ.

ОЛТИ МУЪМАН БИҲНИНГ ЗИКРИ

Олтидур муъманун бих, эй мўъминин,
Айтайин барчасин эшит мендин.

Аввал иймон Худоға келтургил,
Ширк черигин³⁴ замиридин сургил.

Доғи билким малак³⁵ эрур мавжуд,
Борчаси абду³⁶, Тенгридур маъбуд³⁷.

Бор учунчи китоби иқрори,
Тенгри тавфиқ бўлса дей бори.

Яна бил анбиёсини барҳақ,
Рўзи охирни³⁸ доғи бил мундоқ.

Яна билгил Худодин, эй ҳамдам,
Яхшилиқ бўлса, гар ямонлиқ ҳам.

Ушбуларким борин деди Бобур,
Билгасенким, муфассали иймондур.

Бу муфассалки, мен дедим ҳоли,
Лек филжумла бордур ижмоли³⁹,

Шарҳи бирла борин баён қилайин,
Билмаган бўлсангиз аён қилайин.

АВВАЛҒИ МУЪМАН БИҲНИНГ ШАРҲИ

Будур иймон Худоға келтурмак,
Ширк черигин замидин сурмак.

Айтқил, «Ла илаҳа иллаллоҳ»⁴⁰,
Айт, маъносидин ҳам ул огоҳ.

Калима ушбудур муни тўхтат,
Демаги фарз бўлди бир навбат.

Яна мундин кейинки келгусидур,
Бу ақойидким, ул дейулгусидур.

Билгилу эътиқодни мунча туз,
Жони кўнглунгда мундоғ ўлтурғуз -

Ким Худодур борини ҳаст эткан⁴¹,
Еру, кўку, баланду паст эткан.

Билки маъбуди босазо⁴² улдур.
Жумлаи халқдин сизо⁴³ улдур.

Ҳар неким бордир, ул яратқандур,
Хастлик жарчасига қотғандур⁴⁴.

Бирдиру йўқ шерик анинг ишига,
Ўхшамас ҳеч ишта ҳеч кишига.

Эҳтиёжи кишига йўқтур анинг,
Ёру ёвар⁴⁵ ишига йўқтур анинг.

Бор эдию ҳамиша бўлғусидур,
Не ким ўлғусидир, не тўлғусидур.

Тенгри кунҳиға⁴⁶ банда йўл топмас,
Қачону қанда анда йўл топмас.

Зоти анинг не жавҳару не араз⁴⁷,
Ишларида не илату не ғараз.

Тенгрининг зоти, оти эддек эмас,
Феъли бирла сифоти эддек эмас.

Ўз бошингча Худоға от демагил,
Ҳам таъаққул⁴⁸ қилиб сифат демагил.

Бор мавсуф⁴⁹ ул сифат бирла,
Ҳам мусаммодурур⁵⁰ ул от бирла.

Ким ўзи они ёд қилгандур,
Аҳли дин эътиқод қилгандур.

ҲАҚ СУБҲАНАҲУНИНГ СУБУТИЙ СИФАТЛАРИНИНГ ТАФСИЛИ

Бор субутий⁵¹ сифатлари етти,
Ушбуларни салаф баён этти.

ҲАЁТ СИФАТИҒА ИШОРАТДУР

Бири бу еттидин ҳаётдурур,
Ул ҳаётеки бемамотдурур.

Бу ҳаёт эл ҳаётидек эрмас,
Васфи Ҳақ эл сифатидек эрмас.

Тану жондин эмас ҳаёти анинг,
Ўхшамас халқға сифати анинг.

ИЛМ СИФАТИҒА ИШОРАТДУР

Яна бири илмдур сифатларидин,
Олимул ғайб⁵² бўлди отларидин.

Фикру андешадин эмас бу илм,
Касб ила пешадин⁵³ эмас бу илм.

Тоғда тош, тузда қум ададларини⁵⁴,
Анга зоҳирдурур⁵⁵, билур борини.

ИРОДАТ СИФАТИҒА ИШОРАТДУР

Бил учунчи сифат иродатдур,
Билмагай улки бесаодатдур.

Ўт куяр, сув оқар ародатидин,
Сарбасар⁵⁶ ҳар не бор иродатидин.

Хостсиз ўт аро момуқ куймас,
Оч — ебон олам ошини тўймас.

ҚУДРАТ СИФАТИҒА ИШОРАТДУР

Яна бир васфи Ҳаққа қудратдур,
Анда қудратдир, анда қувватдур.

Бори шида билингки донодур,
Ҳар не қилмоқта ҳам тавонодур⁵⁷.

Кўз юмуб очқунча қилур мавжуд,
Кўз очиб юмғунча қилур нобуд.

Ҳар не қилмақта қудрати бастур,
Олату восита керакмастур.

САМЪ ВА БАСАР⁵⁸ СИФАТИҒА ИШОРАТДУР

Яна бил васфи самъу васфи басар,
Илмдин мунда ўзга маъно бор.

Бу эшитмак қулоқдин эрмас,
Ушбу кўрмакта кўз мадад бермас.

Гар қоронғуву, гар ёруғ бўлсин,
Гар йироқ бўлсин, гар ёвуқ⁵⁹ бўлсин.

Кўрару эшитур тафовутсиз,
Ажз⁶⁰ йўқтур жанобида ҳаргиз.

КАЛОМ СИФАТИҒА ИШОРАТДУР

Яна бир каломдур сифати,
Баркамолу тамомдур сифати.

Мутакаллимдиру⁶¹ калом била,
Не тилу не оғиз, не ком⁶² била.

Нуқталар, ҳарфсиз иборатсиз,
Ҳақ адамға деди ниҳоятсиз.

Адам ул сўз била вужуд ўлди,
Мунча тор ўлди, мунча пуд⁶³ ўлди.

ТАҚДИРҒА ИШОРАТДУР

Еру кўк ҳарне ҳодисдур,
Тенгри тақдири билки боисдур.

Куфру дин, зуҳду, фисқу, яхши-ямон,
Тенгри тақдири бирладур яксон.

Феълингиз ҳар недур билинг андин,
Ямону яхши барча Раҳмондин.

Ямону яхшидир қазоси анинг,
Яхшиғадир вале ризоси анинг.

Зоҳидиға тегар тубан таъбе⁶⁴,
Ёрликлар⁶⁵ фосиқини бесабабе.

Зулм эмастур эрур бори шиш хўб⁶⁶,
Адл ила фазл эрур анга мансуб.

ИККИНЧИ МУЪМАН БИҲНИНГ ШАРҲИ

Яна хайли фариштадур билингиз,
Ҳар бириси бир ишгадур билингиз.

Бири рокиъдурур⁶⁷ бири сожид⁶⁸,
Бири қойимдурур⁶⁹ бири қоъид⁷⁰.

Бири Ҳақ ёди бирла мустағрақ⁷¹,
Билмайин Ҳақдин ўзгани мутлақ.

Келса гар қатра ёмғуре ерга,
Бор анинг бирла бир малак бирга.

Борса гар зарра туфроғи кўкка,
Ул боришни соғинма ўзлукка.

Ҳар ёгин ёғса, ҳар еле елса,
Ҳар нима борса, ҳар нима келса.

Ҳар бир муаккил⁷² ўлди малак,
Гар ер ҳалидурур, гар аҳли фалак.

Билингизким фаришта хайли бари,
Нарлиғу⁷³ модалиғдин ўлди бари.

Куфр ила маъсиятни⁷⁴ билмаслар,
Ҳақ буюргандин ўзга қилмаслар.

Бу малак ичра тўртдур машҳур,
Отлари савҳалардадур мастур⁷⁵.

Жаброилу иккинчи Исрофил,
Ҳар бирини бир иши тайин бил.

Бор бурунгиси ваҳий келтурган,
Яна бири сур⁷⁶ ичра ҳам сурган.

Бириси ризқ еткурур элга,
Бири эл умрини берур элга.

Нечасини башарға бил тайин,
Хайру шар сабт этарлари ойин.

Икки тун, икки кун уйу йўлда,
Бири ўнг қўлдаю бири сўлда.

Ҳар сувар рост айлаб ўзларига,
Қўринур аҳли қурб⁷⁷ кўзларига.

Яна баъзи фариштаи раҳмат,
Яна баъзи азоб учун мусбат.

Икиси гўр ичидадур сойил⁷⁸,
Шаклу ҳайъатлари босе ҳойил:

Бири Мункир, бири Накирдурур,
Бори ҳукм илгида асирдурур.

Ушбулар бирла сиз ямон бўлманг,
Куфру исёнга ҳамзабон бўлманг.

Бандаликдур буюрса не чора,
Лутф агар қилса, сурса не чора.

УЧИНЧИ МУЪМАН БИҲНИНГ ШАРҲИ

Тангрига билки кўб китобдурур,
Анда ҳам лутфу ҳам итобдурур.

Бу кутуб⁷⁹ юздиру яна ўн тўрт,
Кимгаким мункир ўлса тушсун ўрт.

Анбиёга келибдурур бу кутуб,
Умматиға набийлари ўқутуб.

Лек иймон ададға лозим эмса,
Мужмал иймон кутубға келтур бас.

Бу кутубдинки, тўртдир машҳур,
Бири Тавротдур, бири Забур.

Яна Инжилу яна Фурқондур,
Эмди машҳур оти Қуръондур.

Бу кутубким аларға келди фуруд⁸⁰,
Бири Мусодиру яна Довуд.

Яна Исодиру Муҳаммад бил,
Ушбу тартиб ила таъқул қил.

Бу кутубки, дейилди баъзи оти,
Барчасини бил каломию сифати.

Сифати Тенгридин жудо эрмас,
Дема маҳлуқким раво эрмас.

ТҮРТИНЧИ МУЪМАН БИҲНИНГ ШАРҲИ

Кимки элтар Худодин элга паём⁸¹,
Ул кишига бўлур пайғамбар ном.

Элга дерлар Худой аҳкомин⁸²,
Амр ила наҳйу⁸³ ҳар не пайғомин.

Рост йўл элга кўрсатурлар алар,
Яхшилиғ сори элга раҳбар алар.

Ушбу хайл ўлмаса далолатта,
Қолғай эл куфр ила залолатта.

Бордурур жумлайи анбиё маъсум⁸⁴,
Журму исён алардадир маъдум⁸⁵.

Зиллате топса гар бирисига йўл,
Саҳву нисён⁸⁶ била экандир ул.

ИШОРАТ АНБИЁНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИГА ВА ҲАЗРАТИ МУҲАММАДНИНГ АФЗАЛИГА АЛАЙҲИССАЛОМ

Анбиё Тенгри танглағанлардур,
Барча эл тан бу хайл жонлардур.

Бордурур борча элга фазллари,
Хоҳ бўлсин фаришта, хоҳ пари.

Борчанинг афзали Муҳаммаддир,
Борчанинг акмали⁸⁷ Муҳаммаддир.

Борчанинг фазлини йиғиштурсанг,
Бир кишида борин сивиштурсанг.

Фазли Аҳмадча бўлмағай ул ҳам,
Бўлмағай Аҳмад фазилатидин кам.

Ҳар набийнингки ҳужжати бордир,
Бир бўлак хайлу уммати бордир.

Лек, билким, Муҳаммади арабий,
Бордурур кофай улусқа набий.

Жумлаи анбиёга ул хотим,
Борча маҳкуму улдурур ҳоким.

Хатм ўлубдир анга пайғамбарлиқ,
Келмас эмди кишига бу ёрлиқ.

Осмондин Масиҳ чун келгай,
Шаръи — шаръи Муҳаммадий бўлгай.

Даъват эткай улусни бу динга,
Саъй қилгай бори бу ойинга.

Шаръича шаръ бўлмағай тансух⁸⁸,
Қилди ҳар шаръники бор мансух⁸⁹.

МЕРОЖ СИФАТИГА ИШОРАТ

Бир кеча Тенгрининг иноятидин,
Фазл ила лутфи бениҳоятидин.

Уммиҳоний⁹⁰ уйида эрди расул,
Жаброил осмонидин этти нузул⁹¹.

Жаброил олдида Буроқ⁹² чекиб,
Маркаб эрди Буроқу ул рокиб.

Маккадин келди Байти муқаддасқа,
Сен бу йўлни соғинмағил қисқа.

Борди андин фалакка майл этти,
Етти кўкка ўшал замон етти.

Анбиё бирла муҳтали⁹³ бўлди,
Нуридин жавфи⁹⁴ осмон тўлди.

Кўрди дўзахни, биҳиштни ҳам,
Яхши афъолу⁹⁵ бадсириштни⁹⁶ ҳам.

Ҳамроҳи ожиз ўлди бормоқтин,
Эмас эрди бу ажз ҳормоқтин.

Кўргуликларни бордию кўрди,
Эшитур сўзини Ҳаққа эшиттурди.

Уйғоқ эрдию Ҳақ бу лутф этти,
Ҳеч ким етмаганга ул етти.

Келди андин чу завқ бирла бери,
Совумайдур эди ғануз ери.

Шак бу ишта кечурма кўнглунгда,
Фикри фосид эвурма кўнглунгда.

Борча Тенгри қошуда осондир,
Қудрат олдида ақл ҳайрондир.

ИШОРАТ АНГАКИМ ҲАВОРИҚИ⁹⁷ ОДОТҚА ҲАР МАҲАЛДА БИР ОТТУР⁹⁸

Ҳарки одат зоҳир этса киши,
Билингизким анинг недир бу иши.

Анда гар даъвойи нубувваттур,
Билингиз анга мўъжиза отдир.

Йўқса анинг оти қароматдир,
Ақлда ушбу ишта ҳайраттур.

Мубтадиъдин⁹⁹ хавориқи одот.
Зоҳир ўлса билинг недир анга от.

Бордир ул макр ёхуд истидрож¹⁰⁰,
Шаҳрдин айлангиз ани ихрож¹⁰¹.

БАШАР ЖИНСИ МАЛАК ЖИНСИНИНГ БИР—БИРЛАРИГА ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ БАЁНИ

Билгил афзалдурур хавоси малак,
Мўъминин оммасидин эрмас шак.

Бордир афзал малак авомийдин,
Оммайи мўъминин муни бил чин.

ИШОРАТ АНГАКИМ МУҲАММАД УММАТИ АФЗАЛИ УМАМДИР ВА УММАТЛАРИ ОРАСИДА ХУЛОФОЙИ РОШИДИН АЗИЗУ МУҲТАРАМДУР

Чун Муҳаммад набийлар акмалидур,
Уммати ҳам умамнинг афзалидур.

Уммати ичра кўптур аҳбоби,
Боридин яхши олу асҳоби¹⁰².

Бор Абу Бакр жумлаи умматқа,
Лойиқу яхшироқ хилофатқа,

Бўлди андин кейин халифа Умар,
Бор эди ушбу ишга ул фархур¹⁰³.

Яна Усмон била Али эрди,
Ушбу тўрт уммат афзали эрди.

Икиси шайху икиси хатанайн¹⁰⁴,
Бердилар дин ишига зийнату зайн.

Кимки шайхину анбиёни сўкар,
Қонини ўз илиги бирла тўкар.

Сўккучи шаръ аро бўлур кофир,
Тилимизни сен асра, эй Қодир.

Бовужудеки¹⁰⁵ шаръ этар такфир¹⁰⁶,
Ўлум ўлгай бу журм¹⁰⁷га таъзир.

Яхши денг жумла олу асҳобин,
Васф этинг барча ёру аҳбобин.

Яхши денг, яхши ҳам кўрунг борини,
Иззу¹⁰⁸ таъзим ила сўрунг борини.

Жумлани яхши эътиқод қилинг,
Барчасин яхшилиққа ёд қилинг.

Чун хилофат Алиға топти қарор,
Тушги асҳоб аро хилофи ниқор¹⁰⁹.

Ҳақ Али жониби эди анда,
Ким хилоф этти, бўлди шарманда.

Ул хилоф эрди ноҳақу ботил¹¹⁰,
Лек аларга тегурмагайсен тил.

Икиси эрди ул мубашширадин¹¹¹,
Ким бу навъ эттилар хато орадин.

**ИШОРАТ АНГАКИМ АҲЛИ ҚИБЛА
ТАКФИРИ ЖОИЗ ЭРМАСТУР**

Ҳар неким, Тенгридин кетурса расул,
Ҳар кишиким, аларни қилса қабул,

Ул киши аҳли қибладир, билингиз,
Они кофир демакни бас қилингиз.

Гарчи кўб залму кўб хато қилса,
Мубтадиъ бўлса юз ҳаво қилса.

Ҳукм қилманг анинг шақоватиға¹¹²,
Дўзахлиғ битимангиз отиға.

Гар киши бўлса солиҳу обид,
Туну кун бўлса қойиму сожид.

Амрлар тарк қилмаса ҳаргиз,
Наҳийлар зоҳир этмаса ҳаргиз.

Ҳукм қилманг ани саодатлиғ,
Демангиз ани жазм жаннатлиғ.

Магар ул унки дўстдори илоҳ,
Жаннатликларига бўлди гувоҳ.

Яна жаъмени ҳазрат оллидин,
Бил мубашшир набий мақолидин.

ИШОРАТИ ИМОМҒА

Дин ишиға кўб эҳтиром керак,
Олам аҳли аро имом керак.

Лойиқ эмас бу ишга эга киши,
Керак ушбу имомингиз Қураший.

Подшоҳдирки шаръ имом деди,
Ушбу элга «халифа» ном деди.

Халқ аро кимки подшоҳдурур,
Тоатин қилмасанг гуноҳдурур.

Магар ул ишки маъсият бўлғай,
Қилмасиға анинг жиҳат бўлғай.

Подшоҳе агарчи золимдурур,
Аҳли ислом ичра ҳокимдурур.

Анга қилмоқ хуруж бўлди ҳаром,
Будурур шаръ ичра рабту низом.

Бу имом истамак шарият аро,
Кимга вожиб бўлур экан оё.

Саркаш¹¹³ эл ушбунни ҳавас қилмас,
Сойир¹¹⁴ элнинг бу илгидин келмас.

Гар барийн бўлсалар мунга ҳукком¹¹⁵,
Кимни қилсинлар ўзларига имом.

Ҳар кишиким, бу ишни қилмайдир,
Салтанат шевасин не билсин ул.

Мулк вайрон бўлуриға не шак,
Динға ҳам кўб ҳалал бўлур бешак.

ИШОРАТ ТЎРТ ИМОМҲАКИМ МУҚТАДОЙИ¹¹⁶ ДИНУ ПЕШВОЙИ АҲЛИ ТАЪЙИНЛАР

Билки, бу тўрт имом барҳақдир,
Ким алардин бу динға равнақдир.

Бу имомеки шаръ адосидурур,
Дин ила шаръ муқтадосидурур.

Бириси бу Халифа Нуъмондир,
Яна бири Шофиъ пурдондир¹¹⁷.

Яна бири Молику яна Аҳмад,
Қилдилар жаҳд шаръ аро беҳад.

Ҳар бирига мутобиъу, ҳампай¹¹⁸,
Даражоту нажот хуб топғай.

Тенгридин бизга кўб латифадурур,
Муқтадомиз Абу Ҳанифадурур.

Тенгрига шукурлар дейинг яксон,
Қилди бизларга ишин осон.

**ИШОРАТ АНГАКИМ ЗОҲИДУ ФОСИҚ
ВА ЯХШИЮ ЯМОН ОРАСИДА
НАМОЗ ЖОИЗДУР**

Фосиқе бўлса, бўлса ё зоҳид,
Золиме бўлса, бўлса ё обид.

Жоиз ўлдики ул имом ўлғай,
Муқтадонинг иши тамом бўлғай.

Қайсидир бу имом эшитинг роз,
Бу имом ўлди элга беш намоз.

БЕШИНЧИ МУЪМАН БИҲНИНГ ШАРҲИ

Яна охир кунининг иймони,
Будир айтай, эшитингиз они.

Бурноғи манзил анда гўрдурур,
Гўр элидин Худойи сўрдурур.

Ул сўриқчи икки фариштадурур,
Ким, бурун бўлди отлари мазкур.

Дер, Худойинг, пайғамбарнинг кимдурур,
Динингу роҳу раҳбаринг кимдир?

Гар жавобини басавоб дегай,
На алам кўргаю на ғусса егай.

Қабрини кенг Худой қилгай анга,
Равзан учмоқ сари очилгай анга.

Кеча-кундуз анга аён бўлгай,
Ким ери равзада¹¹⁹ қаён бўлгай.

Гар жавобини яхши айтмаса,
Тенгри анинг сариға қайтмаса.

Бошиға оҳанин чумоқ егай,
Раҳмату айши ал-фироқ дегай.

Уйини топқонида гурз асари,
Эшитур ғайри одамею пари.

Гар парию башар эшиткайлар,
Ғуссадин жонларин эриткайлар.

Қабр ул навъ зўр ила сиққай,
Ҳар бирига сўнгакларин тиққай.

Равзан ўлгай анга сақар¹²⁰ сариға,
Юз туман шўру шар¹²¹ сариға.

Ерини дўзах ичра кўргай ул,
Гаҳ ўту гаҳ ях ичра кўргай ул.

ИШОРАТ ИСРОФИЛ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ СУРИҒА

Даври охирки чун ёвуқлашса,
Умр паймонаси бори тошса.

Амр бўлғай Худойдин беқийл¹²²,
Дамни сур ичра сургай Исрофил.

Шамъдек ўлғай эл бу дам бирла,
Ҳам адам бўлғай эл дам бирла.

Холий ўлғай бу халқдин олам,
Умрлар бўлмағай бани Одам.

Яна бўлғай Худойин маъмур,
Сур аро дам сурарга соҳибсур.

Зинда¹²³ қилай борини бир дамда,
Ҳеч ўлук қолмағай бу оламда.

Ҳашр ўлур¹²⁴ мўъминин бу суратта,
Балки мундин латиф ҳайъатта.

ИШОРАТ НОМАИ АЪМОЛҒА

Ушбулардин кейин будир аҳвол,
Келгуси элга номаи аъмол.

Суъадонинг¹²⁵ ўнг илгидин келгай,
Анда ул эл саодатин билгай.

Ашқие¹²⁶ номасинки тергайлар,
Орқадин сўл иликка бергайлар.

ИШОРАТ МЕЗОНҒАДИР

Яна мундин кейин тарозу бор,
Тоат-маъсийини тортув бор.

Кимгаким оғса паллаи тоат,
Билгай учмоғлигини ул соат.

Кимгаким оғса паллаи исён,
Қолгай ул лаҳза беҳушу ҳайрон.

ИШОРАТ АРОСАТНИНГ¹²⁷ МАВОҚИЪИГА

Аросат ичра мавқуф илик эмиш,
Ҳар бирида бўлур савол бир иш.

Тез ўтар кимки берса яхши жавоб,
Йўқса йиллар чекар азобу уқоб¹²⁸.

Баъзи элгаки Тенгри лутф эткай,
Беҳисоб учмоқ ичра еткай.

ИШОРАТ АНГАКИМ ШАФОАТ ЭШИГИ АВВАЛ ҲАЗРАТИ РАСУЛДИН ОЧИЛГАЙ, ЯНА ҲАР КИМГА ҲАҚ ДАСТУР БЕРСА УЛ ШАФОАТ ҚИЛГАЙ

Мустафодур билингки умматқа,
Эшик очқай бурун шафоатқа.

Яна ҳар кишига Ҳақ берур дастур,
Кўнгли истарға шафиъ бўлур.

ИШОРАТ СИРОТҚА¹²⁹

Аросат аҳликим, булардин ўтар,
Дўзах устида кўпругига етар.

Инчка қилдин, қиличдин итиг,
Борчага лозим андин ўтмалик.

Жину, инсону, мўъмину кофир,
Бўлғай ул кўпруг устига ҳозир.

Ки оёқ қўйса кофир ул дамда,
Ерини кўргай ул жаҳаннамда.

Ўткучи ўт ичида гарқ ўткай,
Мўъмин андин мисоли барқ ўткай.

Баъзи эл елдегу гаҳе қушдек,
Баъзи элга кўрунгай ул тушдек.

Кимгаким бўлса заъифлиғ иймон,
Ўтмаги андин ўлмағай осон.

Бири эмаклабу бириси юруб,
Йиқила, қўпа, бир пўя уруб.

Баъзи аввал қадамда ўқ бергай,
Баъзи ўртасига етиб ҳорғай.

Баъзи охир қадамда йиқилғай,
Йиқилиб дўзах ичра тиқилғай.

**ИШОРАТ АНГАКИМ УЧМОХ БИЛА ТОМУҚ¹³⁰
ҲАҚДИРУ МУШРИКНИНГ¹³¹ МАНЗИЛИ ТОМУҚ
ВА МЎЪМИННИНГ МАҚОМИ УЧМОХДУР**

Билки учмох билан томуқ ҳақдир,
Мўъминнинг мақоми учмоҳдир.

Кимки ул бўлса мушрику кофир,
Манзил этти томуқ анга қодир.

ИШОРАТИ ДЎЗАХҚА

Кимки дўзахқа тушса кофирдин,
Чиқмағай жовидон ўшал ердин.

Ҳар азобеки эл тасаввур этар,
Дўзахларға ул азоб етар.

Тушса гар мўъмин жаҳаннамға,
Гунаҳича қолур ўшал ғамға.

Ё шафие шафоат эткай анга,
Манзиле жаннат ичра еткай анга.

Ё Худо анга маҳзи¹³² лутф эткай,
Андин ул меҳнату алам кеткай.

Кимки мўъмин борур бу оламдин,
Қутулур билки, жовидон ғамдин.

Гунаҳича агарчи ранж етар,
Лек охир биҳишт сари кетар.

ИШОРАТ ҲАВЗИ КАВСАРҒА

Яна билгилки ҳавзи кавсардир,
Анда юлдузча зарфлар¹³³ бордир.

Пулдин¹³⁴ ўтиб бу су(в)да турғайлар,
Халқни бу су(в)ға чўмулғайлар.

То йўлғай томук ғуборидин,
Кўнгли тинғай бу лаҳза боридин.

Тинибон кўнгли боргай учмоҳқа,
Юз туман шукрлар дегай Ҳаққа.

ИШОРАТ БИҲИШТҚА

Даража жаннат ичрадир секкиз,
Тенгри гар лутф қилса, еткайсиз.

Тенгри жаннатқа кимниким тергай,
Амалға яраша ер бергай.

Анда ҳуру, қусуру¹³⁵ филмондур¹³⁶,
Неча лаззатки ақл ҳайрондур.

Ҳар фароғатки эл ҳаёл етар,
Андин ортиқ биҳишт элига етар.

Жовидон¹³⁷ ерларида бўлғайлар,
Ғам била ғуссадин қутулғайлар.

Барчадин яхши лаззати дийдор,
Бизга қилғай насиб, ё Ғаффор.

ИШОРАТ ИЙМОН ШАРОИТИҒА

Билки, иймон шаройити бордир,
Аҳли иймон аро муқаррардир.

Бириси ғайбқа кетур иймон,
Бўлди иймон йаъси бедармон.

Ғайб оламини хоссайи Ҳақ бил,
Сўз будир шаръ ичра мундоқ бил.

Яна Ҳақдан керак умид ила бийм,
Муни деб юрма бор Худойи карим.

Яна билгил ҳалол, ҳақни ҳалол,
Бир ҳаромини ҳам ҳарому вубол.

Тенгрининг душманиға душман бўл,
Тенгрининг душманиға душман бўл.

ИШОРАТ ИЙМОННИНГ НАТИЖАВУ ҒОЙДАСИҒА

Кимки, иймон буларға келтурса,
Ушбу деганлар устида турса.

Қутулар бандалиқтин, ўлмақтин,
Таламоқтин, жиҳоти бўлмақтин.

Дунявийдир буларни ёд олингиз,
Уҳравийни дейиш қулоқ солингиз.

Жовидоний азоб ила меҳнат
Кўрмасу оқибат борур жаннат.

КИТОБ ХОТИМАСИ

Шукур лиллоҳ муродима еттим,
Фарзи аввал сўзни тамом эттим.

Бу эди сунний элга муътақидот,
Ким, баён айладим борини бот.

Бу масойилки, мен баён эттим,
Бу ақойидки, мен аён эттим.

Дерлар аслияйи эътиқодиййа,
Мункир¹³⁸ ўлғай инодиййа.

Қолған ул тўрт фарзи шаръиййа,
Амалиййа дейилди фаръиййа.

Тенгри тавфиқи бўлса дей барини,
Кўрсатай анда ҳар амал ерини...

СЎФИ ОЛЛОҲЁР (1644—1721)

Сўфи Оллоҳёр (манбаларда Эшон Сўфи номи билан ҳам машҳур) Самарқанднинг Мингал қишлоғида туғилган. Ўн ёшларида Бухорога ўқишга боради, 25 ёшида Бухоро божхонасида божгир бўлиб ишлайди. Кейинроқ Шайх Наврўз қўлида 12 йил таҳсил олади. 1721 йилда Сурхондарёнинг Вахшивор қишлоғида вафот этган. Сўфи Оллоҳёр ҳаёти ва ижоди ҳақида Мутрибийнинг "Тазкирату-ш-шуаро", Мулла Соғиқ Самарқандийнинг "Риёзу-ш-шуаро", Муҳаммад Амин Насафийнинг "Мазҳару-л-мусаннифин" каби асарларида маълумотлар келтирилган.

Сўфи Оллоҳёрнинг «Маслаку-л-муттақийн» («Тақводорлар маслаги»), «Саботу-л-ожизин», «Махзану-л-мутеъин» («Мутеълар хазинаси»), «Муроду-л-орифин» асарлари мавжуд. «Баёзи аламкаш»да 73 шеъри бор.

Сўфи Оллоҳёрнинг машҳур асари «Саботу-л-ожизин» бўлиб, Саудия Арабистони, Покистон, Туркия каби мамлакатларда чоп этилган. Бир неча марта шарҳлар ёзилган. Асар дастлаб форс-тожик тилида ёзилган. Кейинчалик Сўфи Оллоҳёрнинг ўзи уни ўзбек тилига шеърий услубда таржима қилган. Ҳажми 12000 байтдан ортиқ. «Маслаку-л-муттақийн» асари нақшбандия тариқати муҷаддидия қўли (тармоғи)нинг назарий манбаси ҳисобланади. Унда сулук одоби, мурид ва муришид муносабатлари янгича талқинда баён қилинган.

«МАСЛАКУ-Л-МУТТАҚИН»

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

«Роббана ла туахизна ин насина ав ахтоъна» — оятидан кейин «Сипос ва шукри беқиёс ул Худойғаким¹ ...

Ҳамд ва дуруддин сўнгра бу бандаи гуноҳкор Худонинг раҳматидан умидвор осий ва жофи² қуддин маъруз³ шулким, шайхул машойих, зотлари барокотлик, хужаста⁴ сифатлик, мутаолий даражотлик, нусрат⁵ одоблик, фаришта сиёдлик⁶, хуршид кулоҳлик⁷, авлиёлар далили, уламолар далири⁸, боргоҳи⁹ илоҳийнинг маҳрами, ҳасаби¹⁰ саййидийнинг ҳамдами, йўл кўрсатувчилар пешвоси, тақводор ва парҳезкорлар муқтадоси¹¹, масъалаи румуз (рамз)ларин очқучи, орифлар сарвари ва машойихлар раҳбари, расул алайҳиссалом шариатларин барпо қилғучи, илми ҳол ва илми қолнинг комили ва оят-ҳадис ва амри маъруфнинг олими, диннинг ривожӣ, авлиёлар тожи, ҳар бир сўзи мамлакатлар хирожи, «соҳибул каромати вал кушофоти жомиу-л-фуруъи вал-усули ва ҳодиил-манкули вал-маъқул»¹² фақоҳатпаноҳ ва диёнат дастгоҳ, ҳазрати эшон Сўфи Оллоҳёр Мингалий¹³ қуддиса сирруҳу «Маслаку-л-муттақин»ни тасниф қилиб, «Саботу-л-ожизин»да меҳрибон бўлган эканлар.

Байт:

Битилди форсий тилдин китобе,

Тамом анда масоилни жавобе.

Ҳама тақвову фатвонинг баёни,

Ўн икки мингдин ортиқ байти онӣ, —

деган меҳрибонликларин бир неча камқувват ва форсийдин беҳабар толиблар кўруб, бу зарраи бемиқдор ва кам бизоат¹⁴ зоҳир ва ботинда нобино ва ланпо (чўлоқ) фақири ҳақир Ҳафиз Хўжанинг ўғли Қўзи Хўжаи бефаросат ва кам каёсат¹⁵ нолойиқни бу амри шарифга, лойиқ кўриб, илтимос

қилдиларким: «Ҳазрати Эшон Сўфининг бу китоби табаррукларидан бизлар беҳабармиз. Керакким, туркий бўлса, бизлар ҳам фаҳм қилиб, баҳра олсоқ ва ҳол-қувватимиз боринча амал қилсоқ ва бизлардин сўнгиларга ҳам нусха бўлур ва тақи неча толиблар йўл топиб, Худойи азза ва жалла тавфиқи бирла йўлга кирсалар», — деб илтижо қилгандин кейин бу фақири бебаҳра заруратдин «Аз зарурату юбиҳул маҳзуроти» (зарурат манъ қилинганларни мубоҳи)ни ёдга олиб, ҳазрати қутби авлиёнинг руҳи покларидин мадад талаб қилиб, «Маслаку-л-муттақин»ни туркий қилмоққа шуруъ қилдим...

*Ҳикояти Абу Ҳафзи Кабир
роҳматуллоҳи алайҳ*

Хожа Абу Ҳафзи Кабир роҳматуллоҳи алайҳдин ривоят қилурлар: Абу Ҳафзи Кабирга пирлари «Бухороға бориб, халойиққа йўл кўрсатинг ва насиҳат қилинг», — деб ижозат бердилар. Шундан кейин Хожа Абу Ҳафз хотинлари билан машварат қилиб: «Мен эмди Бухороға бориб ваъз айтишим керак», — дедилар. Хотинлари кўб меҳрибонлик бирлан айдилар: «Эй улуғлар имоми, мундин илгари эгасиндин сўрамай бирор нарса еб эрдингизми?». Хожа айдилар: «Норасидалигимда бир кун оташпараст кофирлар кўчасидин ўтарда уларнинг саройиға кириб гандано (пиёз ва саримсоққа ўхшаш ўсимлик)нинг баргини берухсат узиб олиб едим. Хотин сани саволинг бирла эсимға ул гуноҳим келди, бўлмаса ёдимда йўқ эрди. Мисраъ:

Чиқиб эрди эсимдин ул гуноҳим.

Хотин айди: «Эй хожа, бир кишининг ганданосининг ҳақи сизнинг елкангизда экан, бирор кимсага насиҳат қилсангиз, нафасингиз таъсир қилмас. Бу гуноҳкорлик бирла уёлмайсизми Бухороға бориб ваъз айтарман дегани?» Хожа бу сўзни эшитиб, ул ганданонинг эгаси тарафига ошиқиб, шошиб югурди. Кўзларидин ёшлари оқар эрди. Хожа ганданонинг эгасини топиб: «Рози бўл», — деб кўп ялиниб-ёлворди. Эгаси асло рози бўлмади. Хожа айдилар: «Эй биродар, ўша барги ганданонинг ҳақи учун майли юз танга берай?» — дедилар, барибир қабул қилмади. Охир-оқибат ул одам: «Эй хожа,

эртага рози бўлиш бўлмаслигимнинг жавобини айтгаймен», — деб уйига кетди. Хожа шул тун Худога зор-зор йиғлаб: «Худое, тонгла қиёмат санга не жавоб берурман», — дер эди. Сўнгра ул оташпарасти, ўз хотинининг олдида бориб ўтган воқеаларни бир-бир баён қилди. Хотин бу воқеаларни эшитиб, ўрнидан сачраб туриб айтди: «Бир барги гандано учун ул одам мундоғ таваллолар қилиб, қизил юзин сандек динсиз кофир олдида сарғайтирган экан, унинг дини ҳақ дин экан, унинг динин ихтиёр қилғил, ҳақиқий дин ўша дин экан!» — деб иковлари дод-вой солиб йиғлашдилар. Бу қоронғу олам кўзларига равшан бўлди. Буларнинг ҳолини кўруб, бўлган воқеаларни эшитиб, унинг барча хеш ақраболари, туғишганлари — ҳаммалари мусулмон бўлдилар. Ул олийжаноб, муаллиял алқоб¹⁶нинг бир қўрққанларидин ва арзимас нарсадин парҳез қилганлари сабабидин ул шаҳарда бирор кофир қолмай барчаси мусулмон бўлдилар.

*Ҳикояти Ибн Мукаддар
роҳматуллоҳи алайҳ*

Ибн Мукаддар роҳматуллоҳи алайҳ намоз вақтида ўзлариндин кетди. Бир соатдин кейин ўзларига келди. Халойиқлар бу ҳолат сабабини у зотдин сўрадилар. Ул шоҳбоз яхши бахтлики эрдилар, айдилар: «Эй биродарлар, бир улуг гуноҳим ёдимга тушди. Бир замонлар бир жойга боратурур эрдим, ногоҳ бир боғ ёнидин ўтдим. Юзимни ул боғ тарафиға қаратдим ва ижозатсиз гулларидан искадим. Қиёмат бўлгач, Қаҳҳор отлиғ Худойим бу ёмон феълимдин савол қилиб: «Эй бандам, дунёда бандалик лофини урдинг, на учун бировнинг боғидаги гулини сўрамай искадинг? — деса, мен шарманда ул вақтда на жавоб бергайман, не учунким азоби қаттиғ ва ҳайбатлиқдир».

Эй биродарлар, Ибн Мукаддар бир гулни узмай ва боққа кирмай ислаганига мундоғ ҳасрат ва надомат қилиб пушаймон еб, эсидин кетиб йиғлади. Вой, сиз ва биздек юзи қора, ҳоли табоҳ¹⁷, гумроҳлар аҳволиғаким, қиёмат куни ҳаммани ғамга соладиган ғам ели туради. Яъни Савол-жавоб бошланганда, Худонинг қаҳридин юлдузлар тўкилғай, мундоғ офтоб ёруғлиғи бирла қоп-қаро бўлғай ва бу маҳкам тоғлар ва ерлар юнгдак титилиб кетгай ва бунингдек улуг осмон тешик-

тешик ва пора-пора бўлғай. Ул қиёмат кунининг ваҳмидин ёш баччалар қариб қолғай, ул вақт эркаклар ва хотинлар парвонадек саргардон бўлғай. Ва яна беҳишт ва дўзахни ошкор қилур ва тарозуни ва сиротни тайёр қилур, Ҳазрати Худойи таоло ҳалол ва ҳаром, шубҳали нарсалардан сўрар: «Не учун мундоғ гуноҳлар қилдинг? Мен — сенинг Худойинг амримни буюриб ва наҳйи¹⁸дин сени қайтарган эрдим ва барча аъзоларинг саломат қилган эрдим. Ўз фойдангни билмасдин, не учун ўзингга зиён қилдинг?» деса, шармандалиқдан бўлак на жавоб берурмиз. У вақтда бир қатра сувдан¹⁹ яралган биздек инсонларнинг ҳолига вой! Магар Худойи азза ва жалла гуноҳимиз устига авф пардасини ёпса, нажот топурмиз. Ва агар қудратли ва бағишловчи Худойи азза ва жалла гуноҳимизни авф этмаса, азобга лойиқ юзи қаролардин бўлурмиз...²⁰

<...> «Илоҳи, жамии уммати Муҳаммадга, хусусан, бу камина фақири ҳақир котибга охир дамда иймон рўзи қилғайсан. Омин ва роббул оламин. Бироҳматика ё арҳамар роҳимин. Оллоҳум мағфирли вал валидайя валижамиъил мўъминина вал мўъминот вал муслимина вал муслимот. Ал аҳёу минҳум ва амвот. Иннака мужибуд даъват ва мунзилул баракот ва қозийул ҳожот»²¹.

Сана 1283²².

Бобораҳим Машраб (1653–1711)

Улуғ ўзбек шоири, тасаввуф адабиётининг етук намоёнғаси Бобораҳим Машраб Мулла Вали оиласида (1653) дунёга келган. У Мулла Бозор Охунд қўлида ўқийди. 1665 йилда Қашқарга Офоқ Хожа ҳузурига бориб билимини янада чуқурлаштиради. 1673 йилдан бошлаб умрининг охиригача қаландарларча ҳаёт кечиради. Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон томонидан (1711) дорға осилади.

Мажзуб Намангонийнинг "Тазкирату-л-авлиё", Исҳоқ Боғистонийнинг "Тазкираи қаландарон", Малёҳо Самарқандийнинг "Музакиру-л-асҳоб" каби тазкираларида, Ҳакимхон тўранинг "Мунтахабу-т-таворих", Мирза Олимнинг "Ансобу-с-салотин" асарларида ҳам шоир ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Машраб ҳақида мукаммалроқ тасаввур ҳосил қилувчи манба "Қиссаи Машраб" («Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб» номлари билан ҳам учрайди)дир. Унинг кўпгина қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжуд.

Машраб асарлари бир неча марта чоп этилган (1958, 1960, 1963, 1971, 1979, 1990). Шоир мероси "Қиссаи Машраб" орқали етиб келган. Асарда Риндий, Умар, Маҳваш, Зинда ва Мансур тахаллуслари ҳам учрайди.

"Мабдаи нур" ва "Кимё" асарлари муаллифлиги борасида мунозара мавжуд. 1997 йилда "Мабдаи нур" (Жалолиддин Румий "Маснавийи маънавий"сига шарҳ) Бобораҳим Машрабнинг асари сифатида чоп этилди.

Машрабнинг тасаввуфий ҳаёти ва қаландарийлик тариқати ҳақида маълумот берувчи арзирли манбалардан бири бўлган Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асаридан намуналар берилди.

ИСҲОҚ БОҒИСТОНИЙ «ТАЗКИРАИ ҚАЛАНДАРОН»дан

Бисмиллаҳир роҳманир раҳим

Фақир Исҳоқ ибн Зиёвуддин ибн Искандар Иброҳим Боғистоний¹ ушбу китоботни битмоққа жазм қилдим. Мазкур китобни битилмоғига боис шулдирки, шаҳри Наманганда етти йил ҳазрати бузруквор Мулла Бозор Охунд² мадрасаларида сабоқдошим бўлмиш Раҳимбобо Машраби мажзубнинг фожеъ қисмати борасинда ривоят қилмиш Пирмат Сеторий³нинг даъвати бу фақир илкига қалам олмоққа рағбатлантирмиш. Вақтики, Раҳимбобо Намангандин дили озор чекиб, Кошғар сафарига отланди. Пирмат Сеторий девонаваш Раҳимбобога бўлган камоли эътиқоди ва садоқати туфайли унга ҳамсафар бўлмишди. Ул оташнафас шоири замон Раҳимбобо Пирмат Сеторий (билан) бирга Хўжам пошо⁴ даргоҳларида етти-саккиз йил чин эътиқод ва садоқат ила хизмат адо этмишдилар. Ҳазрати Хўжам пошонинг муборак нафаслари боис Раҳимбобо Машраб тахаллусига сазовор бўлмишди. Ва лекин ароға совуқ сўз тушмушдики, Машраби мажзуб Хўжам пошо даргоҳидан қувилмишдир. Жони ичиға сигмаған разолат ва қабоҳатнинг кушандаси бўлмиш Машраби мажзуб забониндин кўп оташнок абёт⁵ бунёдга келмишдики, ўқуған, эшитған ва мағзини чаққон халойиқ бу оташнок абётларнинг шайдоси бўлмишди. Илло замона зўрлари Машраби мажзубнинг абётларини хуш кўрмадилар. Қай маконга бормасин, унинг азиз ва табаррук бошиға маломат тошлари ёғилди, дашном ва даккилар бўрониға йўлуқти. Шу боисдан бўлса керак, Машраби мажзуб абётларида кўп афсус ва надомат бирла демишларки:

*На ҳолатдур, аё дўстлар, ажаб ҳайрона Машрабман,
Кўролмай гулузоримни баса гирёна Машрабман.*

*Қаландарваш бўлуб доим, эшикларда фиғон айлаб,
Халойиқға бу оламда баса афсона Машрабман.*

*Фалакнинг жабридин юрмак аламдир кўксима дилбар,
Тарахҳум айлабон кўргил жароҳатхона Машрабман.*

*Висолини талаб қилсанг, огоҳ бўлғилки, эй Машраб,
Кеча-кундуз қарор олмай ажаб афғона Машрабман.*

*Халойиқлар мени қувлар ёмон деб ҳар шаҳар борсам,
Ажаб мажзуб, ажаб мардуг⁶, гули вайрона Машрабман.*

Алғараз орадин кўп неча фурсат ўтмишди. Фақир мадраса таълими ихтимомига етказиб ўз кентим Боғистонда жойнишин бўлмишмен. Биродарим Раҳимбобо ўзи каби қаландарлар ҳамкорлигинда бир ерда қарор топмай, ўлкаю вилоятларда саргардону сарнигун⁷ умргузорлиғ қилиб юргани ҳаққинда гоҳ-гоҳ хабарлар эшитмиштим. Вақтики, биродаримдан айрилганим фурсатида йигирма йиллар ўтмишдики, бир баҳор айёмида Пирмат Сеторий Боғистонга ташриф буюрмиш. Вале, бисёр ғамгин, ғамбода, вужуди фироқ оташида, чашми хунбор. Неча фурсат сукутдан сўнг Машраби мажзубни Балх ҳокими Маҳмудбек Қатоғон⁸ мансурвор⁹ сиёсат дориға тортмиш, тарихин барча тафсилотлари ила ҳикоят қилмиш. Пирмат Сеторий баҳор ва ёз фаслида фақирнинг камтарин хонасинда истиқомат қилмиш. Шу аснода устоз бузрук Шоҳ Машраби мажзуб ила турли ўлкалар, юртлар, мамлакатларда бошларидин кечирмиш ҳаводис фожеъ, бузруквор Шоҳ Машраби мажзубнинг табаррук ашъор дафтарларин ва ўз дастхати ила китобот қилмиш «Мабдаи нур», «Кимёи саодат» дostonларин хуржунидан олиб, фақир назарига келтирди. Айдики, агар Оллоҳ жонини омон сақлаб, узоқ умр адо қилган бўлса, устоз ашъорларини жамлаб, бир китобот тартиб этмоқлиғдек муборақ ниятда эрканин сўзлади. Баъдаз фақирга юзланиб, сиз ҳам кўп мажараи ҳаводис шоҳиди эрдингиз, ул ҳазрати бузруквор борасинда кўрган-билганларигизни битик қилинг, деб даъват этди. Алғараз, куз фаслининг аввалинда фақир ила хушлашиб, Пирмат Сеторий Андигон сари равона бўлди.

Фақир ҳам бағоят дарду алам чекдим ва охирул амр бир китобот тасниф этмоққа жазм этдим. Алғараз, орадин икки йилча фурсат ўтгач, ожизона фикримдан бир китобе тасниф

этиб, анга «Тазкираи қаландарон» унвонин бердим. Сабабки, мазкур ожизона китоботда азиз ва табаррук биродарим Машраби мажзуб бирла кечирмиш дамлар ҳақида ва Пирмат Сеторий чашми хунборлиқ-ла сўзламиш ривоятларни фикри ожизим имкони хорижинда сўзламишмен. Ва яна ҳазрати Шоҳ Машраби мажзубнинг муборақ даврасинда бўлмиш, ул табаррук зоти шариф суҳбатлариға мушарраф ўлмиш девонавор қирқ қаландарлар: Беҳбуд Қаландар, Кўса Маддох, Ажлалхон Боғистоний, Зуннун Девона, Олим Девона, Азиз Қаландар Шаҳристоний, Бадриддин Андигоний, Шоҳруҳ Қаландар Хўжандий, Обид Васвас Хўжандий, Ориф Қаландар Чангий, Асрор Сеторий, Толиб Қаландар Шоший, Ҳолмуҳаммад Девона Намангоний, Ҳошим Сўта Қаландар, Раҳмат Девона, Қаҳҳор Девона, Ҳусайн Қаландар Тамбурий, Ғози Маймоқ Қаландар, Собир Девона, Баҳром Қаландар, Илҳом Қаландар Чангий, Комил Қаландар Мусаввир, Аббос Қаландар, Жалол Қаландар, Ҳошим Девона, Абдурахмон Қаландар, Нозим Тентак, Козим Шапкўр Қаландар, Ҳожизода Қаландар, Ожиз Қаландар, Рашид Сўта Қаландар, Фулом Қаландар, Ислом Қаландар, Кабир Қаландар, Мурод Қаландар, Одил Девона, Карим Қаландар, Собит Қаландар, Зобир Қаландарбоши, Ортиқ Қаландар, Раҳим Қаландар ҳаққинда ҳам (аларнинг кўплари олами фонийдан олами боқийға рихлат қилмишлар) баҳоли қудрат ва ривоят абётлариндан қитъа битмишмен. Илло мазкур китоботимнинг ўн бир бобини биродарим ҳазрати Шоҳ Машраби мажзуб шаҳиди аъло хотиралариға бахш этмишмен.

Алқисса, орадан анча фурсат ўтмишдики, Андигон вилоятидин бир мусофир мени йўқлаб келмиш. Салом-алиқдин сўнг Собир отлиқ йигит хуржунидин матоға ўралган бир нимарсани менга «Сизнинг омонатингиз» дея узатди. Қўлумға олиб, матони ечдим. Не кўз билан кўрайки, бул омонат Пирмат Сеторий (томонидан) Машраби мажзубнинг табаррук ашъори жамланмиш ва «Китоби Қиссаи ошиқи Машраби валийюллоҳ» эркан. Китобни кўзимга суртиб, тавоф этдим.

Алғараз, Машраби мажзуб валийюллоҳ ҳаққинда китобатлар битилмишки, иншооллоҳ, бу битиклар авлодлар наздинда азиз ва табаррук бўлғисидир.

Фақирул ҳақирнинг ушбу ожизона битиклари ҳижратнинг 1130 санасинда, моҳи жумодул аввал¹⁰ да ихтимомига етди. Валлоҳи аълам биссаваб...

ТЎРТИНЧИ ЛАВҲА

Вақтики, Шоҳ Машраб бирла ҳамкорликда Қабодиёнға дохил ўлдик. Қабодиён қадимдан қадамжо ўлмиш. Биллоҳ, шунда мавлоно Носир Хисрав таваллуд топмишлар.

Шоҳ ва яна етти қаландар ва фақр Қабодиённинг тақяхонасига қўндик. Шоҳ Машрабнинг Қабодиёнға дохил ўлмишлари оз фурсатда эл орасинда машҳур бўлмиш. Андек фурсатдин сўнг маълум бўлдики, Эшони Сўфи Оллоҳёр ҳам мунда эрканлар, орадан бир муддат ўтиб эрдик, эшони Сўфининг муридларидин икки нафари келиб, шоҳға қуллуқ адосидин сўнг дедиларки, ё Шоҳ қаландар, пиримиз эшони Сўфи сиз азизни ўз кулбаларига чорлайдирлар. Шоҳ Машраб алар жавобида дедиларки: Маъқул, эрта намози жумъадин сўнг Эшон Сўфи ҳазратларига қуллуқ адосин қилғаймиз.

Алғараз, эрта намоз жумъа адосидин сўнг Шоҳ Машраб фақир ва қаландарлар ҳамроҳлигинда эшони Сўфи қўноқларига ҳозир ўлинди. Анда катта жамоат бўлубтур. Қабодиён қозиси, оқсоқол ва бисёр кадхудо¹¹лар анда жамъ бўлмишлар эрди.

Салом-алик адосидин сўнг Сўфи Оллоҳёр Шоҳ Машрабға юзланиб демишларки: «Ё Машраби девона, шоирлик шуҳратингиз оламни тутибдир. Сизни бирла мулоқот орзусида эрдим, эрса Тангри таоло бу орзумни етказди. Хуш келибсиз, сафо келибсиз!» Андин сўнг Шоҳ (Машраб) ва Эшон Сўфи ораларинда ажиб суҳбат бўлиб ўтмиш. Гап орасинда Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё Сўфим, Сиз бутун умрингиз мобайнида пулсиротға хушомад қилмишсиз. Ҳузурий дегани эса дўзахға хушомад этмиш. Дўзах ва пулсирот даҳшатларидин, дўзах азобларидин авом халқ руҳини ларзаға солмишсизлар. Ё Сўфим, инсоф бирла тафаккур қилинса, дўзах ва пулсирот шу ёруғ дунёнинг ўзида мавжуд эрмасми? Фарзанди одам умрининг ибтидосини то интиҳосига қадар босиб ўтмиш йўлнинг ўзи — қил устида турмоқлик: гардун ва золимлар анинг бошига ёғдирмиш азобу уқубатлар, сонсиз фалокатлар дўзах азобидин камми? Ё Сўфим, оёқларингиз остига бир назар ташланг, пулсирот ва дўзах анда мавжуддир».

Эшони Сўфи ва аҳли уламо Шоҳ Машраб жавобларидин тағйир тортиб, истиғфор келтурмишлар. Эшони Сўфи Шоҳ Машрабга юзланиб дедиларки: «Ё Машраби мажзуб, гуноҳга ботманг. Оллоҳ таоло биҳишт ва дўзахни солиҳ ва кофир бандалари учун яратмиш. Гофил бандаларни бу ҳақиқатидан огоҳ қилмоқ сиз ва биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир». Анда Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё Сўфим, агар ҳақиқат қилинғуси бўлса, дўзах аро барча гуноҳкорлар ўлуб тошуб, анда оёқ босарга жой қолмас, азоб малоикалари эрса, ўз юмушларининг уҳдасидан чиқолмағайлар. Биҳишт эрса бўш қолур. Келинг, то танада жон мавжуд эркан, шу ёруғ дунё ташвишлари борасинда жисмижў қилмоғимиз маъқулроқдир...»

Эшон мажлис адосинда дедиларки: «Ё Машраби мажзуб, тақяхонада истиқомат эрмишсиз. Анда ҳалойиқ авомдир. Дилингиз озор тоғусидир. Фақир қулбаси ихтиёрингизда, муридлари эрса хизматингизда бўлғай».

Шоҳ Машраб Эшон Сўфи жавобларинда дедиларки: «Ё Сўфим, илтифотингизга арзимасмен. Тақяхона мен учун боёнлар қасридин ортуғдир. Анда жоним роҳатда, фисқу фужурдин холи бўлғай...» Шу тариқа Қабодиёнда бир ойдин ортиқроқ муддат истиқомат қилинди. Авоми аннос¹² Шоҳ Машрабга бағоят иззату эҳтиром кўрсатмиш.

Шоҳ Машраб Қабодиён фуқароси аҳволи борасинда ушбу абётни битмишлар эрди:

*Қадди меҳнат тоғидин ҳам бўлган эй бечоралар,
Бағри ваҳшат тиғидин юз пора ҳам юз ёралар.*

*Кўрмаган умри ичинда бир дами бир яхши кун,
Тийра ғамдин дилда доғ ҳам кўзлари гирёналар.*

*Бул Қабодиён аро кўрдим неча ғамхорани,
Ранг заҳил, кўнгил синиғ, бир жон учун кўп зоралар.*

*Гар шикоят қилса зolim зулмидин мускин ғариб,
Куфр қилдинг деб уриб, тақдир қалам деб ёзалар.*

*Қозидин сўрдум эса: «Бу на учун бедодлиғ!»
Қози дер: «Амри Худодир, бўлмағил куффоралар».*

*Машрабо, амри Худо нечун бу янглиғдур қаро,
Ё магар амри Худони бағ қалам-ла ёзалар!*

БЕШИНЧИ ЛАВҲА

Пирмат Сеторий ривоят қилдиким, Шоҳ Машраб бирла Бухорои шарифда бир қиш фаслида умргузорлиғ қилинди. Бу арода Шоҳ Машраб Бухоро уламолари бирла, бир неча дафъа Мавлоно Шариф¹³ бирла мунозараи мулоқотда бўдилар. Мавлоно Шариф Шоҳ Машрабга «Мушкоти шариф»¹⁴ таржимасин манъ этмишдилар. Анда Машраби девона Мавлонога мажзубона хитоб қилдиларким: «Ё Мавлоно? Мен сизни аҳли оқил десам, аслида аҳли ноқис эркансиз». Бу мажородин сўнг Девонанинг муборақ кўнгиллари бисёр озурда бўлиб, Бухорои шарифни тарк этмоқлик тараддудиға тушдилар. Фасли баҳор етти қаландар: Исмат қаландар, Шерзода Субҳий, Турсунбобо Мақомий, Ашраф Қаландар, Оқил Кўса, Мирзараҳим Соқий, Обид Шилпиқ ҳамроҳлиғида Насаф сари равона бўлинди. Насафда бир неча маҳал сайру тамошалар қилинди. Бунда ҳам Шоҳ Машрабда узоқ турмоққа тоқат бўлмади. Эрса сафар жабдуғин эшаклариға юклаб, иродаи Байтуллоҳни ният айлаб, уммулбалда¹⁵ Балх сари равона бўлинди. Шоҳ Машрабни Балх сари сафарларин дарагин топган Оғохон Қаландар отлиғ кимса Балх қаландархонасин сардори эркан, барча қаландари мажзублар бирла ўн фарсах йўлга Шоҳнинг истиқболиға чиқмиш. Алқисса, Балхга дохил бўлинди. Анда бир неча муддат қаландархонада осойиш бўлинди. Аҳли шуаро қаландару дарвишлар, дунёи дундин қўл ювган мажзуби девоналар бир-бир келиб Шоҳ Машрабни зиёрат қилдилар. Баъзилари ашғор мажлисинда суҳбатлариға муяссар бўдилар. Аҳли зиёрат орасинда жабрдийда халойиқ Маҳмудбек Қатағон жабридин, аркони давлат зулмидин бисёр жон ачитғич ривоят қилмишлар. Шоҳ Машрабни(нг) овозаси Маҳмудбек Қатағон қулоғиға етишмиш, буюрмишким, Фарғона заминидин келган девонаи мажзуби қаландарни ҳузуримға ҳозир қилғайлар. Навкарлар келиб, одоб бирла салом бериб, ё Қаландари Машраб, сизни Маҳмудхон ҳазрати олийлари саройға чорламишлар, дедилар. Шоҳ Машраб алар жавобинда дедиларки: Мен киму Маҳмудхон ким, бандаи фақир бу янглиғ асъаса¹⁶ға лойиқ эрмасмен, сизлар бораверинглар, мен саройға

ўзим йўл топғум. Навкарлар ёнди. Бир неча муддат ўтказиб Оғохон сардори қаландарон ҳамроҳлигинда Маҳмудхон ҳузурига равона бўдилар. Маҳмудхон ва уларнинг фузало аркони давлат анда ҳозир бўлмиш. Шоҳ Машраб тавозе бирла салом айлаб, пойғаҳда жойнишин бўдилар. Маҳмудхон тавозе бурчидин ҳол-аҳвол сўрди, ё девона, иродаи Байтуллоҳ қилмишсиз, Оллоҳ муборак қилгай, деди, зиёрат сўнгида дедик: ё Қаландари мажзуб, ширин ашъорингиз гўшимизга етишдики, анинг мутолаасидин бисёр лаззат топдик. Аммо баъзи уламою фузало ва аркони давлат тавсифинда ҳам бир кўп ношоён сўз демишсизки, бу корингиздин андак озурда хотир бўддик. Аҳли мажлис қотинда бу носазо сўзларингиз борасинда тавба-тазарруъ қилсангиз бизни бисёр хушнуд қилурдингиз.

Анинг жавобинда Шоҳ Машраб дедиларки: «Оре ростдирким, мўмин-мусулмон бандаларни эрмас, балки ришвахўр қозиларни, оқни қаро қилғувчи муфтиларни, икки тиллик уламоларни, шайдои муллаларни ҳажв тили бирла тавсиф этмушдим. Неки битдим, ҳақ турур. Узр айтмоқлиғ фақирга одат эрмас, иззат-икром учун бағоят бурчдормен, шаксиз, ҳазратлариға бўлган бурчимни узурмен» деб рухсат олиб, саройдин чиқдилар. Орадан бир неча фурсат ўтди. Шоҳ Машраб Маҳмудбек Қатағон ва вазири калони Бузрукхўжа Бухорийдирки, авом ани «ола бўжи» дедилар, таърифида ашъор битиб, бозор ва гузаргоҳларда ўқидилар. Бу абётларни бир неча қаландарлар ҳам авоми аннос мажлисинда ўқимишлар.

Охирул амр ҳажвгўйлик овозаси Маҳмудхон гўшиға етишмиш. Бузрукхўжа Бухорий Маҳмудхон подшоға арз қилмушки, ё подшоҳи олам, Машраби девона ҳаққингизда ношоён сўзлар битиб, ани авом орасинда тарқатиб, халойиқ дилида гулув қўзғамоқ ниятида эркан, буни хуфялар бизга еткизди. Ани чорасин қилинмаса, ишнинг охири вой бўлур деди.

Маҳмудхон ғазабнок бўлиб дедик, гулувчи девонани дарҳол бунда ҳозир қилинг. Эрса неча навкарлар чоштгоҳ палласинда қаландархонага келиб, Шоҳ Машрабни, фақирни ва яна Оғохон сардорни бир неча қаландарлар бирла қўлларини занжирбанд қилиб, Маҳмудхон ҳузуриға элтдилар.

Дарғазаб Маҳмудхон кўзларидин ўт чақнаб, итоб бирла дедик: «Ё Қаландари мажзуб, мен сени дарвиши замона тариқида иззату икром қилдим, сен эрса ушбу иззат-икромға ўтирдинг». Анинг жавобида Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё Маҳмудхон, жабринг андоқ даражасига етишмишки, халойиқ ушоқлари хархаша қилса, ани Маҳмудбий келур деб қўрқитурлар. Оре рост, мен дунёдин кечган бир дарвишман. Иззати икромингни менинг қатимда сариқ чақалик қадри йўқ турур, илло, сен аркони давлатинг бирла юртга ўтирмишсен. Ҳар кимнинг жазосин тонгла маҳшарда Тангри таоло берғуси. Халойиқда масалдулки, «ҳар кимса экканин ўрар». На битибмен, ҳақ сўзни битибмен. То рўзи қиёмат сендин жафокорлик, мендин ҳақ сўзни битилмиш китобат қолғуси. Жавобингда ўзга айтар сўзим йўқ. На ҳукм этурсен, бисмиллоҳ деб қабул қилурмен».

Маҳмудхон буюрдиким, гуноҳкорларни банди зиндон қилсинлар. Балхни(нг) «Қароқчиён» зиндониға банд қилдилар. Эрса Маҳмудхон уламо мажлисин йиғиб машварат қилди. Шайхул ислом демушки: «Машраб ва ҳамроҳлари халойиқни гумроҳликка ундар, шариат ва тариқатдин оздурур, ашъоридин куфр иси келур, Қуръони мажидни ҳақорат қилур, мардум орасинда ғулув қўзғатур, аларнинг жазоси дорға тортилмоқдур» деб фатво бермиш.

...Шоҳ Машраб зиндонда бисёр ғамнок ва озурда хотир бўлдилар. Менга васият қилдиларким, мабодо зиндондин саломат қутилсанг, битикларимни асра, бу ўлкадин ҳеч ҳаялламай Фарғона сари отлан, аларни бир китобат тартиб бериб, бизни азиз тутғувчи халойиқ назариға еткур. Бу янглиғ сўзлардин сўнг Шоҳ Машраб тафаккур уммониға гарқ бўлдилар. Эрса зиндонбонни йўқлатиб, қалам, довот¹⁷ ва қоғоз сўрадилар, зиндонбон сўрмишларин муҳайё қилди. Шоҳим тафаккурдин ҳушёр тартиб, ушбу абётни биттилар.

*Чун кўзум¹⁸ бирла қўлимни боғламоқ ҳожат эмас,
Мен ўлумға розиман, бас турғали тоқат эмас.*

*Мунча шигдат бирла бўйним бўғғали зўр айлама,
Баски, одам қони тўкмас сенга ҳам тоат эмас.*

Умр чун барқи ҳаводис ғофил одам билмади,
Ою кун оромиға бир лаҳзаи фурсат эмас.

Лашкари хунрезға сабру ором қайда бор,
Мажнуну девоналарнинг шоҳиға роҳат эмас.

Тўккиси хунимни охир Балхда Маҳмуд шоҳ,
«Алқасосул ҳақ» каломи анга ҳам муддат эмас.

Чун муборақ бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сени,
Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг офат эмас.

Ва яна:

Минг шўру фиғон бирла ҳай-ҳай на бало келди,
Жон қичқирадур қўй деб, ханжарни оло келди.

Қўлиға олиб пўлог, қошимға келур жаллог,
Қилди мани бубунёғ, тиғи гузаро келди.

Кетсам бу алам бирлан, юз қоҳиши ғам бирлан,
Фавғои санам бирлан, хуш даври сафо келди.

Рози бўлайин ўлсам, жон бергунча бир кўрсам,
Мундоғ не бало бирлан, шигдатли қазо келди.

Заҳмату қазо ёндош, бўлди ҳаммаси йўлдош,
Ул жавру жафо одош, тиклаб бўйро келди.

Девонаи Машрабсан қўрқиб нега йиғлайсан,
Ошиқ кишига ўлмоқ: хуш кайфу сафо келди.

Шоҳ Машраб бу абётдин нусха кўчириб, Маҳмудхонға элтоқларини илтижо қилдилар. Маҳмудхон жонибидин хабарчи келиб: Шоҳ Машрабни уламо аркони давлат қошида тавба тазарруъ қилмоққа ундади. Шоҳ Машраб унамадилар. Охирул амр ҳукм ижросиға тутиндилар.

Рамазони шарифнинг ўн еттинчи куни ҳижратнинг бир минг бир юз йигирма уч сана¹⁹ кечиб эрди, барча банди зиндонларни Балхни(нг) қатл майдониға сургадилар. Қўча-қўйда ҳалойиқ бисёр йиғилган эрди. Шаҳарлар гузаридин ўтурда фуқаро орасинда ғулув қўзғалуб, навкарларға тажовуз қилинди. Фақир ва бир неча нафар жабрдийдаларни ҳалойиқ ароға қамраб олиб, банддан ҳалос қилиб яширдилар. Ило Шоҳ Машрабни илки ва аёғи занжирбанд, кишан ҳалқасин навкарлар қўлларида маҳкам тутмишди. Ул сабабдин аларни қутқармоқ имкони бўлмади. Алқисса, рамазони шарифни ўн еттинчи куни бавақти намози жумадин сўнг Шоҳ Машрабни мансурвор сиёсат дориға тортмишлар. Андоғ маълум бўлурки, қатли ом муддатинда таваллудларидин элик етти сана²⁰ кечиб эрди. Охирул амр девонаи мажзуб Шоҳи қаландар валийюллоҳ Машраб шаҳиди аъло тариқин топиб, Мансур мақомиға етиштилар. Қолу инна лилалли ва инна илайҳи рожиун...²¹

Тақдир тақозоси андоғ бўлмишким, Шоҳ Машраб «алқасосул ҳақ каломи санга ҳам муддат эмас» деб каромат қилганларича бўлди. Маҳмудхон уч кундан сўнг зиқиладатом остида қолиб, қаттол руҳи жаҳаннамға мубаддал бўлди...

РИСОЛАИ ҚАЛАНДАРИЙ

Ҳазрати Мавлоно Шариф роҳматуллоҳи алайҳ¹ таъкидлайдиларки, тариқат аҳли дарвишлик амалини бажо келтириш учун беш нарсага беш нарсани буюрадилар: Аввал оғзи билан рост сўзласин. 2. Кўзлари билан ҳалол нарсага қарасин. 3. Қулоғи билан рост нарсани эшитсин. 4. Қўлни ҳаромдан йиғиштирсин. 5. Парҳез билан қадамларини ҳалоллик кўчасига қўйсин ...

Билгинки, ҳазрати Одам алайҳиссалом таййиб²дир ва ҳазрати Идрис алайҳиссалом обиддир³ ва ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом шокирдир⁴ ва ҳазрати Айюб алайҳиссалом собирдир⁵ ва ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом халилдир⁶ ва ҳазрати Исмоил алайҳиссалом розидир⁷ ва ҳазрати Юсуф алайҳиссалом сиддиқдир⁸ ва ҳазрати Довуд алайҳиссалом набидир⁹ ва ҳазрати Мусо алайҳиссалом калимдир¹⁰ ва ҳазрати Исо алайҳиссалом зоҳиддир¹¹ ва ҳазрати Муҳаммад Мустафо солаллоҳу алайҳи ва саллам орифдир¹².

Ва оламнинг тўрт рукнида тўрт пир бордир. Машриқ томонда Абдулкарим¹³ ва мағриб томонда Абдурраҳим ва шимол томонда Абдураззоқ ва жануб томонда Абдулваҳҳоб.

Агар хирқанинг пири нима ва хирқанинг ичи нима ва хирқанинг ташқариси нима ва хирқанинг этаги нима? деб сўрасалар, жавоб бергинки: хирқанинг пири такбирдир, хирқанинг ичи сирдир, хирқанинг ташқариси нурдир ва хирқанинг этаги ҳидоятдир.

Тариқат машойихлари фақирнинг уч нишонаси: қуёш каби шафқатли, ёмғир каби саховатли, ер каби тавозели бўлиш деб айтганлар.

Ҳазрати имоми Жаъфар Содик розияллоҳу анҳу¹⁴ буюрдиларки: "Пири муршид бўлишни истаган ҳар қандай мурид аввал ўз молини уч қисмга бўлсин: бир қисмини хотин, бола-чақасига, яна бир қисмини қариндошларига сарф қилсин.

Бир қисмини ўз пирига олиб борсин, токи пир дунё ишидан қутилиб, тажрид¹⁵ бўлсин".

Сўнгра пир унга "Албатта амаллар ниятига яраша бўлади" ҳадисига биноан тариқат ғуслини ўргатади. Тариқат ғуслини(нг) нияти шундай: «Навайту ан ағтасала ғуслан минал қаҳрил анфуси мин арбобит тариқати вал шарияти вал хуружил амали ва минал аъмолид дунё тақаррибун илаллоҳи таоло Оллоҳу акбар»¹⁶. Мурид ғуслдан фориг бўлгандан кейин пирининг хизматига келади. Пир намоз ракаатларини буюради ва мурид ҳар бир ракаатда "Фотиҳа" сурасидан кейин 70 марта "Ихлос" сурасини ўқийди. Намоздан фориг бўлган муридга пири тариқат калимасини ўргатади.

Эй солиқ, билгинки, кимки фақр йўлига қадам қўйса ва тариқат калимасини билмаса унга хирқа кийиш ва фақр луқмасини ейиш ҳаромдир.

Тариқат калимаси: "Ла илаҳа илаллоҳу анта ваҳдаҳу ла шарика лаҳ. Ва анта Муҳаммадан абдуҳу ва росулүҳ. Ла илаҳа илла анта бияди қудратиҳи ла илаҳа илаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ. Аллоҳумма нафси бинури қудратиҳи ла илаҳа илаллоҳу Муҳаммадун ҳабибуллоҳи сидқан сафян"дир¹⁷.

Агар кулоҳни бошга киядиган пайти нима дейдилар? деб сўрасалар, жавоб бергинки: "Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим. Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аллоҳумма антал маликил ҳаққуллази ла илаҳа илла анта ё Аллоҳу ё роҳману ё роҳиму"¹⁸ дейиш лозимдир.

Агар жандани кийишда нимани ўқийдилар? деб сўрасалар, жавоб бергинки: "Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим. Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Ва ухро туҳиббунаҳа насрум миналлоҳи ва фатҳун қориб. Ва башширил муъминин. Иннаҳу мин Сулаймана ва иннаҳу бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Алла таълу алайя ваътуни муслимин"¹⁹ни ўқисинлар.

Агар камар боғлашда нимани ўқийсан? деб сўрасалар, "Ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййул азим"²⁰ни деб жавоб бергин.

Агар асони (тутиш) пайтида нимани ўқийсан? деб сўрасалар: "Ла илаҳа илаллоҳу жалилул жаббарун ла илаҳа илаллоҳу азизул ғоффару ла илаҳа илаллоҳу каримус саттору ла илаҳа илаллоҳу ваҳидул қоҳҳар"²¹ни ўқисин.

Агар качкулни олиш пайтида нимани ўқийсан? деб сўрасалар "Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим». "Ва йутъимунат тоама ала ҳуббиҳи мискинан ва ятиман ва асиро"²²ни дегил.

Агар сепоя қўйиш пайтида нимани ўқийсан? деб сўрасалар, жавоб бергинки: "Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим. Бисмиллаҳир роҳманир роҳим». "Бисмиллаҳиллази ла йазурру маъа исмиҳи шайъун фил арзи вала фиссамои. Ва ҳувас самийул алим"²³ни ўқиш лозим.

Агар суянчиқ қўйиш пайтида нимани ўқийсан? деб сўрасалар, "Такосур" сураси²⁴ни охиригача ўқийман деб жавоб бер.

Агар пўстин кийишда нимани ўқийсан? деб сўрасалар, "Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим. Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Роббана ла тузиг қулубана баъда из ҳадайтана ва ҳаб лана мил ладунка роҳматан иннака антал ваҳҳаб"²⁵. Бироҳматика ё арҳамар роҳимин"²⁶ни дегил. Эй дарвиш, билгинки, дарвишликнинг учта нишонаси бор: 1. Нафси ўлдириш. 2. Қалб уйғоқлиги. 3. Ширинсўзлик.

Яна дарвишларнинг еттита белгиси бор. 1. Манъ қилинган нарсалардан парҳез қилиш. 2. Тақдирга рози бўлиш. 3. Ўзини ҳаромдан йироқ тутиш. 4. Ўздан улуғларнинг хизматини қилиш. 5. Машаққатларга сабр қилиш. 6. Ғурбатни ихтиёр этиш. 7. Қаноат қилиш.

Агар кулоҳ неча қисмдан иборат? деб сўрасалар, тўрт қисмдан иборат деб жавоб бер. 1. Жамият таркининг кулоҳи. 2. Суҳбат таркининг кулоҳи. 3. Иродат кулоҳи. 4. Кўриш ва эшитиш мумкин бўлмаган нарсаларни кўрмайди ва эшитмайди, айтилмайдиганни айтмайди, олинмайдиган нарсани олмайди ва бориш манъ қилинган жойга бормайди.

Ва билгинки, кулоҳнинг тўртта хонаси бор. 1. Шариат хонаси. 2. Тариқат хонаси. 3. Маърифат хонаси. 4. Ҳақиқат хонаси. Ва яна шуки, кулоҳнинг тўрт тарки бор. 1. Нафс тарки. 2. Халқ тарки. 3. Дунё тарки. 4. Охират тарки.

Агар бенаволик (фақрлик)нинг йўли нечта? деб сўрасалар, тўртта деб жавоб бер. 1. Истиғфор айтиш. 2. Улуғ ва голиб Худога таваккул қилиш. 3. Ҳаромдан йироқ бўлиш. 4. Нафсга қарши курашиш.

Агар гадолик неча хил? деб сўрасалар, уч хил деб жавоб бер. 1. Шоҳ гадолик. 2. (Нар) эркак гадолик. 3. (Хар) эшак гадолик. Шоҳ гадолик шуки, ҳафтанинг бир кунида етти уйнинг эшигига бориб, садақа тилаб, баланд овоз билан товуш

қилади. Ўша куни насибасига нима чиқса то бошқа кунга қадар шунга қаноат қилади. Эркак гадолик шуки, ҳар куни бозор-расталарда ғазал ўқиб одамлардан бир нима ундиради. Эшак гадолик шуки, тонгдан шомгача одамлар эшигига тинимсиз бориб тиланчилик қилади.

Эй дарвиш, қаландарлик тариқати шуки, ҳақиқат йўлида иккиланмасин ва одамларга беҳуда сўзламасин. Ва яна качкулини кўтариб юриш одоби шуки, аввало, то уйига келгунига қадар таҳоратлик ва рўздор бўлсин ва йўлда чор атрофга кўз ташлаб номаҳрамга назар солмасин. Ва тилини ёлғон сўзлашдан асрасин, пирига беадаблик қилмасин, фақирларга раҳм қилсин ва ҳамма аъзоларини пок тутсинки, Худонинг қутби хожа баҳоул ҳаққ вад дин қоддасаллоҳу руҳаҳу²⁷ шундай қилганлар ва ҳам шундай буюрганлар. Ҳар ким бу амаллардан ташқари бўлса қаландарлик тариқатидан ташқаридадир. Ва бу бобда (ҳақда) у кишидан кўп сўзлар айтилган эди, лекин мухтасар тарзда тугалланди.

ИЗОҲЛАР

Изоҳларни тузишда, аввало, ўша манбадаги маълумотлардан фойдаланилди. Муаллиф ёки мутаржим ва нашрга тайёрловчи изоҳлари қавс ичида (*тарж.*) ёки (*нашр.*) тарзида кўрсатилди. Айрим сўз ва истилоҳлар турли манбаларда турлича келади. Имкон қадар уларни нашриёт талаби билан жорий имло тартиблари асосида бирхиллаштиришга уринилди. Матндаги сўзлар эса ўзгаришсиз ўз ҳолида сақланди. Айрим ўринларда манбага ишора қилинган ҳолда унинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилди.

«ҚУРЪОНИ КАРИМ»дан

Ислом тасаввуфининг асоси ва манбалари Қуръони каримда акс этганлиги учун бу муқаддас илоҳий китобдаги сўфийлик эътиқоди, тавҳид асрори, нафс тарбияси ва б. хусусидаги ояти карималардан намуналар келтирилди. Нашрга асос бўлган манба: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Мутаржим Аловуддин Мансур. — Т.: Чўлпон, 1992; Қуръони карим. Матн, таржима, шарҳ. Амалга оширувчи Абдулазиз Мансур. — Т.: Ислом университети нашриёти, 2000.

Маккада нозил бўлган «Фотиҳа» сураси очувчи сура ҳисоблангани учун, у нафақат илоҳий илмлар, балки илми тасаввуф учун ҳам очқич вазифасини бажаради. Шунинг учун Ушбу сурадаги ояти карималар тўлиқ келтирилди.

¹ Келтирилган ояти карима Қуръондаги энг узун Бақара сурасидан олинган бўлиб (286 оят), сурада эътиқод, ибодат, ахлоқ, никоҳ ва бошқа шариат ҳукмлари ҳақида сўз юритилган. Сурада Одам алаҳиссалом қиссаси ҳам зикр қилинган. Яна «аҳли китоблар» (Таврот ва Инжилга иймон келтирганлар) хусусида сўз боради, судхўрликнинг жиноят экани ҳам уқтирилади. Бу суранинг «Бақара» — «Сигир» деб номланишига сабаб, қадимда бани Исроил қавмидан бир киши ўлдирилади. Унинг қотилини топа олмаганларида Оллоҳдан Мусо алайҳиссаломга: «Қавминга айтгин, бир сигир сўйиб, унинг бир бўлаги билан ўликни урсинлар» деган хабар келади. Оллоҳнинг буйруғини бажо қилганларида ҳалиги ўликка жон кириб, қотили кимлигини айтади (Қуръони карим, — Б. 6—35).

² Ояти карима «Ол-и Имрон» сурасидан олинган бўлиб, Мадинада нозил бўлган бу сура икки юз оятдан иборатдир. Сурада Биби Марямнинг отаси Имрон хонадони ҳақида сўз юритилгани учун шундай деб номланган. Демак, сурада насронийлар ҳақида сўз бориб, уларнинг Исо алайҳиссаломни Худо деб сифинишлари хато эканлиги далиллар билан аргументланади (Қуръони карим, — Б. 36—53).

³ Оятлар Юнус сурасидан олинган. Бир юз тўққиз оятдан иборат бу сура Маккада нозил бўлган. Сурада Оллоҳга иймон келтириш, Унинг Китоби ва Пайғамбарларига, қиёмат кундаги жазо-мукофотга ишониш ҳақида сўз боради. Сурада Нуҳ, Мусо ва Юнус

пайғамбарлар қиссалари баён қилинган (Қуръони карим, —Б. 136—145).

⁴ Қуръони каримнинг «Ал-Исро» сурасида акс этган меърож, яъни Оллоҳ ҳузурига кўтарилиш воқеаси бўлиб, у пайғамбар алайҳиссалом Мадинага ҳижрат қилишларидан бир йил илгари содир бўлган. Расулulloҳ айтадилар: «Бир кеча Масжид ал-Ҳаромда эканман, баногоҳ ҳузуримга Жаброил Буроқ исми отни етаклаб келди ва мени ўша отга миндириб самога олиб чиқиб кетди. Бир зумда Қуддус шаҳрига етиб келдик. Бу ердаги масжид ал-Ақсода икки ракаат нафл намозини ўқигач, яна Буроққа миниб Жаброил билан осмонга йўл олдик... Еттинчи осмонга етгач, Тангри таоло менга ва менинг умматимга кунда беш вақт намоз ўқишни фарз қилиб, деди: «Бу бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намознинг ҳар бирига ўн намоз савобини ато этурман! Демак, беш вақт намоз ўқиган кишига эллик вақт намоз савоби ёзилур. Шунингдек, бандаларимдан ким бир яхшилик қилишга азм этиб, уни адо эта олмаса бир савоб, адо эта олса, ўн савоб ато қилурман. Энди кимки, бирон ёмон ишни — гуноҳни қасд қилсаю, уни амалга оширмаса, у кишига гуноҳ ёзилмас, агар ўша ёмон ниятини амалга оширса, бир гуноҳ ёзилур. Парвардигоримдан ушбу вазифаларни олиб, заминга тушдим ва бир нафасда ўзимни Маккада кўрдим» (Қуръони арим, —Б. 195—196).

⁵ Келтирилган бу икки ояти карима ҳам «Ал-Исро» сурасидан олинган бўлиб, бир юз ўн бир оятдан иборат. Бу сура Маккада нозил қилинган. Сура Муҳаммад (с.а.в.)га кўрсатган мўъжизаси сайр билан бошлангани учун «Ал-Исро», яъни «Тунги сайр» деб номланган. Сурада бани Исроил қавми ҳақида ҳам сўз юритилгани учун айрим уламолар уни «Бани Исроил сураси» ҳам деб атайдилар. Суранинг 2-оятида «Биз Мусога Китоб (Таврот) ато этдик ва у (Китоб)ни Бани Исроил (қавми) учун ҳидоят қилиб (дедик): Сизлар мендан ўзгани вакил (яъни барча ишлар ишониб тошшириладиган зот) қилиб олманглар!» дейилади (Қуръони арим, —Б.196).

⁶ «Шуаро» сураси икки юз йигирма етти оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилингандир. Сурада Қуръони каримнинг Оллоҳ томонидан нозил қилинганлиги эслатилиб, уни жинлар келтирган чўпчак ёки шоирлар битган шеър эмас, балки Жаброил воситасида очиқ араб тилида нозил қилинган илоҳий китоб эканлиги таъкидланган. Шунингдек, мушрикларнинг иймонсизликлари қиёмат кунига жазосиз қолмаслиги айtilган. Сурада Тангри таолонинг шоирлар ҳақидаги сўзлари ҳам ўрин олганлиги сабабли у «Шуаро» деб номланган (Қаранг: Қуръони карим, —Б.262).

⁷ Ояти каримадан сўнг шундай изоҳ келтирилган: «Макка мушриклари аввал «Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи ёзиб олган» деб кўрдилар, лекин бу иғволари фойда бермади. Чунки Пайғамбар алайҳиссаломнинг Қуръондай беназир китобни ёзиш эмас, балки уни ўқиб беришга ҳам қодир бўлмаган киши эканликлари маккаликларга

маълум эди. Шундан кейин улар «Муҳаммаднинг ҳам бошқа коҳин-фолбинларга ўхшаб ўз жинлари бор, Қуръонни унга ўшалар ўргатадилар» деган янги ёлғонни ўйлаб топдилар. Мазкур оятларда Оллоҳ таоло бу иш жинларнинг қўлидан келмаслигини, улар осмон хабарларини эшитишдан четлатилганларини айтиб (бу ҳақда «Ҳажр» сурасининг 17–18-оятларида ҳам зикр қилинган эди), «Қуръони карим У зотнинг Ўзи нозил қилган китоб» эканини таъкидлайди (Қаранг: Қуръони карим, — Б.269).

⁸ Ушбу икки оятда Тангри таоло Ўз пайғамбарига ёлғиз Оллоҳдан ўзга бирон кимса ё нарсага сиғинмасликни ва бошлаб бу Ҳақ динга ўз қариндош-уруғларини чорлашни буюрди. Шу оятлар нозил бўлиши билан пайғамбар алайҳиссалом қариндошларини йиғиб, уларни охират азобидан фақат ўз иймон-амаллари билангина халос бўлишлари мумкин эканлиги ҳақида огоҳлантирадилар ва, жумладан, ўз қизларига қараб шундай дейдилар: «Эй Фотима, қанча сўраб ёлвормагин, охират кунда мен сенга асқотмайман» (яъни охират азобидан пайғамбар қизи бўлганинг учун эмас, балки ўз амалинг билангина қутула олурсан), дейдилар. Бу Муҳаммад алайҳиссаломнинг барча умматларига сабоқдир (Қаранг: Қуръони карим, — Б. 269).

⁹ Бу оятлар барча замонлардаги Оллоҳдан қўрқмайдиган, устларидаги ҳокимият — сиёсат ўзгариши билан ёзаётган мавзулари, қаҳрамонлари ҳам ўзгариб кетаверади, ўзгаларга тўғрилиқ, эзгулиқ ҳақида лоф уриб, ўзлари нопок йўллардан юрадиган маддоҳ қаламкашлар ва ўзларининг бор илҳом-истеъодларини маъшуқаларининг таъриф-тавсифларига сарф қиладиган назмбозлар ҳақидадир. Лекин иймонли, эзгу амаллар қиладиган ва доимо Оллоҳни ёдда тутадиган шоирлар бундан мустасно эканлиги тўғрисида қуйидаги ояти каримада айтиб ўтилади (Қаранг: Қуръони карим, — Б. 270).

¹⁰ Моҳият-эътибори билан «Шуаро» ва «Намл» сураларининг давоми саналган «Қасас» — «Қисса» сураси саксон саккиз оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил бўлгандир. Ибрат учун Фиръавн ва Қоруннинг золим ва мустабидлиги воқеаси келтирилган. Сурада Мусо алайҳиссалом тарихи ҳам баён қилинган (Қаранг: Қуръони карим, — Б.277).

¹¹ Мадинада нозил қилинган етмиш уч оятдан иборат бу сура исломий ақидадан шариат баёнига кўчиб, Оллоҳдан қўрқиш, ёлғиз Оллоҳгагина суяниш ва фақат илоҳий ваҳийгагина эргашиш ҳамда боқиб олинган боланинг туққан фарзанд билан баробар бўлмаслиги айтилади. Сура «Аҳзоб», яъни «Фирқалар» деб номланади (Қуръони карим, — Б.302).

¹² Қуръондаги бир неча сура мана шундай ёлғиз ҳарфлар билан бошланади. «Ҳуруфоти муқаттот» (маънодан узилган) деб номланган бу ҳарфларнинг маъноси ёлғиз Оллоҳгагина аён (Қуръони карим, 6 — бет).

¹³ Саксон уч оятдан ташкил топган бу сура Маккада нозил бўлгандир. Сура дастлабки оятнинг номи билан «Ёсин» деб аталади. Бунда Оллоҳнинг Антокияга юборган элчилари ва солиҳ банда Ҳабиб ан-Нажор ҳақида ҳикоя қилинади. Сурада кеча ва кундузнинг алмашиши, ой ва қуёш каби буюк сайёраларнинг ҳаракати Яратганнинг қудратига далолат сифатида келтирилган. «Ёсин» сурасининг Қуръони каримдаги ўрни ҳақида шундай дейилган: «Албатта, ҳар бир нарсанинг қалби бордир. Қуръоннинг қалби «Ёсин»дир. Мен бу сурани умматимдан ҳар бир кишининг қалбида бўлишини истар эдим» (Қуръони карим, — Б.319)

¹⁴ Макка сураларидан бўлган етмиш беш оятли «Зумар» сурасида Оллоҳ томонидан нозил қилинган Қуръони каримнинг сифатлари ҳақида сўз боради. Тангри таоло ҳар бир нарсага ўзига мос сурат ва сийрат бергани, Ўзи буюрган ва имкон берган амалларнигина бажаришлик вожиблиги айтилади. Оллоҳдан бошқасига ибодат қилиш дируст эмаслиги эслатилиб, хожасига сиғинган хизматкорнинг қисмати баён қилинади. Сура яхши амаллар қилган солиҳ бандаларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб жаннатга киришлари ҳақидаги сўзлар билан якунлангани учун «Зумар» — «Гуруҳлар» деб юритилган (Қаранг: Қуръони карим, — Б.338).

¹⁵ «Шўро» сураси эллик уч оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилинган. Унда Қуръоннинг сифатлари уқдирилиб, мўъминларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилувчи илоҳий нур экани айтилади. Китобда юқоридаги ояти каримадан сўнг шундай изоҳ бор: «Бу ўйинда Оллоҳ таоло томонидан Қуръони карим Руҳ деб аталишига сабаб жасад жон билан тирик бўлгани каби диннинг руҳи — жони Қуръондир» (Қуръони карим, — Б.357, 362).

¹⁶ Йигирма тўққиз оятдан иборат «Ҳадид» сурасида Яратганнинг илоҳий сифатлари баён қилинади. Сура мунофиқларнинг охиратдаги аҳволини баён қилади. Исо йўллариغا эргашувчиларни охир замон пайғамбари Муҳаммад йўлига даъват этилади. Сурада энг зарур неъматлардан бири темир моддаси зикр қилингани учун «Ҳадид» — «Темир» деб юритилади. Учинчи оятдан кейин шундай изоҳ келтирилган: «Ушбу ояти каримада ҳар бир мўъмин Оллоҳ таолонинг бор ва бирлигига иймон келтириш билан бирга эътиқод қилиши лозим бўлган тўрт илоҳий сифат баён этилди: Оллоҳ аввалдир, яъни У азалий зот бўлиб, Ундан аввал бирон замон ўтган эмас; Оллоҳ охирдир, яъни У абадий — мангу зот бўлиб, барча нарса йўқ бўлур, лекин Унинг интиҳоси йўқдир; Оллоҳ зоҳирдир, яъни коинотдаги ҳар бир нарса Унинг борлигига очиқ — зоҳир далолат қилиб туради; Оллоҳ ботиндир, яъни Унинг зотини кўз билан идрок этиб бўлмас ва Унинг моҳият — ҳақиқатига ақл билан етиб бўлмас» (Қуръони карим, — Б.418).

¹⁷ Маккада нозил қилинган «Мулк» сураси ўттиз оятдан иборатдир. Сура барча оламлар мулки — подшоҳлиги ўз қўлида

бўлган Оллоҳ таборака ва таоло беҳад буюк баракотли бўлганини таъкидлаш билан бошлангани учун баъзи уламолар уни «Таборақ» деб ҳам аташади. Иккинчи оятдан сўнг шундай изоҳ бор: «Демак, Оллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг мана шу ҳаёти дунёда қилиб ўтадиган амалларини синаб, охиратда ўша амалга яраша мукофот — жазо бериш учун ўлим ва ҳаётни яратган экан. Ушбу ояти каримада ўлим сўзи ҳаёт сўзидан муқаддам келтирилишига сабаб, ўлим калимасининг мазмунини ҳаёт калимасининг маъносидан теранроқ, қамровлироқ эканлигидир. Чунки ҳаёт сўзи мана шу ўткинчи дунёда яшашнинг бошланишини билдирса, ўлим охират диёридаги мангу ҳаётнинг бошланишини англатади. Демак, ўлим юзаки қараганда, ҳаётнинг интиҳоси бўлиб кўринса-да, аслида у мангу ҳаётнинг ибтидосидир. Бу хусусда пайғамбар алаҳиссалом шундай деганлар: «Жоним қўлида бўлган зотга — Оллоҳга қасамки, сизлар менинг сўзларимни улардан (ўликлардан) яхшироқ англагувчи эмассизлар. Фақат улар жавоб қила олмайдилар, холос» (Қуръони карим, — Б.448-449).

¹⁸ Эллик икки оятли бу сура Маккада нозил қилинган. Инсон зотига ато этилган буюк неъмат қалам ва у билан битиладиган битикларга қасам ичиб, Ўз пайғамбарининг Макка мушриклари иғвосидан пок эканлиги таъкидланади. Иккинчи оятдан сўнг шундай изоҳ келади: «Сура «Нун» ҳарфи билан бошланади... Қуръондаги сураларнинг жойлашиш тартибида ушбу сура ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар билан бошланадиган сураларнинг сўнгтисидир» (Қуръони карим, 451-бет).

¹⁹ «Ал-ҳааққа» — «Аниқ рўй бергувчи» деб номланган бу сура эллик икки оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилинган. Сурада куфр йўлини тутган миллатларнинг оқибатлари, Сур чалинадиган кунда рўй берадиган ҳодисалар, Ҳисоб кунда номаи аъмоли ўнг қўлида келадиган кишиларга ато этилган мукофотлар ҳақида баён қилинган (Қаранг: Қуръони карим, — Б.455).

²⁰ Ўн беш оятдан иборат, Маккада нозил қилинган бу сура «Ваш-шамс» — «Қуёшга қасам» деб номланади. Сурада Оллоҳ яратган барча мавжудотга, Ўз зотига қасам билан иймонли пок кишилар нажот топиши ҳақида сўзланган. Оятдан сўнг изоҳ келади: «Саҳобалардан ибн Аббос томонидан (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилинишича, пайғамбар алайҳиссалом қачон юқоридаги оятларни тиловат қилсалар, бир тўхтаб Тангри таолога бундай дуо қилар эканлар: «Оллоҳим, Ўзинг нафсимга — жонимга тақво ато этгин, Ўзинг унинг эгаси — Хожасисан ва Ўзинг уни энг яхши поклагувчисан» (Қуръони карим, — Б.505).

²¹ Маккада нозил бўлган «Алақ» — «Лахта қон» сураси ўн тўққиз оятдан иборат бўлиб, Яратганнинг қандай зот эканлигини, инсоннинг нимадан яралганини (қуюқ лахта қондан яралган) англашга даъват этувчи беш ояти карима Қуръоннинг илк оятларидир. Бу ояти карималардан сўнг шундай изоҳ келтирилади: «Ушбу оятлар инсоният

ҳаётига янги илоҳий таълимот ва то қиёматгача бузилмай сақланиб қоладиган; Оллоҳ таоло юборган динларнинг энг сўнггиси бўлган мукаммал бир дин — Ислом кириб келгани ҳақидаги илк хабарлар эди. Ушбу илк оятларданоқ Ислом дини инсонларни жаҳолат — хурофотга эмас, балки илм-маърифатга чорлаши ва фақат ўқиш-ўрганиш билан Яратган рози бўладиган Ҳидоят йўлини топишга даъват этиши маълум бўлди. Шунинг учун ҳам пайғамбар алайҳиссалом «Илм исташ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» деб марҳамат қилганлар» (Қуръони карим, — Б.513).

²² Тўрт оятдан иборат Маккада нозил бўлган бу сура «Ихлос» деб номланади ва унинг талқинида ҳисобсиз тафсирлар мавжуд. Унда мўъминлар Оллоҳ таолони қандай танишни ва У зотга қандай эътиқод қилишни ўрганади. Бу сура Макка мушрикларига жавобан Пайғамбаримиз томонидан Яратганнинг тавсифи берилиши билан қимматлидир (Қаранг: Қуръони карим, — Б.530).

ИМОМ ИСМОИЛ аЛ-БУХОРИЙ

«АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ»дан

Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси қарамоғидаги кутубхонада "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" («Ишончли тўплам»), "Ал-Тарих ал-Кабир" («Катта тарих»), "Ал-Тарих ас-Сағир" («Кичик тарих»), "Ал-қироату халфа-л-Имом" («Имом ортида туриб ўқиш»), "Рафъул-йадини фи-с-Салоти" («Намозда икки қўлни кўтариш») каби асарларнинг қадимий нусхалари мавжуд. Имом Бухорийнинг "Ат-Тарих ал-Авсат" («Ўрта тарих»), "Ал-Тафсир ал-Кабир" («Катта тафсир»), "Ал-жомеъ ал-Кабир" («Катта тўплам»), "Китобу-л-ҳиба" («Ҳадя китоби») каби асарлар ёзгани ҳам маълум.

Имом Бухорийнинг Бухорони тарк этгани қуйидаги ривоят билан изоҳланади: Имом Бухорий Бухорога қайтиб келиб, толиби илмларга дарс бериб юрганда, аббосий халифалигининг Бухородаги ноиби Халид ибн Аҳмад ибн Халид аз-Зухалий: "Бундан буён амирлик саройига келиб турунг ва болаларимизга (иккинчи ривоятда — сарой аҳлига) "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ"дан дарс беринг" деб мактуб юборади. Имом бу таклифни қабул қилмайди ва "Мен илмни хорлаб султон у амирлар эшигига олиб бормаيمان. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини (иккинчи ривоятда саройидагиларни) уйимга ёки масжидимга юборсин" деб жавоб қайтаради. Шунинг натижасида ҳамда ул зотнинг фазлини кўролмаган баъзи ҳасадгўйларнинг фитна ва иғволари туфайли амир аз-Зухалий Имом Бухорийнинг Бухорони тарк этиши ҳақида фармон беради. Бу воқеадан хабар топган Самарқанд уламолари Имомнинг Самарқандга кочиб келишини илтимос қилишади. Имом бу илтимосни қабул қилиб, йўлга чиқади. Лекин Самарқандга яқин Хартанг қишлоғидаги қариндошларидан Абу Мансур Ғолиб ибн Жаброил деган кишининг уйига тушиб, бир неча

кун шу ерда бетоб бўлиб ётиб қолади. Самарқандликларнинг иккинчи илтимосига кўра бетоблигига қарамай йўлга чиқади. Бир оз йўл юргач, дард огирлаша бошлайди ва "Мени отдан туширинглр!" деб отдан тушгач, шу ерда жон беради. Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, Хартангда дафн қилинади («Ал-Адаб ал-Муфрад», — Т.: 1990. — Б.9—10).

Келтирилган парчалар "Ҳадис" («Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ». — Т.: 1994. Арабчадан Раҳматуллоҳ қори Қосим ўғли ва Хожа Бахтиёр Набихон ўғли таржималари)нинг 3-жилдидан танлаб олинди.

"Қуръон тафсири китоби"дан

¹ *"Иброҳим" сураси* — Маккада нозил қилинган бу сурат 52 оятдан иборат бўлиб, унда эътиқод, ваҳий, тавҳид, қиёмат тўғрисида сўз юритилган. Суранинг "Иброҳим а. с. номи билан юритилишига сабаб унда Пайғамбарлар отаси Иброҳим а. с. нинг Маккага келишлари ва у ердаги дуо-илтижолари баён этилган.

² Тафсир қилинаётган ояти кариманинг Алоиддин Мансур томонидан амалга оширилган зоҳирий таржимаси қуйидагича: "Оллоҳ иймон келтирган кишиларнинг ҳаётини дунёда ҳам, охирада ҳам устивор сўз (иймон калимаси) билан собитқадам қилур. Золимларни эса Оллоҳ (Ҳақ) йўлдан оздирур, Оллоҳ ўзи хоҳлаган ишни қилур" (14 : 27). (Қуръони Карим, ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.176).

³ *Барро ибн Озиб* — Пайғамбарнинг саҳобаларидан бири.

«Ал-Алақ сураси»

⁴ *Алақ сураси* — Маккада нозил қилинган бу сурат 19 оятдан иборат бўлиб, Қуръони каримнинг илк ояти карималаридандир. Оятда инсоннинг қуюқ лахта қондан яратилгани ҳақида айтилгани боис, уни "Алақ" — «Лахта қон» деб номлаганлар.

⁵ *Ҳироръ ғори* — Ҳижоз ярим оролидаги ғорлардан бири, Пайғамбар а. с. шу ғорда эканликларида ушбу сурат нозил бўлган.

⁶ *Ҳадича* — Пайғамбар а.с.нинг хотинлари, Пайғамбар а. с. 25 ёшда эканликларида 40 ёшлик Ҳадичага уйланганлар ва Пайғамбарликнинг 10-йилида Ҳадича вафот этганлар.

⁷ *Оиша* — Абу Бакрнинг қизи (613—678), Муҳаммад а. с. нинг хотини, мусулмонликни илк қабул қилган аёллардан.

"Қуръон фазилатлари китоби"дан

⁸ «Ишонарли тўғлам»даги Ҳадислар муайян мавзулар бўйича жамланган бўлиб, бир неча китобдан иборатдир.

⁹ *Қурайш аҳли тили* — Ҳижоз ярим оролида яшаган араб қабиаларидан, Каъбага хизмат қилиш мана шу қабила қўлида бўлган. Пайғамбаримиз а. с. шу қабила сардори Абдул Муталлибнинг набирасидир. Қуръони карим шу қабила тилида нозил қилинган.

¹⁰ *Усмон* — Усмон ибн Аффон, "Хулафои рошидин"дан учинчи халифа (644—656), халифа Усмон даврида Қуръони карим кўфий ёзувида илк бор кўчирилган.

¹¹ *Зайг ибн Собит* — Муҳаммад а. с. нинг котиби, Умар ва Усмон даврида кўп хизмат қилган, 11 ёшида исломни қабул қилган. 768 йили 54 ёшида вафот этган.

¹² *Саъид ибн ал-Ос* — Муҳаммад а. с. га яқин тобеъинлардан (мўъмин ҳолида пайғамбар билан учрашган, мўъминлигича вафот этган кишилар) бири.

¹³ *Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр* — Муҳаммад а. с. нинг хотини Оишанинг жияни (622—693).

¹⁴ *Абдуррахмон ибн ал-Ҳарс* — фидойи саҳобалардан, дин йўлида олиб борилган муҳорабаларда фаол иштирок этган.

¹⁵ *Умар* — Умар ибн Хаттоб, “Хулафои рошидин”дан иккинчи халифа (581—644). Ўн ярим йил халифалик қилган. Ҳақ ва ноҳақни ажратишдамоҳирлиши учун Муҳаммад (с.а.в.) унга Форик (фарқловчи) лақабини берган.

“Бақара” сурасининг фазилати

¹⁶ *Бақара* сураси — Қуръони каримдаги иккинчи сура (Биринчи бобнинг 1-изоҳига қаранг).

¹⁷ *Алқама* — тўлиқ исми Алқама ибн Абий Ваққос. Ҳазрати Умардан кейинги тобеъинлардан.

¹⁸ *Абдуллоҳ ибн Умар* — халифа Умарнинг тўнғич ўғли, Табаристонга қилган юриш иштирокчиси (650—651 йиллар). 693 йили Маккада 84 ёшида вафот этган.

ИЛОВА

(“Чаҳор китоби туркий”дан)

¹⁹ Имом Бухорийнинг ушбу китобидан келтирилган парчалар юқоридаги ҳадислар тартибида жойлаштирилмаган бўлса ҳам, мантиқан мавзунини тўлдиришини назарда тутиб, ундан ҳам намуналар келтирилди.

²⁰ *Бечун* — ўхшашсиз, монандсиз.

²¹ *Мунзала* — туширилган.

²² *Мубаййан* — ошкор, маълум.

²³ *Мункару Накир* — марҳумларни қабрда сўроқ қиладиган малоикалар.

²⁴ *Васиъ* — кенг.

²⁵ *Иҳтиоз* — сақланиш.

²⁶ *Махлут* — аралаштирилган, қотишган.

²⁷ *Шарр* — ёмонлик.

²⁸ *Мужтаҳид* — 1. Бирор ишда тиришувчи, саъй-ҳаракат кўрсатувчи. 2. Диний қоидаларни ўзгартириб янги мазҳаб тузувчи.

²⁹ *Нофармон* — итоатсиз.

³⁰ *Шаҳийъул музнибин* — гуноҳкорларнинг ҳимоячиси (Муҳаммад пайғамбарга берилган сифат).

³¹ *Хатимул мурсалин* — пайғамбарларнинг охиргиси.

³² *Мутобаъат* — бировнинг кетидан эргашиш.

³³ *Мубтадиъ* — бидъатчи.

- 34 *Муфавваз* — топширилган, таслим бўлган.
 35 *Кахуго* — уй-рўзгорли эркак, оила бошлиғи.
 36 *Мисоқ* — аҳду паймон, қасамёд, ваъда.
 37 *Офаридагор* — яратувчи.
 38 *Ийжоб* — тасдиқлаш, розилик, билдириш.
 39 *Хавфу рижо* — Оллоҳнинг қаҳридан қўрқиш, марҳаматидан умидворлик.
 40 *Таййиб* — ҳалол, пок; тоза, муборак.
 41 *Арус* — ўзига тортувчи, алдоқчи.
 42 *Тақсимпазир* — тақсимни қабул қилувчи.
 43 *Изом* — катталар, улуғлар.

«ТУРКИЙ ТАФСИР»ган

Асар эски ўзбек тилида, XII-XIII асрларга тааллуқли туркий тилда ёзилгани учун ҳозирги кунда тушунилиши қийин. Шунинг ҳисобига олган ҳолда проф. Қозоқбой Маҳмудов томонидан ҳозирги тилга ўтирилди. Нашрга асос бўлган манба: Туркий тафсир. — Т.: 2000 (Факсимиле нусха, тузувчи Қ. Маҳмудов).

¹ 18 сура — Туркий тафсирнинг бош қисми ҳозирга қадар топилмаган, мавжуд ягона нусха Қуръони каримнинг 18-сураси, яъни Каҳф (луғавий маъноси — гор) сурасининг тафсиридан бошланган.

² Суранинг дастлабки ояти карималари ҳам Қуръони каримнинг дастлабки ўн етти сураси тафсир қилинган саҳифалар билан биргаликда бизгача етиб келмаган. Қўлёзма 5-оятнинг сўнгги жумалари таржимасидан бошланади. Дастлабки оятларнинг зоҳирий мазмуни шундай: «1—2—3. (Барча) ҳамду сано Оллоҳ учундир. У зот (кофирларни) Ўз ҳузуридан келадиган қаттиқ азобдан қўрқитиш ва яхши амаллар қиладиган мўминларга ўзлари абадий қоладиган гўзал мукофот — жаннат хушхабарини бериш учун — бандаси (Муҳаммад алайҳиссалом)га бирон эгрилиги бўлмаган расо Китоб — Қуръонни нозил қилгандир. 4—5. Шунингдек, У зот ўзларининг ҳам, ота-боболарининг ҳам бирон билим — маърифати бўлмагани ҳолда «Оллоҳнинг боласи бор» деган кимсаларни (қаттиқ азобдан) огоҳлантириш учун (ушбу Китобни) нозил қилган. Уларнинг оғизларидан чиққан оғир сўзидир. Улар фақат ёлгон сўзлайдилар». Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.205.

³ Ушбу оятнинг мазмуни ҳозирги талқинда шундай: «Албатта, Биз (бандаларимиздан) қайсилари чиройлироқ амалларни қилишларини синамоқ учун ер устидаги бор нарсани унга зийнат — безак қилиб қўйдик» (18:7).

⁴ *Унгу* — гор.

⁵ Шу ердан «Асҳабул Каҳф» («Гор эгалари») қиссаси бошланади. Ушбу сурада уч қисса акс этган бўлиб, «Асҳабул Каҳф» уларнинг биринчисидир.

⁶ Қиссага кўра «Исо алайҳиссалом замонларидан кейин рус давлатларидан бирида Дақёнус исми золим шоҳ чиқиб, одамларни бутларга ибодат қилишга мажбур қилар, амрига бўйсунмаган кишиларни эса ўлдираар экан. Кунлардан бирида унга фуқароларидан бир неча йигит унинг фармонида бош тортиб, бутларга сизинмаётганлигини етказибдилар. Подшоҳ уларни саройига чақириб, бу хабарнинг рост-ёлғонлигини сўраганида, улар: «Биз ёлғиз Оллоҳдан ўзга бирир кимса ёки нарсга сизинмаймиз» деб жавоб қиладилар. Шунда шоҳ уларга: «Сенлар ёш, чиройли, бақувват йигитлар экансанлар, ўз жонларингга жабр қилманглар. Мен сенларни ўлдириб юборишни кўзим қиймаяпти. Яхшиси, эрталабгача ўйлаб кўриб, эртага менга жавобини айтинглар», деб уларга рухсат беради. Йигитлар ўзаро маслаҳатлашиб, «Оллоҳдан ўзгага бўйсунгандан кўра шу бадбахт диёрни тарк қилганимиз афзал» дейишиб, тун қоронғусида шаҳарни тарк қилишади. Йўлда яйловдан ўтиб бораётганларида уларга ўша ерлик бир чўпоннинг ити ҳам эргашади. Тонгга яқин бир тоққа бориб, катта ғорга кириб яширинадилар. Эрталаб бу воқеадан хабардор бўлган шоҳ ўз аскарлари билан уларнинг ортидан тушиб, ўша ғор оғзига яқинлашгач, аскарлар унга киргани кўрқадилар. Шунда Дақёнус уларга ғордаги йигитлар очлик ва ташналиқдан қирилиб кетишлари учун ғор оғзини бекитиб ташлашни буюради. Лекин Тангри таоло Ўзининг садоқатли бандаларини ҳалок бўлишдан сақлайди — уларни узоқ уйкута чўмдиради. Уйғонганларида орадан уч юз йил ўтган эди...» (Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.206.).

⁷ Ушбу ояти карима айрим муфассирлар томонидан шундай шарҳланади: «Асҳабул Каҳфни ўз ғорларида шамсий ҳисоб билан уч юз йил турганлари ҳақида хабар бермоқда. Кейинги тўққиз йил қўшилиши эса қамарий ҳисобдан келиб чиққан. Шамсий ҳисобдаги юз йил қамарий ҳисобида бир юз уч йилга тўғри келади» (Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.208).

⁸ Буни шундай тушуниш мумкин: «Ва Биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг» (18:28).

⁹ Бу ҳақда Каломуллоҳда шундай дейилади: «Дарҳақиқат, унинг мева боғи ҳалок қилинди. Ўзи эса ҳувиллаб қолган ишқомларини (кўриб) ва уларга сарфлаган нарсаларини (ўйлаб), чапак чалганича (афсус-надомат чекканича): «Қани эди, мен ҳам Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмаганимда!» — деб қолаверди (18:42).

¹⁰ *Мурсал* — мангу тирик.

¹¹ Мана шу 60-оят билан Мусо ва Хизир пайғамбар ҳақидаги қисса бошланади: «Мусо алайҳиссалом Тангри таолога мурожаат қилиб: «Бандаларинг орасида мендан илми зиёдароқ бўлган киши

борми?» деб сўраганида, Оллоҳ таоло: «Ҳа, Хизир сендан олимроқ» деб жавоб қилган экан. Шунда Мусо: «У зотни қандоқ излаб топурман?» деганида «Денгиз соҳилидаги қоя олдидан топурсан» деган жавоб бўлибди. «У ерга қандай борила?» деб сўраганида Оллоҳ таоло айтган эканки, «Бир балиқни саватта солиб йўлга чиқарсан. Қаерда уни йўқотиб қўйсанг, Хизирни ўша ердан топурсан!» Шундан кейин Мусо хизматкор йигитига балиқ солинган саватни бериб: «Бу балиқни йўқотган жойингда менга айтурсан», деб тайинлаб йўлга тушибдилар.

¹² Шу воқеа билан иккинчи қисса тугайди. Ушбу қиссадан бандаларига бериладиган ибрат шуки, «Мусо алайҳиссалом «Каломуллоҳ», Оллоҳ билан бевосита сўзлашувчи деган номга сазовор бўлган зотдирлар. Демак, у киши Яратган билан савол-жавоб қилганларида, ўртада ҳатто фаришта ҳам воситачилик қилмаган — бор ҳақиқатни Ҳақ таолонинг Ўзидан олганлар. Бинобарин, ўзларича дунёда меъдан ҳам илмироқ киши бормикан, деган фикр кўнгилларидан кечган бўлса керакки, юқоридаги оятларда зикр қилинган қиссада Тангри Ўз пайғамбарини огоҳлантириб, гўё шундай дейди: «Агар сенга бўлиб ўтган нарсалар тўғрисида билим берган бўлсам, бандаларим орасида шундай бир киши ҳам мавжудки, унга энди бўладиган нарсаларнинг билимини ҳам ато этгандирман, яъни сен ўз илм-маърифатинг билан бутун дунёга устоз бўлишинг мумкин, аммо у бандамга шоғирд бўлишга ҳам ожизлик қилурсан». Бу ҳикоя билан Оллоҳ ўзининг «Ҳар бир билим соҳиби устида ундан-да билимдонроқ биров бордир» деган ояти каримасини яна бир қарра исбот этади. (Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.212.).

¹³ Зулқарнайн — луғатда «икки шох эгаси»дир. Айрим ривоятларда унинг бошида икки шох бўлгани айтилади, айримларига кўра эса, у икки кокилли эди. Бошқа манбаларда дунёнинг икки қутбига (Шарқу Фарб) эгалик қилгани учун ҳам шундай ном берилгани уқтирилади. Унинг иймон ва тақво эгаси бўлиб, ер юзида ҳақни қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳикоя қилинган. Бизнингча, Алишер Навоий талқинидаги Искандар ана шу Қуръоний қисса асосида яратилган.

¹⁴ Шу ерда 18-сура тугайди ва муаллиф сурада баён қилинган воқеаларнинг шарҳига ўтади.

¹⁵ Тафсир муаллифи арабча иборани қўллаган ва унинг туркий тафсирини ҳам берган. Биз туркча жумлалар баёни билан чекландик.

¹⁶ Мансурий қоғози — Халифа Мансур (аббосий) даврида урф бўлган қоғоз.

¹⁷ Ялавоч — пайғамбар.

¹⁸ Шу ўринда биринчи қисса «Асҳабул Қаҳф»нинг баёни тугайди. Тафсир муаллифи энди иккинчи қисса Мусо ва Хизир

ҳикоятини бошқа манбалар асосида кенгроқ ривоят қилади. Тафсир муаллифи 18—сурадаги ояти карима «Мусо ўзининг хизматкор йигитига: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар кезмагунча юришдан тўхтамайман», деган пайтини эслангиз» (18:60)ни шундай шарҳлай бошлайди.

¹⁹ Зухруф — Қуръони каримнинг 43—сураси бўлиб, унинг зоҳирий маъноси — зеб-зийнатдир. 89 оятдан ташкил топган бу сурада Оллоҳ таоло Ўз бандаларига ато этган беҳисоб неъматлардан сўзланади. Шунингдек, Мусо пайғамбарнинг чеккан азиятларидан ҳам айрим лавҳалар берилган.

²⁰ Юқоридаги сурада «Қачонки, (Исо) бинни Марям мисол келтирилса, баногоҳ қавмингиз (бу мисолдан шодланиб) қичқира бошлайдилар. Улар: бизларнинг илоҳларимиз яхшироқми ёки уми (яъни Исоми?) дедилар. Улар (бу мисолни) сизга фақат талашиб-тортишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар» (43:57,58)

²¹ Юқоридаги қисса бўйича Хизир алайҳиссалом эсга олинади.

²² Юшоъ пайғамбар — Мусо алайҳиссаломдан кейин 29 йил пайғамбарлик қилган. Айтишларича, қирқ йил саҳрода қолган бани Исроил қавмини Оллоҳнинг маърифати билан қутқарган. 110 йил умр кўргани айтилади.

²³ Мажмаъул баҳрайн — икки дарё ораси, Фрот ва Дажла дарёлари орасидаги Мусо билан Юшоънинг кўришуви назарда тутилган.

²⁴ Ё набиййу бани Исроилнинг ялавочи — Бани Исроил қавмидан, яъни яҳудийлардан бўлган пайғамбар.

²⁵ Ёзиқсиз норасида — гуноҳсиз вояга етмаган бола.

²⁶ Ушбу қисса шарҳи 82-ояти каримагача давом этади. 83-оятдан эса Зулқарнайн қиссаси бошланади.

АБУ ЯЗИД (БОЯЗИД) БИСТОМИЙ

«ИЛОҲИЙ МУЛОҚОТ»дан

Турк олими Эрол Гункўрнинг «Ислом тасаввуфи масалалари» (Истанбул, 1993) китобига илова тарзида эълон қилинган манбадан таржима қилинди. Ўзбек тилида илк марта эълон қилинмоқда.

¹ Айният — ўхшашлик

² Қуръони каримдаги барча жонзотларнинг фонийлиги ҳақидаги ояти карималарга ишора қилмоқда: «(Ер) юзидаги барча зотлар фонийдир. Буюклик ва карам соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг юзи — Ўзигина мангу боқий қолур» (55:26,27). Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.411.

³ Ваҳдат — бирлик.

АБУ АЛИ ИБН СИНО

"ТАЙР ҚИССАСИ"

Рамзий — тасаввуфий услубда ёзилган Ибн Синонинг "Тайр қиссаси"ни араб тилидан А. Ирисов таржима қилган. "Ўзбек адабиёти" (Бешинчи том, иккинчи китоб. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. — Б.322—327) мажмуасидан олинди. Шунингдек, «Тайр» қиссаси «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари»нинг 1-жилди (нашрга тайёрловчилар Н. Раҳмонов, Ҳ.Болтабоев)да ҳам эълон қилинган (Т.: Фан, 2003. — Б. 115—119). Матннинг изоҳлари тўлдирилди.

¹ Бу ўринда зоҳир ва ботиннинг, шакл ва мазмуннинг, ташқи қиёфанинг кўнғил билан бирлиги назарда тутилади.

² Ажал захрини ютинглар, яшаяжаксиз, ўлимни севинглар, тирик бўлажаксиз — Бу ўринда Ибн Сино нафсни синдириш, фано босқичида "ўлмасдан бурун ўлиш"ни кўрсатмоқда. Инсоннинг моддий жиҳатдан ўлмай туриб, нафсини назорат остига олиши назарда тутилган.

³ Жимо — ҳаром, зино.

⁴ Буқъа — жой, манзил; хонақоҳ.

⁵ Мижозда сафронинг ғалаба қилиши — ақлдан озиш.

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ «КИМИЁИ САОДАТ»дан

Ҳужжату-л-ислом ва баҳру-л-буғроқ (денгиз бағирли) унвонлари билан сифатланган Имом Ғаззолийнинг «Кимиёи саодат» асари алломанинг «Ихйа ал-улум ад-дин»нинг мухтасар шакли бўлиб, Хўтан ҳокими Азиз Шохбек топиши билан Муҳаммад Исо XIX асрда арабчадан туркийга таржима қилган. Ана шу таржима асарини Маҳкам Маҳмуд Андижоний ва Абдуллоҳ ҳожи Кулоҳий жорий ёзувга ўтириб нашр қилдирган. Ушбу нашрдан намуналар келтирилди: Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимиёи саодат (Дил ҳақиқати). — Т.: Камалак, 1995. 7—12, 31—33, 41—43, 55—57 бетлар.

¹ Нафс — жон, мавжудлик. Имом Ғаззолий таълимотича, нафс икки хил: биринчиси, инсондаги ғазаб ва шаҳват қувватлари; иккинчиси, инсоннинг ўзидир. Тасаввуфда кўпроқ биринчи маънодаги нафс ёмон сифатлар йиғиндиси сифатида қораланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг «Энг қаттол душманинг нафсингдир» деган ҳадислари шунга қаратилган. Тасаввуфда нафснинг турлари фарқланади: *Нафси аммора* — инсонни дунёвий лаззат ва шаҳватга ундовчи нафс, ундан қутулиш йўли шариатга амал қилмоқдир. *Нафси лаввома* — инсонни ўз гуноҳи учун маломатга тортиб, уни покликка ундовчи нафс, бу тариқат босқичида кечади. *Нафси мулҳама* — инсонни илоҳий нур билан руҳлантириб, Ҳақни англашга йўл очувчи нафс, бу маърифатда орифликка етказувчи нафсдир. *Нафси мутмайна* — ёмон хислатлардан тозалаб, илоҳга яқинлик ва

хотиржамлик баҳс этувчи нафс, унга ҳақиқат босқичида амал қилинади.

² *Дорул нажот* — нажот уйи, яъни ҳақиқат.

³ *Маркаби* — улови.

⁴ *Тааммул* — чуқур мулоҳаза қилмоқ.

⁵ *Таржимаси*: Руҳ илоҳий ишлар жумласидан ва Оллоҳ амридан.

⁶ *Муснкъоти олам* — яралмишлар.

⁷ *Тақрир* — қарор бериш, тил билан қайд қилиш.

⁸ *Мустағрақ* — ўйга (чўммоқ) ғарқ бўлмоқ.

⁹ Ғаззолий таълимотига кўра, «илми зоҳир ва илми ҳақиқат мағзидир». Чунки зоҳир илми банданинг қўлидадир, лекин ғайб илми эмас. Шунинг учун зоҳир илми билан чекланганлар ғайб илмига етишолмайди ва илми зоҳир тасаввуф йўлида ҳижоб (тўсиқ) бўлиб қолади.

¹⁰ *Шамим* — хушбўй ҳид, яхши ис.

¹¹ *Қавл* — сўз, гап.

¹² *Мастур* — яширинган.

¹³ *Таржимаси*: Покиза нафс Оллоҳнинг таърифига (ярайди).

¹⁴ *Таржимаси*: Ўз нафсини таниган киши Парвардигорини ҳам танийди.

¹⁵ *Пўшуда* — яширин.

¹⁶ *Фариштаи муаккаллар* — вакил қилинган фаришталар, яъни Жаброил, Азроил, Микоил в.ҳ.

¹⁷ *Ҳарорат ва бурудат* — иссиқлик ва совуқлик.

¹⁸ *Аносири арбаъ* — тўрт унсур: ҳаво, сув, олов ва туфроқ.

¹⁹ *Ангушт* — бармоқ.

²⁰ *Хазонаи хаёл* — хаёл хазинаси.

²¹ *Муованат* — ёрдам.

²² *Мазмуни*: Оллоҳдан ўзга чора қилувчи йўқ.

«МУКОШАФАТУ-Л-ҚУЛУБ»дан

Имом Ғаззолийнинг ушбу асарини «Қалблар кашфиёти» деб таржима қилганлар. Ҳолбуки, унинг тўла таржимасини тахминан «Қалбларни босиб ётган ғайриинсоний феъл ва туйғуларнинг кашфи» деб белгилаш мумкин. Бу асарда мутасаввиф адиб жамият таназзулига сабаб бўладиган қусурлар — кибру ҳаво, риё, ҳасад, шуҳрат ва зулмларни тузатиш сабабларини кўрсатган. Ушбу асарни турк тилидан Миразиз Аъзам таржима қилган. Парча келтирилган манба: Абу Ҳомид Ғаззолий. *Мукошафату-л-қулуб* (Қалблар кашфиёти). — Т.: Адолат, 2002. Б.14—19, 239—242, 365—368. Келтирилган парчалар асарнинг иккинчи нашри (Т.: Янги аср авлоди, 2005) асосида тўлдирилди.

¹ Анкабут сураси, 69-оят. Ушбу ояти карима Қуръони каримнинг ўзбекча таржимасида шундай келади: «Бизнинг

(йўлимиз)да жиҳод қилган — курашган зотларни албатта ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Оллоҳ чиройли амал қилгучи зотлар билан биргадир» (Қуръони карим. Ўзбекча изоҳди таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.290).

² Тавассул — сабабларга таяниш, яъни ризқ топишга баҳона излаш (тарж.).

"ИХЙА АЛ-УЛУМ АД-ДИН"дан

Имом Ғаззолийнинг ушбу асари турк олими Эрол Гункўрнинг «Ислом тасаввуфи масалалари» (Истанбул, 1993) китобига илова тарзида эълон қилинган манбадан таржима қилинди. Бу парча ўзбек тилида ilk марта эълон қилинмоқда.

¹ *Zuxd fug—gunя* — дунёвий нарсалардан юз ўтириш.

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ

«РУТБАТУ-Л-ҲАЁТ»дан

Юсуф Ҳамадонийнинг табиати, диний сифати ва сулук йўли ҳақида маълумот берувчи манбалар жуда кам. Улар орасида Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний» номли рисоласининг қўлёзмаси ЎРФАШИДа 3001 рақами остида сақланади. Ушбу «Мақомот»дан матбуотда айрим парчалар эълон қилинган (Хожаи Жаҳон — Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. — Т.: Наврўз, 1994. — Б.18—22). Мажмуада келтирилаётган парчалар асарнинг Эрон (Юсуф Ҳамадоний. Рутбату-л-ҳаёт. Доктор Муҳаммад Амин Риёҳий муқаддимаси. — Техрон 1361 ҳ.ш.) ва Туркия (Hayat nedir — Rutbetu'l hayat. Hoce Yusuf-i Hemedani. Ceviren Necdet Tosun. — Istanbul, İnsan yayinlari, 1998)даги нашрларидан Сайфиддин Рафъиддин ва Нодирхон Ҳасан томонидан ўзбек тилига ўтирилган.

¹ *Ҳомид* — мақталган, мақтовли, мадҳ этилган.

² *Мажид* — мавжуд қилувчи, яратувчи.

³ *Воҳид* — ягона, ёлғиз.

⁴ *Жаббор* — жабр берувчи.

⁵ *Қаҳҳор* — қаҳрли, қаҳр қилувчи.

⁶ *Малик* — подшоҳ.

⁷ *Мутакаббир* — «кабир»дан улғувор.

⁸ *Босеъ* — кенг (бағирли), марҳаматли.

⁹ *Муҳсин* — ҳуснли, гўзал.

¹⁰ *Яқин аҳли* — Оллоҳга ва унинг биру борлигига ишонувчилар.

¹¹ *Мужоҳада йўли* — жиҳод йўли, нафсга қарши кураш йўли.

¹² «Анкабут» сурасидаги сўнгги оят. Бу ва кейинги ояти карималарнинг зоҳирий таржимаси Алоиддин Мансур муаллифлигида берилади.

13 Қавс ичида сура ва оят рақамлари кўрсатилмаган ояти карималар таржимонлар ва ноширлар томонидан қайси сура ва оят эканлиги аниқланмаган. Биз ҳам шунини сақлашга мажбур бўлдик.

14 *Мавло* — соҳиб, сарвар.

15 *Муваҳҳид* — тавҳид сирларидан хабардор.

16 *Муқарраб* — яқин турувчи, ҳамсухбат; етишган.

17 *Аҳли кашф* — каромат қилувчилар.

18 «*Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз*» — Наҳл сурасидаги 97-оятдан. Ояти кариманинг тўла мазмуни шундай: «Эркакми ё аёлми — кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амаллардан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз».

19 *Мавҳибаи илоҳия* — илоҳий неъмат, илоҳий эҳсон.

20 Бунинг боиси шундаки, улар илмнинг зоҳирий қисми билан банд бўладилар. Хилват аҳлининг ботини эса, ёлғиз Яратгангагина аёндир.

21 *Оллоҳ севгиси* — бу ўриндан Оллоҳнинг севгиси эмас, балки банданинг Оллоҳга нисбатан илоҳий муҳаббати назарда тутилади.

22 *Қуббалари ва таянчлари* — қуббалар Аттюрнинг фикрига кўра олтига: *нафс, нафси аммора, ақл, илм, фақр, тавҳид; таянч* дейилганда, ислоннинг беш рукни (устуни) назарда тутилади.

23 «*Уйларга эшикларидан киришгилар!*» — Бақара сурасидаги 189-оят. Унинг тўла мазмуни шундай: «Сиздан ойлар ҳақида сўрашади. Айтнинг: у (ойлар) одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир. Уйларингизга орқа томонидан киришингиз яхшилик эмас, балки Оллоҳдан қўрққан киши яхшилик қилувчидир. Уйларга эшикларидан киришгил! Ва Оллоҳдан қўрқинг! Шояд нажот топсангиз».

24 «*Оллоҳ чиройли амал қилувчи зотлар билан биргадир*» — «Анкабут» сурасидаги 69-оят. Унинг тўла мазмуни шундай: «Бизнинг (йўлимиз)да жиҳод қилган — курашган зотларни, албатта, Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Оллоҳ чиройли амал қилувчи зотлар билан биргадир».

ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ

«ФАҚРНОМА»дан

Бу рисолада Хожа Аҳмад Яссавий сулуки баён этилгани туфайли яссавийлик тариқати акс этган «назарий манба» деб қаралади. Айримлар уни Хожа Аҳмад Яссавийга нисбат берадилар, «Хожа Аҳмад Яссавий айтганларидан» деб қараш ўринлироқ бўлади. Асарнинг муаллифи ҳам, ёзилган санаси ҳам номаълум. Тадқиқотчилар асарнинг XVII асрга мансублиги (худди «Девони ҳикмат» каби) ҳақида гапирадилар. Матн қуйидаги манба асосида нашрга тайёрланди: Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат (Нашрга тайёрловчи Р.Абдушукуров, масъул муҳаррир, изоҳлар ва сўзбоши муаллифи Маҳмуд Ҳасаний). — Т.: Фафур Гулом номидаги матбуот-

нашриёт бирлашмаси, 1992. — Б. 8—18. Шунингдек, «Фақрнома» матни «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари»нинг 1-жилди (нашрга тайёрловчилар Н. Раҳмонов, Ҳ. Болтабоев)да ҳам эълон қилинган (Т.: Фан, 2003. — Б.170—179). Матн исломий манбалар билан қиёсланган ҳолда тузатилди ва изоҳлари тўлдирилди.

¹ *Таржимаси*: Оламларнинг парвардигори Оллоҳга ҳамдлар бўлсин, тақводор кишиларнинг оқибати хайрли бўлсин, Оллоҳнинг расули Муҳаммадга, унинг оиласига ва барча дўстларига саловот ва саломлар бўлсин (муҳ. изоҳи).

² *Қутбу-л-ақтоб* — қутбларнинг қутби, яъни авлиёларнинг шоҳи (муҳ.)

³ *Бурҳона-л-атқиё* — тақво аҳлининг ҳужжати.

⁴ *Мустаҳиқ* — лойиқ, ҳақли; муҳтож.

⁵ *Дажжол* — Қиёматдан олдин одамларни васвасага солувчи.

⁶ *Орифи биллоҳ* — Аллоҳни таниган киши.

⁷ *Жазбаи Ҳақ* — Ҳаққа тортилиш, муриднинг Оллоҳ ишқи туфайли беҳудлиги (экстаз ҳолати).

⁸ *Зуннун Мисрий* (796—860) — мисрлик илк мутасаввифлардан. Ўндан ортиқ асар ёзганлиги маълум. У тасаввуфда мақомот ва ҳол асосчиси ҳисобланади. Навоий "Насойиму-л-муҳаббат"да тасаввуф, ундаги тариқат йўли Оллоҳ васлига муридлик ҳақидаги илк фикрларни ҳам Зуннун Мисрий айтганини қайд этади. Пайғамбаримиз ҳадисларидаги «Ал-фақру фаҳри» ғоясини ўз ҳаёт йўли билан исботлаган.

⁹ *Хуррўйлик* — ўзини кўрсатиш, худбинлик.

¹⁰ *Ибоҳат* — ошкора, эркин ҳаракат

¹¹ *Жанобат* — йироқлик, узоқлашиш.

¹² *Ғаний* — бой.

¹³ *Зоҳирий таржимаси*: Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг элчисидир.

¹⁴ *Зоҳирий таржимаси*: Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг элчисидир, жаннатга киришга сафланинглар.

¹⁵ *Зоҳирий таржимаси*: Улуғ Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Расулulloҳ унинг яратганидир.

¹⁶ *Зоҳирий таржимаси*: Оллоҳдан бошқа қудратли илоҳ йўқдир, унинг элчиси Муҳаммад бунинг ҳужжатидир.

¹⁷ *Мусаллам* — таслим бўлиш, бўйсунуш.

¹⁸ *Наъзубиллаҳи мин залика* — бундан бизни Худо асрасин.

¹⁹ *Ал-фақру фаҳри* — Ҳадисдан, маъноси: "Фақрлик менинг фаҳримдир".

²⁰ *Зоҳирий таржимаси*: Фақрликни севмоқ иймондандир, ундан ор қилмоқ куфрдир.

²¹ *Зоҳирий таржимаси*: Мўъмин фақирларни ҳурматлаш Худо олдида етти қат осмон ва ердан ҳам улуғроқдир (муҳ.).

²² *Таржимаси*: Оллоҳ ундан рози бўлсин (муҳ.).

23 Таржимаси: Шариатни тарғиб қилиш, ёмон ишлардан қайтариш.

24 *Тавба* — тариқат мақомларидан биринчиси бўлиб, қилган гуноҳлардан афсусланиш ва гуноҳни такрорламасликка уруниш. Тариқатда *тавба* сўфий ҳаётини бутунлай янги йўлга солади, у ҳаёт неъматларидан ўзини тортиб, тариқат йўлига киради. Навоийга кўра, *тавба* «бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилиқ йўлининг бошидир».

25 *Хавф ва рижо* — *Хавф* мақоми дилни комиллаштириш йўлида ўтилади. *Хавф* — қўрқинч, ваҳимадир, у Оллоҳдан қўрқув ва шайтондан хавфсираш тарзида солиқнинг руҳида кечади. *Рижо* — хавфдан кейинги равшанлик мақомидир. Хавфдан қутилган кўнгил, рижода умидга тўлади, Оллоҳ унинг қалбидан собит ўрин олишига умидланади.

26 *Burg-avrog* — ўқиладиган вазифа(дуо)лар.

27 *Тахриг* — ажралмоқ. Ўзидаги куфрона истаклардан воз кечиш. Шаҳватдан узоқлашиб, Оллоҳга яқинлашиб.

28 *Тафриг* — ёлғизланиш. Дунёга, унинг лаззатига берилганлардан узоқлашиб, покланиш.

29 *Фано* — ўткинчи, вақтинчалик, яъни бу фоний дунё лаззатларидан воз кечиш. Қуръони каримнинг «Раҳмон» сурасида «(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир» дейилган. Тасаввуфда фано юксак даражадаги ҳолдир. Вужуди мутлақ билан қовушиш, яъни инсон руҳининг илоҳий руҳга қовушмоғидир.

30 *Таҳаммул* — чидаш. Оғирликни кўтармоқ, сабр билан қийинчиликларни ўтказмоқ.

31 *Таййиб* — тоза, покиза.

32 *Ҳақиқат асрори* — Ҳақнинг сирлари: тасаввуфдаги олий мақом бўлиб, риёзат туфайли қўлга киритилажак бақодир. Ҳаққа етишиб, ўзининг ҳақ эканини билиш. Бу эса тасаввуфда сир ҳисобланади ва солиқ сўнгги босқичдагина ундан огоҳ бўлади ва уни маҳкам тутайди.

33 *Хокроҳ* — йўл туфроғи, яъни оёқ ости бўлмоқ.

34 *Фазла* — ортиқча, зиёда ва кераксиз нарсалардан ўзини тиймоқ, бориға қаноат қилмоқ.

35 *Сабилу роҳ* — Оллоҳ йўлида емак, ичмақдан воз кечмоқ.

36 *Ҳасан Басрий* — машҳур Ҳадис ва фикҳ олими. Маълумотларга кўра Ҳазрат Али қўлида тарбияланган тобеъинлардан. Ҳижрий 21 йилда туғилиб, 110 (милодий 642—728) йилда вафот этган. Басрага дафн қилинган.

37 *Азза ва жалл* — Худонинг номи тилга олинганда ишлатиладиган жумла бўлиб, у ўз ишида ғолиб ва қудратли, деган маънони билдиради (муҳ.).

38 *Саййид ал-мурсалин* — пайғамбарларнинг улуғи, сарвари демақдир. Муҳаммад (с.а.в.) назарда тутилган.

39 *Муояна* — аниқ, аён.

⁴⁰ *Мунқатиъ* — бўлинган, кесилган. Бу ерда: ажралган.

⁴¹ *Айюб пайғамбар* — Қуръони каримда номи келтирилган пайғамбарлардан. Оллоҳ таоло Айюб пайғамбарнинг сабр-тоқатини синаш учун бошига кўп кулфатлар ёғдиради. Бутун мол-мулки қўлдан кетди, шукр қилади. Хаста бўлди, сабр қилади. Баданидаги яралари боис ёнига одам келмас бўлди, бунга-да бардош беради. Айюб пайғамбар ҳамма кулфатларга сабр билан бардош беради ва сабр тимсоли бўлиб қолади. Айтишларича, Оллоҳ сабрни ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Айюб пайғамбарга, қолганларини ердаги инсонларга берган экан. Сабри туфайли Оллоҳ унга қайта соғлиқ ва фарзанд ато қилди, яна йигирма йил пайғамбарлик қилади.

⁴² *Одам алайҳиссалом* — Ер юзидаги биринчи инсон бўлиши билан бирга барча муқаддас китобларда пайғамбар деб юритилади. У кишининг сифати «сафиуллоҳ» бўлиб, таййиб, покизалик рамзига айланган, тавба мақоми ундан қолган дейилади.

⁴³ *Идрис алайҳиссалом* — ўлмайдиган ягона пайғамбар Идрис пайғамбардир, деб айтилади китобларда (Кисаси Рабғузий, — Т.: Ёзувчи, 1 — жилд, 1990, 37 — бет), чунки обидлик унинг бош сифати.

⁴⁴ *Иброҳим алайҳиссалом* — Қуръони каримда номи зикр қилинган пайғамбар. Дунё яратилгандан кейинги 3337 йилда, яъни Тўфондан кейин 1263 йилда туғилган. Халилуллоҳ (Оллоҳнинг дўсти) ва Халиул раҳмон (Раҳмоннинг дўсти) лақабини олган. Иброҳим пайғамбарнинг барча томонидан севикли бўлгани манбаларда қайд этилади. Замона ҳукмдори Намруд уни ўтда ёқиб ўлдирмоқчи бўлган, лекин унинг поклиги туфайли олов уни ёқолмаган. Ўғли Исмоил пайғамбар билан биргаликда Каъбани қайта иншо қилган. Қабри Қуддуси шариф яқинидаги Халил қасабасида.

⁴⁵ *Мусо алайҳиссалом* — Ёқуб а. с. дан кейинги пайғамбарлардан, Исроил халқини Миср юртидан олиб чиққан ва Оллоҳнинг қудрати билан кўп мўъжизалар кўрсатган. Афсонавий Асои Мусо (Мусо хассаси)га эга бўлиб, Оллоҳнинг қудрати билан душманларидан муҳофаза қилувчи асосий қурол ҳисобланади.

⁴⁶ *Исо алайҳиссалом* — Исо бинни Марям, унга Инжил нозил бўлган. Бу муқаддас китобда Исонинг шундай сўзлари бор: «Мен кетаман, энди дунёнинг раиси келсин». Буни исломий манбалар Муҳаммад пайғамбарнинг келишини башорат қилингани деб кўрсатадилар. Рухуллоҳ номи билан ҳам машҳур. Исо алайҳиссалом хусусида Навоий ёзади: «Исо а. с. олам ва дунё асбобидин ҳеч нима қабул қилмади ва алардин бир тўн ва бўрк ва бир асои бор эди. Бир ерда бўлмас эрди, доим сайрда эрди. Рўзи учун касб қилмади, ҳар не етти қонёъ бўлди». Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд. — Т.: Фан, 2000. — Б.177.

⁴⁷ *Сулаймон алайҳиссалом* — Исми Қуръони каримда келтирилган пайғамбарлардан бўлиб, Довуд а. с. нинг ўғлидирлар. Ота васияти билан Байтул муқаддасни етти йилда иншо этган. Қирқ йил

пайғамбарлик қилгани ривоя қилинади. Ўттиз йил саҳрода яшагани учун сипоҳий деб ҳам аталган. Девлар, инсу жинс ва барча ҳайвонлар тилларини билган эканлар.

⁴⁸ *Яҳё алайҳиссалом* — Қуръони каримда номи келтирилган пайғамбарлардан, Закариё пайғамбарнинг ўғли. Ҳазрат Закариё кексайганда Оллоҳдан талаб олган ўғли, кичиклигидан соҳиби ҳикмат бўлган, гуноҳлардан қочиб, отасига жуда итоатли яшаган.

⁴⁹ *Ижмоъи уммат* — бир пайғамбар умматлари.

⁵⁰ *Мақоми малакут* — фаришталар (олами) мақоми; тариқат.

⁵¹ *Мақоми лоҳут* — илоҳий оламга эришиш мақоми. Солик бунда «фани фи Оллоҳ», яъни Оллоҳга яқинлашади; маърифат (нашр.).

⁵² *Мақоми носут* — одамлар дунёси, яъни борлиқда ибодат қилиб яшаш; шариат.

⁵³ *Мақоми жабарут* — улуғлик мақоми; ҳақиқат.

⁵⁴ *Валлоҳу аълам бис савоб* — Оллоҳ (банданинг) тўғрилигини билувчидир.

ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ «РАШАҲОТУ АЙНИ-Л-ҲАЁТ»ган

Асар муаллифининг тўла номи Фахруддин Али ибн Ҳусайн ал-Воиз Кошифий бўлиб, у ҳижрий 867 (милодий 1463) йилда машҳур тасаввуф олими Ҳусайн Воиз Кошифий оиласида туғилган. Илк таҳсилни оталаридан ўрганиб, нақшбандийлик тариқатининг шайхларидан бири бўлиб етишган. «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасидан томчилар») асарида машойихларнинг таърифу тавсифлари ҳамда фазилатлари нақл ва ҳикоялар орқали ёритиб берилган. ЎзРФАШИДа асарнинг 20 дан ортиқ қўлёзмалари мавжуд. Нашрга асос бўлган манба: Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айни-л-ҳаёт. / Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. (Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ) — Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. — Б.35—48.

¹ *Қуддуса сирруҳу* — сирлари муқаддас бўлсин.

² *Хулафои арбаа* — тўрт халифа.

³ *Хожагонлар шажараси* — Хожагон тариқатидаги шайхлар силсиласи бўлиб, улар «Мақомоти Хожа Нақшбанд»нинг муқаддимасида шундай берилган: «Хожамиз (Нақшбанд ҳазратлари — Ҳ.Б.)нинг тариқа нисбатлари ва зикр таълимлари Ҳазрати Саййид Амир Кулоддан, уларники Хожа Муҳаммад Бобои Самосийдан, уларники Хожа Маҳмуд Анжир Фағонавийдан, уларники Хожа Ориф Ревгарийдан, уларники Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийдан, уларники Хожа Юсуф Ҳамадонийдан, уларники Шайх Абу Али Формидийдан, уларники Шайх Абул Қосим Гургонийдан. Шайх Абул Қосимнинг ботин илмида насаби икки зотга боради: биринчиси — Шайх Абул Ҳасан Ҳарақонийга, уларники Шайх Абу Язид Бистомийга... Ва Шайх

Абу Язиднинг иродати Имоми Жаъфари Содик розиаллоҳу анҳугадир. (У зот) ботин илмида икки томондан нисбатга эга: биринчиси ўзининг бузургвор отаси Имоми Муҳаммад Боқир, уларга ўз оталари Имоми Зайну-л-Обидиндан, уларга ўз оталари Имоми Ҳусайндан, уларга ўз оталари амиралмўъминин Алидан — уларнинг барчасига Оллоҳнинг розилиги бўлсин — уларга Ҳазрати Рисолатпаноҳ Муҳаммад (с.а.в.)дандир.

⁴ *Қодгасаллоҳу арвоҳаҳум ва равваҳа ашбаҳаҳум* — Руҳлари муқаддас ва Оллоҳга етишган бўлсин.

⁵ *Мавлид ва мағфан* — туғилиш ва дафн.

⁶ *Малотойи Рум* — Рум, яъни ҳозирги Кичик Осиёнинг Малотой шаҳри.

⁷ *Мутааллиқ* — яқин.

⁸ *Кор-бор* — иш ва юк: турмушдаги юмушлар.

⁹ Ояти кариманинг мазмуни шундай: «Парвардигорингизга тазарруъ ва хуфя дуо қилингиз, чунки У ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди!» (нашр.) (Ал-Аъроф, 55-оят)

¹⁰ *Иттилоъ* — огоҳлик, хабардорлик.

¹¹ *Ҳадиснинг мазмуни*: «Шайтон (васваса қилиш учун) одам боласининг ичида қон айланганидек ҳаракатланади».

¹² *Аҳдуллоҳ* — Оллоҳнинг дўсти.

¹³ *Вуқуфи ағадий* — саноқда огоҳлик. Муриднинг "Ла илаҳа иллоллоҳ"ни нафас олмай такрорлаши. Бироқ уни тоқ сонларда тўхтатиш керак, чунки Оллоҳ ягона, тоқдир, унинг жуфти йўқ, унинг зикри ҳам тоқ сонда туташи лозим, бу ҳолат тасаввуфда юқоридаги ном билан аталади.

¹⁴ «*Фаслу-л-хитоб*» — луғавий маъноси: хитоб фасли.

¹⁵ *Мухолафат* — қаршилик.

¹⁶ *Мувозабат* — ҳаракат.

¹⁷ *Зикри алония* — ошкора зикр.

¹⁸ *Тағйир* — ўзгартириш.

¹⁹ *Мутамаккин* — ўзига хос макон соҳиби.

²⁰ *Хожа авлиёи қабир* — улуғ авлиё ва хожа.

²¹ *Фавойиди жазъила ва авоиули жалила* — Қиёматдаги дод-фарёднинг ва ғурбатнинг бошланиши.

²² *Гузир* — чора, илож, тадбир.

²³ *Гумном* — камтар, камном.

²⁴ *Қибола* — ҳужжат.

²⁵ *Самоз* — ғазал, шеър ва мусиқа тинглаш орқали ва ё жазба келганида рақс тушиб Худони ўйлаш (нашр.)

²⁶ *Амрағ* — эркак; бу ерда: бесоқолбоз.

²⁷ *Мубтағий* — бошловчи, янги сулук йўлига кирган.

²⁸ *Мусталаҳ* — истилоҳ, атама.

²⁹ *Байнул ижмол ват-тафсил*. Валлоҳу ақулул-ҳақ ва ҳува яҳди-с-сабил — Тафсилотлар баёни мухтасар қилинди...

- 30 *Мустақбал* — истиқбол.
- 31 *Мобайн ун-нафасайн* — икки нафас ораси.
- 32 *Қуддуса сирруҳу-с-сомиъ* — Эшитувчининг сирлари муқаддас бўлсин.
- 33 *Ғайби ҳувийят* — ҳақиқат сири.
- 34 *Ташғиди «лом»* — «лом» ҳарфининг устига қўйиладиган ташдид, яъни иккилантириш белгиси
- 35 *Маъаллоҳ* — луғавий маъноси: Оллоҳ менда. Тасаввуфдаги Оллоҳга етишиш мақоми.
- 36 *Итлоқ* — татбиқ.
- 37 *Ҳастий* — борлик, бор бўлишлик.
- 38 *Сифати замима* — ёмон сифатлар.
- 39 *Шахси хабис* — ёмон хулқли шахс.
- 40 *Пушида* — яширин, пинҳон.
- 41 *Мухталиф* — ҳар хил, турли.
- 42 *«Авориф»* — луғавий маъноси: урф — одатлар.
- 43 *Саъйе жамил* — эзгуликка ҳаракат.
- 44 *Масқул* — оғирлашиш.
- 45 *Интибоҳ* — уйғониш.
- 46 *Мунтабиъ* — уйғоқ, уйғонган.
- 47 *Суvari кавний хушуноти* — дунёнинг гўзал сурати.
- 48 *Тасқил ва тасфия* — оғир ва софланиш.
- 49 *«Хилват дар анжуман, базохир боҳалқ ва баботин боҳақ»* — Анжуманда хилват топиш, зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан.
- 50 *«Кишилар (бордирки) уларни тижорат ҳам, савдо ишлари ҳам Оллоҳнинг зикридан чалғита олмас...»* (Нур сураси, 38-оят)
- 51 *Мустағрағлиқ* — гарқ бўлиш.
- 52 *Зикри лисоний* — Оллоҳнинг номини тилдан қўймаслик. Зикрнинг тилда бошланиши ғафлатдан қутилиб, ҳушёрликка ўтиш дамларини билдиради. Бундан ташқари *зикри алонийа* деб ҳам аталиб, у яссавийликда кенг қўлланилган.
- 53 *Зикри қалбий* — Оллоҳ номини қалбга жойлаш. Бу Оллоҳни бутунлай қалбига жо айлашдан иборат бўлиб, кўпроқ нақшбандийликда унга эътибор қаратилган.
- 54 *Саъдигдин Кошғарий* — тўла номи Султониддин Саъд Муҳаммад ал-Кошғарий (ваф.1455), нақшбандийликнинг улўф мутасаввифларидан. Шайх Алоуддин Аттoр (ваф. 1400) орқали Баҳоуддин Нақшбандга боғланади.
- 55 *Зери ноф* — киндик ости; дил.
- 56 *Мудрики гаррок* — идроки тез, зеҳли.
- 57 *Турфату-л-айн* — луғавий маъноси: турфа маконлар.
- 58 *Бозғашт* — қайтиш. Тил ва дил зикридан сўнг, яъни калимаи таййиба айтилгач, у кўнгил орқали талқин қилинади. Талқинда «Худовандо, менинг мақсудим сенсан» жумласи айтилади. Бу зикр тинимсиз такрор билан солиқни беҳуда ҳаёллардан поклайди,

у аста-секин Оллоҳ таважжуҳидан баҳраманда бўла бошлайди. Бозгашт — жамоатдан узоқлашиш эмас, балки унга яқинлашишдир. Жумладан, бемор кўнглини сўраш, ғарибга ёрдам бериш.

⁵⁹ *Нигоҳдошт* — сақлаш. Фикрни Оллоҳ ёди билан муқаддас тутиш. Бинобарин, калимаи таййибани такрорлаш билан солиқ ўзини турли ҳаёллардан ҳам сақлайди. Нигоҳдоштнинг дунёвий маъноси бошқалар ҳаётига назар солиш, ёрдамга муҳтожларга илтифот ва халқни унутмаслик туйғуларини ҳам ифодалайди.

⁶⁰ *Тулуъи фажр* — тонг отиши.

⁶¹ *Куммали авлиёulloҳ* — валийликка етишган, комил.

⁶² *Ёддошт* — ёдда тутиш. Оллоҳни ҳамиша ёдида тутиб, ундан огоҳлик завқини туйишдир. Оллоҳнинг ёди билан солиқнинг қалби нурга тўлади ва Оллоҳни мушоада қила бошлайди. Бу солиқда ёддоштнинг мукаммаллашиб бораётганини кўрсатади. *Ёддошт* нигоҳдоштнинг тадрижи бўлиб, бу жараён мустаҳкамланиб борилиши керак. Хожа Аҳрорнинг англатишича, ёддошт дил иқрорида собит туришдан иборатдир.

⁶³ *Тавассут* — восита қилиш.

⁶⁴ *Росух* — устувор.

⁶⁵ *Коргузоранда* — ишни тартибга солиш ёки тартибли иш.

⁶⁶ *Кавн* — мавжудлик.

⁶⁷ *Мақула* — фасл, боб; сўзлар.

⁶⁸ *Мустафиг* — фойда олувчи.

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО «УСУЛИ АШАРА»дан

«Усули ашара» асари «Рисолаи одобу-з-зокирин», «Рисолату-т-туруқ», «Рисолаи одобу-с-соликин», «Ақрабу тариқи илаллоҳ» деган номлар билан ҳам юритилган. Бу асарга кўплаб шарҳлар ёзилган. Улар орасида Исмоил Ҳаққи Бурсавийнинг «Шарҳи усули ашара»си (1291/1874) машҳур бўлиб, 1957 йилда Мустафо Қора томонидан қайта нашр этилган. Абдуғафур Лорийнинг «Шарҳи рисолаи одобу-з-зокирин» асари (таржимон М. Қодиров) Урганчда 1997 йилда нашр этилган. Туркия нашри асосида Иброҳим Ҳаққул ва Азиза Бектош «Тасаввуфий ҳаёт» мажмуасини яратиб, унга «Усули ашара»ни ҳам киритганлар. Мажмуага кейинги нашрлар асос бўлди: Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош). — Т.: Моварауннаҳр, 2004. — Б.32—81.

¹ Қора рангда берилган матнлар Нажмиддин Куброга, шарҳлар эса Исмоил Ҳаққи Бурсавийга тегишли.

² Дарҳақиқат, бу сўз Нажмиддин Кубродан анча аввал яшаб ўтган суфийлар томонидан ҳам турлича ифодалангандир. Абу Бакр Томистоний (ваф. 340—951) «Аллоҳга элгувчи йўллар махлуқот ададига тенгдир» деса, Абул Ҳасан Музаййин (ваф. 328/939) бу

йўлларнинг юлдузлар миқдори билан баробарлигини айтади. Қаранг: Sulemi «Tabakatu's—suffiyye», nsr: Nurettin Saribe, s, 383, 472 (Kahire 1389 [1869]). Ибн Таймийядан: «Бу сўз тўғрими?» дея сўралганида, «Агар бу сўздан китоб ва суннатта мувофиқ намоз, закот, жиҳод, зикр, Куръон ўқиш каби амаллар назарда тутилган бўлса, тўғридир, акс ҳолда хатодир» дея жавоб беради. Қаранг: «Mesmai fetavayi ibn Teymiye», nsr: Abdurrahman b. Muhammed Necdi, X, 454 (Riyad 1381/1961), (Изоҳ Мустафо Корға оиддир).

³ Ҳадисларнинг санади тушириб қолдирилди (тарж.).

⁴ «Қоба қовсайн» — Қуръони каримнинг «Ва-н-нажм» сурасида бунинг изоҳи келади: «Бас, (Муҳаммад алайҳиссаломга) икки камон оралиғида ё ундан-да яқинроқ бўлиб, Ўз бандасига (Муҳаммад алайҳиссаломга) туширган ваҳийни келтиради (9—10 оятлар). Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.404.

⁵ *Жамъ ва фарқ* — тўпланиш ва ажралиш, жамъ Ҳаққа доир, фарқ қулга оид нарса. Жамъ қулнинг эришгани, фарқ — Ҳақнинг эҳсон қилгани (тарж.)

⁶ *Сакр ва саҳв* — сархушлик ва ҳушёрлик. Сакр — илоҳий ишқ майидан маст бўлиб ўзни унутган, ўзидан кечган ошиқнинг ҳоли. Саҳв эса ўзини унутганнинг ўзига келиши, ҳушёр бўлиши (тарж.)

⁷ Қуръони карим Рум сурасининг 21-ояти Алоуддин Мансур таржимасида берилмоқда. Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.292.

⁸ *Муқайяд* — қайд этилган.

⁹ *Асмои ҳусно* — Оллоҳу таолонинг гўзал исмлари.

¹⁰ *Ризо ва таслимият* — розилик, хушнудлик билан рози бўлиш, Яратганнинг ҳукмига хушнудлик билан таслим бўлиш.

¹¹ *Таважжуҳ* — диққатни тўплаб, зеҳни бир томонга йўналтириш. Оллоҳга юз бурмоқ, Ҳусни мутлаққа тўлиқ тобеъланиш.

¹² *Вуслат* — етишиш. Ҳақ васлига етишиш.

¹³ Нашрда ояти карима тўла келтирилмаган, унинг давоми: «Ва қаерда бўлсангизлар (эй мўъминлар), юзларингизни ўша томонга бурунг! Токи (айрим) одамлар учун сизларнинг устингизда ҳужжат бўлиб қолмасин. Лекин уларнинг ичида зулм қилувчилар ҳам борки, сизлар улардан қўрқмангиз. Мендан қўрқингиз! Ва токи сизларга неъматимни қомил қилиб беришим ва тўғри йўлга ҳидоят топишингиз учун шундай қилингиз». Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.18—19.

¹⁴ Нашрда ояти карима тўла келтирилмаган, унинг давоми: «Сўнгра уларни фаришталарга рўпарў қилиб деди: Агар халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини менга билдиринг!» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.9)

15 Ояти кариманинг тўлиғи шундай: «(Эй Муҳаммад), ўзларини пок қилиб кўрсатаётганларни кўрмадингизми? Йўқ. Фақат Оллоҳ Ўзи хоҳлаган зотларни поклагувчидир. Ва уларга қилчалик зулм қилинмас». (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.61)

16 *Тобъеин ва табаи тобеъин* — Пайғамбаримиз ҳаётлик давларида яшаган, кўрган, бироқ улар билан суҳбатлашишга эриша олмаган мусулмонлар тобеъинлардир, табаи тобеъин эса у даврда яшаган, бироқ кўра олмаган муслимларга нисбатан айtilган.

17 *Тазкия ва тасфия* — тазкия: поклаш, оқлашдир; тасфия эса покланиш натижасида дилни равшан топтириш.

18 *Истиғрож* — риёкорлик.

19 *Тафарруот* — бўлиниш.

20 *Нафси розия* — Оллоҳдан рози нафс; *нафси марзия* — Оллоҳ ризосини қозонган ва унга мақбул бўла олган нафс.

21 *Нафси мутмаинна* — иймон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафс.

22 *Ухравий* — охиратга доир.

23 *Жалватия* — инсоннинг ватани ва оиласидан узоқлашиши; халқдан узоқлашиб, танҳоликда Ҳақ билан бўлиш.

24 Ояти кариманинг тўлиғи шундай: Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур. Ким Оллоҳга таваккул қилса, бас, (Оллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир. Албатта, Оллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига етгувчидир (Унинг хоҳишига қарши турувчи кимса йўқдир). Дарҳақиқат, Оллоҳ барча нарса учун миқдор — ўлчов қилиб қўйгандир (яъни, ҳаётда рўй берадиган ҳар бир яхши-ёмон воқеа-ҳодиса ёлғиз Оллоҳ хоҳлаган — белгиллаган вақт ва ўлчовда рўй беради) (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.443).

25 Ояти каримада шундай дейилган: «Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларингизина (ҳақ йўлдан озмай қолурлар). (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.181)

26 *Савм* — рўза.

27 *Инзиво* — четлашиш, яккаланиш.

28 *Гайбул ғуюб* — беҳудликнинг юқори босқичи.

29 *Суи зан(н)* — шубҳали, гумонли томон.

30 *Фассол* — юувчи.

31 *Ҳағас* — янги.

32 Оят тўлиғича шундай келади: «Ва бирон нарса ҳақида «Мен эртага албатта, қилгувчиман» дея кўрманг, «магар, иншооллоҳ, Оллоҳ хоҳласа» (денг. Бу сўзни айтишни) унутиб қолдирган вақтингизда (ёдингизга тушиши билан) Парвардигорингизни зикр қилинг...» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.208)

33 Ояти карима тўлиғича шундай: «(Модомики, барча иш — бутун мулк Оллоҳнинг қўлида экан, демак) мўъминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Оллоҳга ҳеч нарасада эмас, (яъни, Оллоҳга бегонадир). Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсангиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир), Оллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Ва фақат Оллоҳга қайтажаксиз» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.39).

34 Ояти кариманинг асли шундай: «Албатта: «Парвардигоримиз Оллоҳдир», деб сўнгра (ёлғиз Оллоҳга тоат—ибодат қилишда) тўғри — устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, (дерлар): «Қўрқманглар ва ғамгин бўлманглар. Сизларга ваъда қилинган жаннат хушxabари билан шодланинглар!» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.354)

35 Қавий — кучли, бақувват.

36 Нафси марҳума — ўлик нафс, жиловланган нафс.

37 Ояти кариманинг тўлиқ матни шундай: «Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, бас, Оллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик—гуноҳларини, яхшилик — савобларга айлантириб қўюр. Оллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир». (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.261).

38 Ояти кариманинг давоми шундай: «...Уларнинг юзларини на қаролик ва на хорлик қоплар. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда абадий қолурлар» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.139).

39 Оятлар Қуръони каримда шундай келади: «(У ўт ичидан эсон—омон чиқди) ва деди: «албатта, мен Парвардигорим (бужорган тараф)га кетгувчидирман. Унинг Ўзи мени (тўғри йўлга) ҳидоят қилур. Парвардигорим, Ўзинг менга солиҳ (фарзанд)лардан ҳадя этгин». (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.328).

40 Ояти кариманинг давоми шундай: (Мўъминларга иймонлари қандай чиройли кўринса), кофирларга ҳам қилаётган амаллари ана шундай чиройли қилиб кўрсатиб қўйилди» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.95).

41 Шайх Исмоил Ҳаққи — Исмоил Ҳаққи Бурсавийнинг «Шарҳи усули ашараси (1291/1874) муаллифи сифатида машхур. Ушбу асар 1957 йида Мустафо Қора томонидан қайта нашр этилган.

42 Бурсада ушбу жомеъ атрофида ҳозир бундай кутубхона биноси йўқ (Мустафо Қора изоҳи).

(Қарант: Күрбони қарим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўпон, 1992. — Б.387)

⁷ Китоба оятларини охири берилган. Унинг бошланishi шундай: «Ларвараторим, мен учун (қаттирим хомлави бўлганига) бирон бевли-авомат қилсанг!» деди у (Зақарие). (Овоҳ) айтди...» (Қарант: Күрбони қарим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўпон, 1992. — Б.216)

⁸ Ояти қарима тўлиғича шундай: «Хабар берингчи, қим ҳавойи нафсарини илоҳ қилиб олган бўлса сиз унинг устида вақил — қўриқчи бўлурмисиз?! (Йў, сизнинг вазифангиз ҳавойи нафитга қўлиқ қиладиган қимсарни бу қилмишларидан сарқант — қўриқаш эмас, баки фақат биз сизга юборган ваҳийни банаваримизга етказмоқдир)» Қарант: Күрбони қарим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўпон, 1992. — Б.260.

⁹ Ояти қарима тўлиғича шундай: «Мен нафсимни оқламайман. Чўнки, нафс — агар Ларвараторимнинг ўзи раҳм қилмаса — авбат, барча ёмонликларга бўйруқчи. Ларвараторим, меҳрибондир» (Қарант: Күрбони қарим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўпон, 1992. — Б.262)

¹⁰ Ояти қарима тўлиғича шундай: «(Эй инсон), аниқки, сен бу (орин қун)дан рафатда эдинг. Бас, биз сендан парангги (яъни, мана бу қиёмат қуни ҳақиқати шак-шўҳаварингги) очиб юбордик. Энди бу қун сеннинг қўзинг жуда ўткирдир» (Қарант: Күрбони қарим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўпон, 1992. — Б.395)

¹¹ Таъвиз — ўзи Овоҳ ҳукмига тошпириш. У таслим ва тавакқулнинг натижаси.

¹² Ояти қарима тўлиғича шундай: «Қим чиройи амав қилувчи бўлган ҳолида ўзини Овоҳга тоширса, бас, у мустаҳкам ҳаққани ушлабди. Барча ишлар охири-оқибатда ёғиз Овоҳга бору» (Қарант: Күрбони қарим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўпон, 1992. — Б.297).

¹³ Фир-фиро — фақр: таслимиятга аҳадр мақомлардан бўлиб, моли бўлмаслик, бўлса ҳам унга мансуб бўлмаслик. Аллоҳдан бошқасига муҳтож бўлмаслик (тарж.); фиро — бойлик.

¹⁴ Хўзун — рам-тусса. Унинг уч даражаси фарқланади: 1. Авомнинг хўзун. 2. Хаввонинг хўзун. 3. Аҳоснинг хўзун. Авом умрининг рафат ичига кечилишдан рам чекса, хаввос раббнинг ҳақдан илҳом қилиши ва мосиёга муҳаббатдан ҳасрат тортади. Аҳоснинг хўзун эса ҳалқ олтини ўзгартириш, яъни уни илми урфонга етиштириш билан авоқардир (тарж.).

¹⁵ Қабз-баст — тўланиш ва ёйилиш; қайту чекиш ва сезиниш, торлик ва кенлик, ёйилиш ва очилиш ҳолати. Итижо ва ёворлишнинг Овоҳ томондан ижобат этилиши ҳам баст дейилган (тарж.).

6 Сүрада шунадай дейилгалар: «(Эй Мухаммад), хаяи (Маданията кайтатинишкан кейин) сизга арьодийнардан бугалан (сиз биван бирга умра сафарига чикмасдан) кволган (мунофик) кимсаар «Бизварни моа-мулкваримиз ва ахл-оинаваримиз машгул куййи, (шунинг учун сен биван бирга сафара чика олмадик). Эндай узинг бизар учун (Овохдан) марфират суратин» дераар. Увар тивваридая диваридаяа бугалатан нарсани — вавонни айтупар. Айтинг: «Агар (Овох) сизварга бирон зиеи (етказиш)ни истаса, ёки У сизварга бирон манфаат (етказиш)ни истаса, У ховаи ким сизар учун Овох томонидан бугалан бирон нарс (ни аафъ кишиш)га эра буга оаур?! Ийк, Овох сизар киваётган амаваринишкан орох бугалан зотар!»

Бектош). – Т.: Моваруяннахр, 2004. – Б. 85–107.

2 Садам — соғом.
3 Бурҳон — ишонччи ва катъий даъиа демак. Шуҳагата
бугунавай барҳам беревчи хужжат (тарж.).
4 Яқин қуёш — яқин-ишонч, қуёш эса Омоҳири, Демак.

5 Кўрбони қаримда «Ваш-шамс» сураси китобда кўрсатилганидек, 41-сура эмас, баъки 91-сурадир. Ушбу ояти қаримдадан сўнг шундай изоҳ келаяди: «Саҳобалардан Ибн Аббос томонидан (Vohx y кишидан рози бўлсин) диявот қилганинипишча, қилмасар, бир тўхтаб Тантири таовот бўндай ало қилар эканлар: «Vohxим, ўзинг нафсимга — жонимга таъво ато этгин, ўзинг унингга элси — хожасисан ва ўзинг уни энг яхши покалгувчисан» (Қарант: Кўрбони қарим. Ўзбекча изоҳуи таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.505).

6 Сурада шундай дейилган: «Эй Мухаммад, хали (Мадинага

16 Унс — дўст, улфат; Оллоҳга яқинлик. Оллоҳ жамолини идрок айлаш билан қалбни фараҳ ва севинчга эриштириш (тарж.).

17 Маҳв — йўқолиш, битмоқ; неъмат-эҳсон.

18 Ҳузур-иҳзор — Оллоҳнинг васлига етишиш йўлида чеккан ғуссаларидан роҳат топиш; иҳзор — ҳузурга эришган.

19 Шуҳуд — кўриб мулоҳаза қилиш; ишҳод — шуҳудга эришган.

20 Буъд — узоқлик, фироқ. Ибад — узоқ тушган, фироқда яшаган.

21 Қурб — Оллоҳга яқинлик; тақарруб — етишган.

22 Саҳв-сакр — ҳушёрлик ва сарҳушлик. Сакр (ёки сукр) илоҳий ишқ майдан маст бўлиб ўзни унутган, ўзидан кечган ошиқнинг ҳоли. Саҳв эса бунинг акси: ўзини унутганининг ўзига келиши, ҳушёр бўлиши. Сакр ҳолисиз саҳв бўлмайди. Шунинг учун сакри Ҳақ билан бўлганининг саҳви ҳам Ҳақ билан бўлур дейлади (тарж.).

23 Сабр — чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устиворлик. Инсоннинг яхши ва ёмон ҳолатларининг барчаси Оллоҳ томонидан берилганини англаши ва шунга тан бериши. Яхши ҳоллар учун шукр, ёмон ҳоллар учун шикоят қилмаслик сабрнинг шартларидандир (тарж.).

24 Маҳвули асар — эҳсон-неъматнинг бўлаги.

25 Маҳвули айн — эҳсон-неъматнинг асоси.

26 Маҳвули эйн — эҳсон-неъматнинг ҳаммаси.

27 Мужоҳада — саъй, ғайрат; нафсни вужудий машаққатлар билан қийнаш, ҳаво ва ҳавасга қатъиян қарши курашиш (тарж.).

28 Ҳумуд — мақталган, мақтовга лойиқ.

29 Мунодама — суҳбатлашиш, хитоб қаратилиши.

30 Муҳовара — баҳс, суҳбат.

31 Мукошафа — кашф йўли ила билиш, авлиёulloҳнинг қалбида ғайбий сирларнинг очилиши (тарж.); муҳодаса — янгилалиш.

32 Тохолли — банданинг ўтмиш ва келажак олдидаги андишаси.

33 Убудият — бандалик, қуллик. Ибодатдан кўп карра устун бир ҳол. Убудият аҳли қулликни Оллоҳ жамолини кўриш учун дард ва риёзат тортиш деб биладилар (тарж.).

34 Қалб — Нажмиддин Кубро талқинича, қалб калимасининг луғавий маъноси «бирор нарсанинг шакл ва маъно жиҳатидан ўртаси, асоси демақдир». Сўфий ва мутасаввифлар бу «ўрталиқ»ни инсон тириклиги ва маънавий ҳаётининг бош манбаи, маърифат ва ирфон маркази, кашф ва илҳом ойнаси, Ҳақ ва ҳақиқат сирларининг тажаллигоҳи, Оллоҳнинг тахти деб белгилашган (тарж.).

35 Ояти карима тўлиғича шундай: «Ва унинг (Юсуфнинг) кўйлагини ёлғон қонга (яъни, бир қўйни сўйишиб ўшанинг қонига) бўяб келтирдилар. (Шунда Яъқуб) айтди: Йўқ! Сизларга ҳавойи

нафсларинг бирон (ёмон) ишни чиройли қилиб кўрсатган. Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир. Сизлар сўзлаётган бу нарса (айрилиқ — мусибат) устида мадад сўраладиган зот ёлғиз Оллоҳдир» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.158).

³⁶ Ояти карима тўлиғича шундай: «Мен нафсимни оқламайман. Чунки, нафс — агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса — албатта, барча ёмонликларга буюргувчидир. Дарҳақиқат Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.162).

³⁷ Ояти карима тўлиғича шундай: «Қачонки, иш тутагач (яъни, жаннат аҳли жаннатга сазовар бўлиб, дўзахилар дўзахга ҳукм қилинган), шайтон деди: Албатта, Оллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен эса (ёлғон) ваъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, ило, мен сизларни (куфр йўлига) чақиришим биланоқ ўзингиз менга итоат эттингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам бергувчи эмассиз. Албатта, мен сизлар илгари (Оллоҳ) мени шерик қилганингизни инкор қилурман. Албатта, зolimлар (яъни, кофирлар) учун аламли азоб бордир» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.176).

³⁸ Ояти карима тўлиғича шундай: «У айтди: «Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом сенинг тўғри йўлинг устида уларни (одам болаларини) кутиб ўтурурман» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.101).

³⁹ Ояти карима тўлиғича шундай: «Оллоҳнинг номи зикр қилинмаган нарсалардан емангиз! Зотан, бу иш итоатсизликдир. Албатта, шайтонлар ўз дўстларини (яъни, мушрукларни) сизлар билан жанжанлашишлари учун васвасага солурлар. Агар уларга бўйсунсангизлар, ҳеч шак—шубҳасиз мушриклардан бўлиб қолурсизлар» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.95).

⁴⁰ Ояти карима тўлиғича шундай: «Шунингдек, ҳар бир пайғамбарлар учун инсу жин (дан бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал (ялтироқ) сўзлар билан васваса қиладилар. Агар Парвардигорингиз хоҳласа, ундай қилмаган бўлур эдилар. Бас, уларни тўхмат, бўҳтонлар билан бирга тарк қилинг!» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.94).

⁴¹ *Яқозо* — уйғоқлик, маънавий-руҳий бедорлик. Шундай бедорликка эришилмагунча Ҳақ ва ҳақиқат йўлида ҳеч бир мурод ҳосил бўлмайди (тарж.).

⁴² *Мутмаин* — тинч, осуда; ором олиш.

⁴³ *Сакинат* — тўхташ, туриш; муқим яшаш.

44 Ояти карима тўлиғича шундай: «У (Оллоҳ) ўз иймон — ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўъминларнинг дилларига сакинат — ором туширган зотдир. Осмонлар ва ер қўшинлари (яъни, коинотдаги барча жонзот ва кучлар) ёлғиз Оллоҳникидир. Оллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.386).

45 Ояти карима тўлиғича шундай: «Унинг (яъни, ҳар инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилгувчи (фаришталар) бўлиб, улар Оллоҳнинг амри билан уни сақлаб — муҳофаза қилиб турурлар. Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Оллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас. Қачон Оллоҳ бирон қавмга ёмонлик — бало юборишни ирода қилса, бас, уни қайтариб бўлмас. Ва улар учун ундан ўзга ҳоким йўқдир» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.169).

46 Ояти карима тўлиғича шундай: «Эй (кийимларига) ўралиб олган зот, кечаси (бедор бўлиб, намозда) туринг! Фақат озгина — унинг (кечанинг) ярмида (ухлаб ором олинг) ёки (уйқуни кечанинг) ярмидан ҳам биров камайтиринг ёхуд унга (бир оз) зиёда қилинг (яъни, кечанинг ярмидан кўпроғида ухлаб, истироҳат қилинг) ва Қуръони тартил билан (яъни, дона-дона қилиб) тиловат қилинг!» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.468).

47 Ояти карима тўлиғича шундай: «Оллоҳнинг фармони (яъни, қиёмат) келиб қолди. Бас, сизлар (эй мушруклар), уни шоштирамай қўя қолинг. (Оллоҳ) уларнинг ширкларидан пок ва юксақдир». (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.184).

48 Ояти карима тўлиғича шундай: «Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашган эдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорнинг (унинг учун белгиланган) вақти комил қирқ кеча бўлди. (Оллоҳ Тур тоғида Мусога шунча муддат танҳо ибодат қилишни буюрди. Оллоҳ таолога муножот қилиш учун кетар экан), Мусо акаси Ҳорунга деди: «Қавмим устида менинг ўринбосарим бўлгин ва (агар улар ёмон амал қилсалар) тузатгин. Бузғунчи кимсаларнинг йўлига эргашмагин» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.110).

49 Ояти карима тўлиғича шундай: «Уларнинг ёнбошлари ўрин — жойларидан йироқ бўлур (яъни, кунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо — илтижо қилурлар ва биз уларга ризқ қилиб берган нарсаларидан инфоқ — эҳсон қилурлар» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.300).

50 *Сифлий вужуд* — паст, тубан вужуд; уйқудаги ҳол.

51 Ояти карима тўлиғича шундай: «Эй Одам болалари, ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз (яъни, тоза либосда бўлингиз) ҳамда

(хоҳлаганингизча) еб ичаверинглар, фақат исроф қилманглар. Зотан, у исроф қилгувчи кимсаларни севмас» (Қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: Чўлпон, 1992. — Б.102).

⁵² *Нозиз* — нуфузли, таъсирли.

ФАРИДИДДИН АТТОР «ИЛОҲИЙНОМА»дан

Фаридиддин Атторминг «Илоҳийнома» асари Абу Абдуллоҳ Ансорийнинг шу номли асарида фарқ қилиниши керак. Ансорий асари «Муножот» номи билан ҳам машҳур. Атор асари эса ўзига хос муқаддима «Ҳамди беҳад»дан бошланади. Дастлабки мақолада эътиқод ҳақида сўз юритилиб, «Аёл садоқати», «Аёл ишқи», «Бектош ва Робиа», «Сулаймон ва чумоли», «Кўкармасдан бурун мева берган дарахлар», «Ит ва сўфий», «Иброҳим Адҳам ва Дарвиш» каби ҳикоятларни ўз ичига олган. Қуйида асарнинг муқаддимасидан кичик бир парча келтирилади. Нашрга асос бўлган манба: Фаридиддин Атор. Илоҳийнома. Насрий таржима, талқин ва тафсир (амалга оширувчи Нажмиддин Комилов). — Т.: Ёзувчи, 1994. 7—12-бетлар.

¹ *Ҳамди беҳад* — чексиз ҳамд, ёлғиз Оллоҳнинг мадҳига бағишланади. Ушбу анъанавий муқаддима айрим манбаларда «муножот» деб ҳам айтилади.

² *Девонлар мундарижасининг боши* — девон ва мажмуалар, бадий ва маърифий китоблар ушбу ном Оллоҳни шарафлашдан бошланади.

³ Анъанавий бошланмадан сўнг аллома «руҳий мамлакатнинг асоси»ни руҳи қудсий, яъни муқаддас руҳ деб атаган. Алишер Навоийнинг Атор руҳида ёзилган «Лисону-т-тайр» асарида бунинг шарҳи бор:

Балки қудси руҳининг гўё қуши,
Арш боғидин келиб кўнғил туши.

⁴ *Роздон* — сирлар манбаи.

⁵ *Мутлақият* — чекланмаган (борлиқ), шаксиз.

⁶ *Нуҳ кемаси* — Нуҳ пайғамбарнинг кемасидай чайқалиб турувчи макон.

⁷ *Симруғ* — Семурғ, Қоф тоғида яшовчи афсонавий қуш (1); Тангри (2).

⁸ *Сўзга ўралгин* — Оллоҳнинг сўзи, яъни Қуръони карим маъносида. Ўзингга боқ, ўзингни Қуръоний ҳукмлар оғушида яшашга ўргатгин.

«ЖАВҲАРУ-З-ЗОТ»дан

Фаридиддин Атторминг «Жавҳару-з-зот» асари ўзбекчада ҳали нашр этилмаган. Бироқ «Илоҳийнома»нинг нихоясида улуғ мутасаввифнинг шориҳи сифатида проф. Н.Комилов ушбу асардан парчалар келтириб, уларни шарҳлаб берган. Ҳозирча «Жавҳару-з-

зот»га фақатгина сурат ва маъни жиҳатидангина муносабатда бўлиб, бу мураккаб фалсафий муаммонинг талқинида Аттор ҳазратларига мурожаат қилинди. «Тавҳид асрори»да Аттор фалсафаси шарҳлангани учун ҳам айрим ўринларда тушунарсиз сўз ва тасаввуфий истилоҳларга ҳамда исмларга изоҳ бериш билан чекланилди. Мажмуадаги парчалар ушбу китобдан олинди: Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. Насрий таржима, талқин ва тафсир. Амалга оширувчи Н.Комилов («Тавҳид асрори» қисмидан). — Т.: Ёзувчи, 1994. — Б.72—94.

¹ *Жавҳар* — ягона, туб моҳият, зоти асл маъносида Оллоҳга нисбатан қўлланилади.

² *Сурат* — шакл, жон, жасад маъносида.

³ *Кул* — барча, ҳамма. Бу ерда *бутун* маъносида, бутун борлиқнинг Яратувчиси Оллоҳга нисбатан қўлланилган. Мутлақият, моҳият маъносида суратнинг радди ҳам бўлиб келади.

⁴ *Анал Ҳақ* — мен Ҳақ, яъни мен Худоман. Менлик, ўзликдан бутунлай қутулиб, Оллоҳ ҳукмига ўзини топширишдир. Инсоний ўзликка барҳам берилса, фақат руҳ қолади. Шунда икки руҳ қўшилишидан ҳулул (сингиш) ҳолати юз беради. Анал ҳақ ана шу икки руҳ қўшиливини ифодалаган каломдир.

⁵ *Жузв* — бўлак, бутуннинг қисми; ўзга, бошқа.

⁶ *Аҳаг* — бир, бирга, бутунликда.

⁷ *Жонон* — илоҳий маҳбуб, яъни Оллоҳ.

⁸ *Кавн* — мавжудлик, борлик.

⁹ *Айн* — кўз, дийда, кўз қорачиги.

¹⁰ *Аъён* — улуғ мартабали, юқорига эришган.

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

«МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ»ган

Жалолиддин Румийнинг машҳар асари асида форсийча битилган бўлиб, турк тилига бир неча марта таржима қилинган. Ўзбек тилига ҳам икки бора таржима этилган бўлиб, булар Жамол Камол ва Асқар Маҳкам қаламига мансуб. Ушбу матн Жамол Камол таржимасида «Сино» журналининг 2001 йил 1–2 сонлари асосида нашрга тайёрланди. Шунингдек, ушбу матн парчаси «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари»нинг 1-жилди (нашрга тайёрловчилар Н. Раҳмонов, Ҳ. Болтабоев)да ҳам эълон қилинган (— Т.: Фан, 2003. — Б.225–242). Матн туркча наشري билан қиёсланган ҳолда тузатилди ва изоҳлари тўлдирилди.

¹ «Найнома» деб номланган машҳур муқаддима мана шу жойда тутади. Мавлавийлар бу 18 байтга алоҳида маъно берадилар, чунки «Маснавийи маънавий»нинг мана шу муқаддимасигина Румий томонидан ёзилгани тасдиқланган. Асарнинг қолган қисми унинг ўғли Султон Валад ва шогирдлари томонидан давом эттирилгани ҳақида

маълумотлар бор (Батафсил маълумот учун қаранг: Ҳ.Болтабоев. «Маснавийи шариф» маънавияти. // Жаҳон адабиёти. — 2001. 12-сон).

² Мазмуни: Тур тоғи маст бўлди, Мусо беҳуш йиқилди.

³ Жавлақ — жанда кийган.

⁴ Бухл — бахилик, қурумсоқлик.

⁵ Миму вов, мим, нунда гар ташриф йўқ — Араб алифбосида "М", "В", "м", "н" ҳарфлари орқали мўъмин сўзи ёзилади. Ташриф — шарафлаш, улуғлаш.

⁶ Зарф — идиш.

⁷ Марғи дун — пасткаш, хор одам.

⁸ Улувал албоб — олий, улуғ донишманд.

«ФИҲИ МА ФИҲИ»дан

Мавлононинг ушбу асари турли мажлисларда билдирган фикрларининг йиғиндиси бўлиб, аслан форс тилида ёзилган. Асар олтмиш бир фаслда, маълум бир масала ёки муриднинг берган саволига Мавлоно жавоби тарзида тартибланган. Гарчи бу китоб фалсафа, ахлоқ, руҳшунослик, тарих ва адабиёт сингари зоҳирий илмлардан баҳс юритса ҳам, уни ботиний илмларни ўрганишга йўл тариқасида ҳам қабул қилиш мумкин. Асарнинг туркча нусхасидан Улуғбек Ҳамдамов таржима қилган. Нашрга асос бўлган матн: Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. — Т.: Ёзувчи, 1997, 2001. 14 — 18, 25 — 27-бетлар.

¹ «Ичиндаги ичиндадир» асл номи «Фиҳи ма фиҳи» асарининг зоҳирий таржимаси бўлиб, туркча наشري ҳам шу мазмунда амалга оширилган. Асар номининг сўзма-сўз таржимаси «Нимаики Ундандир Ундадир» бўлиб, «нимаики Оллоҳ томонидан яратилган бўлса, унинг асрори ёлғиз Тангри таологагина маълум» маъносида келади. Кейинги нашрларда асл номига мос сарлавҳа топилишига умид қилганимиз ҳолда нашрдаги сарлавҳа сақланди.

² Ҳақиқатнинг сояси — бу ерда «Ҳақиқат» Оллоҳ маъносида келади, сўз эса унинг ифодасидир.

³ Гизли — яширин, пинҳона.

⁴ Иккилик — иккиланиш.

⁵ Зуҳр — дунё лаззатидан воз кечиб тақво билан шуғулланиш. Бу сўзнинг ҳар бир ҳарфига тасаввуфий маъно боғлаб, зийнат, ҳавас ва дунёни тарк этиш деб ҳам талқин қиладилар.

⁶ Авло — яхшироқ, тузукроқ.

⁷ Инсон гапирувчи ҳайвондир — инсонда ҳайвонга хос бўлган ҳирсни кўрган фаришталар уни «ҳайвон» деб аташган, фақат у сўз, гапириш билан ҳайвондан фарқланади: «Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин» (Навойи) сатри бежиз айтилмаган.

⁸ Кўнгул аҳли бир бутундир — дилдан Оллоҳга муҳаббат билан яшаганлар бир бутунлик тарзида бўлади. Яратганининг ишқи уларни бирлаштириб туради.

⁹ Бири нақлий ва бири ақлий — бири ҳужжатлар асосида тушунмоқ, иккинчиси фикр-мулоҳаза билан англаб етмоқ.

¹⁰ Лавҳа — Лавҳул маҳфуз назарда тутилган.

¹¹ Қобих — сурат, мағиз — маъно.

¹² Зоҳид — тақводор, тарки дунё қилган киши. Тарки дунё ўзини ўлимга маҳкум этиш эмас, балки дунё лаззатларини тарк этишдир. Зоҳидлик Оллоҳ билан дўстлашиш йўлида ўзини ҳар жиҳатдан поклашдан иборат.

¹³ Ояти карима Қуръони каримдан олинган. Қаранг: Бақара сураси, 115-оят: «Машриқ ҳам, мағриб ҳам Оллоҳникидир. Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Оллоҳнинг тарафидир. Шубҳасиз, Оллоҳ (Ҳамма томонни) қамраб олгучи, билимдондир (Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоиддин Мансур. — Т.: 1992. — Б.15).

¹⁴ Ишқ — Оллоҳ ишқи, моҳият ва маънодир. Шунинг учун сурат (кўриниш) ишқ, яъни моҳиятнинг нури, шуъласидир.

¹⁵ Ояти кариманинг Қуръони каримда берилиши бундай: «Албатта, бу ҳаётий дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгидир. Агар сизлар иймон келтирсангизлар ва тақво эгалари бўлсангизлар У зот сизларга ажр-мукофотларини берур ва сизлардан мол-дунёларингизни сўрамас» (Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: 1992. — Б.384).

¹⁶ Ушбу ояти кариманинг матни Қуръонда бундай келади: (Эй Муҳаммад) сиздан руҳ — жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир». Сизларга жуда оз билим берилгандир» (Қуръон карим, «Ал — исро» сураси, 85 — оят).

АБУЛ МУҲСИН МУҲАММАД БОҚИР «МАҚОМОТИ ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД»

Ушбу асар Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг Шарқда машҳур бўлган «Мақомоти»дир. Муаллиф бевосита ишончли кишилар, чунончи, Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо тилларидан бевосита ва билвосита эшитилганлари асосида ёзганини тақдимада эслатади. Асар ҳижрий 804 (милодий 1401) йилда ёзиб тугалланган.

Мажмуадаги намуналар ушбу манбадан олинди: Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон (Форсийдан таржима, сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон маҳдум Ҳасанхон маҳдум ўғли). — Т.: Ёзувчи, 1993.

¹ *Аттаралоҳу марқадаҳу* — Оллоҳ унинг қабрини муаттар қилсин (тарж.).

² *Мосиво* — Оллоҳдан ўзга нарса (тарж.).

³ *Анфойи қудсиялари* — улуг валийлар айтган муқаддас сўзлар (тарж.).

⁴ *Нури сафо* — поклик нури.

⁵ *Раҳмат* — Оллоҳнинг марҳаматига муяссар бўлиш.

⁶ *Валоят* — авлиёлик (тарж.).

⁷ *Жазаба* — ўзига тортиш, муриднинг Оллоҳ ишқи туфайли беҳушлик ҳолатига тушиши (тарж.).

⁸ *Фарзи айн* — ҳар бир одам ўзи шахсан бажариши шарт бўлган амаллар (тарж.).

⁹ *Талқини зикр* — муридга зикр айтиш йўлини ўргатиш, бунда мурид Оллоҳнинг муқаддас исмини тилни қимирлатмасдан дил билан айтади (тарж.).

¹⁰ *Авло* — яхшироқ, аъло.

¹¹ *Вуқуфи агадий* — саноқдан огоҳлик. Муриднинг “Ла илоҳа илаллоҳ”ни нафас олмай такрорлаши, бироқ уни тоқ сонларда тўхтатиш кетак, чунки Оллоҳ ягона, тоқдир, унинг жуфти йўқ, унинг зикри ҳам тоқ сонда туташи лозим.

¹² *Илми ладуний* — Оллоҳнинг инояти ва файзи орқали эришиладиган илм бўлиб, бунинг учун муриддан таълим олиш шарт эмас. Агар мурид бутунлай пок юриб, ўзини Ҳаққа бағишласа, пирсиз ҳам олимлик мақомига эришиш мумкин.

¹³ *Вуқуфи замоний* — вақтдан огоҳлик. Солиқнинг ҳамма вақт ўз фаолиятидан, яъни ҳар бир нафаснинг тўғри ёки хато бўлаётганини кузатиб, огоҳ бўлиб туришидир. Агар амал тўғри бўлаётган ва унга шукр айтаётган бўлса, яна бир марта шукр айтиб, Оллоҳдан шу йўлда кетишда мадад сўрайди. Агар солиқ хато қилса, ёки гуноҳ содир этиб унга тавба қилган бўлса, ўз истигфори яна такрорлаб, амалининг хатосиз бўлиши учун Оллоҳдан кўмак сўраши лозим.

